

Аҳмад Лутфий

Саодат асри қиссалари

Буюк фатҳ

4-китоб

Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон
таҳрири остида

“Шарк” нашриёт-матбаа
компанияси
бош таҳририяти
ТОШКЕНТ – 2006

ТАНИШТИРУВ

Мана, саодат асридан ҳикоя қилувчи асарнинг ниҳоят тўртинчи китоби ҳам қўлингизда. “Интизор қутилган тонг», «Ойдинликлар сари», «Оламларга порлади қуёш» деб номланган олдинги уч китобини хузур билан, шимиб ўқиб чикканингиздан хабаримиз бор. Давоми қачон чиқаркин, деб интиқ бўлиб юрганларингиз, тўғридан-тўғри бизга учраб ёки орқаворотдан суриштиравериб таржимани тезлаганларингиз бу асарга берилган энг юксак ва самимий баҳоларингиз деб биламиз.

Бундай караганда, бу китобда баён этилганлар ҳам бир тарих — Исломи дини тарихи, Пайғамбаримиз (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) тарихлари. Воқеалар таниш. Айни чоғда, бу асарнинг бошқа тарихий китоблардан фарқи воқеалар кетма-кетликда бир ипга тизилиб, адабий усуллар билан йўғрилиб ифодаланганидир. Шунинг учун оммабоп ва ниҳоятда ўқишли чиққан. Жаноби Ҳақ муаллифимизга лутфи ила, карами ила муомала қилсин.

«Саодат асри қиссалари» Аҳмад Лутфий Қозончини ўзбек ўқувчисига танитди. Нафақат танитди, балки севдирди. Бу асар дастлаб «Шарк юлдузи» журналида 1996—1998 йиллари икки ярим йил давомида кетма-кет чоп этилди. Ҳатто журнал 1998 йилги 6-сонидан тўлиғича шу асарга ўрин берди. Дастлаб унинг таржимаси ва таҳририда Маҳмуд Саъдий, Нодир Ҳасан, Нарғиза Раҳмат қизи, Муҳаммад Зариф Ҳикаматзода, Абдуллоҳ Мурод Тилав ўғли, Даврон Қобил ва бошқалар иштирок этишди. Умумий таҳрири кейинги китобларнинг таржимаси каминага насиб қилди. Ҳали асар журналда эълон этилаётган пайтдаёқ мавзу режасига киритиб, сўнгра кетма-кет босиб бераётган “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси маъмурияти ва Бош таҳририяти ижодий ходимларининг ҳиммат ва ғайратларини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Аллоҳ таоло ҳаммаларидан рози бўлсин ва савобларини қупайтириб берсин.

Одатда, асарини ўқиб эгасининг иқтидорига баҳо берилади. Маъқул келса, шахсиятига ҳам қизиқиш пайдо бўлади Шубҳасиз, «Саодат асри қиссалари»ни ўқий бошлаганингиздан унинг муаллифи ким, қанақа одам деган саволлар ҳаёлингизга келган. Уни яқиндан танишга иштиёқ

туғилган. Шу маънода ушбу китобда Аҳмад Лутфий Қозончини бир оз бўлса-да танитишни лозим кўрдим. Бунинг учун «Шарқ юлдузи» журналининг 1997 йил 6-сонидан эълон этилган кичкинагина сафар хотирамни илова қиламан. Албатта, бу мақола муаллиф шахсиятини тўла очиб беролмас, аммо илк таассуротлар сифатида сизларга ҳам фойдали бўлади деб умид қилдим.

АҲМАД ЛУТФИЙ ҚОЗОНЧИ ҲУЗУРИДА

Шу йил ("Шу йил" деганда ушбу мақола ёзилган ҳамда "Шарқ юлдузи" журналида эълон қилинган 1997 йил назарда тутиляпти. (Н.М.Р.) рамазон ойининг иккинчи ярмида Туркия Диёнат вақфининг даъватлиси ўларотқ таниқли ва сеvimли ёзувчимиз Тоҳир Малик иккимиз Туркияда меҳмон бўлдик. Боришимизга мезбонлар биз учун махсус икки ҳафталик дастур тайёрлаб қўйишган экан. Бир-икки йил бурун Ўзбекистонда Туркия Буюк элчихонасининг диний ишилар бўйича мушовири вазифасида ишлаб кетган, эндиликда Диёнат вақфининг масъул маъмури бўлиб ишлаётган Ризо Салим Бош афанди сафар дастури билан бизларни батафсил таништирди:

- Буниси ҳозирча хомаки мулжал. Туркияда яна қаерларни ва кимларни зиёрат қилишни истасаларинг, айтинглар, сизларнинг хоҳишларингни инобатга олиб, тўлдирамиз, — деди нҳоятда меҳмоннавозлик ила.

— Чанокқалъани бориб кўрсак, — дедилар Тоҳир ака.

- Мумкин бўлса, Бурсада Аҳмад Лутфий Қозончи билан учрашиш ниятимиз бор эди, у киши бизнинг муаллифимиз, — деб истак билдирдим мен.

Мезбонлар бажонидил рози бўлишди ва сафар дастуримизга иккала таклифимизни ҳам киритиб қўйишди.

Чанокқалъа Туркия тарихининг шонли саҳифасидир. У ёғи Оврупага уланиб кетадиган Эгей денгизи билан Туркиянинг ичига ёйилган Мармара денгизининг буғозига жойлашган бўлиб, ҳарбий аҳамияти нҳоятда каттадир. Аср бошидаги пойтахт Истанбулнинг денгиз йўли дарвозаси бу буғоз. Шу боис Биринчи Жаҳон урушида халирфлик бу қалъанинг ҳимоясига ҳаёт-мамот масаласи деб қараган ва инглиз, фаранг, ўрис ва юнон босқинчиларига қарши урушда биргина Чанокқалъанинг ўзида икки юз эллик мингдан зиёд шаҳид берган. Бутун Туркияни душманлар ишғол этган, аммо Чанокқалъа каттиқ тургани учун Истанбул омон қолган!

Тарихнинг бу парчасини халқ бениҳоя эъзозлайди. Чанокқалъа ҳақида шеърлар, дostonлар, қўшиқлар битилган. Тарих Чанокқалъа қаҳрамонлари ва шаҳидларини номма-ном билади, ўша атрофда яшайдиган одамлар уларнинг ҳар бири ҳақида соатлаб сўзлаб беришлари мумкин. Буюк шоир Меҳмет Окифнинг «Туркиянинг ҳар бир қарич ери мукқаддас, ҳовучингга олиб сиксанг, шаҳид сони томади», деган маънода сатрлари бор.

Хуллас, орқаваротдан эшитганимиз ва билганимиз бу маълумотлар Чанокқалъани зиёрат этишга бизларни ҳаваслантирган эди. Аммо тафсилоти алоҳида мавзу. Ҳозир ниятимиз Бурса шаҳрига сафар ва «Шарқ юлдузи» ойномасининг муаллифи Аҳмад Лутфий Қозончи билан учрашув ҳақида сўзлаб беришдир.

Мухтарам ўқувчиларимизга маълумки, Аҳмад Лутфий Қозончининг «Саодат асри сиссалари» туркумидан сеvimли Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таржимаи ҳоллари ва Ислом тарихини бадийий йўсинда ёритган олти жилдлик (Аслида олти жилддан иборат бўлган асар қисқартирилмаган ҳолда китобларнинг ҳажмини катталаштириш ҳисобига ўзбекчада тўрт жилдга келтирилди. (Мухаррир) асари ойномамиз саҳифаларида 1996 йил 1-сонидан бошлаб муттасил эълон қилиниб келяпти. Асар илк саҳифалариданок мухлисларимизнинг эътиборини жалб этди. Чиройли ва енгил услуби, ширали тили, нозик ўхшатишларию ўрнида ишлатилган киноя-қочиримлари уни нҳоятда ўқишли қилган. Энг

муҳими, муаллифнинг самимиятини ва билимининг кенглигини ҳар бир сўздан ҳис этиб турсиз.

Асарни нашрга тайёрлаш жараёнида, табиийки, Аҳмад Лутфий Қозончи шахсиятига, ижодига кизиқишим ортди. Хат ёзиб айрим маълумотларни сўрашни ва иложи бўлса, “Шарк юлдузи”га икки оғиз сўз ёздириб олишни кўнглимга тугиб қўйдим. Мана, энди Жаноби Ҳақ инояти-ла ўша орзуимга етказиб, Туркияга боришни менга нисиб этди ва Аҳмад Лутфий афанди билан бевосита кўришиш имконини берди.

Бурса Турк султонлигининг қадим пойтахтларидан бири экан. Истанбулдан Чанокқалъага кетаверишда йўл устида бўлганидан, аввал Бурсага кириб ўтдик.

Рамазони шарифнинг 25-куни. Бурса университетининг Илоҳиёт факултаси. Аҳмад Лутфий афандимиз шу даргоҳда ишлар эканлар. Қалбда ҳаяжон ила юкори каватларга чика бошладик. Бизни факулта декани кутиб олди. Ярим соатдан мўл суҳбатлашдик. Уқиш-уқитиш тизими, талабалар ҳаёти ва маишати хусусида маълумотлар олдик. Суҳбат асносида “Шарк юлдузи” ойномамизнинг “Саодат асри қиссалари”дан «Интизор кутилган шафак» ва “Ойдинликлар сари” қиссалари босилган тўрт сонини кўрсатдим. Аҳмад Лутфийнинг бу асарлари ниҳоятда кизиқиш билан ўқиладганини айтдим. Декан ўзининг асари чоп этилгандай хурсанд бўлиб кетди. Дарров телефон рақамларини тара бошлади.

— Устоз Аҳмад бей, фурсатингиз борми, сизга Ўзбекистондан мусофирлар келишган, — деди. Симнинг у бошидан розилик билдирилди, шекилли: — Жуда соз, ўн даткикадан кейин борамиз, — деб қўшиб қўйди.

Деканнинг бу муомаласи диққатимни тортди. “Бу ёққа келиб кетсангиз», демади. «Ҳозир борамиз»-, деди. Бу нарса ўзаро муомала одобининг баландлигидан ҳамда Аҳмад Лутфий афандининг университетда обрў-еътибори юксаклигидан далолат берар эди.

Ниҳоят, мухтарам муаллифимизнинг ҳузуридамиз. Менга бу одам бир кўрганимдаётқ ётқиб қолди. Йўқ-йўқ, шошилиш хулоса чқармаяпман. Шунчаки, асарини ўқиб севиб қолганим ва ниҳоятда самимий деб тасаввур қилганим одам билан ҳозир кўриб турганим одам бир хил, балки зиёда бўлиб чиққан эди.

Таржимаи ҳолига тегишли баъзи маълумотлар: 1936 йили Туркиянинг Чурум туманида туғилган. Бошланғич мактабни ва имом-хатиб литсейини шу туманда битирган. 1964 йили Истанбул Олий Ислом институтини муваффақиятли тамомлаб, Чурум, Сиирт, Испарта шаҳар ва туманларида дин хизматларида ишлаган. 1977 йили Бурса Олий Ислом институтига араб тили ва адабиёти бўйича асистент бўлиб ишга кирган. Ҳозир Бурсадаги Улудоғ университетининг Илоҳиёт факултасида Ислом тарихи бўлимида хизмат қилаётир. Профессор. Дин тарихига, диний масалаларга, ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) ва саҳобаларининг ҳаётларига бағшланган йигирмадан ортитқ номдаги (30 жилдга ятқин) китобларнинг муаллифидир. Булардан ташқари яна тўртта роман ҳам ёзган.

Аммо суҳатимизнинг бошида мен ҳали б у маълумотларни билмас эдим.

— Ўзбекистондан сизга саломлар келтирдик, - дедим. Асари чоп этила бошлаган ойнома нусхаларини столи устига қўйдим.

Аҳмад Лутфий ғоят сеvingани юз-кўзларидан билиниб турар эди. Бошланғич саҳифанинг у ётқ-бу ёғига қараган бўлди-да, афсусланганнамо оҳангда:

— Бу ўрис харфларини танимасам... Ўзингиз ўқиб берақолинг, — дея илтимос қилди.

Муаллифнинг исми, асар номи келган жойдан бир оз ўқиб бердим.

— Ўзбекистонга борганмисиз? — деб сўрадим сўнгра. Аҳмад Лутфий афанди бош чайқади:

— Ўзбекистонни, умуман Туркистонни жуда севаман. Соғиниб яшайман. Аммо ҳозиргача у ёқларга бориш насиб этмади. Бир гал мени ҳам сафарга таклиф қилишди, «Нима мақсадда

бораман?» деб сўрасам, “Шунчаки зиёрат қилиб келасиз”, дейишди. “Шунчаки”га кўнмадим, бир иш билан, бирор мақсадда бўлса, майлийди... Аммо, Ўзбекистонга бориш орзуидаман.

Камтарилик ва фидоийлик. Қимматли вақтини “шунчаки”га сарфламайдиган ғариб инсон.

— Энди борсангиз, бўлади. Энди “шунчаки” бўлмайди. Чунки энди Ўзбекистонда кўпминг сонли ўқувчингиз бор. Сизни танишади, сизни севишади. Учрашасиз, дардлашасиз, — дедим кўнглини кўтариб.

— Иншаоллох, илк имконият туғилганидаёқ учиб бораман, — деди Аҳмад Лутфий севинч ила.

Бошка яна қанака китоблар ёзганини суриштирдим. Аҳмад Лутфий афанди ўрнидан турдида, ёнбошимиздаги жавондан бирин-кетин китоблар олиб столга қўя бошлади. Ўх-хў. “Ислонда ирода, қазо ва қадар” (1966), «Нубувват булоғидан» (1978), «Пайғамбаримизга нима сабабдан ишонмадилар» (1983), уч жилдлик “Ҳазрати Одамдан Хотамул Анбиёгача” (1990), романлар, янги тадқиқотлар... Ўрта бўй, кичикроқ жуссали, юз-кўзларидан нур ёғилиб турган бу камтарин инсон шунча ишга қандай улгурди экан, деб лол қолади киши. Шунда мен бир ҳақиқатни англадим. Даъвони катта қилиб юргандан кўра, бир чеккада, бир столда, ўзининг салоҳияти ва имконияти доирасида иш қилган фойдалироқ ва самаралироқ экан. Умумий дин ташвишини “чекиш”дан кўра, диний хизматга хусусий ҳиссасини кўпиш афзалроқ экан. Ҳамма ўз вазифасини, имкониятини билса, динимнинг равнақи шахсан менинг ҳаракатимга боғлиқ, деб тушунса, қандай яхши. Шунда умумий манзарада улкан хизмат юзага келади, Улуғ Мавлоимиз ҳам шу ҳаракат туфайли фазли ва нусратини беради, иншаоллох.

Аҳмад Лутфий афанди бир нечта китобига дастхат ёзиб Тоҳир ака иккимизга тақдим этди. Ўзбек ўқувчиларига икки-уч оғиз хитобнома ёзиб, орқамиздан жўнатишга ваъда қилди.

Биз бу ажойиб инсон билан узоқ вақт бирга бўлмадик. Сафар дастуримиз ниҳоятда тиғизлигидан бор-йўғи бир соатча суҳбатлашдик. Аммо шу бир соат ҳам бир-биримизга меҳр қўйишимизга, қалбларимиз бир-бирига боғланиб кетишига, ўзаро минг йиллик кадрдонлардек, ака-укалардек бўлиб қолишимизга кифоя қилган эди.

Қучоқлашиб хайрлашар эканман, кўзёшларим юракларимга оқаётгандек бўлди.

Сўнгра Бурсадан чиқиб, Чаноққалъа сари йўлимизда давом этдик.

**Нуруллох Муҳаммад Рауфхон,
1997 йил рамазони тариф
Туркия, Бурса.**

Дарвоқе, асарини ўқиб эгасини танишга истакнинг уйғониши инсоннинг латиф хусусиятларидандир. Бу истакка том маъноси-ла қулоқ солинса, бу хусусият одамни асарларини кўриб, ўқиб, ўрганиб Эгасини, Ижодкорини, Яратувчисини, Тарбиячисини, Бошқариб турувчисини танишга, билишга етаклайди. Яъни, биттагина китобчани ўқиб уни ёзган одамга қизиқамиз-ку, нега энди бутун Коинот китобини ўқиб туриб, унинг Ижодкорини танишга интилмай-миз? Зотан, ушбу китоблардан кўзланган мақсад ҳам шу — Аллоҳимизни, пайғамбаримизни, динимизни яхшироқ танитиш ва севдириш эди. Менимча, Аҳмад Лутфий Қозончи бу эзгу ниятига етган.

Гўзал ишга озгина ҳиссамиз қўшилиб қолгани учун дуоларингизда муаллифга қўшиб бизларни ҳам эслаб турасизлар деб умид қиламиз.

Муҳаррир

ҚАДРЛИ ЎЗБЕК ЎҚУВЧИЛАРИГА

Жаноби Расулulloҳ(соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни танитиш ниятида хозирлаганим ушбу олти жилдлик китобнинг ўзбек тилига ўтирилгани мени ғоят бахтиёр қилди.

Аллоҳ яратган энг кимматли инсон Удир. Ҳар сўзига эргашиладиган, ҳар ишидан ўрнак олинадиган инсон Удир. Эртага Улуғ Мавлоимиз хузурида ҳисоб берарканмиз, бизларни у зот келтирган китобга кўра ва у кишининг суннатларига уйғун тарзда қилган амалларимиз, у инсон сийратларига мувофиқ ҳолда яшаганимиз қутқаради. Чунки у зот бизга Аллоҳ рози бўлган динни ва яшаш тарзини ўргатгандирлар.

Инсонлар орасида танилиши энг лузумли бўлганлар пайғамбарлардир. Пайғамбарлар орасида энг кўп машхур ва танилиши мажбурий бўлгани эса, бизнинг пайғамбаримиз Муҳаммад ал-Аминдир (с.а.в.). Аммо бизнинг вазифамиз фақат таниш эмас, ҳаётимизни у кишининг ҳаётларига қиёслаб қусурларимизни тузатиш, яхшилик, тўғрилиқ, гўзаллик сари ҳар куни яна бир одим отишдир.

У зотнинг кечиримликлари, сабрлари, хушкўринишлари ва одамлар билан хушмуомалалари... бизга янги-янги уфқлар очиши лозим; душманлари ҳам қусур тополмаган ва “ал-Амин” (ишончли инсон) номини берган бу буюк инсоннинг фазилатларидан бизда ҳам бир чимдим гўзалликлар бўлиши керак.

У зотни танигандан кейин ташланадиган иккинчи одим бошқаларга ҳам танитмақдир. Аммо бу иш ғоят шарафли, шараф бўлгани қадар оғир бир вазифадир. Чунки пайғамбарни танитаётганида: “Менинг пайғамбарим кечиримли эдилар, сабрли эдилар, хушмуомала эдилар...” деган одамга тингловчилар: “У ҳолда, домлам, ўзингиз нега кечиримли эмассиз, хушмуомала эмассиз?...» деб қолмасликлари керак. “Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) пок-покиза эдилар, покизалиқни ва покиза бўлганларни севардилар», дея жаноби Расулulloҳни танитишга чиққан бир инсоннинг кийими, бадани ва кўнгли покиза бўлмаса, у инсон пайрамбарини танита олмайди.

Пайғамбар (с.а.в.) жанобимизни ва у зот келтирган аҳкомни (ҳукмларни) яхши ўрганишдан келадиган бир фойда шуки, Ислому оламининг орқада қолиш сабабларини англаш йўллари очилади. Чунки Улуғ Аллоҳнинг ва севгили Пайғамбарининг аҳкомлари ила амал қилиш инсонларни ва миллатларни энг тўғри, энг соғлом ва энг мукаммал ҳаётда яшашга ўтказди. Бизнинг бугун дунё харитасида маълум бир мавқе эгалламай турганимиз ва, асосан, орқа сафлардан жой олганимиз сабаби Жаноби Расулulloҳни (с.а.в.) ва у киши келтирган аҳкомни яхши танимаслигимиз ва таниш йўлида ҳаракат қилмаётганимиздир.

Узоқ йиллар давомида оғир босқи остида нафақат динни, балки ўзининг менлигини ҳам унутаязган ўзбек халқининг янгидан уйғониш ичида эканини кўриб турибмизки, бу нарса бизни бахтиёр этади. Қолаверса, Севгили Пайғамбаримизни ҳам бизнинг китобларимиздан таниётганлари биз учун буюк бир саодатдир ва бу саодатни дунёнинг моддий қийматлари ила ўлчаб бўлмайди.

Ўзбекистон менинг боболарим келган юртдир. Аждодларимиз у ерда туғлишган, ўша ерда яшашган, Онадўлига маданиятни ўша ёқдан келтиришган. Улар яшаган у гўзал ўлкага бориш ва улар нафас олган ҳаводан нафас олиш хозирча бизга насиб бўлмади. Аммо, ҳеч бўлмаса, китобларимиз борибди, ўқияпти экан, у тилларга ўгирилибди. Бу жихатдан ўзимни бахтиёр бир инсон ҳисоблайман.

Китобимни ўзбек тилига ўгирганларга ташаккур этаман, ўқиганлардан дуо умид қилиб қоламан.

Аҳмад Лутфий ҚОЗОНЧИ
1997 йил 17.06.

ҲОЛАНИНГ КЕЛИШИ

Расулulloҳ(с.а.в.) жанобимиз ҳазрати Ойишанинг (р.а.) хужрасида эканларида бир куни эшиклари тақиллади.

— Ассалому алайкум, кирсам майлими?.

Овоз аёл кишиники эди. Таниш овоз. Расули акрам (с.а.в.) севинчдан титраб кетдилар ва: «Аллоҳим, ўзингга шукр! Ҳола келди!» деб юбордилар.

Ҳола ҳазрати Ҳадича (р.а.) онамизнинг сингиллари эди. Ора-сира Саййидул анбиёни (с.а.в.) зиёрат қилиб турар, суҳбатларини тинглаб кетар эди. Зоти рисолат (с.а.в.) ҳар гал у келганида мамнун бўлар, вафоли ва фидокор хотинларининг азиз хотиралари ила тўла кунларни ёдга олар эдилар.

Лекин шунисини ҳам айтиш керакки, Ҳоланинг келиши туфайли пайдо бўладиган бу ўлчовсиз мамнуният ҳазрати Ойишага оғир ботар, яхшигина асабийлаштирар эди.

Бу дафъа ўзини тутиб туролмади:

— Тишлари тушган, чаккалари тиришган ўша хотинингизни ҳеч унутмайсиз-а!.. Худди дунёда Ҳадичадан бошқа хотин йўқ!.. Ўтиб кетган ва унинг ўрнига Аллоҳ сизга янада яхшисини берган бўлса!.. — деяверди.

Рашк туйғуси суйлаттираётган бу сўзларга жавобан Расулulloҳ (с.а.в.):

- Йўқ, Аллоҳ менга ундан яхшисини бермади. Одамлар мени инкор этганида у ишонди. Одамлар мени ёлғончи деганида мени тасдиқ этган у бўлди. Халқ мени махрумиятда қолдирмокчи бўлганида у мен учун молини сарф қилди. Ҳеч бир хотиндан фарзандим бўлмаган ҳолда Аллоҳ таоло унинг воситасида менга фарзандлар ато этди, — дедилар.

Расулulloҳнинг (с.а.в.) пешоналаридаги томир бўртиб чикди. Хаяжоиланаётганларидан далолат эди бу. Қолаверса, овозларидан ҳам ҳаяжонлари маълум эди.

Ҳазрати Ойиша бу ҳакли сўзларга қарши “Йўқ, мен ундан яхшиман, энди менинг олдимда унинг номини тилга олманг!» дея олмасди. Зотан, Расулulloҳнинг (с.а.в.) уни ғоят буюк бир севги билан севишларини биларди. Аммо, яна шуни ҳам билиб олдики, Жанобимиз хотинларидан бирини севарканлар, бошқларининг ҳаққига ҳам тўла риоя этар эдилар.

Бинобарин, ҳазрати Ойиша ўзи ҳам ҳаққа бўйин эгиши, Расулulloҳ жанобимизни хурсанд қиладиган ишни қилиши лозим эди.

— Сизни ҳақ дин ила юборган Аллоҳга қасамки, бундан буён уни фақат яхшилик билан ёд этаман, — деди.

Ҳазрати Ойиша (р.анхо) ҳазрати Ҳадичани (р.анхо) ҳеч кўрмаган эди. Чунки у охират оламига сафар қилганидан уч йил ўтибгина Пайғамбаримизга (с.а.в.) никоҳланган. Бу кунларда унинг етти нафар кундоши бор, лекин энг кўп рашк қиладигани йилларча аввал оламдан ўтиб кетган кекса хотинлари эди.

Анбиё ва расулларнинг фаҳри Жанобимиз (с.а.в.) баъзан бир қўйни сўйиб, нимталаб, ҳазрати Ҳадичанинг уртокларига, дўстларига жўнатиб турар, бу билан унга бўлган боғлиқликларини, муқаддас эҳтиромларини давом эттирар эдилар. Доим унинг яхшилигидан сўзлаб юрар, “Аллоҳим, уни мағфират қил, уни кечир”, деб дуо қилар эдилар.

Бу боғлиқлик унинг ўлиmidан кейинги шундай давом этди, охиратда ҳам давом этажакдир.

Ҳазрати Ойиша ёш эди, чиройли эди. Закий ва ақлли эди. Ҳеч шубҳасиз, яшаб турган завжалари орасида энг севимлиси эди. Расулulloҳнинг (с.а.в.) уни нақадар севишларини ўзи ҳам исми каби биларди. Аммо ҳазрати Ҳадича ҳақидаги юқоридаги сўзларини айтган палла Жанобимизни хафа қилган, ҳақсизлик этганини англаган эди.

Ҳаётларининг энг аччиқ энг хузунли йилларини фавқуллода фидокорлик-ла, ниҳоясиз бир севги ва ҳурмат-ла ёнида кечирган, энг кўп сикилган паллаларида ёнбошларида туриб берган, бутун бойлигини амрларига тахсис этган хотинларига бевафоларча муносабат Расули акрамдан

алсо кутилмайди. Инсониятга вафокорликнинг энг гўзал намуналарини келтирган, аҳдига вафо қилмайдиганларни мунофиқликнинг аломатларини ташувчи бир киши сифатида танитган Жанобимиз ҳазрати Ҳадича ҳақида, “ўлиб кетдику”, дегайдай маънода ўйлай олармидилар?!

Ғоят сиқинтили кечган ўша кунлардан бирида Жаброили Амин (а.с.) келди. “Жаннатда ҳазрати Ҳадичага шовкин-сурон эшитилмайдиган, сассиз, сокин, ҳузурли бир ҳаёт суриладиган мукамал бир саройнинг ҳозирлаб қўйилганини” билдирди ва пайғамбарлар имоми бу муждани ўша захоти етказдилар* (Бухорий, 4/231). Бошқа бир куни ваҳий малаги хос ўларок ҳазрати Ҳадичага Аллоҳнинг саломини келтирди, ўзининг номидан ҳам салом таблиғ этишни Расулуллоҳдан (с.а.в.) сўради.

Набиййи акмал (с.а.в.) ўттиз саккиз йиллик оилавий ҳаётларининг йигирма олти йилини ёлғиз ҳазрати Ҳадича билан кечирдилар, унинг севгисига бошқа бир севгини аралаштиргилари келмади. Ҳолбуки, ҳазрати Ҳадича Расули мужтабодан (с.а.в.) ўн беш ёш катта эди.

Ойиша онамизнинг бу эътирозини ва пайғамбар жанобимизнинг унга берган жавобларини Ҳола эшитдимиз? Бу гап-сўзлар унинг ёнида кечдимиз ё у кетганидан кейин бўлиб ўтдимиз?.. Бу саволларнинг жавобини билмаймиз*. (Фатхул Борий, 7/103)

Билганимиз — борлиқ оламининг ягона ва мислсиз Жанобига ва у зотнинг севгили хотинларига нисбатан кўнгилларида сақланадиган ҳурмат ва муҳаббат жавобсиз қолмаслигидир, эртага — бутун ҳукмлар танҳо ва олий даргоҳдан чиқадиган жазо ва ҳисоб кунида “Севганлар севганлари билан бирга бўлади” деган ҳақиқатдир.

Аллоҳим, Аллоҳим!..

ХАСТА ЗИЁРАТИ

Бир куни Расулуллоҳ (с.а.в.) ёнларига бир неча биродарларини олиб, хаста зиёратига бордилар.

Касал киши ориқлаб кетган, кушдай бўлиб қолган эди. Хасталик бир инсонни шу даражада еб битираётган эди. Ҳол-аҳвол сўрашди. Оғир кунлар орқада қолган бўлсин, диб тилак билдиришди. Сўз орасида пайғамбарлар султони (с.а.в.) ундан:

- Ўзингга қандай дуо қилиб юрардинг? — деб сўрадилар.

- Эй Аллоҳнинг пайғамбари, дуоларимда: “Аллоҳим, менга охиратда берадиган азобингни бу дунёда тортир, токи у ерда азоб кўрмайин», деб ниёз қилар эдим, — деди хаста.

Бу дуо охиратга имон кучидан туғилган эди. Мабодо бирор жазо кўриши лозим бўлса, уни бир куни мутлақо битадиган мана шу дунё ҳаётида кўришни, абадий бўлган охират ҳаётида эса роҳат кўришни, бахтли бўлишни истаган эди. Аммо бундай тушунчага у жаноби Расулуллоҳдан сўрамасдан, у зотнинг нима дейишларини билмасдан ўзи келган ва хато қилган эди. Дарҳақиқат, набийлар сарвари(с.а.в.):

— Субҳаноллоҳ! Сен бунга бардош бера олмайсан. “Аллоҳим, бизга дунёдаги яхшиликларни ҳам, охиратдаги яхшиликларни ҳам бер ва бизни жаҳаннам азобидан асра” (Роббана атина фиддуња хасанатан ва фил ахироти хасанатан ва қина азабан нар) деб дуо қилсанг бўлмасмиди? — деб танбеҳ бердилар.

Салдан кейин Жанобимиз (с.а.в.) ва биродарлари у ердан чиқиб кетишди. Уларни хорғин ва мажолсиз кўзларда балққан миннат туйғулари кузатиб қолди. Оламларга раҳмат бўлган зот унга Аллоҳнинг раҳматини келтирган эдилар. Улуғ Мавло мағфирати сўнгсиз, афви чексиз эканини англашиб кетдилар. Ўрнидан кўзғалишига ҳам мажоли бўлмаган бу хаста у зот чиқиб кетишлари билан «Роббана атина фиддуња...» дуоси ила Мавлосига илтижо эта бошлади.

Ҳадис китоблари биз номини билмайдиган бу хастанинг кундан-кунга сихат ва офият топиб кетганини қайд этганлар*. (* Муслим, 4/2068.)

Бир куни Мадинага чинор шохларидай бўй-бастли, куч-куватли икки одам келди. Ҳар иккиси ҳам соқолсиз, аммо мўйловларини узун қўйишган эди. Набийи ақрам (с.а.в.) жанобимиз уларга кўзлари тушган захоти:

— Шўринглар курсин, бундай қилиб юринглар деб ким сизларга буюрди? — деб сўрадилар.

— Хужайнимиз буюрди, — деб жавоб қилишди мусофирлар.

— Аммо менинг Эгам менга соқолимни узун қўйиб юборинши, мўйловимни қискартиришимни амр қилган.

Мусофирлар Мадинадаги вазиятни кўзлари билан кўришгач, зиммаларига юклатилган топширикни бажариш имконсиз эканини ўша захоти англаб етишди. Улар Кисронинг амри билан Яман волийи Бозон юборган одамлар эди: “Биз бу ерга пайғамбарликни даъво қилиб чиққан одамга насихат этмак, тингламаса, калласини олиб кетмак учун келганмиз...” дейишга ўзларида жасорат топишмади. Расулulloҳ (с.а.в.) жанобимизнинг атрофларида парвона каби айланишиб юрган, хурмат ва муҳаббати ҳеч қандай ўлчовларга сиғмайдиган бу кишилар ҳам уларга: “Ҳай-ҳай, бир нарса дермидик!.. Биз кисрога миннат бурчи бўлган кимсалармиз, бир эмас, минг калла фидо бўлсин...” деган жавобни беришмасди, албатта. Хозир бу таклифни айтиш билиб туриб жонини тахликага ташлашдан бошқа нарса эмасди.

Демак, ишни олижаноблик билан ҳал этишдан бошқа чора йўқ эди. Аммо, айна чоқда, келиш мақсадларини билдирмасдан кетишни ҳам исташмади. Расулulloҳ жанобимиз уларнинг сўзларини тинглаб бўлганларидан сўнг:

— Жавобини эртага айтаман, — дедилар.

Мусофирларни Мадинада бир кеча мехмон қилишди.

Эртаси куни эрталаб уларни хузурларига чорладилар ва:

— Бу кечанинг олти соати кечиб, еттинчи соатида Кисро ўлдирилди. Уни ўғли Шерувайх ўлдирди, — деб хабар бердилар.

Элчилар доводи раб қилишди.

— Сен нима деяётганингни биласанми? Бу хабарни волийимизга олиб боргандан кўра сени ўлдириш бизга осонроқдир. Бу сўзларингни ёзиб волийимизга билдирсак бўладими? — дейишди.

— Ҳа. Буни мендан унга хабар беринглар ва айтингларки, менинг диним ва ҳаққониятим Кисронинг ҳукми борган жойларгача, от ва туялар бора оладиган ерларгача етажакдир. Волийингизга яна айтингларки, агар мусулмон бўлса, уни ўз ерида яна волий қилиб қолдираман, қавмининг подшохи қилиб қўяман.

Мехмонлар иззат-икромлар кўриб, ҳадияю совға-саломлар олиб Мадинани тарк этишди. Ҳар иккисининг ҳам кўнглига бир нарса ўрнашди: Аллоҳнинг расули (с.а.в.) ҳар ҳоли ила севилишга ва хурмат-эътиборга лойиқ бир инсон экан!

Амир Бозон элчиларининг бўш қўл билан қайтишларини сира кутмаган эди. У иккала одам эса, қўллари бўш бўлса-да, кўнгиллари фатҳ қилинган ҳолда келишди. Ўлигини ё тиригини келтириш вазифаси билан кетишган эди, энди у одамлар мақтовдан бошқа сўз сўзлашмасди. Гап орасида Расули ақрам (с.а.в.) жанобимиздан эшитган хабарни ҳам егказишди.

Аҳволнинг муҳокамаси учун тўпланганлар бир оз кутиб туришга қарор қилишди. Пайғамбар жанобимиз айтган вақт ҳисобга олиб қўйилди ва энди Эрон тарафига кўз тика бошлашди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, янги кисродан элчи келди. Янги кисро отасини халққа кўрсатган зулми сабабидан шахсан ўзи ўлдирганини билдирибди. Мактубда Расулulloҳга (с.а.в.) кўпол муомала қилмаслик тавсия этилган эди.

Элчининг хабари аниқлаштирилган эди, кисронинг ўлими Расулulloҳ (с.а.в.) айтган паллага тамоман уйғун келди. Кисронинг ўлимидан, ўлдирилган пайтидан, уни ким ўлдирганидан хабар бериш билан Жанобимиз (с.а.в.) пайғамбарликлари масаласида бир қарорга келишлари учун мукамал сабабни ўртага қўйган эдилар.

Амир Бозон ҳақпараст одам эди. Мадинага юборган икки одамини такрор хузурига чакирди. Пайғамбар (с.а.в.) ҳақларида яна батафсилроқ билгилар беришни сўради.

— Ундан виқорли, ёнидагиларга ундан ҳам кўп ҳурмат кўрғазган кишини хали кўрмаганмиз. Ўзини катта олишни билмайди, халқ орасида халқнинг бири каби яшайди, — дейишди.

— Ёнида кўрикчилари бормиди?

— Йўқ.

Бозонга шунисиёқ етди. Ишни чўзиб ўтиришдан фойда йўқ эди. Ўша захоти қарорини билдирди:

— Мен Исломи динини қабул қиламан, — деди.

— Биз ҳам қабул қиламиз, эй амир! — дейишди бошқалар ҳам.

Тараддудсиз берилган бу қарор Мадинага етказилажак ва коинот саййидини (с.а.в.) мамнун этажак.

Ҳазрати Умар (р.а.) Расулуллоҳнинг (с.а.в.) хузуларида бир гуруҳ мўминлар билан ўтирган эди. Сухбат чоғи Расулуллоҳнинг атрофларида визиллаганга ўхшаш бир овоз эшитилди. Расулуллоҳ жим қолдилар. Ваҳий келаётгани англашилди. Баъзан ваҳий чоғи ари визиллашига ўхшайдиган овознинг эшитилиши асхоби киромга маълум эди.

Ваҳий ҳолатида эканларида Расули акрамни ҳеч ким безовта қилмади. Бир муддат ўтганидан кейин қиблага йўналдилар, қўлларини кўтардилар:

— Аллоҳим, бизни кўпайтир, камайтирма! Бизга икромда бўл, қийматсиз ҳолга туширма! Бизга мўл бер, маҳрум қўйма! Бизни устун қил, бошқаларни биздан устун этма! Бизни хушнуд қил ва биздан рози бўл!

Расулуллоҳ (с.а.в.) дуо қиларканлар, саҳобалари «Омин, омин» дея иштирок этишарди. Дуо тугагач, саҳобаларига ўгирилдилар:

— Менга ўн оят индирилди. Ким бу оятларнинг ҳукмларини чиройли ҳолда бажарса, жаннатга қиради, — дедилар ва Мўминлар сурасининг илк ўн оятини ўқий бошладилар: “Дарҳақиқат, мўминлар нажот топдилар. Улар намозларида (кўрқув ва умид билан) бўйин эғувчи кишилардир. Улар беҳуда-фойдасиз (сўз ва амаллар)дан юз ўгирувчи кишилардир. Улар закотни (адо) қилгувчи кишилардир. Улар авратларини (ҳаромдан-зинодан) сақлагувчи кишилардир. Магар ўз жуфти ҳалолларидан ва қўлларидаги чўрилардангина (сақланмайдилар). Бас, улар маломат қилинмаслар. Энди ким шундан ўзгани (яъни, Исломи шариатида ҳаром қилинган зино ва бошқа шу каби нарсаларни) истаса, бас, ана ўшалар ҳаддан ошгувчилардир. Улар (яъни, мўминлар) ўзларига (ишонилган) омонатларга ва (ўзгаларга) берган аҳду паймонларига риоя қилгувчи кишилардир. Улар (барча) намозларини (вақтида адо этиб, казо булишидан) сақлагувчи кишилардир. Ана ўшалар Фирдавс (жаннатига) меросхўр булгувчи ворислардир. Улар уша ерда мангу қолурлар»*(Термизий 5/326)

ХАНСА

Уҳуд уруши анча-мунча оилани паришон этган эди. Бир вақтлар юзлари шод-хуррамлик ила чарақлаган болалар энди етим, хотинлар тул... Эндигина ҳаётининг баҳорини яшаётган Ханса ҳам Уҳуд жанги тул қолдирган маҳзун аёллардан биридир.

Яқинда турмушга чиққан Ханса эри Увайсининг ортидан бир муддат кўзёши тўқди. Эри ўлган ҳар хотин каби у ҳам тўрт ою ўн кун мобайнида эрга чиқишни ҳаёлига ҳам келирмасдан, безанмасдан кунларни кечирди.

Орқама-орқа келаётган кунлар ва кечалар унинг ичларини парчалаган қайғуни оз-оздан аритиб кетаверди. Орадан ойлар кечди. Уҳуд жангидан кейин Хандақ ғазоти бўлиб ўтди. Сўнгра яна хафталар ойларга уланди. Ханса яна аввалги Хансага айланди. Фақат бир замонлар ғам-аламдан тарс ёрилай деган қалбида шаҳид эрига оид хотира қолган эди.

Иккинчи марта уйланиш ё эрга тегиш ҳеч кимга айб эмасди. Атрофда иккинчи, ҳатто учинчи бор оила қурган эркак ва хотинлар бор эди. Пайғамбар (с.а.в.) хотинларидан Умму Салама, Зайнаб, Хафса, Жувайрия оналаримизнинг бу турмушлари иккинчи турмуш эди. Бу ёшда аёл то ҳаёт охиригача тул қолиши тўғри эмас. Ханса ҳам ичида шундай орзу ҳис этарди. Такрор эрга чиқиши, такрор оила қуриши лозим. Аммо бу дегани «Ким бўлса ҳам турмушга чиқаман» дегани эмас. Амакисининг ўғли Абу Лубобага нисбатан ичида бир севги куртак ёя бошлади.

Бир оқшом отаси Ҳизом ғалати бир хабар олиб келди.

— Сени турмушга беряпмиз, қизим, — деди.

— Кимга беряпсиз мени, отажон? — деб сўради Ханса. Отасига марокли нигоҳ солди, аммо жавобни эшитиб, кўзларига тотсиз бир ифода инди.

— Нима гап? Хурсанд эмасмисан, қизим?

— Ҳа, хурсанд эмасман... Янаям очикроқ айтсам, мен у одамга тегмайман,

— Лекин мен сени никоҳлаб қўйдим-ку.

— Никоҳланган бўлсам ҳам, тегмайман. Ҳеч бўлмаса, бир марта мен билан маслаҳатлашишингиз керак эди. Сиз, қизимни бердим, дейиш билан ишингизни битирасиз. Ҳолбуки, мен у одам билан бир умр бирга яшашим керак.

Ота билан қиз ўртасида тушунмовчилик шу тариқа бошланди. Кунлар оғир кеча бошлади. Ота қизидан фидокорлик кутди, қиз отасидан тушунишни. Аммо ўтаётган кунлар иккала тарафни ҳам юмшатмади. Устига устак, бу воқеа Хансанинг қалбида ниш урган севгини янада орттирди.

Ниҳоят, бир куни Ханса ўрнидан шарт турди. Рўмолини олди, ўранди ва тўппа-тўғри масжидга қараб юрди. Умр бўйи хузурсиз яшашдан кўра, пайғамбарлар саййидига дардини англатишга, у кишининг тавсиясига биноан ҳаракат қилишга қарор берди. Унга бундан бошқа чиқар йўл йўқ эди.

Расулulloҳ жанобимизнинг хузурларига борди, ўзини танитди. Ухуд жанги тул қолдирган хотинлардан бириман, ё Аллоҳнинг пайғамбари, деганидан кейин:

— Отам мени мен хоҳламаган бир кишига зўрлик билан никоҳлапти, ҳолбуки, амакимнинг ўғли менга ундан севимлидир, — деди.

Салдан кейин бу бахтли хужрадан қалби куш каби енгиллашиб чикди. Келаётганида кўнглини тўлдирган дарддан, андишадан, хаяжондан асар ҳам қолмаган эди ичида. Энди кўнгли боши-адори йўқ бир бахтиёрлик денгизида сузаётган каби эди.

Ҳизом қизи келтирган хабарни боши эгик ҳолда эшитди. Ўрнидан сапчиб туриб, «Мен ҳеч кимга кулоқ солмайман, сўзим сўздир!» дея олмасди, албатта. Бир мўмин сифатида бундай йўлга кириши мумкин эмасди. Секин турди. Расули мукаррам (с.а.в.) ёнларига борди. Қизидан эшитганларини гапириб берди. Хозирга қадар ўртада кечган гап-сўзу воқеаларни тилга олди. Имомул анбиё (с.а.в.) масалани узил-кесил ҳал қилдилар.

— Уларни зўрламанглар!

Ҳизомга қиладиган бошқа иш, тутадиган бошқа йўл қолмаган эди. Шу қадарки, энди ҳеч ким уни сўзидан қайтганликда айблай олмасди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмайди ва Ханса орзуига уйғун ўлароқ. Абу Лубобага никоҳ қилинади*. (1 Бухорий, 6/135. «Фатхул Борий», 9/168)

АБУ УМАЙР ВА ПАЛАПОН

Анаснинг онаси Умму Сулайм Расулulloҳнинг хижратларидан кейин Абу Талҳага турмушга чиққан ва ундан бир ўғил кўрган эди. Исми Абу Умайр эди у боланинг.

Абу Умайр ўсиб, уч-тўрт ёшларга етиб қолди. Набийи акрам (с.а.в.) Абу Талҳа билан Умму

Сулаймни зиёрат қилишга келганларида ҳар гал Абу Умайрни суйиб-еркалайдилар, бошини силаб қўядилар. Бир куни отаси қирмизи тумшукли, катталиги чумчукча келадиган бир қуш тутиб берди. Абу Умайр роса кувонди. Шу кундан бошлаб вақтини шу қушча билан ўтказа бошлади. Қушга «Нуғайр» деб лақаб ҳам қўйиб олди.

Саййидул анбиё (с.а.в.) кейинги гал келганларида Абу Умайрни шу қуши билан ўйнашаётган ҳолда кўрдилар. Нақадар бахтли онлар унинг учун!

Аммо Абу Умайрнинг бу бахтиёр кунлари узоққа чўзилмади, хатто қайғуга айланди. Чунки Нуғайр бир куни ўлиб қолди. Абу Умайр роса кўзёш тўкди.

Расули акрам яна бир гал келганларида қушни кўрмадилар. Боланинг бошини силадилар.

— Эй Абу Умайр, Нуғайр қани? — деб сўрадилар.

— Ўлди, — деб жавоб қилди бола.

Ўшандан буён Расули кибриё қачон бу оилага келсалар

— Эй Абу Умайр, Нуғайр полапонинг қани?.. — деб ҳазил-ҳузул қиладиган, суйиб-еркалайдиган бўлдилар.

* * *

Бир куни Абу Умайр касалланиб қолди. Касали броман сари кучайиб, оиланинг қайғулари ҳам ортаверди.

Абу Талҳа ғоят яхши кўрадиган дилбандининг, куёш остида эриб битаётган қор каби, кундан-кунга сўниб бораётганини маҳзун бир кўнгил билан кузатиб турарди.

Бир куни Абу Талҳа зарур ишлар билан ҳар ёқларда анчагача қолиб кетди, лекин эс-ҳуши доим уйида — Абу Умайрда бўлди.

Бу ёқда эса, оқшомга яқин бечора бола охирги бор нафас олдию жони чиқди. Умму Сулайм ўзини йўқотиб қўймади: уни ювди, кафанлади ва уйининг бир бурчагига ётқизиб қўйди. Ўзи ошқор қилмагунича бирон кимса айтиб қўймаслигини қаттиқ тайинлади.

Абу Талҳа уйига кеч қайтиб келди. Келган заҳоти фарзандининг ахволини сўради. Жавоб эса, ғалати бўлди:

— Ҳеч бугунгидай тинч ётмаган...

Абу Талҳа чуқур бир нафас олди. Боланинг овози чиқмаганини унинг теран уйкуга кетганига йўйди. Овқатни ҳам қачондан бери илк бор хотиржам ҳолатда еди. Хуфтон намозидан келганида Умму Сулайм ясаниб-тусанган ҳолда кутиб олди. Хушбуй атирлар сепган, тоза куйлақлар кийиб олган эди...

Ғуслдан кейин ётиб, тезда уйкуга кетишди. Тонгда уйғнганида Умму Сулайм:

— Ўғлингиз Абу Умайр туфайли Аллоҳдан ажр ва мукофотни кутинг ва уни кўминг, — деди.

Абу Талҳа бошидан қайноқ сув тўкилгандек ҳолга тушди. Мириқиб ухляпти деб ўйлаган фарзанди аслида вафот этганини билиб, жаҳли чиқди:

— Нега менга айтмадинг? Нега мени у ишларга булғадинг?! — деди.

Ҳам қайғуга чумди, ҳам жаҳли чиқарди. Жигарпорасига бунақа бепарво муносабат? Бу ҳам етмагандай, кўзининг нури уйда ўлиб ётсаю Абу Талҳа кўнгилхушлик билан шуғулланса?! Нима деган одам бўлди?!

Яхшиси ҳозир кўнгиллар султонининг (с.а.в.) ёнларига боради, шояд юраги тинчланса... Таҳорат олди. Уйдан чиқди. Кўзлари толғин, оёқлари юришни истамас эди.

Масжидга кириб борганида нақадар маҳзун экани унинг ҳолатиданок яққол билиниб турарди. Расули мухтарам ғамгинлигининг сабабини сўрадилар. Абу Умайрнинг вафотидан хабар берди. Кетидан Умму Сулаймнинг кечаги хатти-ҳаракатларини ҳам англади. Ёмон ҳолга тушганини, жаҳли чиққанини тушунтирмоқчи бўлди.

— Нима, шу кеча эр-хотинлик килдиларингми?

— Ҳа, эй Аллоҳнинг расули.

Жанобимиз қўлларини юкори кўтардилар:

— Аллоҳим, бу кечаларини уларга муборак айла! — деб дуо килдилар. Бу дуо Абу Талҳанинг асабларини юмшатди. Уйга борганида энди тунд қиёфада кўринмайди, бировни хафа қиладиган сўз айтмайди. Келаётганида руҳини тинчлантириш умидида эди, энди руҳи тинчланмоқ тугул, бу даргоҳдан ички бир хузур-халоват билан чикди*. (Бухорий, 8/2 16)

ҚОЛДИРИЛГАН УМРА

Еттинчи йилнинг зулкаъда ойи айрича қадрли эди. Чунки бир йил илгари Ҳудайбия сафарига иштирок этган ва Маккага кирмасдан қайтган мўминлар бу ойни кун санаб кутиб юришди. Ҳудайбияда келишилган аҳдномага кўра, мўминлар умра сафарига бу ойда йўлга чиқишлари лозим.

Расули акрам (с.а.в.) Ҳудайбияда қатнашган ҳамма бу сафарга тайёргарлик кўрсин, ҳеч ким қолмасин, деб буюрдилар. Ўтган йилги сафарда бўлмаган, лекин боришни орзу қилганларга ҳам ижозат бердилар.

Қиска вақт орасида хозирликлар кўриб бўлинди. Икки минг кишилик имон лашкари пайғамбарлар Имоми (с.а.в.) бошчиликларида Макка томон ҳаракат бошлади.

Бу дафъа ҳам бирор кор-ҳол чикадими — бунини хозирдан ҳеч ким тахмин эта олмасди. Аҳдномага кўра, ёнларида фақат қилич олишлари мумкин, у ҳам қинида туриши керак. Қилич арабларнинг йўл силоҳи, сафарга чикқан ҳар бир одамда қилич бўлиши лозим. Лекин Расули мухтарам асхоблари билан маслаҳатлашиб, эҳтиёт чораси ўлароқ қиличдан бошқа яна жанг қуролилари ҳам олдирдилар. Фақат, бу қуролилар Макка шаҳрига олиб кирилмайди, ўша ерга яқин қулай бир жойда қолдирилади.

Мадинага бир кўноқ масофада жойлашган Зулҳулайфага келишганида Пайғамбар жанобимиз эҳромга кирдилар. “Лаббайк! Аллоҳумма, лаббайк...” дея талбия айта бошладилар. Бу дегани, “Аллоҳим, ҳар доим амрингга ҳозирман. Ҳамд сенга хос, неъмат сендадир. Сенинг ҳеч шерингнинг йўқдир!» дегани эди. Шу дақиқадан бошлаб ҳар тепага чиқаётганда, ҳар водийга тушаётганда, одамларга дуч келганда “Лаббайк! Аллоҳумма, лаббайк...” дейишар эди.

Йўлчилик шу тариқа давом этди. Маккага уч мил масофада жойлашган Яъжаж деган маконга етганда дам берилди. Ўқ, ёй, қалқон каби жанг аслаҳалари шу ерда қолдирилди. Жаъфар ибн Абу Толибни Маккага жўнатдилар. Амакилари Аббоснинг қайнисинглиси Маймунага уйланиш таклифини қилдилар.

Маймуна бу таклифни мамнуниятла қабул этди ва поччасини ўзига вакил килди.

Қурайш халқи Расулуллоҳни қиличдан бошқа силоҳ ҳам олакелганларини эшитиб, Микраз ибн Хафс исмли бир кишини хузурларига йўллашди. Жанобимиз Яъжажда турганларида у одам келди. Маккага етиб борган хабарнинг чиндан ҳам ростлигини кўзлари билан кўрди.

— Эй Муҳаммад, биз сени аввалдан бери аҳдига вафоли одам сифатида таниганмиз. На болалигингда берган сўзингдан қайтгансан, на катта бўлганинда аҳдингни бузгансан. Аммо шу онда сени қуролиланган бир қушиннинг бошида кўриб турибман. Ҳолбуки, ўртамизда Ҳудайбияда қилинган аҳдномамиз бор, — деди.

Микраз Ҳудайбияда гувоҳ ўлароқ имзо босганлардан бири эди. Расулуллоҳ(с.а.в.) унга жавобан:

— Маккага йўлчи силоҳи бўлган қиличдан бошқа қурол кирмайди, — дедилар.

“Сўзларингнинг чинлигига қасам ича оласанми?” Қурайш номидан сўзлаётган Микраз Набийи мухтарамга бундай бир таклиф қилишни ҳаёлига ҳам келтирмади. Айтилган бу сўзларнинг қадрини у биларди. Бу сўз инсоният тан олган ва тан оладиган энг соғлом хужжат

эди. Шунинг учун Микраз Маккага қайтгач:

— Эй қурайшликлар, шуни билиб қўйинглар, Муҳаммад Маккага қиличдан бошка бир қуролни олиб қирмайди! — деб эълон қилди.

Шундан кейин хоссатан Қурайшнинг бошликлари Расулуллоҳни кўрмаслик учун шаҳарни тарк этишди ва Макка биқинидаги тоғларга, тепаларга чиқиб кетишди. Бир қисми келганларни яқинроқдан кўриш ниятида йўлларини пойлай бошлашди.

Нихоят, пайғамбарлар Сарвари(с.а.в.) қўмондонликларидаги имон лашкари савту салобат ила шаҳарга кириб келаверди. Абдуллоҳ ибн Равоҳа Расулуллоҳнинг туялари юганидан тутиб олға босаркан: «Пайғамбарнинг йўлини очиб қўйинг. Бугун сизларга Китобуллоҳ ҳукми ила зарба берамиз. Бу зарба бошни жасаддан, севувчини севганидан айирадиган зарба бўлажакдир» маъносида бир шеър ўқир эди.

Ҳазрати Умар (р.а.) унга яқин келди.

— Эй Абдуллоҳ, сен Ҳарами шарифга кириб бораётганингни унутяпсан шекилли, — деди.

— Йўқ, унутганим йўқ.

— Расули мухтарамнинг олдиларида бораётганинг ҳам эсингдами?

— Албатта!

— Унақа бўлса, бу охангда шеър айтиш сенга ярашмаслигини ҳам билишинг керак.

Ҳазрати Умарнинг (р.а.) бу мулоҳазасига Абдуллоҳ қандай жавоб берди, билмаймиз, аммо Расулуллоҳ (с.а.в.) ундан олдинроқ сўзга аралашдилар:

— Буни ҳолига қўй, эй Умар! Бу шеърлар Қурайшга ўқ санчилишидан ҳам таъсирлидир, — дедилар.

Умар ортиқ бир нарса дея олмай қолди. Расулуллоҳдан ижозат теккан Абдуллоҳ эса, айна шеърини яна бошдан олиб, «Ҳоллу банил куффару...» дея такрор ўқий бошлади.

Макка кўчаларидан шу тахлит ўтиб боришди. Бошлари тик эди. Елкалар буқик эмасди. Кучли-кучли одимлар ташлаб, тетик-шаҳдам юриб боришарди. Масжиди Ҳарамга яқинлашишганида Пайғамбар жанобимиз ўнг қўлларини эҳромдан чиқардилар ва асҳобларига ўтирилдилар.

— Бугун ким уларга куч-қувватини кўрсатса, унга Аллоҳ раҳмати-ла, марҳамати-ла муомала қилсин, — дедилар.

Сўнгра етти йилдир соғинганлари Байтуллоҳга қараб юрдилар. Ҳажарул асвадни ўпдилар. Ортларидан келган ҳазрати Умар(р.а.) Расули акрамнинг(с.а.в.) кўзларидан тўкилган ёшларни кўрди.

— Бу ерда кўзёшлари тўкилади, эй Умар, — деб марҳамат қилдилар.

Орқадаги мўминлар ҳам ўнг елкалари эҳромдан чиқарилган ҳолда, хурмат-ла Каъбага яқинлашишди. Расули кибриёнинг муборак лаблари теккан тошни ўпиб, тавофни бошлашар эди. Хар галгисида “Бисмиллаҳ, Аллоҳу акбар!” дея қора тошни ўпиш ва ёки узоқдан саломлар йўллаш билан Каъбани етти марта айланиш лозим эди. Илк уч мартасида Пайғамбар (с.а.в.) лўкиллаб айландилар, асҳоб ҳам шундай ҳолда айланди.

Узоқдан уларни томоша қилиб турганлар орасида шивир-шивир бошланиб кетди:

— Ясриб безгаги бу одамларни адои тамом қилди, деб ўйлаган эдик.

— Қаранглар-а, чопиб-чопиб тавоф қилишяпти!.. Биз Ясрибни кўпдан бери касалликлар уяси деб эшитиб келардик.

Ким Аллоҳнинг уйига Аллоҳнинг расулидан ҳам лойиқроқ бўла оларди?! Борлиқ олам хурматиға яратилган буюк Пайғамбар бу ерни зиёрат қилмаса, ким зиёрат қила-ди!

Аммо хозирча бу Уйнинг атрофига катта-кичик бутлар қўйиб ташланган, илоҳ деб қабул қилинувчи бу тошлар ва тункалар юраклардан Улуғ Мавлога узанган йўлни қаттиқ ёпиб қўйган эди.

— Аллоҳ насиб этади, бир галги келишимизда буларни йиғиштириб ташлаймиз.

— Аллоҳим, юзларча бутлар оралаб тавоф қилаётганимиз бу муборак Уйингни душман кўлидан кутқаришимизда бизнинг мадақкоримиз бўл!

— Аллоҳим, сенинг Уйингда бу бутлар нима қилади? Бу муборак жойга мушриклар эмас, балки сенга сенинг розилигинг учун ибодат қиладиган қулларинг лойикдир!

Шарафли Каъба бу туйғулар эшлигида тавоф қилинди. Кўнгилларни ҳеч қандай ўлчовга сиғмас бир эзгинлик ва айни чоқда, таъриф этилмас бир бахтиёрлик чулғаб олган эди.

Жаноби Расулulloҳ (с.а.в.) тавоф асносида:

— Аллоҳим, маърифратингни тилайман. Дунёда ва охиратда балолардан хотиржам қилишингни сўрайман. Эй Эгамиз, бизга дунё яхшиликларини бер, охират яхшиликларини бер ва бизни жаханнам азобидан асра... — деб дуо қилар, Ҳажарул асвадга келганда уни ўпиб ёки узоқдан салом йўллаб ўтар эдилар.

Тавоф тугагач, Иброҳим изларига келдилар. Байтуллоҳга юзланиб икки ракат намоз ўқидилар. Илк ракатда Фотиҳа сурасидан кейин Кофирлар сурасини, иккинчи ракатда эса, Ихлос сурасини ўқидилар.

Сўнг Замзам булоғига бордилар. Тўйиб-тўйиб сувидан ичдилар.

Бу муборак сув катта боболари Ҳазрати Исмоилдан(алайхиссалом) азиз хотира эди. Орадан ўтган кўп замонлар ичида булоқ кўзи буткул бекилиб, неча-неча йиллар давомида ҳатто унинг қаердалиги ҳам унутилиб кетган, Расулulloҳнинг боболари Абдулмутталиб уни топиб, қазиб, инсониятга қайта ҳадя этган эди.

Булоқ бошида тик турганча юзлари Каъбага қараган ҳолда сув ичаётганларнинг кўнгилларидан шу азиз хотиралар ўтганига шубҳа йўқ.

Пайғамбар (а.с.) замзамдан кейин Сафо тоғига қараб юрдилар. Сафодан Марва тоғи томон келдилар. Шу тариқа бу икки тепалик орасида тўрт бориш, уч келиш билан жами етти марта саъйи қилдилар. Икки тоғ орасидаги кичкинагина водийга тушганларида югураётгандек бир ҳолатда тез юрар эдилар. Охирида сочларини олдириб, эҳромдан чикдилар.

Расулulloҳ жанобимиз тавоф, Сафо ва Марва тоғлари оралигидаги саъйини Қасва лақабли туяларида қолганлари ҳақида ҳам ривоят бор.

Каъба ичига кирмоқчи бўлган эдилар, Қурайш рози бўлмади. «Ахдномамизда бунақа бир нарса йўқ», деб рад этди. «Ким кимнинг уйига қўйилмаяпти?» саволининг жавобини ўйлаб кўрадиган инсон йўқ!

Шу билан умра зиёрати тугади. Мусулмонларни кизикиш билан кузатиб ўтирган хотинлардан бири:

— Ий-й, биттаси Каъбага тирмашяптими? — деб колди.

Ҳамма ўша ёққа қаради.

— Умайя ибн Халафнинг қули Билол эмасми? — деди бошқаси.

— Ҳа, ўша.

— Не кунларга колдик? Ҳабаш бир қулнинг Каъба устига чиққанини ҳам кўрдик, мана.

Бу аснода ҳазрати Билол (р.а.) Каъба устига чиққан, Қўлларини кулоқлари устига қўйиб, бор кучи билан:

— Аллоҳу акбар!. Аллоҳу акбар!.. — дея қичқира бошлаган эди.

Макка водийларида акс-садо берган бу овоз Қурайш хотинларини кучага чиқарди. Болалар ҳам тўхтаб, ҳайрат ҳайрат билан унга қараб қолишди.

Инсоният тарихидаги энг ғаройиб азон эҳтимол шу азон эди. Бир тарафда ёлғиз Аллоҳ розилиги учун Аллонинг икки пайғамбари қурган Байтуллоҳ, бошқа ёнда унинг ичию ташида пала-партиш қўйиб ташланган юзларча бут.

Муаззинларнинг энг шарафлиси ҳазрати Билол Байтуллоҳ усти ва атрофини қуршаган бутлар орасида Аллоҳнинг буюк эканини эълон қилар, бу азонни коинотнинг сарвари ҳам, Аллоҳнинг душманлари ҳам катта бир хаяжон билан тинглашар эди. Расулulloҳнинг ҳаётлари

учун иккиланмасдан жонини берадиганлар ҳам, У зотни бир қошиқ сувга бўктириб ўлдиришга шай турганлар ҳам бу азонга кулок бериб туришарди.

Бир пайтлар Билол «Аллоҳ бирдир» дегани учун бу шаҳар кучаларида сургилаб юрилган, не-не азоб-уқубатларга гирифтор этилган эди. Ҳозир «Аллоҳу акбар!» деб

имкони борича бакирар, худди уларга майдон ўкиб, улардан ўчини-аламини олар эди.

— Не кунларга колдик?..

— Умайя ибн Халаф Билолнинг бу бақиришини эшит-са, алаmidан ўларди.

Ичи куйган хотинлар, ҳайрону лол бўлган болалар, кўзёшларини тута олмаган мўминлар — ҳамма-ҳамма хаяжон ичра тинглаган азонни чакириб бўлгач, ниҳоят Билол пастга тушди. Мўминлар пайғамбарлар саййиди(с.а.в.) жанобимизнинг ортларида Каъбага юзланиб намозга туришди. Бу намоз юракларни портлатар даражага етган кин ва нафрат туйғуларила томоша кдлинди. Кундан-кун ортаётган мусулмонлар сони, мусулмонларнинг бемисл ҳурмат ва итоати хоссатан юкори табакани ташкил этувчи мушрикларнинг кўнгилларидаги ҳасад туйғуларини қамчилар, уларнинг тинчларини бузар эди.

Бу орада Расули акрам (с.а.в.) Валид ибн Валидни чакирдилар. Акаси Ҳолид ибн Валидни ахтариб топишни буюрдилар. Фавқулодда акли, кучи ва қуввати билан, жанг соҳасида устун қобилияти билан ҳақиқатан буюк бир обру-еътибор топган Ҳолидни мусулмон сифатида кўришни истаётган эдилар.

Валид вақтни ўтказмасдан тўғри унинг уйига борди. Бироқ Ҳолид мусулмонлар лашкари келмасидан бурун уйдан чиқиб кетганича қайтмаган экан. Демак, у шаҳарни тарк этиб, тоғларга, тепаларга чиқиб кетибди-да. Ўтириб, бир мактуб ёзди. Келган захоти қўлига топширинглар, дея тайинлаб орқасига қайтди.

Ҳаммалари туғилиб ўсган, ҳар кўчаси айрича хотиралар қолдирган бу муборак шаҳарда уч кун кўз очиб-юмгунча ўтди-кетди. Тўртинчи куннинг тонгида Расули мухтарам жанобимиз ёнларидаги бир неча асҳоблари билан суҳбатлашиб ўтирганларида Сухайл ибн Амр билан Хувайтиб ибн Абдул Уззо иккиси келиб қолишди. Қурайш қабиласи номидан Ҳудайбия битимига имзо қўйганлар шулар эди.

— Эй Муҳаммад! Битимда белгиланган уч кун шаҳримизда турдинглар. Сенга Аллоҳни ва битимимизни эслатамиз. Энди Маккани дарҳол тарк этишларинг керак, — дейишди. Расулulloх (с.а.в.) жанобимиз:

— Уйланяпман, изн беринглар, никоҳим шу ерда қийилсин. Никоҳ зиёфатида сизлар ҳам қатнашинглар, — дедилар.

Бу истак қабул этилмади. Шунда Расулulloх (с.а.в.) оқшомга қолмасдан ҳар ким Маккани тарк этишини ва дарҳол уловларининг хозирланишини буюрдилар. Айтилган вақтда уловларига миндилар ва йўлга тушдилар. Мусулмонлар ҳам Пайғамбар (с.а.в.) ортларидан отланишди.

Шу пайт орқадан бир қизнинг: «Амакижон! Амакижоним!» деб бақираётганини эшитиб қолдилар ва ортларига қайрилдилар. Амакилари Ҳамзанинг қизи Умома чопиб келарди. Тез унинг қўлидан тутдилар. Ҳазрати Алига топширдилар. Ҳазрати Али уни даст кўтариб, хотинлари Фотиманинг туясига мингаштириб қўйди.

Маккада биргина Абу Рофеъ қолди. Унга Жанобимиз охириги марта уйланаётган хотинлари Маймунани олиб бориш вазифаси юкланган эди.

Абу Рофеъ оқшомга яқин мўминларнинг бўлғуси онаси Маймунани туяга миндириб, йўлга чиқди. Бир гуруҳ ёшлар йўлда уларнинг жиғларига тегмоқчи бўлишди. Бўлмагур гап-сўзлар отишди, уларга азият бериш дардига тушишди. Лекин Абу Рофеъ:

— Эй Қурайш йигитлари, ўртамиздаги битимни бузаяпсизлар. Валлоҳи, бизнинг қуролларимиз Яъжаждадир. Бу ишларингизни шунчаки ташлаб қўймаймиз, пушаймон бўласизлар, — деб ўшқириб берганидан кейингина тарқалишди.

Шу бўйи чўлда бошқа ҳеч бир кор-қолсиз Сариф деган жойга етишди. Пайғамбаримиз

(с.а.в.) асҳоблари билан ўша ерда кутиб туришар эди. Янги келин Маймуна хоним ўша кеча Расули акрамнинг хотинлари бўлди.

Ҳаётнинг энг бахтиёр кунига у кеча Сариф деган ерда ковушган хазрати Маймуна орадан эллик тўрт йил ўтиб яна бу ерга келажагини, Расулуллоҳ жанобимизнинг хотинлари бўлган бу уйда сўнгги нафасини беражагини ҳозир қаёқдан билсин...

Жаноби Расулуллоҳга охирги хотин бўлган аёл у эди. У зотнинг хотинлари ичида энг сўнг вафот этадигани ҳам унинг ўзи бўлажак...

Сарифда уюштирилган никоҳ зиёфатидан кейин яна йўлга тушилди.

Бир йил аввал кўрилган туш шу тарика ҳақиқатга айланди. Ғавғосиз, шовкин-суронсиз, тинч-хотиржам Мадинага келишди, зиёратларини қилишди. Зотан, Фатҳ сурасида ҳам бу вазибаларни амният ичида қилишлари билдирилган эди.

* * *

Мўминлар шаҳарни тарк қилганларидан кейин уч кунгача тоғларда турган Қурайш катталари битта-битта уй-уйларига қайтишди, Аҳдномага риоя этилган бўлса ҳам, шаҳарни душманга ташлаб чиқиб кетишлари чиройли бўлмади-да. Уйда истироҳат қилиб, хузур-ҳаловатда ётиб ухлаш мумкин бўлган бир пайтда тоғларда, ғорларнинг бурчакларида тунаб юриш ҳеч бир инсонга хуш келмасди.

Ҳолид ибн Валид мириқиб бир ухлаш орзуида уйига кирди.

— Дадажон, амаким келди, — деб кутиб олди фарзанди.

— Валидми?

— Ҳа. Сизни топмасдан, мана бу мактубни ёзиб ташлаб кетди.

Ҳолид узатилган хатни олди ва ўқий бошлади: “Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Ака, Исломига бепарво юришингдан ҳам ғалати бир иш кўрмадим. Ақлингга қойил... Исломи каби бир динга одам бегона қолиши ақлданми? Расулуллоҳ(с.а.в.) жанобимиз сени сўрадилар. Ҳолид қаерда, дедилар. Мен эсам, Аллоҳ уни келтиражакдир, дедим. Шунда жаноби пайғамбаримиз: “Унинг каби бир инсон Исломи динига бегона бўлиб қоладими? Агарда у бутун қахрамонлигини, қиличбозлигини мусулмонларнинг иши учун қўлласа эди, ўзига жуда яхши бўларди. Биз уни бошқалардан устун тутардик», деб марҳамат қилдилар. Ҳозирга қадар қўлдан бой берган фурсатларингни ҳақ йўлни танлаш билан қийматли онларга айлантиргин, акажон. Валид”.

Ҳолид мактубни бир чеккага қўйди. Бошини қўллари орасига олиб ўйга толди.

Ҳудайбия сулҳидан кейин умидини йўқота бошлаган эди. Улар энди борган сари куч-қувват топишди, Қурайш эса, аста-секин заифлаша бошлади.

Ҳудайбия сулҳидан сал фурсат ўтиб Хайбарнинг қўлга киритилиши, атрофдаги амирларга мактублар ёзилиши, Абу Суфённинг Шом сафарларидан қайтишда Херакл қошида берган сўроқ-жавоблари Ҳолидни тузуккина тарадудлантириб қўйган эди. Бундан буён Қурайш мадиналиклар устидан ғолиб келишини тушида кўрса ҳам рози бўлиши лозим эди.

Бир вақтлар Утба ибн Робиа: «Ей Қурайш халқи, агар гапимга кирсаларинг, бу одамни ўз ҳолига қўйинглар. Агар араблар ундан ғолиб келса, сизлар кўзлаган мақсад рўёбга чиққан бўлади. Бордию у арабларни тиз чўқтирса, яхши билингки, унинг зафари сизларнинг зафарларингдир», деган, лекин ҳеч ким унинг маслаҳатига қулоқ солмаган эди. Ўшанда у сўзга юрганида бугун Қурайш тик оёқда турган бўларди. Энди нима қилиши керак, кимнинг ёнига борсин Ҳолид? «Муҳаммаднинг ёнига кетсам бўлди, унинг хузурида хотиржамлик бор. Хераклнинг қошига борсам, ҳурмат кўраман, лекин унда насороликни қабул этишим лозим, ёки бўлмаса, яҳудий бўлишим керак. Ажамистонда-чи? Яшай оламанми? Умримнинг бундан буёнги кунларини уйимда роҳат-фарогатда кечира оламанми?..»

Ҳолид шуларни узоқ-узоқ ўйлади. Бир қарорга келолмади. Лекин энди уни Хераклнинг ё

Кисронинг хузурига кетиш фикри аввалгидек тортмасди. Ўтган уч кун давомида роса чарчаган, хотиржам уйқуни соғинган эди. Шу боис узок ўйланиб ўтиролмади. Шу ўтирган жойигаёк узанди. Соатларча давом этадиган бир теран уйқунинг қўллари уни аста-секин сийпалай бошлади.

* * *

Мадинада бир можаро чикди. Ҳазрати Али, Жаъфар ибн Абу Толиб ва Зайд ибн Хориса (Аллоҳ улардан рози бўлсин) бир-бирлари билан тортишиб кетишди. Иш бакир-чакиргача бориб етди. Бахсга шаҳидлар сардори хазрати Хамзанинг (р.а.) кизи Умомага ким қараб туриши масаласи сабаб бўлди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) жанобимиз йилларча аввал айтган бир муборак сўзларини кулоқларига кўргошиндек қуйиб олишган, қийматини то қиёматгача сақлаш учун ҳаракат қилишар эди. “Етимни кафилга олган киши жаннатда мен билан мана шундай бирга бўлади”, деб ўшанда Расулуллоҳ(с.а.в.) икки бармоқларини кўшиб кўрсатган эдилар. Бу воқеа ҳамон ҳамманинг кўзи ўнгида турибди. Хозир энг яқин дўстлари етимнинг кафили бўлиш шарафини қозониш учун тортишишар, бу муборак омонатга соҳиб чиқишнинг йўлларини ахтаришар эди.

— Ҳамза менинг оғам эди. Мадинага келганимизда Расулуллоҳ у билан мени ака-ука қилганлар. Оғамнинг кизи албатта менинг ёнимда бўлиши керак! — дерди Зайд ибн Хориса.

Ҳазрати Али бир бошқа жиҳатдан тутарди:

— Ҳамза менинг амаким, бунинг устига Расулуллоҳнинг қизлари Фотима ҳам менинг хотиним. Биз эр-хотин амакимизнинг омонатини муҳофаза қилишга ҳар кимдан ҳам лойиқмиз.

Жаъфарга бу гаплар етарли эмасди.

— Ҳа, Ҳамза менинг ҳам амаким. Яна хотиним Асмо бу қизнинг ҳоласидир. Ҳеч қайсингиз бу қизни олишга менчалик ҳақдор бўла олмайсиз. Ундай қилсангиз ҳам, бундай қилсангиз ҳам, бу бола менинг ёнимда қолади.

Бунақада гап бир ёкли бўлмади. Чунки ҳеч бири бошқасига кулоқ солишни истамасди. «Ким ҳақли бўлса, ўша олсин», дейдиган зот йўқ. Бу тушунча орқага сурилиб қолган, олдинга «етимнинг кафили бўлиш саодати»ни қўлга киритиш дарди чикқан эди.

Бу ишни ўз бошларича ҳал қила олмасликларига ахийри кўзлари етди. Аллоҳ розилигини қозонаман, деб бошқанинг кўнглини синдириб, ҳеч қутилмаган фалокатни орттириб олиш ҳам ҳеч гап эмасди. “Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, — агар Аллоҳга ва пайғамбарига чиндан ишонсангиз, — у нарсани Аллоҳга ва пайғамбарига қайтарингиз! Мана шу яхшироқ ва чиройли ечимдир” *. (Нисо, 59)

Жанобимизнинг ҳузурларига боришди. Элчиларнинг энг фахрлиси (с.а.в.) уларнинг гапларини эшитдилар. Аммо “Масала тушунарли. Умома сенинг ёнингда қолади», деб биттасининг фойдасига ҳал қилиб қўя қолмадилар. Чунки аҳвол-вазият бундай ҳал қилишга қўймасди. Зотан, инсониятга илм ва хикматни ўзлари яшаб, ҳаётларида татбиқ этиб ўргатадиган Пайғамбаримиз бундай енгил-елпи хулоса қилмасдилар ҳам.

Аввало, уларнинг асабларини юмшатишни, ҳар бирига кўнглини оладиган сўзлар айтишни муносиб кўрдилар. Шу сабабдан ҳар учовига ҳам том ҳақиқатга уйғун сўзларни айтиб, илтифот кўргаздилар:

— Эй Зайд, сен Аллоҳнинг дўсти, Расулуллоҳнинг дўстисан!

— Эй Жаъфар, сенинг яратилишинг ҳам, табиатинг ҳам менга ўхшайди!

— Эй Али, сен менинг қардошимсан!

Бу сўзларга ҳеч бир мўмин бепарво бўла олмасди. Оғзидан ботил сўз чиқиши мумкин бўлмаган буюқлар буюги, севгилилар севгилисининг (с.а.в.) бу сўзлари ҳақиқатан мўминлар учун дунёдан ҳам, дунёнинг ҳар нарсасидан ҳам қийматли эди.

Саййидул анбиё вал мурсалин (с.а.в.) сўнгра Жаъфарга карадилар:

— Эй Жаъфар, бу кизчани олиб кетишга энг лойиқ одам сенсан. Чунки унинг ҳоласи сенинг хотинингдир ва ҳеч ким жиянининг ёки ҳоласининг устига никоҳ қилинмайди, — деб марҳамат қилдилар.

Жаъфар севинчдан турган жойида сакрай бошлади. Бошқа ривоятга кўра, Пайғамбар жанобимиз атрофларида бир оёклаб сакраб-сакраб ўйинга тушиб кетган. Расулulloх ундан, нима қилганинг бу, деб сўраганларида: «Ҳабашистонликлар жуда суюнчили хабар олганларида мана шунақа ўйнашади», деб айтган.

Қолган икки биродар бу ҳукмга нисбатан ичларида ҳеч бир ранжиш аломатини хис қилишмади. Алам туйишмади. Ҳақиқатга энг уйғун бўлган бу ҳукм каршисида рози бўлмаган инсон Мавлосини қандай рози қиларди?!

Кўнгиллар Қуръондаги Марям қиссасини хотирлади. У кичкинагина чакалоқлик пайтида кимнинг ёнида қолажаги, кимнинг кафолати остида бўлажаги тортишиш мавзуи бўлган ва натижа ўларок бу ишни қуръа йўли билан хал этиш усули қўлланган эди. Ҳар ким ўқини сувга ташлайди. Қайси ўқ сув устида қолса, бу шараф ўша ўқ эгасига оид бўлади. Жаноби Мавло у вазиятда чакалоқ Марямни ҳоласининг эри ҳазрати Закариёга (а.с.) насиб этган эди.

Орадан йиллар кечажак ва Умома ҳазрати Расулulloхнинг ўғай ўғиллари Саламага турмушга чиқажакдир. (Салама мўминларнинг онаси Умму Саламанинг ўғлидир.)

ҲОЛИД ИБН ВАЛИДНИНГ ИСЛОМНИ ҚАБУЛ ЭТИШИ

Бир кеча Ҳолид ибн Валид тушида ўзини ташландиқ, унумсиз бир водийда кўрди. Ҳавоси юракларни сиқувчи, диққинафас эди. Сал муддат ўтар-ўтмас жилдир-жилдир сувлар ям-яшил ҳолга келтирган, одамнинг бахри дилини очиб юборадиган водийга ўтди. Бояги сикинтилардан қутулди, энгил нафас ола бошлади. Уйғониб, кўнглини ғаройиб туйғулар чулғаб олганини хис этди. Мана, неча кунлардан бери укаси Валид ташлаб кетган хат зехнини машғул этиб келади. Кун сайин қалбида канақадир ўзгаришлар содир бўла бошлади. Энди Каъба яқинидан ўтаётганида у ердаги илоҳларга аввалгидек хурмат туймасди. Гўё ҳар ботган кун Ҳолид кўнглидаги бу хурматдан бир парчасини узиб олиб кетар, чиқаетган ҳар қуёш эса қалбига у кунга қадар хис этмаган бир ойдинлик келтирар эди. Натижада Расулulloхга нисбатан соғинган душманлик туйғулари эски кучини йўқотаверди. Бир замонлар отаси Валид ибн Муғира бўш қолдирган ерни мукамал шаклда тўлдиражак бир кин ва нафратла мусулмонларга қараган, Раҳмат қилиб юборилган буюк Пайғамбардан ҳам катта душмани бўлмаган Ҳолид гўё у эмасдай.

Муҳаммад (с.а.в.) Каъба атрофидаги бутларни илоҳ хисобламаганлари учун бунча ҳақсизликларга учраган эдилар. Ҳолбуки, энди Ҳолид ҳам кундан-кунга уларга оддий бир тошдек қарай бошлади. Бу бутларнинг уйлар пойдеворига қўйилган тошлардан ва ёхуд ўчоқда қаланадиган ўтинлардан нима фарқи бор?!

Баъзан зехнига: «Ажабо, Муҳаммадга қилган ишларимизда қайси боқимдан ҳақли бўлишимиз мумкин эди?» деган савол келар, бунинг ҳақиқатга мос, виждонларга роҳат бахш этувчи жавобини топа олмас эди. Қайси томондан қараса ҳам, болалигидан бери жуда яқиндан танийдигани у инсондан қусур топиш имкони йўқ эди. Хуллас, Ҳолиднинг ҳаётида укасининг хатидаги “Аллоҳ уни келтиражакдир» сўзининг маъноси ифодаланаётганга ўхшарди.

Ниҳоят, ўрnidан турди. У бир қарорга келди, бутларни тарк этишни ва Ислом динининг бир аъзоси бўлишни қалбига тугди. Ўзи учун бошқа бир чора қолмаганини англаб етди ва Мадина йўлидан бошқа бир йўлни ўйлашни ҳам истамай қолди.

Ҳал эта олмаган бир масала бор эди: шу кунгача қилмишлари сўралса, берадиган жавоби қандай бўлади?

Бугунга қадар мусулмон бўлганларнинг ҳеч биридан ҳисоб сўралмаган, кечмиши билан шуғулланилмаган, аммо Ҳолиднинг иши бошқаларникидан фарқли эди. Ҳеч бўлмаганда, Уҳуд тоғи этақларида қони окизилган юз нафар шаҳид бор. Уларнинг ҳар бирининг орқасида қанчадан қанча етимлар, туллар, вайронага айланган учоқлар қолган. Бу инсонларнинг оққан қонларида, улар учун тўкилган кўзёшларда Ҳолиднинг ҳиссаси айниқса катта эди. Энди у кўзи ёшлилар олдига: «Уйларингизни, ўчоқларингизни бузган, сизларни бундай паришон ҳолга солган қаҳрамон менман», деб чиқиш, уларнинг етимона боқишлари қаршисида уялиш ҳазилакам гапми?!

Аммо нима бўлганида ҳам, йигит бир инсонга ярашадиган шаклда юриши, бордию жазо бериладиган бўлса, кўнгил хузурига чидаб бериши керак. Макка кўчаларида тентиб юраркан, Сафвон ибн Умайяга дуч келди.

— Эй Абу Вахб, қанақа ҳоллар рўй бераётганини кўрмаяпсанми? — деди.

— Нима гап? Нима бўлди?

— Иршайган тишларга ўхшаб қолдик, Муҳаммад арабу аҷамларга майдон ўқийдиган ҳолга келди. Борсак, унинг динига кирсак, унинг шарафи бизнинг шарафимиз демакдир.

Сафвоннинг юзлари буришди:

— Нималар деяётганингизни биласанми ўзинг, Ҳолид?! Дунёда ўз бошимга ёлғиз қолсам ҳам, унинг динига кириши ҳаёлимга келтирмайман! — деб пишқирди. Кўзларидан олов сачраб, юзида ғазаб аломатлари бўртиб чиқди.

Овози буғиқ ва бемаза бир ифодага чулғанган эди. — Мен ҳали Бадрда ўлдирилган отам билан оғамни унутганим йўқ!

Сафвон буларни айтдики ё Ҳолид унинг боқишларидан ва юз тасвиридан ўқиб олдики — ҳолат шундайки, буни Сафвоннинг ўзи ҳам билмасди.

Ҳолид йўлига кетди. Ҳали юзига тўкиб солиб улгурилмаган туйғулардан майдонга келган бир жуфт нигоҳ уни ортидан бирпас таъкиб этиб қолди. Кейин лаблари нимадир деб шивирлади, аммо Ҳолид унинг гапини эшитмайдиган даражадаги масофага кетиб бўлган эди. Сафвоннинг ёнида бири бўлганида эди, унинг тиш орасидан «Демак сен ҳам...» деяётганини илғаб оларди.

Салдаи кейин Ҳолид Абу Жаҳлнинг ўғли Икрима билан гаплашиб турарди. Сафвонга айтган гапларини унга ҳам айғди. Олган жавоби бошдан-охир айна эди.

- У ҳолда бу суҳбатимизни бировга айтиб юрма, эй Икрима, — деди Ҳолид ночор.

- Жуда яхши.

Икримадан айриларкан, бир қарорга келиб бўлди: ёлғиз ўзи кетаверади! Отини хозирлади. Уйдан чиқди. Йўлида Усмон ибн Талҳани учратиб қолди. Бояги таклифини унга ҳам айтишдан ҳеч бир фойда йўқ эди. Чунки Уҳуд Усмоннинг Қавми Бани Абдуззар учун том фалокат бўлган эди. Шу боис ҳам бу таклифни рад этажаги юзда юз аниқ эди. Аммо ёнидан ўтиб бораётганида ҳаёлидан, унга ҳам бир айтиб кўрай-чи, деган ўй ўтди ва бор таваккал деб масалани очди. Сўзларини бундай тўлатди:

— Биз хозир инига пушиб кириб кетган тулкига ўхшаймиз. Бир пақир сув қуйсалар, учиб чиқамиз ва қўлга тушамиз.

Усмон унинг сўзларини тасдиқлади:

— Тўғри айтяпсан, эй Ҳолид. Эртагача кутганингда мен ҳам бирга кетардим, — деди.

— Жуда яхши, яна бир кун туришим мумкин.

— Тонгда Яъжажда кўришамиз. Эрта борган шеригини кутсин.

Эрта тонгда икки ўртоқ Яъжажда кўришишди. Йўлчилик бошланди. Хиёл юрганларидан сўнг кимнингдир кетиб бораётганини кўриб қолишди.

— Амр ибн Ос эмасми?

— Худди ўшанинг ўзи.

Унга етиб олишди.

— Мархабо, эй йўлчилар! — деди Амр.

— Сенга ҳам мархабо, эй Амр!

— Йўл бўлсин?

— Ўзингга йўл бўлсин?

— Қаёкка кетаётганларингни аввал сизлар айтинглар-чи, — деди Амр.

Амр айёр эди, сир бермаслик учун қирқ дарадан сув келтиради, лекин уларнинг ўй-хаёлларини билмасдан мақсадини очмайди. Унинг бу хислатини ҳар икки биродар жуда яхши билишарди. Шунинг учун:

— Биз Мадинага кетяпмиз, эй Амр. Исломи динини қабул этиш ниятидамыз, — дейишди.

Амр кенг бир нафас олди.

— У ҳолда бирга-бирга кетарканмиз. Мен ҳам айна мақсадда йўлга чиққан эдим.

Амр Исломи қабул қилиш сабабини йўлда гапириб берди.

— Ухудда, Ҳандакда урушдим, иккисидан ҳам соғ чиқдим. Ҳудайбия сулҳи тузилганида энди маккаликларнинг юлдузи сўна бошлаганини англадим. Узундан-узоқ ўйладим-да, Нажошийнинг хузурига боришга қарор бердим. Умримнинг қолган қисмини Ҳабаш ўлкасида кечирмоқчи бўлдим. Аммо мен у ердалигимда Мадинадан элчи келди ва Нажоший мусулмон бўлди. Менга ҳам, ақлинг бўлса, Исломи динини қабул эт, деди. Бу қарорга келишимга Нажоший сабаб бўлди.

Шу тариқа уч биродар кўниб-кўчиб юра-юра Мадинага етиб бордилар. Расулulloҳ (с.а.в.) жанобимиз уларнинг келаётганларидан хабар топиб, жуда хурсанд бўлдилар.

Бу воқеа ҳижрий саккизинчи йилнинг иккинчи (сафар) ойида бўлган эди. Мусофирлар Мадинада тоза либосларини кийиб, Расулulloҳ(с.а.в) хузурларига киришди. Набийи акрам (с.а.в.) уларни очик чеҳра билан қаршиладилар. Олдин Ҳолид сўз бошлади:

— Салом бўлсин сизга, эй Аллоҳнинг расули! Мен гувоҳлик келтираман: Аллоҳдан бошқа ҳеч бир илоҳ ва маъбуд йўқдир ва сиз унинг кули ва расулисиз, — деди ва мусулмон бўлди.

— Ва алайкум ассалом ва раҳматуллоҳи ва барокату, эй Ҳолид. Ҳуш келибсан, сени ҳидоятга эриштирган Аллоҳга ҳамдлар айтаман. Сенда мақтовга лойиқ ақл борлигини кўрардим, бу ақлинг сени фақат хайр ва саодат бўлган нарсага етказишини умид қилардим, — дедилар саййидул анбиё.

- Эй Аллоҳнинг пайғамбари, ҳозирга қадар қаерда бўлсам, буткул ўжарлик билан сизга қарши турдим, ҳаққа қарши душман бўлдим. Бу қусурларимни кечиришини сўраб Аллоҳга дуо қилсангиз.

- Исломи дини аввал қилинган гуноҳларни кечиради.

- Эй Аллоҳнинг пайғамбари, шунга қарамай, яна дуо қилишингизни сўрайман.

Сарвари анбиё (с.а.в.) жанобимиз дуога қўл очдилар:

Аллоҳим, Ҳолид ибн Валидни кечир. Аллоҳ йўлидан бориш учун қилган бутун хатоларини мағфират айла.

Ҳолиддай бели букилмаган бир йигитнинг ўз ихтиёри ила Исломи динини танлаши ҳаммани маъмнун этган, хоссатан укаси Валиднинг севинчи чексиз эди.

Кейин Амр ибн Ос олдинга чиқди. Уятдан кўзларини кўтара олмасди. У ҳам шаҳодат калималарини айтди. У ҳам ўтган гуноҳларининг мағфирати учун дуо истади. Набийи акрам (с.а.в.):

- Исломи динида аввалги гуноҳлар буткул ўчирилади, ҳижрат ҳам ўтган ишларни поклайди, — дедилар.

Шундай қилиб, Амр ҳам ичини кемириб турган ёмонликлардан фориг бўлиб, мўминлар орасига қўпшлди. Энди уларнинг бир биродари бўлиб қолди.

Охирида Усмон ибн Талҳа Расули кибириё (с.а.в.) жанобимизнинг қўлларидан тутди, шаҳодат

калималарини айтди.

Шу тариқа Қурайшнинг уч буюк кучини тамсил этувчи уч инсон ўз ихтиёрлари билан Исломни қабул қилишди: Ҳолид ибн Валид Қурайшнинг бош қўмондонлигидан вакил эди; Амр ибн Ос араблар тан оладиган тўрт буюк дохийдан бири эди; Каъба калитлари турадиган оиланинг буюги эса, Усмон ибн Талҳадир*. (Ибн Касир, “Сияр”. 3/446)

ЭРОНЛИК ҚЎШНИ МЕҲМОНГА ЧАҚИРАДИ

Расулуллоҳ (с.а.в.) жанобимизнинг бир эронлик қўшнилари бор эди. Арабча билмасди ёки тилсиз эди. Аммо чиройли овкатлар пиширар, айникса, шўрвалари ғоят лаззатли бўлар эди. Бир куни шу эронлик Расулуллоҳнинг хузурларига келди ва имо билан: «Овкатга марҳамат қилинг», деди.

Расулуллоҳ ёнларида турган Ойиша онамизни кўрсатиб, имо билан: «Бу ҳам борадими?» деб сўрадилар.

«Йўк».

«У ҳолда мен ҳам бормайман».

Бу суҳбат тамоман ишоралар билан кечди, битта ҳам сўз айтилмади. У киши, майли, у ҳам борса-борсин, демади, кайрилиб кетди.

Жанобимизнинг ўзларинигина таклиф этиши эҳтимол бир кишига етарли овкат хозирлаганидандир. Озгина овкатни икки кишининг олдига қўйиб, иккаловларини ҳам оч қўйишни истамагандир.

Расули акрам (с.а.в.) баъзан қўй сўйсалар гўштидан кўни-кўшниларга улашар эдилар. Ҳатто қўшниларга муносабатда айирмачилик юз бериб қолмаслиги учун хотинларига:

— Яхудий қўшнимизга ҳам киритдиларингми? — деб сўриштирар эдилар.

Бу билан яхудий бўлса-да, қўшничилик ҳаққини изчиллик билан риюя этиш лозимлигини англаган бўлардилар. Зотан, Жанобимиз бир гал: «Жаброил менга қўшнининг ҳаққи ҳақида шу қадар тушунтирдик, қўшни қўшнига меросхўр эканини билдирадиган бир ҳукм келтириб қолади-ёв, дейдиган бўлдим», деган эдилар ва буни хотинлари ҳам эшитишган эди.

Эҳтимол, эронлик қўшни ҳам унга кўрсатилган икромларга жавобан меҳмон қилмокчи бўлгандир. Аммо ўша сафар нияти амалга ошмай қолаверди. Бир неча кундан кейин такроран чиқди ва яна овкатга чорлади. Жанобимиз яна аввалги сўроқларини сўрадилар. У яна индамай қайтиб чиқиб кетди.

Учинчи бор келиб, яна таклиф қилди, Жаноби Пайғамбар (с.а.в.) ҳам яна ҳазрати Ойишани кўрсатдилар:

«Бу ҳам борадими?»

«Ҳа».

«Бўпти, қирамиз».

Имо-ишоралар мулоқоти тугагач, Расулуллоҳ жанобимиз олдинда, ҳазрати Ойиша онамиз орқаларида, эронлик қўшнининг уйига йўналишди*. (Муслим, 3/1603; Насай, 6/158)

ТАМИМ ҚАБИЛАСИ ВА АҚРО

Тамимликлар Мадинада яшаётган пайғамбар ҳақларида эшитишган, аста-секин Ислом томир отиб бораётганини кузатиб боришар эди. Бир куни ораларида бир йиғин бўлди. Охирида шоир ва хатибларини олиб, Мадинага боришга қарор қилишди.

Катта бир гуруҳ Мадинага кириб келди. Бу пайтда пешин намозига яқин қолган, Расули акрам(с.а.в.) жанобимиз хужраларида дам олаётган эдилар. Тамимликлар масжидга киришди. Пайғамбаримизни сўрашди. Уйларида эканларини билишгач, ташқари чиқишди.

Хужраларининг оркасига ўтиб, баланд овозда:

- Эй Муҳаммад, бу ёққа чик! — деб бақиришди. Бир неча кишиинг кетма-кет бақириши Жанобимизни безовта қилди. бу орада Ақро ибн Ҳобис кичкиришга тушди:

- Эй Муҳаммад! Мени биласан, мен мактаганга шараф келтирувчи, таҳқирлаганни ерга урувчи одамман.

Яъни, қусурсиз бир одамман, ким мени олқишласа, шараф қозонади, ким қораласа, ўзини пастга урган бўлади, демокчи эди. Аини шу паллада Расулulloҳ (с.а.в.) ташқари чиқдилар ва:

- Бу айтганларингга Аллоҳ таологина лойиқдир, — дедилар. Масжидга ўтдилар. Пешин намозини ўқиб бердилар. Кейин уларга юзланиб:

- Хўш хизмат? — дедилар.

- Биз шоиру ва хатибларимизни олиб келдик. Сен билан бўйлашмоқчимиз. Рухсат бер, шоиримиз шеърини ўқисин, хатибимиз сўзамоллик қилсин, — дейишди улар. Шунда Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Биз шеърхонлик қилиш вазифасини олмадик. Ўзини мадҳ этиш амрини ҳам олмадик. Лекин, майли, хатибингиз гапирсин.

Уторид турди, қавми ва қабиласини олқишлайдиган бир нутқ қилди. Молли-мулкли, жанг илмини биладиган, душмандан кўркмайдиган инсонлармиз, деб таърифлади. Бу масалаларда ҳеч ким улар билан бўйлаша оладиган ҳолда эмаслигини ҳам илова қилиб, сўзларини тугатди. Расули ақрам (с.а.в.) жанобимиз Собит ибн Қайсга ўгирилдилар ва:

— Тур, жавоб бер, — дедилар.

Собит оёққа қалқди. Аллоҳга ҳамд айтди. Жаноби Мавлонинг сифатларидан гапирди. Пайғамбар юбориш билан инсонларга энг буюк икром кўрсатганини таъкидлади. Кўплар юз ўтиргани ҳолда пайғамбарлар султониға илк соҳиб чиққан ва илк имон келтириш саодатиға эришганлар ўзлари бўлганини билдирди. Сўнгра Расулulloҳ жанобимизни мадҳ этди. Доимо у зотнинг йўлларида бўлажакларини, у кишининг амрлариға ҳаракат қилажакларини ифодалади. Сўзларини бутун мўминларға мағфират тилаклари билан яқунлади.

Расулulloҳ уларнинг шоириға изн бердилар. Забаркон "исмли шоир ўрнидан туриб, бир шеър ўқиди. Ортидан Жанобимиз Ҳассон ибн Собитни турғаздилар. У ҳам бир шеър билан жавоб берди.

Шу тариқа мусобақа ниҳоясиға етди. Натижани Ақро ибн Ҳобис эълон қилди:

— Валлоҳи, бу одам ёрдам оляпти. Унинг хатиби бизнинг хатибимиздан чиройли сўзлади. Унинг шоири бизникидан кўра мукамал шеър ўқиди. Уларнинг овозлари бизникидан кучли чиқяпти.

Шу гапларни айтиб бўлгач, Ақро Расулulloҳнинг қошлариға келди ва:

— Мен инондим, сен Аллоҳнинг пайғамбарисан, — деб мусулмон бўлди. Тамим қабиласи аҳли битта-битта келиб, Набийи ақрамнинг хузурлариға шаҳодат калималарини айтишди.

Жанобимиз буюрдилар, ҳар бириға совғалар улашилди. Шундан кейин Бани Тамимға кимни амир этиб тайинлаш масаласи кўтарилди. Ҳазрати Абу Бакр билан Ҳазрати Умар (Аллоҳ улардан рози бўлсин) сира бир фикрға кела олишмади. Бири бир номзодни кўрсатса, иккинчиси эътироз қилиб, йўқ, бошқаси бўлсин, дерди. Овозлари кўтарилиб, тортишув кучайиб кетадиган ҳолға келди.

Шу онда пайғамбарлар сарварини ваҳий ҳоли чулғаб, масалани илдизидан хал этди-қўйди. Бир неча дақиқадан кейин Жанобимиз Ҳужурот сурасининг ушбу илк оятларини ўқидилар:

— “Ей мўминлар, сизлар Аллоҳ ва унинг пайғамбари олдида, (яъни, Аллоҳ ва унинг пайғамбарининг изнисиз бирон сўзға ёки ишға) қадам босманглар! Аллоҳдан кўркинлар! Албатта, Аллоҳ эшитгувчи, билгувчидир. Эй мўминлар, (токи қилган яхши) амалларингиз ўзларингиз сезмаган ҳолларингизда беҳуда-бефойда бўлиб қолмаслиги учун сизлар (пайғамбар билан сўзлашган пайтларингизда) овозларингизни пайғамбарнинг овозидан юқори

кўтарманглар ва унга бир-бирларингизга очик (дағал) сўз қилгандек очик-дағал сўз қилманглар! Албатта, Аллоҳнинг пайғамбари ҳузурида овозларини паст қилган зотлар — ана ўшалар Аллоҳ дилларини такво учун имтихон қилган (яъни, такво имтихонидан ўтган) зотлардир. Улар учун мағфират ва улуғ ажр-мукофотлар бордир. (Ей Муҳаммад,) албатта, (сизнинг аҳли аёлларингиз яшайдиган) хужралар ортидан туриб, сизни (бакириб) чақирадиган кимсатарнинг кўплари нима қилиб қўйганларини билмайдиган кимсалардир. Агар улар то сиз ўзингиз уларнинг олдига чиқдунингизча (сизин чакириб безовта этмасдан) сабр қилганларида, албатта, улар учун яхшироқ бўлур эди. Аллоҳ мағфиратли, меҳрибондир”*. (Хужурот, 1-5)

Тамим қабиласи бир муддат Мадинада қолиб, Ислоом динини ўрганадиган, шундан кейин юртларига кетадиган бўлишди.

* * *

Ўша кунлардан бирида Аллоҳнинг расули масжидда саҳобалари билан суҳбат куриб ўтирган эдилар. Ақро ўрнидан Турдн, сал нари кетди. Биров унга эътибор ҳам қилмади Аммо у чеккароққа бориб, кичик хожатини чиқара бошлагагини кўрганлар пешоналарига шাপатилашди. Кўраётганлар туш эмас, бу одам оёқда турганча сияр эди. Дод деб юборишди:

- Ҳой, нима қияпсан сен?

- Ташиқари чиқ, бу ер масжид-ку!

Суҳбат узилди, аммо Ақро пинак бузмай ишини давом эттирар эди. Унинг устига бостириб бораётганларни Жанобимиз тўхтатдилар:

— Қўйинглар, бу одамни қийнаманглар. Сизлар осон кўрсатиш, қийинлаштирмаслик буйруғини олган одамларсиз, — деб марҳамат қилдилар.

Танбеҳни эшитганлар орқага қайтишди. «Қўйинглар бу одамни...» дейишлари у ишини бошлаб қўйгани учун эди. Ниҳоят, битиргач, атрофларида ўтирганларга:

— Битта идишда сув келтириб, қўйиб юборинглар, — дедилар.

Масжид ери қум-шағал бўлгани учун устига қўйилган сув билан у ифлослик осонгина ювилиб кетарди. Буйруқ бажарилди. Масаланинг бир қисми шу тариқа ҳал этилди. Иккинчи қисмини ҳам чиройли ҳал қилиш учун Ақрони ёнларига чақирдилар:

— Бу ер Аллоҳнинг уйи. Бунақа ишларнинг бу ерда қилиниши ярашмайдиган ишдир. Бу ерда намоз ўқилади, Қуръон ўқилади, Аллоҳ эсланади, — деб тушунтириш бердилар.

* * *

Яна бир куни Ақро масжидга кириб намоз ўқиди, тугатгач, дуога қўл очди:

— Аллоҳим, менга ва Муҳаммадга марҳамат эт, иккимиздан бошқа ҳеч кимга марҳамат этма! — дея илтижо қилди.

Бу дуони ичида эмас, ҳаммага эшиттириб қиларди. Жаноби Пағамбар ҳам эшитдилар. Раҳмат ва марҳамат исташи жуда яхши, аммо Аллоҳнинг марҳаматини бошқалардан қизганишнинг маъноси не?

Расули мухтарам (с.а.в.) жанобимиз унга бокдилар:

— Сен кенг нарсани торайтиряпсан, — деб танбеҳ бердилар.

* * *

Бошқа куни у Жанобимиз невараларидан бирини кучокларига олиб, ўпиб-еркалаб турганларининг устига келиб қолди. Ғалати бир нарсани кўриб қолгандек, оғзи очилиб қолди..

- Менинг ўнта болам бор, аммо ҳалигача уларни ўпганим йўқ, — деди.

Расули акрам (с.а.в.) унга жавобан:

— Аллоҳ сенинг қалбингдан шафқат туйғусини олган бўлса, мен нима кила оламан... Шуниси ҳақиқатки, шафқат қилмаганга шафқат қилинмайди, — дедилар.

Турган-битгани дарғазаб, қўпол ва дағал бўлган бу табиат Исломни қабул қилганидан сўнг ҳам шундай давом этадими ёки бирон ўзгариш бўладими?

Бир неча кун Мадинада тургач, Бани Тамим аҳли юртларига жўнаб кетишди.

* * *

Расулуллоҳ (с.а.в.) жанобимизга Хужурот сурасининг илк оятлари тушганидан кейин Собит ибн Қайс масжидга келмай қўйди. Бир-икки кун кўринмагач, Жанобимиз аҳволини билиб келишга одам юбордилар. Борганлар Собитни чуқур қайғуга ботган ҳолда топишди.

— Сенга нима бўлди, Собит, кўринмай қолдинг, — деб сўрашди.

Собитнинг кўзларида ёш қалқди. Пайғамбар овозидан баланд овоз чиқарувчилар ҳақидаги оятдан сўз очиб, амалларининг ҳабата бўлганидан, жаханнамга лойиқ иш қилиб қўйганидан кўрқувга тушганини гапириб берди.

— Ўзларинг биласизлар, саҳобалари орасида овози энг баланди менман, — деди афсуслар ичра.

Келганлар қайтиб бориб Жанобимизга воқеани тушунтиришди. Шунда Расули акрам (с.а.в.):

- Йўқ, ҳақиқат шуки, у жаннат аҳлидандир, — деб марҳамат қилдилар.

Бир оздан кейин ҳалиги биродарлари яна Собитнинг уйини олдида пайдо бўлишди. Ичкари кирасолиб:

- Суюнчи бер, Собит, сенга хушхабар! — дея Жанобимиздан эшитган гапларини етказишди.

Собит ўзини кўярга жой тополмай қолди, дўстларининг бўйинларига осилди. Аниқ дарддан кутилган одамгина шу даражада севина оларди. Дарҳол дин қардошлари билан биргаликда жанобимизнинг ҳузурларига борди. Кўзлари ич-ичидан кулиб турган инсонлар уни қарши олишди. Ҳамма унга ҳавас билан боқарди. Сарвари олам:

- Кадрли бир инсон ўлароқ яшашга, шаҳид ўлароқ Аллоҳнинг ҳузурига боришга ва жаннатга киришга рози бўлмайсанми? — деб сўрадилар.

Эсли-хушли бир мусулмон бундан ортиқ яна нимани ҳам истар эди.

- Мен Аллоҳ ва расули берган муждага розиман. Ва, эй Аллоҳнинг пайғамбари, бундан буён овозимни ҳеч қачон сизнинг овозингиздан баланд чиқармайман! — деди Собит ҳаяжонда.

Ўшандан кейин ким Собитга дуч келса, бу муждани хотирлайдиган ва «Мана жаннати одам», деб ҳавас-ла қрайдиган бўлди.

Собит Расулуллоҳ(с.а.в.) жанобимиз билан илк танишган кезларида Ақобада ансор номидан сўз айтган, унда: «Ей Аллоҳнинг пайғамбари, ўзимизни ва болаларимизни душмандан химоя қилганимиз каби сизни ҳам химоя қиламиз. Аммо бунинг эвазига бизга нима берилади?» деб сўраган эди. Ўшанда Жанобимиз унга: «Жаннат берилади», деб жавоб қилган эдилар.

Ўша кез том маъносила жаннатга киришга номзод бўлган Собит энди хоссатан ўзи учун бундай қийматли бир муждани олди.

Расулуллоҳ жанобимизнинг вафотларидан кейин пайғамбарлик даъвоси билан майдонга чиққан машҳур ёлгончи Мусайламага қарши Ямомадаги жангда қатнашган Собит ибн Қайс Жаноби Мавло шаҳидлар учун берадиган зиёфатида Ямома саҳросида илма-тешиқ ҳолда вужудидан сийрилиб чиққан топ-тоза руҳи билан иштирок этажак (Аллоҳ ундан рози бўлсин).

СУЛАЙМ ҚАБИЛАСИ

Сулайм қабиласидан Қайс ибн Нушба исмли киши бир куни Мадинага келди. У савдогар бўлганидан бу муборак шаҳарга, дин учун эмас, савдо-сотик ишлари билан келган эди. Лекин

ҳамма нарса ҳам инсон ўй-ҳаёлига, орзу-истагига уйғун кечавермас экан.

Бозорда савдо расталари оралаб юрганида эшитган гап-сўзлари уни беихтиёр Расулulloх масжидлари томон етаклади. Бозорда халқдан эшитганларини бу ерда ўз оғизларидан ҳам тинглади. Кўзларида самимият балкиб турган, юзлари Аллох нури ила ёруғ бу зот гапирган гаплар асло бепарво қолинадиган нарсалар эмасди. Ниҳоят, бу нур юзли инсон:

— Эй Қайс, сени Ислom динини қабул қилишга даъват этаман, — дедилар.

Қайс дарҳол шаҳодат калималарини сўйлади, энг охирги ва энг мукамал диннинг бир аъзоси бўлди. Зотан, ҳеч кутмаганда оёғи остидан чикиб қолган бу илоҳий неъматни инкор этишдек телбаликка у қандай боради?!

Мадинага тижорат учун келган эди. Қадар уни абадий фойда келтирадиган бир тижоратга тортди, куфр ва ширк ҳаётини бериб, эвазига имон ва хидоят саодатини қозонди.

Орадан бир-икки кун ўтиб, у Пайғамбар жанобимиз билан хайрлашди. Аллох энг кўп суйган инсонлар тўпланган бу муборак шаҳарни тарк этиб, қабиласига келди.

Сафардан қайтиш муносабати билан бир куни окшом Қабилadoшлари уникага тўпланишди. Қайс уларга сафар таассуротларини узоқ гапириб берди. Сўз орасида йўли Мадинага ҳам тушганини, у ерда кўрган-ешитганларини бирма-бир ҳикоя қилди. Сўзларини бундай тугатди:

— Мен румларнинг, эронликларнинг ҳикояларини эшитдим. Арабларнинг шеърларини, кохинларнинг ўткир гапларини, ҳимайрликларнинг масалларини эшитдим. Аммо мен

Муҳаммаддан тинглаганларимнинг мазасини ҳеч биридан топмадим. Агар яхши бир иш қилай десаларинг, менинг сўзимга кулоқ беринглар-да, унинг динидан сизлар ҳам насибаларингни олинглар, — деди.

Қайснинг бу сўзлари дўстларининг юракларига яхшигина таъсир кўрсатди.

— Ўзинг бу динни қабул этдингми, эй Қайс? — деб сўрашди.

— Ҳа, энг тўғри қарорга келганимга ишонган ҳолда бу динни қабул қилдим.

Ўқтириш қатнашчиларидан Говий ибн Абдулуззо уйига қайтаркан, қабилadoшининг гапларини ақл тарозисида ўлчаб борди.

Говий дин туйғуси кучли одам эди. Шу сабабли боғининг бир чеккасига ўзи учун махсус бир бут ўрнаштириб олган, ора-сира шу бутнинг олдига келар, шукрларини тақдим этар, хожатларини арз қилар, куллик бурчларини ад о этар эди.

Қайснинг Мадина таассуротларини эшитганидан уч-тўрт кун ўтди. Бир куни кўча юмушларини ўтаб бўлиб уйига қайтдию боғида кўрган манзарасидан кўзларига ишонмай қолди. Тушимми, ўнгимми дегандай юзига шапатилаб кўрди. Қаёқда, уйқуда эмасди. Иккита ит бутнинг шундоқ ёнгинасида, бири оёгини кўтарганича бутнинг устини булғар, иккинчиси шеригини пойлаб турар эди. Бирдан миясига қон тепди. Бунақа одобсизликка чидаб бўладими, ахир!

— Кет, тур йўқол!.. — деб итларга ташланди. — Ўлдираман сенларни! — деб бақира кетди.

Итлар қочиб қолишди. Говий орқаларидан қўлига илинган бир-икки тош отиб, кейин бутининг ёнига келди: шўрлик бутнинг анча-мунча жойи сийдикка булғанган, аммо турган жойида ўликдай қимир этмай турар эди. Говий бу ҳолдан жони қийналиб, нима қиларини билмай қолди. Итларни тутиб олганида-ку, қандай жазо беришни биларди! Шу пайт зехнида бирдан чакмоқ чакқандай бўлди, энди ғзаби бошқа ёққа йўналди:

— Бу кунингдан баттар бўл, устинга сийган итларга ҳам ҳеч нарса қила олмасанг! — дея бақирди.

Ғзаби босилмади. Қўлига болта олиб, умр буйи ҳузурида сажда қилиб келган бутнинг бошига туширди. Бир урган билан яна тинчланмади. Кетма-кет иккинчи, учинчи бор болта солди. Ҳиёл ўтмай бут тилка-пора қилинган ҳолда ерда сочилиб ётарди.

Говий уловини хозирлади, йўлга озиқ-овқат олди ва... Қайс мақтаган буюк Пайғамбар билан кўришиш ниятида Мадинаи мунаввара сари жўнади. Йўл буйи у тилида айланган бир байтни

хиргойи килиб борди: «Тулки ҳам сийиб кетаверса, у тангри тангрими? Бунака эмасда... Тулкилар сийиб кетган тангри хор бўлди демак...»

Узоқдан хурмо дарахтлари ила куршалган шаҳар кўринди. Бир соат ўтар-ўтмас Говий Ҳабиби Худо (с.а.в.) жанобимиз хузурларида, у кишининг муборак оғизларидан Ислом дини ва аҳкомини тинглаб ўтирарди. Пайсалга солмай, бир қарорга кела қолди. Зотан, инжиқланиб ўтиришдан фойда ҳам йўқ эди. Тез шаҳодат калималарини такрорлади ва мусулмон бўлди.

— Отинг нима.

— Говий ибн Абдулуззо.

Жанобимизга унинг исми ёқмади. «Говий» озғин дегани. «Абдулуззо» эса, Уззо исмли бутнинг бандаси ва қули дегани эди.

— Сенинг исминг Рашид ибн Абди Раббих бўлсин, — дедилар.

Унинг Исломни қабул этганидан хурсанд эдилар, хурсандликларининг ифодаси ўларок булоқли бир парча ерни унга ҳадя қилиб юбордилар. Бу булоқ узоқ замонлар «Айнур Расул» (Расул булоғи) деб айтиб юрилди.

Рашид ибн Абди Раббих Сулайм қабиласининг яхши бир кишиси сифатида номи машхур бўлажак. Севгили Пайғамбаримиз Макка фатҳи сари юриш бошлаганларида Рашид ҳам қабиласи билан биргаликда келиб кўшинга қўшилажак*. (Ибн Касир. «Сияр», 4/176.)

ҲАЗРАТИ САФИЙАГА ТАСАЛЛИ

Бир куни Расулulloҳ (с.а.в.) Сафия онамизнинг хоналарига кирсалар, у йиғлаб ўтирибди.

— Нега йиғлаяпсан? — деб сўрадилар. Сафия (р.а.) кўзларини артди.

— Одамни эзадиган сўзлар қулоғимга чалинди. «Биз Расулulloҳнинг хузурларида кадрлироқ ва шарафлироқмиз. Чунки ҳам хотинлари, ҳам у зотнинг яқин уруғларимиз, у эса бир яхудий қизи...» дейишяпти, — деди юраги тўлиб.

Набийи акрам бу сўзлар Ойиша билан Хафсадан чиққанини ҳам Сафиядан билдилар. Суюкли хотинларига тасалли бердилар:

— Сизлар қанақасига мендан яхши бўласизлар, менинг эрим Пайғамбар мустафодир, бобоколоним пайғамбар Ҳорун, катта амаким эса пайғамбар Мусодир (а.с.) десанг, бўлмасмиди уларга?! — дедилар*. (Имом Термизий. 5/708).

Сафия Жанобимизнинг кўнгил олувчи бу сўзларидан севиниб кетди. Бу илтифот билан у зот инсонларга муносабат қандай бўлиши лозимлигини ҳам кўрсатиб бердилар. Пайғамбарлик адаби мана шундай тажаллий этади!

Ҳолбуки, бир инсон сифатида: «Хў-ў Сафия! Сен Ҳуяй ибн Ахтобнинг қизи эканингни дарров унутдингми? Назир яхудийларининг раиси эмасмиди? Яхудий бўлмаганим учунгина менга душманлик қилган ва халқимнинг бошига Хандақ жангидек бир фалокатни келтирган одам... Ёки сен у яхудийнинг қизи эканингни инкор қиласанми?» дейишлари мумкин эди. Айтсалар, ёлғонни эмас, айна ҳақиқатни айтган бўлардилар. Аммо бундай дейилганида бир кўнгил ўнглаб бўлмас даражада синар ва адо бўлар эди. Қолаверса, тубан бир отанинг гуноҳи соф туйғулар билан Пайғамбарга (с.а.в.) боғланган аёлга юкланиб, бировнинг иши учун бошқаси масъул тутилган ва жазоланган бўлар эди.

Ҳабиби акрам (с.а.в.) хонадан чиқаётганларида Сафия онамиз анча енгил тортиб, бояги нохуш сўзларни кўнглидан чиқариб улгурди.

Ҳа, у бир яхудийнинг, бунинг устига, шафқатсиз яхудийнинг қизи эди. Аммо тақдир қалами уни шундай отанинг қизи қилган бўлса, бунинг алами Сафиядан олиниши керакми? Кеча бир яхудийнинг қизи эди, аммо бугун у дунё тургунча шараф-ла эсланадиган «Пайғамбарнинг завжаси» бўлиш саодатига эришган. Одамларга кечаги холига қараб баҳо бериш тўғри бўлса, ҳазрати Умардан бошлаб қанча-қанча одамларга не-не аччиқ ҳукмлар ўқилиши керак.

Кунлик беш вақт намозда ҳар мўмин «Аллоҳумма, солли ʔала Муҳаммадин ва ʔала оли Муҳаммад...» дуосини ўқийди. «Аллоҳим, сен Муҳаммадга (с.а.в.) раҳматингни ёғдир. Муҳаммаднинг оила аъзоларига раҳматингни ёғдир», деб дуо қилади. Бу дуодан оналаримиз Ойиша ҳам, Ҳафса ҳам, Жувайрия ҳам, Умму Салама ҳам насибаларини олади-ю, Сафияга улуш тегмай қоладими?! Пайғамбар хотини бўлса нима, отаси яхудий эди, дейиладими?

Хуллас, бутун коинотнинг энг азиз киписи бўлган Жанобимиз бу ишни шундай қолдирилмас эдилар. Олдин Ҳафсани топдилар, унга қилган ишининг нотўғрилигини тушунтирдилар.

— Эй Ҳафса, Аллоҳдан кўрк, — дедилар. Кейин ҳазрати Ойишани топиб, унга ҳам керакли огоҳлантиришни қилдилар.

* * *

Ўша куними ёки бошқа куними Ойиша онамиз Сафия онамиз ҳақида Жанобимиз (с.а.в.) билан гаплашиб ўтираркан:

— Унинг паканалигининг ўзиёқ қусур сифатида етиб ортади, — деб юборди.

Ҳабиби акрам (с.а.в.) бу сўздан нохушландилар.

— Эй Ойиша, шундай бир сўз айтдинг, агар бу сўзинг дарё сувига қўшилса, уни албатта бузади, расво қилади, — дедилар.

Ойиша жим қолди. Маънавият оламининг султониға қарши: «Ҳеч ҳам ундай эмас», дея олмасди ҳам.

Есига бир ходиса келди. Ўшанда Пайғамбар ҳузурларида бир шахсга таклид қилган, Аллоҳ рози бўлмайдиган иш қаршисида жим туриши мумкин бўлмаган буюк муршид дарҳол ўзини ўнглаб:

— Эвазига катта неъматлар ваъда қилинса ҳам, бир инсонни таклид этишни орзу қилмайман, — деган эдилар*. (Абу Довуд. 4/371)

Набийи акрам (с.а.в.) ҳазрати Ойишани севардилар. Севган одамлари ичида энг биринчиси у эди. Айни чокда, ўртада агар бировнинг ҳаққи поймол этилса, Жанобимиз бунга чидаб туролмас, кўз юмиб кетолмас эдилар. Ҳатто ғоят Қадрли ҳазрати Абу Бакрнинг қизи севгили Ойиша бўлса ҳам.

Жанобимизнинг аралашувлари билан хотинлар орасида баъзан чиқиб турадиган ғидибидилар дарров тўхтар, келишмовчиликнинг олди олинар эди. Лекин иш шу билан барҳам топиб кетмасди. Бир-бирлари ила рақобат ҳолатида яшайдиган саккиз хотин бир жойда турганидан кейин албатта одамни ҳузурсиз қиладиган воқеалар бўлиб туради. Ҳатто Ҳабиби акрам (с.а.в.) жанобимиз хонадонларида ҳам.

* * *

Ҳижратнинг еттинчи йили Мадинаға бир йўқчилик келди. Халқ бошиға яхшигина оғирчилик тушди. Айни шу кунлари шаҳарға бир карвон кириб келдию одамларнинг юзига қизиллик югурди. Чунки бу карвоннинг эгаси жаноби Пайғамбаримизнинг куёвлари ҳазрати Усмон (р.а.) эди. У ҳарҳолда катта фойда кетидан қувмайди, халқнинг сиқинтили ҳолатидан фойдаланиб қолай дейдиганлардан эмас.

Аммо атрофини бир неча бой савдогарлар ўраб олишди.

— Эй Усмон, ҳисоб-китоб қил, икки баробар қимматиға молингнинг ҳаммасини сотиб оламиз, — дейишди.

— Ундан кўпроқ берадиганлар ҳам бор, — деди ҳазрати Усмон.

— У ҳолда уч баробар бераман.

— Янаям кўпроқ берадиганлар бор.

— Беш баробар ҳақ таклиф қиламиз, эй Усмон!

— Ундан ҳам кўпи берилди ҳисоб.

Ҳайратланарли жойи карвон эндигина келгани, ҳали ҳеч ким улардан олдин харидор бўлмагани эди.

— Эй Усмон, яхшилаб ўйла. Мадинада биздан бошқа унака мард йўқ. Ким экан у харидоринг? — деб сўрашди ажабланиб.

Шунда ҳазрати Усмон (р.а.) ҳақиқатан буюқлигини кўрсатадиган гапни айтди:

— Аллоҳ таоло бирга ўн беради. Сизлар ҳам гувоҳ бўлинглар, бу карвонни Аллоҳ розилиги учун Мадина фақирларига ҳадя қиламан.

Шу тариқа ҳазрати Усмон жанг соҳасида қила олмаган ишини саховат соҳасида қилди ва буюқлигини яна бир карра исботлади.

ТОВОҚНИНГ СИНИШИ

Расули мухтарам (с.а.в.) жанобимиз Ойиша онамизнинг (р.а.) хонасида эдилар. Эшик тақиллади ва бир хизматчи товоқда овқат кўтариб кириб қолди.

— Эй Аллоҳнинг пайғамбари, буни сизларга хотинингиз Сафия (ёки Зайнаб) бериб юборди. Салом ҳам...

Хизматчи сўзларини давом эттиролмади. Ойиша онамиз ўрнидан туриб, унинг кўлига қаттиқ урди. Товоқ ерга учиб тушиб синди, овқат сочилиб кетди.

Расулуллоҳ жанобимиз жим ҳолда тўкилган овқатни тўплай бошладилар. Орада:

— Онангизни рашк туйғулари тутди, — дедилар.

Ўзини йўқотиб қўйган хизматчи тезда хушини йиғиб:

— Мен нима қилай, эй Аллоҳнинг расули? — деб сўради секин.

Жанобимиз унга бир оз кутиб туришни буюрдилар. Сўнгра товоқ топиб кўлига бериб чиқариб юбордилар*. (Бухорий, 6/157)

. Ойиша онамиз ниҳоятда асабийлашган эди. Араблар бу ҳолатга тушганлар ҳақида: «Водийнинг пастини баландидан ажратолмай қолди», дейишади. Расули акрам (с.а.в.) ҳам бу ҳолатида унга гапириб ўтиришнинг фойда бермаслигини билганларидан, индамадилар

Аслида, Ойиша онамиз Пайғамбар хотинлари ичида энг севгилиси эканини, бу қилган иши Жанобимизни ранжитишини ўз исмини билган каби аниқ биларди. Шунга қарамай, хизматчининг кўлига ураётганида ишидан ҳисоб берадиган ҳолатда эмасди.

Орадан пича ўтиб, ғазаби ётди. Пушаймонлик туйғуларини ифодалайдиган бир овоз билан:

— Эй Аллоҳнинг пайғамбари, бу ишимнинг жазоси нима бўлади? — деб сўради.

Табассумли бир юз ва тотли бир овоз унга жазони англатди:

— Синган товоқ ўрнига бир товоқ, тўкилган овқат эвазига бир овқат**. (Абу Довуд, 3/403.)

* * *

Расулуллоҳ (с.а.в.) хотинлари орасида юзага чиқиб турадиган бундай машмашаларни сабр билан қаршилар эдилар.

Ҳар куни оқшомга яқин улар билан биттама-битта кўришиб чиқар, ҳол-аҳволларини сўраб, озгина суҳбатлашиб ўтирар эдилар. Кечалик навбати келган хотинларининг олдига энг охирида кирардилар. Овқатни ўша ерда еб, тунни у билан баҳам кўрардилар.

Бир куни Зайнаб онамизнинг ёнига кирдилар, салом бердилар.

— Ва алайкум ассалом, эй Аллоҳнинг расули, марҳамат қилинг, — дея ширин сўз ила қаршилади Зайнаб онамиз. Сўнгра: — Озгина асал келди, асал шарбатидан кўнглингиз тусайдими? — деб сўради.

Таклиф қабул этилди. Мўминларнинг гўзал онаси гўзал қўллари билан тайёрлаган ва Жаноби Мавло «Унда инсонлар учун турли-турли шифо бордир», дея таърифлаган асал оламларга

рахмат бўлиб келган Жанобимизга такдим этилди.

Асални жуда яхши кўришларини биларди. Шу сабабдан, ёнимда сал бўлса-да, кўпроқ турсинлар, деган умидда ўзига ҳада этилган асални саклаб қўйган эди. Ҳам Расулуллоҳ мамнун бўлдилар, ҳам ўзи муборак эрининг дийдорларига кўпроқ тўйиб завкланди.

Бу пайтда Ойиша онамиз Зайнабнинг хонасида нималар бўлаётганидан беҳабар эди. Билгани — Расулуллоҳ унинг хузурида бошка хотинларига нисбатан бир оз кўпроқ туриб колдилар. Сабабини ўрганди ва ниҳоят асал икром этилганини аниқлади. Дарҳол энг якин кундоши Хафсани топиб, унга воқеани тушунтирди. Натижа эътибори ила бир режа тузишди ва уни айнан амалга оширишга қарор қилиб ажралошди. Кекса Савда онамиз ҳам, ишкилиб кейин дакки еб колмайин-да, деган андишада, истаб-истамай Ойиша онамизнинг режаси бўйича ҳаракат қиладиган бўлди.

Ертаси Аллоҳнинг севиқли пайғамбари Зайнабниқига кирганларида яна асал шарбатидан ичдилар ва окшомги зиёратларини бошладилар. Ойиша онамизнинг хонасига кириб, энди ёнига якин борганларида, онамиз кўллари билан бурунларини тўсиб, ёмон ҳид келаётгандек, юзини буриштирди.

— Сиздан мағфир хиди келяпти, Набияллоҳ... Ёки асал едингизми? — деди.

— Ҳа, Зайнаб асал шарбати берган эди.

— Демак, бу сассик ҳид ўшандан.

Хафсанинг ҳужрасида ҳам шу ҳолат такрорланди, у ҳам шоша-пиша бурнини тўсди. — Бу мағфир хиди нимадан келяпти, эй Аллоҳнинг пайғамбари? — деди сўнгра.

Кекса Савда онамиз ҳам айни шунақа тарз кутиб, бурнини енги билан елпа бошлагач, ишдан тамоман маза қочди.

Мағфир — сассик ҳидли бир гулнинг номи эди. Асалари бол тўплаётганида бу гулдан ҳам аралаштириб юборган бўлса, асалнинг табиий гўзал иси бузилиб, кўнгилсиз бир ҳид келадиган бўлиб коларди.

Аммо Расулуллоҳ жанобимиздан мағфир хиди келмаётган эди. Чунки бу ҳид асалда сезилганида, Зайнаб онамиз уни асло Жанобимизга ичирмас, ўзлари ҳам ичмас эдилар. Неча кундан бери кўланса ҳиди билинмаган бол бугун бирдан ҳид таратиб қолиши кизик.

Расули акрам (с.а.в.) учала хотинлари бу ишлари билан нима демоқчи бўлишаётганини тушундилар. Қайфиятлари тушди. Энг табиий бир ишлари бунақа нохуш тарзда баҳоланса-я... Уч хотинларининг тил бириктириб қилган бу ишларидан хафа бўлган Жанобимиз: «Енди ҳеч қачон асал шарбати ичмайман!» деб қасам ичиб юбордилар.

Ниҳоятда севадиганлари неъматдан энди умр буйи махрум қоладиган бўлдилар. Бу қасамга сабабчи хотинлари Жанобимиз ўзларига тайин қилган бу нозик жазо қаршисида пушаймон бўлишдимми? Қай даражада пушаймонлик чекишди? Ҳадис китобларида масаланинг бу жиҳати очилмаган.

Аммо Улуғ Мавло бу жазони тасдиқ этишга рози бўлмади. Дарҳол ваҳий фариштаси Жаброили амин келди ва пайғамбарлар буюгининг покиза қалбларига илоҳий ваҳийни жойлади. Орадан сал ўтмай Жанобимиз бу оятларни мусулмонларга ўқиб бердилар:

«Ей пайғамбар, нега сиз жуфтларингизнинг розилигини истаб, Аллоҳ сиз учун ҳалол қилган нарсани ҳаром қилиб оласиз?! Аллоҳ мағфиратли, меҳрибондир. Дарвоқе, (ей мўминлар,) Аллоҳ сизлар учун (маълум миқдорда товон тўлаб) қасамларингиздан кутулиб чиқишни буюрган-ку. Аллоҳ хождаларингиздир У билгувчидир ва ҳикмат эгасидир»*. (Таҳрим, 1-2.)

Шундай қилиб, қасам кучдан колдирилди, ҳатто оятда бунақа қасам ичганлари учун Жанобимизга танбех берувчи бир оҳанг ҳам бор эди. Бу оятлар асҳоби киром орасида энг кўп ҳазрати Абу Бакр билан ҳазрати Умарни роҳатсиз қилди. Расули акрамнинг оёқларига тикан кирмаслиги учун умрларини сева-сева фидо этишга тайёр бу икки инсоннинг кизлари тил бириктириб, Пайғамбаримизни бундай қасам ичишга мажбур қилдиришса... Жанобимиз ўзлари

жуда ёктирадиган асални емасликка, шарбатини ичмасликка осонликча қасам ичмагандирлар, ахир.

Бу улуғ саҳобалар кизларининг олдиға боришди, керагича танбех ва таъзирларини беришди. Аллоҳнинг расулини хурсанд қилиб саодатға эришиш мумкин бўлиб турган бир пайтда бу хил ҳаракатлари билан бошларига балолар ёғдиришлари эҳтимолини хотирлатишди.

Енди бундан бу ёғиға Расулulloҳ (с.а.в.) Зайнабнинг хонасида, мўминларнинг бу ҳимматли онаси хозирлаган бол шарбатини «Нега сиз жуфтларингизнинг розилигини истаб, Аллоҳ сиз учун ҳалол қилган нарсани ҳаром қилиб оласиз?!» оятини эслаб-еслаб ичажаклар. Айна чоғда, бошқа хотинлари ҳам бу зотға бол шарбати илинишға доим ҳақли эдилар*. (Имом Бухорий, 6/166)

ТУПУК

Кимдир масжидға тупурибди. Унинг устиға, қибла томонға. Уни кўриб Расулulloҳнинг кайфиятлари бузилди. Қўлларида хурмо шохидан бир калтак бор эди. Ўзи кўпинча шунақа бир калтак олиб юрардилар. Дарҳол шу калтакнинг учи билан чуқилаб, тупукни ёпдилар. Сўнгра масжиддагиларға ўгириддилар.

— Қайси бирингиз ўзидан Аллоҳ юз ўгиришини истайди? — деб сўрадилар.

Ҳамма бир титраб тушди. Бу титроқ юракларға тушган кўркувнинг излари эди. Кимнинг боши эгилди, ким эса, ҳадик-ҳавотирли нигоҳларини Расулulloҳға қаратди. Яна ўша савол такрорланди:

— Қайси бирингиз ўзидан Аллоҳ юз ўгиришини истайди?

Аммо «мен истаيمان» дейдиган бир мард борми? Ҳеч ким бу нарсани орзу қилмайди, қилолмайди. Ахир, бу динни Аллоҳ розилигини қозониш учун қабул қилишган, бу йўлда оғир жанглар қилишган.

Расулulloҳ (с.а.в.) саволларини учинчи марта такрорладилар, индамай ўтиравериш ҳам ўнғайсиз бўлиб қолди:

— Ҳеч қайсимиз истамаймиз, эй Аллоҳнинг расули...ҳеч қайсимиз! — дейишди.

Шундан кейин Пайғамбаримиз (с.а.в.) ушбу таълимни бердилар:

— Намозға турган одамға Аллоҳ таоло қибла томондан раҳмат ва розилигини юборади. Шунинг учун ҳеч ким қибла томонға ёки ўнг томонға тупурмасин. Чап томонға, оёғини тағиға тупурсин. Агар зарур бўлиб қолса, шундай қилсин, — дедилар-да, рўмолларининг бир учига тупуриб, қатладилар. Кейин такрор одамларға қарадилар.

— Менга озгина хушбўйлик олиб келинглар.

Битталари сапчиб туриб чиқиб, ҳовучида озгина мушк олиб келди. Пайғамбаримиз калтакларининг учига шимдириб, ҳалиги тупурилган жойға суркадилар*. (Муслим, 4/2303)

Расулulloҳ (с.а.в.) бу вазиятда: «Қайсингиз бетига тупурилишини орзу қилади?» деб ҳам сўраганлар. Эҳтимол, буниси биринчи сўровға қўшимчадир ёки яна бир марта шунақа ходиса юз бергандир.

Нима қилиш кераклигини кўрсата туриб кийимларининг бир чеккасиға тупуришларини бугунги маънодаги рўмолча деб тушуниш керак. Чап томонға, оёқ остиға тупуришлари эса, у пайтда ер шағалтошдан иборат бўлгани учундир. У замонларда хали масжидларға шолча ва гиламлар тўшалмагани доимо эсда туриши керак.

ЖУМА КУНИ ЁМҒИР ДУОСИ

Расулulloҳ (с.а.в.) жанобимиз минбарда хутба ўқир эдилар. Мўминлар бошиға қуш қўнган инсонлардай қимир этмай қулоқ солишарди. Шу пайт ховлиқиб бир одам кириб келди.

— Эй Аллоҳнинг пайғамбари! — дея овоз берди ўтирмасиданок.

Масжиддагилар унга ўгирилиб қарашди. Расулulloҳ ҳам сўзларини кесдилар.

— Молларимиз, ҳайвонларимиз паришон бўлди. Чорасиз қолдик. Аллоҳга дуо қилинг, бизларга ёмғир берсин! — деди ҳалиги киши.

Ҳамманинг кўнглидаги гапни айтган эди у. Жанобимиз бир сўз демасдан, юзларини кўкка чевиридилар, кўлларини кўтардилар. Бу вазиятнинг гувоҳлари кейинчалик Расулulloҳни таърифлашаркан, кўлларини шу даражада кўтардиларки, кўлтиқларининг оствадаги оқликни кўрса бўларди, дейишган.

— Аллоҳим, бизларга ёрдам қил, ёмғир юбор!.. Аллоҳим, бизларга ёрдам қил, ёмғир юбор!.. Аллоҳим, бизларга ёрдам қил, ёмғир юбор!.. Аллоҳим, кулларингни сувга қондир, ҳайвонларга сув бер, раҳматингни атрофга ёй, ўлик ҳолига келган бу шаҳрингга ҳаёт эҳсон эт!..

Севикли Пайғамбаримиз дуо қиларканлар, неча хафталардан бери ёмғир кутиб, кўзларини кўк юзидан узмаган инсонлар жону дилдан омин деб туришарди.

Кейин Расулulloҳ хутбани тугатдилар. Минбардан тушиб келиб, намоз ўқиб бердилар.

Ўша куни жума намозига қираётганда охириги марта яна осмонни кўздан кечирганлар ёмғирдан дарак берадиган кичкинагина ҳам аломат топмай афсус ила бош чайқашган эди. Расули акрам(с.а.в.) жанобимиз дуоларининг ортидан кўк юзида булутлар бирдан ҳаракатга тушиб қолди. Ҳатто бир булут худди ортидан биров қувлаётгандай шошиб кела бошлади. Келгани сари катталашар, катталашгани сайин Мадина устини қоплаб борар эди.

Нихоят, масжиддан чиккан мўминлар ҳавода бир шабада исини туйишди. Бу шабада ёмғирнинг муждачиси эди. Юзларига севинч балқиди, кўнгиллар нашъага тўлди. Тасир-тусир ёға бошлаган ёмғир бир онда ҳавони ўзгартириб юборди.

Ўша пайтда ўн саккиз ёшли тиғдай бир йигит бўлган Анас (р.а.) у кунни эслаб: «Уйларимизга шалаббо бўлиб кириб борганмиз», деган. Бу билан ўша ёмғир селдай келганини билдирган эди. Хутба чоғи бир одамнинг масжидга кириб айтган гапю Пайғамбаримизнинг дуолари ўша куни хонадонларда роса суҳбатга мавзу бўлди.

У кун ўтди, эртаси ҳам ўтди, тўла бир hafta ҳам ўтди, аммо ёмғир на тинди, на суръати камайди. Томлардан оқиб кетди, йўллар юриб бўлмайдиган ҳолга келди. Атроф балчиққа тўлди.

Мўминлар яна жума намозига йиғилишди. Хутба бошланди. Шу пайт яна аввалги эшикдан, эхтимол яна ўша киши кириб келди.

— Эй Аллоҳнинг пайғамбари!.. — дея хитоб қилди.

Жанобимиз яна суҳбатдан тўхтаб, у одамга қарадилар.

Бошқалар ҳам ўгирилишди. У сўзида давом этди:

— Уйларимиз қулади, молларимиз ўлди, йўллар абгор ҳолга келди. Парвардигорингизга дуо этинг, ёмғирни тўхтатсин!

Расулulloҳ кулларини кўтардилар.

— Аллоҳим, атрофимизга ёғдир, устимизга эмас! Аллоҳим, тепаликларга, тоғларга, яйловларга, ўтлоқларга ёғдир!.. — дея дуо қилдилар.

Дуодан тўхтаган заҳотлари тепадаги булутлар тешилиб, худди кийимдек чок-чокидан сўкила бошлади. Салдан кейин қуёш кўринди.

Булутлар Мадинани айланасига қуршаб олган, очилиб қолган кўк юзи мовий тусли бир тожга ўхшаб қолган эди.

Шу ходиса ҳақида хабар берганлар осмоннинг у ҳолини «...ка-аннаҳу иклилун» (худди бир тождай) деб таъриф қилишган.

Шаҳар атрофида ёмғир суръатини камайтирмай давом этарди. Тоғларга, водийларга, яйловларга... челақлаб қўярди. Қачондан бери сувсизлиги билан машҳур бўлган Қанот водийида ҳам бир ой сув шарқираб оқди*. (Бухорий, 2/16; “Фатҳул Борий”, 2/17; Абу Довуд, 1/417)

ЗОТУССАЛОСИЛ ҒАЗОТИ

Амр ибн Оснинг Исломни қабул қилганига энди бир неча ой бўлган эди. Бир куни Расулуллоҳ (с.а.в.) уни хузурларига чорладилар. Шом томонларда ерлашган Балий қабиласига қарши тузилган бирликка бошлиқ бўлиб боришини, уларни Исломга даъват этишини, қабул қилишмаса, тарқатиб юборишини буюрдилар.

Хозирланган бирлик уч юз кишидан иборат эди. Уларнинг ҳар бири Пайғамбар жанобимизга саҳобий бўлган, неча йиллардан бери у зот билан бирга Ислом даъвосига хизмат учун кўнгил берган кишилар эди.

Уҳуд жангида Пайғамбар жанобимиз ўк узатиб турарканлар, «От, эй Саъд, ота-онам сенга фидо бўлсин!..» дея илтифот кўргазганлари Саъд ибн Абу Вавдос бу кўшинда бир аскар сифатида вазифа олган эди. Сайд ибн Зайд ҳам шу сафда. Ҳар иккиси ҳам жаноби Пайғамбаримиздан жаннати эканликларининг муждасини олган бахтли кишилар эди.

Авс қабиласининг раиси Усайд ибн Худайр, Ҳазраж қабиласининг раиси Саъд ибн Убода каби асҳоб орасида буюк ўрин эгаллаган зотлар Амрнинг кўмондонлиги остига киришган, уларни истаган жойда тўхтатиш, истаган ерда юрдириш, хатто чоптириш ҳақиқага эга эди Амр. Бу қадар оз вақт ичида умрини шу йўлда сарф этган одамларнинг кўмондони даражасига кўтарилиш ҳар қандай кишига насиб этавермайди, ахир.

Ўттиз нафари отлиқ қолганлари пиёда, жами уч юз киши Мадинани тарк этди. Ҳаво ғоят иссиқ бўлганидан кундузлари юриб бўлмасди. Кеча қулай. Ҳам бунда шовқин-суронсиз, янада тадбирли олға босиш имкони бор.

Балий қабиласининг маконига яқин қолганда душман лашкарлари ҳақида айрим маълумотлар олиб, Амрнинг юзи буришди. Сон ва куч жихатидан устун бўлган душман устига юриш, билиб туриб ўзини тахликага солиш демак эди. Ҳам вазифа адо этилмайди, ҳам мусулмонлар паришон ҳолга тушажақлар. Тез бир қарорга келиб, саҳобалардан Рофеъни чорлади.

— Эй Рофеъ, дарҳол Мадинага жўна, душман кучининг биздан анча кўп эканини Расулуллоҳга етказ ва ёрдам кутаётганимизни билдир, — деди.

Рофеъ йўлга тушди.

Амр кўзга чалинмайдиган бирор пана жой топиб, Мадинадан келадиган ёрдамни кута бошлади.

Расули акрам (с.а.в.) жанобимиз Рофеъдан бу хабарни олгач, икки юз кишилик бир гуруҳ хозирлаб, йўлга чиқардилар. Бу галги бирликда асҳобнинг икки буюги ҳазрати Абу Бакр билан ҳазрати Умар ҳам бор эдилар. Кўмондонликка ҳазрати Абу Убайда тайин этилди.

Жанобимиз Абу Убайдага Амр билан ихтилофга тушмаслигини, бир-бири билан иттифок бўлиб ҳаракат этишлари кераклигини тавсия этдилар.

Юра-юра, бу иккинчи кўшин ҳам Амрнинг кўшини турган жойга етди. Намоз вақти кирган эди. Абу Убайда сафнинг олдига ўтди, имом бўлиб намоз ўқиб бермоқчи эди.

— Тўхта, эй Абу Убайда. Намозга мен имомлик қиламан. Чунки бу лашкарнинг амири менман, — деди Амр.

Ўнг-сўлдан эътирозлар эшитилди. Бу овозлар Абу Убайданинг кўмондон эканини, намозга ҳам у имомлик қилиши лозимлигини ифода этарди.

Аммо Амр ниятидан қайтадиган эмасди.

— Сизлар менга ёрдам учунгина келгансизлар. Бундан буен менинг амримга кўра ҳаракат қилишга мажбурсизлар, — деди.

Ниҳоят, Абу Убайда биродарларига қараб:

— Расулуллоҳ менга ихтилофга тушмасликни буюрганлар, Амр менга итоат этмаса, мен унга итоат этаман, — деди.

Юмшок хўйли бир инсон эди. Покиза табиатли, ҳавасларни келтирадиган даражада гўзал бир ахлоқли эди. Расулulloҳ жанобимизга нисбатан чексиз ҳурмат ва итоат туйғуси бутун ўзлигини чулғаб олган, фикри-ёди Аллоҳ розилиги учун амал қилиш билан банд. Набиййи ақрам бекордан-бекорга уни жаннати демаган эдилар, ахир.

Шундай қилиб, Амр беш юз кишидан майдонга келган ва камида беш нафари жаннат муждасини тириклигидаёқ олган сайланма бир кушиннинг амири бўлиш имтиёзини қўлга киритди. Олдга ўтиб, намозга имомлик қилди. Энди у то Мадинага боргунча бу инсонларнинг амири ва имоми бўлажақдир.

Балий қабиласининг шундоқ бикинига келиб қолишди. Тонг отиши билан уларга юзма-юз келишади. Хозир эса, ўтин-чўп йириб, гулҳан ёкишга тайёргарлик кўра бошлашди. Кундузлари қанчалиқ иссиқ бўлгани билан қуёш ботган заҳоти ҳаво совир, кундуз ва кеча орасидаги ҳарорат фарқи анча-мунча ортар эди. Бирпасда аскарлар ўтинларни кучоклаб, қайтиб келишди. Амр уларнинг ёнига борди.

— Нима булар?

— Ёқиб, сал исиниб оламиз.

— Бўлмайди, дарров йўкотинглар, — деди Амр.

— Аммо биз совқотяпмиз.

— Мен билмайман. Ҳеч ким ўт ёкмайди. Агар ёқадиганлар бўлса, уни ўша ёққан оловига ташлайман.

— Ҳазиллашяпсанми, эй Амр?

Амр чиндан ҳам ҳазил қилмаётган эди. Тез фурсат ичида унинг бу амри бутун лашкар орасига ёйилди. Ҳеч кимга хуш келмади бу буйруқ. Ҳазрати Умар кўмондонликдан воз кечгани учун Абу Убайдадан жаҳли чиқди. Совукотаётган одамларнинг ўт ёкишига тўскинлик унга жуда оғир ботди, ҳазрати Абу Бакрни топиб аҳволни тушунтирди. Абу Бакр бориб вазиятни Амрга аңлатди. Шунда Амр:

— Сенинг вазифанг менга итоат этиш эмасми? — деб сўради.

— Ҳа, шундай.

— У ҳолда, эй Абу Бакр, вазифангни бажар!

Хуллас, Амр «Менинг ишимга аралашма» демоқчи эди. Абу Бакр у ердан хомуш қайтди.

— Нима қилдинг, эй Абу Бакр, нима бўлди?

Абу Бакр бўлган гапларни етказди. Умар бориб ёқасидан олмоқчи бўлди, Абу Бакр йўл қўймади. У кечани мўминлар совқатиб ўтказишди. Тонг отгач намозни ўқишдию Амр юриш буйруғини берди. Лекин қаршиларида жанг қиладиган ҳеч қанақа лашкар йўқ эди. Тез тарқалиб кетишган кўринади. Амр у ерда қолмади, илгарилади. Борган жойларида ҳам ҳеч ким йўқ. Фақат бир жойда кичкинагина тўқнашув бўлиб, бир мусулмон яраланди. Амр қочганларнинг молини тўплади, кетларидан қувлашга рухсат бермади. Бир неча кун тургач, орқага қайта бошлашди.

Энди йўлларда кечалари ўт ёкишга рухсат берилган эди. Совуқ бир кечадан сўнг тонгда уйғонган Амр эҳтилом бўлганини билиб қолди. Ювиниши керак эди энди. Лекин бу совукда чўмилиши ҳатарли, касалга чалиниб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Аҳволни биродарларига тушунтирди. Ҳозир агар ювинсам, ёмон бўлади, деди-да, олди-орқасини сув билан ювди, таҳорат олди, ғусл ўрнига таяммум қилиб, намозга турди.

Орқасида туриб намоз ўқиганларнинг кўнгиллари хира тортди. Аммо Амр кўмондонлигини бировга бергиси йўқ, ҳаёлига ҳам келтирмас эди. Бу вазиятда Абу Убайдани имомликка ўтказса бўларди. Беш юз кишилик кўшин ичида Ислом динини ва Қуръонни ундан яхши биладиганлар юзда тўқсондан кам эмасди...

Мадинага яқин қилганларида хабарчи юборилди. Ортидан ўзлари ҳам шаҳарга киришди.

Расулulloҳ жанобимиз хабарчидан ҳам, бошқалардан ҳам билгилар олдилар. Икки ёқимсиз

масалада Амрни сўроққа тутдилар:

— Нимага совуқ кечада ўт ёқтирмадинг, эй Амр?

— Эй Аллоҳнинг расули, ўт ёқсак, улар бизнинг келганимизни билиб колишар ҳам кучимизни чамалай олишар эди. Ҳолбуки, мен тонг отиши билан уларга хужум қилмоқчи эдим.

— Нега жунуб ҳолингда чўмилмасдан, таяммум билан намоз ўқиб бердинг?

— Ҳаво жуда совуқ эди. Чўмилсам, касалланиб, ўлиб колишим ҳам мумкин эди. Улуғ Мавло эса: «Ўзларингизни ўзларингиз ўлдирманглар. Аллоҳ сизларга ғоят меҳрибондир», деб марҳамат қилган. Унинг бу фармониغا суяниб таяммум қилдим ва намоз ўқидим.

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) кулимсирашлари бу жавобга берган баҳолари эди. Бунақа қилмаслигинг керак эди, демадилар.

Бу ҳодиса келажакда Миср фотиҳи ўлароқ тарихга кирадиган Амр ибн Осни Зотуссалосил ғазотининг музаффар қўмондони сифатида исботлади. Унинг қўмондонликка ва амирликка ҳавасманд экани ҳам мана шу тажриба билан яққол сезилди. Бу туйғулар Амр ибн Осни келажакда ҳам кўп серғалва сиёсий ҳаёт кучоғига тортади, ўлим тўшагида ётганида босиб ўтган ҳаёт шаклидан уялишлар уни ҳар хил ҳолларга солади...

Зотуссалосил ғазотига чиққан бирликка Амр ибн Оснинг амир этиб тайинланишининг сабаби бувиси Балий қабиласидан эканида эди. Насабда у қабиллага боғлиқ бўлган

Амр албатта уларни ва уларнинг юртини яхшироқ биларди. Бунинг устига, Амр табиатида йўлбошчилик хусусияти кучлилигини ҳам ёдда тутиш керак.

Бу воқеа Амр ибн Осни «Ҳазрати пайғамбар энг яхши кўрадиган одам мен бўлсам керак» деган ўйга олиб борди. Асҳоби киромниинг энг олди хисобланувчи Абу Бакр, Умар каби икки хурматли қайноталарини унинг амрига шунчаки бериб қўймагандирлар, ахир?! Қиёматгача исмлари севги ила тилга олинадиган барча зотлар Амрнинг орқасида қўл боғлашди, унинг буйруғи билан ётиб туришди, унинг буйруғи билан жанг майдони сари юришди!..

Бир куни Амр Аллоҳнинг севиқли расулини ёлғиз ўтирганларида кўриб қолди. Айни фурсат, деди. Ҳузурларига яқин бориб, салом берди. Гап орасида имконият топиб:

— Эй Аллоҳнинг пайғамбари, сиз энг кўп ёқтирган одам ким? — деб сўради. Ва тахминан: «Ким бўларди, албатта сенсан-да!» деган жавоб олишдан қаттиқ умидвор эди. Зотан, бу саволни сўратган ҳам мана шу умид эди.

Пайғамбар алайҳиссалом: «Қани, дўстларимни бир-бир кўздан ўтказиб олай-чи», демасдан, ўйлаб ўтирмай, ғоят хотиржам бир овозда:

— Ойиша, — дедилар.

Бу жавоб Амрда иккинчи умид уйғотди.

— Хотинлардан сўрамадим, эй Аллоҳнинг расули... Эркаклардан энг кўп кимни яхши кўрасиз?

— Ойишанинг отасини.

— Ундан кейин-чи?

— Умар ибн Ҳаттобни.

— Ундан кейин-чи?..

Расулуллоҳ (с.а.в.) саволларга кутдирмасдан жавоб берар эдилар. Амр эса, энди аниқ менинг номим тилга олинади, деган ўйда қайта-қайта сўрайверди. Ниҳоят, ортиқ сўрамайман, деб қарор берди ва жим бўлди.

Йиллар ўтиб, шу хотирасини келажак наслларга сўзлаб бераркан, «Енг сўнгга қолиб кетмасам эди, деган кўркувда сурашдан воз кечдим», дейди Амр*. (Ибн Касир. “Сияр”, 3/521)

Бу савол-жавоб Амрни ўзи толган хаёл оламидан чиқариб ташлади. Бундан кейин асло бунақа ҳаёлларга берилмайдиган бўлди.

Қизиқ, жаноби Пайғамбаримиз ҳазрати Умардан кейин кимни тилга олдилар экан?..

Амр Расулуллоҳ (с.а.в.) санаган инсонларнинг номларини бизга тўлиғича етказганида қандай

яхши бўларди! Буюклар буюгининг кўнгилларида тизилган севги тасбеҳининг доналарини тартиби билан ўрганиш имконига эга бўлсак эдик! Ёки Амр «хотинлардан сўрамадим» демасда, хотинлари орасида Ойиша онамиздан кейинги каторни билсай-дик!

Бу истаклар замонларига етишиб бўлмайдиган севгилиларнинг севгилиларини таниш орзуи билан тўла кўнгилларнинг армонли ифодаларидир.

Ҳабиби Худо (с.а.в.) жанобимизнинг муборак кўнгилларидан ўрин олишдек саодатга эришган бахтли инсонларга то қиёматгача битмас-туганмас саломлар, хурматлар!..

БИР ЖАНОЗА НАМОЗИ

Саҳобалардан бирлари вафот этиб, жаноза намозини Расулulloҳ (с.а.в.) ўкиб бердилар. Маййитнинг кўкси тўғрисига турдилар. Мўминлар у зотнинг орққаларида саф тортишди. Жанобимиз кўлларини кўтариб, “Аллоҳу акбар” деб сўнг боғладилар. «Субҳанака...»ни ўкидилар. Кўлларини кўтармасдан яна «Аллоҳу акбар» дедилар. «Аллоҳумма солли, барик...»ни ўкидилар. Яна кўллари боғли ҳолича жаноза намозининг дуосини ўкидилар: «Аллоҳуммамағфир ли ҳаййина...» — «Аллоҳим, бизлардан тирикларимизни ва ўлганларимизни, бу ерда ҳозир бўлган ва бўлмаганларимизни, кичикларимизни ва катталаримизни, эркакларимизни ва хотинларимизни Ўзинг кечир. Аллоҳим, бизлардан тирик қолдирганларингни Исломда яшати, ўлдирганларингни имон ила ўлдир. Аллоҳим, бизларни ўлганларга сабр қилиш ажридан махрум этма. Унинг ортидан эса йўлимизни адаштириб қўйишдан бизларни сакла»*. (Ибн Можа. 1/480.)

Расули мухтарам (с.а.в.) жанобимиз бу дуони ўкиб бўлгач, тўртинчи марта «Аллоҳу акбар» деб ўнг ва чап тарафга салом бердилар. Шу билан жаноза намози тугади.

Бу дуо ҳар жаноза намозида ўкиладиган дуо эди.

Ансор бу зотнинг Аллоҳга ва расулига бўлган севгиси ва боғлиқлиги Жанобимизни намоздан кейин яна унинг ҳақиқага такрор дуо этишга чорлади:

— Аллоҳим, унинг гуноҳидан ўт, унга раҳм қил, уни кечир. Уни ҳар турли балолардан сакла. Икромингни мукаммал, кўноқ бўладиган жойини гўзал қил. Уни сув билан, қор билан, дўл билан юв. Кийим кирдан тозаланидек, уни ҳам хатоларидан тозала. Унга дунёдаги уйдан ҳам мукаммал бир уй, аҳлидан яхшироқ бир оила, хотинидан яхшироқ бир хотин бер. Уни қабр фитна ва имтихонидан, дўзах азобидан қўри.

Бу дуо у ерда бўлганларнинг қалбларини титратди, кўнгилларини чулғади. Шу даражадаки, орадан йиллар ўтиб, бу хотирасини гапириб бераркан, Авф ибн Молик теваарагида қизиқиш ва диққат билан эшитиб ўтирган жамоатга бундай дейди: «Пайғамбар жанобимизнинг ўша дуоларини эшитганимда маййитнинг ўрнида бўлишни жуда-жуда истаб кетдим...»

Ажабо, Авф яна қанча яшаркан? Эртага ўзига ҳам шундай дуо насиб қилармикан?.. Бу дуони унча-мунча одам қилмаяпти, ахир. Бу дуо бўш қайтарилмайди. Жаноби Мавло пайғамбарини рози этмак учун дуода истанилганидан ҳам ортигини беради, икромини янада кўпайтиради. Эсида, бир куни Расулulloҳ (с.а.в.):

— Руҳим кўлида бўлган Аллоҳга қасам, одамнинг қабр бошига келиб, жонидан тўйгандай: «Қанийди шу гўрда мен ётган бўлсайдим», деб орзу қилмагунича қиёмат кўпмайди. Одамни бунақа орзуда бўлишга мажбур қиладиган нарса балодир, дин туйғуси эмас, — дея марҳамат қилган эдилар***. (Муслим, 4/223.)

Расулulloҳ (с.а.в.) инсоннинг ҳаётдан бешиш сабабларини очиклар эканлар, ўлдириш ходисаси кўпаяжagini англаганлар. “Шу даражадаки, ўлдирган нима учун ўлдирганини билмайди, ўлган ҳам нима сабабдан ўлдирилганини билмайди», деганлар* * *. (Муслим. 4/225.)

Авф бундай кунларда яшашдан кўра, пайғамбарлар султонининг дуолари ила охираат сафарига чиқишни албатта орзу қиларди.

Бир куни Расулulloҳ (с.а.в.) Мадина бозорига кирдилар. Ёнларида саҳобалардан баъзилари ҳам бор. Йўл чеккасида ориқ бир улокчанинг ўлиги ётарди. Расули муҳтарам жанобимиз эгилиб улокчанинг кулоридан тутдилар:

— Бир дирҳамга ким олади шуни? — деб сўрадилар.

Бу таклиф саҳобаларга ғалати туюлди.

— Ким унга пул сарфлайди, фойдаланиб бўлмаса... — дейишди.

Жанобимиз энди савол тарзини ўзгартирдилар:

— Текинга олишни истайсизларми?

— Валлоҳи, бу улокча тирик бўлганида ҳам бир чакага киммат. Чунки ҳали кулоклари ҳам кичкинагина. Унинг устига, ўликлиги инобатга олинса, нимага ҳам яради.

Шунда Расули кибриё улокни ташлаб, қадларини ростладилар.

— Билингларки, Аллоҳ хузурида дунёнинг қиймати сизлар шу улокга берган баходан ҳам пастдир, — дедилар*. (Муслим. 4/2272)

Расулulloҳ (с.а.в.) бу солиштириш билан ўткинчи дунёни сабаб қилиб, охиратини бой бермасликни, Аллоҳ қадрлаган нарсаларни қадрлаш лозимлигини хотирларга солмокчи бўлдилар. Дунёни асл мақсад ва ғоя Қилиб жон-жаҳд билан тиришадиган ва бу йўлда ҳеч бир қонун ва низомни тан олмайдиганлар бир куни уларни пушаймонлик ичига туширадиган, жазоларини чектирадиган оламга кўчишларини эслаб кўйсинлар.

Авф қиймати бу қадар бўлган дунёда уч-тўрт кун ортиқча тургандан кўра, Расули акрам (с.а.в.) жанобимизнинг куллари ва дуолари билан қора тупроққа киришга ва охират йўлчиси бўлишга кўпроқ рози эди.

САЛИМ ҚУРЪОН ЎҚИЯПТИ

Ойиша онамиз хуфтон намозини Расулulloҳ (с.а.в.) жанобимизнинг имомликларида ўқиди. Кейин у зотнинг бир тавсияларини адо этиш учун намоз ўқиган жойида пича ўтириб қолди. Парвардигорига энг ҳолис тунгулар-ла ибодатини арз этганини ўйлади. Бу орада кулоғига тотли бир овоз келаверди. «Бисмиллаҳ...» айтилиб, Қуръон ўқиладиган эди. Бир муддат тинглаб ўтирди. Кулоғдан ҳам кўра кўпроқ кўнгилларга хитоб этувчи овоз эди бу... Бу овоз бир вақтлар Расулulloҳ жанобимиздан эшитгани ушбу муборак сўзларни хотирлатар эди: «Қуръон ўқийдиганлар ичида энг чиройли овозлиси эшитган захотингиз Аллоҳ қўркуви ила ўқиётганини хис этганингиз одамдир»*. (Ибн Можа. 1/425.)

Мана, хозир таралаётган овозга шу туйғу ҳоким эди. Хушбўй гулдан гўзал ҳид келишидай аниқ эди бу туйғу...

Ойиша онамиз шуларни ҳаёлдан кечираркан, яна озгина кулоқ солиб ўтирди, кейин хужрасига ўтди. Саййидул анбиё уни кутаётган эдилар.

— Бунча қолиб кетдинг?

Бу саволда хафалик ё озорланишдан асар ҳам йўқ севги бор, тотлилик бор эди.

— Асҳобингиздан бири Қуръон ўқияпти, шуни тингладим. Бунақа кироатни шу дамгача эшитмаганман.

Расулulloҳ жанобимиз ўринларидан турдилар. Севикли хотинлари билан бирга қайтиб масжидга кирдилар. Ичкари зимистон қоронғу, ҳеч ким кўринмайди, фақат овоз эшитилади. Қуръон ҳақида энг беҳато ҳукми берадиган энг Буюк Муаллим масжидда таралаётган илохий каломга пича кулоқ солиб турдилар-да, сўнг хотинларига ўгирилиб, фақат у эшитадиган паст овозда:

— Абу Хузайфанинг озод қули Салим ўқияпти. Умматим орасида шунақа бир одамни етиштирган Аллоҳга ҳамд бўлсин! — дедилар*. (Ибн Можа. 1/425.)

Пайғамбаримиз нима деганларини Салим эшитмади, орқасида кимлар турганини ҳам

билмади. Худди теварагини куршаб олган ва буюк бир орзу ила Каломуллоҳни тинглаётган фаришталардан хабарсиз бўлгани каби... У фақат Мавлосининг каломини ўқиётганини билар, кўнгли ҳам Мавлоси билан бирга эди...

Бир куни Расули мухтарам жанобимиз янги мусулмон бўлганларга эълон қилиб:

— Куръонни тўрт кишидан ўрганинлар: Абдуллоҳ ибн Масъуд, Муоз ибн Жабал, Убай ибн Каъб ҳамда Абу Хузайфанинг қули Салимдан, — деб марҳамат қилдилар*.(Муслим, 4/1913.)

Салим келажакда ҳам жуда чиройли ҳаёт кечиражак, ҳавас қилса арзигулик яхши бир инсон бўлажак, ҳазрати Умардек виқорли, ҳайбатли кишини ҳам ўзига мафтун этажак. Ҳатто буюк Умар (р.а.) сўнги нафасини олаётганида ортидан халифа қилиб тайин этишни жуда орзу қилган икки одамнинг номини зикр этажак, аммо не ёзиқки, иккиси ҳам Аллоҳнинг раҳматига қовушган бўлажак эди. Улар Абу Убайда билан Салим эди.

Бу икки мухтарам шахс ҳаётда бўлмаганлари учун ҳазрати Умар бошқа одамни халифа тайинлашга журъат қила олмайди, бу ишни олти кишилик бир ҳайъатга топширади.

САЙФУЛ БАҲР (ЖАЙШУЛ ҲАБАТ) САФАРИ

Расулulloҳ (с.а.в.) уч юз кишилик бир кўншин ҳозирладилар. Абу Убайдани кўмондон қилдилар. Денгиз соҳилигача бориш ва кутилаётган Қурайш карвонининг йўлини тўсишга буюрдилар.

Шу сафарда иштирок этган Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) хотираларини бундай баён қилади:

«Йўлга отландик. Расулulloҳ бизга бир хуржун тўла хурмо бердилар, бошқа ейдиган нарсамиз йўқ. Абу Убайда ўз амри ва назорати остида тутиб турган хуржундан ҳар кимга оздан хурмо берарди. Емак янаям озайгач, одам бошига бир кунга биттадан хурмо бера бошлади. «Биттагина хурмо катта одамга нима бўлади?» деб уни қийнамасдик, сўргич сўрадиган болаларга ўхшаб оғзимизга солиб шимиб юрардик. Кун келдики, шу битта хурмога ҳам зор бўла бошладик. Баъзан йўлимизда учраган дарахтларнинг япроқларини кокардик-да, ўшаларни ейишга тушардик.

Очлик ҳаддидан ошиб, кўзларимиз олди қоронғилаша бошлаган бир палла эди. Уч-тўрт киши тўпланиб олиб, нимадир қилишаётганини кўрдим. Ёнларига бордим. Учта туяни сўйишибди, энди гўштини нимталаш билан овора эдилар. Туш кўряпман, дейсан одам. Роса зўр зиёфат бўладиган бўлди-да.

Дархақиқат, орадан ҳеч қанча ўтмасдан, туя гўшtidан ниширилган кабоб йўлчиларнинг олдига қўйилди. Атрофдан миннатдорлик туйғулари ифодалана бошлади:

— Аллоҳ сендан рози бўлсин, эй Қайс!..

— Аллоҳ сенга ҳам, отангга ҳам икромини мўл қилиб берсин, эй сахий ўртоқ!

Сўнгра яна сафар давом эттирилди, аммо энди ҳамманинг қорни тўк эди.

Кейинги дам берилганида ҳамма ҳар ёққа тарқалиб кетди. Баъзилар яна дарахт барглари ея бошлашди, ҳатто пўстлоғини кемирганлар ҳам бўлди. Бундай озиқланиш сафар бошланганидан бери неча бор синовдан ўтди ўзиям. Араблар баргни «хабат» дейишади. Шунинг учун бу кўшин отини ўзаро «Жайшул хабат» (Барг еювчилар) деб ҳам номлашди.

Кўп ўтмай Қайс йўлчи ҳамроҳларига яна икром дастурхонини ҳозирлай бошлади. Учта туясини сўйди. Гўшти нимталаниб, аскарлар орасида тарқатилди.

Сафар давомида учинчи марта туялар сўйилганида кўмондон Абу Убайда хузурига Қайсни чақирди.

— Бундан буён мендан изн олмасдан асло туяларингни сўймайсан. Мен эсам сенга изн бермайман, — деди.

Жўмардлик (сахийлик) яхши иш. Аммо уч юз кишини тўйдириш учун сўйилган тўққиз туя бир инсон учун катта бойлик ҳисобланади. Қайс оиласидан олган тарбия бўйича иш тутди.

Ҳазрати Абу Убайда эса, исрофга ўхшаб кетадиган жўмардликнинг олдини олган эди.

Пайғамбарларнинг энг буюги билан кўнгил бирлиги безаб турган йўлчилик ҳар турли шароитларни бошидан ўтказиб, ниҳоят Қизил денгиз соҳилида поёнига етди. Денгиз тўлкинлари мавжлари кўзга ёкмли кўришиб, юракларга фараҳлик келтирди. Ҳар томонга таркалиб, кўнишга бир муносиб жой ахтараётганлар бирдан кўзларини ишқалаб қолишди. Кўраётганлари тушми ё ўнг эканини англамоқчи бўлишди. Очлик ва чарчоқ инсонни ҳаёл оламига олиб кетиб қолиши мумкин эди-да. Бироқ на уйку ва на ҳаёл эди бу — қаршиларида кичикроқ тепаликка ўхшаб бир кит балиқ ётарди!

Дарҳол бошқа сафардошлар ҳам хабардор этилди. Кўрганлар ҳайратларини яширолмай қолишди. Шу кунгача кўрганлари энг катта туя ҳам бу балиқ олдида ҳеч гап эмас эди.

Ўлик ҳайвонни еса бўлармикан?.. Ўзаро маслаҳат бошлашди. Охири Абу Убайда масалага чек қўйди:

— Биз бу ерларга эрмак учун келмадик. Расулulloҳ жанобимизнинг амрлари билан ва Аллоҳ розилигини истаб йўлга чикдик. Қўлимизда бундан бошқа емагимиз ҳам йўқ, буни ейишга мажбурмиз, — деди.

Ҳеч ким этироз билдирмади. Зотан, ўрнига бундай қилсак бўлади, дейдиган ҳоллари ҳам йўқ эди. Қолаверса, кўмондоннинг сўзлари ақлга тўғри келадиган бир ҳақиқат эди.

Одамларни қандайдир ҳаяжон тўлқини чулғаб олган эди. Қиличлар суғирилди, балиқ нимтан-нимта килинди. Баъзилар олов ёкиш учун ўтин йиғишга тушиб кетди. Бирпасда гулҳанлар ёкилди, балиқкабоблар хозирланди. Неча кундан бери очликдан паришон ҳолга келган меъдалар балиқ гўшти ила тўйдирилди. Энди очлик дарди қолмаган эди. Эҳтимол Жаноби Мавло Ўзининг розилиги учун йўлга чикқан бу инсонларни девдай қилиб яратилган бу кит балиғи ила меҳмон этишни истагандир. Қўшин ўша ерда бир неча кун қолиб кетди. Оч қолишса, балиқ гўшtidан кесиб дарров оловга тутишар ёки қуёшда қуришиб бостирма қилиб қўйишар эди.

Ниҳоят, бир куни китнинг очилиб қолган қовурғаси тик килинди. Қўшиндаги энг катта туя келтирилди, устига юки ҳам ортилди. Сўнг улкан бир туйнук ҳосил қилган қовурғалар остидан ўтказилди. Туя шу туришида кит қовурғаларининг ҳеч ерига урилмай-сурилмай бемалол ўтиб кетди. Бу томошани кўрсатишдан мақсадлари бу кит балиқ ҳақида Мадинада қолган биродарларига бир тасаввур бериш эди.

Кутиш мўлжалдан ҳам ортиб кетди, аммо ҳамон Қурайш қарвонидан дарак йўқ эди. Келганларига бир ой (бошқа ривоятга кўра, ўн беш кун) ҳам бўлди. Мадинадан чикқанларида заиф ва ориқ бўлган, йўлда чекилган машаққатлар туфайли баттар абгор ҳолга келган баданлар балиқ билан озиқлангач, гўё яна қайта тирилган, куч-қувват ҳосил қилган эди.

Ортиқ кутишдан фойда йўқлигига кўзи етган Абу Убайда қайтишга амр берди. Қуёшда қуритилган бостирмаларга хуржунларни тўлдириб, Мадина сари ҳаракат бошланди.

Манзилга етилгач, Пайғамбаримизга (с.а.в.) кўрган-кечирганлар сўзлаб берилди. Оламлар Парвардигорининг севиклиси:

— У балиқ Аллоҳ таоло сизлар учун чиқариб ҳозирлаган бир ризқдир. Ёнларингизда гўштдан яна борми, бизга ҳам едиринглар, — деб марҳамат қилдилар.

Мужоҳидлардан бири дарров туриб бориб, балиқдан олиб келди. Жанобимиз бостирмадан пича узиб едилар. Сайфул бахр (бошқача аталишига кўра, Жайхул ҳабат) сафарида иштирок этганлар хато қилмаганларини шу тарифа тушуниб етишди, қалбларига бир севинч ва хотиржамлик инди.

Саъд ибн Убоданинг саҳий ўғли Қайс Мадинага қайтгач, дўстларидан сотиб олган туяларининг ҳақларини ўтади ва шундай қилиб, сафарда олган ажр-мукофотни яна қават-қават кўпайтирди. Аллоҳ ундан, у билан бирга юришда иштирок этганлардан, кўнгиллари улар билан бирга бўлганлардаи рози бўлсин*. (Муслим, 3/1535).

БИР СИРНИНГ ОЧИЛИШИ

Ҳафса онамиз (р.анҳо) Расулуллоҳ (с.а.в.) жанобимиздан изн олиб, отасини кўришга кетди. Бир муддат ўша ерда қолди. Қайтиб келганида хонасида Расули акрам (с.а.в.) бир хотин билан гаплашиб турганларини эшитиб қолди. Эшикни очиб, у хотинни таниди. Миср подшоҳи Расулуллоҳга тортик қилган чўри Марям эди. Ҳафсанинг юраги тўлиб кетди.

— Эй Аллоҳнинг расули, бу чўри билан бирга бўлишга менинг уйимними муносиб кўрдингиз?.. — деди ва йиғлаб юборди.

Набийи акмал (с.а.в.) уни тинчлантирдилар, бошқа бундай иш бўлмайди, деб сўз бердилар.

— Бу ходиса иккаламиз орамизда сир бўлиб қолсин, — дедилар.

Ҳафса индамади. Бу билан таклифни ва илтимосни қабул қилган бўлди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) хотиржам бўлиб чиқиб кетдилар. Аммо сир тутилиши атай тайинланган бу иш Ҳафса онамизнинг юрагини сиқиштира бошлади. Кимгадир айтиш орзуи ичини кемирар эди. Ниҳоят Ойиша онамизни бир чеккага тортиб, бўлган воқеани гапириб берди.

Шундан кейин у енгил тортди. Чунки бир юрак сиғдирилмаган хабарни икки юракка бўлиштирилган эди. Сирини очаётганини ҳеч ким эшитмаганига, кўрмаганига у амин эди. Атрофини қуршаган деворларнинг қўл оёғи йўқдир, ахир... Унинг устига, Ойиша ҳам Расули акрамнинг бир хотинлари, шунга кўра, сир ошқор қилинган ҳисобланмайди.

Орадан кўп вақт кечмади. Жаброили амин (а.с.) келди. Ҳафса сўзида турмаганини ва сирни сирликдан чиқарганини билдирди. Расули акрам жанобимиз Ҳафсанинг ёнига кирдилар ва унинг қилмишини сўзма-сўз айтиб бера бошладилар. Ҳафса шунақа доврираб қолдики, Расули акмалнинг сўзларини ҳам охиригача эшитиб туролмади, буткул ўзини йўқотди.

— Буларни сизга ким айтди?.. — дея олди.

Бундай савол дарҳақиқат доврираб қолганининг ифодаси эди. Кимдир бошқа одам шундай сўраса, жоҳиллигига йўйилиши мумкин эди, аммо Пайғамбар жанобимиз билан неча йилдан бери бир ёстикда бош қўйиб яшаб келаётган, Жаброили (а.с.) келтирган ваҳийларга кўп гувоҳ бўлган Ҳафсадай бир хотинлари бундай савол бермаслиги лозим эди.

Олдингию кейингиларнинг саййиди (с.а.в.) ғоят сокин бир овозда:

— Ҳар нарсани билгувчи, ҳар нарсадан хабардор Аллоҳ етказди менга, — дедилар.

Бу жавоб етарли бўлди. Энди Ҳафсанинг: «Мен Ойишага айтаётганимда ҳеч ким йўқ эди», дейишига ўрин қолмади. Худди «Йўқ, мен ҳеч кимга ҳеч нарса айтмадим...» дейишнинг иложи бўлмагани каби.

Яна Жаброили амин (а.с.) келди. Расули амин (с.а.в.) жанобимизнинг қалбларига ушбу оятларни нақшлади:

«Пайғамбар жуфтларидан бирига (яъни, Ҳафсага) бир сўзни пинҳона айтганини эсланг! Энди қачон (Ҳафса) у (сир) ҳақида (Ойишага) хабар бергач ва Аллоҳ (Жаброил фаришта воситасида Пайғамбарни Ҳафсанинг қилмишидан) воқиф қилгач, у (Ҳафсага ўзи воқиф бўлган нарсанинг) баъзисини билдирди ва баъзисидан юз ўгирди (билдирмади). Бас, қачон (Пайғамбар Ҳафсага ўзи воқиф бўлган нарсанинг баъзиси ҳақида) хабар бергач, у: «Ким сизга бу хабарни берди?» деган эди, (Пайғамбар): «Менга билгувчи ва хабардор зот хабар берди», деди. (Ей Ҳафса ва Ойиша) агар сизлар иккинги (бу қилмишларингиз учун) Аллоҳга тавба қилсангизлар (ўзларингизга яхшироқ бўлур). Чунки сизларнинг дилларингиз (ҳақ йўлдан) тойиб кетди! (Аммо) агар сизлар (Пайғамбарнинг) зиёнига (яъни, у зот билан аёллари ўртасини бузадиган ишлар устида) бир-бирингизга ёрдам берсангизлар, у ҳолда шак-шубҳасиз, Аллоҳнинг ўзи ҳам, Жаброил ҳам, аҳли солиҳ мўминлар ҳам унинг мадақкоридирлар. Яна, булардан кейин фаришталар ҳам (Пайғамбарга) ёрдамчидир. Эҳтимол Парвардигори — агар у сизларни талок қилса — унга сизлардан яхшироқ жуфтларни — муслима, мўмина, (Аллоҳ ва унинг

пайғамбарига) итоат этувчи, тавба-тазарру килгувчи, обида, (мудом Аллоҳнинг йўлида) кетгувчи жувон ва кизларни алмаштириб берур». * (Таҳрим, 3—5.)

Бу оятларни мўминларга ва хоссатан Ҳафса ва Ойиша оналаримизга Жанобимиз ўзлари ўқиб бердилар. Оятларни охиригача эшитгач, Расулуллоҳга термулган кўзларда ўжарлик эмас, аксинча, пушаймонлик бор эди, «жоҳиллик килдик, тавба қиламиз...» маъносига келадиган бир ҳол бор эди.

Ҳафса онамиз аввалроқ отаси келиб ўзини огоҳлантирган кунларни ва айтган гапларини эслади. «Расулуллоҳ сени балки менинг юз-хотирим учун қўйиб юбормаётгандирлар, хушингни йиғ. Менинг Пайғамбар ёнларида кадрли бўлишим сени алдаб қўймасин», деган эди. Яна Ҳафса онамиз унинг: «Ё сизлар Расулуллоҳга нисбатан тавирларингни ўзгартирасизлар, ё Аллоҳ сизларнинг ўрниларингга янада яхши хотинлар бериб, у зотнинг кўнглини олади», деганларини хотирлади. Энди отаси яна бу ишга аралашиб: «Мен сенга нималар деган эдим?!» деб қолса-я...

Лекин ҳазрати Умар бериши мумкин бўлган ҳар қандай жазо оятлардаги таҳдид олдида ҳеч гап эмас эди.

КАСАЛНИ ЗИЁРАТ

Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) покиза бир йигит эди. . Отаси Абдуллоҳ Ухуд жангида шаҳид бўлгач, уйдаги етти нафар сингилларига қараш вазифаси унга қолди. Ухуд жангидан кейин уни гўзал хотиралар ила таниймиз. Шу Жобир касалланиб қолди. Хабари Расулуллоҳга (с.а.в.) ҳам етди. Жанобимиз ёнларига кадрли биродарлари Абу Бакрни олиб, унинг зиёратига бордилар.

Жобир беҳуш ётарди, Расулуллоҳнинг келганларини фаркламади ҳам. Набийи акмал таҳорат олдилар, таҳорат сувидан пичасини унга сепдилар. Жобир кўзларини очди. Боши устида Жанобимизни (с.а.в.) кўриб, кулимсиди. Ҳаётининг охири онларини яшаётгандай ҳис қиларди. Шу сабабдан пайғамбарлар сарвари ҳол-аҳвол сўраб бўлганларидан сўнг:

— Эй Аллоҳнинг расули, менинг ўғил-қизим йўқ. Меросим сингилларимга қолади. Бу вазиятда молимнинг тақсими қандай бўлади, бу борада нима қил дейсиз? — деди.

Расули акрам (с.а.в.) жанобимиз жавоб бермадилар. Чунки Нисо сурасининг охириги ояти бу саволга жавоб ўлароқ ваҳий этилди:

«(Ей Муҳаммад,) сиздан фатво сўрайдилар. Айтинг: «Аллоҳ сизларга на ота ва на боласи бўлган сўққабош одам тўғрисида фатво берур: агар фарзандсиз бўлган ёлғиз бир эркак ўлса, (агар) унинг синглиси бўлса, унга (акаси) қўйиб кетган мероснинг ярми тегур. Агар синглисининг фарзанди бўлмаса (ва ўша сингил ўлсаю акаси қоладиган бўлса), ака унга меросхур бўлур. Агар сингиллар иккита бўлса, улар учун ака қолдирган нарсадан учдан иккиси тегур. Агар меросхўрлар ака-сингиллар бўлса, бир эркак учун икки аёл хиссаси берилур. (Ей мўминлар,) адашиб кетмасликларинг учун Аллоҳ сизларга (ўз хўқмларини) баён қилур. Аллоҳ ҳамма нарсани билгувчидир*». (Нисо, 176)

Ояти карима хос ўлароқ Жобир ибн Абдуллоҳга етказилди. Ётоғида ўқилган бу оятни тинглаб, Жобир Парвардигорига ҳамд айтди.

Келгусида Жобир шифо топиб, оёққа туриб кетади ва яна узоқ йиллар яшайди. Жуда кўп обратли воқеаларнинг гувоҳи бўлади.

МУТА ЖАНГИ

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) элчилари Ҳорис ибн Умайрни Гассон амири Шурахбил ўлдиргани ёдларингда бўлса керак. Бу иши учун унга бир сабоқ бериб қўйиш мақсадида Жанобимиз хозирлик кўришга буюрдилар. Дарҳол уч минг кишилик бир қўшин тўпланди. Ўзлари бу юришда иштирок этмасдилар. Қўшин йиғилган Журф деган жойга бориб, қўмондонни эълон

килдилар.

— Сизларга Зайд ибн Ҳорисани амир этиб тайинлайман, — дедилар.

Жаъфар ибн Абу Толиб (р.а.) овозида хийла ранжиш оҳанги ила:

— Эй Аллоҳнинг пайғамбари, Зайдни менинг бошимга амир қилиб кўясиз деб сира кутмаган эдим, — деди.

Жанобимиз унга ўғириддилар:

— Сенга нима яхшилигини ўзинг билмайсан, — дедилар. Сўнгра сўзларини бундай давом эттирдилар: — Лашкар бошлиғи Зайд ибн Ҳорисадир. Бордию Зайд ўлдирилса, Жаъфар кўмондон бўлади. Агар Жаъфар ҳам ўлдирилса, амирлик Абдуллоҳ ибн Равоҳага ўтади. Абдуллоҳ ҳам ўлдирилса, мусулмонлар ўзлари рози бўладиган кишини ораларидан амир қилсинлар.

Бу йўл-йўриқ кўнгилларда нозик бир оғиқ туришига сабаб бўлди. Ҳомушланган, ғамгинлик босган кўзлар кўбон сифатида тақдим этилган у уч зотни изларди. Энди ҳеч қачон Мадинага қайтмасликлари, ўзлари кираётган у жангда шаҳидлик шарбатини ичажаклари уларга маълум бўлган эди.

Кетаётганлар қолаётганлар ила видолашишди. Кимдир:

— Нимага йиғлаяпсан, эй Равоҳа ўғли? — деб сўраб қолди.

Ажаб савол... Албатта йиғлайди, албатта кўзёши тўкади-да. Энди ҳеч қачон Мадинага қайтмаслигини ва Аллоҳнинг севиқли пайғамбарини (с.а.в.) ҳам ортиқ кўрмаслигини билган инсон кулмайди-ку, ахир...

— Валлоҳи, мен дунёга боғлиқ бўлганимдан ёхуд сизларга бўлган севгим туфайли йиғламаяпман. Мен фақат Расулulloҳнинг: «Сизлардан ҳар бирингиз, чорасиз, дўзахга бир тушиб чиқасизлар. Бу ҳукм Парвардигорингизнинг мутлатқо адо этадиган бир ҳукмидир», оятини ўқиётганларини эшитганман, мен у ерга тушганимдан кейин чиқиш, дўзахдан қутулиш қандай бўлишини билмайман, йиғим сабаби будир, — деди Абдуллоҳ ибн Равоҳа.

— Аллоҳ ёрдамчиларингиз бўлсин, ўзи муҳофаза айласин...

Бу сўзлар сўйланаркан, қалбларга «Мана шу кўришувимиз охиргисидир, сўнгги дийдор...» деган маънодаги туйғулар тўлиб борарди.

Абдуллоҳ ибн Равоҳа коинот фаҳри (с.а.в.) жанобимиз билан бирга сўнгги марта жума намозини ўқишни ва биродарларига орқадан етиб олишни ҳаёл қилди. Аммо пайғамбарлар саййиди бунга рози бўлмадилар.

— Ер юзини тўлдириб садақа улашсанг ҳам, уларнинг тонгдаги сафариди оладиган ажр ва мукофотга эриша олмайсан, — деб марҳамат қилдилар.

Бу муборак сўзлар Абдуллоҳ ибн Равоҳага етарли бўлди. Зотан, ҳеч кимса: «Йўқ, ҳақиқат унақа эмас», дея олмасди ҳам.

Абдуллоҳ Аллоҳнинг севиқлиси (с.а.в.) кўзларига яна бир марта боқди. Бу кўзларда теран маънолар бор эди. Гўё: «Боравер, эй ибн Равоҳа. Кўнглинг биз билан бўлсин, бизнинг кўнглимиз ҳам сизлар биландир», деяётгандек...

Абдуллоҳ хассос бир одам эди, яхшигина шоир эди, пайғамбаримизнинг боқишларидан шу маъноларни ўқиди. Хато қилган ҳам бўлиши мумкин эмас. Чунки Расулulloҳнинг кўнгилларида албатта улар учун бир жой топилажакдир. Ахир улар Улуғ Мавлога ва расули кибриёга бўлган боғлиқликлари сабабила, уларнинг розиликларини қозонмоқ учун билиб туриб ўлимга боришяпти, жонларини фидо этишяпти. Мўминларга нақадар шафқатли ва нақадар марҳаматли эканларини Аллоҳ билдирган зот уларни ўйлама-са, ким ўйласин?!

Ортиқ вақт ўтказишда маъно қолмаган эди. Саййидул мурсалин (с.а.в.) билан тез видолашди ва дўстларининг ёнларига қайтди.

Расулulloҳ (с.а.в.) жанобимиз ўзлари ғоят севадиган биродарларининг шаҳид бўлажagini билиб туриб нимага юборавердилар? Ёнларида қолишса, жанг майдонида оёқ остиларида қолиб

кетишмаса, бўлмасмиди?

Такдир қалами улар ҳақларида шундай ҳукм ёзган бўлса, қўлдан нима келарди? Кўчиш ноғоралари чалинган, ажал ўқи отилган бўлса, бошқа нима иш қолади инсонга? Аллоҳнинг такдиргига Аллоҳнинг расули рози бўлмаса, бу таслимиятни бошқа кимдан қутилади?

Қолаверса, улар Мадинада эмас, у ёқларда ўладиган бўлишса, бунга қандай куч тўскилик қила оларди?.. Куръони карим: «...ҳеч бир жон қаерда ўлишини билмайди», деб хабар беради. Пайғамбарлар буюги (с.а.в.) ҳам бу оятни тушунтирарканлар: «Аллоҳ бир кимсанинг руҳини бошқа бирор жойда оладиган бўлса, у қул учун ўлажаги ерда бир эҳтиёж чиқаради», деб айтмаганмидилар?..

Булар ҳам кетишади, ўзларига такдир қилинган тупроққа боришади, ажал шарбатини ўша ерда ичишади.

Ғассон амири Шурахбил атрофдаги одамлари воситасида Мадинадан келаётган лашкар ҳақида хабар топгани заҳоти дарҳол қўшин тўплашга киришди. Тез орада юз минг кишилиқ бир ўрду тўпланди. Тевараклардаги араб қабилаларидан келиб қўшилганлари билан аскарининг сони юз эллик мингга яқинлашиб қолди.

Мўминлар Моанга келишганида душман ўрдусининг миқдори ҳақида хабар эшитишди. Ўтириб маслаҳатлашишди. Ўзларидан эллик баробар кўп бўлган куч билан урушиш қанақа натижа бериши равшан эди. Баъзилар:

— Душман сони ҳақида Расулulloҳга хабар юллашимиз керак. Ё ортимиздан мадад юборадилар, ёки бўлмаса, нима қилишимиз ҳақида йўл-йўриқ кўрсатадилар, — дейшсди.

Абдуллоҳ ибн Равоҳа сўз олди:

— Биродарлар, валлоҳи, сизларга ёқмаётган шу нарса мадинадалиқ пайтларингизда орзу қилганларингиз шаҳидлик эмасмиди?.. Биз душманга қарши сонимиз ёки кучимиз билан урушадиган эмасмиз. Аллоҳ бизга икром қилган бир динга таяниб солишамиз. Юринглар, икки яхшидан бири бизни кутмоқда. Ё ғолиб келамиз, ёки шаҳид бўламиз! — деди.

Бошқалар уни қўллашди:

— Ибн Равоҳа тўғри гапларни айтди.

— Валлоҳи, тутиладиган йўл шудир!..

Ҳамманинг фикри ифодаланган эди бу эътирофларда. Тезда бир қарорга келиниб, такрор йўлда давом этилди. Охирги етиб борган жойлари Мута қишлоғи эди. Душман лашкари ҳам келган, қаршиларида турар эди. Собит ибн Арқам ёнида турган ҳамроҳининг қўлига туртди.

— Бунақа катта лашкарни кўрмаган бўлсанг керак-а, эй Абу Ҳурайра? — деб сўради.

— Ҳа, кўрмаганман.

— Сен Бадрда бизнинг ёнимизда йўқ эдинг, биз у пайтда зафарни сонимиз билан эмас, Аллоҳнинг ёрдами билан қозонганмиз.

Уруш бошланмасидан олдин бош қўмондон Зайд ибн Ҳориса (р.а.) Расулulloҳ (с.а.в.) жанобимизнинг буйруқларига кўра рақибларни Ислом динига даъват этди. Лекин бу даъватнинг қабул этилмаслиги маълум эди. Чунки Пайғамбар (алайҳиссалом) элчилари ҳам бир пайтлар шу даъватни қилгани учун ўлдирилган.

Уруш бошланди. Икки тараф бир-бирининг устига ташланди. Зайд ибн Ҳориса бу жангда шаҳид бўлишини ўз исмини билгани каби аниқ биларди, аммо асло чекинмасдан душман сафларига отиларди.

Дарҳақиқат, ҳеч қанча ўтмасдан душман найзалари уни жонсиз ҳолда ерга қулатди. Расулulloҳга (с.а.в.) хизмат ва муҳаббат билан безанган қийматли бир умр шу тариқа поёнига етди. Энди «Ишчига хизмат ҳақини пешона тери қуримасидан бер», деб марҳамат қилган Пайғамбар келтирган аҳкомга кўра, Мута тупроқларига тўкилган қони ҳали қуримасидан Зайд ибн Ҳориса ҳам Оламлар парвардигори хозирлаб қўйган дастурхонда иззат ва икром кўражақдир.

Зайд шаҳид бўлар-бўлмас байроқ тез унинг қўлидан олинди ва Жаъфар ибн Абу Толибга етказилди. Жаъфар бир қўлида қилич, иккинчи қўлида байроқни тутганича жангга киришиб кетди.

У душман билан савашаркан, жаннатнинг исини туяётгани хақида шеърлар айтиб турарди. Ўнг-сўлларида берилган зарбалар уни қизил қонга бўяди. Бир қилич зарбаси байроқни тутиб турган қўлини узиб юборди. Жаъфар дарров иккинчи қўлига олди байроқни. Энди бу қўли ҳам кесилди. Қўллари орасида қаттиқ ўралиб қолган байроқни у энди қачонгача тутиб тура оларди? Яраланган жойларидан отилиб чиқаётган қон кучини тобора тугатиб борарди. Душман зарбаларига вужудини қалқон қилишдан бошқа чораси йўқ эди. Ниҳоят танасига ҳам бир қилич тушиб, унинг вужудини иккига бўлиб ташлади. У билан бирга байроқ ҳам ерга тушди, лекин шу захоти олиниб, Абдуллоҳ ибн Равоҳага етказилди.

Абдуллоҳ бу шарафли байроқни даст кўтарди. Аллоҳнинг расули берган хабарга кўра, жон бериш навбати энди унга келган эди. Жон бозорига отилажак, «Менинг ҳам Аллоҳ йўлида қурбон қиладиган жоним бор», дея шаҳидлик шарбатини ичажак эди. Бу савашдан соғ чикмаслигини оқшом вақти куёшнинг ботишини билганчалик биларди. Унинг байроқни кўтарганча олға интилаётганини кўрган ва шаҳидлик навбати унга келганини билганлардан бири «Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожибун» («Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта ҳаммамиз Унинг хузурига қайтажакмиз») оятини ўқиди. Абдуллоҳ бу оятнинг ўлим фармони қаршисида итоат ифодаси эканини биларди. Бир он тўхтагандек бўлди. Сўнгра куйидаги маъноларни билдирадиган шеър ўқий бошлади:

— «Ей нафс!.. Истасанг ҳам, истамасанг ҳам, қасам ичаманки, Аллоҳнинг ҳукмига бўйин эгажаксан. Агар одамлар «Инна лиллаҳ» дея бақириб-чақирган бўлсалар, шуми сени кўрқитяпти? Бу нима деган гап, сени жаннатни орзу қилмаётган ҳолда кўряпман?! Роса кўникиб қолганинг шу баданимда, пиёладан тўкиладиган сувдан бошқа нимасан сен?.. Эй нафс!.. Бугун ўлмасанг, абадий тирик қолармидинг?! Мана, ўлимнинг иссиқлиғи!.. Қаршингда хилқиллаб турибди... Ўзинг орзу қилган шаҳидлик шарбати сенга узатилган... Агар сен ҳам икки биродаринг каби қила олсанг, хидоят йўлини тутдинг демакдир...»

Шеърни ўқиб бўлиб, отидан тушди. Шу пайт амакисининг ўғли унга гўштли суяк узатди.

— Бир тишлам еб олгин, қачонлардан бери ҳеч нарса емадинг. Озми-кўпми белингни тиклаб ол, қилич солишга ҳам қувват керак, — деди.

Абдуллоҳ жуда очикқан эди. Суякни олди, тишлади. Худди шу паллада жанг майдонидан кўрқинчли бир фарёд юксалди: биронтаси мутлақо найза еган ё қилич билан танаси тилкаланган эди. Сабри чидамади, қўлидаги устихонни бир томонга отиб, қиличини силтаганча оломон ичига ўзини урди.

Ёнида у билан бирга жанг қилганлар шеър ўқиётганини эшитишди:

— «Ей нафс!.. Хотиндан айрилмак истамайсан... Билиб қўй: уни қайта олмаслик учун талок қилдим. Қулларга кўзингни тиккан бўлсанг, ҳаммасини озод этдим. Мол ва мулк савдосига берилган бўлсанг, ҳаммаси ҳам Аллоҳга ва расулига қолдирилгандир».

Шундан кейин ёнидагилар Абдуллоҳдан фақат калимаи тавҳид ва калимаи шаҳодатни эшитишди. Тез орада у ҳам биродарларининг қонлари билан суғорилган тупроққа кулади.

Шундай қилиб, кетма-кет уч кўмондон ҳам шаҳид бўлди. Байроқ ерга тушди.

Уни дарҳол Собит ибн Арқам исмли бир аскар қўлга олди.

— Эй мусулмонлар, ўзларингга бир амир сайланглар, кўмондон топинглар, байроқни унга берайин, — деб бақрдди.

— Ўзинг кўмондон бўл! — деди кимдир.

— Йўқ, бу иш менинг қўлимдан келмайди.

Шу найт кўзлари Ҳолид ибн Валидга тушди, унга томон борди.

— Ол, эй Ҳолид, бу байроқни кўтариш сенинг ҳаққингдир! - деди.

— Йўқ, мен уни ололмайман. Сен мендан кўра ёши каттасан. Балки Бадрда ҳам катнашгандирсан.

Ҳолиднинг бу эътирози ўринсиз эди: Бадрда катнашиш билан жанг йўл-йўриklarини билиш орасида қандай боғлиқлик бўлиши мумкин? Аммо бу сўзларни айтаркан, эҳтимол яқиндагина мусулмон бўлган бир одамнинг байроқни олиши эски мусулмонларни ранжитиши мумкин, деб ўйлагандир.

Вақт зиқ эди. Бу ер бахслашиб ўтирадиган мажлис эмас. Собит ёлворди:

— Эй Одам, ол бу байроқни! Уни олиш фақат сенинг ҳақкинг. Мен бу байроқни олганимда сенга беришдан бошқа мақсадим йўқ эди. Сен урушда кўзи пишган йигитсан! — деди. Кейин теваракка хитоб қилди: — Сизлар Ҳолидни кўмондон ўлароқ қабул қиласизларми?

Ҳеч ким тараддуд этиб ўтирмади.

— Ҳа, қабул қиламиз, — деб овоз берди ҳамма.

Шундай қилиб, Ҳолид кўмондон этиб тайинланди. У байроқни кўлга оларкан, дарҳол хужумга ўтди. Унинг ортидан олға ташланган мусулмонлар душман қаршисида қалъа каби туриб бердилар. Бир вақт бўлди, душман сафлари бузилди. Шунда мусулмонлар тонгдан бери кетма-кет ўлдирилган дўстларининг ўчини олиб, хумордан чиқишди. Роса кўп кофир аскарлари дўзахга юборилди.

У кун жанг поёнига етиб, икки томон ўликлар ва ярадорлар билан машғул бўлди. Жаъфарнинг вужудида тўксондан ортиқ жароҳат кўришди. Бошқа амирларнинг аҳволи уникадан кам эмасди.

Кетма-кет уч кўмондонини бой берган лашкар бирдан ўзини тиклаб ололмайди, деб ўйлаган эди душманлар. Аммо тонг отгач, саросимага тушиб қолишди. Қаршидаги кўшин тамоман бошқа эди. Булар кеча жанг қилган одамлар эмасди гўё. Гуруҳлар бошқа, бошлиқлари бошқа, байроқлари бошқа. Мутлақо янги бир аскарый бирлик ёрдамга келган бўлиши лозим... Бу тушунча душман лашкарининг руҳиятини пароканда қилди, уларнинг тиззасини қалтиратди.

Ҳолбуки, Ҳолид ибн Валид кўшинда ўзгариш қилган, ўнг қанотнинг ортида жанг қилганларни ўнг тарафнинг олдига ташлаган эди.

Душманнинг бу довдирашидан фойдаланиб у кун мусулмонлар жону бошларига қарамай жанг қилишди. Ҳолид ибн Валид мукамал бир жангчи ва ўхшаши йўқ кўмондон эканига ҳар икки томон ҳам тан берди. Мисли кўрилмаган бир жасорат билан соатларча олишди, арслонлар каби мағрур хужум қилди, кетма-кет синган қиличларни душманнинг башарасига ирғитаркан, ёнида бир мусулмоннинг:

— Ол, эй Ҳолид, ота-онам сенга фидо бўлсин! — деб узатган иккинчи, учинчи, тўртинчи қиличларни олиб, тўхтамасдан, тин олмасдан урар, урар эди.

У солган қиличлар зарбасидан неча кофир аскарининг ҳаёт дафтари ёпилди. У урушмас, балки нукул ўлим сочар, қаршисида бахтсизликка йўлиқиб турган одамнинг ўлим фармонини кўлига тутқазар эди. Ўша куни тўққизта қиличи синди, ўнинчи қилич энди бир яман қиличи эди. Арслон каби ўкириб олға ташланар, қай томонга йўналса, ўша томонда бир майдонни очиб кўяр эди.

Ҳолид Уҳуд урушининг аламини чиқараётган эди. Уҳудда катнашган мусулмонлар ўзларини паришон қилган йигитнинг ким эканини мукамал бир тажрибада кўришди. Уҳуд куни пайғамбарларининг топшириғини унутиб, ўлжа кетидан тушиб кетган қисмнинг бошида ўлим шабадасини эсдириб жазо берган ва зафарнинг йўналишини ўзгартириб юборган қиличбоз бугун ҳам айни ишни қилар, юз эллик минг кишилик кўшин қаршисида мардликнинг, жасоратнинг шонли бир обидасини тиклар эди. Уни бу ҳолда кўриб ҳам табрикламаслик, тақдирламаслик, ҳайратдан ёқа ушламаслик, «Сен Аллоҳнинг қиличисан, эй Ҳолид!» демаслик ҳақни камситиш, ҳақни яшириш бўларди, ҳолос. Унинг ер искамаган курагига, Аллоҳ йўлидаги саботига лол қолганларнинг саломларини, хурмат ва муҳаббатларини ўзинг етказгин Аллоҳим!..

Нихоят, урушнинг яна бир куни тугади. Иккала томон ҳам ўликларни кўмиш, ярадорларни даволаш билан овора бўлишди.

Ҳазрати Ҳолид (р.а.) уч минг киши ҳарҳолда юз эллик минг киши каршисида бундан ортик бир иш қила олмаслигини, кундан-кун камайиб кетишини хисоблади. Кофирларнинг улкан кўшини агар уч минг кишини камал килиб ўртага олиб қолса, бир неча соат ичида ҳаммаси йўқ бўлиб кетар, ҳеч ким кутулиб қололмас эди. Кўра-билатуриб шунча одамнинг кирилиб кетишига йўл қўйиш ақдан эмасди. Бу лашкар ўлиб битса, Мадинада яна бунақа кўшин барпо этиш осон эмасди. Ҳолбуки, Ислом дини маънавий кучга қанчалик мухтож бўлса, душманга бас кела оладиган моддий кучга ҳам шунчалик мухтож эди.

* * *

Мадина...

Мутада жанг бошланган куни Расулуллоҳ (с.а.в.) ғоят қайғули бир алфозда ўринларидан турдилар. Минбарга чиқдилар. Асҳобларига эмас, шундок кўз ўнгларида кечаётган жангга боқаётгандай эдилар гўё. Кўзларидан ёшлар оқа бошлади.

— Биродарларингиз душман билан жангга киришишди. Зайд ибн Хориса шаҳид бўлди, — дедилар.

Кейин Улуғ Мавлога хитоб қилдилар:

— Аллоҳим, Зайдни кечир. Гуноҳларидан ўт, — деб дуо қилдилар. Сўнгра асҳобларига боқиб: — Сизлар ҳам унга кечирим тиланглар, — дедилар.

Минбардан тушиб, Зайднинг жаноза намозини ўқидилар. Сўнгра такрор минбарга чиқдилар.

Масжидга тўпланганлар мароқ ҳаяжон ва безовталиқ ичида Расули кибриёдан кўз узмай ўтиришарди. Орадан пича вақт ўтди. Расулуллоҳ (с.а.в.) яна гўё олисларга тикилиб қарадилар:

— Хозир байрокни Жаъфар олди, душман устига шиддат-ла ташланди... у ҳам шаҳид бўлди,— дедилар. — Аллоҳим, Жаъфарни кечир, Аллоҳим, Жаъфарнинг гуноҳларидан ўт.

Асҳоби киром ҳам Жаъфар учун кечирим дуо қилишди.

Кейинроқ Расулуллоҳ (с.а.в.) Абдуллоҳ ибн Равоҳанинг ҳам шаҳид бўлганини айтиб, байрокни Ҳолид ибн Валид олди, деб хабар бердилар.

— Аллоҳим, у сенинг қиличларингдан биридир. Ўзинг унга ёрдамчи бўл, — дедилар. Кўзлари жанг майдонига қадалган ҳолда: — Мана, ҳозир тандир роса қизиди, — деб марҳамат қилдилар. Бу муборак сўзлари билан савашнинг энг қизгин палласи бошланганини айтмоқчи эдилар. Кейин асҳобларига учала кўмондон ҳам жаннатга киришга ҳақли бўлганининг хушхабарини бердилар. Юракларда тўлиб турган қайғу-хасратлар шу тарифа озми-кўпми енгиллашган бўлди.

* * *

Жаъфар ибн Абу Толибнинг хотини Асмо бинти Умайс ўша куни болаларини ювинтириб-тарантирган, кейин уйидаги бир терини ошлашга киришган эди. Бирдан Расулуллоҳ(с.а.в.) жанобимизнинг овозлари қулоғига чалинди. Тез эшикка шошилди:

— Ичкарига марҳамат қилинг, эй Аллоҳнинг пайғамбари, — деди қувониб.

Саййидул анбиё ховлига кирдилар, ўтирдилар.

— Менга Жаъфарнинг болаларини олиб келчи, — дедилар. Болалар келишди. Набиййи акмал бир-бир хидладилар, суйиб эркаладилар. Бу палла Асмо опаси Маймуна (р.анҳо) туфайли ўзига почча бўлган Пайғамбаримизга боқар эди. Кўзларини намли кўрди. Шунда юрагига нозик ва аччиқ оғрик оралади.

— Эй Аллоҳнинг пайғамбари, ота-онам сизга фидо бўлсин, Жаъфардан ва дўстларидан бирон хабар келдими?— деб сўради.

— Ҳа, бугун шаҳид бўлишди, — деб жавоб қилдилар Расулуллоҳ (с.а.в.).

Асмо фарёд кўтариб ўрнидан туриб кетди. Унинг фарёдига кўни-кўшни хотинлар дарров чопиб чиқишди. Жанобимиз унга танбех бердилар:

— Эй Асмо, қаттиқ куйинма, беҳуда сўзлар айтиб йиғлашдан тийил.

Йиғлама, демадилар. Чунки бундай кайғули бир ҳолат қаршисида йиғламаслик инсон тоқатидан ташқаридадир. Қолаверса, инсон табиати йиғини таказо этади. Бундай вазиятда йиғлаш кўкракка тўлиб кетган дардни ва аламини бир даража озайтиради. Аммо Пайғамбаримиз Асмога жоҳилият одатига берилиб ярашиқсиз сўзлар айтиб йиғламасликни, Жаноби Мавлонинг розилигига ууйғун келмайдиган сўзлардан узоқ туришини ва шундай сабр мартабасидан олинажак ажр ва мукофотни кўлдан чиқармасликни тавсия этган эдилар. Сўнгра у ердан чиқиб, уйларига келдилар.

— Жаъфар оиласига овқат чиқаришни унутманглар, чунки уларнинг қозон-товоқ билан шуғулланишга ҳол ва вақтлари йўқ, — дедилар.

Фаҳри коинотнинг бу буйруқлари дарҳол ижро этилди.

* * *

Ўша куни масжиддан чиққанлар ичида бир ёш йигит ҳам бор эди. Қайғу дарёсига чўккан каби юрарди. Ё кўзларидан оқаётган ёшларни сезмаяпти ва ё уларни артиб ташлашни лозим деб билмаяпти.

Кекса бир хотин унинг йўлини тўсди.

— Нимага бунча хафасан, эй Усома? — деб сўради меҳрибонлик билан.

— Отам шаҳид бўлибди.

— Аллоҳ раҳматини ёғдирсин, ўзингнинг бошинг омон бўлсин, болагинам, — деб таъзия билдирди хотин.

— Сиз ҳам соғ бўлинг, ҳолажон.

— Хабарчи келдими?

— Йўқ, Пайғамбаримиз бир оз илгари айтдилар.

Усома тўғри уйига борди. Кекса Умму Айман ундан бу аччиқ хабарни олгач, уй бирпасда мотамхонага айланди.

...Орадан ҳеч қанча ўтмай, Фаҳри коинот (с.а.в.) жанобимизнинг хузурларига бир қиз келди. Ҳали балоғат ёшига етмаган бу қизча пайғамбарлар султонининг юзларига ғамгин кўзларини тикди. Йиғлаб юбормаслик учун лабларини зўрлаб юмиб туришга уринар эди. Унинг бу ҳолати «мен етим қолдим» дейишга эҳтиёж қолдирмаган эди. Хотамул анбиёнинг кўзлари ёшга ғарқ тўлди. Бу қизалоқ Зайд ибн Ҳорисанинг қизи эди. Шу вазиятнинг устига Ҳазраж қабиласининг раиси келиб долди.

— Нима сизни бу ҳолга туширди, эй Аллоҳнинг пайғамбари? — деб сўради.

— Севгилининг севгилига соғинчи, — деб жавоб қилдилар Расулulloҳ. Шу кундан эътиборан Аллоҳ элчиларининг фаҳри бўлган жанобимиз Зайд оиласининг ҳам таъминотини елкаларига олажаклар, «етимнинг қафили» бўлиш йўлида бошқа мўминларга ўрناق бўлажаклар.

Шаҳид адади уч кишидангина иборат эмасди, албатта. Янада кўп шахслар шаҳидлик шарбатини ичган бўлишлари ғоят табиий эди. Уч шаҳид ҳақида олинган бу хабар билан юракларни бир ҳаяжон долғаси қоплаб олди. Хоссатан лашкар сафида кетганларнинг яқинлари «Нима бўлди экан?» деган ички бир хавотир қаршисида жавобсиз лол туришар эди.

* * *

Ислом лашкари Мадинага қайтпти экан, деган хабар тарқалди. Уч кўмондон шаҳид бўлганидан кейин яна бир кун жанг қилиниб, сўнг орқага қайтилгани маълум бўлди.

Пайғамбар (с.а.в.) жанобимиз дарҳол туяларига миниб, йўлларига чиқдилар. Кўпчилик ҳамроҳ бўлди. Болалар чопқилар, келганларни тезроқ кўрмоқчи бўлишар эди,

— Болаларни уловларингизга мингаштириб олинглар, — дедилар Набиййи акрам.

Жаъфарнинг ўғли Абдуллоҳни ҳам чопиб бораётганлар орасида кўриб қолдилар.

— Жаъфарнинг ўғлини менга беринглар, — дедилар.

Абдуллоҳни кўтариб, Жанобимизнинг олдиларига ўтирғизишди.

Узокдан ўрду кўринди. Бир-бирларига яқинлашиб, улар келаверишди, булар бораверишди. Саф олдида жаноби Пайғамбаримиз «Сайфуллоҳ» (Аллоҳнинг қиличи) деб лакаб берган паҳлавон йигит Ҳолид ибн Валид келарди. Муборак байроқ ҳам унинг кўлида. Бу байроқ энг камида уч буюк шаҳиднинг қонила безанган эди...

Шу пайт оломон орасида бир ҳаяжон кўпди. Баъзилар ердан ховучларига тупроқ олиб, аскарларнинг юзларига сочишди.

— Қочоклар!.. Уруш қочоклари!.. — дея бакира бошлашди.

Набиййи акмал дарҳол вазиятга аралашдилар.

— Йўқ, улар қочоқ эмаслар, иншаАллоҳ, такрор урушга кирадиган йигитлардир, — деб марҳамат қилдилар.

Ҳолид қочмайди. Қоча олмасди ҳам. Қўркув ва қочиш туйғуси унга ёт. Минг бора ўлиши мумкин, аммо бир марта қочишга кўнглини рози қила олмайди. Унда шунақа бир хислат бўлганида пайғамбарлар буюги унга «Сайфуллоҳ» лақабини берармидилар?

«Қочоқ» деган сўз ҳар кимдан ҳам кўра унинг шахсига тегарди. Чунки орқага қайтиш амрини шахсан у берган эди. Анча йиллар кейин, ўлим тушагида ётган чоғида ҳам, ўшанда айтилган бу аччиқ сўзлар қалбида очган чуқур яранинг оғриғидан инграяжак, инграяжак...

Лашкар Мадинага кирди. Тез орада кимлар келганию кимлар Мута саҳросида қолгани маълум бўлди. Уйлардан фарёдлар кўпди, кўзёшлар тўкилди.

Урушга бормаганлардан баъзилари Ҳолид ибн Валидни айблай бошлашди. Аммо жангда қатнашган Мута ғозийларидан бири дарҳол уларнинг сўзини кесиб ташлади:

— Ҳеч ким ўзи билмаган сўзни айтмасин. Сизлар уни жанг майдонини остин-устин қилиб юборганини кўрганларингда эди, душман устига арслон каби ўкириб хужум қилганларига гувоҳ бўлганларингда эди, бунақа дейишга ҳақларинг йўқлигини билардиларинг. Жанг майдонида унинг кўлида тўққизта қилич синди. Бу воқеанинг жонли гувоҳларидан бири менман. На душман ўрдусида ва на бизнинг орамизда унга тенг келадигани бор!

Орадан бир неча кун ўтди. Баъзилар масжидга келмаётгани билинди. Шундайлардан бирининг хотини бир куни мўминларнинг онаси Умму Саламани зиёрат қилиб келган эди, онамиз ундан ҳол-аҳвол сўраб бўлгач:

— Эринг касал бўлиб қолдими? — деб суриштирди.

— Йўқ, эй мўминларнинг онаси, касал эмас.

— Масжидда кўринмай қолибди, шунга сўрадим.

— Ҳа, масжидга келмаяпти, намозларини уйда ўқияпти. Чунки ташқари чикди дегунча кайфиятини бузишяпти. Сизлар Аллоҳ йўлида урушишдан қочдиларинг», деб таъна қилишяпти.

— Бу ишлари тўғри эмас, мен Расулуллоҳ жанобимизга хабар бераман.

* * *

Айни соатларда Одам болаларининг саййиди (с.а.в.) ҳам зиёратларига келган бир киши билан суҳбатлашиб ўтирар эдилар.

— Эй Аллоҳнинг пайғамбари, биз қочоқ саналамизми? — деб сўради у одам.

— Йўқ, сизлар қочоқ эмассизлар, иншааллоҳ, қайтадан бориб урушадигансизлар.

Бу одам Расулуллоҳнинг уйларидан кўнгли анча таскин топиб чикди. Салдан кейин жанобимиз севикли хотинлари Умму Саламадан зиёратчи хотиннинг арзини ҳам эшитдилар. Ҳа, вазият анча ноҳуш, анча чигаллашибди, олди олинмаса, бўлмайди. Дарҳол буюрдилар, Мадина кўчаларига жарчи чиқарилди.

— Билиб кўйинглар, Расулуллоҳ жанобимиз Мута ғозийларини кочок дейишдан қайтардилар! Ҳеч ким уларни безовта қилмасин! — деб эълон қилиб чикди жарчи.

Шу эълондан кейин Мута ғозийлари эркин нафас ола бошлашди. Масжидга ҳам бемалол бориб келадиган бўлишди.

УММУ СУЛАЙМ ФАРЗАНДЛИ БЎЛДИ

Умму Сулайм кенжа ўғли Абу Умайрнинг вафотидан тўққиз ою ўн кун кейин яна бир ўғлон кўрди. Чакалокни кўтариб Набийи акрам (с.а.в.) жанобимизнинг хузурларига келтиришди. Расулуллоҳ чакалокни бағриларига олдилар, у билан бирга олиб келинган хурмодан бир қисмини чайнаб, боланинг орзига солдилар, танглайини кўтардилар.

— Эй Аллоҳнинг пайғамбари, бу болага ўзингиз муносиб кўрган бир исм кўйиб беришингизни истаймиз.

Пайғамбаримиз боланинг ўнг қулорига азон, чап қулоғига қомат айтиб, унга «Абдуллоҳ» исмини бердилар*. (Имоми Бухорий, 6/216.)

Бир вақтлар жаноби Пайғамбаримиз: «Исмларнинг энг гўзали Абдуллоҳ билан Абдурахмондир», деган эдилар.

Кичик Абдуллоҳ катта бўлганида исмини Расули акрам жанобимиз кўйганларини ота-онасидан эшитажак. Ўзи ҳали икки-уч ёшдалик чоғларида охират оламини шарафлантирган саййидул мурсалин (с.а.в.) жанобимизни яқиндан таниш саодатига етишажак эди.

Умму Сулайм пайғамбарлар сарварининг ислари билан исланиб қайтиб келган боласини бағрига оларкан, оти «Абдуллоҳ» кўйилганини эшитган захоти айрича бир хузур туйди. Бу фарзанд руҳлар оламидан она қорнига тушган илк кунда Расулуллоҳнинг ҳос ўлароқ дуоларини олиш бахтига эришган бир инсон бўлажак. Кўнгли доимо пайғамбарлар султони билан бирга бўлган, Мавлосига нисбатан хурмати ва севгиси тобора ортган, асло камаймаган Умму Сулайм бу чакалоғини оти ҳам, тоти ҳам, иси ҳам Пайғамбар билан алоқали бир севги парчаси ўлароқ кўрарди. Катта ўғли Анас ҳар куни буюклар буюгининг ҳос хизматларидадир, ҳар куни у зотнинг ислари билан уйга қайтади. Эри Абу Талҳа Расули акрам жанобимизга зиён-заҳмат етмасин дея неча марта вужудини қалқон этиб, у зотга отилган ўқларни биззот вужуди билан қарши олган инсон эди. Умму Сулаймнинг ўзи йилларча аввал пайғамбарлар сарварининг бир содиқ тушларида жаннатда таҳорат олаётган ҳолда кўрилган бир аёлдир. Бу хонадонда ҳозирданок жаннат ҳаёти яшалапти, дейилса, жуда кўпиртириб юборилди, дейилмаслиги керак.

ҲАЗРАТИ УМАРНИНГ (Р.А.) ЎГИТИ

Бир куни Умар хонадонда оилавий ғиди-биди чикди. Асабийлашди, хотинига бақириб-чақирди. Хотин ҳам тек қараб ўтирмади, жавоб берди. Унга сари Умарнинг хуноби ошди.

— Менга қара! Сен кимга бунақа муомала қилаётганингни биласанми?! — деб ўшқирди.

— Сизга бунинг нимаси ғаройиб туюляпти, эй Умар? — деб жавоб қилди хотини бепарвогина.

Буниси энди ортиқча эди. Хотинининг юзига ажабланиб боқди. У эса сўзида давом этди:

— Жаноби Расулуллоҳнинг хотинлари ҳам, хоссатан ўзингизнинг қизингиз ҳам Пайғамбаримизга гап қайтаришяпти, ҳатто тонгдан оқшомгача ҳам аразлаб юришибди.

— Жиддий гапирянсанми? — деб сўради Умар.

— Албатта.

Умарнинг кескин одам экани ҳаммага маълум, ўзига ишонган унча-мунча одам ҳам унинг қаршисида гап айтишдан ўзини тортиб туради. Шундай бир инсонга буларни эшитиш осонми?!

Пайғамбардан (с.а.в.) аразлашга журъат қилган хотиннинг бошига фақат бало ёғади.

Хотинининг гапларига тан бермаслик ҳам маъносиз бўлар эди.

— Сизларни ансор хотинлар талтайтириб юборди ўзи... — деб ғўлдираб кўйди.

Сўнгра уйдан шитоб чикиб, тўғри Ҳафса онамизнинг ёнига борди.

— Эшитишимга караганда, Расуллуллох жанобимизга баъзан гап қайтарар эмишсизлар? — деб сўради қатъият билан.

— Ҳа, баъзан тортишиб қоламиз, хатто аразлаган кунларимиз ҳам бўлади.

Умар титраб кетди. У тушунмайдиган, зехнига сиғдиролмайдиган бир ҳол эди бу.

— Ким бундай қилаётган бўлса, адо бўлди, паришон бўлди демак, қизим! Эҳтиёт бўл, Расуллуллохга гап қайтаришга, у киши билан тортишишга журъат этиб, то бошингга бир бало орттириб олма! Агар бирор истагинг бўлса, менга айт, мен бажарай. Дугонанг Ойишанинг чиройлилиги, Набиййи акрамга кўпроқ суюкли экани сени алдаб кўймасин*. (Термизий, 5/420) У бу севгига суяниб бир ишлар қилса, сен ҳам ўшанақа қилишинг шарт эмас, — деди.

Кейин Умму Саламани топди. Чунки Пайғамбар жанобимизнинг хотинлари ичида битта шу қабиладоши эди. Унга ҳам масалани тушунтирди, огоҳлантирмоқчи бўлди. Аммо Умму Салама (р.а.):

— Ажабо, эй Ҳаттобнинг ўғли!.. Пайғамбар билан хотинлари орасига кирмоқчимисиз?! — деб қолди.

Ҳазрати Умар шаштидан қайтди. Учинчи хотинларига ҳам бориш мақсадини айтишга хожат қолмаган эди.

У бу ишни тўхтатди. Лекин мўминларнинг оналари тутган бу йўл охири яхшилик билан тугамайди-ёв, деган ҳавотирда эди. Келажакда бу ишлари фитналарга сабаб бўлса, ҳайрон бўлмаслик лозим эди.

ДЕНГИЗ СУВИГА ТАҲОРАТ

Бир куни масжидга Фиросий исмли бир киши келиб қолди. У денгиз қирғоғида яшайдиган балиқчилардан эди.

— Эй Аллоҳнинг пайғамбари, биз баъзан денгизга чикиб кетамиз. Ёнимизда озгина ичимлик сув ола оламиз, холос. Ўша сувда таҳорат қиладиган бўлсак, буткул сувсиз қоламиз. Бунинг учун денгиз сувига таҳорат қилсак бўладими? — деб сўради.

Жанобимиз жавобни анча кенг қилиб бердилар:

— Ҳа, денгиз суви тоза, ўлимтиги ҳам ҳалолдир** (Ибн Можа, 1/136.), — деб марҳамат қилдилар.

Жавоб Фиросийни хурсанд қилиб юборди.

Баъзи саҳобалар бир-бирларига қараб қолишди, денгиз соҳилида, бир тепаликчадай ағдарилиб ётган китга йўлиққанларини эслашди. Демак, у ҳам ҳалол. Гоҳида биргина хурмо еб кун кечиришди, айрим кунлари дарахтларнинг барглари билан коринларининг исёнини бостиришга уринишди, баъзан эса, Саъд ибн Убоданинг саҳий ўғли Қайс сўйиб тортиқ қилган туя кабоби билан ошқозонларини тўйдиришди. Эҳ, у кунлар...

БИР СУИҚАСД ТАРТИБИ

Амр ибн Туфайл Ғатафон қабиласининг кўзга кўринган шахсиятларидан эди. Шу одам бир куни Арбад ибн Қайс исмли қабиладоши билан бирга Мадинага келди. Расуллуллоҳнинг (с.а.в.) мусулмон бўл, деган таклифларини қабул қилмади.

Унда у одамнинг мақсади нима? Тижорат учун келмаган, хешини ё дўстини зиёрат этиш дардида ҳам эмас. У Мадинага: «Мен Ислом динини қабул қилмайман», дейиш учунгина келмагандир, ахир?

Иккинчи кўришувда унга яна мусулмон бўл деб таклиф қилинди. Бу гал сал юмшагандай бўлди.

— Мусулмон бўлсам, менга қандай ҳуқуқлар берилади? - деб сўради.

— Ҳамма мусулмоннинг ҳуқуқи қандай бўлса, сенинг ҳуқуқинг ҳам шундай бўлади. Уларнинг вазифалари сенга ҳам вазифадир, — деб жавоб қилдилар Пайғамбаримиз (с.а.в.).

Амир ҳаммадай бўлишга асло рози эмасди. Ўзини жуда баландларда кўрар, баландларда учиш ҳаваслари бор эди унда. Ниҳоят, шундай бир таклиф киритди:

— Хўп, мусулмон бўламан, аммо бу ишни иккаламиз шерик бўлиб юритамиз. Шаҳарлар аҳолиси сенга, саҳрода яшовчилар менга ишлашади. Сен ўлганингдан кейин ўрнингга мен ўтаман.

Бу таклиф ўша заҳоти рад этилди, ўйлаб ҳам ўтирилмади. Амир туриб жўнади. Шериғи иккиси бир ҳилватга ўтишгач, Амир ҳаёлида пишитган бир кўрқинчли режани ўртага ташлади:

— Уни бир чеккага олиб ўтамиз-да, ўртага оламиз. Бир қўлинг қиличингда бўлсин. Мен уни гап билан чалғитиб турганимда сен қилични бошига соласан.

— Келишдик, хотиржам бўл, — деди шериғи ҳам.

Султони анбиё (с.а.в.) ҳузурларига учинчи марта боришди.

— Мумкин бўлса, ёлғиз гаплашсак, — дейишди.

Расули кибриё дарҳол рози бўлдилар. Амирнинг ичида бир ҳаяжон бўрони турди. Режасининг илк саҳифаси осонгина амалга ошган эди-да. Энди гап Арбадда қолди, кўркмасдан битирса бўлади.

Одамлардан ҳоли бир ерга боришди. Амир сўз бошла-ди... У анчагача гапга тутиб турди, лекин Арбад... Кўли қиличининг қабзасида, аммо ҳайратланарли ҳол: энди қиличини суғураман деса, қаршисидаги одам Амир бўлиб қоларди. Бошқа тарафга ўтди, ҳайрати баттар ортди, чунки қаршисида яна Амир турарди.

Шундан кейин Арбад бир у томонга бир бу томонга ўтди, аммо ҳар гал Амир ўнг келаверганини кўриб, бу ишни уддалай олмаслигига кўзи етди. Уддалайман деса, балки ўзининг шериғи Амирни ўлдириб қўйиши мумкин эди.

Амирнинг юраги сиқила бошлади. Ора-сира кўз қири билан Арбадга қараб кўяди, аммо хануз бир иш чиқмасди. Сухбат ҳам чўзилиб кетди, бироқ бир тўхташга келишолмади. Амир ҳар кимдай мусулмон бўлишга ўлса ҳам рози эмасди. Гапларини шундай яқунлади:

— Мана, кўрасан, эй Мухаммад, валлоҳи, бу шаҳарни отликларга, яёвларга тўлдириб ташлайман. Ғатафондан мингларча йигит опкеламан. Ҳар дарахтнинг тагида боғлик бир от бўлажак! — деди.

Бунга жавобан Расули акрам (с.а.в.):

— Аллоҳ сенинг йўлингни тўсади, — дедилар.

Сухбат шу ерда битди. Амир кетаркан, орқасидан Саййидул анбиё Улуғ Мавлога: «Аллоҳим, Амир ибн Туфайлни ўзингга ҳавола этдим, мен учун унинг жазосини бер!.. Қавмини эса ҳидоятга бошла!» деб ниёз қилаётган эдилар. Амир Арбад билан ёлғиз қолганида:

— Сендан бунақа лапашангликни кутмаган эдим. Валлоҳи, шу пайтгача сендан ҳайиқиб келардим, бугундан бошлаб сендан ҳам кўркмайдиган бўлдим, — деди. Арбад унинг сўзини кесди:

— Шошилиб хулоса қиляпсан, аввал бўлган воқеани эшит, — деб ҳаммасини бир бошдан айтиб берди. — Қилични сенинг бошингга солишимни истармидинг? — деди.

Амир ҳеч нарса дея олмай қолди.

Бир муддат йўл юрдилар. Дам олиш фурсати ҳам келган эди. Йўлларида бир-икки чодир кўринди. У ерда ўзларини меҳмон қиладиган бир оила бўлиши лозим эди. Аммо Амир бирдан титраб кетди. Шоша-пиша бўғзини чангаллади. Унга нимадир бўлди ва каттиқ оғрий бошлади. Ҳолбуки, беш дақиқа бурун ҳам ҳеч нарсадан дарак йўқ эди.

Оғрик тобора кучайиб, вужудини какшатарди. Бу ахволда йўл юролмаслиги аниқ. «Барака берсин Салулийга» деган жойда бир аёлнинг чодирига етиб келишди. Амир ўша ерда меҳмон бўлиб қолди. Бир муддат уни даволашга ҳаракат қилишди, аммо бутун ҳаракатлари зое кетди. Амир кадам-бакадам ўлимга яқинлашар эди.

Мадинадан чиққанларига эндигина уч ё тўрт кун бўлган, у ердан букадай соғлом ҳолда чиққан Амир энди ҳаёт йўлининг охирига бориб қолган ўламсаки бир хаста холига тушган эди. Бўғизидаги без борган сайин кабариб борар, чекаётган оғриклари дармонини қуритар, нафас ололмайдиган қилар эди.

Амир йигит эди. Қахрамонларга ярашадиган ҳолатда — от устида жанг қилаётганда ўлишни орзу қиларди. Касаллик тўшагида инграй-инграй ўлиб кетиш араблар орасида илгаридан хуш кўриладиган иш эмас. Шуларни ўйларкан, Амир бирдан бакира бошлади:

— Туялар каби ўлишми, эй Амир ўғиллари?! Салул қабиласидан бир хотиннинг уйида, тўшақда ўламанми?!

Яна бир марта, икки марта шунака деб бақирди. Кейин ўрнидан сапчиб турди, найзасини олди, отига минди.

— Туялар каби ўлиб кетиш экан-да!.. Салулиянинг уйида туялардай ўлим топиш... шундай кунга қолдимми-я?!

У тинимсиз бақирар, отини ўнг-сўлга чоптирар, ўзини душман устига ҳамла қилаётгандай тутар эди. Ниҳоят, найза қўлидан тушди. Чопиб бораётган отнинг устига ётиб олгудай эгилган вужуд кўз очиб юмгунча бир қоп гўшт каби қумлар устига думалади.

Ёнига югуриб келганлар уни кўтармоқчи бўлишди, лекин Амир ортиқ нафас олмаётган эди.

Шундай қилиб, Расулulloҳ (с.а.в.) жанобимизга катта кетган Амир яна бир марта у зотга йўлиқиш фурсатини топа олмади, жазо эса тез вақтда берилди, уни нишонга олиб отилган қазо ўқи ҳеч адаштирмай жойини топди.

Буниси ҳали илк зарба эди. Олдиндаги охират ҳаёти жуда ранг-баранг бўлажак, Аллоҳнинг расулига (с.а.в.) суиқасд хозирлаганликда ва бу йўлда қаттиқ тиришганликда айбланувчи сифатида муҳокама этилажак, бурни ерларга ишқаланажак. Аллоҳ азоби ғоят қаттиқ бўлган зотдир.

МАСЖИДГА МИНБАР ҚЎЙИЛИШИ

Расулulloҳ (с.а.в.) Мадинага кўчиб келганларидан бери суҳбатларини меҳробда ўтириб қилар эдилар. Баъзан мавзу (масала) муҳим ва жамоат ҳам катта бўлса, у ҳолда хурмо ёғочидан қилинган устун ёнига борар, тик турганча шу устунга суяниб жума хутбасини қилар эдилар. Бу устун Жанобимиз доим намоз ўқиб берадиган меҳробнинг ўнг томонида, ўн одимча нарида эди. Меҳробнинг чап томонида эса, Пайғамбаримизнинг хотинлари учун қурилган хужралар жойлашган.

Набиййи муҳтарам жанобимизнинг суҳбатлари кўпинча қисқа ва хикматли бўларди. Кераксиз сўзламасдилар, керагидан ортиқ ҳам гапирмасдилар, аҳамиятли деб билган жумлаларни аксари пайтда уч қарра такрорлардилар. Баъзан ҳатто уч мартадан ортиқ такрорлаган пайтлари ҳам бўларди. Қаршиларидаги жамоатни зериктирмайдиган, кўнглига урмайдиган, безор қилмайдиган суҳбат қуриш услублари бор эди. Кўпинча жамоат «Қани эиди Пайғамбаримиз бир суҳбат қилиб берсалар, тинглардик», дейиш даражасида соғинган паллаларини танлардилар.

Бундай суҳбатлар орасида баъзан Пайғамбар жанобимиз толиққан оёқларига галма-гал дам бериш эҳтиёжини ҳис қилардилар. Гоҳ оғирликларини бир оёқларига, гоҳ бошқа оёқларига солиб туришларини кўпчилик кўрган, ўша пайтлари Набиййи муҳтарам (с.а.в.) жанобимиз олтмиш бир ёшларга етган эдилар.

— Эй Аллоҳнинг расули, сиз ўтириб суҳбат қуришингизга қулай бир минбар ясадик, бўладими?..

Ё шундай таклиф қилиндию уни қабул этдилар, ёки бўлмаса, Жанобимиз шундай бир минбар ясаб беринглар деб саҳобаларига айтдилару улар бу истакни жуда ўринли деб билишди. Хуллас, шу қарордан кейин Расули амин мадиналик бир аёлга хабар жўнатдилар: «Хизматкоринг фалончига буюрсанг, у менга бир минбар ясаб берса!.. Хутба чоғи ўшанга ўтириб гапирармидим», дедилар.

Ривоятга кўра, бу аёл Саъд ибн Убоданинг хотини Фукайҳа бўлган. Бу хабар у аёлни фавқулотда хурсанд қилиб юборди. Хизматкори Нуъмонни тез ёнига чакириб:

— Жаноби пайғамбаримиз масжидда ўтириб суҳбат қуришларига қулай бир минбар ясаб бер! — деб топширик берди.

У кунларда Мадинада дурадгорлик соҳасида энг яхши уста ўзининг хизматкори эканидан ҳам айрича мамнуният туйди. Расулуллоҳ жанобимизга шундай бир ҳизматда бўлиш саодати ва шарафи унинг шу усталиги туфайли эди.

Нуъмон асбобларини олиб, Мадинанинг юқори қисмида жойлашган Тарфатулғоба дарахтзорига борди. У қилди-бу қилди, хуллас, учта зинали бир курси ясади. Учинчи зина айни чоқда ўтиришга мўлжалланиб, саҳни кенгроқ бўлди.

Фукайҳа хоним минбарни кўздан кечирди, хизматкорига ташаккурлар айтди. Сўнгра салом ва хурматларини арз этиб, пайғамбарлар имомига (с.а.в.) юборди. Минбар масжидга келтирилиб, меҳробнинг ўнг томонига — ёғоч устуннинг ёнига қўйилди.

Ўша хафтанинг жума куни. Пайғамбар (с.а.в.) хутба ўқиш учун минбарга чиқдилар. Шу пайт ғалати, аммо инграшга ўхшаш бир овоз эшитилди. Бўғалоғини излаб тополмаётган туянинг бўзлашига ўхшарди бу овоз. Борган сайин кучайиб кетаётган бу маҳзун овоз устундан чиқаётгани маълум бўлгач, ҳамма ҳайратга тушди. Жанобимиз хутбани бошлаганларида унинг фарёди ҳам чидаб бўлмас бир ҳолга келган эди. Хутбани ярмида тўхтатишга мажбур бўлдилар. Минбардан тушиб, устуннинг ёнига келдилар. Қўлларини ёғочнинг сиртига қўйдилар. Шу заҳоти ингроқ ҳам пасая бошлади. Тез орада овоз чиқмаёқ қолди. Юзлаб кишилар гувоҳлигида рўй берган бу ҳодиса масжидни катта бир ҳаяжон тўлқини чулғаб олишига сабаб бўлди. Демак, бу жонсиз устун неча йилдан буён сиртига суянган ҳолда хутба ўқиган Маҳбуби Роббул Олабийн (с.а.в.) жанобимиз энди унга суянмай қўйишларига чидай олмаган, шунга фарёд қилиб юборган эди.

Ёғочнинг ингроғи босилгач, Расулуллоҳ жанобимиз яна минбарга чиқдилар ва хутбаларини тамомладилар.

Бундан буён жаноби Сарвари Олам (с.а.в.) хутбаларини ва жумадан ташқари суҳбатларнинг ҳаммасини шу курси устида қиладиган бўлдилар.

МАККА ФАТҲИ

Худайбия сулҳи тинчлик ва хузур келтирди. Айниқса, кўпдан бери ўзаро душман бўлган икки қабила эркин нафас олиш имконига эга бўлди. Улардан Бани Бакир қабиласи Қурайшнинг, Хузоа қабиласи эса мусулмонларнинг ҳимояси остида эди.

Энди ўн йил муддат бир-бирларига қарши қурол кўтарилмайди. Аммо йиллар давомида қалбларда пистирма қуриб ётган кин ва душманлик туйғулари ўн йил кутишга рози бўлармикан?..

Кунлардан бир куни Бани Бакир қабиласидан биттаси Расули акрам (с.а.в.) шаънларига ҳажвия ўқиди. Буни эшитган бир хузоаликнинг жаҳли чиқди. Бир урган эди, у одамнинг боши ёрилди. Қонга беланиб қабиласига бордию энди жиловлана бошлаган душманлик хислари қайтадан аланга олиб кетди. Вақт ўтказмасдан ҳозирлик кўрилди ва бир кеча Ватир деган булок

бошида дам олиб ётган хузоаликлар устига хужум қилишди.

Бундай бир фурсатдан Қурайш ҳам фойдаланиб қолди. Бани Бакир қабиласига қурол-аслаҳа ва бошқа лозим нарсалар билан ёрдам уюштирди. Ҳатто хужумда бевосита иштирок этганлар ҳам бўлди.

Уйку қарахтлиги ичида душман қиличларига нишон бўлган хузоаликлар учун қочишдан бошқа чора қолмаган эди. Энг яхшиси Ҳарам доирасига кириб олиш. Бани Бакир аҳлини бошқа бир йўл билан тўхтатиб бўлмасди.

Жонларини ҳовучлаб қочиш боришарди. Кимга етиб олинса, ўлдирилар, ўлган хузоаликлар қонларига беланиб ерга чўзилишар эди. Ниҳоят, Ҳарам майдонига кириб олишдию эркин нафас ола бошлашди.

Бани Бакир аҳли ҳам Ҳарам майдонига киргач, қиличларини қинларига солиб кўйишди. Қабила раиси Навфал ўшқирди:

— Нимага тўхтаб қолдиларинг? Нимага душманга омонлик беряпсизлар?!

— Кўряпсан-ку, Ҳарам доирасига кирдик, илоҳларнинг жаҳлини чиқариб нима қиламиз.

Навфал кўпирди:

— Бугун илоҳ-пилоҳ йўқ, ўч бор! Сизлар Ҳарамда ўғирилик қилганларингда, одам сўйганларингда қаерда эди илоҳлар?! Тўхтаманглар, ўчларингни олинглар!

Ҳеч ким бу амрга қарши чиқмади. Такрор қинидан чиқди қиличлар. Қочиш ва қувлашлар энди Макка кўчаларига кўчди. Хузоаликлар зўрға Будаил ибн Варқонинг уйига яшириниб, жонларини қутқаришди. Уларнинг бир қисми аёллар ва болалар эди.

Кўчаларда ўлдирилган одамларнинг жасадлари сочилиб ётарди.

* * *

Будаил бундай паришон аҳволда уйига паноҳ истаб келган одамларни кўриб, юраклари эзилиб кетди. Тез Бани Хузоадан бир неча кишини ёнига олиб, Мадина йўлига тушди. Бориб Расуллуллоҳ жанобимизни топди ва бўлган воқеаларни айтиб берди.

Ҳимоялари остидаги инсонларнинг бундай босқинга учрашлари жаноби Пайғамбаримизга оғир ботди. Ёрдам берилажаги ҳақида ваъда қилдилар. Мусулмонлар қандай ҳимоя қилинса, улар ҳам айна шаклда ҳимоя этилажакларини англатдилар.

* * *

Хузоаликларнинг иши битганидан кейин Қурайшнинг ичига гўё бир қурт тушди. Хузоаликлар Мадинага бориб, бўлган ишларни етказишса... Вазият таҳликали эди, яхши натижани кутиб бўлмасди. Улардан аввал ташаббус қилиб, янги бир битим тузишга эришиш энг соғлом бир иш бўлар эди.

Тез орада Абу Суфён йўл тайёргарлигини кўрди. Мадинага отланди. Аслида бу ишларга у аралашмаган, аммо келадиган бало уни ҳам четлаб ўтмаслиги аниқ эди.

Йўлда Будаил ибн Варқо билан хузоалик ҳамроҳларини учратиш, пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди.

— Қай ерлардан сўраймиз, эй Будаил, Ясрибданми? — деб сўради ҳавотир ичида.

— Йўқ, Ясрибда келадиган ишимиз йўқ.

Абу Суфён гапни айлантормоқчи бўлди:

— Ясриб хурмоларидан бир-иккита икром қилсанг, есак бўлармиди, — деди.

— Бизда Ясриб хурмоси йўқ, эй Абу Суфён. Сафаринг беҳатар бўлсин, йўлингдан қолма... — дея Будаил билан унинг ҳамроҳлари йўлларида давом этишди.

Абу Суфён уларнинг ортларидан бир муддат қараб қолди. Сўнг уловидан тушди. Улар минган уловларнинг аҳлатларини титқилаб кўрди. Ранги бўзарди. Ичини даҳшат ва кўркув қоплаб олди. «ЙОЛҒОН гапиришибди... мени алдашибди... улар Ясрибдан келишяпти!» дея

тўнғиллади. Бир қарорга келиши учун кўп вақт керак бўлмади. Воқеани етказишган бўлса ҳам, бориб янги бир аҳдлашув чорасини кидиргани маъқул, шундан фойда. Тез уловига миниб, Мадина сари шошилди.

* * *

Мадинага боргач, илк иши кизининг уйини ахтариш бўлади. Абу Суфён шундай қилди. ҳиёл муддат ўтириб дамани олиши, нима қилажаги ҳақида кизи билан маслаҳатлашиши лозим. Ҳарҳолда, Умму Ҳабиба бу ишдан хабардор бўлса керак.

Умму Ҳабиба эшикни очиб, қаршисида отасини кўришни ҳеч қутмаган эди. Ахир, қачондан бери кўришишмаган!..

— Хуш келибсиз, отажон! — деди.

Абу Суфён ичкарига кирди, рўпарага солинган кўрпача томон юрди. Аммо кизи шоша-пиша кўрпачани йиғиштира бошлаганини кўриб, довдираб қолди. Бир онда акли уводага айланди. Турган жойида бир муддат қотди. Сўнгра руҳидаги алғов-далғовликларнинг ифодаси ўлароқ тилига бир-икки калима келди:

— Тушунмадим, кизим, мени бу кўрпачага лойиқ кўрмадингми ё бу кўрпача менга лойиқ эмасми?

Қизи аниқ-тиниқ бир овозда:

— Бу кўрпача Расулulloҳникидир, шунга ўтирадилар, шунда ётадилар. Сизни бунга ўтирғизмайман, чунки мушриксиз, нажассиз, — деди.

Бу сўзлар Абу Суфённинг миясига ханжар бўлиб санчилди. Неча йиллардан бери энди кўришиб турган қизи шундай бир ишни қилса, ундан шунақа бир гап эшитса-да, қандай эриб битмасин!..

— Биздан кетганингдан кейин сенга бир нарса бўлибди, — дея олди зўрға.

Сўнгра ғалати бир туйғулар исқанжасида қолган аклини ишлатишга эҳтиёж ҳам сезмасдан, бошини ҳам қолганча, чикди-кетди.

Тўғри Расули акрам (с.а.в.) жанобимизнинг ҳузурларига борди.

— Эй Муҳаммад, мен бу ерга орамиздаги битимни ҳам кучайтирайлик, ҳам узайтирайлик деб келдим, — деди.

— Сени бу ерга келтирган сабаб шу демак, шундайми, эй Абу Суфён?!

— Ҳа, шу. У ҳолда биз битимимизга риояли ва содиқмиз. Уни бузмаймиз ҳам, унга номувофиқ иш қилмаймиз ҳам.

— Аммо биз ўртамиздаги битимни янгилашимиз лозим.

— Сизлар битимни буздиларингми? Уни бузадиган бир иш қилдиларингми?

— Йўқ.

— У ҳолда янги битим тузишнинг ҳам лозими йўқ..

Абу Суфён таклифини яна такрорлади. Расули акрам жанобимиз жавоб бермадилар. Шу тариқа Абу Суфён бу кўришишдан бир фойда чикмаслигига ишонч ҳосил қилиб, масжидни тарк этди.

Аммо Маккадан бу ерга ҳеч бир иш қилмаслик учун келмаган эди, ахир. Ўзига бир дастак исташи, орага тушадиган бир одам топиши, ёрдам бериб юборишини илтимос қилиши лозим. Шу ниятда ҳазрати Абу Бакрнинг (р.а.) ёнига борди.

— Расулulloҳ жанобимиз истамаган бир масалада сенга ёрдамчи бўлолмайман, — деган жавобни олди.

Ҳазрати Умар (р.а.) худди бир олов парчасидай эди. Миясига қон урилгандай бўлиб:

— Нима?! — дея ҳайқирди. — Сизларга ёрдам бераманми?! Овора бўлма, эй Абу Суфён!.. Дунёда менга орқа бўладиган биргина чумоли қолган бўлса-да, валлоҳи, у билан бирлашиб, сизларга қарши қурашаман!

Кейин Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толибларга (Аллох улардан рози бўлсин) учради. Улардан ҳам наф кўрмади. Чорасизлик ҳар тарафдан уни ўраб олган эди. Фотиманинг (р.анхо) хузурига бош уриб борди.

— Мен бир аёл кишиман, ҳеч кимни ҳимоямга ололмайман, — деди у.

— Ҳеч бўлмаса, манави олсин ҳимоясига, — деди Абу Суфён шу атрофда ўйнаб юрган Ҳасанга ишора қилиб.

— У ҳали бола, ўйиндан бошқа нарсани билмайди...

Абу Суфён такрор ҳазрати Алини топди:

— Нима дейсан, эй Абул Ҳасан, менга нима қилишни тавсия этасан? — деди.

Ҳазрати Али хотиржам жавоб берди:

— Эй Абу Суфён, сен Қурайшнинг каттасисан. Одамлар орасига бор, ҳар икки тарафни ҳам ҳимоянгга олганингни эълон қил, кейин юртингга қайтиб кет.

— Шундай қилсам, бирор ёрдам бўлади деб ўйлайсанми?

— Валлоҳи, кўпам ундай деб ўйламайман, лекин тавсия этишга бошқа бир йўл ҳам кўрмайман.

Абу Суфён ночор ортига қайтиб, масжид олдига келди. Ўша атрофда юрган одамларга қарата:

— Эй Ясриб халқи, менга кулоқ солинглар!.. — дея ҳайқирди. Ғала-ғовур тингач, сўзида давом этди: — Мен Қурайшнинг каттаси Абу Суфёнман, ҳам Қурайшни, ҳам Ясриб халқини ҳимоямга оламан! — деб бақирди.

Шундан кейин кимнинг нима дейишини ҳам кутмасдан туяси бошини Макка томонга буриб, жилиб юборди.

Бир замонлар бурни булутларни сузиб юрадиган Абу Суфён ҳозир Мадинадан роса паришон бир ҳолда қайтаётган эди. Ҳолбуки, Мадинани ер билан битта қилиш, дунёда битта ҳам мўмин қолдирмаслик учун улкан бир кўшин тўплаб келганига ҳали уч йил ҳам бўлмаган.

Ўз пушти камаридан бўлган қизи уйида кўрпачага ўтиришига изн бермади; бошини уриб борганлар ҳаммаси уни тезроқ ўзидан йироклаштиришнинг йўлини ахтарди; эндигина тўрт-бешга кирган болачанинг ҳимоясини истайдиган даражада ночорликка тушди. Ухуд жангининг ғолиб кўмондони сифатида «Яша, эй шонли Хубал!» дея ғалаба наъраларини тортган Абу Суфён ҳозир карахт бир алфозда кетиб борарди.

Пайғамбарлар султони (с.а.в.) Ҳандак урушининг охирида энди бундан буён Қурайш ҳеч мусулмонларга қарши жангга чиқа олмаслигининг хабарини берган эдилар. Абу Суфённинг ҳам битимни янгилаш мақсадида ёлворишга келиши мусулмонлардан кўркаётганларини, уларни катта бир куч сифатида кўраётганларини англатар эди.

* * *

Абу Суфён қизини қайтиб кўрмасдан, ундан ҳол-аҳвол сўрашни-да хотирига келтирмасдан Мадинадан чиқиб кетганидан кейин Пайғамбар жанобимиз ҳам теваракдаги мусулмон қабиаларга хабарчилар юбордилар. Сафарга чиқилажанини, қуролланиб кўшинга кўшилишларини буюрдилар.

Лекин қай томонга борилишини ҳеч ким билмасди.

Фақат, бу гал илгаригиларига қараганда катта тайёргарлик кўрилаётгани маълум эди.

Маккага олиб бориладиган йўлга тушилди. Бирон кимсанинг олдинга ўтиб кетишига йўл қўйилмасди. Шу зайл Мадинадаги ҳозирликлар хабарининг Маккага етказилиш эҳтимоли кесилди.

АШУЛАЧИ ХОТИН

Ўша кунлари Мадинага Сора исмли бир ашулачи хотин келиб, Расуллуллох (с.а.в.) жанобимизнинг хузурларига борди. Ўртада бундай суҳбат кечди:

— Ислом динини қабул қилдингми?

— Йўқ.

— Мадинага хижрат қилиб келдингми?

— Йўқ.

— У ҳолда мақсадинг нима?

— Йўлда қолдим, ёрдам истаб қолдим. Биронта улов билан егани озик-овқат беришларингни илтимос қиламан.

Расуллуллох жанобимиз унга ёрдам беришни буюрдилар. Хотинга озик-овқат ва улов берилди.

Бу орада жаноби Пайғамбаримизнинг саҳобаларидан Хотиб ибн Абу Балтао у хотинни бир жойда ёлғиз ўтирган ҳолда топди. Қўлига ўн олтин тутқазди.

— Булар нега? — деб сўради ашулачи хотин.

— Сендан бир истагим бор.

— Қанақа истак?

— Бир хат бераман, шуни Маккага бориб Қурайшнинг пешволаридан бирортасига берасан.

— Масалан, Сухайл ибн Амрга берсам бўладими?

— Сухайлга бер, Сафвон ибн Умайяга бер ёки Икрима ибн Абу Жаҳлга бер — қай бирига берсанг ҳам бўлаверади.

— Жуда соз, розиман.

Хотиб хатни берди.

— Фақат сен билан учрашганимни ҳеч ким билмаслиги керак, тушуняпсанми?

— Мендан кўра тушунадианроғини тополмайсан, — дея Сора хатни олди ва шу заҳоти ўрнидан туриб, сафарга отланди. Энди уни йўлдан тусадиган ҳеч бир сабаб қолмаган эди.

Расуллуллох жанобимиз Аллох таоло юборган ваҳий фариштасидан бу ҳақда хабар олиб, ўзлари яхши кўрадиган уч кишини ёнларига чорладилар. Дарҳол йўлга чиқишларини, Зулхулайфа яқднларида етишажаклари бир хотинни тўхтатиб, у олиб бораётган хатни олишларини, ўзини эса бўш қўйиб юборишларини буюрдилар. Агар хатни бермаса, ўлдиришлари мумкинлигини эслатдилар.

Уч биродар Маккага томон от қўйишди. Ниҳоят, Зулхулайфа яқинларида ёлғиз кетиб бораётган бир хотинни учратишди.

— Тўхта, эй йўлчи! — деб буюришди.

— Ёлғиз бошига кетаётган хотиндан нима истайсизлар?

— Ёнингдаги хатни олишга келдик.

— Адашяпсизлар, менда хат-пат йўқ.

— Адашганимиз йўқ. Сен у хатни бизга топширасан, кейин йўлингда кетаверасан.

Хотин ҳамон ўзида ҳеч қандай хат йўқлигини айтиб ялинар эди.

— Унда уловингдан туш, текширамиз, — дейишди.

Хотин тушди. Нарсалар титкилаб кўрилди, аммо хат йўқ эди.

— Кўриб турибсизлар, хат-пат йўқ, энди мени ўз ҳолимга қўйсангизлар, йўлимда давом этсам.

Лекин ҳазрати Алининг (р.а.) фикри бошқача эди.

— Расуллуллох янглиш хабар бермайдилар. Ўзинг чиқариб бермасанг, қўйлагингдан ахтаришимга тўғри келади. Топсам, ўзингдан кўр: бошинг кетади!

Шундай деб бир-икки одим унинг устига бостириб юрди. Бир қўли қилич қабзасида эди.

Хотин ишининг жиддийлашиб бораётганини англаб, дарров сўз оҳангини ўзгартирди:

— Хўп, майли, — деди, — орқага ўгирилиб туринглари.

Учала биродар орқа ўгирилишди. Хотин бошини очиб, соч ўримларининг остига яширган хатни чиқарди ва уларга узатди. Шу тарика масала ҳал этилди. Уч биродар вазифаларини адо этишганидан шод, севинчли нигоҳлар ила бир-бирларини кутлашди. Сўнгра хотинга:

— Хўп, майли, жонингни кутқардинг, уловингга минда, йўлингга кетавер, — деб изн беришди.

Али, Зубайр ва Мивдоддан (Аллоҳ улардан рози бўлсин) иборат уч кишилик бу гуруҳ эса Мадина йўлини тутди.

— Мана сиз истаган хат, эй Аллоҳнинг расули! У хотинга худди сиз айтган жойда етиб олди.

Воқеаларни гапириб беришди. Пайғамбар жанобимиз Хотибни хузурдарига чақиртирдилар. У келгач, хат ўқилди:

«Хотиб ибн Абу Балтаодан Қурайш катталарига.

Хабарларингиз бўлсинким, Аллоҳнинг расули қарши чиқа олмайдиганингиз даражада катта кўшинни устиларингизга хозирламоқдирлар. Тадбирли бўлинглар».

— Танидингми бу хатни, эй Хотиб?

Қандай қилиб инкор этади? Қандай қилиб: «Йўқ, таний олмадим», дейди? Бундай деб разолат устига разолат чиқаришга на ҳожат? Бошидан қайноқ сув қуйилгандек бўлди. Сарвари олам (с.а.в.) хузурларида ёлғон сўз айтиш сиз менга тўхмат қиялсиз дейиш билан баробар эди. Хотиб бундай иш қила олмасди.

— Ҳа эй Аллоҳнинг пайғамбари, танидим, — деди.

— Нимага бунақа иш қилдинг?

— Эй Аллоҳнинг расули, менга бир ҳукм чиқаришга шошилманг. Мен аслида қурайшлик эмасман, кейин келиб Қурайшга юкинган бир одамман. Сизнинг ёнингиздаги муҳожирлардан ҳар бирининг Маккада яқинлари бор. У ерда қолган оила аъзолари билан молларини асрай олишади. Ҳолбуки, мен бунақа имкониятдан маҳрумман. Бу хат билан уларга бир яхшилик қилган бўлайин-да, бунга жавобан улар менинг оиламни ва молларимни қўрисишлар девдим. Аммо мен бу ишни динимдан қайтганимдан ёки Исломдан пушаймонлик туйиб қуфрга кирганимдан қилмадим. Мақсадим Аллоҳга ва расулига хиёнат эмас, — деди Хотиб.

Расули акрам жанобимиз асҳобга қарадилар:

— Биродарингиз тўғриси айтди, - дедилар.

Бу муборак сўз Хотибнинг томирлари бўйлаб яшин тезлигида тарқалиб, қалбига бир фараҳлик тўлди. Аллоҳнинг расули шуни кутган эдилар.

Лекин ҳазрати Умар ўзини бошқара олмай қолди.

— Эй Аллоҳнинг расули, руҳсат бериинг, шу мунофиқнинг бўйинини чошиб ташлай! — деди.

Бу сўзларни айтаётганида Умарнинг овозими шиддатлироқ эди ёхуд кўзларидан сачраган оловларми янада ёқувчи эди, билиб бўлмасди.

Аммо Расулulloҳ жанобимиз бунга йўл қўймадилар.

— Бу одам Бадр жангида қатнашган. Қаердан биласизлар, балки Аллоҳ таоло уларга қарата: «Кўнгилларинг истаганини қилинглари, сизларни кечирдим», деб қолар, — дедилар.

Бир неча дақиқа ичида бир умрга татиғулик аламни чеккан Хотибнинг юрагига бу сўзлар гўё сув сепди. Нажот муждасини олган эди у!

Бирдан Расулulloҳ жанобимизни ваҳий ҳолати чулғаб олди. Овозлари кесилди, атрофда ҳаяжонли кутиш онлари бошланди. Орадан ҳеч қанча ўтмасдан оламларга раҳмат қилиб юборилган Жанобимизнинг муборак тиллари ваҳийни иссиғида биродарларига етказди:

— «Ей мўминлар, менинг ҳам душаним ва сизларнинг ҳам душманларингиз (бўлган мушриклар)ни дўст тутманглари! Сизлар уларга дўслик (хақида хат-хабар) юборурсизлар,

холбуки, улар сизларга келган Ҳак (дин ва Куръон)га кофир бўлгандирлар! Улар пайғамбарни ҳам, сизларни ҳам парвардигорингиз Аллоҳга имон келтирганларингиз сабабли (ўз диёрларингиздан) ҳайдаб чиқармоқдалар-ку! Агар сизлар менинг йўлимда жиҳод қилиш учун ва менинг розилигимни истаб чиққан бўлсаларинг (у ҳолда мушрик-кофир кимсаларни дўст тутманглар)! Сизлар уларга пинҳона дўстлик қилмоқдасизлар! Ҳолбуки, мен сизлар яширган нарсани ҳам, ошкор қилган нарсани ҳам жуда яхши билгувчидирман! Сизлардан ким шу (иш)ни қилса, бас, аниқки, у тўғри йўлдан озибди! (Ей мўминлар), агар улар (мушриклар) сизларга зафар топсалар, душманларингиз бўлурлар ва сизларга қўл ва тилларини ёмонлик билан чўзурлар (яъни, сизларни ўлдирурлар, ҳақоратлар қилурлар). Улар сизларнинг яна кофир бўлишларингизни истарлар. (Қиёмат кунда) сизларга қариндош-уруғларингиз ҳам, бола-чакаларингиз ҳам ҳаргиз фойда бермас! Қиёмат кунда (Аллоҳ) ўрталарингизни ажратиб қўяр. (Бас, нечун ўша уруғ-авлодингизни ҳимоя қилиш учун Аллоҳга гуноҳкор бўлмоқдасизлар?!) Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб тургувчидир»*. (Мумтаҳана, 1—3.)

Улуғ Мавло мўминларнинг кофирларга қандай муносабатда бўлишларини яна бундай кўрсатиб берди:

«Аллоҳ динингиз (Ислому) тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз диёрларингиздан ҳайдаб чиқармаган кимсалардан — уларга яхшилик қилишларингиздан ва уларга адолатли бўлишларингиздан қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолат қилгувчиларни севар. Аллоҳ сизларни фақат динларингиз тўғрисида сизлар билан урушган ва сизларни ўз диёрларингиздан ҳайдаб чиқарган ҳамда сизларни ҳайдаб чиқаришда бир-бирларига ёрдамлашган кимсалардан — улар билан дўстлашишларингиздан қайтарур. Ким улар билан дўстлашса, бас, ана ўшалар солим кимсаларнинг ўзидир». (Мумтаҳана, 8-9)

Мўминлар билан бўладиган дўстлик эса ҳеч қачон бошқа мўминларнинг зиддига ҳизмат қилмаяжак эди.

Шундай қилиб Хотиб тадбирсизлик билан қилиб қўйган бу ишининг жазоси ўларок Бадр аҳлидан эканининг ҳурматига бериладиган ҳақдан қуруқ қолди.

ЙЎЛГА ЧИҚИЛДИ

Жаноби Расулуллоҳнинг (с.а.в.) қакириқларига жавобан қуролларини таккан мўминлар тўп-тўп бўлиб Мадинага кела бошлашди.

Ниҳоят, ҳижратнинг саккизинчи йили Рамазон ойининг ўнинчи куни аср намозини ўқигач, ўн минг кишилик қўшин коинот фаҳри бўлган жанобимизнинг амрларига бўйинсунган ҳолда йўлга чиқди. Мадинага Абу Руҳм исмли бир саҳобий вакил қилиб қолдирилди. Унинг вазифаси намозларни ўқиб бериш, шаҳарда тинчлик-хотиржамликни таъминлаш эди.

Бу сафарда Расулуллоҳга хотинларидан кимлар ҳамроҳ бўлажаги яна қуръа йўли билан аниқланди ва бу гал Умму Салама ва Маймуна оналаримизнинг иқболлари қулиб бокди.

Қўшин ҳаракатини бошлагач, Пайғамбаримиз буйруқлари билан бир киши аскарлар орасида айланиб, ҳаммага: «Ҳоҳлагаилар рўзасини очсин, хоҳлаганлар рўзасида давом этсин», деб эълон қилиб чиқди. Айримлар рўзаларини очишди. Бир қисми, окшом яқин қолди-ку, деб очишмади. Расулуллоҳ жаиобимиз ҳам ўша куни рўзаларини давом эттириб қўйдилар.

Йўлчилик яна давом этди. Ҳар бири биттадан қабила раиси бўлган Ақро ибн Ҳобис билан Уяйна ибн Хисн қаватларида бир миқдор қуролли киши билан келиб қўшинга қўшилишди. Бу орада Улуғ Мавло суюкли пайғамбарини ҳеч қутилмаган бир онда амакилари Аббос билан топиштириб қувонтирди. Аббос Макка билан алоқасини буткул узган, бор-будини олиб йўлга чиққан эди. Шу тариқа у Маккадан келган муҳожир сифатида муҳожирлар орасидан жой олди. Макка фатҳи билан ҳижрат эшиги ёпилажак ва муҳожирлар синфига кириш ҳаққи бундан кейин ҳеч кимга берилмаяжак эди.

Расули мухтарам жанобимиз амакилари Аббосга оила аъзоларини ва ашёларини Мадинага жўнатиб, ўзи кўшинга кўшилишини буюрдилар.

Асҳоби киром пайғамбарлар султонининг (с.а.в.) бу севинчларига чин юракдан шерик бўлишди.

Бу ёқда Расулуллоҳ жанобимизнинг амакилари Ҳориснинг ўғли Абу Суфён (* Бу Абу Суфённи Макканинг бошлиғи Абу Суфён билан адаштирманг.) ва аммалари Отиканинг ўғли Абдуллоҳ ибн Абу Умайя ҳам неча йиллар Жанобимизга ашаддий душман бўлиб яшагандан кейин кўнгилларига тушган бир пушаймонлик туйғуси-ла, мусулмон бўлиш ниятида йўлга чиқишган эди.

Расулуллоҳ жанобимиз Абу Суфённи кўрган захотлари юзларини ундан ўгирдилар. Бошка томонга ўтса, у томондан ҳам ўгирилиб олдилар, уни гапиришга қўймадилар.

Абу Суфён хомуш бир киёфада нари кетди. Хазрати Абу Бакрнинг олдига борди, бўлмади. Аббосни, Алини(р.а.) топди, фойда бермади. Бировни айблайдиган ҳолда эмас эди у. Қандай муносабат кўраётган бўлса, ўзидан.

Расулуллоҳга кариндош эди, душман кўзи билан қаради, у зотни жуда яқиндан танийдиган инсон сифатида бунча кўп одобсизларча ишларни қилмаслиги керак эди, у бўлса, тап тортмасдан қилди, бунинг устига, ҳамма мусулмонларга, хоссатан жанобимиз Расулуллоҳга қаратилган ҳақоратлар, ҳажвиялар, тарбияли одамнинг оғзига ярашмайдиган чиркин сўзлар унинг оғзидан чикди.

Умму Салама онамиз ўртага тушди:

— Эй Аллоҳнинг пайғамбари, Абу Суфён сизнинг кариндошингиз, амакингининг ўғли. Камига яна эмикдош биродарингиздир. Абдуллоҳ эса, у ҳам аммангининг ўғли, ҳам қайнингиздир. Уларни кечирингизни сўрайман, — деди.

Аммо Набийи акрам жанобимизнинг юракларида чуқур яралар қолган, улар бир кунда, бир ойда, бир йилда битиб кетадиган яралар ҳилидан эмас эди. Масалан, амакилари Абу Толиб ўлим тўшагида ётганида, унга Ислом динини таклиф этганларида, қаршиларида Абу Жаҳл билан мана шу Абдуллоҳ ибн Абу Умайя туришган ҳамда ҳастани зуғум остида чакириқдан қайтаришган: «Ей Абу Толиб, Абдулмутталибнинг динидан юз ўгирасанми?» деб ўлим тўшагида бўлсин уни тинч қўйишмаган эди. Агар ўша ерда Абу Толиб шаҳодат калимасини айтмасдан кетган бўлса, бунинг энг бош сабабчилари ҳам Абу Жаҳл билан Абдуллоҳ бўлишлари лозим эди. Бир вақтлар Пайғамбар жанобимизнинг ёқаларидан тутиб: «Кўзларим ўнгида кўкка юксалсанг ва у ердан ёзилган коғоз олиб қайтсанг, у коғозда бизнинг имон келтиришимиз кераклиги ёзилган бўлса ҳам, валлоҳи, ўшандаям сенга имон келтирмайман!» деган мана шу Абдуллоҳ эди. Ҳолбуки, у бегона эмас, аммалари Отиканинг ўғли эди.

Расули акрам жанобимизнинг кўнгиллари мана шу ва буларга ўхшаш аччиқ, хотиралар билан яралди эди. Абу Суфён ҳам, Абдуллоҳ ҳам бу зотга энг кўп ёрдам қилишлари лозим бўлгани ҳолда жоҳилларча ҳаракатлари билан ўзларини кўрсатишди. Шуларга қарамай, Умму Салама онамиз ёлворарди:

— Сиз булардан кўп ёмонлик қилганларни ҳам кечиргансиз, — дерди.

Мўминлар онасининг кетма-кет илтижолари мевасини берди: Абу Суфён билан Абдуллоҳ ибн Абу Умайя келиб, Жанобимиз (с.а.в.) хузурларида шаҳодат калималарини келтириб, мусулмон бўлишди.

САФАР ХОТИРАЛАРИ

Кўшин Марруззахрон деган жойга келганида «кабас» деб аталувчи емиш тўплай бошлашди. «Ероқ» исмли мисвок дарахти мевасининг номи шундай эди. Расули акрам жанобимиз аскарларига:

— Айникса кораларини олинглар, энг яхшилари коралари, — дедилар.

— Эй Аллоҳнинг расули, кўй бокадиган одамларнинг гапини қилдингиз. Буларни чўпонлар билади. Ё сиз ҳам чўпонлик қилганмисиз? — деб сўраб қолишди.

— Ҳа. Ҳамма пайғамбар чўпонлик қилган, мен ҳам Қароритда маккаликларнинг кўйларини боққанман, — деб марҳамат этдилар Жанобимиз.

Қарорит жой номи бўлиши мумкин. Ёхуд, ҳадисни нақл этганлардан бири ифода қилганидек, “ҳар кўй бошига бир кирот ҳақ” маъносига келар.

Йўлда рўзаларини очганларини ҳамма кўрди, рўзани очиб юбораверишга рухсат ҳам тегди, лекин барибир баъзилар ҳамон оғизларини очмаган ва кийинчилик чекаётган эди. Шунда Жанобимиз:

— Улар осий кишилардир, — дедилар.

Жанобимиз ўзлари оғизларини очиб, сизлар ҳам рўзаларингни очинглар, деганларидан кейин ҳам рўзада давом этиш, пайғамбаримиздан ҳам кўп ибодатга берилишга уриниш яхши иш эмасди, албатта.

Ибн Масъуд (р.а.) эроқ дарахтига чиқиб емиш тўплар эди. Ора-сира эсган шамол унинг этакларини хилпиратар, анчагина ориқ, бўлган оёқларини кўрган шериклари унга қараб қулишар эди. Расули мухтарам кулаётганларга қарадилар:

— Оёқларининг ориқлигига ҳайратланиансизларми?.. Жонимни кўлида тутиб турган Аллоҳга қасамки, бу икки оёқ тарозида Ухуд тоғидан ҳам оғир келади! - деб марҳамат қилдилар.

Ориқкина ва кичкина одам бўлган Абдуллоҳ ибн Масъуд жанг майдонларида ном қозонадиган даражада кучли эмасди. Айни чоғда, кўрқоқ ҳисобланишга ҳам ҳеч бир сабаб бермаган. Жанобимиз билан бирга ҳамма сафарда катнашган, ҳаммасида жонини — бошини тикиб жанг қилган, душман сафлари орасида кучи етганича қилич ўйнатган, ҳатто Абу Жаҳлдек дин душманини ўлим ҳолида тутиб қалласини кесишга муваффақ бўлган Ибн Масъуд бутун ҳаёти давомида Ҳолид ибн Валиддек бўлолмаган, Али ибн Абу Толибдек бўлолмаган бўлса ҳам, бу нарса унинг қусури ҳисобланмаслиги керак. Негаки, у жанг майдонларида тарата олмаган доврўғини илм соҳасидаги асосий қурашларда таратди, илм ва ирфон толибларига унутилмас хизматлар қилиб, буюк бир шараф қозонди. Ҳолид ибн Валид билан Али ибн Абу Толиблар бу динга қиличларида хизмат қилишган бўлса, Абдуллоҳ илми ва ирфони билан хизмат қилди, то дунё тургунча унутилмайдиган доғсиз, тоза ном қолдирди.

Шу пайт:

— Ушланглар!.. Олдини тўсинглар!.. — деган овозлар янгради. Ўтлар орасидан бир қуён отилиб чиқиб, қоча бошлаган эди. Бир неча киши ортидан қува кетди. Орасида Анас ибн Молик ҳам бор эди. Қувди-кувалоқда шу Анас ғолиб келиб, ҳарсиллаганича қуённи тутиб қайтди. Ўғай отаси Абу Талха қуённи сўйди, терисини шилди, оловга тутиб пиширди. Сўнгра оёқлари билан ўнг қўлини ажратди.

— Буларни Расулуллоҳга олиб бор, ҳурматларимни билдир, — деди.

Анас қуён гўштини олганича Пайғамбаримиз (с.а.в.) хузурларига борди. Ўз қўллари билан тутганини айтиб, ҳадя ўлароқ олиб келганини билдирди.

Расули роббул оламийн Анаснинг ҳадясини қабул этдилар.

АБУ СУФЁН ВА ШЕРИКЛАРИ

Марруззахронга келган Маккага келган ҳисобланар эди. Расули акрам (с. а. в.) жанобимиз ўша кеча ҳар кимга гулхан ёқишни буюрдилар. Осмонга ўрлаган беҳисоб олов тиллари кўк юзини қизил рангга буяди-қўйди.

Бу ёқда маккаликлар кўк юзидаги бу ғайриоддий рангга бир маъно бера олмай гаранг эди. Қурайш бошлиғи Абу Суфён ёнида турган икки шеригидан:

— Нима бу, нима бўляпти ўзи? — деб сўради.

— Эҳтимол, ҳузоаликлар бирон нарса килишаётгандир, — деб жавоб килди Ҳаким ибн Хизом.

— Менимча, ундай эмас, — деди Абу Суфён. — Улар ҳар бири биттадан гулҳан ёкса, бунинг ярмича бўлмайди. Менга колса, бориб, ўз кўзимиз билан кўриб келайлик.

Шундай килиб, Абу Суфён, Ҳаким ибн Хизом ва Будаил ибн Варко учаласи Макка ташқарисига чиқишди, Марруззахронга қараб кета бошлашди.

Аббос ибн Абдулмутталиб бу кеча ўзини жуда ҳузурсиз ҳис этарди. Узоқ йил умр кечирган Маккадан ўзи кечагина келди, бугун энди катта бир кўшин ичида уни фатҳ этишга боряпти. Ҳолбуки, маккаликлар ҳозир ҳеч нарсадан хабарсиз, роҳатли бир уйқунинг мазасини тотиш учун ётоқларига кирмоқчи бўлиб туришибди...

Бир хабар етказиш, «Қаршилиқ қилманглар, йўқса, бу кўшин шаҳарни остин-устин қилиб юбориши мумкин», деб огоҳлантириб қўйиш лозим эди. Шу ҳаёлда ўрнидан турди. Жаноби Расулulloҳнинг оқ ҳачирларига минди. Балки бирор чўпон-чўликни учратиб қолар, ўша орқали хабар етказиши мумкин...

Пойлоқчиликка қўйилган бир гуруҳ аскар қоронғида пусиб-пусиб келаётган уч кишининг шарпасини кўриб қолишди. Дарров қўлга олишди қарашса, Абу Суфён билан унинг шериклари экан. Саййидул анбиё (с.а.в.) бу қимматли асирларни кўрсалар, роса мамнун бўладилар энди. Шу пайт бир овоз янгради:

— Ҳой, ким бу тутган одамларингиз?!

Абу Суфён бу овозни эшитган захоти худди олтин топгандек севиниб кетди.

— Менман, эй Абдулмутталибнинг ўғли. Ёнимдагилар Ҳаким ибн Хизом билан Будаил ибн Варкодир, — деди.

Аббос соқчиларга қараб:

— Бу одамларни химоямга оламан, Расулulloҳнинг ҳузурларига элтаман, — деди.

— Ўзинг биласан, эй Расулulloҳнинг амакиси, — дейишди унга.

Аббос Абу Суфённи эгарига мингаштириб, йўлга тушди. Кетаётиб, ҳазрати Умарга дуч келишди. У синчиклаб қараб Расулulloҳнинг ҳачирларини таниди, икки киши мингашиб олганини кўриб, донг қотиб колди. Жанобимизнинг ҳачирларига туннинг бу палласида биров шунчаки маза килиш учун минмасди.

— Ҳей, қани тўхтанглар-чи, ким бўласизлар?! — деб сўради қатъий оҳангда.

Абу Суфённинг юрагига ҳавотир оралади. Ёниб турган гулҳанларнинг шуъласи тушиб, Аббоснинг юзини ёритди. Орқасидаги киши зўр бериб қўлини юзига парда қилар эди.

— Орқангдаги ким, эй Аббос? — деб сўради ҳазрати Умар. Синчиклаб тикилди ва уни таниб, бирдан титраб кетди: — Тамом, эй Абу Суфён, энди мендан қутулиб бўпсан! Сени бу ҳолда кулимга туширган Аллоҳга ҳамд бўлсин.

Аббос ҳачирни тезлатди. Ҳазрати Умар ҳам шошилди. Бу ўзига хос пойга Жанобимиз чодирларининг қаршисида ниҳояланди. То Аббос ҳачирдан ингунча ҳазрати Умар чодирга кирди ва:

— Ё Набияллоҳ. Аллоҳнинг душмани Абу Суфён, мана, ўз оёғи билан келиб ўтирибди, руҳсат беринг, бошини узайин! Орамизда ҳеч қандай битим йўқ пайтида Аллоҳнинг ўзи уни қўлимизга олиб келиб тутқизди, — деди нафаси томоғига тикилгудек бўлиб.

Айни чокда, Аббос ибн Абдулмутталиб ҳам Абу Суфённи химоясига олганини айтди. Бир ёқда ҳазрати Умар қайта-қайта сўрар, қўлга кирган бу фурсатни бой бермасликни истар эди, шундай қилинса, Ислом динини туғилган жойидаёқ буриб ташлаш учун йиллар давомида кўз очирмай ҳаракат қилиб келаётган Абу Суфён йўқ этилажак. Иккинчи ёқда Аббос (р.а.) ҳам имкон қадар ёлвориб, тинимсиз амният сўрарди. Охири ҳазрати Умарга қараб:

— Ўзингни бос, эй Умар, — деди. — қасамки, агар Абу Суфён сенинг қабиланг Адий ибн

Каъбдан бўлганида бу сўзларни айтмас, бундай каттик талаб қилмас эдинг. Лекин сен биласан, бу одам Бани Абдуманофдандир.

Абдуманоф Пайғамбар (с.а.в.) жанобимизнинг катта боболари Ҳошимнинг укаси эди. Буни эслатиш билан Аббос: «Сен Абу Суфёнга Пайғамбарнинг акрабоси бўлгани учун душманлик қиляпсан, ўлдириш истаяпсан, ўзингнинг қабиланга мансуб бўлганида бундай қилмас эдинг», демоқчи эди.

Бу сўзлар ҳазрати Умардай одамга айтилмаслиги керак эди: нима қилиб бўлмасин неча йиллик дўсти Абу Суфённи кутқариб қолишдан бошқа нарсани ўйламаган Аббос (р.а.) қалбида Аллоҳга ва расулига муҳаббатдан бошқа бир ўлчовга ўрин бермаган Умарнинг (р.а.) юзига қандай гапира олди экан буларни?!

Агар ҳазрати Умар тўғрисида шундай ҳаёлларга борса, юз фоиз ҳато қиларди. Агар фақат Абу Суфённи кутқариш учунгина бундай деган бўлса, унда кимдан кимни ҳимоя қилаётганини бир бор ва такрор ўйлаб кўриши лозим.

Ҳазрати Умар (р.а.) жаноби Пайғамбар (с.а.в.) ҳузурларида бунақа сўзларга лойик кўрилганидан ёмон ҳолатга тушди:

— Сен ҳам ўзингни бос, эй Аббос! — деди шиддатла. — Аллоҳга қасамки, сен мусулмон бўлган кун туйган севинчимни отам Ҳаттоб мусулмон бўлса ҳам туймасдим балки! Бунга сабаб Расулulloҳ учун сенинг Исломни қабул этишинг Ҳаттобнинг Исломга киришидан кўра кўпроқ орзу қилинганини билганимдир.

Ҳазрати Умар тўла ҳақиқатни айтди. «Менинг туйғуларим, тушунчаларим, ҳаракатларим ҳаммаси Аллоҳнинг ва расулининг розилигига кўрадир», демоқчи эди у. Ҳақиқатда шундайлигига ҳеч ким эътироз қила олмасди. Шу кунгача ҳам шундай бўлиб келди, тарих ўша кундан кейин ҳам шундай бўлиб қолганини исботлади!

Ҳазрати Умар ўзига ярашадиган бир буюклик-ла гапирди. Бундан ортиқ яна нималардир дейишга одоби йўл қўймади. Ҳолбуки: «Ей Аббос, сен кимни ҳимоя қилаётганингни билияпсанми?... Муҳаммад умматининг бошига Ухуд кўҳидай, Ҳандақ кунидай фалокатларни ёғдирган кишини тан оляпсанми?..» деса бўларди. Ёки: «Маккада неча йиллар зулм ва исканжа остида эзилган мўминларни ҳимоя этмадинг, аммо зулм ва куфрнинг бошлиғини ҳимоя қиляпсан — нимага?! Уканг Ҳамзани тилка-пора қилганлар шу оиладан эди, эслайсанми?!» дейишга ҳақки бор эди.

«Пайғамбарларнинг энг буюги бўлган жиянингга аканг Абу Толиб ўлгач, ҳатто Абу Лаҳабнинг ҳам кўнгли юмшаган бир пайтда, аҳлоқсиз у ишлар, у хужумлар давом этиб турган кунларда сен Маккада эмасмидинг?! Бугун Абу Суфёнга қайғураётганингни чалик ўшанда Расулulloҳга қайғуриш имконинг йўқмиди?!» дейишни у ҳам биларди. Жуда бўлмаса: «Бугун сен мусулмонсан, бир мушрик учун нега бунча жон куйдирияпсан?!» дейиши мумкин эди.

Аммо ҳамма ҳам «Ҳазрати Умар» бўла олмайди. Умар бўлиш осон эмасди!

Жаноби Расулulloҳ тортишув бундан ортиқ чўзилишини истамадилар:

— Эй Аббос, уни олиб кет, кечани ёнингга ўтказсин, эрта билан менга опкеласан, — дедилар.

Шундай қилиб, Абу Суфён ҳазрати Умарнинг (р.а.) қиличидан бошини сақлаб қолди. Бирга-бирга чиқиб кетишди.

Ертаси ҳамма вақтли уйғонди. Янги кун ҳаёти бошлан-ди. Одамлар у ёқ-бу ёқда юришар, бомдод намозига комил тайёргарлик кўришар эди. Абу Суфён Расулulloҳ жанобимизнинг таҳорат олаётганларида бир кўрди, намоз ўқиётганларида яна кўрди. У зотга кўрсатилаётган ҳурмат ва итоатга гувоҳ бўларкан, кўзи кўрқди. Ўзига Қурайшнинг итоати ҳеч қачон бу даражада бўлмаган, бунақа бўлиши мумкинлиги ҳаёлига ҳам келмаган. Намоз битгач, уни Пайғамбар (с.а.в.) ҳузурларига келтиришди.

— Эй Абу Суфён, афсуслар бўлсин сенга, «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ» дейишнинг вақти ҳам

келмадими?!

Бу юмшоқ ифодали сўзлар қаршисида Абу Суфён титради:

— Ота-онам сенга фидо бўлсин, қандай юмшоқ табиатли, қандай икромли бир одамсан, яқинларингга нақадар меҳрлисан! Валлоҳи, шунинг фарқига бордимки, Аллоҳдан бошқа илоҳлар бўлсайди, ҳозирга қадар менга ёрдам қилган бўларди, — деб жавоб қилди.

— Суф сенга, эй Абу Суфён, мен Аллоҳнинг пайғамбари эканимга иқроп бўлиш вақти келмадими?!

— Валлоҳи, бу масалада кўнглимда шубҳалар бор.

Аббос ибн Абдулмутталиб сўзга аралашди:

— Эй одам, Исломни қабул қил ва бошинг танангдан учирилмасидан аввал «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ» деб гувоҳлик келтир! — деди.

Шундан кейин Абу Суфён шаҳодат калималарини айтди.

Масала ҳал бўлди. Улуғ Мавло тили билан шаҳодат калималарини айтган одамни ўлдиришдан қайтарган. Қалбида имони борми-йўқми экани эса, Аллоҳ биладиган ишдир.

Салдан кейин Абу Суфён Маккага қайтмоқчи бўлиб оёққа турди. Аббос Расулуллоҳ жанобимизга:

— Эй Аллоҳнинг расули, Абу Суфён мақтовни яхши кўрадиган одам, унга бирон ҳақ бериб, илтифот кўрсатсангиз, яхши бўларди, — деди.

Жанобимиз бу таклифни қабул этдилар:

— Абу Суфённинг уйига беркинганларга омонлик берилади, уйларига кириб эшикларини беркитиб олганларга омонлик берилади. Масжиди Ҳарамга кирган кишиларга ҳам омонлик берилади, — деб эълон қилдилар.

Сўнгра амакиларига қарадилар:

— Эй амаки, уни водийнинг тор бир жойида, тоғ этагида тутиб тур, Аллоҳнинг лашкари ўтаётганида кўрсин, — дедилар.

Аббос (р.а.) билан Абу Суфён буюрилган жойга бориб туришди. Лашкар бўликлари орқамакетин ўта бошлади. Абу Суфён ҳар бири ҳақида саволлар берар, маълумот олар эди. Ниҳоят, руҳан таслим бўлди:

— Укангнинг ўғли мукамал бир салтанатга эга бўлибди, — дейишдан ўзини тўхтатолмади.

Шунда Аббос:

— Йўқ, бу салтанат эмас, пайғамбарлик ва элчиликдир, — дея жавоб қилди.

Бўликлар ҳамон кетма-кет ўтиб борарди.

Минг бир ҳил ҳамд ва шукр туйғулари-ла маст бунча инсон бугун бу муборак шаҳарга очик фатҳнинг шарафли имзосини чекиш учун келаётган эди.

Расулуллоҳ жанобимиз (с.а.в.) бошларига қора салла ўраб, печини орқага ташлаб олган эдилар. Туялари устида Фатҳ сурасини ўқиб, баъзи оятларни такрор эта-эта борарканлар, худди саждага ҳозирланаётгандек бошлари бир оз эгик эди. Муборак юзлари туянинг буйнига тегай-тегай деб қолган эди.

Оқ байроқ Ҳазраж қабиласининг раиси Саъд ибн Убоданинг қўлида эди. Абу Суфён қаршисидан ўтаркан, унга кин ва нафрат тўла бир нигоҳ ташлади. Йиллардир мўминлап бошига солмаган балолари қолмаган бу одамга атай эшиттириш касдида: «Бугун жанг кунидир. Бугун Каъбада ҳурмат ўртадан кўтариладиган кундир», деган маънода шеър ўқиди*. (Ҳурмат-"ҳаром" ўзагидан юзага келган сўз бўлиб, бу ерда Каъба атрофида жанг қилиш ҳаромлиги назарда тутилган. Шеърда "Бугун қоидага риоя қилмаса бўлади", деган маъно ифодаланяпти. (Таржимон.))

Бу нигоҳ ва ўқилган бу байт Абу Суфённинг вужудини титратиб юборди. Титрамай нима қилсин. Ухуд куни ҳазрати Ҳамза бошлиқ неча-неча шахидларнинг (Аллоҳ ҳаммаларидан рози бўлсин) жасадларига қилинган хорликлар ҳайвонларни ҳам уялтирар эди.

Жаноби Расулуллоҳни кутди. Топиб, Саъд ибн Убодадан эшитган байтни такрорлади. Андишаларини билдирди. Шунда Жанобимиз:

— Йўқ, Саъд ҳато сўз айтибди, — дедилар. — Бугун Каъба хакикий маънода хурмат ва таъзим кўрадиган кундир. Бугун Каъбага ёпинчик ёпиладиган кундир.

Абу Суфён энди иккинчи шикоятини арз килди:

— Кўп бегона одамларни кўрдим, менга терс-терс қараб ўтишди, — деди.

Во дариг!.. Абу Суфён нималарни умид қияпти? Севги ва хурмат кўрсатилишиними? Ташаккур тўла ифодаларними?..

Расулуллоҳ (с.а.в.) унинг фикрига қўшилмадилар:

— Эй Абу Суфён, бунга ўзинг сабабчисан, сенинг кавминг сабабчи бўлди. Сизлар мени ёлғончи деб юрган кунларингда улар менга ишонишди, сизлар мени юртимдан ҳайдаб чиқарганларингда улар мени бағирларига олишди, — дедилар.

Сўнгра Абу Суфён Маккага отланди. Қавмини таҳликадан иложи борича тез огоҳ этиш учун шошиларди у.

Маккаликлар ҳеч нарсадан хабарсиз эдилар.

— Тез тўпланинглар, эй аҳоли!.. Тез тўпланинглар, эй маккаликлар!..

Оз фурсат ичида оламон йиғилди.

— Нима хабарлар келтирдинг бизга, эй Абу Суфён? — деб сўрай бошлашди.

Абу Суфён уларга дардли нигоҳла бокди. Қарашида чорасизлик, умидсизлик маънолари бор эди.

— Билиб қўйинглар, эй Қурайш жамоаси, устларингизга Муҳаммад келяпти. Енгилмас бир кўшин сизларга қарши тўпланган. Жанг қилсаларинг, мағлубият муқаррардир. Мусулмон бўлинглар-да, жонларингни кутқариб қолинглар, — деди.

Ҳали ҳеч гап бўлмай туриб туйқус қулоқларга эшитилган бу сўзлар кўзларни хиралаштирди. Юзларнинг туси ўзгарди. Оғизлар қуриб, томирлардан оқиб турган қон худди тўхтаб қолгандай бўлди.

— Нималар деяётганингни ўзинг билипсанми, эй Абу Суфён?! — деган хитоблар чикди.

Абу Суфён ўзидан хотиржам бир инсон киёфасида жавоб килди:

— Афсуски, биламан.

— Ҳўп, қаерда экан сен айтаётган у лашкар?

— Бир соатга қолмай шаҳарга қиради.

Туш каби бир нарса эди бу. Қарши чиқиб бўлмас даражадаги бир кўшин Мадинадан йўлга чиқиб то бу ёқларга келиб қолар экан-у, бундан ҳеч кимнинг хабари бўлмаса?!

Орага қисқа соқинлик чўқди. Бирдан фарёд каби, қоплон улиши каби бир чинқирик эшитилди. Кин ва ўч алангасида қоврилган, танаси пичоқланган одамнинг овозидек эди бу овоз.

— Сен қари туллак!.. Сен олчоқ, ҳайрсиз одам!..

Овоз аёл кишиники эди. Машхур Утба ибн Робианинг қизи, Абу Суфённинг хотини Ҳинд...

Кимдир ҳозирок Абу Суфённинг гапларини унга чопиб бориб етказган, «Мусулмон бўлиб жонларингни кутқаринглар», деганларини айтган кўринади. Ҳарҳолда, Ҳинд овози борича бақирар эди:

— Итдай ўлдирунглар бу ёғидишни!.. Бўғинглар бўғизидан бу гўшт тулумини! Сизларга жуда ёмон бўхтонлар қияпти. Динидан қайтган у! — деганча, келиб эрининг соқолидан чангаллади.

Абу Суфён жон аччиғида унинг қўлларига ёпишди. Қутулишга уринаркан, соқолимни қўйиб юбор, хой хотин, деб бақириб юборди.

Ҳинд эрининг соқолини бўшатди. Абу Суфён:

— Қани, энди уйга кир. Валлоҳи, агар мусулмон бўлмасанг, бошинг кесилади. Буни биласан, — деди.

Бир он ҳамма нарса унутилган, эр-хотиннинг бу хаяжонли можароси марокла томоша килинган эди. Абу Суфён оломонга ўғирилди.

— Ким менинг уйимга кирса, омон қолади, — деди.

— Ҳой, сенинг уйинг неча кишига паноҳ бўларди? — дейишди одамлар

— Ким Масжиди Ҳарамга кириб олса, омонда, — деди. Одамлар яна айна эътирозни билдиришди. Шунда Абу Суфён:

— Ким уз уйига кириб эшикларини беркитиб олса, омонда! — деб эълон қилди. Сўнгра илова этди: — Яна қайтараман, қаршилиқ кўрсатаман десаларинг, сизларни пичан ғарами каби янчиб ташлайдиган даражада кучли кўшин келяпти...

Бир вақтлар боши булутларда кезган, Маккага ҳокимлик хисси бермиш ғурурла еру кўкка сиғмай юрган Абу Суфённи қўл-оёқ боғлиқ, сас-садоси буғилган вазиятда кўриб турганлар энди шамол терс томондан эса бошлаганини дарров ангадилар. Бошлар ҳам бўлди. Юраклар эзилди. Энди жанг майдонига чопишга эмас, уйларга яширинишга ва натижани кутишга тўғри келаётганини ҳис этиш юракларни сиқиб юборди. Бундан буён у килинган ишлар, у кўрсатилган ҳунарлар учун жавоб берилажак эди.

— Йўқ, то тирик эканмиз, бу ерга кимса кирмайди!

— Қонимиз эвазига бўлса-да, муқаддас шаҳарни кўриймиз!

Шунга ўхшаш овозлар юксалди. Аммо бундай деганлар сони жуда оз эди.

Қиличлар суғурилди. Кичик бир бўлик пайдо бўлди. Уларни кўрган одам: «Қонига ташна бир неча шўрлик...» дейиши турган гап эди. Улар кўча жанги қилиш пайида шаҳарнинг юқори қисмига йўл олишди. Оломоннинг асосий қисми эса бўйни буқик ҳолда, ҳаёлчан одимлар-ла, уй-уйларига тарқалди.

МАККАГА КИРИШ

— Эй Аллоҳнинг расули, эртага Маккада қаерга тушасиз?

— Шу ҳам муаммоми? Аллоҳ насиб этса, эртага турадиган жойимиз мушриклар қуфрларига аҳд-паймон қилган Хайф мавқеидир.

Шу орада Расули акрам (с.а.в.): «Кофир мўминга, мўмин кофирга меросхўр бўла олмайди», деганлари ҳам нақл қилинади.

Ислом лашкари икки қўл ҳолида Маккага қира бошлади. Биринчи қўл пайғамбарлар султонининг (с.а.в.) қўмондонликлари остида бўлса, иккинчи қўлнинг бошида Жанобимиз «Сайфуллоҳ» (Аллоҳнинг қиличи) деб шарафлантирган, йигитлар сардори Ҳолид ибн Валид турарди.

Расулulloҳ жанобимиз Маккага киришдан олдин бир неча исмларни санадилар. Абу Жаҳлнинг ўғли Икрима, Сафвон ибн Умайя, ҳазрати Ҳамзанинг қотили Ваҳший, ҳазрати Зайнабни хижрат сафари чоғи яралаб, бола ташлаб қўйишига сабаб бўлган Ҳаббор ибн Асвад, бир замонлар ваҳий котиблиги қилган, лекин кейин муртад бўлиб Пайғамбар жанобимиз ҳақларида бемаза сўзлар қилиб юрган Абдуллоҳ ибн Абу Сарх, ўзини мусулмон кўрсатиб, уқасининг хун бадалини олганидан кейин бир мусулмонни ўлдириб қочган Микяс ибн Субоба, бирмунча вақт мусулмон ўлароқ яшаб, сўнгра хизматини қилган одамни ўлдириб, закотга келган туяларни олиб қочиб кетган шоир ибн Хатал, ибн Хаталнинг икки чўриси, Абдуллоҳ ибн Зибабра ва Ҳубайра ибн Ваҳб — булар Каъба ёпинчиғи тагига яширинган бўлса ҳам, ўлдирилажак эди.

Расули акрам (с.а.в.) орқаларига Усома ибн Зайдни мингаштирган ҳолда Маккага кирдилар. Лашкарга қарши туришга, қўл кўтаришга ҳеч кимса журъат этмади. Амрларига тобеъ бир кўшинга бош эдилар Расулulloҳ (с.а.в.). Шу фарқ биланки, зафардан келадиган ғурур йўқ эди. Аллоҳнинг неъматини ҳаққила биладиган ва бу туйғу оғушида бошини саждага қўядиган

мутавозеъ бир пайғамбар ҳоли бор эди у зотда.

Пайғамбарлар имомига (с.а.в.) Макканинг юкори кисмида бир чодир тикилди. Шу ерга кириб, бир муддат истироҳат этдилар.

Ҳолид ибн Валид (р.а.) ўзига қарашли қисм билан Макка остоналарига қадам босганида шаҳарга эмин-еркин кира олмаслигини англади. Қилич ва найзалар билан куролланган бир гуруҳ унинг қаршисидан тўсиб чиқди. Ёйлар тортилган, ўқлар ҳозирланган эди. Охиригача олишувга азм этган кўзлар боқиб турарди унга. Вазият дарҳол тадбир кўришни, яхши кўмондонга муносиб шаклда ҳаракат қилишни тақазо этарди.

Ҳолид кўшинга тўхташ амрини берди. Қаршисида бир вақтлар тақдирлари боғланган дўстлари — Икрима ибн Абу Жаҳл, Сафвон ибн Умайя, Сухайл ибн Амр ва бошқалар туришарди. Ҳолид ҳам бир замонлар улар қаторида бўлган, куфрнинг байроғини улар билан бирга кўтарган, мусулмонларга қарши бирга-бирга қилич соллаган эди.

Бир-икки одим илгарилади.

— Ҳой одамлар! Сизларни Исломга чакираман. Аллоҳдан бошқа ҳеч қандай илоҳ йўқлигига иқрор бўлинглар! Муҳаммадни Аллоҳнинг расули деб тан олинглар! Бу муборак шаҳарда қон тўкилишига сабаб бўлманглар! — деди.

Таклиф қабул этилмади. Жавоб сифатида отилган бир-икки ўқ шундоққина қулоқлари ёнидан визиллаб ўтди. Ўқларга нишон бўлиб бекордан-бекорга ўлиб кетишнинг маъноси йўқ эди. Буюрди. Мўминлар ҳам ўқ отишди. Шу тариқа жанг бошланиб кетди. Қиличлар кинидан суғирилди. Қиска бу тўқнашувнинг илк натижаси ўлароқ ўн икки мушрикнинг жасади ерга чўзилди.

Аҳвол нозик эди. Абу Суфён Расули ақрам жанобимизнинг ҳузурларига ҳаллослаб келди.

— Ҳолид бизларни кириб битирди, — деди.

Жаноби Пайғамбар бир кишини чорлаб, дарҳол Ҳолиднинг ёнига боришга ва савашни тўхтатишга буюрдилар. У киши ўша заҳоти чопқиллаб кетди. Ҳолидни топди.

Лекин:

— Расулulloҳ кўлингга тушганларни ўлдиришингни амр қияптилар, — деди.

Жанг давом этди. Ўлим фармони имзоланганларнинг ҳаёт дафтарлари бирин-кетин ёпилаверди. Жами ўлдирилганларнинг сони етмишга борди.

Шикоят яна такрорлангач, Жанобимиз Ҳолиднинг ўзини ҳузурларига чорладилар. У келгач, урушни нега тўхтатмаганини сўрадилар. Шунда Ҳолид:

— Мен сизнинг буйруғингизни бажардим, эй Аллоҳнинг расули. Сиз менга кўлимга тушганларни ўлдиришимни буюрган экансиз, мен шундай қилдим, — дея жавоб берди.

Ажаб... Масалани ҳал этиш учун бояги одам чакирилди.

— Эй Аллоҳнинг расули, тўғри, сиз мени жангни тўхтатиш фармони билан юбордингиз. Лекин бу сизнинг тилагингиз эди. Мен эсам, Ҳолиднинг ёнига борганимда, кўлингга тушганини ўлдиравераркансан, дейишдан ўзимни тия олмай қолдим.

Жанобимиз бир нарса демадилар. Сув сўрадилар. Келтиришгач, ғусл қилдилар. Қасва лақабли туяларига миниб, ёнларида вафодор дўстлари ҳазрати Абу Бакр билан бирга Масжиди Ҳарам томон йўл олдилар.

Саккиз йил аввал шу туялари эгарида, ўшанда ҳам ёнларида дўстлари Абу Бакр билан бу шаҳарни тарк этиб чиқиб кетган эдилар. Улов ўша улов, шерик ўша шерик, аммо битта фарқ бор: у кун ўлиги ё тиригини қўлга киритиш дарди ила ёниб-тутаган, шафқат нелигини билмайдиган золимлар ҳозир марҳамат ва шафқат кутган боқишлар билан уларни кузатиб туришар эди.

Аммо... бу нимаси?! Абу Уҳайҳанинг эшиги очилди, бир нечта қизалоқ отилиб кўчага чиқишди, гўё уч олмақчидай, рўмолларини Пайғамбаримизнинг туялари юзига ура кетишди.

Жанобимиз (с.а.в.) Абу Бакрга ўғирилдилар:

— Ҳассон ибн Собит нима деган эди? — деб сўрадилар.

Ҳазрати Абу Бакр Ҳассоннинг «Бор кучила хужум қилган отликларга фақат хотинлар қарши чиқажакларини ва рўмолларини отларининг юзларига урмоқдан бошқа бир иш қила олмаяжакларини» ифодалаган байтларини ўқиди. Шу онда худди бу байтларнинг мукамал татбиқоти бўлаётган эди.

Ҳолид ибн Саиднинг сингиллари ё жиянлари бўлган бу қизлар уйларига кириб кетишди. Жанобимиз йўлларида давом этдилар. Ниҳоят, Масжидул Ҳарамга етиб келишди.

Расули акрам пайғамбаримиз Қасвадан тушмай туриб олдин қора тошни қўлларидаги ҳассани текказиб саломладилар, сўнгра Байтуллоҳни тавоф қила бошладилар. Муҳаммад ибн Маслама туянинг тизгинидан ушлаб, Каъба атрофидан айлантирар эди. Ҳар гал қора тош рўпарасига келинганида, у тавоф қилинар эди.

Етти марта айланилгач, Жанобимиз замзам булоғининг бошига келдилар. Булоқдан ҳовучларида сув олиб ичгилари бор эди, аммо келгусида бу ишлари суннат сифатида қабул этилажagini ва ҳар ким ўз ҳовучида сув оламан деб катта қийинчиликлар юзага чиқажagini ўйладилар.

— Агар суннат ҳисобланиб умматимга оғирлик тушиб қолишидан кўркмаганимда қўлимда сув олиб ичардим, — деб марҳамат қилдилар.

Сўнгра амакилари Аббос тутган сувни олдилар ва тик турган ҳолда Байтуллоҳга юзланиб, қона-қона ичдилар.

Навбат Сафо ва Марво орасида саъй қилишга келган эди. Мўминлар эшлигида Сафо тепалигига чиқдилар ва ўзларига буюк фатҳни насиб этган Мавлоларига дуо эта бошладилар...

Икки тепа орасида саъйни битириб, Расулуллоҳ такрор Каъбага келдилар. Ниҳоят, Каъба атрофига қалаштириб ўрнатилган бутлар билан ҳисоб-китоб вақти етди. Ҳассаларини илк дуч келган бутнинг кўзига суқиб қулатарканлар: «Ҳақ келди, ботил йўқ бўлди. Ҳеч шубҳа йўқки, ботил йўқ бўлишга маҳкумдир»*(Исро, 81) мазмунидаги оятларни ўқир эдилар.

Бут-санамлар битта-битта ағдарилаверди. Бутларни ва бутпарастликни ўртадан кўтариш ва ёлғиз Аллоҳга ибодат низомини ўрнатиш вазифаси ила юборилган буюк Пайғамбарнинг қўлларидаги ҳасса бутлардан баъзиларини орқадан тортиб юзтубан қулатар, баъзиларининг пешонасидан итариб чалқанча йиқитар эди. Шу зайлда Каъба атрофидаги ҳамма бут ағдариб ташланди.

Кейин Набиййи акрам (с.а.в.) жанобимизнинг буйруқлари билан Усмон ибн Талҳа Каъбанинг калитини олиб келиб берди. Эшик очилди. Ичкарига осилган расмлар йиртилди. Машҳур Ҳубал бути ташқарига отилди. Мушриклар кўзи мошдек очилиб, Ҳубалнинг парча-парча этилишини алам ичра томоша қилишди. Уни деб неча-неча урушлар қилинди, қанча-қанча қонлар тўкилди, не-не жонлар қурбон берилди. Ҳубал эса, худди бошқа санамлар каби, хўр ва ҳақир бўлди, кетма-кет тушаётган зарбалардан чилпарчин бўлди.

Ҳазрати Абу Бакрнинг куёви Зубайр ибн Аввом (р.а.) ёнида турган одамнинг юзига боқди:

— Ҳе-ей Абу Суфён, Ҳубалингни томоша қил! У ҳам парча-парча қилинди. Қолбуки, Ухуд куни сенга ғалабани у берган деб ишонардинг!..

Дарҳақиқат, ўшанда Абу Суфён: «Ҳубал устун келди! Ҳубал устун келди!» деб хўроз каби бақириб-чақирган эди. Ҳозир эса барчанинг нигоҳи унда... Қўл-оёғи боғланган асир тахлит бўлиб турган Абу Суфён: «Янглишяпсизлар, сизлар қабул этмасаларинг ҳам, Ҳубал юксақдир», дея олмади.

— Бу сўзларингни кўй, эй Зубайр. Агар Муҳаммаднинг илоҳидан бошқа илоҳ бўлганида эди, ишлар бундай бўлмасди, — дея жавоб қилди.

Намоз вақти кириб, ҳазрати Билол (р.а.) Каъба устига чиқди. Қўлларини қулоқларига келтириб, бор кучи-ла:

— Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!.. — дея азон айта бошлади.

Азон сўзлари уй-уйларига беркиниб олган мушрикларнинг бошларига гурзи каби тушар, кечагина жонига қасд этиб, Макка кўчаларида бўйнидан ип боғлатиб болаларга судратилган кулнинг бу хайкиригига жавоб бера олмаётганларининг алами-ла кулок солишар эди.

— Каъба устида азон айтиш шу қора кулга қолдими? Яхшиям отам Асид ўлди: Аллоҳ унга бу кунларни кўрсатмасдан ўлдириб, буюк икром кўрсатган экан...

Аттоб ибн Асиднинг гапи эди бу. Бир кун аввал отасини тупроққа кўйган Аттоб бу сўзлари билан гўё ўзига тасалли бермоқчи бўларди.

Ҳакам ибн Абул Ос азонни тингларкан, туйғуларини бундай тилга кўчирди:

— Валлоҳи, бўладиган иш эмас бу... Шу қора кул чиқсин-да, Байтуллоҳ тепасида тантана қилсин... Эсиз!

Ўлимга буюрилганлар ҳамма жойдан ахтариларди. Шоир ибн Ҳатал каъбапўшга ўралиб олган ҳолда яшириниб ётган экан. Расулulloҳ жанобимизга хабар берилди. «Қаерда топсаларинг, ўлдиришлар!» фармонларига кўра боши танасидан жудо этилди.

Микяс ибн Субоба шериклари билан ҳамр ичиб ўтирганида топилди. Ташқарига чакирилди, чиқар-чиқмас унинг ҳам ҳаётига нуқта кўйилди.

Ибн Ҳаталнинг икки чўриси, Сора исмли айтимчи хотин, Ҳорис ибн Тулатила ва Ҳувайрис ибн Нукайз ҳам ўлдирилганлар қаторида эди.

Ваҳший, Ҳаббор ибн Асвад, Икрима, Сафвон, Абдуллоҳ ибн Зибаяра, Хубайра ибн Абу Ваҳб тез Маккани тарк этиб, жонларини кутқариб қолишган эди.

Абдуллоҳ ибн Сарх ҳам ўлимга ҳукм этилганлар қаторида эканини, Каъба ёпинчиғига беркинса ҳам ўлдирилажагини эшитган заҳоти дабдуруст ўзини йўқотиб кўйди. Ўлим кўркувидан кони томирларидан қочаётгандек хис этди. Ягона чора эмикдош биродари Усмон ибн Аффондан паноҳ сўраб бориш эди. Шундай қила олса, озми-кўпми омонлик олган бўларди. Дарҳақиқат, илк фурсат топилди дегунча тез Усмон Зиннурайннинг ёнига чопди.

Ҳазрати Усмон: «Кўлимга тушганинг яхши бўлди, эй ибн Абу Сарх, энди, қани, охират сафарига хозирлан-чи! Ҳамма разил ишларининг жазосини тортиш вақти келди!» дея олмасди. Бундай дейиш мумкин эмасди. Ухуд жангининг охирида ўзидан паноҳ сўраган бир душманни уйда сақлагани ҳам унинг бундай бир сўзни билмаслигидан эди. Келажакда шаҳид бўлишига олиб келадиган талай воқеаларнинг остида ҳам ўзининг қотилларига уйдан жой бериб, уларни сийлагани сабаб бўлажакдир.

Шу онда Пайғамбаримизнинг буйруқлари бажарилиши лозимми ёки қатъий ўлимга ҳукм қилинган эмикдош биродари ҳимоя этилиши керакми? Аслида, у Расулulloҳ жанобимиздан ҳам меҳрибонроқ кўринмоқчими ёки қатъийлик кўрсатилиши лозим келган ўринда бўшанглик қиляптими?

Ибн Абу Сарх сут қардошининг табиатини жуда яхши билар, бундай бир жасорат ва қатъийлик унда йўқлиги беш бармоғидай маълум эди. Шу сабабдан унинг ёнига келаркан: «Янглишиб менинг бошимга бир кулфат келтирмасайди», деган андиша ҳаёлига ҳам келмади.

Энди ўзини омонликда ҳис этарди. Чунки Макка остин-устин қилиб юборилса ҳам, Пайғамбар (с.а.в.) куёвининг чодирини текшириш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайди.

Ҳазрати Усмон эса муносиб бир фурсат туғилишини кута бошлади.

Расулulloҳ (с.а.в.) чодирларида чўмилар эдилар. Қизлари Фотима бир рўмолни парда қилиб турди. Шу орада кекса ёшдаги бир хотин келиб, ичкарига изн сўради.

— Ким у? — дейилди ичкаридан.

— Умму Хонийман, — деб жавоб килди хотин.

Расулulloҳ жанобимиз (с.а.в.) севиниб кетдилар.

— Мархабо, эй Умму Хоний, хуш келибсан, бизни хурсанд қилиб юбординг! — дея овоз бердилар.

Ғусулларини тугатиб, кийимларини кийдилар, икки ракатдан саккиз ракат намоз ўқидилар. Намозни тугатиб, меҳмонларга юзландилар. Умму Хоний кадрли амакилари Абу Толибнинг кизи, хазрати Алининг опаси эди.

— Мархабо, эй Умму Хоний, қандай хизматлар билан келдинг? — деб илтифот кўрғаздилар.

— Эй Аллоҳнинг расули, Бани Махзум қабиласидан икки киши менга юкиниб борди, мен ҳам уларни химоямга олдим. Аммо укам Али химоямни тан олмаяпти ва уларни ўлдирмокчи бўляпти, — деди Умму Хоний.

Расули акрам (с.а.в.) уни мамнун этадиган ва аёлларга қандай аҳамият беришларини англатадиган ушбу муборак сўзларни айтдилар:

— Сен омонлик берганларга биз ҳам омонлик бердик, эй Умму Хоний! — дедилар.

— Ташаккур, эй Аллоҳнинг пайғамбари...

ФАТҲ ХУТБАСИ

Фатҳ тамом бўлгач, шаҳарда том бир тинчлик ўрнатилди. Расули мухтарам (с.а.в.) Каъба эшигига чиқдилар, қўлларини эшикнинг икки чеккасига тирадилар, қаршиларида тўпланган ва нималар бўлишини кўркув, мароқ ҳамда ҳаяжон-ла кутиб турган халққа бундай ҳитоб қилдилар:

— Аллоҳга ҳамдлар бўлсин, ваъдасини бажарди, қулига ёрдам қилди, душман гуруҳларини ёлғиз ўзи тор-мор этди... Эй инсонлар! Аллоҳ Маккани еру кўкни яратган куни ҳаром қилган, қиёмат кунига қадар ҳаром бўлиб қолажак. Аллоҳга ва охират кунига имони бор бирон кимсага бу ерда қон тукиш ҳалол бўлмайди. Бу шаҳарнинг ҳайвони овланмайди. Дарахти кесилмайди, майсаси юлинмайди, ерда ётган бирон нарса олинмайди, олинса ҳам фақат эгасини топиб қўлига етказиш учунгина олиш ҳалол бўлади.

Шу ўринда хазрати Аббос Пайғамбар жанобимизнинг сўзларини кесди:

— Изхир ўти мустасно бўлсин, эй Аллоҳнинг расули! Чунки ўликни кўмиш ишларида ва уй қурилишларида ундан фойдаланамиз, — деди.

Расулуллоҳ бир муддат тин олиб, сўнг сўзларини давом эттирдилар:

— Изхир ўти бундан мустасно. Уни ўриш ҳалолдир. Бу шаҳарнинг ҳурмати мендан аввал ҳеч кимса учун бекор қилинмаган, кейин ҳам ҳеч кимса учун бекор қилинмайди. Агар бир одам чиқиб: «Аллоҳнинг пайғамбари у ерда урушган-ку, бунга нима дейсан?» деса, айтинглари: менга ҳам фақат бир куннинг белгиланган бир соатидагина изн берилган. У ҳам Макка аҳлига бўлган ғазаби сабаблидир. Дикқат қилинглари: ҳаром ҳукми яна кечаги кун каби эски ҳолига қайтди.

Набиййи акрам жанобимиз бир тарафда тўпланиб турган Ҳузоза қабиласи одамларига юзландилар:

— Эй ҳузозалиқлар, энди урушдан қўл тортинглар. Агар фойдаси бўлганида... роса урушилди. Бу орада, уруш тўхтатилганидан кейин бир одамни ўлдириб қўйибсизлар, мен унинг хунини тўлайман. Шу ондан эътиборан ким ўлдирилса, улганнинг яқинлари истаса, ўлдирганга жазо беради, истаса, хунини олади.

Шундан кейин Расули акрам муборак юзларини Макка халқига ўгирдилар:

— Эй Қурайш жамоати, сизларга қиладиган муомалам қандай бўлади деб ўйлайсизлар?

Атрофдан овозлар юксалди:

- Яхшилиқ билан муомала қиласан!

— Яхшисини қиласан!

— Сен шарафли биродаримизсан, шарафли бир биродаримизнинг ўғлисан!

Шундай кун ҳам келди.

Ўн уч йил Маккада, саккиз йилдан бери Мадинада қон қусдиришга уринган, яшаш ҳаққи бермаган, энг ифлос бўхтонларни жирканмай қилиб келган одамлари энди шарафли қардош бўлиб қолди, шарафли қардошнинг ўғли бўлиб қолди. Ундан ҳайр ва яхшилиқ кутишаётганини

ҳеч ҳижолат чекмасдан айта бошлашди. Қазо умрасини адо этиш учун келганларида Маккада бир кун ҳам ортикча туришларига йўл қўймаганлар бугун ўзлари у зотдан марҳамат кутишётган эди. Овозларида ютқизикнинг алами хис этиларди. Тик туришга одатланган бошлари эгик. Фурсат топишса-ку, такрор бош кўтаришдан ҳам тоймайдиган, бор куч-ғайрати билан қарши турадиганлар ҳозир ночор-ноилож, буюк Пайғамбардан марҳамат-шафкат сўрашарди...

Бутун оламларга, хоссатан инсониятга раҳмат бўлган Жанобимиз уларга бундай дедилар:

— Мен билан сизларнинг ҳолингиз пайғамбар Юсуф (а.с.) билан акаларининг ҳоли кабидир. Мен ҳам сизларга Юсуф акаларига айтган ганларни айтаман: бугун сизлардан ҳеч қандай ёзғираши йўк, озор йўк. Аллоҳ сизларни кечирсин. У зот меҳрибонларнинг энг меҳрибонидир. Боринглар, ҳаммаларинг эркинсизлар...

Шундай килиб, умумий кечирим эълон килинди, ўч олиш йўли тутилмади. кўплар у ердан катта бир севинч билан тарқалишди.

Мурувват шунчалик бўлади! Шафкат туйғуси бундай кўринади! Қўлидан келган барча усулларни қўллаб, жонларига ҳар турли суикасдлар килишдан чарчамаган одамларга бу даражада илтифот кўрсатилган эди.

Ўша кеча уйларида бутлар битга қўймай синдирилиши лозимлиги тушунтирилди.

Бундан тангрилар ғазабга келмадими?

Ҳеч кайсиси... Ҳа, ҳеч кайсиси ҳеч нарса қилмади.

Ҳатто буюк Ҳубал парчаланаётганида ҳам ҳеч нарса юз бермади. Ҳолбуки, у еру кўкни бир-бирига уради, ўзини ерга думалатганларнинг бошига фалокатлар ёғдиради, деб кутилган эди. Қаяқда!..

БИР-ИККИ ХОДИСА

Расулulloҳ жанобимиз саҳобалари билан бирга бораётган эдилар. Йўлларида орқа ўгириб ўтирган бир киши учради. Муборак қўлларини елкасига теккиздилар. Одам бошини кўтарди — Абу Суфён эди у. Жаноби Пайғамбаримиз унинг юзига қарадилар ва:

— У ҳолда Аллоҳ сени уриб кўяди. Шармандаи шармисор бўласан! — дедилар.

Саҳобалар бу гапнинг маъносини тушунишолмади. Бир ёқдан қаралса, ҳеч нарсдан ҳеч нарса йўқ айтилган бу гап, аммо иккинчи ёқдан қаралса, Расулulloҳ бекордан-бекорга бир нарса демайдилар ҳам.

Абу Суфён ғалати аҳволга тушиб қолди. Жиноят устида қўлга тушганга ўхшар эди у. Пешонасида пайдо бўлган терларни артиб, тилга кирди:

— Шу пайтгача сенинг пайғамбар эканингга ишонган эмасдим. Аллоҳга тавба қиламан, ҳаёлимдан кечганлар учун кечирешини сўрайман.

Сияр китоблари ўша воқеадан бир неча йил кейин Абу Суфён айтган ушбу хотираларни қайд этиб қўйган:

«Ўтириб олиб бир нарсани ҳаёлимдан ўтказардим: шу одамга қарши бир кўшин тўпласам-да, сўнгги бор ўчимизни олиш учун устига юрсам, деб ўтирган эдим, тўсатдан елкамга бир қўл текканини сездим. Қайрилиб қарасам, тепамда у турибди...»

Ўша кеча Абу Суфён уйда хотини Ҳинд билан гаплашар экан, шу кунгача ич-етини тимдалаётган бир саволни беихтиёр сўради:

— Сен нима деб ўйлайсан: буларнинг барчаси Аллоҳнинг ишими?

Ҳинд гапни қисқа қилди:

— Ҳа, булар Аллоҳдандир.

Ичларида Исломга, хусусан Расулulloҳ жанобимизга қарши битмас-туганмас кин ва адоват сақлаётганларнинг энг олд сафидан жой олган бу эр-хотин шу тарифа қуролларини ташлашди, аччиқ бўлса ҳам, истамаган ҳолда ютқазганларини тан олишга мажбур бўлишди. Уҳуд тоғИ

этакларида Аллоҳнинг расулига карши «Юксал, эй Хубал!.. Юксал, эй Хубал!..» дея аёвсиз жанг олиб борган Абу Суфён ҳам, қўлида ҳазрати Ҳамзанинг жигарларини олиб чайнаб-чайнаб телбаларча қувонган Ҳинд ҳам бундан буён овозларини кўтармайдилар, буйинларини эгадилар.

Тонг отгач, Абу Суфён Расулulloҳ жанобимизнинг ҳузурларига борди, Фаҳрул анбиё вал мурсалийн жанобимиз унга шу кеча Ҳинд иккаласи гаплашган гапларни қайтариб айтиб бердилар.

— Оти айтилиб қасам ичилаётган борлиқ номига қасам ичаман, бу гапларни айтаётганимизда ёнимизда бошқа ҳеч кимса йўқ эди! — деди ҳайрат ичра.

Марруззахронда ҳазрати Умарнинг қиличидан кўркиб шаҳодат калималарини айтган Абу Суфён изма-из содир бўлаётган бу икки ходисадан сўнг, сал бўлса-да, ўзига келди.

Билол азон чакираётганида уч киши бир четда ўтириб олиб суҳбат қуради, кўнгилларидаги туйғуларини ўртоқлашишар эди. Аттоб ҳали тупроғи совиб улгурмаган отаси Асидни эслади:

— Отамга Аллоҳнинг раҳмати етган экан. Ўлди-кутулди. Йўқса, таъбини хиралаштирадиган воқеаларни эшитар, тириклайин қабрга киргандай бўлар эди, — деди.

Гапга Ҳорис ибн Ҳишом кўшилди:

— Қасам ичаман, бу диннинг ҳақ дин эканини билсам, албатта унга эргашардим.

Абу Суфён сутдан оғзи куйган одам эди. Бундан буён қатикни ҳам пуфлаб ичиш кераклигини бир-икки тажрибада мукамал англаб етган эди.

— Мен ҳеч нарса демайман. Мабодо гапирсам, шу майда тошлар ҳам унга хабар бериб кўйишидан кўркаман, — дейишдан нарига ўтмади.

Ендигина бир намоз ўқигунчалик вақт ўтган эди, Расулulloҳ (с.а.в.) бу уч суҳбатдошнинг устига келиб қолдилар.

— Эй Аттоб, сен шу-шуларни сўзладинг. Эй Ҳорис, сен бу-бу гапларни айтдинг ва, эй Абу Суфён, сен бундай-бундай деддинг, — дедилар.

Диккат билан ва инсоф билан эшитишди. «Йўқ, бундай демадик», дейишларига имкон йўқ, эди.

— Мен гувоҳлик бераман, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Яна гувоҳлик бераман, сиз Аллоҳ юборган пайғамбарсиз!..

Бу муборак сўзларни Аттоб ҳам, Ҳорис ҳам айтди. Ҳеч бир зуғумсиз, ҳеч бир кўркув ва андиша хис этмасдан... Бундан буён энг самимий мўминлар орасидан жой олажаклар, ўтмишда йўқотганларини келажакда қўлга киритажаклар.

Набийи мухтарам жанобимиз Каъбани тавоф қилаётган эдилар. Иттифоқо, бир одамнинг рўпарасига ўтиб:

— Фазоламисан? — дея сўрадилар.

— Ҳа, шундай, эй Аллоҳнинг расули.

— Нималарни ўйлаяпсан?

— Аллоҳни зикр қилаётган эдим...

Расулulloҳ жанобимиз кулдилар. Қўлларини у одамнинг кўкрагига қўйиб:

— Аллоҳдан мағфират тила, гуноҳларингни кечиришини сўра, — дедилар.

Бир муддат бу муборак қўл Фазоланинг кўкраги устида қолди. Жанобимизнинг нигоҳлари ҳам Фазолага қаратилган эди. Бир оздан кейин кетдилар. Фазола пайғамбаримизнинг орқаларидан миннатдорлик туйғуси тўла кўзлар ила қараб қолди.

Сўнг ёнига бир ўртоғи келди.

— Нима гап, эй Фазола?.. — деб сўради.

Фазола ўртоғига қаради:

— Қулай бир фурсат топиб уни ўлдира олармикинман, деган ўй ҳаёлимдан ўтиб турган эди ҳам, менга қараб юрди. Шундан кейин нима бўлганини ўзинг ҳам кўрдинг. Қўлини кўкрагимга қўйганида ичимда тушуниксиз бирнималар содир бўлди. Худди юрагимдаги бор нарса ҳаммаси

ташқари отилган, ўрни севги, ҳурмат билан тўлдирилгандек эди. Ўша онда мен учун Аллоҳ яратган нарсалар ичида ундан кўра суюқлиси йўқ эди...

Умайр ибн Ваҳб пайғамбарлар сарварини излаб топиб келди.

— Эй Аллоҳнинг расули! Сафвон ибн Умайя ўлимдан кўркиб кочди. Биласиз, у кавмининг улуғидир. Ўзини дарёга ташлаб ўлдириши ҳам мумкин. Унга омонлик берсангиз, деб келдим, — деди.

— У омонликдадир, — деб жавоб килдилар Жанобимиз.

— Эй Аллоҳнинг расули, омонлик берганингизни билдирадиган бирон нарсангизни бера оласизми?

Жаноби Пайғамбаримиз Маккага бораётганларида бошларига ўраб олган саллаларини ечиб бердилар:

— Раҳмат сизга, эй Аллоҳнинг расули... — деди Умайр ва Сафвонни топиш учун Расулulloҳ жанобимизнинг хузурларидан чиқди.

БАЙЪАТ МАРОСИМИ

Жаноби Пайғамбаримиз (с.а.в.) умумий кечирим эълон қилганларидан кейин халқнинг юрагини тўлдириб турган кўркув тарқалди, кўнгиллар Исломига мойил бўла бошлади. Шу сабабли Расули акрам хузурларига мусулмон бўлганини билдириш учун одамлар кетма-кет келаверди. Жанобимиз бир ерга ўтириб, келганларнинг байъатини қабул қилдилар.

Мусулмон бўлиш учун келган киши Расули мухтарамнинг қўлларидан тутар, шаҳодат калимасини айтар эди. Пайғамбаримиз атрофларида талайгина одам тўпланди: муҳожирлар, ансор, энди мусулмон бўлиш учун келганлар. Келиб-кетувчилар кўп эди.

Бу орада Абдуллоҳ ибн Абу Сархни ўлдиришга қасд қилган мадиналик бир мўминнинг кўзлари порлади. Тушими, унгими?! Йўқ янглишмади. Қидирган одами Усмон ибн Аффоннинг қўлидан тутган ҳолда ҳалойиқ орасини ёриб, Расулulloҳ жанобимиз турган жойга томон илгариламоқда эди. Беихтиёр қўли қиличга борди. Лекин оломоннинг орасини ёриб ўтиш осон эмасди. Мақсадига етишига уч-беш одим қолганида Абдуллоҳ ибн Абу Сарх Расулulloҳнинг олдиларига етиб борди. Ҳазрати Усмон унга ишора қилиб:

— Эй Аллоҳнинг расули, Ибн Абу Сарх байъат этмоқчи, лутфан қабул қилинг! — деди.

Бу орада ансорий ҳам етиб келиб, қиличини маҳкам ушлаган ҳолда уларнинг орқаларидан жой олди. Набийи акрам ҳазратларидан бир ишоратни кутмоқда эди. Ўзича қарор бериб ўлдиришни одобдан деб билмади.

Расулulloҳ (с.а.в.) Ибн Абу Сархга бошдан-оёқ кўз югуртириб чиқдилар. Кейин хушламаганликларини билдирадиган тарзда бошқа ёққа ўгирилиб олдилар. Бир оғиз сўз айтмадилар.

— Эй Аллоҳнинг расули, Ибн Абу Сарх байъат этмоқчи, лутфан қабул қилинг!

Расули мухтарам яна бир бор қарадилар ва яна юзларини бошқа томонга бурдилар.

Ҳазрати Усмон илтимос қилишда давом этди. Пайғамбар жанобимиз ҳатто бир оғиз сўз билан ҳам жавоб бермадилар. Бу кераксиз ва ўринсиз илтимосдан у зот ҳафа бўлганлари шундоқ аён эди. Ахир, бекордан-бекор ё кўнгил хушлиги учун: «Каъба ёпинчиғига ўралган ҳолда кўрсаларинг ҳам, ўлдиришлар», демаган эдилар.

Байъат маросими тўхтади. Ҳамма, энди нима бўларкан, дея ҳаяжон билан кута бошлади. Пайғамбаримиз қай томонга бурилсалар, Усмон ҳам ўша томонга ўтиб олар, илтимосини такрорлар эди. Ниҳоят, пайғамбаримиз ноилож, майли, дедилар.

Икки эмикдош ака-ука у ердан кетишди. Расулulloҳ (с.а.в.) жанобимиз ёнларида турганларга қарадилар, ситамли бир овозда:

— Ичингизда эси бор одам йўқмиди, унинг байъатига рози бўлмаганимни кўриши билан

Ўлдирсайди? — дедилар.

Кейин ансорийни кўриб колдилар: — Назрини адо этасан, дея кутдим.

— Эй Аллоҳнинг пайғамбари, бир ишора қилсангиз бўлмасмиди? Бир кўз ишорати етарди.

Расулulloҳ жанобимиз мардлик такозо этган жавобни қилдилар:

— Хиёнаткорона боқиш пайғамбарларга ярашмайди.

Демак, Ибн Абу Сархнинг ажали етмаган, ҳаёт дафтари ёпилмаган экан. Бунинг бошқача изоҳи йўқ.

Сал ўтиб, байъат маросими давом этди.

Эркакларнинг байъати тугаб, навбат аёлларга келди. Аёллар гуруҳ-гуруҳ бўлиб Сафо тепалигига келишар, ҳазрати Пайғамбаримиз ҳузурларида шаҳодат калималарини айтиб, мусулмон бўлишар эди.

Эркаклар шаҳодат калималарини Пайғамбаримизнинг қўлларини ушлаб айтишган эди, аёлларнинг байъати фақат оғзаки равишда бўлди ва Расули акрам жанобимиз уларга: «Сизлардан биттангизга айтган сўзим юзта аёлга айтган сўзим кабидир», дея марҳамат қилдилар. Ҳазрати Умар (р.а.) Расулulloҳ номларидан байъат олди.

Бир гуруҳ аёллар билан бундай суҳбат бўлиб ўтди:

— Аллоҳга ҳеч нарсани шерик келтирмаймиз, деб менга сўз беринглар!

Ўзини бекитиб олган бир аёл эътироз билдирди:

— Валлоҳи, сиз эркаклардан талаб қилмаган нарсани биздан талаб қиляпсиз!

Расулulloҳ жанобимиз унга жавоб бермадилар. Бошқа аёллар дарҳол сўз беришди.

— Ўғрилиқ қилмаймиз, деб сўз беринглар.

— Ўғрилиқ қилмаймиз, эй Аллоҳнинг пайғамбари!

Яна ўша аёл овози эшитилди:

— Валлоҳи, мен анчадан буён Абу Суфённинг молидан ўғирлаб келаман. Билмадим, бу ишим ҳаромми ёки ҳалолми?

Расулulloҳ жавоб бериб улгурмасларидан нарироқда турган бир одам овоз берди:

— Ўтган ишларни сенга ҳалол қилдим!

Бу овоз Абу Суфённинг овози эди. Расули мухтарам юзлари бекитилган аёлга ўтирилдилар:

— Сен Утба ибн Робианинг қизи Ҳинд эмасмисан?

Ҳинд ортиқ ўзини яширишдан маъно қолмаганини англади.

— Ҳа, эй Аллоҳнинг пайғамбари, мен Ҳиндман. Сиз мени кечиринг, Аллоҳ эса сизни кечирсин.

Расулulloҳ жанобимиз хозиргина шаҳодат калималарини айтган Ҳиндга бирон жазо берадиган инсон эмасдилар. Ҳазрати Умарга дедилар:

— Зино қилмасликка сўз беришсин!

Бошқа аёллар сўз берар экан, Ҳинд яна тилини тиёлмади:

— Эй Аллоҳнинг пайғамбари, шарафли бир хотин зино қиладими?

— Болаларни ҳам ўлдирмасинлар!..

— Биз уларни кичиклигидан ўстирайлик-да, катта бўлгач, ўлдирайликми? Бадр куни сиз бирор бола қолдирдингизмики, қолганини биз ўлдирсак?

Бу гаплар яна ўша аёлдан чиқди. Умардек одам ҳам бу сўзлардан қаҳқаҳа отиб кулиб юборди. Сал бўлмаса йиқилиб тушарди. Пайғамбар (с.а.в.) кулимсираб қўйдилар, ҳолос.

Кейин Расули мухтарам жанобимиз уларни ўзаро бўхтон уюштирмасликка, хайрли ва яхши ишларга исён кўтармасликка чақирдилар. Ҳинд чидаёлмади:

— Валлоҳи, биз бу ерга сизга исён қилиш учун келмадик, — деди.

Бунча эзма бўлмаса. Пайғамбаримиз ҳузурларига ўлим кўркувида келганига қарамай ўзини тиёлмаяпти, ким билади, ҳаёти давомида Абу Суфённинг бошига не-не кўргиликларни солган бўлса? Мусулмонларга қарши юргизилган инсофсиз сиёсатнинг авж олишида унинг ҳам

хиссаси борлигига шубҳа йўқ.

Кейинчалик Расулulloҳ жанобимиз ушбу мазмундаги оятни ўқидилар: «Улардан сўз ва байъат олинг, улар учун мағфират сўранг. Шубҳасиз, Аллоҳ ўта кечиргувчи ва марҳаматлидир».

Шартлашув нихоясига етиши билан бир аёл урнидан турди ва:

— Эй Аллоҳнинг пайғамбари, мен Икрима ибн Абу Жаҳлнинг хотини Умму Хақимман. Икрима ўлдирилишдан кўркиб Яманга кочди. Уни кечирингизни сўрайман,— деди.

Расулulloҳ ҳазратлари тараддудланмай:

— Унга омонлик берилди, — дея марҳамат қилдилар.

Аёллар кетишди.

Умму Хақим ёнига румлик қулини олиб, дарҳол йўлга чиқди. Денгиз соҳилига етиб келганида, эри бир кемадан тушаётган эди. Олдиниға бу кема билан денгизга чиққан, бироқ кейин пушаймон бўлиб қайтадан соҳилга ташлаб кетишларини илтимос қилган эди. Рўпарасида хотинини кўриб, ҳайрон қолди:

— Нима гап, эй Умму Хақим? Сен бу ерларда нима қилиб юрибсан?

— Сизни олиб кетишга келдим.

— Нимага?

— Чунки Аллоҳнинг расули билан кўришдим, сиз учун кечирим чиқартирдим.

— Яхши. Нега қулнинг қўл-оёғи боғланган?

Умму Хақим қулиға нафрат тўла кўзлари билан қараб:

— Йўлда менга шилкимлик қилди. Кейинроқ кўнглингни оламан, деб алдаб овутдим. Нихоят, йўлда илк учраган одамларга вазиятни тушунтириб, чирмаб боғлатдим, — деди.

Қулнинг пешонасида ажал терлари пайдо бўла бошлади. Ва бу хол табиий эди. Чунки Икриманинг қўли қиличининг сопиға узанди. Қинидан суғуриб олиши ва бир зарбада бадбахт қулнинг калласини учуриб юбориши учун кўп вақт керак бўлмади. У қонига беланиб қум узра чўзиларкан, эр-хотин йўлида давом этишди.

Умайр ибн Ваҳб Расулulloҳ жанобимизнинг саллаларини олгач, вақт ўтказмай йўлга тушган эди. Сафвонни Жидда соҳилларида учратди. У мана-мана денгизга чиқаман деб турган кемага минаётган эди.

— Эй Сафвон, тўхта! — деб чақирди уни. Сафвон ёниға келгач, вазиятни очиқ-ойдин тушунтирди. — Мана, Аллоҳнинг расулидан сен учун берилган бу хавфсизлик нишонасини ҳам ўзим билан олиб келдим.

Оркаға қайтишди. Бироқ Сафвон ҳали ичидаги кўркувдан тўда қутулолмаган эди.

Маккаға етиб келишганида, мусулмонлар аср намозини ўқишаётган эди. Сафвон Исломнинг устуни бўлмиш бу ибодатни улови устида туриб томоша қилди. Намоз тугагач, Расулulloҳ (с.а.в.) жанобимизга қараб:

— Умайр сенинг менга омонлик берганингни айтди, — деди қўллари билан Умайрни кўрсатиб.

— Тўғри айтибди.

Сафвон чуқур бир нафас олди. Балки Муҳаммад мени ҳийла билан тутиб ўлдиртирмоқчидир, деб ҳам ўйлаган бўлиши мумкин. Чунки яқиндан танимаган бу инсонға Сафвон эскидан бери душманлик қилиб келган эди. Ваҳоланки, оламларға раҳмат ўлароқ юборилган Пайғамбар унга ҳам, бутун инсониятға ҳам мардлик, туғрилиқ, инсонийликнинг нима эканини сўзидағина эмас, амалда ўргатадиган, ахлоқнинг энг гўзал намуналарини, фазилатнинг мислсиз саҳналарини ўз ҳаётларида кўрсатадиган эдилар. Ҳайҳот, Сафвон ҳам бошқа маккаликлар каби, бутун инсоният тарихида бир марта қўлга келган ва қайта бор келмайдиган мисли йўқ, давлатни рад этган, Аллоҳнинг инсониятға ато этган буюк неъматини энг катта душман деб билишдек бадбахтликка борган эди.

— Майли, сенинг динингға кириш борасида менга икки ой муҳлат берасанми?

— Сенга тўрт ой муҳлат бераман...

Сафвон кутганидан ҳам ортик хушмуомала кўрганидан хурсанд бўлиб, уловини миниб уйига томон йўл олди.

Абу Жаҳлнинг ўғли Икрима ашаддий кофир бўлиб ўсди. Отаси Абу Жаҳлдан қолишмайдиган даражада Ислом душмани эди. Бироқ шаҳодат калималарини айтганидан сўнг қайта бор куфр ҳаётига асло қайтмаслик учун тавба килди ва ширкнинг аёвсиз душманига айланди.

Ишни ўз уйдан бошлади. Уйда отасидан ёдгорлик сифатида авайлаб-асраб келган бутни олди-да, ерга урди.

Бу кунгача одамлар нима учун унга топиниб келишгатганини ва нима учун хурмат-ехтиромга лойик кўрилганини билолмаган бечора бут бир зарбада парча-парча бўлиб кетди

Сўнг кўшниларнинг уйларига кирди, у ердаги бутларни ҳам синдириб ташлади.

Бундан буён Икрима Аллоҳ йўлида чикилаётган ҳамма сафарларда катнашажак ва ҳаётининг қолган тўрт йилини хавас қилса арзугилик фазилатлар ила безаяжак эди. Тўрт йил кейин юз берган ва мусулмонларнинг энг катта ғалабаси билан тугаган Ярмак жангида у ҳам молию жони билан иштирок этажак. Буюк саркарда Ҳолид ибн Валиднинг тенги йўк бошқарув маҳорати билан Ислом байроғи кўкларга кўтарилар экан, ерда ётган ва сўнгги нафасини олаётган ғозийлардан бири: «Сув ичасанми?» деган овозни эшитажак ва кўзлари билан “ха” дея ишорат этажак. Бироқ энди ичаман деганида қулоқларига эшитилган ингрок овоз унинг лабларини юмдиражак ва нигоҳи билан: «Унга олиб бор!.. Ичолмайман», деяжак. У ярадор аскар ҳам сувни ичмай, бошқа бир шеригига юборажак, лекин учинчи ярадор ғозий сувни ичишга улгурмай азиз руҳини Парвардигорига топширажак. Сув тутган Ҳузайфатул Адавий бу уч ярадорга ҳам бир томчи сув бера олмай, улар бирин-кетин шаҳидлик шарбатини ичишганини кўзларида ёш билан кўражак эди.

Пайғамбарлар имоми жанобимизнинг: «Сизлардан ҳеч кимса ўз нафси учун истаган нарсасини мўмин биродари учун ҳам раво кўрмагунича ҳақиқий мўмин бўла олмайди!» деган сўзларига ҳаётининг сўнгги дамигача ва ҳатто энг қийин ониди ҳам содиқ қолган бу уч фазилат йўлчисидан бири Икрима эди...

Абу Жаҳлнинг ўғли сифатида бошланган ва куфр дарёсида йиллар бўйи сузилган ҳаёт юзйилликлардан кейин мусулмонлар хурмат ва кўзёшлар билан эсга оладиган софлик ва шаҳидлик рутбаси ила ниҳоясига етажак эди. Икрима қўлга киритилган энг катта ғалабага қони билан имзо қўйган буюклар қаторида шарафли ўринни ана шу тариха эгаллаяжак...

Ухуд куни у Ҳолид ибн Валид билан бирга мусулон ўкчиларни янчиб-қайратиб нақадар тубанлик қилган бўлса бу ерда яна Ҳолид ибн Валид билан бирга душман қўшинини янчиб ўтаркан, у даражада юксалаяжак, жирканч саҳифалар билан бошланган ҳаёт дафтари нурли бир китоб ўлароқ беркитилажак, отаси асфалисофилинда энг катта азобни тортаркан, у жаннати олияда иззат ва икром кўрадиган кадрли саҳобалар орасидан жой олажак.

Аллоҳ ундан ҳам ва у билан бирга Ярмак тупрокларини қонлари билан суғорган ғозий дўстларидан ҳам, тенгсиз бошқаруви билан мусулмонларга ғалаба келтирган Исломнинг энг буюк қўмондони Ҳолид ибн Валиддан ҳам рози бўлсин!

* * *

Маҳзум қабиласидан бир аёл ўғрилиқ билан қўлга тушди. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Ўғри эркакни ҳам, аёлни ҳам қўлларини кесинглар! (Токи бу) уларнинг қилмишларига яраша жазо бўлсин, Аллоҳдан келган азоб бўлсин»* амрига биноан ўғрининг қўлини кесишга буюрдилар.

Одамлар саросимага тушди. Маҳзум қабиласи Қурайш ичйда баланд мавқега эга эди. Аёл ҳам анча обрўли оиладан. Дарҳол ҳаракатга тушишди. Пайғамбаримиз яхши кўрадиган бир кишини топиб, жазони бекор қилдириш йўлларини қидира бошлашди. Расулуллоҳ жанобимиз

ўз фарзандларидек яхши кўрадиган бир йигитчани топишди:

— Бу аёлнинг кўли кесилса, Қурайш учун ўта оғир зарба бўлади. Расулulloх билан гаплашиб кўр ва аёлнинг гуноҳидан ўтишларини сўра, — дедилар.

Йигитча Набиййи ақрамнинг ёнларига келди, ҳар хил важ-корсон кўрсатиб, жазонинг бекор қилинишини илтимос қилди.

Расулulloх (с.а.в.) жанобимизнинг муборак юзларида норозиликларини ифодаловчи аломатлар кўринди. Пешоналарининг ўртасидаги бир томирлари қабарди. Жаҳллари чиққанида шундай бўларди.

— Эй Усома, Аллоҳ жорий қилган жазолардан бирига шафоатчи бўляпсанми? — дедилар.

Бу сўзлар оддийгина оҳангда айтилмади, Усоманинг кулоклари бу овоздан жаранглаб кетаёзди. Ахир, ҳазрати Пайғамбаримиз Аллоҳнинг амрини татбиқ қилиш борасида ҳеч ким билан ҳисоблашиб ўтирмасликларини у аниқ билади.

Расули мухтарам Усомага керакли дарсни берганларидан сўнг ўринларидан турдилар. Бу ёғи нима бўларкин, деб қизиқиш ва ҳавотир ичида кутаётган халойиққа қараб, шунадай марҳамат қилдилар:

— Сизлардан илгариги қавмларни халок қилган одат обрўли-шарафли ҳисобланадиганлардан биттаси ўғрилиқ қилганида индамай, бир бечора ўғрилиққа қўл урганида уни жазолаганларидир. Қасамки, бу ўғрилиқни қизим Фотима қилган бўлсайди, мутлақо унинг ҳам кўлини кесардим!

Расулulloх жанобимизнинг бу кескин сўзларига қарши ҳеч ким лом-мим дея олмасди.

Гуноҳкорга керакли жазони бермаслик инсоният бахт-саодатига тажовузни ўз ҳолига ташлаб кўйиш, жамиятнинг айнишларига кўз юмиш демакдир. Расулulloх жанобимиз эса бунақа ишларга бефарқ бўла олмайдилар.

Бу қисқа ва қатъий огоҳлантиришдан сўнг жазо амалга оширилди. Адолат олдида ҳамма тенг экани, жазо беришда шахснинг халқ ўртасидаги мавқеи эмас, адолат асосий мезон бўлиши исботланди.

Ислом тарихида “Фотимаи маҳзумийя” номи билан танилган бу аёл кейинчалик покиза ва тўғри ҳаёт кечиражак ва ора-сира Пайғамбар хотинларининг ёнига бориб, уларнинг билим ва тажрибаларидан истифода этажак.

Жазосини олган одам жамиятдан суриб қўйилмаслигининг ҳам энг гўзал намунаси яна шу хотинга муносабатда, яна Пайғамбар оиласи томонидан берилиши энг чиройли ахлоқ намунасидир.

Расулulloх (с.а.в.) Каъбага кирмоқчи бўлиб, Усмон ибн Талхага калитни келтиришни буюрдилар. Узоқ йиллардан бери Каъба калити доимо шу оилада сақланиб келди. Энди бўлса, Макка забт этилди, ҳаёт батамом ўзгарди, идора навбати Расули ақрамга (с.а.в.) келди. Буюрганлари дарҳол бажарилиши, истаганлари албатта рўёбга чиқиши лозим... Қизик, энди Каъбанинг калити ҳам кўлдан кетармикин?..

Усмон ана шу ҳаёллар билан онаси Сулофанинг ёнига келди. Бир пайтлар Осим ибн Собитни ўлдирганга ёхуд тириклайин келтирганга юз туя мукофот беражагини эълон қилган ва мусулмонларнинг бошига Ражий кудуғи бўйидаги фалокатни олиб келишга муваффақ бўлган бу хотин кўлдан кетган калит иккинчи қайтиб келмайди деб ўйлаб ҳеч бергиси йўқ эди.

Усмоннинг ҳаракатлари натижа бермади, Пайғамбаримиз ҳам кутавериб чарчадилар, остонасига ҳазрати Умар билан ҳазрати Али келишди. Аёл ички кийимларининг ичида сақлаётган калитни кўрсатар, «Олмоқчи бўлган келсин, олсин мендан, ҳарҳолда бу ерга кўлини суқиб олмас», деб оёқ тираб олди.

Охири Усмон, калитни агар бермасангиз, мени ўлдиришади, дебгина олишга муваффақ бўлди ва Расулulloх жанобимизга олиб келди.

— Буни Аллоҳнинг омонати сифатида сизга бермоқчиман, эй Аллоҳнинг пайғамбари, — дея

топширди.

Каъба очилди, Расулуллоҳ (с.а.в.) ичкари кирдилар. Ёнларида Билол, Усома ва Усмон ибн Талха бор эди. Ичкарига бошда ҳеч ким олинмади ва эшик беркитилди. Ташқарида эшик олдида Ҳолид ибн Валид навбатчилик қилиб турди.

Расули мухтарам билан бирга Каъбага кириш орзуида бўлган жуда кўп мўминлар уларнинг чиқишини интиқиб кутишди. Бу кутиш узоқ давом этди. Ниҳоят, эшик очилди. Пайғамбарларнинг буюги бошчиликларида тўрт киши ташқарига чиқишар экан, ичкарига талпинаётганларнинг энг бошида ҳазрати Умарнинг ўғли Абдуллоҳ бор эди. Билолни ушлаб олди ва:

— Расулуллоҳ қаерда намоз ўқидилар? — деб сўради.

Билол кўли билан ишора қилди: «Мана бу ерда». Абдуллоҳ Каъба ичидаги олти устундан учтасини ортда колдириб, ўнг томонида иккита, чапида битта устун бўлган жойга борди ва кўрсатилган ерда намозга турди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) Каъба ичида нима қилдилар?

Бу саволнинг қисқача жавоби бундай бўлиши керак: Аллоҳнинг расули Аллоҳнинг уйида нимани қилиши лозим бўлса, ўшани қилдилар.

Намоз ўқиганлари аниқ - чунки Билол намоз ўқиган жойларини кўрсатди. Эҳтимол, фатҳни насиб этгани учун сўнгсиз ҳамду сано ва шукроналарини тақдим айлагандирлар, вақтни дуо, ниёз ва истиғфор билан ўтказгандирлар.

Ибодатга ўта берилганликда танилган Абдуллоҳ фақатгина Расули акрамнинг қаерда намоз ўқиганларини сўради, бошқа нималар қилганларини сўрашни ҳаёлига келтирмади. Билол ҳам, Усома ҳам, Усмон ҳам бу борада кенгрок маълумот беришмади.

Ҳазрати Аббос фатҳнинг иссиғи Ҳали кетмасидан ҳамда темирни кизирида бос деган гапга амал қилиб, бир таклиф билан чиқди:

— Эй Аллоҳнинг пайғамбари, биласиз, ҳожиларга сув улашиш вазифаси менга топширилган. Каъбани очиш-ёпиш вазифасини ҳам менга берсангиз (яъни, калит ҳам менда турса), яхши бўларди, - деди.

Ҳозир калит кўлида турганида ишни ҳал қилиб олмоқчи бўлди. Усмоннинг пешонасидан совуқ терлар чиқа бошлади. Йиллар давомида оиласига тегишли бўлган бу шарафли вазифа энди кўлдан кетади, шекилли. Қайтиб бу вазифага эришиш ҳақида ўйламаса ҳам бўлади. Набийи акрам (с.а.в.) бу таклифга жавобан: «Ол, эй Аббос, истаганинг шу биргина калитми?» десалар, бу қарорга қарши чиқадиган мард йўк эди.

Аббос Расули акрам жанобимизнинг тирик долган ягона амакилари. Қолаверса, узоқ йиллар илгари бўлиб ўтган бир воқеанинг аччиқ хотираси ҳам Усмоннинг юрагини тимдалаётган эди. Ўшанда бир куни Пайғамбар (с.а.в.) Каъбага келиб, ичкари кирмоқчи бўлган эдилар, аммо Усмон у зотнинг кўкракларидан итариб, киритмаган эди. Набийи мухтарам бу кўпол ҳаракатдан қаттиқ таъсирланиб: «Ей Усмон!- Умид қиламан, бир куни мен Каъбанинг калитини кимга хоҳласам, ўшанга беражагим ҳолатда кўрасан», деган эдилар.

Ўшанда башорат қилинган пайт энди етиб келди. Бугун ҳеч қандай куч буюк пайғамбарга бу ишни мажбурлаб қилдиrolмайди.

Бироқ ҳавотири узоққа чўзилмади. Расули мухтарам жанобимиз:

- Усмон қаерда? - дея сўрадилар.

- Бу ердаман, эй Аллоҳнинг пайғамбари! - деб отилиб чиқди ва икки олам саййидининг ҳузурларига талпинди. Жанобимиз Нисо сурасининг эллик саккизинчи оятини дона-дона қилиб ўқидлар:

«Албатта, Аллоҳ сизларни омонатларни эгаларига топширишга ва одамлар орасида ҳукм қилганингизда адолат билан ҳукм қилишга буюради...» – Сўнгра калитни унга узатдилар: - Эй Усмон, бугун яхшилик ва аҳдга вафо кунидир. Мана, ол калитингни!.. Аллоҳ Байтнинг

калитини омонат ўлароқ доимо сизларда туриши учун беряпти. Аллоҳнинг бу омонатини олинглар. Бу омонатни золим олмаса, бошқа ҳеч ким сизлардан ололмайд! - дедилар.

Усмон бу эркакча ва асл иш қаршисида чексиз даража ҳаяжонга тушди ва энг самимий туйғулар билан ташаккур изхор этди.

Расули акрам (с.а.в.) унга:

- Эй Усмон, сенга бир вақтлар айтган гапим эсингда-ми? - деб сўрадилар.

Усмон бошини эгди:

- Ҳа, эсимда, эй Аллоҳнинг пайғамбари. Узр сўрайман, - деди.

Ҳазрати Али билан ҳазрати Ҳолид ибн Валид (Аллоҳ улардан рози бўлсин) каби нуфузли кўмондонлар Макка атрофи кишлоклардаги ва халқ орасида «хурмат қозонган» бутларни йўқотиш учун юборилдилар. Бутлар бирин-кетин парчаланди. Маккада ҳам, атрофда ҳам бут қолмади.

Қайғули бир воқеа юз берди. Ҳолид ибн Валид Жузайма қабиласига келганида халқ дарҳол қуролланиб, мусулмонларга қарши саф боғлади. Ҳолид ибн Валид:

- Эй Жузайма халқи, қуролларингни ташланглар. Атрофда ҳамма мусулмон бўлди, уруш тугади – деди.

Бу сўз таъсирини кўрсатиб, қуроллар ташланди. Фақат ораларидан бир киши:

- Эй жузаймаликлар, ҳайф бўлсин сизларга!.. Бу келган Ҳолид ибн Валиддир. Валлоҳи, қуролни ташлашнинг охири асирлик, асирликнинг охири эса бошларингизнинг кетиши демакдир. Мен қуролимни ташламайман, валлоҳи, ташламайман! - дея бақирди.

Унинг гаплари халқни ташвишга солди:

- Эй Жаҳдам, нималар деясан ўзи? Қонимиз тўкилшини хоҳлаясанми? Қара, одамлар мусулмон бўлган жанг тугаган, хавфсизлик ва осойишталик ҳукм сурмоқда экан.

Гап укишни истамаган Жаҳдам зўрға бақиршдан тўхтатилди, қуроли ташлатилди. Шу пайт Ҳолиднинг буйруғи билан жузаймаликларнинг қуроллари тўплаб олинди, сўнгра қўллари яхшилаб боғланди. Жузаймаликлар пушаймон бўлишди. Бироқ энди не фойда? Жаҳдам боғланган ҳолда: «Мен сизларга айтмаганмидим?..» дея бақирарди.

Шундан кейин Ҳолид ҳар кимнинг ёнидаги асирини ўлдиршга буюрди. Буйруқни бажарганлар ҳам бўлди, эътироз этганлар ҳам чиқди. Абдуллоҳ ибн Умар, Абу Ҳузайфанинг кули Салим эътироз этганлар орасида эдилар.

Ҳазрати Абдурахмон ибн Авф (р.а.):

- Эй Ҳолид, Исломга киргандан кейин жоҳилият даврининг ишини қиялсанми? - деди.

- Мен сенинг отангнинг учини оляпман.

- Керак эмас, мен илгари отангнинг ўчини олганман. Сен ўзингнинг амакинг Фоқиҳанинг ўчи учун шундай қиялсан...

Ғавго шу тариқа бошланди. Ҳолид Абдурахмонга оғир ҳақоратлар ёғдирди. Бу орада бандиликда эплаб қутулган бир одам Расулуллоҳ жанобимизнинг ҳузурларига етиб келди. Бўлиб ўтган воқеаларни гапириб берди. Аллоҳнинг суюкли пайғамбари дарҳол Али ибн Абу Толибни йўлга чиқардилар. Ёнига кўп миқдорда мол ҳам бердилар. Бироқ ҳазрати Али Жузаймага етиб келганида бўлар иш бўлган эди.

Жузаймаликларга ўлдирилганларнинг фидяси тўланди.

- Фидя олмаганлар қолдимми?..

- Йўқ, эй Али, ҳаммаси ўталди.

- Ундай бўлса, ортиб қолган мана бу молларни ҳам жаноби Расулуллоҳнинг ҳадялари сифатида қабул этинглар.

Моллар ҳаммаси уларга бўлиб берилди.

Расулуллоҳга воқеа тушунтирилди, ҳазрати Абдурахмон билан Ҳолид ўртасидаги можаро ҳам айтилди. Расули акрам Ҳолидга қарадилар:

- Ўзингни бос, эй Ҳолид, саҳобаларимни менга қўй. Қасамки, сенинг Уҳуд тоғича олтининг бўлсаю уларни Аллоҳ йўлида сарфласанг, саҳобаларимнинг бир тонг ёхуд бир окшом юришида олган даражага етолмайсан, - дедилар.

Биринчилардан бўлиб Исломни қабул қилган ҳазрати Абдурахмондай буюкларнинг Аллоҳ ва расули наздидаги қимматини билдирувчи бу муборак сўзлар ҳамда жузаймаликлар бошига солган савдолар ҳақида «Аллоҳим, мен Ҳолид қилган бу ишлардан узокман», дейишлари қаршида Ҳолид эзилгандан эзилди.

- Менинг учун мағфират сўранг, эй Аллоҳнинг расули, - дея олди, холос.

* * *

Бундан буён Маккада на Хубал бор эди, на Уззо ва на Манот... Ҳаммаси ер билан чилпарчин қилинган, булар жонсиз бир нарсалар экани, одамлар бекордан-бекор бу нарсаларга бош эгиб юргани маълум бўлган эди...

Саъд ибн Абу Ваққос акаси Утбанинг васиятини эслади. Бир пайтлар унга: «Замъа ўзига фарзандликка қабул қилган боланинг ҳақиқий отаси менман. Фурсатини топсанг, уни менинг насабимга қўш», деган эди. Саъд ушбу васиятни бажариш учун болани топди. Қўлидан ушлаб, Расулуллоҳнинг ёнларига олиб келди.

- Эй Аллоҳнинг пайғамбари, бу бола акам Утбанинг ўғли. Ҳолбуки, Замъа уни ўз хотиним туғди, дея ўз насабига қўшмоқда. Мен акам Утбанинг васиятини адо этмоқчиман, - деди.

Замъанинг бошқа ўғли Абд гапга қўшилди:

- Эй Аллоҳнинг расули, бу менинг укам. Чунки онам уни Замъанинг ётоғида туккан.

Расулуллоҳ жанобимиз тортишилаётган болага қарадилар. Дарҳақиқат, Утбага ўхшар эди. Бироқ бу ўхшашликнинг ўзи билан қатъий ҳукм чиқариб бўлмасди.

- Бола кимнинг ётоғида туғилган бўлса, униқидир. Зино қилганга маҳрумлик бордир, - деб марҳамат қилдилар.

Бу ҳукм тушунмовчиликка барҳам берди. Муаммо ҳал бўлган, Саъд ибн

Абу Ваққос даъвони йўқотган эди.

Йигитча бундан буён Замъанинг ўғли бўлиб қоладиган бўлди. Айни пайтда Пайғамбаримизнинг хотинларидан Савданинг ҳам укаси эди. Фақат, Набиййи муҳтарам йигитчанинг Утбага ҳам ўхшашлигини назарда тутиб:

- Эй Савда, унинг ёнида ўраниб юр, - дея буюрдилар.

ҲУНАЙН ҚАМАЛИ

Ширк ва куфрнинг маркази ҳисобланган Макканинг қўлга олиниши, арабларнинг энг пешқадам қабиласи мағлубиятни тан олиши, Макка ва атрофидаги бутларнинг батамом йўқотилиши у ҳудуддаги арабларни паришон этди. «Қурайш бу қадар осонликча таслим бўлмаслиги керак эди...» дейишарди улар.

Навбат бошқа қабилаларга келгани аён. Энг яхшиси мусулмонлар ҳаракат бошламасидан тайёргарлик кўриш. Бу қабилалар Қурайш йиллар давомида беролмаган дарсни бу сафар ўзлари бермоқчи бўлишди. «Шундай қилсак, муқаддас ҳудудни қайта қутқарамиз, Каъба яна ўзимизники бўлади», деб ўйлашди.

Шундай ўй ва ҳаяжонда бутун Ҳавозин қабилалари Молик ибн Авф Насрий кўмондонлиги остида тўплана бошлашди. Пайғамбаримизнинг болалик даврлари ўтган Саъд ибн Бакр қабиласи ҳам қўшилиб, ҳавозинликлар йигирма минг кишилиқ қўшин тузишди.

Дарахт шоҳларидан ясалган бир сая (кажава)да олиб келинган тўқсон ёшли чол Зурайд ибн Симма қилични қинидан суғурадиган кучга эга эмас. Юришга ҳам ҳоли йўқ. Бунинг устига, кўзлари кўрмайдиган бўлиб қолган. Бироқ ҳали ҳам эс-хуши жойида. Ҳали ҳам тажрибасидан

фойдаланиши мумкин бўлган шахс сифатида таникли эди.

Ўтирган кажаваси билан бирга туядан туширилди.

- Қаердамиз? - деб сўради.

- Автос водийидамиз.

- Отлар бемалол чопадиган яхши жой. На тошлок, на юмшок бир дара. Қулоғимга келаётган бу овозлар нимаси - туя овози, эшак ханграши, қўйларнинг маъраши ва болаларнинг фарёди?

- Авф ибн Моликнинг буйруғи шундай.

- Ўзи кайерда?

- Шу ерларда.

- Чакириб келинглари уни.

Авф келди. Зурайд сал олдин берган саволини унга ҳам берди.

- Одамларга моллари, болалари, аёлларини келтиришни буюрдим, - деб жавоб қилди Авф.

- Хўш, нимага буни лозим кўрдинг?

- Ҳар кимнинг бор нарсаси орқасида турсин, уларни ўйлаб жон-жаҳди билан жанг қилсин, дедим.

Зурайд бу сўзлардан хушланмаганини ифодаловчи ғалати овоз чиқарди:

- Ҳой эчкибоқар, тор-мор этилган қўшинни тўхтата оладиган куч борми? Агар бу жангда ғалабага эришсанг, қўлида қиличи ва найзаси бор йигитлар билан эришасан. Мағлуб бўлсанг, халқ олдида шармандаи шармисор бўласан. Ҳавозиннинг хотин-ҳалажларини душман отларининг кўкракларига тутиш билан ҳеч нарсага эришолмайсан. Уларни яна ўз уй-жойларига элт, кейин бу янги динлилар билан қаршилаш. Агар ютсанг, орқада қолдирганларинг келиб сенга кўшилади, ютказсанг, улар сени топишади, ҳеч бўлмаса, молинг ва оиланг омон қолади.

Моликнинг жаҳли чиқди:

- Эй Зурайд, сен қариб қопсан. Ақлинг ҳам қарибди. Қасам ичиб айтаман, ё Ҳавозин қабилалари менга итоат қиладилар, ёхуд шу қилични қорнимга тирайманда, учи оркамдан тешиб чиққунча оғирлигимни ташлайман! - деди

Сўнгра ёнидагиларга қаради: - Нима дейсизлар?

- Сенинг буйруғидга бўйинсунамиз. Нима десанг, ўша бўлади.

Зурайднинг ичи сиқди.

- Маълум бўлди, мен урушга кирмайман лекин ташида ҳам қолмайман, - деди. Молик шерикларига буюрди:

- Душманни кўрганларингда қиличларингиз қинларини синдирсин ва ҳаммангиз бирдан хужумга ўтинглар!..

Расули Акрам (с.а.в.) Ҳавозин қабилалари йигирма минг кишилик қўшин тўплаганини эшитиб, уларнинг устига бостириб боришга қарор бердилар. Сафвон ибн Умайяга: «Қайтариб бериш шарт билан бизга бир оз совут берсин, эртага душман билан тўқнашамиз», деб хабар юбордилар.

Бир оз кейин Сафвоннинг ўзи келди:

- Бу совутларни мажбурлаб тортиб оласанми, эй Мухаммад? - деб сўради.

- Йўқ, ориятга оламиз, - дедилар сарвари олам, - яъни, агарда қайтаргунимизча ишдан чиқса, тўлаймиз.

Сафвон бу таклифни қабул қилди. Қурол-яроғи билан бирга юзта зирҳни омонатга берди. Хунайннинг ўтиш жойигача олиб бориб қўйишни ҳам бўйнига олди. Маккадан қўшилган икки минг киши билан қўшиннинг сони ўн икки мингга етди. Юришга буйруқ берилди. Қўшинда ҳали Исломни қабул қилмаган саксонтача мушрик ҳам бор эди. Эҳтимол булар бир чеккада кузатиб туришар, урушга қўшилишмас.

Кенг майдонга ёйилган бунча катта қўшинни кўриб баъзилар: «Бу гал энди енгилмаймиз», дейишарди. Яъни, бизга қарши чиққан ҳар қандай душманни бир ҳамлада тепкилаб ташлаймиз,

демокчи бўлишарди.

Ҳолид ибн Валид Сулайм қабиласига қўмондон этиб тайинланди ва унинг гуруҳи йўлбошчи гуруҳ сифатида вазифа олди. Қўшиннинг қолган қисми унинг орқасидан борадиган бўлди. Ниҳоят ўтиш жойига етиб келишди. Йўл анча ноқулай экан. Шу сабабли қўшин бир неча бўлакка бўлинди. Худди шу пайт кутилмаганда ҳавозинликлар хужумга ўтиб қолишди. Шиддатли бир босқин йўлбошчи гуруҳларни саросимага солиб қўйди. Қоча бошлашди.

Ҳавозинликларнинг қувиши ва олддаги гуруҳнинг қочиши орқада келаётганларга ҳам таъсир қилди. Орқага қарамай қочишга тушишди.

Ваҳоланки, ҳали жиддий бир тўқнашув ҳам бўлгани йўқ.

Абу Суфён кўпсонли қўшиннинг бу қадар қисқа бир вақт ичида бир-бирини уриб-суриб қочаётганини кўриб, беихтиёр: «Шу кетишда булар энди то денгизгача тўхтамас керак», деб юборди.

Яна мушриклардан Калада ибн Ҳанбал тўс-тўпалонни кўргач:

- Бугун сеҳр бузилди, - дейишдан ўзини тиёлмади.

Унинг гапи она бир ота бошқа акаси Сафвон ибн Умайяга оғир ботди:

- Аллоҳ оғзингни йиртсин, валлоҳи, бошимда бир бошқарувчи бўлса, у ҳавозинлик эмас, қурайшлик бўлишини истайман! - деди.

Қўшин издан чиққан эди. Расули муҳтарам «Дулдул» лақабли ҳачирларини олға ниқтадилар. Юганни икки ёндан икки киши тутган, бири амакилари Аббос, иккинчиси катта амакилари Ҳориснинг ўғли Абу Суфён эди. Дулдулни ҳаддан ташқари илгарилаб кетишдан тўсиб туришарди. Вулкондай тошиб бостириб келаётган йигирма минг кишилиқ душман қўшинига қарши Расулulloҳ ёлғиз хужумга ўтишларини улар маъқуллашмаётган эди.

Расулulloҳ жанобимизнинг атрофларида бармоқ билан санокли киши қолди. Ҳазрати Абу Бакр, Умар, Али, Усома, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Аббоснинг икки ўғли Фазл билан Қусом, Умму Айманнинг ўғли Жаъфар ёхуд Рабаиа, Абу Талҳа, Умму Сулайм...

Расулulloҳ (с.а.в.) жанобимиз тўда-тўда бўлиб қочаётган мусулмонларга ҳайкириб: «Мен Пайғамбарман, ёлгон эмад! Мен Абдулмутталибнинг ўғлиман!..» дер, бироқ жон қайғусига тушиб қолган одамлар бу овозга кулоқ солмас эди.

Аллоҳнинг расули ёнларига қарадилар. Амакилари Аббоснинг овози кучли эди. Унга: «Ей дарахт остида Аллоҳнинг расулига сўз берганлар!» деб бақиришни буюрдилар. Аббос бор овози билан Расули акрамнинг айтганларини такрорлар ва: «Бу ёкка келинлар, Аллоҳнинг расули бу ердалар», деб бақирар эди.

Бу овоз таъсирини кўрсатди. Эшитганлар ўзларига келишди, битта-иккитадан бўлиб Расули акрамнинг атрофларида тўплана бошлашди. Бу орада Усайд ибн Ҳузайр авеликларни, Саъд ибн Убода ҳазражликларни чақирди.

Қочганларнинг бир қисми Маккагача етиб борган, мусулмонлар қаттиқ мағлубиятга учрагани хабари шаҳарга ёйилиб бўлган эди.

Абу Суфён сал пайт олдин қўшинни тамом енгилди деб ўйлаганида муболаға қилмаган, йилларча тўплаган уруш тажрибаларидан келиб чиқиб гапирган эди у. Аммо иш у ўйлаганидай бўлиб чиқмади: мусулмонлар қўшинида юз берган парокандаликнинг олди олиб қолинди. Вазиятга Жаноби Мавло аралашганидан Абу Суфён хабарсиз эди.

Абдуззар ўғилларидан Шайба Ҳунаинга Исломга ва мусулмонларга ёрдам бериш учун келмади. Чунки Ухудда отасидан бошлаб орқама-кетин бутун яқинлари ўлдирилган, у ҳам буни унутмаган. Лекин айна чоғда ундан агар «Қайси томон ғолиб келсин?.. Қурайшми, Ҳавозинми?» деб сўрашса, ҳеч ўйланмай: «Албатта, Қурайш ғалаба қозонсин-да!» деб жавоб қилар эди. Бу жангга қурайший бўлгани учун келди ва келишдан мақсади ҳам фақат Қурайш томонида туриб қилич солиш эди, ҳолос.

Қўшиннинг бузилиши Шайбани ларзага солди. Тумтарақай қочиб бораётган бу инсонлар

Қурайшнинг шарафини топташаётган эди унинг наздида. Ҳолбуки, оталари Ухудда биринкетин ўлдирилган, гўё бутун хеш-акрабо сўндирилган эди.

Бирдан иликларигача титраётганини хис килди. Шундай бир тўполон чоғи Муҳаммад ибн Абдуллоҳни ўлдирмаса, қачон яна бунақа фурсат келади? Ҳамма ўзининг жонини ўйлаб қолган онда бу ишни амалга ошириши лозим.

Дарҳол Расулуллоҳ сари юрди. Қараса, ўнг томонларида амакилари Аббос, чап томонларида амакиваччалари Абу Суфён Дулдулнинг ўзангисидан ушлаб туришибди. Яхшиси орқадан бориб уриш, деб ўйлади. Жуда яқин келди. Ораларида қилич солса бўладиган даражада оз масофа қолди. Яна биргина ҳаракат ва у муродига эришади... Ухудда тўкилган конларнинг ўчи олинади... Қилич ҳўвога кутарилди, бироқ ҳеч қутилмаганда Шайба бир зум тўхтаб қолди ва орқага тисарила бошлади.

- Ҳеч шубҳа йўқ, бу одам қўриб турилибди!..

Бу сўзлар унинг оғзидан қўрқув ва дахшатга йўғрилган титроқ билан чиқди. Чунки у қилич кўтарган палла қаршисида лов-лов ёнаётган олов пайдо бўлган эди. Бу шунчаки ҳаёл эмас. Юзини, киприklarини куйдирар даражада мавжудлиги билинаётган бир олов... Кўзларини ҳам қамаштираётган бир олов унга қараб ловуллаб келмоқда. Шайба юзини қўли билан тўсган ҳолда орқага чекинди. Бундан бошқа чораси ҳам йўқ эди зотан!

Ваҳоланки, икки сония олдин бу ерда оловдан асар ҳам йўқ эди.

Шу пайт ҳазрати Пайғамбаримиз орқаларига ўтирилдилар ва:

- Эй Шайба, менга яқин кел! - дедилар.

Бу гаплар айтилиши билан олов кўздан йўқолди. Шайба ҳайрат ичра Жанобимизга яқинроқ келди. У зот (с.а.в.):

- Аллоҳим, шайтонни бундан узоқлаштир!.. – дея дуо қилдилар.

Шайбанинг юрагида чексиз бир муҳаббат пайдо бўлди. Бир дақиқа олдин ўлдиришга қасд қилган инсонини қаттиқ севиб қолди. Шу онда у зот «Ўл» десалар, ҳеч иккиланмай ўла оларди.

- Кани, бўл, эй Шайба, кофирларга қарши жанг қил!

Қурайшга ёрдам бераман деб келган, қулай фурсатдан фойдаланиб Аллоҳнинг расулини ўлдиришга қасд қилган Шайба энди Аллоҳ розилиги учун олдинга отилди. Кейинчалик хотираларини гапириб берар экан: «Қаршимдан отам чиқса ҳам, у билан жанг қилишдан тоймайдиган ҳолатда эдим ўшанда», деган эди*. (Ибн Ҳошом, 4/87; Ибн Касир, 3/632).

Қизил туя устида қора байроқ кўтарган бир одам зинликларни бошлаб келаётган эди. Ҳазрати Али отилиб бориб, туянинг орқа оёқларига қилич солди. Туя орқаси билан чуқиб қолди, устидаги одам ерга думалади. Энди тураман деганида тепасидан тушган иккинчи зарба билан ҳаёт дафтари ёпилди. Қилич солган эса Уккоша эди.

Бу ходиса ҳавозинликларни ташвишга солди. Туя устида музаффар қўмондон каби савлат тўкиб турган одамнинг бирпасда ишини битирган икки мард ўғлон энди уларга ташланди, бошқа бир гуруҳ уларга ёрдамга югурди.

Қочаётган гуруҳлар тўхтаб тўпланишди ва ҳавозинликларга қарши шиддатли ҳужумга ўтишди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) уловларининг ўзангисига оёқларини тираб эгардан турдилар, жанг майдонига назар солиб:

- Мана энди тандир қизиди, - деб марҳамат қилдилар.

Абдуллоҳ ибн Масъуддан ердан бир ҳовуч тупроқ олиб беришни сўрадилар. Сўнгра уни душманга томон сочар эканлар, «Юзлари қора бўлсин!» дер эдилар.

Бу тупроқ душманларга бориб тегди, ичларини қўрқувга тўлдирди. Кейинроқ мусулмон бўлган Язид ибн Омир исмли бир шахс ўша кунги хотираларини гапириб бераркан: «Кимни учратсам, ёнидаги шеригига бошларига тушган мусибатдан шикоят қиларди», дегани тарихларда битилгандир.

Абу Қатода қараса, иккита одам урушишяпти. Бири мўмин, иккинчиси мушрик. Шу пайт

учинчи киши пайдо бўлиб, мусулмонни ўртага олишди. Икки томондан хужум қила бошлади.

- Мана бу инсофдан эмас!.. - деди Абу Қатода ва сапчиб бориб кейин келган мушрикка қилич солди. Мушрикнинг бир қўли узилиб тушди. Кесик жойдан тирқираб

қон отила бошлади. Бироқ у одам ҳам осонликча жон берадиганга ўхшамасди. Туйқус Абу Қатодага ташланиб, бир қўли билан томоғидан ушлаб олди ва жон-жаҳди билан буға бошлади. Шундай урдики, Абу Қатода, энди ўлдим, деди; зимистон бир оламга кирди гўё, ҳеч нарсани кўрмай, эшитмай қолди. Яна бир неча сония шу бўғишда турганида бўғзидан фақат жон чиқиши мумкин эди. Бироқ мушрик қон йўқотган сайин дармонсизланиб, омбирдай қисилган бармоқлари бўшай бошлади. Ниҳоят, ерга қулади. Ҳозиргина кўзлари олдида учкунлар учиб юрган Абу Қатода қайтадан дунёга келгандай бўлди. Иккинчи бор қиличини кўтариб, рақибига солди ва ҳаётига нуқта қўйди. Сўнгра уни шу ерда қолдириб, яна жанг майдонига отилди. Унинг орқасидан маккалик бир киши келиб, ўлдирилган ҳалиги мушрикнинг кийими билан қуролини олиб кетди. Бошқа томонда Абу Талҳа ўша куни йигирма кишини нариги дунёга жўнатди: Энди мусулмонлар зарба бера бошлашди, жангни роса қойиллатишди ўзиям. Қочиш навбати ҳавозинликларга келди ва улар тўда-тўда бўлиб қочишга тушдилар. Расулulloх жанобимиз жанг майдонини айланиб чиқаётиб, бир аёлнинг жасадига кўзлари тушди.

- Уни ким ўлдирди? - деб сўрадилар.

- Ҳолид ибн Валид, - деб жавоб қилишди.

- Тез унга боргинда, Аллоҳнинг расули сенга бола, хотин ва қуларни ўлдиришни ман қилдилар деб айт!

Саҳоба Ҳолидни излаб кетди.

Расулulloх (с.а.в.) қочганлар орқасидан Абу Омир Ашъарийни юбордилар. Автос водийида қайтадан тўқнашувлар бошланди.

Абу Омир майдонга чиққан одамни олдинига Исломга чақирди. Қабул қилмагач, олиша кетди. Ниҳоят Абу Омир: «Аллоҳим, бу одамга қарши шоҳид бўл», дея бир солган эди, рақибни ўлди.

Кейин унинг ўчини олишга бирин-кетин чиққан тўқкиз ака-укани ҳам айна шаклда ер тишлатди. Унинг ука чикди. У ҳам мусулмонликка чақирилди, бўлмади. Шунда Абу Омир:

- Аллоҳим, бунга қарши ҳам шоҳид бўл! – дея ҳамла қилди.

Рақибни:

- Аллоҳим, менга қарши шоҳид бўлма! - дея хайкириб юборди. Абу Омир уни ўлдиришдан воз кечди ва у қочиб кутулди...

Кейинчалик бу мушрик Исломни қабул қилди ва Расулulloх (с.а.в.) уни кўрсалар: «Мана у, Абу Омирдан қочиб кутулиб қолган одам», деб ҳазиллашар эдилар.

Бу орада Алаъ ва Авфо исмли икки ака-ука бараварига ёй тортиб, бири Абу Омирнинг кўксига, иккинчиси тиззасига ўк санчишди. Абу Омир салгина олдин ўзи ер тишлатган рақибларининг ёнига йикилди.

Унинг яраланганини узокдан кўриб қолиб, Абу Мусо югуриб келди. Амакисининг аҳволи оғир эди. Дарҳол унга ўк отганларнинг изига тушди. Биттаси жанг майдонида у ёқдан-бу ёққа қочиб юарди.

- Қочишга уялмайсанми, эй номард?! - дея бақирди.

Одам тўхтади. Орқасига қайтиб, Абу Мусога ташланди. Бир неча зарбадан сўнг Абу Мусо амакисининг ўчини олди. Сўнгра Абу Омирнинг олдига келиб:

Аллоҳ душманингдан ўч олишимни насиб этди, - деди.

Шу ўқни суғуриб ташла, - деди Абу Омир.

Абу Мусо ўқни суғуриб олди. Ярадан иликка ўхшаш бир суюқлик окди.

- Эй акамнинг ўғли, Расулulloхга мандан салом айт ва менга мағфират тилаб дуо қилишларини сўра. Мен тугадим, шекилли. Сени ўрнимга кўмондон этиб тайинлайман, - деди.

Сал ўтмай жони узилди. Раҳмат фаришталари хамроҳлигида ўткинчи дунё билан видолашди.

Жанг давом этарди. Бир мусулмон йигит устига кажава юкланган туяни кўриб қолди. Келиб, кажавани ағдарган эди, ичидан ниҳоятда қари бир одам чиқди. Кўзи кўр, ҳаракатланишга ҳам мажолсиз бу одам Зурайд ибн Симма эди.

- Мени нима қилмокчисан? - деб сўради йигитдан.

- Улдираман...

- Кимсан?

- Сулайм ўғилларидан Рабиънинг ўғли Рабаиа бўлман, - деди-да, кутиб ўтирмасдан қилич солди. Бирок бу билан иш бита қолмади.

- Ҳайф сенга, - деди чол, - онанг сени яхши қуроллантирмабди. Менинг қиличимни олиб ур. Онангнинг ёнига борганинда эса Зурайд иби Симмани ўлдирганини айт. Валлоҳи, сенинг оиланга тегишли аёллардан нечтасини вақтида мен қўриқлаганман, ҳимоя этганман.

Кейин қария ёшлигини, қандай қилич уришларини эслади ва йигитга ўшанақа уриш кераклигини ўргатди. Ўзининг қиличи билан ва ўргатгани бўйича зарба еб, ҳаётдан кўз юмди.

Жанг тугади, жуда кўп асир ва ўлжа қўлга киритилди. Абу Мусо Ашъарий Расулulloх жанобимизнинг хузурларига келди.

- Эй Аллоҳнинг пайғамбари, амаким Абу Омир шаҳид бўлди. Сизга саломини етказишимни ва гуноҳларини кечиринини Аллоҳдан сўраб дуо этишингизни илтимос қилди, - деди.

Расулulloх жанобимиз сув истадилар, таҳорат олдилар, кейин қўлларини дуога очиб:

- Аллоҳим, Абу Омирни кечир, Аллоҳим, қиёмат куни унинг мартабасини яратганларининг кўпидан устун қил!.. - деб ёлвордилар.

Муборак қўлтиқларининг ости кўринар даражада қўллари кўтарилган эди. Абу Мусо бу қулай фурсатни бой бергиси келмади:

- Эй Аллоҳнинг пайғамбари, менинг учун ҳам мағфират сўрай қолинг, - деди.

Бу истак ҳам рад этилмади:

- Аллоҳим, Абдуллох ибн Қайснинг ҳам гуноҳларини кечир. Қиёмат куни уни мукаммал иззат-икром қилинажак манзилга олиб кир...

Абу Мусо учун бу дуо дунёдан-да, дунёдаги бутун борлиқдан-да қимматли

ва азиз эди. Бу жангдан у олган энг катта ўлжа мана шу дуо бўлди.

Молик ибн Авф Автос водийидан қочиб, кўп сонли аскар билан бирга Тоиф қалъасидан паноҳ топди. Дарҳол қалъанинг очилиб қолган жойлари беркитилди, қулаган жойлари тузатилди, дарвозалари ёпилди.

Қария Зурайднинг жангдан олдин қилган тавсиялари ҳозир Моликнинг қулоқлари остида жаранглай бошлади. Ўшанда «Алжираб қолган чол» деб бекорга камситган экан, мана энди ўша одам энг тажрибали ва энг ақлли бўлиб чиқди. Ҳайҳот, энди виждон азобидан фойда йўқ: қўшин тарқаб кетди, қанчадан-қанча хотину бола-чақа асир тушди, неча йиллар давомида минглаб киши топган водий тўла мол бир умрга қўлдан чиқди. Тажрибасизлик ва гапга қулоқ солмаслик унинг юзига жуда аламли тарсаки бўлиб тушган эди.

ШАЙМО

Набиййи ақрам (с.а.в.): «Мабодо Наждни топсаларинг, қочирмасликка ҳаракат қилинглар», деган эдилар.

Ниҳоят Нажд ушланди. Бани Саъд қабиласидан бўлган бошқа асирлар билан бирга Жиърона сари олиб кетила бошланди. Асирларга қилинаётган қаттиқ муомалага бир аёл эътироз билдирди.

- Билиб қўйинглarki, валлоҳи, мен сизларнинг пайғамбарларининг эмиқдош опасиман, -

деди.

- Қани, йўлингдан қолма, сен кимсан ўзи? - дейишди унга.

Бирок аёл Расулуллоҳнинг (с.а.в.) хузурларига келганида иддаосини такрорлади:

- Эй Аллоҳнинг пайғамбари, мен сенинг эмикдош опанг бўламан.

Орадан эллик олти йил ўтган, бу муддат ичида «опа-ука» ҳеч кўришишмаган.

- Эмикдош эканингни тасдиқловчи бирор далилинг борми?..

Бу гапдан сўнг олтмиш ёшли аёл елкасининг орқа қисмини очди:

- Мана бу из, - деди. Кейин кўшиб қўйди: - Елкамда кўтариб юрганымда сен тишлаб олган эдинг.

Расулуллоҳ (с.а.в.) икки-уч ёшларида юз берган воқеани опалари Шаймода қолган изни кўргач эсладилар, бошқа савол бермадилар.

Эгниларидан хирқаларини ечиб, ерга тўшадилар. Шаймони унга ўтирғиздилар. Энг хурматли инсонларга шундай муомала кўрсатиларди. Ярим асрдан кўпроқ айрилиқдан сўнг опанинг ҳол-аҳволини сўрадилар, кўнглини кўтарадиган гаплар қилдилар. Бирга ўтказган у тотли кунларни эшлашди. Сўнгра унга:

- Нима хоҳласанг, шу бўлади, хурматингни сақлаймиз: истасанг, ёнимда қол, иззат-икром ичида ҳаётингни давом эттир, истасанг, мол берайин, ватанингга юборайин, - деб марҳамат қилдилар.

Шаймо иккинчи таклифни танлади.

- Мени ўз юртимга қўйиб юбор, - деди.

Эҳтимол, у ерда болалари, эри бордир. Кўнгли у тупроқларга исинган, олтмиш йилдан бери яшаб ўрганган ватанидан ажралса, ҳаловатини йўқотар балки.

Унинг бу орзуи амалга оширилди. Жийронагача асир бўлиб келган эди, бу ёғига иззат-икром билан кузатиб қўйилди. Ҳизматига битта қул билан иккита чўри берилди, қўй ва туялар совға қилинди.

Шаймо бу ажойиб фурсатдан янада чиройлироқ фойдаланса бўлмасмиди? Қолган умрини оламларга раҳмат қилиб юборилган Пайғамбарнинг ёнида, бунинг устига, «Пайғамбар опаси» бўлиб иззат-хурмат ичида ўтказса бўлмасми-ди?.. Пайғамбаримиз ҳатто эгниларидаги кийимларини тўшаб сийлаб турганларида, эркак-аёл барча мўминлар уни хурмат қилишмасмиди?

Бирок Шаймо бунақа бир топилмас фурсатни икки чўри билан қўлга, бир нечта қўй ва туяларга қаноатланиб, бой берди. Дунёлар бериб сотиб олиб бўлмайдиган саодатнинг кадрини билмади.

Расулуллоҳнинг Шаймо билан топишишларига сабаб бўлган ҳодиса чоғи қўлга тушган ва қочирилмасин деб тайинланган Нажднинг кейинги тақдири нима бўлди? Бу ҳақда маълумотимиз йўқ.

Қўшин Тоиф устига юриш амрини олди.

Қалъага яқинлашишганида мусулмонларни ёмғир каби ёғдирилган ўқлар кутиб олди.

Қалъа рўпарасига қароргоҳ кўрилди. Расули акрамга бу сафарда ҳамроҳ бўлиш бахтига эришган Умму Салама ва Зайнаб оналаримизнинг чодирлари ёнма-ён тикланди. Набийи акрам жанобимиз намозларини бу икки чодирнинг орасида ўқир эдилар.

Икки томондан ўқ ва тошлар отилиб, уруш бошланди.

Салмои Форсийнинг таклифи билан тошотар ясашди ва қалъага шу мослама билан тош ёғдиришди. Баъзи жангчиларқ қалъа деворларига чиқишга уринишган эди, тепаларидан мушриклар қиздирилган темир билан қўйдириб, шахид қилишди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) атрофдаги тоқзорларни кесиб ташлашга буюрдилар. Қалъадагилар буни кўриб:

- Қўйинглар узумларни! Бизни тенгсаларинг, ўзларингга қолади, кетсаларинг, биз

фойдаланамиз! - дея бакиришди.

Қалъада узок вақтга етгулик озик-овқат жамланган, камал бир неча ой чўзилса ҳам, дош бера оладиган даражада эди.

Бир куни Ҳолид ибн Валид сал олдинга чиқиб, қалъа деворларида акс-садо бергулик баланд овозда:

- Йигитчасига олишадиган эркак борми, чиқсин! Солишайлик! - деб бакирди.

Жавоб бўлмади. Ҳолид истагини иккинчи, учинчи бор такрорлади.

Шунда қалъа минорасидан бир одам:

— Эй Ҳолид, бизда сен билан уруша оладиган, куч синашадиган йигит йўқ. Бунинг устига, бизнинг бир неча ойга етадиган озик-овқатимиз борлигини ҳам биласан. Тугагунча кутсанг, ўшанда ҳаммамиз қилич яланғочлаб чиқамиз ва ўлгуниimizча жанг қиламиз. Хозир эса ишингни қил, - дея бакирди.

Амр бўлди, қалъадагилар эшитадиган даражада баланд овоз билан бир гап эълон қилинди:

- Қалъадан чиқиб хузуримизга келган қуллар озод этилади!..

Бу эълон тез таъсирини кўрсатди. Қул эгалари қаттиқ чора-тадбирлар кўришди. Шунга қарамай, озодлик лаззатини соғинган ва қулай фурсатини пойлаб юрган қуллар биттадан-иккитадан бўлиб қочиб чиқа бошлашди. Жами сонлари йигирма биттага етди. Булардан бири Нуфай ибн Масруҳ қалъа деворларидан бир ғалтакка осилиб тушди.

Бу инсон келажакда жуда самимий бир мусулмон бўлиб яшайди. Асл исми ҳам унутилиб, ўртоқлари орасида «Абу Бакра» (Ғалтакча отаси) лақаби билан танилади.

Фазора қабиласининг раиси Уяйна ибн Ҳисн бир таклиф киритди:

- Эй Аллоҳнинг расули, изн берсангиз, сақифликлар билан кўришиб, уларга насихат қилайин.

Таклиф қабул этилди. Уяйна олдинга чиқди:

- Ҳўп десаларинг, олдиларингга бораман, бир гаплашиб олсак... - деб бакирди қалъа томонга қараб.

- Келишинг мумкин, - деб жавоб қилишди у ёқдан.

Эшик очилиб, ичкари кирди. Бир муддат қалъада қолди, гаплашди, сўнг қайтиб чиқди.

- Эй Аллоҳнинг пайғамбари, уларга Исломнинг буйруқларини ва қайтарикларини тушунтирдим. Жаннат ва дўзахдан гапирдим. Бундан аввал Қайнуқў, Назир ва

Қурайза яхудийларининг бошларига келган ишлардан хабар бердим. Уларни қўлга олмасдан туриб бу ердан жилмасликка қарор қилганингизни айтдим. Хозиргача ўзларини кучли хисоблаганлар заифлашганини, ҳору зор бўлганини тушунтирдим... Лекин улар менга кулок солишмади, гапларимни тинглашмади, - деди.

Сарвари коинот (с.а.в.) унинг сўзларини бўлмай, охиригача эшитдилар.

Сўнгра:

- Ёлғон сўйлаяпсан, эй Уяйна, сен уларга бу сўзларнинг бирортасини ҳам гапирмадинг!.. - дедилар.

Уяйна бирдан ўзини йўқотиб қўйди. Уятсизларча Пайғамбаримизга термулди. «Унда нима дебман уларга?» демоқчи бўларди гўё.

Фаҳри коинот дона-дона қилиб гапира бошладилар:

- Сен уларга: «Чиданглар, Муҳаммад бугунгача сизларга ўхшагани билан тўқнашган эмас. Қалъангиз кучли, озуқангиз эса мўл. Бу вазиятда улар сизга ҳеч нарса қилишолмайди. Кесилган дарахтлар учун эса кўп ҳам куюнаверманглар...» дединг.

Уяйна эътироз билдиролмай қолди:

- Рост гапирдингиз, эй Аллоҳнинг пайғамбари, бу ишимдан пушаймонман. Аллоҳга тавба қиламан... - дейишдан бошқа чора тополмади.

Ҳазрати пайғамбаримиз унга: «Яна ёлғон сўйладинг... ҳали ҳам ичингда нифоқ ўти лов-лов

ёнмоқда!» демасдилар. Айни чоғда, ҳазрати Умарнинг:

- Эй Аллоҳнинг расули, руҳсат беринг, шу одамнинг бўйнини узиб ташлайин! - деган таклифини ҳам қабул қилмадилар.

- Унда теваракдагилар: «Муҳаммад асхобини ўлдиряпти...» каби миш-мишларни айтиб юради, - дедилар.

Уяйна тарбиясизларча содир этган бу ишдан осонликча қутулганига хурсанд бўлди. Аслида, у жаноби Расулulloҳнинг асхобидан ва дўстларидан эмасди. Бу кўшинга ҳам Аллоҳ розилиги учун кўшилмади. Ўлжа олиш ва Сақиф қабиласи аёлларидан унга ўғил фарзанд туғиб берадиган бир чўри олиш дардида бу сафарга кўшилганини кейинчалик бир оз кўпол ифодалар ила очиқ-ойдин ва қасам ича-ича айтиб берган*. (Ибн Касир. “Сияр”, 3/662)

Келажакда, Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) вафотларидан кейин Исломдан қайтган қабилалар орасида Уяйнанинг қабиласи ҳам бўлади. Ёқаланиб, халифанинг хузурига келтирилади:

- Кесинг бу одамнинг бошини! - деган амр берилганида, Уяйиа:

- Эй Абу Бакр, сенинг ўртоғинг мунофиқлигимни билатуриб мени ўлдирмаган эди. Сен ҳам ўлдиролмайсан, - дейди. Шунда ҳазрати Абу Бакр Пайғамбаримизнинг унга кўрган чораларини эслаб, кўйиб юборади.

Неча кунлик қамал бирор натижа бермади. Онда-сонда отилган ўқлардан икки томон ҳам талофат кўрди. Расулulloҳ (с.а.в.):

- Эй Абу Бакр, тушимда қаймоқ тўла бир товоқ ҳадя этилди. Бир хўроз у товокни чўқилади ва ичидагини тўкди,- дейишлари билан ҳазрати Абу Бакр:

- Эй Аллоҳнинг расули, бу сафар ғолиб келишимизга кўзим етмаяпти, - деди.

Расулulloҳ жанобимиз ҳам унинг гапини тасдиқладилар:

- Бу ғалабанинг рўёбга чиқишига менинг ҳам кўзим етмай турибди.

Шу пайт марҳум Усмон ибн Мазъуннинг хотини Ҳавла келди:

- Эй Аллоҳнинг расули, агар фатҳ насиб этса, Бадианинг ёхуд Фориганинг зеб-зийнатларини менга беринг, - деди.

Пайғамбаримиз унга:

- Эй Ҳавла, Сақиф фатҳига изн берилмаган бўлса ҳам-а? - деб жавоб қилдилар.

Ҳавла у ердан кетди. Ҳазрати Умарни кўрди. Расули ақрам (с.а.в.) билан бўлган суҳбатни айтиб берди. Ҳазрати Умар тўғри Пайғамбаримизнинг ёнларига борди:

- Эй Аллоҳнинг пайғамбари, ҳозиргина Ҳавлани кўрдим, унинг айтишича...

- Ҳа, у гапни мен айтдим, - дедилар ва Умарга ҳам тушларини сўзлаб бердилар.

- Яъни, бу сафар фатҳ учун йўл йўқми? – деб сўради Умар.

- Ундай бўлса, орқага қайтиш ҳақида эълон қилинадими?

- Ҳа...

Бир оздан сўнг кўшинга эртага тонгда орқага қайтиш эълон этилди. Лекин бу эълон ҳеч кимни севинтирмади. «Шунча овора бўлиб келиб, қалъани фатҳ қилмай қайтамизми?» дейишарди. Бу эълонни эшитиб Сайд ибн Убайд ҳатто

- Аммо сақифликлар ўша-ўша туришибди (ҳали биз уларга бир нарса қила олмадик ҳам)! - деб юборди. Уяйна ибн Ҳисн кўшилди:

- Яна шон ва шараф билан...

Ўша атрофдаги бир киши сўзга кўшилди:

- Аллоҳнинг қаҳрига учрагур, эй Уяйна! Расулulloҳнинг даъватларини қабул этишмади, қарши чиқишди, деб мақтаяпсанми уларни?! Ваҳоланки, сен бу ерга жаноби Пайғамбаримизга ёрдам бериш учун келгансан-ку!

Уяйна бу гапга эътироз билдирди:

- Валлоҳи, мен сизлар билан бирлашиб сақифликларга қарши жанг қилишга келмадим. Муҳаммад Тоифни фатҳ этсину мен Сақифдан бир чўрига эга бўлай, уни қўйнимга олай, зора у

менга бир ўғил туғиб берса, деб келдим. Чунки сакифликлар зукко бўлишади. Истагим бу эди.

Хуллас, қайтиш эълони ҳеч кимга ёкмаганини кўргач, Пайғамбаримиз кўчиш вақтини кечиктирдилар. Қалъага бир шиддатли хужум уюштирилди. Бунга яраша қалъадан ҳам жавоб бўлди. Қанча одам шаҳид тушди, яна қанчаси яраланди. Шундан кейин ҳалиги эълон яна бир бор жар солинди «Ертага орқага қайтилади. Қамал тўхтатилди!..»

Бу гал энди норозилик сезилмади, қайтага хурсанд бўлишди. Расули ақрам (с.а.в.) бу хурсандликни кўриб, кулимсирадилар. Бу кулимсирашда «буйрғимга кулоқ солганларингда, жонларинг бунча қийналмасди», деган маъно бор эди.

Ҳазрати Абу Бакрнинг ўғли Абдуллоҳ яраланган, Умму Салама онамизнинг укаси Абдуллоҳ ибн Абу Умайя билан Ҳолид ибн Саиднинг укаси Сайд шаҳид бўлишган эди.

Умму Салама бир ёқда укадан айрилиқнинг дардини чекса, иккинчи ёқда охиратга шаҳид йўллашнинг севинчини туярди. Ахир ҳозир шаҳид бўлган бу йигит бир пайтлар Пайғамбаримизга: «Кўз ўнгимда осмонга чиқиб, у ердан менинг имонга келишим учун васика олиб тушсанг ҳам, валлоҳи, барибир сенга ишонмайман!» деган эди.

Ортга қайтила бошланди, асирлар билан ўлжа моллари қолдириб келинган Жиъронага томон йўлга чиқилди.

Абу Рухм Рифорий туяси устида кетаётган эди. Бир пайт туяси Расули ақрамнинг туяларига теккудек даражада яқин келиб қолди. Шунда оёқ кийими жаноби Пайғамбаримизнинг оёқларига қаттиқ тегиб кетди. Жонлари оғриб, унга бир қамчи урдилар ва:

- Оёғингни ол, зиркиратвординг! - дедилар.

Абу Рухм ўзидан ҳафа бўлиб кетди. Расулуллоҳга (с.а.в.) озор беришни ҳеч қачон ҳаёлига келтирмаган эди, ахир. Бир онда ўтмиши ҳам, келажаги ҳам қуйиб кетди гўё. Ҳаққида Куръон ояти тушишидан кўрка бошлади.

Ора-сира ўзига ўзи: «Онанг сендан айрилсин, Абу Рухм. Мана, Пайғамбарга озор бердинг, шундан кейин ҳам тепангдан раҳмат ёғилишини кутяпсанми», дер эди.

Зотан, Куръони каримда: «Аллоҳга ва расулига азият берувчилар бор... Уларни Аллоҳ дунёда ва охиратда лаънатлади, уларга аламли бир азоб тайёрлади», дейилмаган-ми?

Абу Рухм шуларни ўйлар экан, ич-етини ер эди...

Бир тепалиқдан инишаётганида Пайғамбаримизга бир қўл узанди. Қўлда бир суяк бор эди. Русулуллоҳ бу қўл эгасига диққат билан қарадилар: ҳижрат йўлчилигининг оғир кунлари кўз ўнгларига келди. Бу одам у зотни тутиб Қурайшга топшираман деб орқаларига тушган, бироқ отининг оёқлари қумга ботиб қолавергач, омонлик сўраган Суроқа эди. Қўлида ўша омонликнома битилган суяк.

- Эй Аллоҳнинг пайғамбари, танидингизми мени? Ҳижрат пайти менга омонликнома берган эдингиз. Суроқаман...

Расулуллоҳ унга:

- Эй Суроқа, бугун ўша ваъда бажариладиган, яхшилик қилинадиган кундир, - деб марҳамат қилдилар ва атрофларидагиларга ўғирдилар. - Уни менга ўтқазиб юборинглар.

Суроқа келди, шаҳодат калималарини айтиб, мусулмон бўлди.

- Эй Аллоҳнинг пайғамбари, баъзан йўқолган туялар келади, уларни ҳовузимда суғораман. Булардан менга ажр-мукофот бўладими?

- Ҳа, ҳар жонлик учун мукофот бор.

Энди Суроқа юртига хурсанд қилинган ҳолда қайтажак. Саккиз йилдан бери муқаддас бир омонат сифатида сақлаб келган суяк парчаси ҳақиқатан баҳосини кўрсатди: энг қийинчилик онлари берилган сўз энг катта имконларга эга бўлинган пайтларда мақбул кўрилди ва эгаси рози қилинди.

Энди бир бадавий Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) олдиларидан тўсиб чиқди:

- Қани менга берган ваъданг? Қачон адо этасан? - деб сўради.

Ҳеч нарса тушунмайдиган, гап укмайдиган, сабрни ҳам билмайдиган кўпол, одобсиз бадавий Жийроиага боргунча ҳам чидамаётган эди. Ҳолбуки, асирлар ҳам, ўлжалар ҳам ўша жойда турганию тақсимот ҳам ўша жойда қилинишини ҳамма қатори бу бадавий ҳам биларди.

- Сенга бир хушхабар бор...

- Кўп бўлди хушхабарлар!..

Бу муомала ҳеч қанақа тарбия чегарасига сиғмас эди. Оламларга раҳмат қилиб юборилган Пайғамбарга бунақа муомала қилиш ҳуқуқи ҳеч кимга берилмаган эди. Расулulloҳнинг (с.а.в.) кўнгиллари ранжиди. Ёнларида Абу Мусо Ашъарий билан Билол (Аллоҳ улардан рози бўлсин) боришаётган эди, уларга хитоб қилдилар:

- Бу одам муждани қабул этмади, сизлар қабул қилинглар.

Бу илтифотни иккала саҳоба ҳам қатта хурсандчилик билан кутиб олишди. Севинч безаган бир оҳангда:

- Қабул этдик, эй Аллоҳнинг пайғамбари! – дейишди бараварига.

Расулulloҳ сув истадилар. Бир идишда олиб келишди. Қўлларини, юзларини ювдилар. Сўнг оғизларини чайқадилар.

- Бу сувдан ичинглар, юзларингга, кўксиларингга суртинглар, - деб марҳамат қилдилар.

Абу Мусо билан Билол сувни олишди. Шу пайт туя устидаги ёпиқ кажавадан бир аёл овози эшитилди:

- Бу сувдан оналарингга ҳам пича қолдиринглар...

Овоз мўминларнинг онаси Умму Саламаники эди. Ҳар куни Расули акрам билан бир дастурхонда ўтирадиган, битта идишда овқат ейдиган, битта идишда сув ичадиган бу бахтли инсоннинг яна бу сувдан ҳам озгина исташи ғаройиб иш бўлиб туюлмаслиги керак. Чунки ҳозир Набийлар сарвари дарё каби жўшиб-тошган илоҳий раҳматдан буюк насибалар улашаётганларига шубҳа йўқ эди. У зотни оламларга раҳмат улароқ юборган Улуғ Мавло хоссатан мана шунақа бир пайтда у зот воситаларида ақлга ҳам, ҳаёлга ҳам сиғмайдиган мукофотларни улашишга қодир эди.

Бироқ кимлардир у бадавий каби, нақд келиб турган бу неъматни оёқости қилди, кимлардир буни ҳаётидаги энг қатта бахт деб билди.

Аллоҳим, у сувдан ичганларнинг хурмати юзасидан у сувдан ичолмай армонда қолганларга ҳам насиба улашишга, албатта, қодирсан сен!..

Абу Рухм шу куни умрининг энг азобли кечасини ўтказди ўзиям. Эрталаб ҳайвон боқиш навбати унга келган эди. Уларни олдига солди. Сурув орқасидан судралиб бораркан, тавридан дунёси қулаган одамга ўхшарди. Яна ора-сира: «Онанг сендан ажралгур Абу Рухм, пайғамбардек зотга азият етказдинг-а!» деб ўзини қойиб қўярди.

Қанча вақт ўтганини билмайди, тўсатдан нафас олиб-олмаётганини сезмай қолди. Юраги хонасидан чиққудек бўлиб урарди. Чунки:

- Расулulloҳ сени сўраяптилар! - деб қолишди.

Нима қиларини билмас ҳолда сарвари оламнинг (с.а.в.) хузурларига чопқиллади.

- Мени йўқлабсиз, эй Аллоҳнинг пайғамбари...

Ва бирдан энгил нафас олди. Чунки Набийи акрамнинг муборак юзларида фақат қулимсирашни кўрди.

- Кеча менинг оёғимга тегиниб жонимни оғритдинг, мен эсам сенга бир қамчи урдим. Шу урганимнинг эвазига сенга мана бу қўйларни ҳадя этаман, - деб марҳамат қилдилар.

Абу Рухм қулоқларига ишонмасди. Озор етказгани учун жазо кутиб турганида бир сурув қўй билан мукофотланиш, албатта, инсонни ҳайрон қолдиради-да! Бошқа бировдан бунақа муомала қутилмайди, лекин Абу Рухмнинг қаршисида Аллоҳнинг расули турардилар!

Бошини ўғирди. Қўйларга қаради. Бир қарашда саналадиган даражада озмасди. Энг мухими, Расули акрамнинг ундан хушнуд эканликлари кўриниб турибди.

- Ташаккур сизга, эй Аллоҳнинг пайғамбари, - деди.

Бир оздан кейин Абу Рухм роса саксонга кўйнинг эгаси бўлганини билди.

Жиҳронага ҳам етиб келишди, аммо Расулуллоҳ (с.а.в.) бир неча кунгача ўлжа тақсимотини қилмадилар. Ҳавозинликларнинг келиш эҳтимоллари бор, келишса, мусулмон бўлишса, асирлар ва ўлжалардан уларга алоҳида берилиши мумкин эди.

Ўн кун кутишди ҳам, ҳавозинликлардан дарак бўлмади. Ниҳоят, ҳазрати Пайғамбаримиз ўлжа молларини тарқатдилар. Яёвларга тўрт туя, отликқа ўн икки туя берилди. Биттадан кўп оти борга ҳам шунча. Сўнгра асирлар ҳам бўлиб берилди.

Ўлжа тақсимотида кўпчилик тушунмаган ишлар ҳам юз берди. Масалан, Сафвон ибн Умайя ҳеч ҳаққи бўлмагани ҳолда бирдан юзта туялик бўлиб қолди. Ваҳоланки, у урушга фақатгина томошабин бўлиб катнашди, ҳатто қиличини қинидан чиқармади. Қолаверса, ўзи мусулмон ҳам эмас. Бир мусулмондан кўп ўлжа олиши у ёқда турсин, умуман олмаслиги керак эди.

Ахир, бу ёқда жонини тикиб, энг самимий ниятда жанг қилган, вужуди қонга ботганлар бор. Неча йиллардан бери Аллоҳнинг дини ва Аллоҳнинг элчиси йўлида кўксини қалқон қилган, не-не азоблар тортиб, ҳаётини Аллоҳ розилиги ва Расулуллоҳга хизмат учун ўтказган инсонлар...

Ана, Абу Суфён, у ҳам ўлжа умидида Пайғамбаримиз ҳузурларида турибди... Буни кўриб, кўнгилларда олов ёнмасинми?! Умрини Пайғамбарга ва Аллоҳнинг динига қарши курашда ўтказган, шаҳодат калимасини ҳам жонини сақлаб қолиш учунгина айтган шу одамга ҳам юз туя берилдими?!

Ҳолбуки, у ҳам урушда томошабинга ўхшаб бир чеккада турди... Авзоидан ҳатто фатҳдан кейин ҳам, қанийди фурсат топсаю исён кўтариб, жанобимизни сафдан чиқарса - шу дардда юргани билиниб турарди.

Хунайнда кўшин сафи бузилиб, аскарлар қоча бошлаганида: «Шу кетишда булар энди то денгизгача тўхтамас керак», деганда нималарни ўйлагани алоҳида масала...

Бироқ Расулуллоҳ жаноблари унга юзта туя ажратдилар.

- Ё Расулуллоҳ, катта ўғлим Язидга ҳам бир нарса берасизми?..

Бу сўроқ Абу Суфённинг дафтарига яна юзта туя ёзилишига сабаб бўлди.

- Ё Расулуллоҳ, кичик ўғлим Муовия ҳам бор!..

Бу ёқдагилар қараса, Абу Суфённинг иштаҳаси қарнай, Расулуллоҳ ҳам унинг сўраганини беришди... Ичларидан зил кетиб, ходисани кузатиб туришарди. Ҳатто: «Икки юзта туя сенга ва болаларингга камлик қилдими, эй Абу Суфён?»

Қара, бу ерда жангда қилич ўйнатган қанча мард ўғлон тўрттадан туя олди. Жангда ғалаба қозонган улар. Бу ўлжалар қўлга киритилаётганида сен узатилган оёғингни йиғиштириб олишга ҳам эриндинг. Бу йўлда пешонангдан бир томчи тер ҳам оқмади!..» демокчи ҳам бўлишди. Айтишга ҳақли ҳам эдилар. Аммо...

Абу Суфёнга бундай дейилмади. Ҳа, тарихнинг ҳар даврида мол жоннинг орзуи бўлган.

Абу Суфён навбатдаги истаги ҳам қабул этилди. Шундай қилиб, у уч юзта туядан иборат катта бойликка эга бўлди-қолди. Инсон ҳаёлида ҳам қўлга киритолмайдиган бир бойлик...

Сўнгра Ҳаким ибн Ҳизомга юзта туя берилди.

Ақро ибн Хобис юз туя олди.

Уяйна ибн Ҳисн юз туя эгаси бўлди.

Алқама ибн Улосага юз туя...

Аббос ибн Мирдосга эллик туя ажратилди.

Бу тақсимдан Аббоснинг жаҳли чиқди. Шоир одам эмасми, дарров ўзининг Ақродан ҳам, Уяйнадан ҳам қолишмаслигини, улар олганчалик ўлжа ололмаганидан ҳор ва ҳақир кўрилганини ифодаловчи бир неча байтлик шеър ҳам тўқилди. «Бугун ҳор этилган қайта бор шарафли бўлолмас», дерди у.

Аббос ибн Мирдоснинг шеъри Пайғамбаримизга етказилган эди, ҳузурларига чақирдилар.

- Эй Аббос, «Менинг ва «Убайд» лақабли отимнинг хиссаси Акро билан Уяйна ўртасида тақсимлаб юборилди», деган сенмисан? - деб сўрадилар.

Аббос ўзича ҳақли ҳисоблаган даъвосини Расули мухтарамнинг хузурларида яна бир бор тилга олди. Жанобимиз ёнларидагиларга қайрилиб:

- Бу одамнинг тилини кесинглар! - дедилар.

Аббос пешонасида пайдо бўлган терларни артишга улгурмай, қўлидан кимдир ушлаганини сезди. Ич-ичидан пушаймон еди. Берилганига рози бўлсам бўлмасмиди, дея бошлади. Нарирокқа боришгач, кўркув ва ҳаяжон билан:

- Менинг тилим кесиладими?.. Менинг тилим кесиладими-а? - дер эди.

Ҳазрати Абу Бакр уни ўлжа молларининг ёнига олиб бораркан:

- Албатта, эй Аббос, сенинг тилинг кесилади ва сен иккинчи марта Расулulloҳга қарши гапирмайдиган бўласан, - деди.

Ўзи адиб ва шоир бўлишига қарамай, ҳукм мажозий маънода қўлланилганини билмади. Унинг ўлжа ҳақи юз туяга чиқарилганини кўрганидан кейингина тушунди. Қўпол бир бадавий бўлса ҳам, бундам буён Расули акрамга қарши гапириш йўли беркитилган, тили кесилган эди гўё.

Қайтадан Пайғамбаримиз хузурларига олиб келинганида тили бошқа бир тил бўлган эди.

Ҳақим ибн Ҳизом Ҳадича онамизнинг (р.анҳо) жияни эди. Қавми ва қабиласи ўртасида эътиборли, ўз қадрини биладиган бир инсон. Макка фатҳига қадар мусулмон бўлмади, айни чоқда Расули акрамга ҳам, бошқа мусулмонларга ҳам зарари тегмади. Мусулмонлар Абу Толиб махалласида азобли кунларни бошдан кечираётган паллада короғи бир кечаси озуқа юкланган туяларни махаллага билдирмай ташлаб кетган икки кишидан бири Ҳақим эди.

Ўлжа тақсимотида Ҳақимга ҳам юзта туя теккан, ҳаммага ҳам бунча кўп улуш берилмаганини билар эди. Лекин Абу Суфёнга кўшимча сўраганида икки юз туя берилганини кўриб, унда ҳам умид уйғонди. Нима бўлганда ҳам, бир уриниб кўрса, зарар қилмас... Шу ҳаёлда Расулulloҳнинг (с.а.в.) хузури саодатларига борди.

- Эй Аллоҳнинг пайғамбари, менга яна кўшиб берсангиз деган эдим, - деди. Истаги рад этилмади. Бир камбағалнинг етти ухлаб тушига кирмаган катта бойликни қўлга киритиб қайтди у ердан. Олдига келтирилиб: «Мана, ол, эй Ҳақим», дея унга тақдим қилинган ўлжа яна юзта туя эди. Ҳақим ақлли иш қилганидан ўзида йўқ, хурсанд бўлди.

Расулulloҳ у-бу деб ўтирмадилар ҳам, битта-иккита эмас, юзта туя бериб юбордилар, ахир.

Орадан ҳеч қанча ўтмади. Ҳақим яна Расулulloҳнинг хузурларига келди. Тилаги тилига кучди:

- Эй Аллоҳнинг пайғамбари, яна ҳадя қилишингизни хоҳлайман, - деди.

Бу истаги ҳам юз туя тортиқ қилиш билан қондирилди. Ҳақимнинг қувончи чексиз эди. Уч юз туя ҳазилакам бойликми! Бир оилага эмас, бутун қариндош-уруғларига ҳам етиб ортади.

Лекин иш бу билан тугамади. Расули кибриё унга бундай дедилар:

- Эй Ҳақим, билиб қўй, мол-дунё одамни ўзига тортувчидир, шубҳа йўқ. Ким берилганини олса, у мол баракадир. Ким уни кўз тикиб, ҳирс ва очкпъзлик билан олса, унга барака келтирмайди. Энди бу одам ебтўймас мавжудотга айланади. Шуни ҳам унутмагин, эй Ҳақим, берувчи қўл оловчи қўлнинг устидадир.

Бу сўзларни Расулulloҳ Ҳақимга айтганларида шубҳа йўқ. Лекин унга юзта туяни бераётиб айтдиларми ёки бир-икки кун кейинми - буни билмаймиз.

Бу гаплар Ҳақимнинг суяк-суягидан ўтиб, жигаригача ботганини хис этди. Одамлар орасида виқор ва обрў билан яшашнинг энг катта шарти барибир «берувчи қўл» бўлиб яшашига боғлиқ эканини тушуиди. Бошини кўтариб, кўзларини Расули мухтарамнинг кўзларига тикди:

- Сизни пайғамбар қилиб юборган Аллоҳга қасам ичиб айтаман: бундан кейин қанча

яшасам, ҳеч кимдан бир нарса сўрамайман! - деди.

Чиндан ҳам, сўзи ўша сўз бўлди. «Муллафатул кулуб» (юраги Исломга улфат қилинувчилар) сифати остига кирган кишилардан бири ҳисобланишига ҳамда тиллари тийилсин, кўнгиллари Исломга исинсин деб закот молидан, ҳазинадан унга маош ажратилганига карамай, кейинги ҳаёти бўйича бир мири сўрамай яшади, сўрамаса ҳам берилса, олмади. Ҳазрати Умар халифалик пайтида унга маошини олишни канча кистаса ҳам, Расулуллоҳга берган сўзини тутди ва олмади. Шунда Ҳазрати Умар:

- Эй аҳоли, гувоҳ бўлинг, мен Ҳакимга ўзининг ҳақини берсам ҳам, олмаяпти, - дейишга мажбур бўлди.

Саъд ибн Абу Ваккос (р.а.) бу тарз тақсимга тушунолмади. Нимага кўра бунака йўл тутилганини англаш қийин еди.

Агар камбағалга кўпроқ, бойга камроқ дейилса, бунака бўлмаслиги керак эди... Бу ёқда Абу Суфёндай, Сухайл ибн Амрдай, Ҳаким ибн Ҳизомдай бой одамларнинг молини тушида ҳам кўрмаган қанчадан-қанча камбағаллар турибди. Ҳолбуки, улар тўртта-тўртта туя билан кўнгиллари олинди, бойларнинг эса ҳазинасига яна ҳазина қўшилди. Қалбларидаги имонга, Аллоҳга бўлган боғлиқликларига қараб тақсимланди, деб ҳам бўлмайди. Гарчи ҳеч кимнинг юрагини ёриб кўриб бўлмаса ҳам, ўлжанинг асл қаймоғини олган Ақро, Уяйна қабиларнинг Исломга алоқалари қанақа экани унча сир эмас. Бу ёнда эса, ҳам фақир, ҳам Исломни рухларига яхшилаб сингдириб олган қанчадан-қанча самимий мусулмонлар бор. Нима бўлса ҳам, бир марта эслатиб қўйса, фойдадан ҳоли бўлмас... Шу ниятда тўғри Расулуллоҳнинг ҳузурларига борди:

- Салом бўлсин сизга, эй Аллоҳнинг пайғамбари!

- Сенга ҳам салому Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, эй Саъд!

- Сиз бу ўлжадан Ақрога ва Уяйнага юзтадан туя ҳада қилдингиз. Жуайлга эса айтарлик бир нарса бермадингиз. Мен уни яхши бир мўмин деб биламан.

- Ёки бўлмаса, бир муслим...

Саъд Расулуллоҳнинг бу сўзларидан етарли бир маъно чиқара олмади. Лекин тортишмасликни маъкул кўриб, нари кетди.

Пича кутди. Жуайлни эскидан жуда яхши билади, шу боис виждони қийнала, юраги эзила бошлади. Ақро ё Уяйнанинг қанақа одамлиги ҳам маълум. Шулар юзтадан туя оладими? Ҳолбуки, бу Макка аҳли мусулмонларга берган азоб-укубатларни айтиб адо этиб бўлмайди.

Бир муддатча нафси билан тортишиб ўтирди, сўнг шартта туриб, яна Пайғамбаримизнинг ёнларига келди:

- Эй Аллоҳнинг пайғамбари, Жуайл ҳақида қандай фикрдасиз? Валлоҳи, мен уни яхши бир мўмин деб биламан, - деди.

Пайғамбаримиздан яна айни жавобни олди.

Тушунмаган томони мўмин билан муслим орасидаги фарқ эди. Ҳар иккиси ҳам айни маънони ифодаловчи икки сифат эмасми? Ҳозиргача ҳар мўмин киши мусулмон ҳам дейилган, мусулмон киши мўмин деб қабул қилинган-ку! Ҳадеганда кўнгли тинчийвермади, яна Пайғамбар (с.а.в.) ҳузурларига борди, яна олдинги гапини такрорлади. Бу сафар Сарвари коииот (с.а.в.) Саъднинг елкаси билан бўйни орасига шапатилаб:

- Мен билан тортишяпсанми, эй Саъд? - дедилар ва сўзларида давом этдилар:

- Муҳаммаднинг руҳини қўлида тутиб турган Аллоҳга қасамки, Жуайл ер юзи тўла уяйна ва ақролардан яхшидир. Лекин мен уларнинг қалбларини Исломга исинтирайин деб, Аллоҳ уларни юзубан дўзахга улоқтирмасин дея шундай йўл тутяпман. Жуайлни эса Ислом динига нисбатан қалбидаги самимияти ила қолдирияпман.

Ниҳоят, «балки бир муслим»дир деган сўзларининг ҳақиқий маъноси англашилди. «Балки у имонидаги самимиятга таслим бўлган бир инсон» демоқчи бўлибдилар, лекин Саъд бу нозик

маънони англамаган эди, пакана бўйли, хунук юзли, лекин покиза юракли бўлган Жуайл бу хабарни эшитиб, қувончидан ўзини кўярга жой тополмай колди, телба бўлаёзди.

Инсонларнинг асил баҳоларини билгувчи Аллоҳ ва расули бундай ҳукм бериб турганида бу ўткинчи дунёда бой бўлиб яшадиг нимаю камбағалликда умр ўтказдини нима?!

Саъд ибн Абу Ваккоснинг қайта-қайта мурожаати бахонасида Расули кибриёнинг айримларга нимага кўп мол берганларининг хикмати ойдинлашди. Бу одамлар эл-юртда сўзи ўтадиган кишилар эди. Берилган бу моллар туфайли уларнинг ҳам қалблари Исломга исинтирилажак, ҳам фитна ва фасод бошловчилари бўлишларининг олди олинажак эди*.

* Қуръони каримда «Муллафатул қулуб» (Қалблари Исломга исинтирилажак кишилар) деб таърифланган ва кимликларини Расулуллоҳ (с.а.в.) аниқлаб улуш ажратган бу одамлар то ҳазрати Абу Бакр ҳалифалиги давригача улушларини олиб туришди. Ҳазрати Абу Бакр даврида диндан қайтганларга қарши урушлар охирига етиб, Ислом жамоаси саклаб қолинганидан кейин ҳам яна маошини олиш учун келган Абу Суфён ҳазрати Умарни учратди ва маош қорозини унга узатди. Шунда ҳазрати Умар у васиқани олди-да, йиртиб-йиртиб ташлади.

- Эй Абу Суфён, Пайғамбаримиз бу маошни сизларга қалбларингизни Исломга иситиш учун бераётган эдилар ва у пайтда Ислом заиф эди. Бугун бу дин кучайди. Энди сизларга ҳеч нарса бермаймиз! Рози бўлмасаларинг, ўртамаздаги масалани қилич ҳал қилади! - деди.

Абу Суфён бундай жавобни ҳеч кутмаган эди, ўзини йўқотиб қўйди.

Бориб воқеани ҳазрати Абу Бакрга тушунтирди. «Сен берган қоғозни майда-майда қилиб йиртиб ташлади, ҳалифа сенмисан ёки Умарми?» деди. Иккаласи ўртасида низо чиқармокчи бўлди. Лекин ҳазрати Абу Бакрнинг қисқа ва кескин гапи ишни ҳал қилди.

- Хохласа, Умар ҳалифадир! - деди у.

Шундай қилиб, Хунайнда белгиланган бу маош буюк Умар сабаб бўлиб тўхтатилди. Ҳазрати Умар айна тадбирни Ақро билан Уяйнага ҳам қўллади. Асҳобдан ҳеч кимнинг эътироз билдирмагани бу ишни маъқул деб топганлари эди.

Сафвон ибн Умайя бу жиҳодга бор-йўғи бир кузатувчи бўлиб қўшилган эди. Тўрт ойгача қуфр ва ширкда қолишга руҳсат олди, шу билан бирга, юзта туя билан сийланди, бундан қувончи чексиз. «Йўқ, ололмайман, ўлжа меники эмас, жангда жонларини тикканларнинг ҳаққи», дейиш умуман ҳаёлига келмади.

Бир куни Хунай тепаликларидан бирида ўтирганча, пастда водийни тўлдириб юрган туяларга хайрат-ла боқиб тураркан, бирдан ён томонидан овоз келди:

- Жуда ҳам ёқдим булар сенга, эй Сафвон?

- Ҳа, эй Мухаммад, булар жуда ҳам чиройли.

- Унда ҳаммаси сеники.

Қулоқларига ишонмади Сафвон. Бунақаси бўлмайди. Кўз ўнгида жуда катта дунё турибди! Пайғамбардан бошқа ҳеч бир киши бу даража саҳоват кўрсата олмайди. Ваҳоланки, Расули ақрам шунча туянинг ҳаммасини кечагача ашаддий душманлари бўлиб келган одамга беряптилар! Худди икки ҳовуч хурмо бераётгандай бамайлихотир ва хотиржам.

- Мен гувоҳлик бераман, сенинг дининг ҳақдир, Аллоҳдан ўзга бир маъбуд йўқлигига ва сен Аллоҳнинг расули эканлигинга имон келтираман, - деб юборди Сафвон.

Шу тариқа Сафвон қуфр ҳаётига сўнгги нуктани қўйди.

Бир ёқда бу ишлар бўларкан, иккинчи ёқда мадиналик мусулмонлар орасида ғалати шамоллар эсмоқда эди. Ҳеч ким ўлжа тақсимидан рози бўлмади, тушиб қолган ҳолатлари ҳеч ақлга тўғри келмасди. Ансорнинг пешволари бу ҳақда индашмаётган бўлса ҳам, тевақларидида ёқимсиз гап-сўзлар чуваланиб борарди:

- Валлоҳи, ҳайронман... Бизга қарши урушишса, бизга кун беришмаса, яна биз қолиб ўлжа уларга берилса...

- Урушга биз чақириламиз, ўлжа бўлашишганда бошқалар...

- Аллоҳ таоло пайғамбарини кечирсин. Қурайшга мол улашяпти, бизни эса чеккага суриб қўйди. Ҳолбуки, кечагина бошимизга не кунларни солишмаган эди.

- Пайғамбаримиз бу бўлишишда Аллоҳ розилигини кўзлаб иш тутмадилар.

- Валлоҳи, бу бўлишиш адолатли бўлмади, Аллоҳ розилиги кўзланмаган бир иш бўлди бу.

- Расулulloҳни энди қавм ва қабилаларининг севгиси ўраб олди...

Шуларга ўхшаш сўзлар кўп-кўп айтилди. Ансорнинг пешволари бу ишнинг олдини олишга уриниб кўришди, ҳеч бўлмаса, ўзлари бу гап-сўзларга қўшилишмади, лекин барибир тўхтатиб бўлмади. Охири Ҳазраж қабиласининг раиси Саъд ибн Убода ўрнидан турди. Сарвари оламнинг хузурларига келди, очик ярага курт тушмас деганларидай, бўлган гапларни бирма-бир айтиб берди.

- Ҳўш, ўзинг нима дейсан, эй Саъд? - деб сўрадилар Расулulloҳ (с.а.в.)

- Мен ҳам шу қавмнинг бир одамиман-да.

- Ундай бўлса, қавмингни менинг олдимга тўпла!...

Саъд кетди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, ансордан бир қанчаси катта дарахт остига тўпланди. Пайғамбаримиз:

- Ичларингда ансордан бўлмаган борми? - деб сўрадилар.

- Бир киши бор. Уям синглимнинг ўғли, - деди биттаси.

- Синглингни ўғли айна қабиладан хисобланади... Мен ҳақимда айтаётган бу сўзларингиз нимаси? Мен келганимда сизлар адашиб юрган эдиларинг, Аллоҳ менинг воситамда сизларни ҳақ йўлга ҳидоят этмадимми?

- Худди шундай, ё Расулulloҳ. Қасамки, Аллоҳнинг ва расулининг неъмат ва эҳсони ила шундай бўлди.

- Сизлар камбағал кимсалар эдиларинг, Аллоҳ менинг воситамда сизларни бой қилмадимми?...

- Ҳа, валлоҳи. Аллоҳнинг ва пайғамбарнинг фазлу карами ила шундай бўлди.

- Бир-бирларингга душман эдиларинг, Аллоҳ таоло мени сабаб қилиб қалбларингни бир-бирларингга исинтириб дўст ва қардош қилиб қўймадимми?..

- Ҳа, валлоҳи, Аллоҳ ва унинг пайғамбари туфайли шундай бўлди.

Шунда Пайғамбаримиз уларга қайтадан хитоб қилиб, бундай дедилар:

- Нимага индамайсизлар?

- Нима дейишимиз керак, эй Аллоҳнинг пайғамбари?

- Валлоҳи, истасаларинг, бундай деб жавоб беришларинг мумкин эди: «Сен қавминг томонидан ёлғончига чиқарилдинг ва бизга келдинг, биз сенинг айтганларингни тасдиқламадикми? Паришон бир аҳволда келганингда ёрдам бермадикми? Қувилиб келдинг, бағримизга олмадикми? Муҳтож ҳолда келдинг, сенга мадад бермадикми?» Ва шундай дейишга ҳақларинг ҳам бор... Эй ансор, Исломга исинишлари учун уларга дунё молидан бериб, сизларни динингизга ҳавола қилишим оғир ботдимми? Одамлар қўй ва туя сурувларига эга бўлиб бу ердан кетса, сизлар Аллоҳнинг оламларга раҳмат қилиб юборган расули билан қайтасизлар, бунга рози эмасмисизлар? Жоним қўлида бўлган Аллоҳга қасамки, ҳижрат сафари бўлмаганида эди, мутлақо ансордан бири бўлиб қолардим. Бутун инсонлар бир водийга тўпланса-ю, ансор бошқа бир водийнинг йўлини тутса, ансорга эргашардим. Ҳаётим сизнинг ҳаётингиз, ўлимим сизнинг ўлимингиздир... Аллоҳим, ансорга раҳматинг ила муомала этгин! Ансорнинг болаларини ҳам, невараларини ҳам раҳматингга етказ!

Бу сўзларни эшитатуриб, ансор соқоллари хўл бўлгунга қадар йиғладилар.

- Расулulloҳнинг тақсимларига ҳам, бу тақсимда бизга Расулulloҳ насиб этганларига ҳам рози бўлдик*, - дейишди. (Бухорий, 5/104-106; Муслим, 2/733-739; Ал-Комил, 2/271)

Жаноби Пайғамбаримиз (с.а.в.) Ҳунайн кўшинининг мағлуб қўмондони Молик ибн Авфга хабар жўнатдилар: Ислом динини қабул қилса, унга ҳайр-саховат кўрсатилишини, асир тушган

оиласи ва болалари қайтариб берилишини маълум қилдилар. Асир ва ўлжа таркатилишининг кечиктирилгани ҳам Моликни кутганлари туфайли эди. Керагича қутилгани ҳолда Молик ва Ҳавозин ҳайъати келавермагач, таксим бошлаб юборилди.

Бу ишлар қилиб бўлингач, бир куни Молик келди. Ислом динини қабул қилди. Расули мухтарам (с.а.в.) унинг болаларини ва оиласини ўзига қайтардилар, юзта туя ҳадя этдилар.

Ундан кейин келган Ҳавозин ҳайъати ҳам Ислом динини қабул қилди.

Лекин кеч қолишган эди. Шундай бўлса ҳам, Пайғамбаримиз уларга:

- Хоҳланг, асирларни танланг, хоҳланг, ўлжа молларини, - деб марҳамат қилдилар.

Иккисини ҳам бирдан олишлари мумкин эмасди. Асирларни танлашди. Қабила оқсоқоллари билан маслаҳатлашиб, сўнгги қарорни шунга қараб айтишни тавсия қилдилар. Ҳайъат бориб, маслаҳатлашиб қайтди ва яна ўша қарорларини айтишди. Шунда Пайғамбаримиз (с.а.в.):

- Мен ва Абдулмутталиб оиласининг чекига тушган ҳамма асирлар сизларникидир, - дедилар.

Муҳожирлар ва ансор ҳам шундай қилдилар. Акро ибн Ҳобис эътироз билдирди:

- Мен ва Тамим қабиласи асирларимизни бермаймиз.

Уяйна уни қўллади:

- Мен ва Фазора қабиласи ҳам бермаймиз.

Аббос ибн Мирдос ҳам уларга қўшилди:

- Мен ва Сулайм қабиласи ҳам асирларни қайтармаймиз, - деди.

Бироқ сулаймликлар Аббоснинг бу қарорини қўллаб-қувватлашмади.

- Биз ҳаққимизни Расулуллоҳга топшираемиз, - дейишди.

Аббос қавмининг бу ишидан жиғибийрон бўлди:

- Мени шарманда қилдиларинг, бундай қилмаслик керак эди! - дейишдан ўзини тўхтатолмади.

Шу тариқа Хунайнда олинган асирларнинг жуда кўпи озод қилиб юборилди.

Расулуллоҳ жанобимиз Жиъронадаги ишларини битирганларидан кейин Мадинага қайтмасдан олдин яна бир марта умра қилиш учун Макка сари йўл солдилар.

Анас ибн Молик бундай ҳикоя қилади:

«Расулуллоҳ билан бирга кетаётган эдим. Орқадан бир бадавий келиб, жанобимизнинг қўйлақларига ёпишди ва жаҳл билан тортди. Аллоҳ расулининг бўйинларида бир қизил чизик пайдо бўлганини кўрдим. Бадавий бу қўпол ҳаракати учун узр сўрашни хаёлига ҳам келтирмади.

Пинагини бузмай:

- Эй Муҳаммад, буюргин, Аллоҳнинг молидан менга ҳам беришсин, - деди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) бу одобсиз одамга қарадилар, сўнг кулимсирадилар ва бир нарсалар беришга буюрдилар».

Тавба сурасининг 25 ва 26-оятлари Хунайн жанги ҳақида нозил бўлган эди:

«Аллоҳ сизларни кўп ўринларда ғолиб қилди. Хунайн кунини (есланглар)! Ўшанда сизларни кўп эканлигингиз мағрур қилиб қўйган эди, аммо у (яъни, саноғингизнинг кўплиги) сизларни ҳеч нарсадан беҳожат қила олмади (қутқариб қолмади) ва сизларга кенг ер торлик қилиб қолди, сўнг юз ўғирган ҳолингизда чекиндигиз! Кейин Аллоҳ пайғамбарига ва мўминларга ўз томонидан хотиржамлик нозил қилди ҳамда сизларга кўрмаган бир лашкарни (яъни, фаришталарни) туширди ва кофир бўлган кимсаларни азобга дучор қилди. Кофирларнинг жазоси шудир»

Умра зиёрати адо этилганидан сўнг Расулуллоҳ (с.а.в.) Маккада Аттоб ибн Асидни волий этиб қолдирдилар. Диний билим ўргатиш ва масалаларни ҳал қилиб бериб туриш учун эса, Муоз ибн Жабални тайинладилар.

Бундан саккиз йил илгари жонларига қасд қилинган инсон сифатида ташлаб чиқиб

кетганлари Маккани бу гал бутлардан тозалаб тарк қилаётган эдилар. Маккаликлар Жаноби Мавлонинг бирлигини қабул этди, имон доирасига кирди ва энди пайғамбарларнинг энг буюги Жанобимиз «Ҳаётим сиз билан, ўлимим ҳам сиз билан» деб таърифлаганлари ансор гуруҳи билан бирга Мадина йўлини тутдилар...

Узоқдан Ухуд тоғлари кўринганида тарих саккизинчи ҳижрат йилининг охиридан олдинги зулқаъда ойи эди. Беш хафтадан кейин ҳижратнинг саккизинчи йили ҳам тугайди.

Бир оздан сўнг пайғамбарлар сарвари Жанобимиз Мадинага етиб келадилар, энг олдин масжидга кириб икки ракат намоз ўқийдилар, кейин уйларига кириб дам оладилар. Атрофларидагилар ҳар галгидек пайғамбаримизнинг сафардан қайтганда ўқишни одат қилган «Қайтйпмиз, тавба қиламиз. Парвардигоримизга ҳамд айтамиз...» деган дуоларини бу гал ҳам эштишади...

ХУРОҚА САФАРИ

Жухайна қабиласи ўрнашган ерлар «Хуроқа» дейилар эди. Жаноби Расулуллоҳдан (с.а.в.) ўша томонларга бир бўлдак аскар йўлладилар. Набиййи акрам (с.а.в.) суядиган, у пайтлар ҳали йигитлик остонасида турган Усома ҳам бу бўлдак ичида эди.

Хуроқага яқин қолганида кўмондон вазиятни аниқлаш учун ўннга-сўлга одам жўнатди. Олинган хабарларни ўрганиб, ўшанга кўра тадбир олиб, қабила ерларига анча-мунча яқин борди. Сўнгра аскарларга бундай хитоб қилди:

- Сизларга Аллоҳдан кўркишни ва менга итоат этишни тавсия қиламан. Буйруғимга қарши чиқманглар. Чунки амр остидаги шахс ўз бошича ҳаракат қилишга ҳаққи йўқ.

- Эй Фалончи, сен Фалончи билан бирга бўласан. Эй Фалончи... Аскарларни шу тариқа иккита-иккитадан тақсимлагандан сўнг яна сўзида давом этди:

- Огоҳлантираман, ҳеч ким биродарини ташлаб орқага қайта кўрмасин. «Шеригинг қани?» десам, билмайман, демасин. Мен такбир айтганимда сизлар ҳам такбир айтасизлар ва ҳаммаларинг бирданига одамларни қуршаб оласизлар. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай кўмондоннинг такбир ҳайқириғи эшитилди. Аскарлар ҳам такбир айтиб олға ташланишди. Қабила аҳли нима рўй берганини дабдуруст билолмай қолди. Шунга қарамай, қиличларни қўлга ола-сола хужумга кечишди.

Жанг шундай бошланди. Усома шериги билан елкама-елка урушаётган эди. Бир пайт Наҳик ибн Мирдос исмли мушрикка кўзи тушиб қолди. У кучли-қувватли бир одам эди. Рўпарасига келган мусулмонни ер тишлатарди. Усома билан шериги унинг устига отилишди. Қиличлар шарақлади, икки томондан ҳам солишувлар бўлди. Ниҳоят, икки кишига бас келолмаслигини Наҳик англади. Бир дарахтнинг панасига ўтди. Барибир қутулолмаслиги маълум эди. «Ла илаҳа иллаллоҳ!» дея бақира бошлади.

Усома шеригига қаради. «Тўхтама, бунинг ишини бир ёклик қилиб қўяколайлик», демоқчи бўларди. Лекин ансор шериги қиличини туширди.

- Имон калимасини айтиб турган одамга қандай қилич кўтараман, - деди.

Усома эса, пишиб қолган ишни ярмида ташлаб кетгиси йўқ эди. Чунки у мушрик олдин қилич солди, ўлдирди, мусулмонлар бошига балолар ёғдирди, кейин эса, ўлдирилажагини, қутулиш йўли қолмаганини англагач, «Ла илаҳа иллаллоҳ», деди... Бордию бу ҳолнинг акси бўлганида нима бўларди? Яъни, Усома унинг эмас, у Усоманинг холини танг қилиб қўйсаю ўлдириши аниқ бўлиб қолса, нима қиларди? Қиличини қинига солиб: «Ей биродар, сени ўлдирмайман, мен ҳам мусулмон бўламан, сенинг динингга қираман», деб Усомани кучоқлаб олармиди? Ёки бошқаларни нима қилган бўлса, уйлаб ўтирмай буни ҳам ўшанақа қилармиди?

Бу ҳаёллар Усоманинг зехнидан яшин тезлигида кечди. Сўнгра бир қарорга келди: ҳавода ҳилол чизган қиличи зарб ила Наҳикнинг устига инди...

Уруш ниҳоясига етди. Жухайналиклар ўзлари лойиқ бўлган жазони топишди. Мусулмонлар қўлга киритилган ўлжа молларини олиб, Мадина йўлини тутишди. Мадинага етиб келгач, Фахри коинот жанобимизга (с.а.в.) тафсилотли маълумот берилди. Усома қилган иш ҳам айтилди. Шу онгача ўзининг тўғри йўл тутганига ҳеч шубҳаси бўлмаган Усома пайғамбарлар султонининг (с.а.в.) юзларида у зотнинг мамнун эмасликларини билдирувчи асарни кўрдию қалбининг теранликларида нозик аламлар ғимирлай бошлаганини ҳис этди. Пайғамбаримизни (с.а.в.) оғир бир қайғу босган эди.

- У одамни «Ла илаҳа иллаллоҳ» деганидан кейин ўлдирдингми? - деб қайтадан сўрадилар.

Бу овозда савол сўрашдан ҳам кўра кўпроқ каттик бир койиш ва озор бор эди. Усома ўзини қўлга олишга ҳаракат қилиб:

- Унинг гапи ёлғон эди, жонининг кутқариб қолиш учун айтди, - деди.

- Гапининг ёлғонлигини исботлаш учун қалбини очиб кўришинг лозим-ку?

Бу сўзлар билан Расулulloҳ (с.а.в.) қалбадаги нарсаларни ёлғиз Аллоҳ билишини англаган эдилар.

Жанобимизнинг бу танбехлари қаршисида Усома бир сўз дея олмай қолди. Шу ерда ҳозир турганлар у зотнинг (с.а.в.) пешоналари ўртасидаги томир қабарганини кўришди. Бу томирлари жаҳллари чиққанида қабаришини тажрибадан билишар эди.

- Қиёмат куни «Ла илаҳа иллаллоҳ» сўзи томоғингдан олса, сенга ким ёрдамчи бўлади?!

Усома қилиб қўйган ишининг дахшатини ҳис этди. Дод деб юборай деди.

- Эй Аллоҳнинг пайғамбари, Аллоҳдан гуноҳимни кечишини сўраб беринг, дуо қилинг, - деди йиғламоқдан бери бўлиб.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) эса ҳамон:

- Қиёмат куни «Ла илаҳа иллаллоҳ» сўзи қаршисида қандай чора топасан? - дердилар.

Усома кичрайиб кетди. Пешонасидан терлар қуйилди. Расулulloҳнинг (с.а.в.) такрор ва такрор дакки берганлари руҳини чўктириб юборди. Юрагининг туб-тубида «Кошки бугунгача мусулмон бўлмасайдим...» деган оғриқли ўй кечди. Ансор шеригидан ибрат олмаганига пушаймон бўлди.

Узр сўради:

- Эй Аллоҳнинг расули, сўз бераман, «Ла илаҳа иллаллоҳ» деган одамни бундан кейин ўлдирмайман! - деди.

- Мендан кейин ҳамми?

- Сиздан кейин ҳам.

Жаноби Расулulloҳ (с.а.в.) масалани шу ерда ёпдилар. У одамнинг хуни тўланди.

Пайғамбаримиз Усомани нақадар яхши кўришларини билмаган одам йўқ эди. Шунга қарамай, Ислом динининг ҳукми оёқости бўлаётган бир пайтда ақл кўнгилини тан олмаслиги бу воқеа билан очиқ маълум қилинди. Қолаверса, ҳукм берилаётганида ишнинг зоҳири эътиборга олиниши лозимлиги ҳам англашилди. Бир марта, ҳа, бир мартагина мусулмон эканини айтган инсонга: «Йўқ, сен мусулмон эмассан!..» дейиш ҳаққи ҳеч кимга берилмагани маълум бўлди*. («Зодул Маод», 2/165; Муслим: 1/96.)

Бу аччиқ дашном бошқаларга ҳам қаттиқ таъсир этди. Бир куни Миқдод ибн Асвад севиқли жанобимизнинг ҳузурларига келди.

- Эй Аллоҳнинг пайғамбари! Нима дейсиз: жангда бир одам билан қаршилашсам, у билан солишсам, мени урса ва бир қўлимни узиб юборса, кейин жонини кутқариш учун бир дарахтнинг орқасига яшириниб, «Мен мусулмон бўлдим», деса... уни ўлдирсам бўладими-йўқми?

— Йўқ, ўлдирмайсан.

- Аммо, эй Аллоҳнинг пайғамбари, у одам ахир менинг қўлимни кесиб ташлаган-ку?!

- Уни ўлдирма! Агар ўлдирсанг, у аввал сен турган миртабага чиқади, сен эсанг, у одам

имон келтирмасидан қайси мартабада бўлса, ўша мартабага тушасан*. (Муслим: 1/95)

* * *

Ўша кунлари яна бир воқеа бўлди. Сулайм қабиласидан бир киши туяларини олдига солиб қаёққадир кетаётган эди. Қаршисидан саҳобалар чиқиб қолишди. - -

- Сизларга салом бўлсин (Ассалому алайкум), - деди сулаймлик.

- Сенга ҳам салом бўлсин, - деб жавоб қилишди саҳобалар.

Шу билан ҳалиги одам ҳам, мўминлар ҳам ўз йўлларига кетишди. Ҳеч қанча юрмай кўнгилларига шайтон оралади, шубхалар солди. Бу шубхалар тез куртак ёйди.

- Бу одам ўзидан-ўзи бизга яхшилик тилабми салом берди? - деб тўхташди.

- Олдидаги туяларини кўрдиларингми? Шунча туянинг эгаси бўлсаларинг, сизлар ҳам саломсиз ўтмасдиларинг, - дейишди яна.

Қисқа вақтда бир қарорга келинди: у одам жонини ва молини қутқариш учун ўзини мусулмон қилиб кўрсатди, мусулмонларга ёқадиган шаклда салом берди, деб ҳисоблашди ва орқасидан етиб олишди.

- Эй оғайни, қани тўхтачи. Салом беришдан мақсадинг нима эди? - дейишди.

- Мен мусулмонман, сизларнинг ҳам мусулмон эканларингни биламан. Шунинг учун салом бердим, - деб жавоб қилди туялар эгаси.

- Туяларингни қутқариб қолиш илинжида шунада ҳийла қилган бўлмагин тағин?

- Йўқ, мен мусулмонман.

У сўзини давом эттира олмади. Устига ёпирилишди. «Тўхтанглар, бундай қилманглар!» деган сўзлар эшитилди. Лекин булар иш бўлган эди. Сал ўтмай ўртани ваҳший бир жимлик қоплади. Сулаймлик одам қонга беланиб ётарди.

Туяларни олдиларига солиб, Мадина сари ҳайдаб келишди. Ўлжа қилиб олинган туялар Пайғамбаримиз ҳузурларига келтирилиб, ходиса тушунтирилаётган пайтда илохий даргоҳдан Жаброили (а.с.) ҳам йўлга чиққан эди. Пешоналаридан тер қуйилган пайғамбаримиз (с.а.в.) орадан бир муддат ўтказиб, ҳозиргина келган ваҳийни дона-дона қилиб ўқий бошладилар:

«Мўмин мўминни фақат билмаган ҳолдагина ўлдириб қўйиши мумкин. Ким бир мўминни билмай ўлдириб қўйса, у бир мўмин қулни озод қилиши ва ўликнинг эгаларига - агар кечиб юбормасалар - хун тўлаши вожибдир. Агар ўлдирилган ўзи мўмин бўлиб, сизларга душман қавмдан бўлса, фақат бир мўмин қулни озод қилиш вожиб. Агар у сизлар билан сулҳ тузган қавмдан бўлса, унинг эгаларига хун тўлаш ва бир мўмин қулни озод қилиш лозим. Бас, ким (озод қилиш учун бир қул) топишга қодир бўлмаса, Аллоҳга тавба қилиб, муттасил икки ой рўза тутиши лозим. Аллоҳ билим ва ҳикмат эгасидир.

Ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннам бўлиб, ўша жойда абадий қолажак. Ва у Аллоҳнинг ғазаби ва лаънатига учраган ва Аллоҳ унга улкан азобни тайёрлаб қўйгандир.

Эй имон келтирганлар! Қачон Аллоҳ йўлида жиҳод учун сафарга чиқсангиз, (душманларингизни) аниқ таниб олинглар ва сизларга салом берган (ёки таслим бўлган) кишига бу дунё матохини (ўлжани) кўзлаб: «Сен мўмин эмассан!» деманглар. Зеро, Аллоҳнинг ҳузурда беҳисоб ўлжалар бордир. Илгари сизлар ҳам шундай (кофирлар қўл остида мусулмонлигингизни яшириб юришга мажбур) эдингиз. Энди Аллоҳ сизларни (Ислом давлатида яшаш неъматини билан) мамнун қилди. Бас, (душманларингизни) аниқ таниб олинглар! Албатта, Аллоҳ (барча) шларингиздан хабардор зотдир»*. (Нисо, 92-94).

Жанобимиз бу оятлар ҳукмини амалга айнан жорий этишлари маълум. Аммо ҳалиги одамнинг ўлимидан кейин нималар бўлди? Моли кимларга берилди, хуни кимларга ўталди ва қандай ўталди?.. Буларни билмаймиз.

Эҳтимол, шу воқеанинг бир натижасидир, қул озод этиш жазоси берилганлардан бири қора

танли чўрисини етаклаб келди.

- Эй Аллоҳнинг пайғамбари! Мўмин бир кулни озод этишим керак. Агар шу чўри кул хисобланса, мен уни озод қиламан, - деди.

Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) чўрига ўтирилдилар:

- Аллоҳдан бошқа маъбуд йўқлигига иқрормисан? - деб сўрадилар.

- Ҳа.

- Мен Аллоҳнинг пайғамбари эканимга ишонасанми?

- Ҳа.

- Ўлгандан сўнг тирилишингга ишонасанми?

- Ҳа.

Бу жавобларни олгач, Жаноби Пайғамбаримиз ҳалиги одамга қарадилар:

- Уни озод қил.

Айни шу мақсадда келтирилган яна бир чўрини Расули акрам (с.а.в.) шу тариқа имтихон қилиб кўрдилар:

- Аллоҳ қаерда? - деб сўрадилар.

Чури кўзларини юқори кўтарди:

- Кўкда.

- Мен кимман?

- Сиз Аллоҳнинг пайғамбарисиз.

Жанобимиз (с.а.в.) чўрининг эгасига қарадилар:

- Уни озод қил, чунки у мўмин, - дедилар*. (Ибн Касир. Тафсир, 1/535)

КИЧИК МЕҲМОН

Бир куни ҳазрати Аббос ўғли Абдуллоҳга:

- Бу оқшом Расулуллоҳ ҳолангнинг уйида бўладилар. Сен ҳам ҳолангнинг меҳмони бўл. Вазифанг Пайғамбаримизнинг кечки ибодатларини ўрганишдир. Қани, кўрайлик-чи, эплай олармикансан, - деди.

Абдуллоҳ ҳозирча балоғат ёшига етмаган, лекин ниҳоятда закий бола эди. Зиммасига юкланган вазифани адо этиш учун ҳоласи Маймуна онамизнинг (р.а.) уйларига борди.

- Ҳолажон, бу кеча сизнинг меҳмонингиз бўламан, - деди ва вазифасини тушуитирди.

Расули Муҳтарам (с.а.в.) оқшом келиб хотинлари ёнида кичик бир меҳмончани кўрдилар. Ётар маҳали бўлди, хотинлари билан бирга ётдилар. Кичик меҳмонга оёқ тарафдан жой қилиб беришди.

Кеча яримлаган бир пайт уйқудан уйғондилар. Туриб ўтирдилар. Кўзларини ишқаларканлар, ушбу оятларни ўқий бошладилар:

«Албатта, осмонлар ва ернинг яралишида ҳамда кеча ва кундузнинг алмашилиб туришида ақл эгалари учун (бир яратувчи, бошқариб турувчи Зот мавжуд эканига) оят-аломатлар бордир. Улар турганда ҳам, ўтирганда ҳам, ётганда ҳам Аллоҳни эслайдилар ҳамда осмонлару ернинг яралиши ҳақида фикр юритиб (дейдилар): «Парвардигоро, бу (борлик)ни беҳуда яратганинг йўқ. Сен (беҳуда бирон иш қилиш айбидан) поксан. Ўзинг бизни дўзах азобидан асрагин!»

Парвардигоро, сен кимни дўзахга киритсанг, албатта, уни расво қилибсан. Ва бундай золимлар учун ҳеч қандай ёрдамчи йўқдир. Парвардигоро, албатта, биз «Парвардигорингизга имон келтирингиз!» деб имонга чорлаётган жарчи (Муҳаммад)ни эшитдигу имон келтирдик. Парвардигоро, бизнинг гуноҳларимизни кечир, ёмонликларимизни (амал дафтаримиздан) ўчир ва бизларни яхшилар билан бирга ўлдир! Парвардигоро, бизларга пайғамбарларинг орқали ваъда қилган нарсаларингни (жаннат ва мағфират, висолингдан баҳраманд этиш каби неъматларингни) ато эт ва бизларни қиёмат кунида шармисор қилмагин! Албатта, Сен

ваъданга хилоф килмайсан». Бас, Парвардигорлари уларни (дуоларини) ижобат этиб (деди): «Албатта, мен сизлардан бирон амал килгувчи эркак ё аёлнинг амалини зое килмайман. Чунки бировингиз бировингиздандирсиз (яъни, эркак аёлдан, аёл эркакдан дунёга келган). Бас, (ватанларидан) хижрат килган, диёрларидан қувилган, менинг йўлимда азиятлар чеккан ва (менинг йўлимда) жанг қилиб катл этилганларнинг гуноҳларини ўчираман ва уларни тағларидан дарёлар оқиб турадиган боғларга киритаман. Бу Аллоҳ хузуридан савоб-мукофот бўлади. Зеро, энг гўзал савоб-мукофот Аллоҳнинг хузуридадир». (Ей Муҳаммад,) сизни кофирларнинг шаҳарларда кезишлари (яъни, уларнинг ҳар жойда керилиб юришлари) алдаб қўймасин! (Бу елиб-югуриш, ғолибона кезишлар) озгина матодир. Сўнгра жойлари жаҳаннам бўлмай! Нақадар ёмон жой у! Аммо Парвардигорларидан кўркан зотлар учун Аллоҳ хузуридан зиёфат бўлмиш - тағларидан дарёлар оқиб турадиган боғлар бордирки, улар бу боғларда абадий қолажақлар. Яхшилар учун Аллоҳ хузуридаги нарса (яъни, савоб-ажр кофирларнинг вақтинчалик кайф-сафоларидан) афзалроқдир. Албатта, аҳли китоб ичида Аллоҳга ҳамда сизларга нозил қилинган нарсага (Қуръонга) ҳам, ўзларига нозил қилинган нарсага (Тавротга, Инжилга) ҳам имон келтирадиган, Аллоҳга итоат қилиб бош эгадиган, Аллоҳнинг оятларини озгина баҳога сотиб юбормайдиганлар ҳам бор экани аниқ-равшандир. Ана ўшалар учун Парвардигорлари хузурида ажру савоб бордир. Албатта, Аллоҳ тезда ҳисоб-китоб қилувчи Зотдир. Эй имон келтирганлар, сабр қилинлар ва сабр-тоқат қилишда (кофирлардан) устун бўлинглар ҳамда (кураш-жиход учун) доим белингиз боғлиқ (ҳолда хозир) бўлиб туринглар! Ва Аллоҳдан кўркинларки, (шунда) зора нажот топсангизлар!»* (Оли Имрон, 190-200)

Сўнгра турдилар. Деворда осийлик меш оғзини индириб, чиройли таҳорат олдилар ва намоз ўқий бошладилар.

Оёқ томонда ётган бир кечалик кичик меҳмон ҳам ўрнидан турди, у ҳам таҳорат олди ва келиб Жаноби Пайғамбаримизнинг чап тарафларида намозга турди.

Расули мухтарам (с. а. в.) ўнг қўлларини орқадан узатиб, қоронғуда Абдуллоҳнинг бошини топдилар. Қулоғидан ушлаб, охиста уни ўнг тарафларига олиб турғиздилар, сўнг намозни давом эттирдилар.

Абдуллоҳ энди Пайғамбар (с.а.в.) билан бирга, лекин бир оз орқароқда руку ва сажда қилар, салом берсалар, у ҳам салом берар эди. Шу тариқа ҳар икки ракатда бир салом билан жами ўн икки ракат намоз ўқишди. Жанобимиз кейинроқ витр намозини ҳам ўқиб, тунги намозларини тугатдилар. Абдуллоҳга қарадилар.

- Сени ёнимга тортганим сари сен нега нукул орқага чекинавердинг? - деб сўрадилар.

- Сиз Аллоҳнинг расули бўлсангиз, сиз билан бир қаторда намоз ўқиш одамга ярашадими? - деб жавоб қилди кичик меҳмон.

Катта одамларга хос бу сўзлар Расулуллоҳ жанобимизнинг Абдуллоҳни бағриларига босишларига сабаб бўлди. Кейин Абдуллоҳ Жаноби Ҳақ яратган энг покиза лаблардан Улуғ Мавлога юксалган ушбу дуони эшитди:

- Аллоҳим, унга Китобни ўргат! Аллоҳим, дин борасида унга чуқур билим насиб эт!..

Дуоларнинг энг ҳолиси, энг самимийи бу дуо эди. У зотдан: «Ей Аллоҳнинг пайғамбари, менинг ҳақкимга дуо қилинг», деб сўралмади, Жанобимиз бу муборак дуони ичларидан табиий отилиб чиққани ва Абдуллоҳни бу дуога лойиқ кўрганлари учун қилдилар.

Келажақда «Ибн Аббос» исми билан ҳақли равишда шуҳрат топадиган ва Ҳазрати Умардай (р.а.) пўлат иродали халифадан иззат ва икром кўрадиган, эътибор этиладиган, Исломнинг буюк олими Абдуллоҳ қимматли ҳоласининг хужрасида набийлар сарвари (с.а.в.) билан ёлғиз, боши у зотнинг кўксиларига қўйилган ҳолда маъно оламларида сайр этар эди. Майдонга кичик ёшда тушган, шунга қарамай, илк курашда ғолиб келган эди у.

Расулуллоҳ (с.а.в.) бомдод намозига ортларида бу нур юзли бола билан чиқдилар. Эрталарнинг илм хазинаси, Қуръон муфассирларининг энг буюкларидан бири бўлиб

етишадиган кичик Абдуллоҳ ибн Аббос...

Абдуллоҳ туннинг азиз хотираларини отасига окизмай-томизмай етказди, шу тарика мўминларга муҳим бир хизмат қилган эди.

Султони анбиё (с.а.в.) жанобимиз бир куни таҳоратларини ушатиб қайтаётганларида юзларида мамнуният излари балкир эди.

- Сувни ким ҳозирлади? - деб сўрадилар.

- Мен ҳозирладим, эй Аллоҳнинг расули! - деб жавоб қилди Абдуллоҳ.

Жанобимизнинг (с.а.в.) муборак қўллари Абдуллоҳнинг бошини силади. Сўнгра Оламлар Парвардигорига илтижо қилдилар:

- Аллоҳим, бунга ҳикматни ва Қуръоннинг тафсирини ўргат.

Абдуллоҳ Пайғамбар яқинлари ичида, балки асҳоби киром орасида бу хил дуо олган ягона инсон бўлиш саодати ва хусусиятини қўлга киритган эди.

ХОТИНИНИ ДЎППОСЛАГАН ЭР

Собит ибн Қайс имони соғлом, ибодати давомли, Жаноби Мавлога ва Расулига ҳурмат ва итоати собит бир киши эди. Ҳатто гулдурос овозли одам бўлгани боис «Овозларингизни Пайғамбарнинг овозидан баландлатманглар...» ояти келганида кунларча йиғлаган ва охири Расули муҳтарам афандимиз унга жаннат муждасини бериб тасалли этган эдилар.

Айни чокда, Собит жуда хунук, бўйи паст бир одам эди. Шунча йил ўтганига қарамай, хотини Саҳла унга ҳеч исина олмади, ора-сира чикиб турган тушунмовчиликлар унинг юрагида нафрат туйғуларини алангалатиб борди. Баъзан эрини кўришни ҳам истамай қоларди. Ҳолбуки, ота уйдан у калтак ейман, ғавғоли-ташвишли бир ҳаёт кечираман, деб тушмаган эди бу ёкка! Гоҳо худа-беҳудага кўтариладиган бақириқ-чақириқлар, бу бақириқларга мос хунук афт ва калтагина бўй унинг шундоқ ҳам тотсиз ҳаётига қалампир сепар эди.

Юраги тўлиб юрган шундай кунларнинг бирида Саҳла Расулulloҳнинг (с.а.в.): «Аллоҳ сизларнинг юзларингизга қарамайди, вужудларингизга ҳам қарамайди, балки қалбларингизга ва амалларингизга қараб баҳо беради», деяётганларини эшитиб қолди. Худди бу сўзлар Саҳлага тегишли қилиб айтилгандай бўлди. Эрига баҳо беришда Аллоҳнинг ўлчовини асос қилиб тутгани тўғри бўлмасми?

Одамлар бир-бирини кўпинча чиройли ёки хунук ўлчовлари билан ўлчайди. Соғлом ёхуд чўлоқлигига кўра тарозига қўяди. Ўртабўй одамга биров бир нарса демагани ҳолда новча ёки паканага бўлмағур лакаблар тақилади, калака қилинади. Аммо Улуғ Мавло ўзи яратган кулларида бир қисмига: «Сенинг бўйинг жуда калта... сен жуда хунуксан... сенинг овозингни ёқтирмадим... қани, жаҳаннамга юринглар-чи...» демайди ҳеч!

Бинобарин, юзининг чиройли ва ё хунук бўлишини Собит ўзи тайин этмаган экан, бу жиҳатдан унга аччиқ қилишнинг маъноси не? Овозининг дағал, бўйининг паст бўлиши Аллоҳнинг тақдири ила эмасми?

Аллоҳу таоло Собитни бу жиҳатлари учун ҳисобга тортмаслиги аниқ, аммо Саҳла ҳам, ахир, бир хотин... туйғулари бор, орзулари бор, у ёқтирмайдиган жуда кўп нарса бор...

Оқшомлардан бирида ўрталарида чиққан низо икки тарафдан ҳам алангалатилиб, ғавғо бошланди. Собит бу ишни мукамал бир дўппослаш билан охирига етказди. Саҳла бир бурчакка чекинди. Кучи кўзларидан окизган ёшларга етди. Тонггача их-ихлаб чиқди. Бу калтак унинг шундоқ ҳам тўлиб турган алам косасини тоширди, эридан тамоман кўнгли қолишига сабаб бўлди.

Ҳали тонг отмасиданоқ Расулulloҳнинг (с.а.в.) ҳузурларига йўл олди.

* * *

Жанобимиз ҳар кечалик одатлари бўйича туннинг бир қисмини ўтказиб, иккинчи қисмида ўринларидан турган, ёлғиз ўзларига фарз бўлган таҳажжуд намозини ўқиган, сўнгра бир муддат дам ҳам олган эдилар. Бомдодга яқин қолганида таҳоратларини янгилаб, энди ташқарига чиққан ҳам эдилар, аёл кишининг овозини эшитдилар.

- Ким у? - деб сўрадилар.

- Саҳламан - Собит ибн Қайснинг хотини.

- Нима гап? Бунақа вақтда сени бу ерга келишга нима мажбур қилди?

- Эй Аллоҳнинг пайғамбари, мен ортиқ ҳаётимни Собит билан давом эттира олмайман.

- Нимага бундай қарорга келдинг?

Саҳла воқеаларни бир бошдан тушунтирди. Охирида изоҳ берди:

- Дини хусусида камчилик йўқ. Ахлоқига ҳам бир нарса демайман. Аммо энди бу ёғига ишнинг мазасини кочиришдан кўркаман. Эрлик ҳаққини инкор этиб, баттар паришон бўлишим мумкин. Чунки ортиқ чидай олмайман, - деди.

Расули акрам (с.а.в.) Собит оиласининг бу ҳолга тушганидан ҳафа бўлдилар. Намоздан кейин уни ёнларига чақирдилар. Саҳла ҳам келди, ўтирди. Эшитганларини биттама-битта айтдилар. Собит уларнинг ҳеч бирига эътироз қилмади. Саҳла сўзга қўшилди:

- Эй Аллоҳнинг пайғамбари, Собитга тегаётганимда у менга берган маҳр* (никоҳ ҳадяси) шундайича турибди, - деди.

Жанобимиз (с.а.в.) унинг нима демоқчилигини тушундилар.

- Хўп, маҳрни қайтариб беришга розимисан?

- Албатта, розиман.

Жанобимиз энди Собитга қарадилар:

- Берган маҳрингни олда, хотинингнинг талоғини бер** (Имом Бухорий. “Саҳих”, 6/70; “Фатҳул Борий”, 9/351; “Ал-Мувато”, 2/23),- дедилар.

Куръони каримнинг бир ояти ушбу маънодадир: «...сизлар учун уларга (хотинларингизга) берган нарсаларингиздан (уларнинг маҳрларидан) бирон нарсани қайтариб олишингиз дуруст бўлмайди. Фақат эр-хотин Аллоҳ буюрган (оилавий турмуш борасидаги) қонун-қоидаларни адо қила олмасликларидан кўрксаларгина (дурустдир). Бас, агар уларнинг (ер-хотиннинг) Аллоҳ буюрган қонун-қоидаларни адо қила олмасликларидан кўрксангизлар, у ҳолда хотин (еридан ажрашиш учун) эваз қилиб берган нарсада (яъни, хотиннинг эваз беришида, эрининг шу эвазни олишида) улар учун гуноҳ йўқдир»* * *. (Бақара сурси 229-оят)

Жаноби Расулуллоҳнинг (с.а.в.) бу ажрашишни амалга оширишлари шу оятга таянар эди. Саҳланинг мақсади ўзи олган маҳрнинг ҳаммасини қайтариб бўлса ҳам, чидаб бўлмай қолган бу эр-хотинликка нуқта қўйиш эди.

ИККИ МОЗОР

Бир куни Пайғамбар жанобимиз (с.а.в.) дўстлари билан бирга Умму Мубашшир исмли бир аёлнинг боғида меҳмон бўлишди. Бир оз дам олишди, суҳбатлашишди. Кейин у ердан чиқиб, тарқалишди.

Йўлларида иккита мазор бор эди. Пайғамбар жанобимиз тўхтадилар. Бирпас шундай туриб қолдилар. Худди кимнингдир гапига қулоқ солаётгандай ёки кўз ўнглирида содир бўлаётган бир воқеани кузатаётгандай эдилар. Муборак юзларига боққан киши хозиргина олган истироҳат ҳузури қочганини, кайфиятлари бузилганини кўрар эди.

— У ерга кўмилган икки киши азоб чекапти. Бу азоб тарк этилиши қийин бўлмаган икки ёмон амал туфайлидир. Биттаси сийдигидан покланмасди, иккинчиси одамлар орасида гап ташир, чақимчилик қилар эди.

Расулуллоҳ жанобимиз азобланишлари сабабини саҳобаларига тушунтиргандан кейин:

— Менга янги бир навда келтиринглар, — дедилар.

Билол (р.а.) чопди, янги бир хурмо шоҳини олиб келди. Набиййи акмал (с.а.в.) у шоҳни иккига бўлдилар, мозорларнинг бош тарафига биттадан сукиб қўйдилар.

- Нимага бунақа қилдингиз, эй Аллоҳнинг пайғамбари? — деб сўрашди.

- Бу икки навда то қуримағунича уларнинг азоблари енгиллатилади, — деб марҳамат қилдилар*. (Имом Бухорий. «Саҳих», 1/161; «Фатхул Борий», 1/222.)

Бу мозорларда ётган икки киши мўмин-мусулмон эди. Кофир бўлишса эди, Аллоҳни инкор этиш, охират кунини ёлғон ҳисоблаш каби гуноҳлари турганда бу каби майда гуноҳлардан азоб чекишлари маъносиз бўларди. Кофирнинг мозорига суқилган новда тугул, ҳатто Пайғамбар жанобимиз ҳам ёрдам бера олмасликлари очик бир ҳақиқатдир.

Бу ердан кетишди. Аммо у хотира ўша ердаёқ унутиладиган хотира эмасди. Абу Ҳурайра (р.а.) Пайғамбаримиздан эшитган бир ҳадиси шарифни эслади: «Ўлик қабрга қўйилган заҳоти у ерга қора танли, мовий кўзли икки фаришта келади. Бирининг оти Мункар, иккинчисиники Накр дир. «Сен бу одам ҳақида нималар дер эдинг?» — деб сўрашади. У ҳаётлигида доимо айтиб юрган сўзини такрорлайди: «У Аллоҳнинг қули ва расулдир. Мен иқрорман (гувоҳлик бераман), Аллоҳдан бошқа ҳеч бир илоҳ йўқ ва яна иқрорман, Муҳаммад Унинг қули ва элчисидир». Фаришталар ундан бу жавобни эшитгач: «Биз сенинг дунё ҳаётида ҳам шундай деб юришингни зотан билиб турар эдик», — дейишади. Одамнинг қабри эни-буйига етмиш аршин кенгайтирилади, ёруғлантиради. Сўнгра бу бахтли кишига: «Қани, энди ухла», — дейилади.

«Оила аъзоларимга қайтай, аҳволимни уларга билдирай, ҳавотир олишмасин».

Одам шуни истайди, аммо унинг бу истагини ўринлатиш мумкин эмас. Шу сабабдан фаришталар унга такрор:

«Ухла!.. Оиласи ичида энг севикли инсон тарафидан уйғотиладиган қаллиқ (куёв) каби ухла», дейишади.

Шундай қилиб у ўзини Аллоҳ таоло қиёмат кунини қайта тирилтиргунига қадар ҳузурли, роҳатли уйқуга толади.

Лекин ўлган киши мунофиқ бўлса, фаришталарнинг сўраган саволига жавоб ўлароқ:

«Халқи у ҳақда гапирганида эшитдим. Улар нима дейишса, мен ҳам уни сўйладим. Аммо ишнинг аслини, асосини билмас эдим», дейди. Шунда икки фаришта:

«Биз зотан сенинг бу аҳволингни, шунақа деганларингни билар эдик», дейишади.

Кейин ерга уни қисиш буюрилади. Ер уни қисади, шундай қисадик, қовурғалари бир-бирига ёпишиб кетади. Аллоҳ уни қабридан турғазини учун қайта тирилтиргунига қадар бу азоб давом этади*. (Имом Термизий, 3/374.)

Анас бин Моликнинг хотираси сал бўлакча эди. Балки у Расулуллоҳ (с.а.в.) айтиб берган бу ҳолатларни баъзи нозикликлари билан эсида сақлаб қолгандир. Ўзи доим Жанобимизнинг хизматларида бўлгани ва унда ҳали тигдай ўткир ўсмир бўлгани учун эҳтимол яна бошқа фарқларни ҳам хотирасига янада яхшироқ жойлаштириб олганми... Ҳарҳолда, унинг ривояти бундай:

«Инсон қабрига қўйилиб, дўстлари уни ташлаб кетишгач, у оёқ шарпаларини эшитади: қабрга иккита фаришта кириб келади. Улар ўликни ўтирғизишади ва бундай дейишади: «Қани айтчи, сен мана бу одам ҳақида ҳаётлик пайтингда нималар дер эдинг?» Мўмин бўлиб ўлган киши бундай жавоб қилади: «Мен унинг Аллоҳнинг қули ва пайғамбари эканига гувоҳлик бераман.» Фаришталар: «Жаҳаннамдаги жойингга боқ! Агар кофир бўлиб ўлсайдинг, шу ерга кирардинг ва жазоингни олардинг. Энди эса Аллоҳ бу жойни жаннатдаги бир жойга алмаштирди», дейишади. Шундай қилиб, у жаннатни ҳам, жаҳаннамни ҳам қабридалигидаёқ кўради. Кейин унинг қабри энига-буйига етмиш аршиндан кенгайтирилади. Ям-яшил бир боғча ҳолига келтирилади. Ва у то қайта тирилтирилгунича шу аҳволда — ҳузур ичида, неъматлар

ичида қолади...»

Бу орада Расулulloх (с.а.в.) жанобимизнинг сўзларини қабр бошида эшитганлардан баъзилари кўнгилларидан ушбу маънодаги оятни ўтказадилар: «Аллоҳ имон келтирган кишиларни дунё ҳаётида ҳам, охиратда ҳам устувор сўз (имон калимаси) билан собитқадам қилур»*. (Иброҳим, 27)

Жаноби Расулulloх (с.а.в.) олдинроқ бу оятнинг қабр саволи билан алоқадор эканини айтган эдилар.

— «Қабрга қўйилган одамга фаришталар: «Парвардигоринг ким?.. Пайғамбаринг ким?.. Дининг нима?..» тарзида саволлар беришади. У агар мўмин бўлса: «Парвардигорим Аллоҳдир. Пайғамбарим ҳазрати Муҳаммад Мустафодир. Диним Исломдир», деб жавоб қилади. Бордию ўлган кимса мўмин бўлмаса, бу саволларнинг жавобини бера олмайди... Мана, Аллоҳнинг «Имон келтирган кишиларни дунё ва охиратда устувор сўз билан собитқадам» қилишининг маъноси шудир**. (Қаранг: Ибн Касир, Тавсир, 2/531)

Расулulloх (с.а.в.) мазор бошида қилган бу қисқа ва муҳим эслатма у ерда ҳозир бўлганларнинг руҳларига учмас излар қаби нақш этилди. Чунки бу ҳодисанинг бошланиши бор эди. Бу ҳодисадан олдинроқ набийлар сарвари (с.а.в.) жанобимиз бир бошқа қабр тепасида гапирган гаплари юракларни ваҳимага солган, қалбларни титратган эди. Ўшанда у зот: «Дахшатга тушиб ўликларни қиммай кўясизлар деб кўркаман, бўлмаса сизларга қабр азобидан бир қисмини эшиттирар эдим»* * * (Имом Муслим, 4/2200), деган эдилар.

Жанобимизга дўст бўлиш саодатига эришганлардан кўплари ушбу дуони доим ўқиб юриш лозимлигини хис этишди: «Аллоҳим! Дўзах азобидан сенга сиғинаман. Қабр азобидан сенга сиғинаман. Масих Дажжолнинг фитнасига алданишдан сенга сиғинаман. Ҳаётнинг ва ўлимнинг фитнасига тушишдан сенга сиғинаман».

Чунки бу дуони Пайғамбаримиз Қуръондан бир сура ўргатаётгандай аҳамият бериб ўргатган эдилар*. (Абу Довуд, 2/149)

ХУРМО ШОДАЛАРИ

Асхоби киромнинг бир қисми молли-сарватли кишилар эди. Узумзорлари, хурмозорлари бор эди. Баъзан боғмиздан деб бир-икки шода хурмо келтириб масжидга осиб қўйишарди. Масжидга келганлар, айниқса, «Суфа аҳли» деб ном чиқарган камбағал мўминлар, қўлларидаги калтаклар билан туртиб, тўрт-бешта хурмо туширишар, шуларни еб очликларини кетказишар эди. Бу хурмо шодалари ичида яхшилари, танлаб келтирилганлари ҳам, оч қолмагунча ейилмайдиган даражадагилари ҳам бор эди.

Бир куни Расулulloх (с.а.в.) масжидга кириб, товонда осиглик шодаларга кўзлари тушди. Хурмо жуда сифатсиз эди. Хассалари билан туртарканлар:

— Бу садақа эгаси хоҳлаганида бундан яхшироғини ҳам бера оларди, — дедилар.

Ўша ерда турганлардан Авф ибн Молик, орадан йиллар ўтиб, ўша хотирасини сўйларкан, Жанобимизнинг ушбу гапларини ҳам нақл қилди:

— Бу садақани берганнинг ўзи ҳам қиёмат куни шунақа паст хурмони ейди.

Кўп ўтмай Жаноби Мавлодан ваҳий тушди: «Ей имон келтирганлар! Қасб қилиб топган нарсаларингизнинг ҳалол-покизаларидан ва Биз сизлар учун ердан чиқарган нарсалардан инфоқ-ехсон қилингиз! Эхсон қилиш учун улардан ўзингиз фақат кўз юмиб туриб оладиган паст-нопоқларини танламангиз! Ва билингизки, албатта, Аллоҳ беҳожат ва мақтовга лойиқ зотдир. Шайтон сизларни (агар инфоқ-ехсон қилсангиз) камбағал бўлиб қолишингиздан кўрकिлади ва фахш ишларга буюради. Аллоҳ сизларга ўз тарафидан мағфират ва фазл (бойлик) ваъда қилади. Аллоҳ (карами) кенг ва билимдон зотдир. У ўзи истаган кишиларга хикмат (фойдали билим) беради. Кимга хикмат берилган бўлса, бас, унга кўп яхшилик берилибди.

Ваъз-еслатмаларни фақат биладиган кишиларгина оладилар. Инфок-ехсон қилган ҳар бир нафакангизни ва атаган ҳар бир назрингизни, шубҳасиз, Аллоҳ билади. Ва (Аллоҳ таоло буюрган садакаларни қилмай, ўзига) зулм қилувчиларга эса, ҳеч қандай ёрдамчи йўқдир. Агар садакаларни ошқора берсангиз, жуда яхши. Ва агар камбағалларга пинхона берсангиз, ўзингиз учун янада яхшироқдир. Ва қилган гуноҳларингизга каффорат бўлади. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир»*. (Бақара, 267-271)

Бу оятлар садақа берган мўминлардан кўпларининг кўнгилларини хилма-хил туйғуларга бир йўғириб олди. Кўзи очиқ инсон жирканадиган, «Мен буни олиб нима қиламан, сен бўлганингда олармидинг?» дейишга арзийдиган садақани бермаслик туйғуси юракларни қамраб олди.

Бундан олдинроқ Абу Талҳанинг «Ўзларингиз яхши кўрган моллардан Аллоҳ йўлида харжламагунларингча ҳақиқатда яхшилиққа эришмайсизлар...» маъносидаги оят турткиси билан Байраҳа номли хурмозор боғини эхсон қилиб юборгани ҳам хотирларда жонланди.

Камбағал мусулмонлар кўнгилларидан кечган ўйлар тилга олинганидан мамнуният хис этишди. Энди бундан буён садақалар ёмон хилидан бўлмаяжак, Аллоҳнинг розилигини қозониш туйғуси ва тушунчаси устун бўлажак.

БИР ЗИЁРАТЧИ

Абдурахмон ибн Абу Уқайл бир элчи гуруҳи билан Мадинага келди. Аслида бу шаҳарга келишга ҳам, Аллоҳнинг расулини кўришга ҳам ошиқиб турган жойи йўқ эди. Пайғамбарни ҳеч кўрмаган, аммо ҳақларида сўйлаганларни эшита-эшита нафратланадиган бўлиб қолган эди.

Йўлчилар туяларидан тушиб, масжидга киришди. Бўш жойларга ўтиришди. Ажабо, пайғамбар деб тилга олинган киши қай бири бўлса?.. Абдурахмон тез кўз югуртириб чиқди. Масжиддагиларни ташки кўринишидан ҳеч ажратиб бўлмасди. Ҳеч қайсиси подшоҳларга ярашадиган шаклда кийинмаган. Ўртада бир тахт ҳам йўқ. Биттаси гапиряпти, бошқалари хурматла тинглаяпти.

Гапириб турган одамни подшоҳ деб ўйлаш бир ёқда турсин, бир қабила бошлиғичалик ҳам айириб кўрсатадиган белгиси йўқ. Аммо қиёфаси нуқсонсиз, нутқи мукамал эди. Дона-дона сўзларди. Мехмонлар чиройли суҳбат тинглашди. Ичларидан бири савол ташлади:

- Эй Аллоҳнинг пайғамбари, Эгангдан пайғамбар Сулаймонга (а.с.) берган неъматга ўхшаш мулк ва салтанат сўрасанг бўлмасмиди?

Пайғамбар жанобимиз кулимсирадилар.

- Эҳтимол сизларнинг пайғамбар дўстингиз Аллоҳ ёнида Сулаймоннинг мулк ва салтанатидан ҳам устун бир мавқега эгадир. Буюк Аллоҳ Ўзи юборган ҳар бир пайғамбарига қабул этадиган бир дуо қилиш ҳаққини берган. Пайғамбарлардан ким дунёни хоҳлаган ва хоҳлагани берилган, ким ўзига исён қилган қавмга қарши баддуо қилган ва у қавм йўқотилган. Аллоҳ таоло менга ҳам бир дуо ҳаққини берди, мен уни қиёмат куни умматимни шафоат этишга қўллаيمان.

Жаноби Расулulloҳнинг бу муборак сўзларини тинглаган Абдурахмон ҳаёлга толди:

Одам яшаб турган муҳитига кўра, янада яхшироқ ҳаётни истайди-ку?.. Қанийди ҳамма ҳам лашкар-пашкари билан кўкларда учса, ҳайвонларнинг тилини тушунса! Ахир булар дунё ҳаётига майли бўлган одам учун ахтарса ҳам топилмайдиган неъматлар-ку! Ҳатто тушда ҳам бундай салтанатни ҳеч ким рад этмаган бўларди. Аммо бу пайғамбарнинг асосий мақсади, фикри-ёди шахсида эмас, балки абадий ҳаёт оламида умматининг саодатга эришувида эди.

Бу суҳбат, бу тўплати охирига етганида Абдурахмон ўзининг ҳолатига баҳо берди. Ҳақсиз экани очиқ эди. Бир одамга, бунақа бир одмга кўрмасдан душман бўлиш инсофдан эмасди ҳар ҳолда.

Абдурахмон бу ерга мусулмон бўлиш ҳаёли билан келмади, лекин бу ердан яна кофир ва

мушриклигича қайтишга ҳам кўнглини рози эта олмасди. Пайғамбар хузурларига йўналди. У зот (с.а.в.) айтиб турган шаҳодат калималарни дона-дона килиб, ишона-ишона такрорлади. Юрагида туғилган нур худди кўзларидан отилиб чиқар, овозига айрича бир тотлик берар эди.* (Ибн Касир. “Сияр”, 4/165)

ЁМОН ХОТИННИНГ КЕЧИРИЛИШИ

Расулulloҳ (с.а.в.) жанобимиз бир куни шафкат ва марҳаматдан сўз очдилар. Ҳайвонларга ҳам шафкатли бўлиш лозимлигини айтаётиб, бир воқеани гапириб бердилар:

“Бузук бир хотин йўлчилик асносида роса сувсаб кетди. Бир қудукка дуч келди. Тушди ва чанқоғини бостирди. Энди кетаман деб турганида бир ит олдидан чикди. Жонивор тилини осилтириб оғир-оғир нафас олар ва куп-курук, чақил тошларни ялар эди. Буям менга ўхшаб сувсизликдан ўлар ҳолатга келибди, деб ўйлади хотин. Ёнида сув идиши йўқ эди, қўли билан сувни ола билмасди, аммо итни бу ҳолда ташлаб кетишга ҳам юраги чидамади.

Ниҳоят рўмолини ечди, бир учидан ушлаб қудук сувига пишди. Яхшигина шимитиб олгач, итнинг оғзига сиқиб ичира бошлади. Шундай қилиб, ҳайвонга жон кирди, тетиклашди.

Хотиннинг бу ишлари Жаноби Ҳақ хузурида маъқул кўрилди. Унга тавба насиб этди, кечирди ва жаннатга киритди* (Имом Бухотий 4/100)

Бошқа бир ривоятда итга сув ичирган одам эркак экани ва қудукка тушиб, пояфзалига сув тўлдириб, тишида тишлаб олиб чиққани айтилган. Эҳтимол булар бошқа-бошқа воқеалардир. Лекин ҳар иккаласи ҳам марҳамат ва шафкат туйғуларини тараннум этади. Ҳар иккала воқеа ҳам Жаноби Мавло хузурида хуш қаршиланаяпти ва кечирилишга сабабчи бўляпти**. (Имом Бухорий, 3/77)

Расулulloҳ (с.а.в.) жанобимиздан бу воқеани эшитганлар беихтиёр:

— Эй Аллоҳнинг пайғамбари, ҳайвонларга қилинган яхшиликда ҳам бизга ажр ва мукофот бўладими? — деб юборишди.

— Ҳа, ҳар бир жонлига қилинган яхшиликка жавобан ажр ва савоб бор.

Илгари айтган ушбу муборак сўзлари ҳам хотирларга тушди:

«Бир хотин бир мушукни то у ўлгунича қамаб қўйгани туфайли азобга учради. Унга азоб бериларкан: «Сен уни қамаганингдан бери едириб-ичирмадинг. Топганини есин деб ҳоли ҳам қўймадинг. Шу сабабли азоб кўряпсан», дейилади»* * *. (Имом Бухорий, 3/77)

ҲАЗРАТИ ЗАЙНАБНИНГ ВАФОТИ

Маккадан келишда Хаббор ибн Асвад бошлиқ бир туданинг хужумига учраган ҳазрати Зайнаб (р.анҳо) у пайтда юкли бўлиб, бу хужум қорнидаги боласи тушишига сабаб бўлган эди. Зўрға Мадинага етиб келгач, бу ерда осойишта, хузурли ҳаёт кечира бошлади, аммо барибир сиҳхати тикланиб кетмади.

Эри Абул Ос унда Ислом динини қабул қилмаган эди. Сўнгра Улуғ Мавло уни ҳам юрак амри билан Исломни қабул этган ҳолида Мадинага келтирди. Расули акрам жанобимиз Ҳазрати Зайнабни янги никоҳни лозим кўрмасдан ва махр олмасдан, илк никоҳи билан Абул Осга қайтардилар.

Бир-бирига эргашган кунлар, кетма-кет ўтиб турган хафталар ҳазрати Зайнабнинг гул юзига тамоман сўлишлик келтирди, Соғлиғидан бир нарсаларни олиб кетди. Ўша фалокатли хужумдан бери қон тўхтамади; тобора зўрайиб бораётган дармонсизликдан эзилди, эзилди...

Ҳасталик уни сўлдирди, аммо юзидаги нурни кеткиза олмади. Аксинча, сўлғинлик ортган сари муборак юзи янада нур билан безанди. Бу чехрага ҳар термулганларида Расули Кибриёнинг (с.а.в.) шафкат ва марҳамат тўла юраклари таъриф этилмас қайғуга тўлиб тошар

эди.

Ниҳоят, саккизинчи йилнинг илк ойларида ҳазрати Зайнаб оламларга раҳмат бўлган севикли отасини дунёда ташлаб кетди ва оламларни яратган Зотнинг меҳмони бўлиш учун ўткинчи дунё ила видолашди. Ортидан Аллоҳ яратган энг қийматли кўзлар ёш тўкиб қолди. Умму Гулсум, Фотима ва бошқа кадрдонлар бу аччиқ айрилиқдан юраклари ёниб-қовурилган Саййидул анбиёга ҳамдард бўлишди.

Абул Оснинг уйи том маъноси-ла бир мотамхонага айланди. Ўлган шунчаки хотинигина эмас, балки Оламлар парвардигори элчисининг энг катта қизлари эди. Қолаверса, хотинининг онаси Ҳазрати Ҳадича унинг ўз ҳоласи эди.

Ҳазрати Зайнаб Абул Осдан икки фарзанд кўрди. Ўғли Али балоғат чоғига яқинлашган пайтлари вафот этди, энди ортидан ёлғиз қизи Умома қолди. Умома онасидан етим сифатида энди отасию бобосидан доимо шафқат ва марҳамат кўражак ва келажакда Ҳазрати Алига никоҳланиб, Ҳазрати Фотима (р.а.) вафот этиши билан бўшаган ўринни тўлдиражак, Ҳасан ва Ҳусайнга чиройли бир ўғай она бўлажак.

Ҳазрати Зайнабни ювиш вазифаси мўминларнинг оналари Умму Салама билан Савда, пайғамбаримизнинг севикли энагалари Умму Айман билан мадиналик аёллардан Умму Сулаймнинг опаси Умму Отияга топширилди. Керакли нарсалар ҳозир қилинганида Расули мухтарам ташқаридан овоз бериб қолдилар. Умму Салама онамиз чиқди.

— Уни уч ё беш марта ёки, керакли кўрсаларинг, кўпроқ ювинтиринглар. Ювишни унг тарафдан, таҳорат аъзоларидан бошланглар. Охирги ювишда сувга хид берадиган кофур ё унга ўхшаш хушбўй бирор нарса қўшинглар. Ювиб бўлганларингдан кейин менга хабарини беринглар, — дедилар.

Ҳамма иш буюрилганидек адо этилди.

— Эй Аллоҳнинг пайғамбари, ювиб бўлдик, — деб хабар беришди.

Жанобимиз белларига ўралган матони чувалатиб узатдилар. Юзлари қайғули эди.

— Буни унга кафан қилинглар, - дедилар. Овозлари юзларидаги қайғуга эш бўлар даражада ғамгин. Булар бари юракларни тўлдирган сўнгсиз шафқат ва марҳаматнинг, чекаётганлари ғам ва аламнинг бир ифодаси эди.

Охирги марта уйдан чиқишга... чиқаришга ҳозирланган муборак жасадни ниҳоят эркаклар елкаларига олиб мозорга йўналишаркан, орқада чуқур ғам-қайғуга тўлиб-тошган юраклар, сел каби ёш тўкаётган кўзлар қолди. Йўлларни тўлдирган мўминлар билан бирга бу кўмиш маросимига қат-қат фаришталар ҳам қатнашаётган эди.

Жаноза намозини тўрт такбир олиб, жаноби Расулуллоҳнинг ўзлари ўқиб бердилар. Сўнгра Зайнаб ўзига энг самимий севги ва ҳурмат ипларила боғлиқ бўлган инсонларнинг елкаларида Бакиъ гўристонига кириб келди.

Бу йўлнинг охири жаннат боғчалари бўлажак, у ерда уни кутиб олишга ҳозир турган фаришталар унга хизмат учун бир-бирлари билан мусобақалашажаклар эди.

Қабрга Расулуллоҳ ўзлари тушдилар. Қизларининг вафоти хабарини олган пайтларидан ғам-қайғуга ботган муборак юзлари хали ҳам ўшандай қайғули эди. Бир неча дақиқадан кейин севикли қизлари тупроқ остида қолади, энди уни дунё ҳаётида ҳеч кўрмайдилар. Лекин дунёда роҳат ва ҳузур топмаган, сиххатли кунларни соғиниб ўтган жафокор қизларининг охиратда ҳузур ва саодат топишини жуда-жуда орзу қилардилар.

Мўминлар ҳазрати Зайнабнинг жасади солинган тобутни ерга қўйишди. Қабр ичида саййидул анбиё (с.а.в.) жим турардилар. Баъзилар Жанобимизнинг муборак юзларидан қайғу кетиб, ўрнини мамнуният эгаллаганини илғашди. Ажабо, қизларини тупроққа бериш онда Жанобимиз туйган мамнуниятнинг маъноси нима бўлиши мумкин?..

Кўзларда ҳам, кўнгилларда ҳам шу савол эди. Аммо ҳеч ким бу саволни сўрамади, чунки пайти эмасди. Бир муддат ўтиб, набийлар сарвари жанобимизнинг ўзлари бундай марҳамат

килдилар:

— Зайнабнинг заифлигини ўйладим. Қабр азобини енгиллатишини Эгамдан сўрадим, У қабул этди.

Сўнгра қабрга Абул Ос ҳам тушди. Тепадан узатилган муборак жасадни бирга-бирга олишди, Улуғ Мавло хузурига йўналган мағфират дуолари эшлигида туширишди.

Меҳрибон отаси ўттиз ёшда эканларида туғилган Зайнаб илк имон келтирганлардан эди. Ўттиз бир ёшида вафот этди. Тарих саккизинчи ҳижрат йилининг илк ойлари эди. Умрининг олти йилга яқин қисмини Мадинада кечирди.

Бақиё гўристонининг бугунги дарвозасидан тўғрига қараб йигирма-ўттиз одим нарида уч қабр бор. Олдинроқ вафот этган ҳазрати Руқийя ҳамда оз вақтдан кейинроқ ортидан боражак Умму Гулсум сингиллари билан ёнма-ён бу қабрлар то қиёматгача нур ила ёруғ бўлажак, Улуғ Мавлонинг битмас-туганмас хазинасидан жала қаби у ерга раҳматлар ёғилажак...

Аллоҳим, мана шу ишонч билан уларга юз йиллар берисидан кўнгилларини боғлаганлар ҳам сендан раҳматингни тилаб қоладилар!..

ҲИЛОЛ ИБН УМАЙЯ

Озод ва номусли хотинларга тил теккизиб, уларни зино қилганликда айблашга, шарафларини ўйнашишга журъат этганлар ҳақида Аллоҳ таоло ҳукмини билдирди: бир хотинни зинода айблаш учун тўртта гувоҳ келтириш шарт килинди. Агарда шунақа даъво билан чиққан эркак ёки хотин тўртта гувоҳ топмаса, унда ўзига саксон дарра уриладиган ва бундан бу ёғига унинг гувоҳлиги қабул этилмайдиган, бунақа одамлар фосиқ кишилар деб билинадиган бўлди.

Аmmo бу масаланинг нозик томони ҳам бор эди. Фикрли зехнларга бу масаланинг жавоби қандайдир қоронғу бўлиб қолди. Бир куни Ҳазраж қабиласининг улуғи Саъд ибн Убода шу мавзунини кўтаради:

— Эй Аллоҳнинг пайғамбари, сизга оят шундай туширилдими? — деб сўради.

Расулulloҳ(с.а.в.) унинг бу саволидан хайрон бўлдилар. Ёнларидагиларга ўтирилдилар:

— Эй Ансор! Эшитдиларингми, улуғларингизнинг сўзларини?!

Ичларидан бири сўз қотди:

— Эй Аллоҳнинг пайғамбари, бу сўзи учун уни айбламанг. Ишонмаганидан эмас бу гапи. Биз биламиз, Саъд жуда рашкчи одам. Нукул бокираларга уйлангани ҳам шундан. Эридан чиққан хотинга уйланганини бир кимса кўрмаган, — деди.

Саъд ибн Убоданинг ўзи ҳам тушунтира бошлади:

— Эй Аллоҳнинг пайғамбари, қасам ичаман, сиз етказган бу оят ҳақдир ва ҳақиқатни айтяпти. Яна қасам ичаман, уни Аллоҳ туширди. Фақат, мени бир нарса хайрон қолдирапти: агар мен зино йўлига кирган хотинни бир эркак билан ноҳўя иш устида тутиб олсам, нима қиламан? Сизлар шундай туриб турунлар, мен тезда тўртта гувоҳ топиб келаман, дея олмайман-ку, ахир?! Мен гувоҳ топиб келгунимча, валлоҳи, у одам аллақачон ишини битириб кетган бўлади*. (Ибн Касир. Тафсир, 3/267.)

Саъд ибн Убоданинг бу сўзларида ҳақиқат ҳам йўқ эмасди.

Ўша кунлари мадиналик мусулмонлардан Осим юзи хомуш тортган Уваймирни учратиб қолди.

— Сенга нима бўлди? Ғам босган одамдай юрибсан? — деди.

— Юрагим сиқилиб кетяпти, эй Осим, — деб жавоб қилди Уваймир.

— Юрагингни бунча сиқаётган нарса нима?

Уваймир ерга чўкди. Худди айтадиган сўзларини тишларининг орасига олиб эзриляётгандай, жим эди.

— Гапир, эй Уваймир, дардини айтмаган дармон топмайди, дейишади.

Уваймир жигар-жигарига ёпишган ғамини чуқур бир нафас-ла ташқарига чиқариб ташлагандай, хорғин кўзларини кўтарди. Атрофдаги нарсалар унинг кўзига ҳар хил шарпалар бўлиб кўринарди. Овози ҳам шу ҳолатига яраша толғин.

— Ўзинг ўйла, Осим, хотинини бегона эркак билан зино устида кўриб қолган эр нима қилади?

Осимнинг пешонасига тер тепчиди. Чунки Уваймирнинг хотини унинг яқин қариндоши эди. Уваймир гапида давом этди:

— У одамни ўлдирса, жазо ўларок ўзи ҳам ўлдирилади. Бировга айтса, жуда ёмон гап айтган бўлади. Хотинига тухмат қилган шарафсиз бир одам ҳолига тушади. Аксинча, ўзи жазога тортилади. Айтмаган тақдирда жуда оғир бир юк остида эзилиб қолаверади. Номуси топталган одамлигини айтолмасдан, уят ичида яшайди.

Уваймир ичини қурт каби кемираётган дардининг шунчасини англади ҳамда бир неча чуқур нафас-ла жигарларини бўшатиб олгач, ниятини очди:

— Сендан илтимос, эй Осим, Расулulloҳга бу ахволни тушунтир, нима тавсия қилсалар, менинг номимдан билиб кел, — деди.

Сухбат шу ерда битди, аммо дард битмади. Энди Осимнинг кўнглини ҳам айни оташ бошқа томондан қоплаб олди. Қўлидан келганида-ку, Уваймирга тасалли берар, кўнглини оладиган бир-икки жумла айтар эди. Лекин ҳозир Осим ўзи уятли ҳолга тушиб қолди. Чунки Уваймирнинг хотини ҳақидаги ҳар қандай гап-сўз ўзининг синглиси ҳақида сўзлангандай юрагини эзар, холини паришон қилар эди.

Энди у, менга нима, деб елка учуриб ҳам қўёлмасди. Бир чеккаси ўзига тегиб кетадиган бу масалага аралашини ҳам, аралашмаслик ҳам унга оғир эди. Кошки Уваймирни ҳеч кўрмаса ёхуд холини сўрамаса эди... Энди эса, у тутса бўладиган бошқа йўл йўқ. Ночор, Расули мухтарам жанобимизни излаб кетди, топди. У зоти шариф (с.а.в.) дўстлари даврасида ўтирган эканлар. Уваймирнинг саволини ҳамма эшитадиган овозда сўради.

Сўради, аммо жавоб ололмади. Жанобимизнинг юзлари хафаликларини билдирувчи ҳол билан чулғанган эди. Дўстларидан бировининг бошига бундай ҳолнинг тушиши ҳам, воқеа кўпчилик олдида айтилиши ҳам одамни хафа қиладиган иш эди. Жанобимиз бу савол ортидаги воқеани ҳам сезиб турар ва бунақа саволни кулиб туриб тинглай олмас эдилар.

Осим бу ердан юраги эзилган бир алпозда кетди. Пайғамбарларнинг энг буюгини хафа қиладиган саволни келиб-келиб у бериб ўтирибди-я! Уваймирни топиб, қойий бошлади:

— Бошимни ғавғога қўйдинг, Пайғамбаримизнинг жонларини сикадиган саволни сўраттирдинг, — деди.

Уваймир бошини ғалати-ғалати соллади. «Хайҳот, боши ғавғога қолган менман-ку!» демоқчи бўларди.

— Энди ўзим бориб сўрайман, эй Осим. Бу ишнинг охири келиши лозим, ахир.

Эртаси кун Уваймир Хотамул анбиё жанобимизнинг хузурларига чикди, бошига тушган дардни ўзи англади.

Ҳилол ибн Умайя анча қари одам эди. Бир куни шом ўтиб атрофни қоронғилик босганидан кейин жуда хориб-чарчаб келди. Уйига яқинлашганида ичкаридан ғоят нашъали, аммо бу ёқда юракни аламга ботирадиган овозлар эшитилди. Севишганларгина шунақа овозда гаплашишар эди. Шартта эшикни очди ва... остонада қотди: хотини билан Шарик ибн Саҳма исмли бир эркак у кўришни ҳеч истамаган бир ҳолатда ётишар эди. Шундоқ ҳам жуда чарчаб турган Хилолнинг тиззалари бирдан бўшашди, турган жойига чўка бошлади.

Шу бўйи тонгга яқин хушига қайтди. Хушига қайтиши баробарида тунги воқеа хусусида бир қарорга ҳам келган эди: ким нима деса, десин, Расулulloҳ хузурларига боради, ахволни арз этади.

Ҳилол масжидга кирганида Пайғамбарлар сарвари (с.а.в.) саҳобалари билан бирга аллақачон

у ерда ўтирган эдилар. Лекин Ҳилолнинг кўзига ҳозир Жанобимиздан бошқа ҳеч ким кўринмасди.

— Эй Аллоҳнинг пайғамбари, бугун кечаси уйимга кеч қайтдим, хотинимни бегона эркак билан тутиб олдим, зино қилишаётган экан. Бу одам Шарик ибн Саҳма эди, — деди.

Расулulloҳнинг (с.а.в.) юзлари ўзгарди, бошқача ранг олди. Озорланганлари шундоққина билиниб турарди. Масжид ахли сал олдинроқ Саъд ибн Убода билан пайғамбаримиз ораларида кечган суҳбатни эшитишган эди, энди Ҳилолнинг атрофида тўпланишди. Баъзилари уни тинчлантиришга ҳаракат қилишса, бошқалари, бу гапни гувоҳ келтирмасдан бекор айтдинг, дейишар эди. Ҳилол сўзга аралашди:

— Мен ёлғон гапирмаяпман, — деди. — Ўзимнинг хотинимга тухмат қилиш ниятим йўқ. Улуғ Мавло мен ҳакимда бир ҳукмни албатта туширишига ишонаман.

Сўнгра Пайғамбаримизнинг ҳузурларига борди.

— Эй Аллоҳнинг пайғамбари, гапларим сизни ранжитганини кўриб турибман. Аммо, Аллоҳ билиб турибди, мен тўғри гапни айтяпман, — деди.

Шунда Жанобимиз унга:

— Ё бу сўзларингга доир тўрт нафар гувоҳ олиб келасан ва ўртага ташлаган даъвоингни исботлайсан, ё сенга тухматчилик айбинг учун жазо татбиқ қиламан, — дедилар.

— Эй Аллоҳнинг пайғамбари, бир одам бегона эркакни хотинининг устида кўрса, бунга далил ахтарадими? Ўнг-сўлга чопиб, гувоҳ излаб ўтирадими? Сизни ҳақ пайғамбар ўларок юборган Аллоҳга қасам ичаман, мен ёлғон гапирмаяпман. Яна Аллоҳ таоло мени мен йўлиққан бу ҳолатдан кутқарадиган бир чора туширишига ҳам ишонаман.

Саъд ибн Убода, Уваймир ва Ҳилол ибн Умайя тарафларидан ўртага ташланган бу эътирозларнинг ҳақли эканини Пайғамбар жанобимиз энг камида уларчалик билиб турибдилар, аммо ўзлари ўз бошларича иш қиладиган эркин одам эмасдилар. Энг бирламчи навбатда Аллоҳ таоло туширган оятларни етказиш ва баён этиш, ундан кейин одамлар орасида бу оятларнинг ҳукмларини амалга киритиш мажбуриятида эдилар. Бундай бир мавзуда ўзидан чиқариб ҳукм бергандан кўра келиш эҳтимоли жуда кучли бўлган оятларни кутиш албатта тўғрироқ бўларди.

Масалан, май ичувчи ичимликнинг ёмонлигини ҳеч бир киши Расулulloҳчалик (с.а.в.) билмасди. Айни чоғда, Аллоҳ туширажак ҳукмларни сабр билан кутдилар, масалани Улуғ Мавлонинг ўзи ҳал этишини орзу қилдилар.

Ҳилол билан кечаётган гап-сўз хали битиб улгурмасидан. Жанобимиз бирдан жим қолдилар. Ҳолатларида ваҳий аломатлари кўрила бошлади: муборак пешоналарига тер тепчиди, нафаслари тезлашди, оғир юк остида эзилаётганга ўхшаш ҳолга тушдилар. Келаётган бу оятлар Ҳилол билан алоқадор бўлиши ғоят эҳтимолли эди.

Жаброили амин (а.с.) Расули амин (с.а.в.) қалбларига Аллоҳнинг ваҳийларини нақшлаб қайтаркан, пайғамбарлар имомининг муборак пешоналари терга ботган, вужудлари жикқа ҳўл бўлган эди.

— Эй Ҳилол, суюнчлар бўлсин, Аллоҳ таоло бу ишда сенга бир кенглик, бир чора юборди, — дедилар.

Қари Ҳилолни хаяжон босди.

- Мен буни Парвардигоримдан кутаётган эдим, эй Аллоҳнинг пайғамбари, — дея олди ҳолос.

- Бориб айтинглар, хотини келсин!

Дарҳол одам юборилди. Хотин келди. Расули мухтарам (с.а.в.) Ҳилол ундан шикоят қиладиганини айтдилар ва хоссатан шу мавзуда туширилган оятларни ўқий бошладилар:

«Ўзларидан бошқа гувоҳлари бўлмагани ҳолда ўз хотинларини (бузуқ деб) бадном қиладиган (ер)ларнинг ҳар бири ўзини шак-шубҳасиз ростгўйлардан деб Аллоҳ номига тўрт марта гувоҳлик бериши вожибдир. (У эрнинг) бешинчиси (гувоҳлиги эса), агар ёлғончилардан

бўлса, устига Аллоҳнинг лаънати (тушишини сўрашидир). Ундан (яъни, аёлдан) азоб-жазони «У (яъни, эри) шак-шубҳасиз ёлғончилардан», деб Аллоҳ номига тўрт марта гувоҳлик бериши даф килур. (У аёлнинг) бешинчиси (гувоҳлиги эса), агар (ери) ростгўйлардан бўлса, ўзининг устига Аллоҳнинг ғазаби тушишини сўрашидир»*. (Нур, 6-9.)

Ер-хотин бу оятларни бошлари эгик ҳолда тинглашди. Сўнгра Пайғамбар жанобимиз уларга мурожаат килдилар.

— Иккингиздан бирингиз мутлақ ёлғон гапиряпсизлар. Буни Аллоҳ билиб турибди. Ўзаро лаънатлаш бошланмасидан аввал тавба қилинглр ва охират азоби Дуне азобидан кўра қаттиқро эканини билинглр, — дедилар.

Саййидул анбиё (с.а.в.) жанобимизнинг ҳақли ва уларнинг фойдасига қолган ўғитлари иккаловига ҳам таъсир этмади. Улар ҳамон ўз даъволарида каттик туриб олишган эди. Олдин Ҳилол сўзлади:

— Эй Аллоҳнинг пайғамбари, валлоҳи, мен сўзимда ростгўйман! — деди.

Хотин унинг сўзини рад этди, «ёлғон айтяпти», деди.

— У ҳолда бир-бирларингни лаънатлайсизлар, — дедилар ҳазрати пайғамбаримиз.

Асхоби киромнинг хаяжони кучайиб борарди. Ҳаётларида илк бор бунақа ходисага йўлиқишган эди. Қасам ичиш аввал Ҳилолга таклиф этилди. Ҳилол тиз чўкди.

— Хотиним зино килди. Сўзимнинг тўғрилигига Аллоҳни гувоҳ қиламан! — деди.

Ва бу шаклда алоҳида-алоҳида тўрт марта қасамини такрорлади. Расулulloҳ (с.а.в.), тўхта, дедилар. Қўлларини Ҳилолнинг оғзини ёпгандай қилиб ишора этдилар.

— Эй Ҳилол, Аллоҳдан кўрк! Чунки дунё азоби охи-рат азобидан енгилроқдир. Ҳозир айтадиган лаънат, агар ёлғон айтаётган бўлсанг, бошингга у азобни келтиради! Яна сенга келадиган ҳар бало Аллоҳнинг сени лаънатлашидан кўра ёмон эмаслигини ҳам эсингда тут, — дедилар.

Сўнгра даъвосидан воз кечиш ёки давом этишини ўйлаб кўриш учун уни бир озга эркин кўйдилар. Салдан кейин Ҳилол қайтиб келди.

— Қасам ичаман, Улуғ Мавло менга азоб бермайди! Ахир, тухмат жазосидан ҳам мени Унинг ўзи қутқарди-ку! — деди. Сўнгра лаънатлашманинг охирини бундай тугатди:

— Агар хотинимнинг зино қилгани хусусида ёлғон сўзлаётган бўлсам, менга Аллоҳнинг лаънати бўлсин!

Ҳилол ишини битирди. Энди навбат хотинига келди.

— Мен зино қилганим йўқ. Эрим ёлғон сўзлаётганига Аллоҳнинг ўзи гувоҳ, — деди у.

Вазият бора-бора тахликали тус оларди. Бир хотин ҳам зино қилган, ҳам зино қилмаган бўлиши мумкин эмас. Бунақа нозик масалада, бунақа даврада ғоят талабчан, ғоят даққатли бўлиш лозим. Чунки бу лаънатлашмага ҳакамлик қилаётган зот Аллоҳнинг энг охирги ва энг буюк пайғамбари... Бу ходисага гувоҳлар инсоният учун юборилган энг яхши уммат... Бу жой Масжиди Ҳарамдан кейин маконларнинг энг мубораги... Бу масжидда ўқилган намознинг қадри бошқа масжидларда ўқилган минг намоздан ортиқ экан, бу ерда қилинган хато-айб ҳам бошқа масжидларда қилинган хатолардан ёмонроқ бўлиши маълум. Бунинг устига, бундай шартлар остида йўл қўйилган хато Аллоҳни ўртага қўйиб инкор этилмоқда!

Хотин иффатини сақлаган бўлса, эр тухмат қилаётган бўлади. Акс ҳолда, хотиннинг зино этгани исботланади. Ҳар иккисининг ҳам ҳаёлига келмаган бу вазиятга кўра иккисидан бири айбдордир.

Аммо ўқ ёйдан чиққан, изи кўздан йўқолиб бўлган эди.

Хотини иккинчи қасамини ҳам ичди:

— Аллоҳни гувоҳ қиламан, мен зино қилмадим. Эримнинг даъвосини ёлғон деб қасам ичаман, — деди.

Учинчи, тўртинчи қасамлар ҳам айтилгач, Расули ак-рам жанобимиз уни ҳам тўхтатдилар.

Ҳилолга айтган гапларини унга ҳам эслатдилар.

— Аллоҳдан кўрк. Чунки дунёнинг азоби охират азобидан енгилдир. Иккалангиздан бирингиз мутлақо ёлғончи эканингизни Аллоҳ билиб турибди. Агар ёлғон гапираётган бўлсанг, сен чақираётган ғазаб у азобни бошингга

келтиради. Яна шуни ҳам яхши бил: бошингга келадиган ҳар мусибат бу ғазабдан кўра енгил бўлади, — дедил ар.

Хотин бир муддат тараддудланиб турди. Қасамидан қайтиш ёки давом этиш орасида қийналиб колди. Атрофдагилар уни бешинчи қасамни ичишдан воз кечса керак деб гумон қилишди. Аммо хотин: «Қавмимнинг номига доғ туширмайман», деди ва бешинчи марта:

— Агар у тўғри гапираётган бўлса, Аллоҳнинг ғазаби устимга бўлсин! — деб қасам ичди.

Катта гуноҳ ишланган, юзда юз аниқ бўлган даъвога Аллоҳ таоло гувоҳ қилиб кўрсатилган эди.

Пайғамбар жанобимиз ҳар икки тараф ҳам сўзидан ва даъвосидан қайтмаганидан кейин ўртадаги никоҳ боғини уздилар. Шу тариқа улар бир-бирларидан ажралишди.

Шарти ва фарқи: эридан талоқ олган бошқа хотинлар каби бир муддат сақланиб (идда) ўтириш ва нафақаланиш ҳаққи бунда бўлмайди;

агар бу хотин туғса, бола отаси номи билан чакирилмайди, яъни, Ҳилолнинг ўғли сифатида қабул этилмайди; аммо хотин ҳақида ҳам «зино қилди» сўзи қўлланилмайди, ким бу сўзни қўлласа, тухмат қилганининг жазоси тайинлади.

Ҳилол сўз истади:

— Эй Аллоҳнинг пайғамбари, уйланаётганимда мен унга фалонча молни махр қилиб берган эдим, — деди.

Яъни, берган молимни қайтариб олишга ҳаққим борми, демоқчи эди у.

Расулуллоҳ жанобимиз рад этдилар:

— Сенга мол қайтарилмайди. Агар сен тўғри даъво қилаётган бўлсанг, ололмайсан. Чунки ҳозирга қадар сенинг хотининг эди. Агар унга тухмат қилган бўлсанг, бу такдирда молни олишинг ҳеч мумкин эмас, — дедилар.

Ҳилол билан хотин масжиддан бир-бирига бегона одамлар каби чиқишди. Расули акрам (с.а.в.) жанобимиз ёнларидагиларга ўғириддилар:

— Қаранглар, агар сариқ сочли, кичик кўзли, нозик оёқли туғса, Ҳилол ибн Умайянинг ўғли бўлади. Агар кўзлари сурмали, буғинлари этли, оёқлари йўғон бола турса, у Шарик ибн Сахмадан туғилган бўлади, — дедилар.

Келажакда бу хотин тукқан бола иккинчи таърифга тўғри келади ва Пайғамбар жанобимиз бу хотин ҳақида:

— Агар Аллоҳнинг китобида дунё азобини қолдириш ҳукми бўлмасайди, бу хотиннинг бошлаб жазосини берардим, — дейдилар.

Яъни, ўзаро лаънатлашма йўли тутилганида иккисидан бири даъвосидан қайтмаса, уларга жазо белгилаб бўлмасди.

Жанобимизнинг бу гапни айтишлари хотиннинг бу болага зино йўли билан хомила бўлганига кескин қаноат келтирганларини кўрсатар эди*. (Имом Бухорий, 6/64; Имом Термизий, 5/231; Ибн Касир. Тафсир, 3/265.)

Ҳилол кекса одам эди. Хотинига эш бўладиган, эрлик вазифаларини ўрнига қўя оладиган ёшда эмасди. Унинг бу холи хотинини ғайримашру йўлдан эҳтиёжини кондириш чорасига етаклаган эди.

Хотинлик эҳтиёжи ортгани сайин Аллоҳдан кўркуви озайган ва охири Шарик ибн Сахма билан дон олишган, ҳатто ундан хомила ҳам орттириб олган эди.

Ҳилол билан хотини воқеасидан бир ё икки кун ўтган эди. Дастлаб Осим орқали сўраттирган масала юзасидан бу дафъа Уваймир ўзи келди, ахволни ўзи тушунтирди. Натижада

уларга ҳам лаънатлашма тадбири қўлланди. Аммо бу иккиси ҳам, худди Ҳилол билан хотинига ўхшаб, охиригача сўзларида туриб олишди. Аввалгидек, Расули акрам (с.а.в.) жанобимиз тавсиялар берган бўлсалар ҳам, натижа ўзгармади. Лаънатлашма йўли билан ўзаро касамлар ичилганидан сўнг Уваймир:

— Эй Аллоҳнинг пайғамбари, бу хотинни никоҳимда олиб қолсам, у ҳақда ёмон иддаода бўлган бўламан. Шунинг учун ўртамиздаги никоҳ боғини бузаман, — деди.

Шу тарика Уваймир оиласи ҳам шу ҳафта ичида бир-бирларидан ажралишди*. (Бухорий, 6/164-180; Муслим, 2/1129.)

БИР ШОИРНИНГ ЎЛИМИ

Машхур шоир Умайя ибн Салтнинг ўлгани тўғрисида хабар келди.

Умайя эсли-хушли одам эди. Воқеалар устида тафаккур қила оладиган ва уларга баҳо бера оладиган салоҳиятли шоир эди. Халқ буткул бутларга топиниб юрган, пайғамбарлик овози ҳали эшитилмаган пайтлари ҳам тўғри йўл бутларга топиниш йўли эмаслигини сезган, Аллоҳ битта деган инончга эга киши эди.

Лекин яқинда бир инсонга пайғамбарлик вазифаси берилажagini ҳар хил сафарлар чоғи кўришган дин одамларидан эшитавериб, бу шараф тожи менинг бошимга қўнса керак, деган умидга алданиб қолган эди.

Бир куни Абдулмутталибнинг невараси Муҳаммад ибн Абдуллоҳга пайғамбарлик ва элчилик эшиги очилганини эшштиб кўпирди, ўзини боса олмай қолди. Жаноби Мавлога бўлган севги ва боғлиқлик туйғулари ўрнини кин ва ҳасад туйғулари тўлдирди. Ҳолбуки, у бир замонлар диний туйғу ва тушунчаларини ифодаловчи гўзал шеърлар айтган эди...

Унинг ўлгани тўғрисидаги хабар Мадинага келган кунлари бўлса керак, Расули акрам (с.а.в.) ўзлари билан бир уловга мингашиб йўлга чиккан Шариддан:

- Умайя ибн Салтнинг шеърларидан ёдингда қолгани борми? — деб сўраб қолдилар.

- Ҳа, — деб жавоб қилди Шарид ва ушбу шеърни ўқиди: — «То тирик эканман, Аллоҳга ҳамд этишдан, шукр ва таъзимда бўлишдан айрилмам».

- Яна биласанми?

- Ҳа, эй Аллоҳнинг пайғамбари. У яна бундай деган: «У Аллоҳ ҳукм қилувчиларнинг энг ҳукм қилувчисидир. На ундан устун бир илоҳ бор ва на унга тенг кела оладиган бир маъбуд...»

Сўнгра Шарид Пайғамбар жанобимизнинг: «Яна биласанми?» деган саволлари ва истакларига қараб ушбу байтларни ўқиди:

— «Эй инсон, ёмонликдан узоқ тур. Аллоҳдан ҳеч нарсани яшира олмайсан. Аллоҳга ўрток келтиришдан сақлан, чунки тўғри йўл очиқдир. Эй Аллоҳим, сен менинг моликимсан. Умидим сендадир. Сендан бошқа сиғинишга лойиқ бир зотни танимайман. Мана шулар ақл-идроки борларга аломатлардир. Эй Парвардигоро, Юнусни балиқнинг қорнида бир неча кун куттиргандан кейин лутф ва караминг-ла қутқарган сенсан. Сенинг отингни муқаддас биламан ва гуноҳларимнинг кечирилишини тилайман. Эй қулларнинг Эгаси, мени эҳсонингга ва раҳматингга эриштир ва болаларимга саодат бер...»

Ўқилган байтларнинг сони юзга борди. Ҳаммасини жим эшитиб борган Жанобимиз (с.а.в.) охирида:

— Мусулмон бўлишига оз қолган экан, — дедилар.

Бошқа бир ривоятда эса: «Шеърларида имон бор, аммо қалби имон келтирмаган», деганлари билдирилади.

Умайя Аллоҳнинг азамати, Унга ўзининг боғлиқлиги тўғрисида самимий бўлмаганини очиқча кўрсатди. Пайғамбарлик унга берилганида бу туйғулар янада чиройли шаклларда давом этажак эди. Кутган натижага эришмаганидан кейин қалби куфр ва инкорга тўлиб тошди. Бундан

бу ёғига Жаноби Мавлога боғлиқлик ифодалари билан безанган шеърларни айтишни тўхтатди. Фурсат топди дегунча Расулulloҳ жанобимизни нишонга олган шеърлар айта бошлади.

Одамлар охириги марта уни Бадрда кўришган эди. Бир сафардан қайтишда йўли Бадрдан ўтган Умайя ўшанда Қурайш улуғларининг жасадларини тўлдирган Калит чуқурлиги тепасида тўхтаган, улар учун кўзёшлар тўккан, шеърлар айтган, «Агар Муҳаммад тоғри йўлда бўлганида эди, яқинларини ўлдирмасди», деган.

Қайтиб боргач, қолган умрини ўтказиш учун Тоифга чекинди. Аслида, Умайянинг битта қутулиш йўли бор эди: туясининг бошини Мадинага буриш, илгарилари қўллаб келган аклини ишлатиб, пайғамбарлар султони (с.а.в.) жанобимизнинг хузурларида тавба килиб, имон калималарини айтиш ва абадий саодат тожини кийиш... Аммо юрагини ҳар томондан ўраб олган кин ва ҳасад туйғулари унга бу фурсатни бермади, Тоиф йўлини тутди. Тоифдан кейин унинг борадиган иккинчи жойи килмишларининг жазоси сифатида чекадиган азоб юрти дўзах булажак. Дархақиқат Умайя ботил туйғу ва инончидан айрилмаган ҳолда қора тупроққа кирди.

ҲИКМАТЛИ ҚАБИЛА

Азд қабиласи аҳли Мадинадан борган даъватчининг сўзлари билан имонга кирган эди. Аллоҳнинг расулини шахсан кўргилари келди. Шу ниятда етти кишилик бир гуруҳ бир куни Пайғамбар (с.а.в.) жанобимизнинг хузурларига келишди. Салом беришди. Жанобимиз уларнинг саломига жавоб берарканлар, мусофирларнинг килик ва қиёфаларидан, гап-сўзларидан мамнун бўлдилар.

- Сизлар қайси диндасизлар? — деб сурадилар.

- Биз мўминлармиз, — деб жавоб қилишди улар.

Жавоб ёқимли эди. Жанобимиз кулимсирадилар.

- Ҳар нарсанинг бир ҳақиқати бўлади. Динларингизнинг ва имонларингизнинг ҳақиқати нима?

- Ўн беш хусусиятимиз бор. Улардан бештасини сиз юборган элчи бизга етказди. Биз уларга имон келтирдик. У буюрган яна бештасига биз амал қиляпмиз. Яна жоҳилият давридан бизга ўтган бешта нарса бор. Агар буларни ёқтирмасангиз, тарк этишимиз қийин эмас.

- Элчиларим сизларни ишонишга буюрган беш нарса нима?

- Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига ва улгандан сўнг қайта тирилишга ишонишдир.

- Қилишга буюрган беш нарса нима?

— Аллоҳдан бошқа ҳеч бир илоҳ йўқ, деб иқроқ бўлишга, намозни дуруст қилишга, закот беришга, рамазон рўзасини тутишга ва йўлга кодирларимизга ҳаж қилишга буюрди бизни.

- Ҳўп, майли. Жоҳилият давридан эргаштириб келган беш нарсаларингиз нима?

- Кенглик ва мўл-қўллик пайтида шукр, бало ва мусибат вақтида сабр, қазага рози бўлиш, душман билан юзма-юз келганда қочмасдан сабот кўрсатиш ва душман бошига келган мусибатга севинмаслик.

Бу сўзларни эшитиб Расулulloҳ жанобимиз:

— Бу одамлар хикмат топган одамлар экан. Ўзлари қаерда бўлишса ҳам, Пайғамбар тарбиясида етишган, деса бўладиган ҳолга келишибди, — деб марҳамат қилдилар.

Сўнгра сўзларини бундай давом эттирдилар: — Мен ҳам сизларга яна беш нарсани қўшай, ҳаммаси йигирма хусусият бўлсин. Агар сизлар ҳақиқатан шунақа одам бўлсаларингиз, емайдиганларингизни кўшиб йиғманглар. Ичида ўтирмайдиган уйни қуришга уринманглар. Эртага айрилажагингиз нарсалар билан мусобақалашингизга чиқманглар. Ҳузурига тўпланиб арз этиладиганингиз Аллоҳни севинглар. Борадиганингиз ва абадий қолажагингиз оламга ҳозирлик кўринглар.

Азд кабиласи вакиллари Расули акрамнинг (с.а.в.) бу тавсияларини зехнларига мухрлаб, ватанларига кайтишди*. (Ибн Касир. «Сияр», 4/180.)

ИСЛОМНИНГ ИЛК ҲАЖ АМИРИ

Ҳаж амри тушди. Йўлга қодир инсонлар улуғ Байтни зиёрат ва ҳаж қилишлари Аллоҳнинг бир ҳаққи сифатида билдирилди. Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳажнинг фарз қилинганини билдирувчи оятни минбарда ўқиганларидан кейин:

— Эй инсонлар, Аллоҳ сизларга ҳажни фарз қилди, шундай экан, ҳаж қилинглар, — деб хитоб этдилар.

Бир киши ўрnidан турди:

— Ҳар йили ҳаж қиламизми, эй Аллоҳнинг пайғамбари? — деб сўради.

Бу киши Ақро ибн Хобис эди. Расулуллоҳ жанобимиз жавоб қилмадилар. Ақро саволини такрорлади:

— Ҳар йили ҳаж қиламизми?

Бу гал ҳам индамадилар. Ақро эса, саволига жавоб берилмагаётганида бир хикмат бўлиши мумкинлигини ўйлаб кўрмасди. Натижада айни саволни учинчи марта сўради. Шунда Жанобимиз (с.а.в.) Ақронинг тушунчасизлигидан куюнган бир охангда, дедилар:

— Агар ҳа деганимда ҳар йили ҳаж қилиш вожиб бўларди. Сизларнинг эса бунга кучларинг етмасди. Сизлардан аввалгиларни кўп ва беҳуда савол сўрашлари ва натижада пайғамбарларига терс иш қилишлари ўлдирган. Мен сизларни ўз ҳолларингизга қўйиб берганим муддатча мени ҳам ўз ҳолимга қўйинглар (яъни, мен ўзим изоҳлаб бермагунимча, мендан қўшимча маълумот кутманглар).

Кейинроқ бу мавзуда мўминларга бир амр келди: «Ей имон келтирганлар! (Аллоҳ сизларга кечиб юборган,) очилганида сизларга хуш келмайдиган нарсалар ҳақида сўраманглар! Қуръон (оятлари) нозил бўлаётганида у нарсалар ҳақида сўрасангиз, сизларга очиб берилади (яъни, зиммангизга юкланади). Ҳолбуки, Аллоҳ у нарсаларни кечиб юборган эди. Аллоҳ кечирувчи ва ҳалимдир. У нарсалар ҳақида сизлардан олдинги қавм сўраган эди. Сўнгра эса у нарсаларни инкор қилувчиларга айландилар»*. (* Моида, 101-102.)

Расулуллоҳдан худа-беҳуда саволлар сўралиши тақиқланмасидан илгари Жанобимиз минбардаликларида баъзилар: «Менинг отам ким?» деб ҳам сўраган, бошқалари: «Менинг отам қаерда?» деб ҳам сўрайверган ва бунақа ўринли-ўринсиз саволлар билан Жанобимизни толиқтириб ташлашарди. Охирида ҳазрати Умар (р.а.) орага кириб савол берувчилар номидан узр тилаши билан масала узил-кесил ҳал этилган эди.

Бундан бу ёғига энди Пайғамбаримиз (с.а.в.) ўзлари тушунтирмагунларича у кишидан бирон-бир изоҳ талаб қилинмайдиган бўлди.

Ҳаж мавсуми яқинлашиб келар, қизгин хозирликлар борар эди. Баъзи мўминлар Ҳотамул анбиё жанобимизнинг ҳаж қилиш ниятлари борми-йўқми эканлигини аниқламасдан бир қарорга келгилари йўқ эди. Ниҳоят, қутилган кун келди. Жанобимиз ҳазрати Абу Бакрни ҳаж амири қилиб тайинладилар. У кишига одамларга Исломнинг беш асосидан бири бўлган ҳаж ибодатининг қандай бажарилишини ўргатиш ҳамда ҳаж ибодати адо этилаётган пайтда низом ва интизомни таъминлаш вазифаси юкланди. Жанобимизнинг бу йил ҳаж қилмасликлари маълум бўлди.

Шундай қилиб, ҳазрати Абу Бакр (р.а.) Ислом тарихида илк ҳаж амири бўлишдек шарафга эга бўлди. Худди келажакда Расули акрамнинг (с.а.в.) илк халифалари бўлажаги каби.

Ислом тарихининг илк ҳажини адо этиш орзуи ва амали-ла уч юз кишидан иборат имон жамоаси хозирланди. Бу орада жаноби Пайғамбаримиз ҳазрати Умарни (р.а.) бир чеккага тортдилар:

— Мен учун ҳам дуо қил, қардошим, — дедилар.

Бу муборак сўз ҳазрати Умарнинг руҳини аллақандай ёқимли хисларга йўғириб юборди. Пайғамбарлар имоми унга қардошим деб мурожаат қилишлари ва ундан дуо исташлари йиллар давомида унутилмайдиган азиз бир хотира улароқ қолажак эди.

Зулқаъда оғир охирида йўлга чиқилди. Улар Мадинани тарк этишдию Жаброили амин (а.с.) янги оятлар келтирди. Жанобимиз бу оятларни Тавба сурасининг бошига ёздирдилар. Бу оятларда энди мушриклар ғолиблик қўлидан чиқаришган, ҳатто рақиб ўларо ҳам эътиборга олинмай қўйишган эди. Уларга буюрилган ишни қилишга мажбур бўлган мағлублар сифатида қаралаётган эди. Дунёда бор мушрик зотига очиқча майдон ўқилди: “Ей мушриклар, уруш ҳаром қилинган) тўрт ой ичида ерда сайру саёхат қилиб юраверинглар ва билингларки, сизлар Аллоҳни ожиз қилгучи эмассизлар — албатта, Аллоҳ кофирларни расво қилгучидир»*, (Тавба, 2) дейилди.

Бу тўрт ойдан кейин ҳали ҳам имондан қочиб юрганлар дуч келган жойларида ёқаланиб ўлдиришга ўтилажаги шу оятлар билан билдирилди.

Омонлик тилаганга омонлик бериладиган бўлди. Олдин унга Аллоҳнинг дини чиройли қилиб тушунтирилади, қулоғига Аллоҳ сўзи кириши таъминланади, кейин тинч-хотиржам яшайдиган жойга элтиб, ўз ҳолига қўйилади. Агар куфрда юрганлар тавба қилса, намозни ўқиса, закот беришга рози бўлса, унда улар безовта қилинмайди, мўминлар итоат этаётган ҳукмларга улар ҳам тобе бўлади, ҳуллас, мўминларнинг биродарларига айланади.

Илгари Масжиди Ҳарам ёнида қилинган келишувда белгиланган вақтгача эски ҳолларда қолаверишади. Улар бу битимни бузишмаса, мўминлар ҳам бузишмайди.

Расулulloҳ (с.а.в.) ҳазрати Алини (р.а.) чақирдилар. Тез Маккага боришини, у ерда одамларга Тавба сурасини ўқиб беришини, айниқса, тўрт нарсани эълон этишини буюрдилар. Қасва лақдбли туяларига миндирдилар. Ҳазрати Али Макка йўлини тутди.

Бу пайтда ҳажга кетаётганлар Урш деб аталадиган жойга етиб келишган, бу дегани Маккага етилди дегани эди. Дам берилиб, саҳобалар тин олиб ўтиришганида ҳазрати Абу Бакр бир туянинг пишқирганини эшитди. Ўрнидан турди. Бу одатдаги бир туянинг овози эмасди. Эҳтимол, Расулulloҳ (с.а.в.) жанобимиз бу йил Маккани мушриклар ҳам тавоф қилишларини, ораларида кип-ялангоч тавоф этувчилар ҳам бўлишини ҳисобга олиб ҳажга ният қилмаганларини айтиб юборгандирлар?

Абу Бакр (р.а.) ҳаёлидан бу ўй ўтар-ўтмас, келаётган одамнинг ҳазрати Али эканини кўрди.

- Сизга салом бўлсин, эй Абу Бакр!

- Сизга ҳам салом бўлсин, эй Али!

Ҳазрати Али (р.а.) Қасвани чўқтирди ва ерга тушди.

- Хуш келибсиз, эй Али! Амир бўлиб келдингизми ёки маъмур бўлибми?

- Амир эмасман, маъмурман. Халқ Арафотда тўпланганида уларга пайғамбаримизнинг тўрт амрларини етказаман. Вазифам шундан иборат.

Ҳазрати Абу Бакр кўрсатган бу назокат атрофдагиларга эски бир хотирани эслатди. Бир пайтлар Амр ибн Ос билан Абу Убайда орасида худди шунақа ҳол юз берган, аммо унда Амр амирликни бермаслик борасида қатъий ва қаттиқ туришини очиқ кўрсатган эди.

Йўлчилик давом эттирилди ва Маккага етилди. Тарвия (Арафотдан олдинги) куни Абу Бакр бир суҳбат қурди ва мўминларга ҳаж вазифаларини тушунтирди: Минога борилади ва у ердан Арафотга чиқилади.

Узоқ йиллардан бери ҳаж мавсумида курайшликлар Арафотга чиқишмаган, ҳар гал Муздалифадан орқага қайтиб юборишар эди. Бунга сабаб ўзларини бошқалардан устун тутишлари, бизга шунчаси етади, дейишлари эди. Ҳазрати Абу Бакр — шубҳасиз, жаноби Пайғамбаримизнинг топшириқлари билан, албатта — уларнинг бу одатлариий ўртадан кўтариб ташлади ва курайшлик бўлсин-бўлмасин, ҳаммани Арафотга боришга буюрди.

Бир кунини Минода кечирган Абу Бакр эртаси бомдод намозидан кейин Арафотга йўналди. Муслмон бўлган ва бўлмаганлар билан бирга ҳажнинг илк фарзи бу ерда адо этилди. Бу фарз арафа куни Арафот деган саҳрода озми-кўпми бир муддат туриш эди.

Пешин вақти кирганида атрофини куршаган одамларга яна бир суҳбат курди. Эндиги ҳаж вазифаларини тушунтирди. Ёнида нур юзли, куюк соқоли, кучли-қувватли Али ўтирарди. Сўзларини битиргач, унга ўгирилди.

— Қани, эй Али, марҳамат, Аллоҳнинг расули сизга юклаган вазифани адо этинг, — деди.

Ҳазрати Али ўрnidан турди. Ҳаж карвони Мадинадан чикканидан кейин Тавба сураси тушганини гапирди. Бисмиллоҳни айтиб, сурани ўкиди. Сўнгра деди:

— Эй инсонлар! Пайғамбаримиз (с.а.в.) ушбу тўрт амрни бу ерда сизларга етқаришимни буюрдилар: бу йилдан кейин ҳеч бир мушрик Байтуллоҳни тавоф қилмайди; бу йилдан кейин Каъба яланғоч ҳолда тавоф этилмайди; ҳеч бир кофир жаннатга кирмайди; Расулulloҳ жанобимиз билан битимлашганлар битим муддатининг охиригача тинчликда бўладилар, бошқаларга эса, тўрт ой муҳлат берилади.

Шундай қилиб, ҳазрати Али Ҳотамул анбиё жанобимизнинг вазифаларини бажарди. Унинг ҳар бир сўзини орқада турган мўминлар баланд овозда такрорлашар, узоқроқда турганларга етказишар эди. Ўша кун Абу Ҳурайра (п.а.) томоғи буғилиб қолгунча бакириб, ҳазрати Алига ёрдамчи бўлди.

Бу эълон мўминларнинг юзларига шодлик аломатларини бахш этди. Афтлари буришган, бурунлари осилган одамлар ҳам бор эди. Улар бу йилдан кейин ўзларида ҳаж қилиш имкони қолмаганини англаган мушриклар эди. Эсаётган эски шамол эмасди, энди майдонга чиқиб: «Қани, туёқларингни шикиллатиб қолинглар-чи бу ердан! Сизлар ким бўлибсизлар, хоҳлаган пайтимизда тавоф қиламиз, ҳеч нарса бизни тўсолмайди!» дейиш жасорати ҳеч кимда йўқ эди.

Ҳазрати Абу Бакр буюрди, азондан кейин икомат айтилиб, пешин намози ўқилди. Такрор икоматдан кейин Абу Бакр аср намозини ҳам ўқиб берди ва то шомгача кутди. Кун ботгач, туясига минди, Муздалифа сари йўл бошлади. У ерда шом билан хуфтонни бир азон ва икки икомат билан ўқиб берди. Тонггача шу ерда турилди, бомдод намозидан кейин Минога қараб йўлга чиқилди.

Минода яна бир суҳбат курди ва яна ҳаж вазифаларини тушунтирди. Ҳазрати Али ҳам яна вазифасини адо этди. Шайтонга тош отишлар ва қурбонликлар ҳам ҳаммаси Расулulloҳ (с.а.в.) ўргатганларидек қилиб бажарилди.

Навбат Каъбани тавоф этишга келди. Бу ерда одам кўп, мўминлар ҳам, мўмин бўлмаганлар ҳам аралаш эди. Устларида эҳром матолари борларнинг ёнида қип-яланғоч тавоф этувчилар ҳам бор эди. Ҳар ким ўзи билганича муборак Байт атрофида айланади, гунохлари тўкилажаги умиди-ла дуо қилади. Битта фарқи — бу йил ўтган йилдаги каби Каъба атрофи бутлар билан куршалмаган, битта ҳам бут йўқ эди.

Тавофдан кейин такрор Минога қайтилди. У ерда икки ё уч кун тургач, яна Маккага келиб, видолашув тавофи қилинажак ва қайтиш бошланажак эди.

Ҳазрати Абу Бакр ўзига юклатилган вазифани мукамал шаклда адо этиб, охирида қайтиш амрини берди. Аллоҳнинг уйини сўнги марта тавоф қилган мўминлар Аллоҳнинг расулига қовушиш иштиёқида Мадина йўлини тутишди.

Ҳазрати Умар (р.а.) Мадинадан чиқишида «Қардошим, мени ҳам дуо қил», деган Пайғамбар жанобига мўл-мўл дуолар қилиш хузури ва бахти оғушида эди. Бу йўлчилик чоғи худди Ҳотамул анбиё (с.а.в.) билан доимо бирга бўлгандек, ҳаж ибодатини ҳам у зот билан бирга бўлгандек эди*.

ХАТОНИ ЎНГЛАЙДИГАН САЖДА

Бир марта Пайғамбар жанобимиз пешин намозини ўқиб бердилар. Сўнг ўринларидан турдилар, масжиднинг кибла тарафидаги бир устунга суянгандек, оёқда турдилар. Нимадандир асабийлашаётгандек ҳолда эдилар. Бир нарса қилмоқчимилар ёки ҳаёлларида нималарнидир режалаяптиларми — билиб бўлмасди.

Шошилиб турганлар масжиддан чиқиб кетишди. Қолганлардан бири:

— Эй Аллоҳнинг пайғамбари, унутдингизми, адашдингизми ё намоз қискардимми? — деб сўради.

Жанобимиз (с.а.в.) «Зулядайн» лақабли бу кишига қайрилдилар:

— Унутмадим. Қисқаргани ҳам йўқ, — деб жавоб қилдилар.

Зулядайн фикрида катъий эди. Ўзига ишонч билан:

— Бу иккисидан бири бўлди, эй Аллоҳнинг пайғамбари, - деди.

Пайғамбар жанобимиз масжидда турганларга қараб:

- Зулядайннинг гапи тугрими? — деб сўради лар.

- Ҳа, — дейишди улар ва ҳолни тушунтиришди.

Пайғамбар жанобимиз такрор жойларига қайтдилар, намозга турдилар. Қолдирган икки ракатни ўқиб бердилар. Салом бергандан кейин икки сажда қилдилар, такрор ўтирдилар ва салом бердилар. Шундан кейин орқаларида намоз ўқиганларга ўғирилдилар.

— Агар намозда бирор ўзгариш бўлса, сизларга билдирардим. Ҳеч эсларингдан чиқмасин: мен ҳам бир инсонман. Сизлар қандай унутсаларинг, мен ҳам шундай унута оламан. Унутган заҳотим сизлар менга эслатинглар. Қай бирларингиз намозини неча ракат ўқиганини унутиб шубҳага тушса, тўғриси ҳаёлида эслаб кўрсин, намозини шунга кўра тамомласин. Намозининг охирида икки сажда қилсин, — деб марҳамат қилдилар*. (Имом Бухорий, 7/85; Муслим, 1/400)

Шу воқеадан эътиборан эсдан чиқариш ё адашиш сабабидан қилинадиган бу сажданинг оти «сахв саждаси» (хатоНИ ўнглайдиган сажда ёки хато саждаси) деб танилди. Бу нарса асхоби киром у кунгача кўрмаган, билмаган нарса эди. Аллоҳнинг хикмат тўла тақдири расулини тўрт ракат ўрнига икки ракат ўқитишдек бир адашувга бошлади ва келажакда умри бўйи жуда кўп марта адашадиган мўминларга бундай ҳолда нима қилишлари лозимлигини бу йўл билан тушунтирди.

Ахир, бунақа ходиса бўлмай туриб, Жанобимиз хато саждасини тушунтирганларида зехнларидан бу даража жой олармиди?

БИР ҚАРВОН КЕЛАЁТИР

Қаҳатчилик ҳукм сурган кунлардан бири. Жума. Расулulloҳ жанобимиз минбардан хитоб қилаётирлар. Шу дам ташқаридан чилдирма билан дўмбиранинг саслари эшитилди. Масжиддагилар ғимирлаб қолишди. Қулоқлар динграйди: нима бўляптикан? Расули зишон (с.а.в.) жанобимизнинг хутбада айтаётган сўзларига боғлиқлик бир оз камайди. Бу орада жарчининг баланд овози янграб, ичкаридагиларга ҳам анча-мунча таъсир этди.

— Дихя ибн Халифанинг тижорат қарвони келди! — деб эълон қиларди у.

Еҳтимол, Дихянинг қарвони қаҳатчилик таъсирвда кўтарилиб кетган нарх-навони ховуридан тушириб қўяр. У жой-бу жойдан бир-иккиталари ўринларидан туриб кетишди. Улар кетидан яна бир неча киши қалқди, масжидни тарк этишди. Иш бу билан битмади, худди мол текинга тарқатиладигандек, ортида қолганлар илк турганларнинг олдига ўтиб олишди.

Расулulloҳ жанобимиз хутбаларини тўхтатмадилар. Аммо масжид анчагина бўшаб қолган, сони бир қарашда билинадиган даражада оз одам қолган эди.

Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) атрофига бир кўз югуртирди. Фақат ўн икки эркак ва битта хотин хутбани эшитиб ўтиришарди. Ўзидан ташқари Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, Талха, Абу Убайда, Зубайр, Саъд, Абдуррахмон, Сайд ва Билол эдилар (Аллоҳ ҳаммаларидан рози бўлсин). Билолни истисно қилганда қолган ўн киши «ашараи мубашшара» (башорат қилинган ўн киши) номи остида тўпланган ва тириклигида жаннат билан муждаланган инсонлар эди.

Баъзи ривоятларда Абдуллоҳ ибн Масъуд билан Аммор ҳам бўлганлари айтилади. Агар бу икки муборак зот у ерда бўлган бўлса, унда наригилардан иккитаси бўлмаслиги лозим. Ёки сонлари ўн икки эмас, ўн тўрт бўлиши керак.

Хутбани тинглаган бир хотиннинг исми, афсуски, тарихда қолмаган.

Расули акрам (с.а.в.) жанобимиз хутбани тамомладилар. Минбардан тушиб, жума намозини ўқиб бердилар. Чиқиб кетганлар намозга етиб келишдимиз, ё йўқми — бу хусусда бирор билгига эга эмасмиз.

Расулуллоҳ (с.а.в.) бу ҳолга баҳо берарканлар:

— Жоним кўлида бўлган Аллоҳга қасам, масжидда ҳеч бирингиз қолмай, уларга қўшилиб ҳаммангиз ташқарига чиқиб кетганингизда водий сизлар учун оташга тўлар эди, — дедилар.

Жума намозига алоқали туширган оятларида Улуғ Мавло ҳам бу ҳолга баҳо берди:

«Ей имон келтирганлар! Қачон жума кундаги намозга (азон) чакирилса, дарҳол Аллоҳнинг зикрига шошилишлар ва савдо-сотикни тарк қилишлар! Агар биладиган бўлсаларинг, мана шу (яъни, Аллоҳнинг зикрига — жума намозини ўқишга шошилиш) ўзларингиз учун яхшироқдир! Энди қачон намоз адо қилинган, ерга тарқалиб, Аллоҳнинг фазлу марҳаматидан (ризқ) иставеринглар! Аллоҳни кўп ёд этинглар, шунда нажот топасизлар. (Ей Муҳаммад,) қачон улар бирон тижоратни ёки ўйин-кулгини кўриб қолишса, ўша томонга тарқалиб кетиб, сизни (минбарда) тик турган ҳолингизда тарк қилурлар. Айтинг: «Аллоҳ ҳузуридаги нарса (имон ва яхши амаллари учун бериладиган мукофотлар) ўйин-кулгидан ҳам, тижоратдан ҳам яхшироқдир! Аллоҳ, ризқ берувчиларнинг яхшисидир»*. (Жума, 9-11)

Ихтиёрсиз ҳолда, бир онда юз берган бу иш асхоби киромдан жуда кўплари учун аламли бир хотира бўлиб қолажак, қачон эсга тушса, тавба ва истиғфорга зўрлаяжак эди**. (Ибн Касир. 4/367)

ИЛО ҲОДИСАСИ

Пайғамбаримиз хотинлари орасида ҳам қизғанчлик (рашк) туйғуси бўлиб, тобора кучайиб борар эди. Бир эркакка никоҳланган икки хотин орасида бундай туғу бўлиши жуда табиийдир.

Баъзан бу туйғулар майда-чуйда воқеалар туфайли алангаланиб кетар, ҳузурни бузадиган ҳолга келар эди. Ҳатто хотинлар гуруҳларга бўлиниб ҳам қолишарди. Хафса, Савда ва Сафийя оналаримиздан иборат гуруҳ бошида Ойиша онамиз, бошқа гуруҳ бошида эса Умму Салама онамиз (Аллоҳ ҳаммаларидан рози бўлсин) туришар эди. Бу карама-қаршилиқ маълум вақт давом этди. Ҳатто улар пайғамбаримиздан зийнат ашёлари талаб қилишгача бориб етишди. Энди бу можарони тўхтатиш фурсати келган эди.

Ўша пайтда Мадинанинг Авали деган бўлдагида яшайдиган ҳазрати Умар (р.а.) пайғамбаримиз (с.а.в.) ёнларига ҳар кун ҳам тушиб кела олмасди. Ансорийлардан бир кўшнисини билан келишиб олишган: бир кун бири боради, кўрган-ешитганларини келиб биродарига етказди, иккинчи кун буниси боради ва у ҳам айни ишни қилади.

Ўша кунлари бир хабар тарқалиб, мусулмонларни хавотирга солиб қўйди: «Ғассон амири отларига тақа қоқтиряпти, тез кунларда устларингизга юриш қилади», деган эди кимдир.

Бир кеча хуфтондан кейин ҳазрати Умарнинг эшиги қаттиқ-қаттиқ тақиллади. Умар чиқиб эшигини очди: ансор кўшнисини экан.

- Иш катта, — деди у.

- Ғассонийлар юриш бошлабдими?
- Йўқ, менимча, ундан ҳам муҳим.
- Ундан ҳам муҳим нима иш бўлиши мумкин?
- Пайғамбаримиз хотинларини кўйиб юборибдилар...

Бу хабардан Умардай одам ҳам ўзини йўқотиб кўйди. «Ойша ҳам, Хафса ҳам адо бўлишди...» дея шивирлади. Эртами-кеч шунақа иш бўлиб колмасин-да, деб кўпдан бери хавотирланиб юрарди.

Тунни роса қийналиб ўтказди. Гоҳо-гоҳо бирон кўнгилсиз гап эшитса, кизи Хафсаинг кулоғини бурар, эсингни йиғ деб танбех берар эди. «Пайғамбаримиз сенинг талоғингни бермаётган бўлсалар, менинг юз-хотиримни қилганларидандир. Кўзингни оч, қизим», дерди.

Тонг намозини ўқидию Пайғамбар жанобимизни кўришга кетди. Масжидда йўқ эканлар. У ерда ўтирганлар хомуш эди, юзларини ғам босган, мум тишлагандай жим, оғизларини пичок билан ҳам очиб бўлмасди гўё. Нима қилишни билмаган, билмасликдан жони қийналаётганларнинг ҳолатидай бир ҳолат ҳукмрон эди.

Умар ибн Ҳаттоб (р.а.) Ойишанинг (р.а.) хузурларига борди.

— Ахири Расулulloҳни хафа қилишгача борибсизларда?! — деди.

Бу сўз яллиғланиб турган чўғни алангалатиб юборди гўё.

— Эй Ҳаттобнинг ўғли, менинг ишимга аралашманг, ўзингизнинг қизингизни билинг, — деб юборди Ойиша онамиз (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин).

Гарчи ўзи воқеани уюштирганлар ичида бўлса-да, ҳозир уни ғолиб деб ҳам бўлмасди. Қайғуси бошидан ошиб-тошиб ётган эди.

Умар у ердан чиқиб, ўзининг қизини топди. Роса уришди. Олдинига ўзини уятга кўйганини ва энди йиғлашдан фойда ва маъно йўқлигини айтди. Аммо йиғламаслик ҳам қизининг кўлидан келмасди.

— Расулulloҳ сизларни кўйиб юбордиларми?

— Билмайман, — деб жавоб қилди Хафса онамиз (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин).

Бу жавобни олгач, ҳазрати Умар масжидга борди. Ра-сулulloҳ жанобимиз хотинларининг хужраларидан узилиб, бир-икки зинадан чиқиладиган ва «масраба» номи берилган чордоққа чекинган эдилар. Чордоқ эшиги олдида Жанобимизга хизмат этиб турган бир занжи бор эди. Унинг ёнига борди.

— Умар ибн Ҳаттоб ичкарига киришга изн сўраяпти, дегин, — деди.

Хизматчи ичкари кирди, бир оз ўтиб қайтиб чиқди.

— Истагингизни етказдим, лекин Расулulloҳ жавоб бермадилар, — деди.

Умар орқасига қайтди. Масжидда бир муддат ўтирди. Аммо бунақа кутиб ўтираверса бўлмайди. Бунақа ғам ичра хотиржам ўтириб бўладими, ахир. Турди. Чордоққа келди, истагини такрорлади, натижа ўзгармади. Яна қайтди, яна ўтирди. Аммо Умардай бир одам яна қанча вақт кута оларди?!

Келди. Хизматчидан тагин:

— Пайғамбаримиз яна индамадилар, — деган жавоб олди.

Сўнгра ичкарига ҳам эшитиладиган даражада баланд овозда:

— Эй Аллоҳнинг пайғамбари, Хафсани кечиришингизни сўраб келмадим хузурингизга. Буюрсангиз, унинг бўйнини узиб ташлашга ҳам тайёрман! — деб бақирди.

Шунда унга изн берилди, чордоққа чиқди. Ғоят оддий жихозланган бир кулбача экан. Хурмо толалари тўлдирилган бир тери ёстиқ, бир бўйра тўшак, наридан-бери ош-ланган бир тери, бир-икки ховучни тўлдиргулик арпа... Чордоқдаги бор еяжак-ичажак нарсалар ва жихоз шулардан иборат. Расули акрам (с.а.в.) ёнбошларида бўйра қолдирган излар билиниб турарди.

Аллоҳнинг энг севиклиси, пайғамбарлар султони бўлган зотнинг бу даража оддий ҳаёт кечиришлари Умардай бир инсоннинг кўзларидан ёшлар оқишига сабаб бўлди.

- Нега йиғлаяпсан, эй Ҳаттобнинг ўғли? — деб сўрадилар Расулulloх (с.а.в.).

- Эй Аллоҳнинг расули, кисролар, кайсарлар дунё неъматини ичида сузаяпти, сиз бу ҳолда яшаяпсиз. Бўйра вужудингизга ботиб кетибди. Сизга бир ёстик билан тўшак ҳозирлаб берайликми? — деди Умар (р.а.).

Расулulloх унга бундай жавоб қилдилар:

— Эй Ҳаттобнинг ўғли менинг дунё билан алокам фақат соясида бир оз тин олиб, сўнг туриб кетган бир одамнинг ҳоли кабилар. Ҳол бундай бўлганидан кейин мен нега дунёга бундан бошқачароқ боғланай!

Ҳазрати Умар Пайғамбаримизнинг асабларини енгиллатувчи тарзда гаплашган, кўнгилларини олган эди.

— Эй Аллоҳнинг пайғамбари, бу хотинлар сизнинг жонингизни сиқмасин. Улардан айрилсангиз, Аллоҳ сиз биландир, фаришталар сиз биландир, Жаброил ва Мекоил сиз биландир, Абу Бакр иккимиз ҳам сиз биланми.

Расулulloх бир оз юмшадилар. Доимо ва хилма-хил шароитда ёнларида бўладиган, керак бўлса, қизидан қаттиқ туриб ҳисоб сўрай оладиган Умар каби бир дўст албатта кўнгил олар, ғазабни ўтказиб юборар эди.

Умар бу ерга киргунча қилган ишларини гапириб берди. Хафсанинг қулоғини бураганини, «Агар Расулulloх сизларни талоқ қўйсалар, Аллоҳ у зотга сизлардан яхши, имонли, итоатли, таслимиятли, ибодатида ва рўзасида давомли бирор бокира ё тулни насиб этади», деганларини айтди. Умму Саламининг: «Эй Ҳаттобнинг ўғли, бу жасоратингга ҳайрон қолади киши, энди Пайғамбар билан хотинлари орасига тушяпсанми?» деганини ҳам айтди.

Расули мухтарам (с.а.в.) кулимсирадилар. Сўнгра Ҳазрати Умар:

- Расулulloх, хотинларингизни талоқ қўйдингизми? — деб сўради.

- Йўқ.

Умар севишиб кетди. Баланд овозда: «Аллоҳу акбар!» деб юборгани ана шу севишининг ифодаси эди.

- Биродарларимизни масжидда жуда қайғули ҳолда кўрдим. Изи берсангиз, хотинларингиздан ажрашмаганингизни уларга айтиб севиштирсам, — деди.

- Ўзинг биласан.

Ҳазрати Умар бу ердан чиқиб, масжид эшигига келди. Баланд овозда:

— Расулulloх хотинларини талоқ қўймаган эканлар! — деб эълон этди.

Бу эълон юракларда бир кенглик пайдо қилди. Жигарларни сиқиб турган хафалик чуқур бир нафас ила ташқари отилди. Юзлардаги эзгин ҳолат чекинди.

Лекин хотинлар билан айри яшаш қарори бир ой давом этажак эди. Мақсад — оилада ички ҳузурни таъмин этиш. Бу жазо билан улар ўзларини бир оз ўнглаб олишади, бир-бирларини хафа қилмайдиган, Пайғамбаримизнинг ҳам ҳурматларини сақлайдиган бўлишади. Сафийяга: «Яҳудий қизи яҳудий!» каби сўзлар энди айтилмайди, Пайғамбаримиз Зайнабнинг хонасида кўпроқ қолдилар, дегандек нохуш гап-сўзлар чиқарилмайди.

Хотинлар жаноби Пайғамбаримиз жорий этган бу жазодан изтиробда қолишди. Расулulloх эса, ҳамон чордоқларида яшар ёхуд у ердан тушиб масжидда намоз ўқир, саҳобалари билан суҳбат қилиб кун кечирар эдилар.

Ниҳоят, йигирма тўққиз кун ўтди. Жанобимиз чордоқни тарк қилдилар ва олдин суюкли хотинлари Ойишанинг хонасига кирдилар. Салом бердилар.

— Сизга ҳам салом бўлсин, эй Аллоҳнинг пайғамбари! Лекин ҳали бир ой тўлмади-ку? Бугун йигирма тўққизи битди, ҳолос? — деб ажаблани Ойиша онамиз.

Бу саволнинг бир маъноси эҳтимол: «Биз айрилиққа чидаяпмиз», дейиш бўлгандир. Жанобимиз баъзи оиланинг йигирма тўққиз кун бўлишини билдирдилар. Сўнгра хоссатан мўминларнинг оналари ҳақида туширилган оятларни ўқий бошладилар:

«Эй Пайғамбар! Жуфтларингизга айтинг: «Агар сизлар дунё ҳаётини ва унинг зебу зийнатларини истайдиган бўлсаларинг, у холда келинлар, мен сизларни (ўша нарсалар билан) бахраманд қилай ва чиройли кузатиш билан кузатай (ажрашай)! Агар сизлар Аллоҳни, унинг пайғамбарини ва охират диёрини истайдиган бўлсаларинг, у холда, шак-шубҳасиз, Аллоҳ сизларнинг ораларингдаги чиройли амал қилувчилар учун улкан мукофот (жаннат)ни тайёрлаб қўйгандир». Эй Пайғамбар аёллари, сизлардан ким аниқ гуноҳни қилар экан, унинг учун азоб икки баробар қилинур. Бу Аллоҳга осон ишдир. Сизлардан ким Аллоҳ ва унинг пайғамбарига итоат этса ва яхши амал қилса, биз унинг ажру мукофотини ҳам икки хисса қилиб берурмиз ва унинг учун улуғ ризқ (жаннат)ни тайёрлаб қўйгандирмиз. Эй Пайғамбар аёллари, сизлар аёллардан биронтаси каби эмасдирсизлар (яъни, биронта аёл фазлу мартабада сизлар каби бўла олмас). Бас, сизлар агар такводор бўлсаларинг, (парда ортидан бирон номаҳрам эркакка жавоб қилган пайтларингизда) майин-назокатли сўз қилманглар, акс холда кўнглида бузуклик бўлган кимса (сиздан) тама қилиб қолур. Яхши (тўғри) сўзни сўзланглар! Ўз уйларингда қарор топинглар (яъни, сабабсиз уйларингдан чикманглар, бирон хожат учун чикқанларингда эса), илгариги динсизлик (даври)даги ясан-тусан каби ясан-тусан қилманглар! Намозни тўқис адо этинглар, закотни (ҳақдорларга) беринглар ҳамда (барча ишларда) Аллоҳга ва унинг пайғамбарига итоат этинглар! Эй (Пайғамбарнинг) хонадон аҳли, Аллоҳ сизлардан гуноҳни кетказишни ва сизларни бутунлай поклашни истайди, ҳолос»*. (Азҳоб, 28-34)

Ойиша (р.а.) онамиз бу оятларни комил одоб ила эшитди. Улар хоссатан саккиз нафар хотин учун туширилган, жуда ахамиятли маъноларни ичига олган эди. Пайғамбар хотини бўлиш, пайғамбарлар буюгининг хотини бўлиш топилмас бир шараф ва бахтдир. Такдир қалами бу саодатни улар учун битган, уларга бу шарафни, бу бахтни раво кўрган Улуғ Мавло албатта улардан баъзи фидокорликларни истаяжак эди. Сўзнинг қисқаси, Пайғамбар хотини бўлишнинг охири ҳаёлларга сиғмайдиган ажру мукофотларга бориб тақаларди, лекин бу йўл тақозо этадиган баъзи нозикликлар ва жавобгарликлар ҳам ҳисобдан ташқарида эмасди.

Расули кибриё (с.а.в.) оятларни ўқиб бўлгач:

— Эй Ойиша, бир қарорга келишга шошилма. Отанг, онанг билан маслаҳатлаш, шунга кўра икки йўлдан бирини танла, — дедилар.

Аммо бу мавзуда биров билан маслаҳатлашишга эҳтиёж йўқ. Дунё молини ва зийнатини қўлга киритиш эвазига Пайғамбар хотини бўлиш саодатини қўлдан қочирадиган даражада тушунчасиз эмасди. Бунақа очик бир масалани отасидан ё онасидан сўраш эҳтиёжини эса, ҳеч сезмасди. Зарарини фойдасидан айира олмайдиган хотингина шундай қилиши мумкин. Ҳолбуки, у порлоқ бир закога, ҳаммада ҳам бўлавермайдиган тушунчага эга эди. Шу боис жавобини дарҳол берди:

— Эй Аллоҳнинг расули, бу хусусда отамга ёки онамга маслаҳат солмайман. Мен Аллоҳни ва пайғамбарини танлайман, — деди.

Зотан, ундан бошқача қарор қутилмасди ҳам. Покиза аёл эканига Аллоҳнинг ўзи гувоҳлик берган хотин бошқа қанақа қарорга кела олади?!

Жаноби Пайғамбаримиз бошқа хотинлари билан кўришиш, уларга ҳам ҳақларида туширилган оятларни ўқдон ва ихтиёрли эканликларини билдириш учун бу ердан чиқар эканлар, ортларидан бундай илтимос қилди:

— Менинг қанақа жавоб берганимни уларга билдирманг.

Мақсади нима эди? Эҳтимол, берилажак жавобларга “Ойиша Аллоҳни ва расулини танлабди, мен ундан қолмайин», каби бир босқи ва таъсирнинг аралашмаслигини истагандир. Том тушунчадаги яширин ўй ва яширин танлов бўлишида катта фойда бор эди.

Ҳолбуки, бунақа огоҳлантиришга хожат йўқ эди. Расули акрам жанобимиз бошқа хотинларига бориб, «Ойишанинг қарори бундай...» дермидилар. Десалар, унда у хотинларга ихтиёр берилмаган, келажак қарорларига четдан бир йўналиш берилган бўлар эди.

Ҳа, хотинларидан ҳеч бири бошқасининг бу борада қарашлари ҳақида сўрамади, четдан маслаҳатга эҳтиёж ҳис этмасдан бир қарорга келишди. «Мен дунё ҳаётини ва зийнатини хоҳлайман», дегани бўлмади.

Шу тариқа бир ой чўзилган айрилиқ битган, ташвишлар охирига етган, яп-янги ҳаёт башланган эди.

СУТ ЗИЁФАТИ

Абу Ҳурайра (р.а.) фақир одам эди. Дунёда битта дарахти ҳам бўлмаган, эртага нима ейиши устида ҳеч бош қотирмайдиган тоифадаги бир фақир. Кўп марталар очлик ҳиссини кетқариш учун қумни тепаликча қилиб тўплаб, қорнини босиб ётган. Баъзан қорнига тош боғлаб юрарди. Масжидда очликдан йиқилиб тушган ҳоллари ҳам бўлган. Атрофига тўпланганлар уни тутқаноқ тутиб қолди деб ўйлаб, томоғидан босишган.

Ўша куни ҳам жуда оч эди. Ўрнидан туришга, қимирлашга ҳоли йўқ. Одамлар ўтадиган йўл четига ўтириб олди. Қанийди қимдир унинг ҳолини англаса, қўлидан тутса-да, сўрамасидан берса, очман демасидан қорнини тўйдирса...

Бирдан ичини умид шуълалари ёритиб юборди. Чунки ҳазрати Абу Бакр (р.а.) келаётган эди.

- Эй Абу Бакр, — деди у.

- Нима дейсан, эй Абу Ҳурайра? — деб сўради Абу Бакр.

- Мен бир оятни ўқийман, сен менга давомини эслатгин, — деди ва бир оятни ўқий бошлаб, ярмида тўхтатди.

Абу Бакр давомини ўқиди.

- Аллоҳ рози бўлсин, эй Абу Бакр!..

Ҳазрати Абу Бакр йўлида давом этди. Мақсад ҳосил бўлмади, ҳол англашилмади. Ўтганлар ўтиб борар, ҳеч ким унга ҳолини англаш мақсади-ла қарамас эди. Бу орада ҳазрати Умар (р.а.) кўринди.

- Омадингни берсин, эй Умар...

- Саломат бўл, эй Абу Ҳурайра.

Ҳазрати Умар ҳам синовга ўқилган оятнинг давомини хотирлатди, йўлида давом этди. Ким билади, нима ташвиш ёки ўй асхобнинг энг олд сафидаги бу икки одамни «сенинг дардингни англадим, қани, ортимдан юр-чи», дейишдан тўсдийкан, билмаймиз. Абу Бакру Умар ҳам одам. Одам эса, доим бир хилда нозик тушунишда бўлавермайди.

Абу Ҳурайра роса қийин аҳволда қолди. Асхобнинг бу икки буюги ҳам титроқ овозини, сўниқ боқишларини, сўлгин ёнокларини кўра туриб бир нарса англамаган бўлса, унинг ҳолини бошқа ким англайди. Аллоҳим, сен биласан, Сен ҳар нарсага қодирсан.

Ўриндан туриш, дуч келган илк эшикнинг тўқмоқчасини қоқиш ва: «Аллоҳ розилиги учун мени тўйдиринг, чорасиз қолдим...» дейиш оғир эмас. Аммо тиланчилик ғоят ёмон бир иш эканини, тиланчилар қиёматда Улуғ Мавло ҳузурига юз этлари тўкила-тўкила келажагини Расулulloҳ афандимизнинг муборак оғизларидан ўз қулоқлари билан эшитган бўлмаса, оғир эмас.

Бу муборак сўзлар қаршисига кўндаланг келиб, «Сен очликдан силланг қуриса ҳам, одамларга қўл оча олмайсан, эй Абу Ҳурайра!» деяётгандай бўлар эди.

Шу каби чайқалмалар орасида қолган руҳига гап уқтиришга ҳаракат қиларкан, «излаганингни топдинг», деган сўзни эшитдим ёки Расули амин жанобимизни кўрган заҳоти зехнида шундай бир тушунча туғилдим, буни Абу Ҳурайра билмайди.

Бу дафъа оят пайғамбарлар сарваридан сўралди. Лекин улуғ мақомларнинг энг улуғи эгаси Пайғамбар (с.а.в.) унинг саволига жавоб қайтармадилар.

— Ортимдан юр! — дедилар.

Бу буйрук бажарилади. Чунки бу буйрук, холдан англайдиганларнинг энг устунидан, инсонларнинг энг жўмард ва энг фазилатлисидан келаётган эди. Ўрнидан турди ва умр бўйи изидан борадиган азиз раҳбарнинг ортларига тушди. Аллоҳнинг энг севиклиси (соллаллоху алайҳи вассаллам) уйларига кириб кетдилар. Абу Ҳурайра (р.а.) эшик тагида қолди. «Қирсам бўладими, эй Аллоҳнинг пайғамбари?» деб сасланди. «Ҳа» жавобини олгач, ичкари кирди. Камбағал бир одамнинг уйи ҳам бу уйдан соддарок бўлма-са керак. Расулulloх жанобимиз бир идишда озгина сут пайдо бўлиб қолганини кўрдилар.

- Бу сут қаёқдан келди? — деб сўрадилар.

- Уни сизга Фалончи ҳадя этиб бериб кетди, — деб жавоб қилишди ичкаридан.

Жанобимиз меҳмонларига қайрилдилар:

- Эй Абу Хирр!* — дедилар. («Хирр» мушук маъносига келади.)

- Лаббай!

Абу Ҳурайра хозир юзда беш юз ишонч билан «Қани, мана бу бу сутни ич-чи!..» деган таклифни кутган, энг камида шундай дейилишини орзу қилган эди. Ҳолбуки, оламларнинг фахри (с.а.в.):

— Бориб Суфа аҳлини бошлаб кел, — дедилар.

Суфа аҳли масжид чеккасидаги супада ётиб юрадиган, мол-мулки, уйи-томи бўлмаган камбағал мўминлар эди. Уларнинг тирикчиликлари Расулulloхга (с.а.в.) келтирилган садака ва закотлар ҳисобидан ўтарди. Демак, хозир Жа-нобимиз уларни ҳам меҳмон қилмокчи бўляптилар. Ҳолбуки, бу сут корни тўқ одамга ҳам зўрға етарди. Абу Ҳурайра каби очликдан силласи қуриб турган одамга эса, нари борса енгилгина нонушта бўла оларди, холос. Шунинг учун ҳаёлидан: «Бу сут менинг ўзимга ҳам етмайди-ку», деган ўй ўтди. Лекин бу туйғусини тилига чиқармади. Буйрук буйрук. Бир нафасда ичиб қўйиладиган сутни баҳам кўриш учун супадаги ўртоқларини чақириб келишдан бошқа чораси қолмади.

Индамай хужрадан чикди. Супада ўтирганларга бориб:

— Пайғамбаримиз сизларни кутяптилар, қани, юринглар, — деди.

Оламларга раҳмат қилиб юборилган зотнинг уйларига қараб биттадан, иккитадан бўлиб кетаётганларнинг сони, тўғриси, Абу Ҳурайрага (р.а.) ёқмади. Лекин, на илож, энди ўйлаб ўтириш ҳам беҳуда иш. Бунча одам бир ютимдан ичса, идишда сутдан юқ ҳам қолмаслиги тайин.

Ҳаммалари салом бериб ичкари киришди, ўтиришди. Пайғамбаримиз илк меҳмонлари Абу Ҳурайрага мурожаат қилдилар:

— Қани, сутни олиб, уларни меҳмон қил.

«Биринчи бўлиб ким ичиши керак эди?» Бу ўй Абу Ҳурайрани тўхтатмади. Сутни олиб, ёнидаги биродарига узатди. У туйгунча ичиб, яна Абу Ҳурайрага қайтарди.

Абу Ҳурайра энди идишни иккинчи биродарига берди. У ҳам туйгунча ичди. Абу Ҳурайранинг кўзига жон қайта бошлади. Чунки идишдаги сут ичилгани билан камаймаётган эди. Меҳмонларнинг ҳаммаси қониб-қониб ичишганига қарамай идишдаги сут ўша-ўша олдинги ҳолича турарди.

- Эй Абу Хирр!

- Лаббай!

- Сут ичмаган иккимиз қолдик.

- Худди шундай, эй Аллоҳнинг пайғамбари.

- У ҳолда ўтиргин-да, ич!..

Ниҳоят, навбат унга келган эди. Очлик унга: «Ей Аллоҳнинг пайғамбари, олдин сиз ичинг», дейиш назокатини хотирасига келтирмаган эди. Ўтириб, «бисмиллох»ни айтиб, туйгунча ичди, сўнг идишни Пайғамбаримизга узатди.

— Узинг ич, эй Абу Ҳурайра! — дедилар Жанобимиз.

Идиш такрор лабларига ботирилди. Қонгунча ичиб, яна узатди.

— Яна ич, эй Абу Хурайра!..

Абу Хурайра бу буйрукни ҳам ўрнига келтирди. Сўнгра Жанобимиз унга, яна ич, дедилар, у яна ичди. Ниҳоят Абу Хурайра чидай олмади:

- Етар, эй Аллоҳнинг пайғамбари, ичолмайман. Сизни пайғамбар қилиб юборган Зотга касам, вужудимда сут кетадиган бир йўл колмади, (ичсам, тирнокларимдан отилиб чиқади).

- Ундай бўлса, менга бер, — дедилар жаноби Расулуллоҳ ва қолган сутни олиб, Аллоҳга шукр қилдилар, «бисмиллоҳ...»ни айтиб, ичдилар.

Мўжизали бу сут меҳмондорчилиги Абу Хурайра ҳаётидан жуда азиз хотира сифатида ўрин олиб колди*. (Бухорий, 7/179)

УРВА ИБН МАСЪУДМИ, ҲАБИБИ НАЖЖОРМИ?

Тоиф халкининг пешволаридан Урва ибн Масъуд Маккада ҳам эътиборли одам эди. Ҳатто бир замонлар курайшликлар пайғамбарлик ҳазрати Муҳаммадга берилганидан ажабланиб: «Бу Қуръон икки кишлоқ (нинг бири)дан бўлган улуғ одамга нозил қилинганида эди»** (Зухруф сураси 31 -оятдан) дейишган. «Икки кишлоқ» деганда Макка билан Тоифни, уларнинг улуғлари деганда Маккадан Умайя ибн Халафни, Тоифдан Урва ибн Масъуд Сакофийни назарда тутишган эди.

Урва Расулуллоҳ (с.а.в.) билан Ҳудайбияда Курайшнинг элчиси сифатида кўришган, ўшанда асҳобнинг Жанобимизга кўрсатган ҳурматига лол қолган.

Макка фатҳидан кейин Тоиф камал қилинганида Урва ўша ерда эди. Камал маълум муддат давом этгач, бирон-бир натижага эришмаган мўминлар у ердан қайтиб кетишди ва Тоиф халки яна эски ҳолича қолаверди.

Бир куни Урванинг кўнглига Исломи дини севгиси жойлаша бошлади. У-бу деб ўтирмай бир қарорга келди-да, ўша захоти йўлга чиқди. Мадинада жияни Муғийра ибн Шуайбнинг меҳмони бўлди.

Ўша кечаси Урва жияни билан суҳбатда Исломи дини ҳақида кенг ва етарлича билим олди. Тонг отиши билан коинотнинг саййиди бўлмиш Жанобимизнинг ҳузурларига борди ва мусулмон бўлди. Шу тариқа унинг қуфр ва ширк залолатига тўла ҳаёти охирига етди, ҳидоят даври бошланди.

Урва каби одамга зотан шунақаси ярашарди. Викорли, шахсиятли бир одамнинг Исломи динига бегона қолиши ҳаёлга сиғмасди. Бутлар қаршисида эгила-егила оқарган сочи ва соқоли энди Жаноби Мавлога сажда эта-эта нурланажак.

Урва бир неча кун шонли Пайғамбар (с.а.в.) ёнларида қолди. Кучи етганича Қуръон ўрганди. Ибодатлар қандай қилинишини яхшилаб тушуниб олди. Ниҳоят, қайтадиган куни ҳам яқинлашди.

— Эй Аллоҳнинг пайғамбари, изн берсангиз, қавмимни Исломга даъват қилардим, — деди Урва.

Жавоб уни ҳайратга солди. Шунинг учун у изоҳ бера бошлади:

— Эй Аллоҳнинг пайғамбари, мен уларга ўз болаларидан ҳам суюклиман. Бокира қизларидан ҳам қийматлиман. Ухласам, уйғотишга ҳадлари сиғмайдиган даражада ҳурмат қилишади. Изн беринг, уларни Исломга даъват қилиш учун кетай.

Жанобимиз яна аввалги жавобни такрор ладил ар:

— Улар сени ўлдириб қўйишларидан кўркаман.

Урва узоқ йиллар бўйи таниган, ораларида яшаган одамлар ҳақидаги кенг тажрибасига ишониб гапирар, Пайғамбар жанобимиз (с.а.в.) эса, илҳомга таянар эдилар. Урва учинчи марта истагини қайтарганидан сўнг:

— Шунчалик хоҳлаяпсан, майли, бор, — дедилар.

Урва янги топган биродарлари билан хайр-хўшлашди. Қабиласи сари йўл олди. Елкасида огир-орир гуноҳлар юки билан ширк ва залолатнинг қоронғи йўлларида адаша-адаша келган Мадинадан айриларкан, онадан туғилган кундагидек тоза бир рух, уни ўраб олган эди. Энди умр буйи бирга яшаган одамларини ҳам ҳидоят булоғига етаклаш, ўзи топган саодатга уларни ҳам шерик қилиш истагида ёнарди.

Мадинадан чиқканининг бешинчи куни окшом чоғ юртига етиб келди. Тўғри уйига кирди.

Тоифликлар унинг ҳолидан ажабланишди. «Бу одам сал ўзгариб қолганми», дейишди. Қачон бирон сафардан шахрига қайтса, Лот бутини зиёрат этмагунича бошқа ҳеч бир иш билан машғул бўлмайдиган бу чолга нима бўлди ўзи?..

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, унинг уйи одамга тўлди. Ҳол-аҳвол сўрашилди, хуш бординг-хуш келдинг, дейилди. У ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиб ўтирилди. Сўз орасида Урва:

- Менинг бирон-бир ёмонлигимни кўрган борми? Насаби тоза, мол ва мулкка эга, халқ орасида эътиборли одам эканимни ким инкор эта олади? — деб сўради.

- Йўқ, эй Урва, — деб жавоб қилишди қабилadoшлари, — сен айнан ўзинг айтган қабисан.

- У ҳолда мен сизларни Ислом динини қабул қилишга чақираман. Қасам ичаман, ҳеч бир даъватчи инсонларни бундан кўра яхши бир йўлга чақирмаган, — деди.

Бу гап меҳмонларнинг юзларини буриштирди.

- Эй Урва, сен нима деяётганингни биласанми? Ўзингга ярашмаган гапларинг билан бизни хафа қиляпсан.

- Нима деяётганимни жуда яхши ажратаман. Ўзимга ярашадиган гапни айтганимга ҳам ишончим қомил. Сизларни Аллоҳнинг бирлигига асосланган Ислом динига даъват қиляпман.

- Жим бўл, эй Урва! Сен ақлдан озибсан. Алмойи- алжойи гапира бошладинг.

- Эй эси паст чол, агар хали-хозир бошингдан хушинг тўла чиқиб кетмаган бўлса, тилингни тийишга ҳаракат қил.

Шу каби сўзларни ёғдира-ёғдира, келганлар тарқаб кетишди.

Бошланиши яхши бўлмади. Лекин Урва умидини йўқотмади. Шундай катта Сақиф қабиласининг ҳамма аъзоси ҳам булардай эмасдир, ахир... Ичларида ақлини ишлатадиган, тўғри йўлни қабул қиладиган одамлар ҳам топилиб қолар. «Қани, тонг отаверсин-чи», деб ётоғига кирди.

Тонг отгач, томига чиқди. Азон чақирди. Намозини ўқиди. Нималар бўлаётганини билиш учун тўпланган одамларга ўзининг Ислом динини танлаганини, энг тўғри дин исломият эканини тушунтириш учун том четига келди.

— Сизлар ҳам бу динни қабул қилинглар! — деб хитоб этди.

Шу заҳоти ёнгинасидан бир ўқ визиллаб учиб ўтганини хис этди. Иккинчи, учинчи ўқлар ёғилди. Ўзини кўримоқчи бўлиб кўтарган қўли бир ўқка учради — нақ билагига келиб санчилган эди ўзиям. Кейин ўқлар танасига ҳам санчила бошлади. Бу орада пастдан:

- Туш пастга, динсиз ҳариф!..

- Оқ соқолингдан уял, шарманда!..

- Роса алжирадинг, энди сенга қулоқ солишни хоҳламаймиз!.. — каби бақирди-чақирдилар авжга минавергач, Урва қонлар ичида томнинг нарирориға чекинди. Қулоқлари остида суюкли Пайғамбарининг (с.а.в): «Улар сени ўлдириб қўйишларидан кўрқаман», деган сўзлари жананглагандай бўлди.

Қуролланиб келган қариндошлари уни охириги нафасларини олаётганини кўришди.

— Эй Урва, қонинг ерда қолмайди, касосинг олинади! — дейишди улар.

Урва инграб, чираниб бир-икки сўз деди:

— Мен қонимдан кечдим... Ҳеч кимни ҳеч нарса қилманглар... Бу иш менга Аллоҳнинг икромии ва менга кўрсатган шаҳидлик неъматидир. Расулulloҳ (с.а.в.) билан бир-га

юрганлардан бу тупрокда йикилиб шаҳид бўлганларига

нима берилса, менга ҳам ўша берилажак. Мени уларнинг ёнига кўминглар. Мен гувоҳлик бераман, Муҳаммад Аллоҳнинг элчисидир. Тоифликлар мени ўлдиришларини менга у айтган эди... — деди.

Урванинг охирги сўзлари шу бўлди. Узок йиллардан бери бутга эгилган боши, куфр ва ширк йўлида оқарган сочи, Парвардигорини танимаслик йўлида букилган бели уни жаханнамнинг эшигига олиб келиб қўйган бир пайтда бирдан юрагига эсан раҳмат еллари унинг йўналишини ўзгартирган, йўлини Мадинага буриб юборган, Расулulloҳнинг (с.а.в.) хузурларига олиб келган эди. Мусулмон бўлиб яшаган кунлари умрининг икки юздан бир қисмича ҳам келмайди. Аммо энди у олий жаннатларда иззат-икром кўражак, Ислom тарихчилари унинг охирги ҳаёти учун мўмини ҳар эслашганида «Аллоҳ ундан рози бўлсин» деб дуо қилишажак, ҳатто у ҳақида «ўлди» дейиш ҳам тўғри бўлмажак... Чунки у охират оламига шаҳид ўлароқ кетди, одамлар англаб олмайдиган даражадаги мукамал бир ҳаётга эришди.

Бу ёқда жаноби Пайғамбаримиз (с.а.в.) унинг шаҳид этилганини эшитибок Ясин сурасида келган Хабиби Нажжорни эсладилар, умматлари орасидан ҳам ўшандай одамни етиштирган Мавлоларига ҳамд ва шукрлар тақдим этдилар.

Бу ходисадан билинишича, Хабиби Нажжор ҳам Аллоҳга даъват йўлида қавми шаҳид этган ва малаклар жаннатга олиб кетган зот эди*. (Ибн Ҳишом, 4/182)

АСАД ҚАБИЛАСИ

Ҳижратнинг тўққизинчи йили муҳаррам ойи эди. Асад қабиласидан бир гуруҳ одам Расулulloҳ (с.а.в.) жанобимизни масжидда зиёрат этишди.

— Эй Аллоҳнинг пайғамбари, биз Аллоҳдан бошқа ҳеч илоҳ йўқлигига ишонган, сизни ҳақ пайғамбар деб билган кишилармиз. Бизга аскар ё элчи жўнатишингизга эҳтиёж қолдирмасдан ўзимиз келдик. Шу қаҳатчилик йилида қоронғу кечаларда сизга етишиш ниятида йўл сурдик. Бошқа араблар сингари сиз билан урушмадик. Сизни ва биродарларингизни қийин аҳволга туширмадик, — дейишди.

Сўзлари жўяли эди. Неча йиллар ичи Маккада, Мадинада бу муқаддас даъвони тўхтатиш учун ифлосликнинг ҳар турини қўллаб кўрган одамларга қиёсан бундай шарафли ҳолда Ислomни қабул қилиш, албатта, тақдирга, табрикка лойиқ иш эди. Мадинага келганларидан бери Жанобимиз тинимсиз мужодала қилдилар, кетма-кет жангларга тўла бир ҳаётни кечирдилар. Шундай бир вазиятда Асад қабиласининг бу иши нега хуш кўрилмасин?!

Келганлар Расули зишон (с.а.в.) жанобимиз хузурларида яна бир марта шаҳодат калималарини қайтаришди. Муборак қўлларини тутган ҳолда Ислomда собит ва доим қолажакларига доир сўз беришди. Закотларини ўзларининг қабилаларидаги камбағалларга берадиган, қаҳатчилик сабабли яшаб турган жойларини тарк этишда эркин бўладиган бўлишди.

Расули муҳтарам (с.а.в.) уларга бир муддат Мадинада қолиб Ислom динини ўрганишга буюрдилар. Улар бу амрни ўрнига қўйиб, ибодатлар ҳақида билим олишга, Қуръондан сураларни ёдлашга киришишди.

Бу орада айни қабиладан яна бир гуруҳ одам келди. Улар ҳам олдинги келгаилар каби уруш қилмасдан, ҳатто бировнинг даъватисиз, ўз ихтиёрлари билан Ислomни қабул этишганини сўйлашди. Уларга ҳам иззат-икром кўрсатилди. Аммо бу одамлар икки гапнинг бирида урушсиз, даъватсиз мусулмон бўлишганини пеш қилишар эди.

Воқеа чиндан улар айтаётгандай бўлса ҳам, энди ишнинг мазаси қоча бошлади. Мусулмон бўлишган бўлса, бунинг фойдаси ҳаммадан ҳам олдин ўзларигадир. Аллоҳ уларнинг ҳолини билади, мукофотларини қат-қат фойдаси билан беради. Одоб чегараси ошилаётган, Расулulloҳ (с.а.в.) жанобимизни миннат остига қўйишга ўхшаш бир интилиш ва ҳаракат юзага келаётган

эди. Албатта, бунақа хатти-ҳаракат ҳеч кимга ёкмасди. Лекин жаноби Расулуллоҳ уларга: «Тушундик, бўлди», дейишдан ўзларини тийиб турардилар. «Ким Аллоҳга ва охираат кунига ишонса, меҳмонини сийласин», деб марҳамат қилган Пайғамбар, албатта, уларга бундай дея олмас, охиригача сабр йўлини тутган эдилар.

Ниҳоят Улуғ Мавло бу ҳолни хал этиш учун фармонини туширди. Хужурот сурасидан 17-оят бўлиб ўрин олган бу фармон бундай эди:

«Улар сизга мусулмон бўлганларини миннат қилурлар. Айтинг: «Сизлар менга мусулмон бўлганларингизни миннат қилманглар. Балки агар (имонларингизда) содиқ бўлсангизлар (яъни, агар ростдан ҳам имон келтирган бўлсангизлар), Аллоҳ сизларни имонга ҳидоят қилганини миннат қилур».

Шу тариқа Асад қабиласига яхшигина бир дарс берилди, ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) сабр этиб ошкор қилмаган ҳақиқат энг очиқ йўл билан билдирилди.

ХОВЛОНЛИКЛАР

Бу орада Ховлондан ҳам элчилар келди. Улар ўн киши эди. Мадинада бир муддат қолишди. Исломи дини ҳақида энг тўғри, энг дуруст билимни тафсилоти билан пайғамбарларнинг энг буюгидан олишди. Биргаликда: «Бу англатилган дин бизнинг диндан кўра гўзал, ундан кўра яхши экан», деган қарорга келишди. Қдрорларини жаноби Пайғамбаримизга эълон қилишди:

— Биз бу динни қабул этмоқчимиз!

Расулуллоҳ (с.а.в.) улардан «Омми Анас» деб аталувчи бутлари ҳақида сўрадилар, у тўғрида нима фикрдасизлар дедилар.

— Эй Аллоҳнинг пайғамбари, энди у биз учун илоҳ эмас. Биз ундан яхшисига ишондик. Юртимизга қайтгач, уни ер билан битта қиламиз, — деб жавоб беришди, Ховлон элчилари ҳали-вери Мадинадан кетиш ниятида эмасдилар. Янги динларини етарлича ўрганиб олишмаса, юртларига қайтганда ўзларини йўқотиб қўйишлари мумкинлигини ўйлашарди. Ишга жиддият билан киришиб, Аллоҳнинг китобидан насиб қилганича ўрганишди, ҳар куни беш вақт намозни Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) ортларида ўқишди. Ниҳоят, юртларига қайтишаркан, юзларида ҳам хурсандчилик ҳам маҳзунлик бор эди. Ахир, неча замонлардан бери қолганлари залолат ботқоқликларидан қутулишди, ҳидоят йўлининг йўлчиларига айланишди. Кўнгиллари энди, қандайдир бир бут қаршисида туришга асло рози бўлмаиди. Энди улар учун хосланган тонг отди, қоронғуликлар ўрнини ойдинликлар эгаллади. Бундан хурсандчилик туймасинми инсон! Лекин, айна чоқда, раҳмат пайғамбари ва ҳидоят имоми жанобимиздан (с.а.в.), у зотнинг ёр-дўстларидан айрилиш хисси одамга фақат маҳзунлик беради.

Шундай бўлса ҳам, улар қайтишади ва йўлларига кўз тикиб ўтирган қабиладошларига янги хабарлар олиб боришади.

Чиндан, бу хабарларни олиб боришди, қабила ахлининг кўнгиллари нурли уфқларга очилди. Ховлон қабиласида азон садолари янграй бошлади, Омми Анас бути эса, ер билан битта қилинди*.

БАҲРАЙНДАН КЕЛГАН ЖИЗЙА

Аъло ибн Ҳадрабий Баҳрайндан тўпланган мўл-кўл закот ва садақа молини Мадинага юборди Масжид олдига уюлган молни кўрганлар ўша кунгача бунча кўп мол кўришмаганини эътироф этишар эди.

Намоз вақти кирганида Расули ақрам (с.а.в.) хужраларидан чиқдилар, намозни ўқиб бердилар, сўнгра закот молининг тепасига келдилар.

— Сизларга хушхабар айтияинми? — дедилар. — Энди сизларнинг кўнглингизни шод

этадиган даражада мол ва мулкка эга бўлишларингизни умид қилсаларингиз бўлади. Қасамки, энди сизларни фақирлик ва мухтожликда қолади деган кўркув менда қолмади. Аммо сизлардан олдингиларга бойлик эшиклари очилгани каби, сизларга ҳам бу эшиклар очилади, улар бойлик мусобақасига киришганлари каби, сизлар ҳам кимўзарга бериласизлар, натижада худди улардай сизлар ҳам нобуд бўласизлар. Мен кўрккан нарса мана шудир.

Кейин Жанобимиз (с.а.в.) бу мўл бойликни Мадина халқига кўп-кўп тарқатдилар. Ёнларига амакилари Аббос (р.а.) келди:

— Эй Аллоҳнинг расули, менга ҳам бу молдан беринг чунки мен Бадрда ҳам ўзим учун, ҳам Ақийл учун фидя берганман, — деди.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) унга, олинг, дедилар.

Аббос (р.а.) кўйлагини ечди, ерга ёйди ва олтин ва кумушлардан ховучлаб-ховучлаб сола бошлади. Шунчалик кўп тўлдирганидан кўтаришга кучи етмай қолди. Расулуллоҳ жанобимизга юзланди. Масжид ёнида турганларга ишора қилиб:

— Манавилардан биттасига буюрсангиз, кўтаришиб юборсин, — деди

— Бўлмайди...

- Унда ўзингиз ёрдам бериб юборинг.

- Бу ҳам бўлмайди.

Чорасиз қолган Аббос кўйлақдагиларнинг бир қисмини қайтариб қўйди. Такрор кўтаришга уриниб кўрди, орқасига ола олмади, эхтимол энди ёрдам бўлиб қолар? Лекин на масжид ёнидагиларнинг ёрдам кўрсатишига изн берилди ва на Жанобимизнинг ўзлари кўтаришиб юбордилар. Аббос (р.а.) яна бўшатишга мажбур бўлди. Бу қарра ҳарҳолда бир эвини қилиб орқасига ортмоқлаб олди ва уйига йўл олди. Пайғамбарлар сарвари ундаги молга ўчликни аламли кўзлар билан кузатиб турардилар. Бу кузатиш то Аббос

кўздан ғойиб бўлгунича давом этди. Тўккиз амакидан тирик қолган шу биттагинасининг мол-дунёга бу қадар ўч экани жаноби Пайғамбаримиз хоҳламаган, хоҳламайдигай бир иш эди*.
(* Имом Бухорий, 4/65)

* * *

Расулуллоҳ (с.а.в.) энди камбағалларга анча-мунча ёрдам бўладиган чорасизлар дардига чора бўладиган миқдорда ўлжа ва закотлар кела бошлаганини кўрдилар. Ўша йилнинг илк хайит хутбасида сўзлаган муборак сўзлари орасида мана бу ҳадиси шариф ҳам бор эди: “Диққат қилинлар, мен мўминларга ўз нафсларидан ҳам яқинман. Бундан бу ёғига ким бўлса ҳам ортида қарз қолдирса, у қарзни ўташ менинг бурчимдир. Ким мол қолдирса, у мол меросхўрларига тегишлидир».

Бу мардона ифодалар мўминларнинг юракларида таърифи имконсиз бўлган туйғуларни уйғотди. Пайғамбар мана бундай бўлади! Ўзларига мол қолдириш дарди асло чулғамаган у зотни. Яшаш тарзлари маълум. Ўзининг роҳатини ўйлаб, умматини қийинчиликка бошлади, дея ҳеч кимса айблай олмайди. Уйларига келган садақалардан бир мирисини ҳам олмаганлар, дарҳол фақирларга бўлишиб берганлар, садақа олишни ўзларига ҳам, яқинларига ҳам ҳаром эканини эълон қилганлар. Ҳадяга келган оз ё кўп қийматдаги ҳар нарса ёнига бирон нарса кушиб, фадиру фу^аро-

қўшиб, фақир-фуқарога тарқатганлар.

Бир гал намоздан сўнг тез уйларига кириб кетдилар, сал фурсат ўтмай, юзларида роҳат ва хузур излари билан қайтиб чиқдилар. Қизикиш билан қараганларга бу ҳолни бундай тушунтирдилар:

— Уйда озгина тилла қириндиси борлигини эслаб қолдим. Шунинг учун дарров тарқатишга буюриб чиқдим.

Абу Хурайра (р.а.) ўзига ягона муршид ва энг азиз

рахбар деб билган жанобининг бундай деганларини айтади:

«Агар Ухуд тоғича олтивдм бўлсайди, қарздорга берадиганимдан ташқарисини уч кунга қолдирмай тарқатиб битирсам, мендан хушнуд одам бўлмас».

Бу сўзлар адабий бир туйғунинг эмас, самимиятнинг ифодаси эди. Бу сўзларни айтган ва ҳақиқатан, умр бўйи ҳаётига татбиқ этиб келган буюк Пайғамбар молнинг кўплигини кўрганлари замони бу неъматга жуда нозик бир шаклда баҳо бердилар, буйнида қарзи билан ўлганларнинг қарзини зиммаларига олдилар. Олдинроқ қарздор ҳолида ўлиб қолган одамнинг жаноза намозини ўқимаганларини эсласак, бу ишларининг ахамияти жуда кўринади. Мамнуният балққан нигоҳлар ҳар холи-ла буюк, ҳар холи-ла севиқли бўлган Пайғамбарга миннатдор ва шукр туйғуларига юғрилиб боқар эди. Мана сизга ҳайит, мана сизга ҳайит ҳадяси!* (Бухорий 7/178; Термизий, 3/373)

ҲАЗРАТИ АЛИ УЙЛАНАДИМИ?

Ҳазрати Али (р.а.) Бадр жангидан кейин жаноби Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) кўзларининг нури ҳазрати Фотимага уйланган эди. Орадан етти йил ўтди, Ҳасан ва Ҳусайн исмларида икки нури фарзанд кўрди.

Бир куни ҳазрати Али (р.а.) иккинчи бор уйлангиси келиб қолди. Бадрда ўлдирилган Абу Жаҳлнинг қизи Жувайрияни иккинчи хотинликка олмақчи бўлди.

Жувайрияни Ҳазрати Алига биров таклиф қилдими ёки ўзи талабгор бўлдими — буни билолмаймиз. Аммо Абу Жаҳлнинг мусулмонларни қон қустирганини, айниқса, Пайғамбар жанобимизга қарши охириги нафасигача

даражада душманлик сиёсатини юритганини билмаган одам

йўқ. Бутун ғайрати Ислом динини ўртадан кўтариб ташлашга қаратилган бу одам ҳақида айтилиши мумкин бўлган ягона ижобий сўз унинг Бадрда итдай ўлиб кетганию мусулмонларнинг енгил нафас ола бошлаганларидир.

Айни чоқда, Макка фатҳидан кейин Абу Жаҳлнинг ўғли Икрима билан қизи Жувайрия мусулмон бўлишган эди. Бу ака-сингилнинг самимият-ла имон келтирганларини кейинги йиллар ривожда кечирган пок-покиза ҳаётларидан билса бўлади.

Жувайрияни отасининг айби ва жинойтларига жавобгар этиш, унинг гуноҳини бунинг бўйнига юклаш тўғри тушунча ва тўғри ҳаракат бўлмайди. Ҳатто уни Абу Жаҳлдай одамнинг уйда ва тарбиясида етишиб ҳам самимий бир мусулмон бўлгани учун табриклаш ва тақдирлаш лозим. Ўликдан тирикни, тирикдан ўликни чиқарадиган Аллоҳнинг қудрати Абу Жаҳлдай мислсиз кофирдан Жувайрия ва Икримадай мусулмонларни чиқарган эди.

Ҳазрати Али (р.а.) бу каби тушунчалар билан Жувайрияни хотинликка олишга ҳозирланар экан, бошқа тарафдан, Бани Махзум қабиласи ҳам ҳазрати Алидай куёвли бўлишнинг ғурурини туя бошлади.

Ҳазрати Али шунчаки бир куёв эмасди, сарвари анбиё бўлган Жанобимизнинг (с.а.в.) қизларига уйланган одам эди! Бу никоҳ қийилса, Расули мухтарам (с.а.в.) ҳафа бўладиларми? Бу никоҳни қандай қаршилайдилар?

Тадбирли бўлишнинг зарари йўқ, дея Абу Жаҳлнинг укаси Ҳорис билан яна шу оиладан бир неча киши Набийи мухтарам жанобимизнинг хузурларига келишди.

— Эй Аллоҳнинг пайғамбари, қизимиз Жувайрияни Али ибн Абу Толибга никоҳлаб бермоқчимиз, шунга нима дейсиз? — деб сўрашди.

Пайғамбар жанобимиз бу саволга нима деб жавоб қилардилар? «Жуда яхши қилибсизлар, Аллоҳ муборак қилсин!» дермидилар. Йўқ, албатта. Аксинча, эшитган хабарларидан хушнуд бўлмаганларини юзлари билдирди...

Жувайрия оиласи умавий насабидан экани эътибори билан бу никоҳ орқали ҳазрати

Фотиманинг (р.анҳо) ёнига бир кундош тикиштиришдан ташкари яна бошқа нозик ҳисоблар юритишаётган эдими ёки бу иш оддий никоҳлардан бири деб ҳисобланаётirmi?.. Бу мавзуни ойдинлатадиган билгига эга эмасмиз. Фақат умавийларнинг тарих давомида намоиш қилган ишлари у кунларда ҳам бундай ишларни жон-жон деб қилишлари мумкинлигини кўрсатади.

Ҳазрати Али (р.а.) Пайғамбар жанобимизнинг фикрларини сўрашни фойдали кўрди. Хузурларига келди.

- Абу Жаҳлнинг қизи Жувайрия ҳақида фикрингизни билгани келдим, эй Аллоҳнинг пайғамбари, — деди.

- Унинг насаби билан шарафи ҳақида сўраяпсанми?

- Йўқ, уни сўраётганим йўқ. Унга уйланишимга рози бўласизми?

- Йўқ... Фотима мендан бир парчадир. Сен қилмоқчи бўлган иш эса Фотимани ҳафа қилади.

— Фотимани ҳафа қиладиган ишни қилмайман.

Ҳазрати Али у ердан кетди. Ҳозир унинг ҳаёлида нима бўлса экан: бу никоҳдан воз кечишни ўйлаётгани ёки бу никоҳ Фотимани ҳафа қилиши эҳтимоли йўқ дея уйланиш фикрида қатъий қолдими?..

Бу ёқда ҳазрати Фотима (р.анҳо) эшитган хабаридан қаттиқ изтиробда эди. «Еринг Абу Жаҳлнинг қизига уйланыпти», дейишган эди. Турди, отасининг уйларига борди. Дунё ва охиратда ягона таянчи бўлган отасига дардини айтади, бирон чора топишларини сўрайди.

Расули акрам (с.а.в.) жанобимиз суюкли қизларини ўринларидан туриб қаршиладилар. Пешонасидан ўпаркан, ҳол-аҳвол сўрадилар. Муборак юзидан ғам-қайғу оқиб турган қизлари отани шунчаки кўргани келмагани аниқ. Ҳазрати Фотима ҳам гапни чўзиб ўтирадиган ҳолда эмасди.

— Атрофда одамлар сиз ҳақингизда, қизига қайғурмаяпти, ҳеч кимга ҳеч нарса демади, дейишяпти. Ана, Али Абу Жаҳлнинг қизи Жувайрияни никоҳлаб оляпти, — деди.

Пайғамбар жанобимиз қизларининг сўзларини обдан эшитиб бўлгач, ўринларидан турдилар, масжидга кирдилар ва минбарга чиқдилар.

— Ҳишом ибн Муғира ўғиллари* (“Абу Жаҳл” Ҳишом ибн Муғийранинг ўғли Амр ибн Ҳишомнинг Аллоҳга ва расулига кўрсатган қаттиқ душманликлари эвазига орттирган лақабидир. (Тарж.)) Али ибн Абу Толибга қизларини никоҳлаб бермоқчи бўлиб мендан рухсат сўрашган эди. Мен аслида ҳалол бўлган ишни ҳаром санаш ёхуд ҳаром бўлган ишнинг ҳукмини ҳалолга чевириш ҳаққига эга эмасман. Аммо қасам ичаманки, Аллоҳ расулининг қизи билан Аллоҳ душманининг қизи бир одамнинг никоҳи остида асло турмайди. Мен бунга асло рухсат бермайман!.. Мен бунга асло рухсат бермайман!.. Мен бунга асло рухсат бермайман!.. Фақат, Али менинг қизимни талоқ қилиб, кейин уларнинг қизларини олмоқчи бўлса, бунга мен бир нарса дея олмайман. Биласизлар, Фотима мендан бир парчадир. Уни шубҳага туширган нарса мени ҳам туширади, уни роҳатсиз қилган иш мени ҳам роҳатсиз қилади...

Пайғамбарлар имоми (с.а.в.) жанобимиз минбардан тушдилар. Шу билан бу масала ёпилди ҳисоб. На Али бу мавзуни яна ўртага қўя олди ва на Жувайриянинг оила аъзолари бу ишни янгидан жонлантиришга журъат қилишди**. (Бухорий, 6/158; “Фатҳул Борий”, 9/286).

КАЪБ ИБН ЗУҲАЙР ВА «ҚАСИДАИ БУРДА»

Каъб машхур бир шоир эди. Отаси ҳам машхур шоир бўлган. Бутпараст киши сифатида фаҳри коинот (с.а.в.) жанобимизни ҳафа қилиб ҳажвиялар битган.

Ҳазрати Расулуллоҳ (с.а.в.) Маккани фатҳ этиб қайтган пайтлари Каъбнинг укаси (ё акаси) бундай деб бир мактуб ёзди: «Расулуллоҳ Маккада ўзларини ҳажв қилган, азият берган Қурайш шоирларини ўлдирдилар, Ибн Зибора, Хубайра каби баъзи шоирлар қочишди. Агар сен жонингни севсанг ва яшашни яхши кўрсанг, вақтни ўтказмасдан ҳазрати Пайғамбарнинг

ёнларига уч. Зеро, бу зот хузурларига тавба қилиб келган ҳеч кимни ўлдирмайдилар. Агар бундай қилмасанг, ер юзида жонингни кутқара оладиган бир жойни топавер».

Қаъб мактубни олган заҳоти энди бундан бу ёғига шамол ўзининг орзуйига кўра эсмаяжагини англади. Энди ҳазил ҳаром эди. Ҳаққига ўлим фармони чиқарилган бир одам сифатида қаерга борса, ўлим кўркуви ҳам соя қаби унга эргашиб юришини хис эта бошлади. Қаерга бормасин, ё имон келтирганларга ва ё Расулulloҳ билан битим тузган бирон қабилага дуч келиб қолиши мумкин. Бу вазиятда битта найза ёки битта ўқ билан ер ўпиб қолиши ҳеч гап эмас.

Бу ишни бир ёқли қилиш керак, дедию туясига минди. Мадинага йўл олди. Шаҳарга яширинча кирди. Жузайма қабиласидан бир танишининг уйига кўноқ бўлди. Ҳолини тушунтирди.

Тонгда бирга-бирга масжидга боришди. Қаъб олдинга тушди. Одам болаларининг азизи бўлмиш Жанобимизнинг (с.а.в.) хузурларига етиб ўтирди, қўлларини у зотнинг қўллари устига қўйди:

— Эй Аллоҳнинг пайғамбари, Қаъб ибн Зухайр олдинги ишларидан пушаймонлик туйяпти. Тавба қилса ва мусулмон бўлиш учун хузурингизга келса, кечирасизми? — деб сўради. «Ҳа», жавобини олганидан кейин сўзида давом этди: — У ҳолда мен Аллоҳдан бошқа ҳеч бир маъбуд йўқлигига ва сиз Аллоҳнинг пайғамбари эканингизга иқроман. Мен Қаъб ибн Зухайрман.

Сўнгра «Бонат суоди» деб бошланадиган узун қасидасини ўқий бошлади.

Ҳабиби акмал (с.а.в.) қасидани завқ билан эшитдилар. Зухайр: «Аниқки, бу пайғамбар Аллоҳнинг ялтираган бир қиличидир», байтини ўқиётганида Жанобимиз садобаларига диққат билан тингланглар, дегандай бир ишора қилиб қўйдилар.

Қасида ўқиб бўлингач, Жанобимиз мамнуният даражаларининг ифодаси ўлароқ эгниларидаги хирқаларини ечиб унга ҳадя қилдилар.

Бир соат аввалгача у ҳақда ўлим фармони бор эди, ҳозир эса, бутун уммат ҳавас этадиган ҳадяни пайғамбарларнинг энг сўнггиси Жанобимиздан олиш шарафига эришиб ўтирибди.

Қаъб энди самимий бир мусулмон ўлароқ яшайжак ва ўзига теккан бу эшсиз совғани ҳаёти давомида ҳеч бир нарсага алиштирмайжак.

Кейинроқ унинг ўғиллари бу хирқани йигирма минг дирҳамга Муовияга сотишажак ва шундан сўнг олдин умавийлар, сўнгра аббосийлар бу хирқани қимматбаҳо бир омонат ўлароқ сақлашажаклар, энг охириги аббосий ҳалифати солинган қилич ҳалифанинг қонини бу муборак хирқага сачратажак.

Ундан кейин Мисрга келтирилган ва фотимийларнинг қўлида қолган хирқаи саодатни 1517 мил. йили Мисрни эгаллаган Ёвуз Салим Хон яна бир қанча муқаддас омонатлар билан бирга Истанбулга келтиражак. Аввал хос ўлароқ кўрдирилган «Хирқаи Саодат» жомеида сақланажак, кейин Тупқопи саройига келтирилиб, Хирқаи Саодат бўлимида муҳофиза остига олинажакдир.

ОЙИША ОНАМИЗ НИМАДАН ХАФА?

Ойиша онамининг Пайғамбаримиз билан (с.а.в.) ҳаёти бир маромда давом этарди. Лекин бошқа хотинлари билан ўзаро муносабати ва бошқа майда-чуйда нарсалар ҳар-ҳар замонда онамининг асабийлаштирар, айни чоғда, бу ҳолатни Набийийи ақрамга сездирмасликка тиришар эди. Буни эплайпман ҳам, деб ўйларди.

Бир куни Жанобимиз (с.а.в.) унга:

— Эй Ойиша, сенинг мендан хурсанд кунларингни ҳам, жиндай хафа кунларингни ҳам биламан, — деб қолдилар.

Ойиша онамиз ҳайратланди:

- Қаёқдан биласиз, эй Аллоҳнинг расули? — деб сўради.

- Мендан хурсанд пайтинг, гап орасида керак бўлиб қолганида, «Муҳаммаднинг Парвардигорига қасам...» дейсан. Мендан хафа бўлган пайтинг эса, «Иброҳимнинг Парвардигорига қасам...» дейсан.

Бу исботда заррача хато йўқ эди. Ойиша бошини эгди.

— Ундай десам ҳам, эй Аллоҳнинг пайғамбари, мен фақат исмингизни айтмаган бўламан, ҳолос.

Ойиша ўшандай пайтларда ҳам Жанобимизнинг (с.а.в.) катта боболари пайғамбар Иброҳим (а.с.) исмларини танлаш билан нозик тушунчали, фаросатли аёл эканини кўрсатар эди. Ахир, Куръони каримда бекордан-бекор: «Одамларнинг Иброҳимга яқинроғи унга (унинг йўлига) эргашганлар, мана бу пайғамбар (Муҳаммад) ва имон келтирган кишилардир. Аллоҳ мўминларнинг дўстидир»>(* Оли Имрон, 68).. дейилган**.(** Бухорий, 6/158.)

АБУ ИСРОИЛ

Бир куни Расули акрам (с.а.в.) суҳбат бериб ўтирар эдилар. Сал наридаги бир одам эътиборларини тортди. Сўзни ярмида кесиб:

- Бу одам ким? Нима қиляпти у? — деб сўрадилар.

- Эй Аллоҳнинг пайғамбари, у одам Абу Исроилдир.

Оёқда туришга, ўтирмасликка, қуёшда туришга, сояга ўтмасликка, сўз сўзламасликка ва доим рўза тутишга назр қилган, — деб жавоб қилишди.

Абу Исроил балки Аллоҳ розилигига эришиш умидида шундай йўл тутгандир. Аммо қуёшда тик туришдан инсонга нима фойда? Нияти Аллоҳнинг розилигини қозониш бўлса, бундай розилик қандай қозонилишини энг яхши билгувчи буюк ҳидоят йўлбошчиси жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) бунақа ишларни қилмайдилар, нимага келиб сўрамайди-да, бунақа ғалати йўлларни тутиб олади?.. Ҳолбуки, жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳар доим Мавло рози бўладиган йўл ва амалларни тушунтириб келадилар.

Дўстларининг жавобини эшитгач, Пайғамбар (а.с.):

— Унга айтинглар: гаплашсин, сояга ўтсин, ўтирсин ва бошлаган рўзасини тамомласин, — деб амр қилдилар.

Абу Исроил ўзига етган бу амрни ўрнига қўйди. Шахсига азият этишдан бошқа ҳеч бир маъноси ва фойдаси бўлмаган назр шу тариқа тўхтатиб қолинди*.* Имом Бухорий, 7/234.

ДАСТУРХОНГА ТАШЛАНГАН БАДАВИЙ

Расули акрам жанобимиз бир гуруҳ саҳобалари билан бирга меҳмондорчиликка таклиф этилган эдилар. Келишди, дастурхон ёйиғлиқ экан, ўтиришди. Лекин ҳали бир лукма олинмаган эди. Асҳоби киром қачон бирга овқатланишса, Пайғамбаримиздан олдин дастурхонга қўл узатишмасди. Шу пайт бир бадавий шоша-пиша келиб қолди. Худди орқасидан биров итаргандек, келасолиб овқатга ташланди. Жанобимиз дарров унинг қўлига чўзилдилар ва билагидан ушлаб тўхтатдилар. Кетидан ҳовлиқиб келган бир чўри ҳам дарров овқатга қўл узатган эди, уни ҳам тўхтатиб қолдилар. Сўнгра асҳобга ўтирилдилар:

- Оллоҳнинг исми билан бошланмаган овқатга шайтон шерик бўлади. Ҳеч шубҳа қилманглар, шайтон шу бадавий билан келди. Бу овқатдан ейишни ўзига ҳалол ҳисоблади. Бадавийнинг қўлидан тутдим. Кейин бу чўри келди, яна ўзига ҳалол қилмоқчи бўлди, энди чўрининг ҳам қўлидан тутдим. Жонимнинг эгаси Оллоҳга қасам, шайтоннинг қўли ҳам буларнинг қўллари билан бирга менинг қўлимга тушди.

Сўнгра Расулуллоҳ (с.а.в.) «бисмиллоҳ» дея овқатни бошладилар. Кўнгилларни ғариб туйғулар чулғади. Шу бадавий билан чўрининг қувалашганга ўхшаб отилиб келишлари ақлга

сиғадиган иш эмасди. Буюк Пайғамбар (с.а.в.) ўтирган дастурхонга шайтоннинг бурун сукиши ҳам бекорга бўлмади-ёв. Унинг кўлини саҳобалар кўришмади, лекин кўриб тургандек ишонишар эди.

Меҳмондорчиликда ҳозир бўлганлар жаноби Расулуллоҳнинг илгарирок: «Ҳар ким овқат ейишда Оллоҳнинг исмини зикр этсин. Агар бошлашда «Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм» дейишни унутса, эсига тушган захоти «Бисмиллаҳи аввалаҳу ва ахираҳу» десин», деган ўғитларини эшлашди.

Улуғ Мавло Куръони каримда кофирларни таърифлар экан, улар «Чорва ҳайвонлари еганидек еб-ичурлар», деган. Бундай емасликнинг илк шarti бу неъматни бергани эшлаш эмасми?!

Бу воқеадан неча замон ўтса ўтсин, кейин келганлар ҳам бу дастурхон хотирасини кўнгилларида ёд этиши мумкин, «басмала»сиз узанган кўли шайтоннинг кўли билан бирга бўлишини ўйлар, аммо, қанийди менинг дастурхонимда Оллоҳнинг ҳабиби (с.а.в.) жанобимиз бугун меҳмон бўлсалар, деган тилак билан дастурхонга ўтирган ва қамоли одоб-ла у ҳаётни яшаш орзуини руҳларига жойлаганлар учун йўл доимо очиқ. Кун келади, Улуғ Мавло бундай қулини ҳабиби адибининг олий жаннатлардаги дастурхонларига кўноқ қилдирса, ҳеч ажабланмаслик керак. Оллоҳ ҳар нарсага қодирдир.

ОЛЛОҲГА ҚОВУШИШНИ ОРЗУ ЭТИШ

Расулуллоҳ (с.а.в.) жанобимиз хотинлари билан суҳбатлашиб ўтирарканлар, гап орасида:

- Ким Оллоҳга қовушишни орзу қилса, Оллоҳ ҳам унга қовушишни орзу қилади. Ким Оллоҳга қовушишдан хушланмаса, Оллоҳ унга қовушишдан хушланмайди, - деб марҳамат қилдилар.

Бу муборак сўз инсон руҳини титратадиган бир ўлчовни келтирган эди. Оллоҳга охират оламида қовушилади. Демак, олдин ўлимни орзу қилиш лозим бўлади. Ҳолбуки, ўлимнинг юзи совуқ. Ўлим ҳақидаги ўй одамнинг этини жунжиктиради.

Бу мавзуда Расулуллоҳ (с.а.в.) олдин ҳам бир-икки ибратли воқеа сўзлаб берган эдилар. Шулардан бири ҳазрати Мусога (а.с.) оид бир хотира:

«Ўлим фариштаси Мусога (а.с.) келиб:

- Қани, Парвардигорингизнинг даъватига ижобат қилинг, - деди.

Ҳазрати Мусо бирдан жаҳллари чиқиб, қаттиқ бир мушт тушириб, унинг кўзини чиқарди. Ўлим фариштаси осилиб қолган кўзи билан Жаноби Мавлога борди.

- Оллоҳим, мени ўлимни орзу қилмайдиган бир кишига юборибсан, кўзимни бу ҳолга туширди, - деди.

Улуғ Мавло унинг кўзини жойига ўрнаштиради ва:

- Яна у қулимнинг олдида бор-да, унга: «Сен ҳаётни яхши кўрасанми? Агар ҳақиқатан ҳаётни орзу қилсанг, кўлингни бир сигирнинг танасига қўй. Кўлинг неча дона жун ёпса, уларнинг сонича йил яшаш ҳаққинг бор», деб айт, - дея буюрди.

Ўлим фариштаси келиб, ҳазрати Мусони топди. Жаноби Мавлонинг фармонини етказди. Ҳазрати Мусо:

- Кейин нима бўлади? - деб сўради.

- Кейин яна ўлим...

- У ҳолда, эй Парвардигорим, ҳозирок ўлишни хоҳлайман. Эй Парвардигорим, менинг жонимни иложи борица тезроқ ол, - деб дуо қилди».

Расулуллоҳ (с.а.в.) жанобимиз буларни айтгач: «Қанийди ўша ерда бўлсам, сизларга қирмизи бир тепа ёнидаги қабрини кўрсатар эдим», деган эдилар*.

Турли-туман мўъжизалар берилган, исми Куръонда энг кўп зикр этилган ва беш буюк

пайғамбардан бири бўлган хазрати Мусо (а.с.) ҳам ўлимдан жирканган бўлсалар, хазрати Муҳаммад (с.а.в.) умматларидан бировининг хушланмаслиги ҳам жуда унақа ажабланидиган иш эмас.

Яна бир гал Жанобимиз (с.а.в.): «Ҳеч ким бошига тушган мусибатлар туфайли ўзига ўлим тиламасин. Агар жуда мажбур колса, «Оллоҳим, яшашим хайрли бўлган муддатча мени яшат, ўлим хайрли бўлган пайт мени ўлдир», деб дуо қилсин», деб марҳамат қилганлар**.

Бу мавзуда Пайғамбаримиздан эшитилган яна бошқа хотиралар ҳам бор эди. Ойиша онамиз (р.анҳо) бутун бу хотираларни хаёлидан кечирди ва Жанобимиздан:

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари, биз ўлимни ёқтирмаймиз. Ичимизда ўлимни ёқтирадиган кимса йўқ (у ҳолда ҳолимиз нима бўлади)? - деб сўраб қолди.

Жаноби Пайғамбар (с.а.в.) бундай деб тушунтирдилар:

- Оллоҳга қовушишни орзу қилиш сизлар тушунаётгандай эмас. Мўмин одамга ўлим келганида Оллоҳнинг ундан розилиги хабари муждаланади. Унга икромлар ҳозирлангани билдирилади. Ўша пайт унга қаршисидаги охират ҳаётидан ҳам сеvimли нарса бўлмайди. Ана ўша пайтда у мўмин Оллоҳга қовушишни орзу этади, Оллоҳ ҳам унга қовушишни орзу қилади. Кофир эса, ўлим они келганида Оллоҳнинг азоби ва жазосидан хабардор этилади. У кимсага қаршисидаги ҳаётдан ҳам сеvimсиз нарса бўлмайди. Мана шу киши Оллоҳга қовушишни орзу этмайди, Оллоҳ ҳам унга қовушишни орзу қилмайди.

ҲАБАШ СУЛТОНИ – НАЖОШИЙ

Ҳижратнинг тўққизинчи йили ражаб ойи эди. Бир куни жаноби Пайғамбаримиз (с.а.в.) саҳобаларига:

- Бугун Оллоҳнинг солиҳ қулларидан бири ўлди. Ўлган биродарларингиз учун мағфират тиланглар, - дедилар.

Сўнгра асҳоби киром у солиҳ қулнинг кимлигини аниқлашди, у Ҳабаш нажошийи (подшоҳи) Асхама эди. Жанобимиз бу хабарни Улуғ Мавлодан келган ваҳийга таяниб бердилар. Кейин ҳаммалари биргаликда Бақиъ қабристонига боришди. Жаноза намози учун саф олишларини буюрдилар. Ўзлари олдга туриб, тўрт такбир ила нажоший Асхаманинг жаноза намозини ўқидилар.

Шу кунгача пайғамбарлар султони (с.а.в.) асҳобларидан бошқа ҳеч кимга бунақа иш қилмаган эдилар, ундан кейин ҳам қилмаяжаклар.

- Оллоҳим, нажошийнинг гуноҳларини кечир... Оллоҳим, нажошийга раҳматинг-ла, мағфиратинг-ла муомала қил...- каби дуолар бирла орқага қайтишди.

Нажоший Асхама Расули муҳтарамни (с.а.в.) кўрмасдан вафот этган кадрли бир одам эди. Йилларча аввал ҳали ўзи имон келтирмаган замонда юртига қочиб келган мусулмонларга яхши мезбонлик қилган, мамлакатада тинч ва роҳатда яшашларига шароит яратиб берган эди. Исломга даъват мактуби ёзилган подшоҳлар ичида ҳеч тараддудланмай имонга кириш шарафи унга насиб этди. Умму Ҳабибани (р.анҳо) ғойибона жаноби Расулulloҳга (с.а.в.) никоҳлаб қўйган ва бу никоҳда Пайғамбаримизнинг вакиллари бўлган ҳам удир. Жанобимиз номларидан никоҳ маҳрини ҳам у ўтаган, никоҳ зиёфатини ҳам у қилиб берган.

Набийи муҳтарам жанобимизга ёзган хатида: «Эй Оллоҳнинг пайғамбари, агар ёнимга кел десангиз, бораман», деган, тожини, тахтини осонгина тарк эта олишини, саҳобаи киром орасида шарафли ўрнини ола билиш учун ҳар фидокорликка тайёр эканини у хати билан исботлаган эди.

Нажоший топ-тоза нияти эвазига Жанобимизнинг кўнгил биродарликларини қозонди, маъно оламида у зотнинг асҳобларидан бўлиш шарафи ва бахтига эришди. Юрагида Пайғамбар афандимизга ғуборсиз, топ-тоза севги ва ҳурмат борлиги, ҳақиқий дўст, ҳақиқий биродар бўлгани вафоти муносабати билан жуда гўзал намоён бўлди. Ўзи расули киבריёнинг (с.а.в.)

овозларини эшитмаган, юракларга хузур берадиган суҳбатларида бўлмаган, ҳеч бир мўъжизаларини кўрмаган, аммо у зотнинг бармоқларидан сув булокдай отилиб чикканини, дастурхонларида емак-ичмакларга барака кирганини, юролмайдиган туяларнинг диркиллаб юриб кетганини кўриб гувоҳ бўлганларчалик кучли имони бор эди.

Нажоший Исломни кўлга мол-мулк киритиш учун танламади. Ҳатто жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) «Ёнимга кел», деганларида бор мол-мулки ҳам кўлдан кетар, салтанатидан ҳам жудо бўлар эди. Расулуллоҳнинг ёнларида юриб, тушаётган ваҳийларга гувоҳ бўлиб, мўъжизаларини кўзлари билан кўриб ҳам фитна ва фасод чиқариб юрувчи бир гуруҳ бадбахт мунофиқлар сафарларга фақат кўлга ўлжа киритиш, ҳатто фитна чиқариш учунгина кўшилаётган бир пайтда нажошийнинг бу йўлдаги фидокорлигини фақат тақдирлаш ва табриклаш лозимдир.

Расулуллоҳ (с.а.в.) унинг юртини ташлаб келишини тўғри топмадилар. Чунки Ҳабаш мулкининг бошида мушрик амир ўрнига бир мўмин амир турса, фойдалироқ бўларди.

Ҳа, нажоший юртида султон ўлароқ қолса, пайғамбарлар Султонини кўрмайди, қаттиқ севган Жанобининг гул жамолини кўрмасдан кетади, лекин бу дард эмасди. Ҳар нарсага қодир Улуғ Мавло бунинг ажрини, мукофотини беради. Севикли Пайғамбарини нажоший қандай рози қилган бўлса, ўзи ҳам уни рози қилажак, ҳавасга арзигулик ҳолатларда хузурига олажак.

Расули кибриё (с.а.в.) Жаброили аминдан (а.с.) нажошийнинг вафоти хабарини олганлари заҳоти унга дунёда кўлларида келган икромни кўрсатиш учун ғайб намозини ўқидилар, мағфират тилаб дуо қилдилар. Унга охиратда кўрсатиладиган икромларнинг илки ҳеч бир кимсага насиб бўлмаган бу ғайб намози билан бошланди. Охират оламида бу икромлар албатта катта ўлчовларда давом этажак. Ундан Оллоҳ рози эди, Оллоҳнинг расули рози эди - бир солиҳ кул учун бундан ортиқ яна нима керак! Яна қанақа ташвиши бўлиши мумкин!..

У дунёда олиши мумкин бўлган ҳар нарсани олиб, абадий саодат юртига кўчган, дунёдаги салтанатини сояда қолдириб кетадиган буюк бир бахтга эришган эди. Беихтиёр хотирага: «Диккат қилинг, Оллоҳнинг (шундай) дўстлари бор, уларга ҳеч бир кўркув йўқ, улар махзун ҳам бўлмаслар...» ояти каримаси келади.

ШОЛЧАГА ЎРАНГАН ОДАМ

Музайна қабиласида бир етим бор эди. Исми Абдул Уззо эди. Жуда камбағал бир отаси бўлган, орқасидан ҳаёт юқини енгиллатадиган ҳеч нарса қолдирмаган, шу боис Абдул Уззони олдинда паришон бир ҳаёт кутар эди. Бу ҳолда қорнини тўйдириши ҳам у учун катта масала эди. Лекин омад бу етимнинг юзига кулиб боқди: росаям бой амакиси гул юзли жиянининг кўлидан тутиб, бой-бадавлат оилаларнинг болалари ҳам кўрмаган даражада роҳат-фароғатли ҳаёт оғушига олиб кирди. Ота мерос қолдирган фақирлик ва муҳтожлик ҳаёти энди орқаларда қолди.

Шу тахлит орадан йиллар кечди. Абдул Уззо бир куни Маккада чикқан бир диний ҳаракат хабарини эшитди. Бутларнинг жонсиз махлуқлар эканини, ягона илоҳ борлигини эълон этган бир пайғамбар ҳақида гап юриб қолди. Ўтган-кетгандан сўрай бошлади, вақти-вақти билан бу маълумотларни ҳаётига татбиқ қилиб кўрарди. Шу тахлит яна йиллар ўтди. Бу орада Абдул Уззо бир қарорга келди, мусулмон бўлди.

Ундан яхшилигини ҳеч аямаган суюкли амакисининг ҳам бу динга ҳавас кўйишини, «Қани, жиянжоним, энди саодат йўлини ушлайдиган вақт келди», дейишини кутди. Лекин амакисидан садо чиқавермади. Ниҳоят, бир куни ўзи бу ҳақда оғиз очди:

- Амакижон, янги чикқан дин ҳақида сиз нима деб ўйлайсиз? - деб сўради.
- Нима деб ўйлашимни истайсан?
- Анчадан бери сизнинг бу динни қабул қилишингизни кутдим.
- Сенинг бунақа ишларга аралашингизни хоҳламайман! - деб чўрт кесди амаки.

- Лекин мен бу динни қабул қилмоқчиман.

-Хай-хай, кўзингни оч! Бунақа ишларга бошингни сукма, кейин пушаймон бўласан.

Амакининг росмана жаҳли чиқди. Шунча йиллардан бери тузини ичиб юрган одам, ўзининг кимлигини унутиб, акли етмайдиган ишларга аралашishi жиғибийронини чиқариб юборди. Гапни чўзиб ўтирмади:

- Менга қара, Абдул Уззо, агар бу динни қабул қилсанг, кўлингдаги бор мол-мулкни қайтариб оламан! Бир мирисиз, қип-яланғоч қоласан. Чунки улар менинг молларим! - деб ўқрайди.

- Шундай қилсангиз ҳам, мен бу динни қабул қиламан!

- У ҳолда, молимда сенинг заррача ҳақинг йўқлигини биласан. Ҳатто эгнингдаги кўйлакни ҳам мен берганман.

Абдул Уззо кўйлагини ечиб узатди.

- Ич кийимларни ҳам еч.

- Унда қип-яланғоч қоламан-ку, амакижон!

- У ёғи меникизиқтирмайди.

Абдул Уззо униҳам ечди.

Қўллари-ла олди-орқасини тўсганича онасининг олдига борди. Онаси унга эски бир шолча парчасини топиб берди. Абдул Уззо шолчани иккига бўлиб, унга ўранди. Янги чиққан пайғамбарнинг бир неча йил илгари Ясриб (Мадина)га кўчганини эшитган эди. Қаердасан, ҳижрат юрти Мадина, дея йўлга чиқди.

Раҳмат пайғамбари (с.а.в.) жанобимиз бомдод намозини ўқиб бериб бўлгач, муборак юзларини қатор ўтирган одамларга қаратдилар. Жамоат орасида таниш бўлмаган бир кишига кўзлари тушди.

- Сен кимсан? - деб сўрадилар.

- Музайна қабиласидан Абдул Уззо бўламан, - деб жавоб қилди йигит. - Сизнинг динингизни қабул қилиш учун келдим.

Келгани яхши, аммо исми ёқимсиз эди. Рост-да, инсониятни бутларга қулликдан қутқариш учун келган Пайғамбар бунақа исмни эшитиб: «Жуда чиройли исм экан!» дермидилар?!

- Сенинг исминг бугундан бошлаб Абдуллоҳ Зулбижадайн бўлсин, - деб марҳамат қилдилар Расулуллоҳ (с.а.в.).

Эгнидаги либос шундай исм берилишига сабаб бўлди. Яъни, «Икки шолчали Абдуллоҳ» дегани эди.

Абдуллоҳ пайғамбарлар буюгининг қўлларидан тутди, тиллар ичра энг қийматли тиллар айтиб турган шаҳодат калималарини юрагининг энг чуқурларидан келган туйғулар-ла такрорлади.

Абдуллоҳнинг юрагида самимият бор эди, қарашларида самимият асарлари ҳоким эди. Кўзларида порлаган топ-тоза туйғулар ҳар сирдан хабардор Улуғ Мавлонинг инояти билан пайғамбарлар сарварининг (с.а.в.) юракларида акс этар эди. Рухидаги бу ёрқинлик шу заҳоти мевасини берди - Жанобимиз унга:

- Ёнимга кел, эй Абдуллоҳ, - деб марҳамат қилдилар, - менга яқинроқ жойда тур.

Биладиган одам учун, икки парча шолчага ўралиб келган ва ҳали оёғидаги чангни

артиб тозалашга ҳам фурсат топмаган бу йигитни қидирса топилмайдиган бахт чулғай бошлади. Уларнинг оёғининг чангини минг тўрт юз йил берисидан соғинадиганларга ҳам бундай насибалар беришга қодир Улуғ Мавло суюкли ҳабибига буларни албатта бекорга сўйлаттирмайди. Майли, амакиси уни шип-шийдам қилиб ечинтирсин, бу ерда оламларга раҳмат муждачиси Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) воситаларида Улуғ Мавло унга тақво кўйлагини кийдира олмайдами?! «Менга яқин жойда тур», деган буюк Пайғамбарнинг ёнида олинажак биргина нафас Абдуллоҳ учун амакиси берадиган бутун бойликдан неча-неча баробар устун!

- Эй Оллоҳнинг расули, мен учун дуо қилишингизни хоҳлайман. Жаноби Ҳакдан сўраб беринг, менга шаҳидлик насиб этсин, - деди Абдуллоҳ.

Қўллар самога кўтарилиб, дуога очилди:

- Оллоҳим, унинг конини кофирларга ҳаром қил! Абдуллоҳхайрон бўлди:

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари, мен шаҳид бўлишни орзу қилардим.

- Ўзотга чикканинга ҳароратли бир хасталик сенга ёпишади-да, ўласан ва шаҳид бўласан. Уловинг сени йиқитади-да, бўйнинг синиб ўласан ва шаҳид бўласан...

Абдуллоҳ бир куни бу икки йўлдан бири-ла келадиган шаҳидликни кутиб, кунларини пайғамбарлар султонининг (с.а.в.) ёнларида кечири бошлади.

УММУ ГУЛСУМНИНГ ВАФОТИ

Ҳижратнинг тўққизинчи йили Расулуллоҳ (с.а.в.) уйларида бир ўлим шабадаси яна эди. Бу гал ҳазрати Усмоннинг (р.а.) хотини Умму Гулсум (р.а.) дунё ҳаёти билан видолашди.

Умму Гулсум опаси Руқаййанинг (р.а.) ўлимидан кейин Ҳазрати Усмонга теккан эди. Отасига пайғамбарлик келган пайтлари унаштириб қўйилган, аммо Абу Лаҳабнинг ўғли Утайба отасининг зўри билан бу унашув боғини узган, бошига қўнаётган толей кушини ҳайдаган эди. Янаям тўғриси, Улуғ Мавло суюкли пайғамбарининг кизларини Оллоҳнинг душмани бўлган оилада яшашдан қутқарган эди.

Умму Гулсум олти йилга яқин вақт опасидан бўш қолган ёстикни тўлдириб яшади. Фарзанд кўрмади. Опасидан ёдгор қолган фарзанд эса, бир хўроз чўқилаб, юзини-кўзини одам танимас ҳолга келтириши натижасида оламдан ўтди.

Умму Гулсум жаноби Расулуллоҳнинг (с.а.в.) Мадинадаги ҳаётлари давомида йўқотган учинчи кизлари эди. Бу ёқда энди биргина катта кизлари Фотима (р.а.) билан янги туғилган ўғиллари Иброҳим қолди.

Пайғамбаримизнинг холалари Софийа, ҳазрати Абу Бакрнинг (р.а.) янги хотини Асмо бинти Умайс ҳамда Умму Атиййа биргаликда Жанобимизнинг кўз нурларини ювишди. Олдинги кизлари Зайнабда бўлгани каби, буни ҳам уч марта ёхуд беш марта ёхуд, лозим кўрилса, ундан ҳам кўпроқ ювишларини тайинладилар. Амр адо этилди.

Жаноза намози учун қаршиларига келтирилган гул юзли фарзандларининг кафанланган жасадига боқарканлар, юракларидан тошган шафқат ва марҳамат туйғулари муборак кўзларидан нур доналари бўлиб томчилай бошлади. Зайнабнинг вафотидан ҳали бир йил ўтмасидан иккинчи қизни ҳам тупроққа бериш осонми, ахир?!

Бақий қабристонидан опаларининг шундоқ ёнидан очилган қабр Умму Гулсумни ҳам қўйнига олди. Шундай қилиб, кейинги уч-беш йил ичида оламларга раҳмат қилиб юборилган Пайғамбарнинг уч нафар нур юзли дилбандлари кетма-кет ерга қўйилишди.

Жанобимиз у ерда ҳозир бўлганлардан (эхтимол, гўрковлардан), бу кеча қайси бирларинг хотинларингга қўшилмадиларинг, деб сўрадилар. Абу Талха:

- Мен, - деди.

- У ҳолда сен қабрга туш, - деб буюрдилар.

Ҳазрати Али, Фазл, Усома ҳам қабрга тушишди, қўлларига узатилган нозанин вужудни юзини қиблага қаратган ҳолда ётқизишди.

Устига тупроқлар тортилган бу вужуд бир пайтлар суюкли ота кучоғида катта бўлган, Оллоҳ яратган энг покиза лаблар уни ўпган, ҳидлаган, энг қийматли қўллар уни силаган, бағрига босган эди.

Бугун Бақий қабристонига кириб борганлар эшикдан йигирма одимларча юришса, олдиларидан ёзувсиз уч дона қабр чиқади. Булар олдинги ва кейинги барча пайғамбарларнинг саййиди Жанобимизнинг уч нафар жигарпораларининг гўрларидир. Зайнаб, Руқаййа ва Умму

Гулсум. Уларнинг ўнг томонларида дўмпайган ва ёнма-ён тизилган тошлар билан белгили килиб қўйилганлар эса, ҳазрати Расулulloҳнинг севикли хотинларининг нурли гўрлари...

САҚИФ ҲАЙЪАТИ

Тоифдаги Сакиф қабиласи бир неча ой илгари Урва ибн Масъудни Ислом динини қабул этгани учун ўлдиришган эди. Макка фатҳ этилган, курайшликлар зўр остида бўлса ҳам, ширк ҳаётига нуқта қўйишган. Исломга энг қаттиқ қаршилик қилган бу қабиланинг майдондан чекиниши натижасида ҳар жой-ҳар жойдан анча-мунча қабила Мадинага оқар

ва у ёқдан юртларига мусулмон бўлиб қайтар эди. Кундан-кунга мусулмонлар қувват топиб, душман тараф кучини йўқота бошлади. Тоиф халқи бу ҳолни ҳадик-хавотир билан кузатиб турарди.

Лашкар билан келиб қалъани қамал қилган Расулulloҳга қарши қилич яланғочлаб жанг қилишга жасорат топмаган қабила энди Мадинага аскар тортиб бориб у ерда уруш қила олармиди? Атрофдаги қабилаларга дўқ уриб: «Агар Исломни қабул қилсаларинг, сизларни йўқ қиламиз!» дейишга энди имкон қайда? Шундай экан, олдиларида бир йўл қолган эди: масала устида жиддий бош қотиришлари, бутун қабила халқи фойдали бир қарорга келишлари лозим.

Тўпланишди, вазиятни атрофлича муҳокама қилишди. Қабила аста-секин мусулмон қабилалар қуршовида қолаётганини ҳам эътибордан қочиришмади. Ниҳоят, ичларидан бири Тоиф халқининг пешволаридан бирига бундай хитоб қилди:

- Эй Абди Йалил, сен орамизда ақлли ва тажрибали бир одамсан. Бор ва бизнинг номимиздан мадиналиклар билан кўриш. Сенинг қароринг бизнинг ҳам қароримиз бўлсин.

Абди Йалил бу таклифни дарҳол рад этди.

- Нималар деяпсан ўзи? Урванинг бошига тушган савдо менинг ҳам бошимга тушсинми?! Бир неча киши қўшиб берсаларинг, борарман, акс ҳолда, мендан бу ишни қилишни талаб этманглар, - деди.

Бу сўзларга ҳеч кимса эътироз билдира олмади. Таклиф қабул қилинди. Яна беш кишини сайлашди.

Шу тариқа олти кишилик элчи ҳайъати бир тонгнинг эрта соатларида Тоиф қалъасини тарк этиб, кунларча давом этажак сафарга чиқди.

Жаноби Расулulloҳга (с.а.в.) ва саҳобаларига қарашли туялар шаҳардан ташқаридаги ўтлоқларда навбатма-навбат боқилар, ўша кунни туяларни ўтлатиш гали Муғира ибн Шуайбда эди. Узоқдан тўзон кўтарилди. Бир гуруҳ йўлчилар келаётгани маълум бўлди. Йўлчилар яқинлашганларида Муғира уларни таниди. Тоифлик қариндошлари эди улар.

- Хуш келибсизлар, эй ҳамшаҳарлар! - деб кутиб олди.

- Хуш кўрдик, эй Муғира, - деб жавоб қилишди йўлчилар.

Орадан беш дақиқа ўтар-ўтмас Муғира ҳамшаҳарларини туялар ёнида қолдириб, Мадина сари йўл олди.

Шошилишга ҳақли эди. Бир йил илгари қилинган қамалга кўксини қалқон этиб, охиригача туриб берган қабила энди ўз оёғи билан келган бўлса, буни муждалаш учун албатта шошилади-да.

Йўлида ҳазрати Абу Бакр (р.а.) учради.

- Қаёққа бунча шошяпсан, эй Муғира? - деб сўради Абу Бакр.

- Расулulloҳнинг олдиларига.

- Нимага бунча шошилишч?

Муғира воқеани аңлатди. Ҳазрати Абу Бакр эшитганларидан ниҳоятда мамнун бўлди.

- У ҳолда, эй Муғира, Оллоҳ учун бу ишни менга топшир, бу муждани мен етказай.

- Хоҳишинг, майли борақол, эй Абу Бакр.

Ҳазрати Абу Бакр мухтарам Пайғамбар жанобимизнинг ҳузурларига келди. Тоиф вакиллари Исломни қабул қилиш учун келишганини хабар қилди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) буюрди, масжидда уч чодир қурилди.

Бу орада Муғира ўтлоғига қайтиб борган, ҳамшаҳарларини олиб, Расулulloҳ ҳузурларига келтирган эди.

* * *

Ўн йилча илгари суюкли амакиларининг вафотидан кейин Ислом динини етказиш мақсадида Тоифга борган Пайғамбар (с.а.в.) у ерда ҳаётларининг энг аламли кунини яшаган, энг оғир ҳақоратларни эшитган, оломон отган тошлар натижасида оёқларидан қон оққан ҳолда қайтган эдилар. «Оллоҳ пайғамбарликка сендан бошқа одам топмабдими?» каби сўзлар билан масҳара қилган уч ака-ука мана шу Кинона ибн Йалилнинг оила аъзоларидан эди. Неча кунлаб йўл юриб келган нур юзли инсонни бир кеча меҳмон қилиш, одамгарчилик кўрсатиш тугул, аксинча, бемалол қайтиб кетишларига ҳам йўл қўйишмаган эди.

Энди эса, расули кибриё (с.а.в.) уларни мўминларга энг қадрли бўлган, «Оллоҳ уйи» деб ном олган масжидда ҳурмат билан кутиб олишга ҳозирлик кўрардилар. Ёмонликка яхшилик билан жавоб беришга бундан яхши ўрнак топилмаса керак.

Тоиф элчиларини Расули ақрам иззат-икром билан қўноқ қилдилар, уларга овқат юбордилар, аммо элчилар бу овқатга қўл чўзишмади ҳам.

- Марҳамат қилинглар, бемалол еяверинглар, - дея олдиларига овқат солинган товоқни қўйган Холид ибн Саидга ичларидан биттаси:

- Олдин ўзинг еганингни кўрайлик, эй Холид, - деди.

Уларда бир кўркув бор эди. Шунча йилдан бери давом этиб келган душманликка олдиларига қўйилган захарли таом билан нуқта қўйилиши ҳам мумкин эди-да. Уларнинг бу шубҳаларига қарши Холид кўнглини очди:

- Биз меҳмонларимизга хиёнат қилмаймиз. Ўртамизда душманлик бўлса, уни мардларча ҳал этиш йўлини тутамиз.

Сўнгра «бисмиллоҳ»ни айтиб, емакдан тотинди. Энди тоифликларнинг хавотирига ўрин қолмади. Аммо улар бундан бу ёғига ҳар емак келтирилганида у емакни келтирган Холиднинг юзига: «Қани, ичимизни кемирадиган шубҳа ва кўркувни кетказ!..» деган маънода боқажаклар, Холид ҳам ҳар гал ўтириб, уларнинг кўз ўнгларида емакни татиб беражак.

Тоифликлар баъзан жаноби Пайғамбаримизга ҳам: «Олдин бу емакдан ўзинг еб кўрсат, эй Муҳаммад», дейишдан ҳам тийила олишмади.

Ниҳоят, музокаралар бошланди.

- Биз урушда сенга қўшилмаймиз, эй Муҳаммад, - дейишди. Бу шарт қабул этилди.

- Ушр бермаймиз, - дейишди. Рози бўлинди.

- Устимизга биздан бўлмаган биронтасини амир қилиб қўймайсан, - дейишди. Хўп, жавоби берилди.

- Намоз ўқимаймиз, - дейишди. Шунда Пайғамбар жанобимиз:

- Намози ўқилмаган динда яхшилик йўқ, - деб жавоб қилдилар.

Элчилар ўзаро кенгашишди, тортишишди, ниҳоят, қарорларини Пайғамбар жанобимизга билдиришди:

- Бизни бу иш камситса ҳам, қабул қиламиз, - дейишди. - Намоз ўқиймиз, рўза ҳам тутамиз.

Шу тариқа илк одим отилди. Лекин бу одимлар истар-истамас отилди. Оллоҳнинг расули илгари сурган шартларни қабул этиш шарафимизга қўланка солади, деган ҳадикда эди улар.

Тоифликларнинг урушда иштирок этмаслик ва ушр бермаслик таклифларига

Пайғамбаримизнинг майли деганларидан ажабланганлар бунинг сабабини сўрашди. Жанобимиз:

- Исломни қабул қилганларидан кейин урушга ҳам қўшилишади, ушрни ҳам беришади, - деб марҳамат қилдилар.

Тоифликларнинг яна бир қанча хавотирлари бор эди. Уларни кетказиш учун ҳамма нарсани сўраб олишлари керак.

- Зинога нима дейсан, эй Муҳаммад? Биласан, зино бизнинг ҳаётимизнинг ажралмас бир парчаси. Бундан бир четда тура олмаймиз.

Жанобимиз дарҳол эътироз қилдилар:

- Зино Оллоҳ ҳаром қилган иш. Улуғ Мавломиз: «Зинога яқинлаша кўрманглар! Чунки бу бузуқликдир - энг ёмон йўлдир»* деган.

Кейин ичкилик билан фоиз ҳақида саволлар беришди. Ҳеч орзу қилишмаган жавобларни эшитишди. Ўзаро кенгашиб олишди. Натижадан мамнун эмасликлари кўриниб турарди. Абду Йалил:

- Шармандагарчилик!.. Юртимизга бориб ичкилик, зино, фоиз тақиқлангани хушхабарини етказамизми?! Валлоҳи, Сақиф халқи на ичкиликдан тортилади, на зинодан. Бизникилар бу ишлар бўлмаса, чидамайди, - деди.

Бошлар эгилди. Айтиладиган гап қолмагандай эди. Абду Йалилнинг сўзлари бежиз эмас. Бировга овқат емайсан дейиш қай даража ғалати бўлса, Сақиф халқига, зино қилмайсан, ичкилик ичмайсан, дейиш ҳам шу даражада ғалати ва оғир эди. Ораларида озгина жимлик ҳукм сурди. Ниҳоят, Суфён ибн Абдуллоҳ сўзлай бошлади:

- Оллоҳ бир одамнинг яхшилигини кўзлаган бўлса, у ҳам бу ишларга чидайдди. Мана бу одамларни кўрмайсизларми?! Улар ҳам бир пайтлар биздака бўлишмаганми? Улар ташлаган ишни бизнинг халқимиз ҳам ташлай олади. Ҳеч унутилмайдиган бир ҳақиқат бор бўлса, у ҳам қабиламизнинг Муҳаммадга ишонган қабилалар қуршовида қолганидир. Эртага бу ишларни бизга зўрлик билан қабул эттирадиган, қабул этмасак, бошимизга балолар ёғдирадиган боскиндан эмин эмасмиз. Яна қамал қилишса, бир ойдан узоқ дош беролмаймиз. Маккаликлар каби енгилиб мусулмон бўлгандан кўра, ҳозир ўз хоҳишимиз билан бу динни қабул этишимиз керак.

Суфённинг бу мулоҳазалари таъсирини кўрсатди. Абду Йалил ҳам жавоб бера олмай қолди. Такрор Пайғамбар жанобимизнинг ёнларига келишди.

- Майли, сенинг динингни қабул қиламиз. Лекин Робба нима бўлади? - деб сўрашди. «Робба» деганлари машҳур Лот исмли бутлари бўлиб, араблар орасида жуда қадрли эди. Расули акрам (с.а.в.):

- Уни ҳам йикитасизлар, - деб марҳамат қилдилар.

Элчилар бир муддат эс-хушларига келолмай туришди. Неча замонлардан бери илоҳ деб улуғланган, уни деб кўп фидокорликлар кўрсатилган, қурбонликлар қилинган Лотни йикитиш ҳеч ҳам осон иш эмас. Бир деворни йикитган каби, бир дарахтни қулатган каби Лотни қулатиб бўладими?

Абду Йалил сўз олди:

- Ҳайҳот!.. Бажариб бўлмайдиган ишни таклиф этяпсан! Агар Лот уни йикитажагимизни билиб қолса, Тоиф қалъасини бошимизга қулатади. Чўлиғимизни-жужуғимизни қолдирмайди. Бу ишни сен қилиш ниятида эканингни билса, сени ҳам, оила аъзоларингни ҳам йўқ қилиб юборади, - деди.

Бу гапларни у ишонч билан гапирарди. Яна чорасиз қолишди.

- Бу масалада бизга уч йил муҳлат беришинг керак, - дейишди. Жанобимиз таклифни қабул этмадилар.

- Майли, икки йил ўз ҳолимизга қўй.

- Йўк.
- Бир йилгина сўрашга ҳам ҳақкимиз йўқми?
- Мумкин эмас.
- Ҳеч бўлмаса, бир ойгина муҳлат... Бунга ҳам рад жавобини олгач:
- Унда ўзимизнинг кўлимиз билан йикитишдан бизларни маъзур кўр. Йикитиладиган бўлса, бу ишни бошқа биров қилсин, - дейишди.

Бу охириги истаклари қабул этилди. Машҳур Лотни қурайшликларнинг улуғи Абу Суфён билан Муғира ибн Шуъба йикитадиган бўлишди.

Сақиф қабиласи вакиллари ичида энг ёши Усмон ибн Абул Ос эди. У музокараларга қатнашмади. Шерикларининг уловлари билан нарсаларига пойлоқчилик қилиб турди. Айни чоқда, у аллақачон мусулмон бўлишга қарор қилиб қўйган эди. Шунинг учун шериклари уловларининг олдига келиб тушки уйқуга ётишлари билан у Пайғамбаримизнинг олдиларига шошилар, Қуръондан таълим олар, Исломи динининг асосларини ўрганар эди. Бордию Расулulloҳни топмаса, бирон саҳобийдан таълим олиб қайтарди.

Сақифликлар энди намоз ўқий бошлаган ва мадиналик мусулмонлар билан бирга рўза ҳам тутишаётган эди. Саҳарлик ва ифторлик емакларини Пайғамбар жанобимиз келтирардилар.

Уларнинг истакларига кўра бир фармон ёзилди. Бу фармонда Тоиф қалъасида ўрнашган Сақиф қабиласи Оллоҳ ва расулининг ҳимоясида эканлари, Ваҳ водийи улар учун даҳлсиз бир жой қилиб берилгани таъкидланди. Урушга чиқишмаяжаги, ушр олинмаяжаги ва четдан волий тайин этилмаяжаги ҳукми ҳам фармондан жой олди. Сақиф халқининг жон ва мол омонлиги тан олинди, тан олмаганларга қарши Оллоҳ ва расули ёрдамчи бўлажаги эслатилди. Илгаридан бери ўрганилган фоиздан асосий дастмоя қисми эгасига тегишли экани ва энг кечи билан Укоз бозорида қарз қайтариб берилиши кераклиги батафсил тушунтирилди.

Сақифликлар Пайғамбар жанобимизнинг амрлари билан Холид ибн Саид ёзган ушбу фармонни олишгач, охириги истак сифатида:

- Бизга бир волий билан имом тайинланг энди, - дейишди.

Қуръонни энг яхши билганни бошлиқ қилиш Жанобимизнинг одатлари эди. Шу боис, келганидан бери Исломи динига ҳавас билан ёпишган, Қуръон ўрганишга алоҳида ғайрат кўрсатган Усмон ибн Абул Осни уларга имом ва амир қилиб тайинладилар.

Шундай қилиб, элчилар Мадинани тарк этишди. Лотни йикитадиганлар бир неча кун кейин ортларидан борадиган бўлишди.

Тоиф халқи Мадинага юборган ҳайъатни кунларча кутди. Ниҳоят, бир куни узоқдан чанг-тўзон кўтариб, элчилар етиб келишди. Одамлар уларни қуршаб олиб:

- Нималар қилдиларинг? Нимага келишдиларинг?...- деб саволлар ёғдириб ташлашди.
- Жангга ҳозирландинглар! Қалъани тузатинглар, манжаниклар қалъа деворларига чиқарилсин! - деб жавоб қилишди элчилар.

Тайёргарлик бошланди. Бир-икки кун жиддий ғайрат билан ишлашди. Сўнгра юракларга қандайдир кўркув оралади.

- Уларга қарши урушишга кучимиз етмайди, - дейдиганлар кўпайди.
- Келишиш керак. Битим тузилсин, - дейишди.

Шунда элчилар:

- Биз ҳам уларга қарши тура олмаслигимизни билардик, шунинг учун битим тузиб келақолдик, - дейишди.

- Уқанақа битим экан?

- Яъни, унинг динига кирдик, мусулмон бўлдик, - дея у ёқда бўлиб ўтган ишларни бошидан охиригача сўзлаб беришди.

- Лотни йикитишга тайинланган одамлар орқамиздан келишади, - деб қўйишди.

Шунчаси ўзи етарли эди, ҳаммасига майли, аммо Лотнинг йикилишига одамлар нима

дейди?..

Ҳар калладан ҳар хил сас чиқарди. Ким уни йикитишга чикканнинг бошига балолар ёғилажагини сўйласа, ким агар Лот бундай ишни қилмаса, унда илоҳ эмаслиги маълум бўлади, дер эди.

Бир куни Муғира билан Абу Суфён Расулуллоҳнинг буйруқларига биноан сафарга отланиб, узок йўлчиликдан кейин Тоиф қалъаси атрофларига етиб келишди.

- Қани, олдин сен кир ва буйруқни бажар, - деди Муғира.

Абу Суфён бу таклифни қабул этмади.

- Йў-ўқ, - деди. - Шаҳарга сен олдин киришинг керак. Чунки тоифликлар сенинг қавминг ва қабилагидир.

Муғира эътироз билдирмади, бирга юришга ҳам зўрламади. Йўлга тушиб, кеча вақти Тоифга кирди. Яқинларини топди, тунни уларнинг ёнида ўтказди.

Эрта билан эркак-хотин бўлиб анча одам Лотнинг теварагига тўпланди. Муғира Лотнинг устига чиқди, қўлидаги метинни шиддат билан солди. Бу солдириш кўп юракларни типирчилатди, туклар тикан каби диккайди. Лекин... бу не ҳол? Метинни тутган қўллар қандайдир бўшашди, метин тушди. Ортидан Муғира ҳам, худди калтак еган одамдай, ерга кулади.

Кўзлар катталашди. Кутилажак иш бўлгандай эди. Бир пайтлар Маккада Уззо ё Ҳубал қилмаган ишни, Исоф ё Ноила қилолмаган ишни энди Лот амалга оширган эди гўё.

Халқни иккинчи ва янги бир хавотир чулғаб олди. Йиқилган одамни яхшироқ кўриш учун узанганлар уни жонсиз ҳолда ётганини кўришди.

- Лот ўзининг илоҳ эканини исботлади!

- Бу одам Лотнинг ғазабига учради. Илоҳларнинг ғазаби мана шунақа бўлади! - деган садолар чиқди. Ўнгда-сўлда бу гапларни тасдиқлаган овозлар эшитилди.

Муғира икки дақиқа ўтар-ўтмас бирдан жонланди, оёққа қалқди, ва:

- Эй Сакиф халқи! - дея бақирди. - Сизларни арабларнинг энг ақллиси дейишарди. Лекин сизлардан кўра нодони йўқ экан. Кўриб турибсиз, менга ҳеч нарса бўлгани йўқ, ҳаммасини атай қилдим. Сизлар илоҳ деяётган Лот парча-парча этилишга лойиқ бир нарса, холос. Сизлар унга ибодат қиласизларми, йўқми - шуниям фарқлаёлмайди. Энди, қани, қараб туринглари-чи... - дея Лотни метин билан такрор урди. Яна, яна урди. Кетма-кет солинган метинлар бечора Лотнинг ишини битирди.

Муғира энди оёқлари остида сочилиб ётган парчалар узра ғолиб хўроздай бир киёфада турарди. «Яна бирор гапларинг борми?» маъносида тўпланганларга бир-бир нигоҳ ташлаб чиқди. Икки дақиқа олдин Лотни ҳақиқатан устун бир қудрат эгаси деб ўйлаб турган одамлар зехнлари алғов-далғов бўлиб тарқалишди. Неча замонлардан бери сиғиниб келишгани Лотнинг энди Лотлиги қолмаган, энг соғлом деб суяниб келишгани асли чирик бир нарса бўлиб чиққан эди. Бу ҳолни кўрган одамлар энди Ислом динини қабул этишдан бошқа йўл қолмаганини ҳис этишди.

Қабила аҳлининг истар-истамай Исломни қабул қилаётганини бир киши ҳадик-хавотирда кузатиб турарди. Қора юзли бу киши зимистон ўй-хаёллар босқини остида

руҳан эзиларди. Юзи қай даража қора бўлса, зехни шу даража қайғу ва ғамга тўла. Макка фатҳ этилган куни «Қаъба ёпинчиғига ўралган бўлса ҳам ўлдирилсин!» фармони ила ҳукм қилинган одам, албатта, ғамгин бўлади-да.

Ухуд жангидан бери мусулмонлар оладиган ўчни кутиб, бир кун келиб энсасига урилажак қилич кўрқуви остида яшаган эди у. Арабистонда асрана олажаги энг охирги қалъа ҳам бугун қўлдан кетяпти. Бу ердан ҳам қочиб, қайдасан, Шом, дея узоқларга, жуда узоқларга кетиб юборсинми ё?

Шу пайт кимдир унга мурожаат қилиб қолди:

- Ҳа, бунча ўйланиб қолибсан, Ваҳший?

Қора юзли киши - Ваҳший бошини кўтарди. «Шуям гап бўлдимми?» деган маънода қаради.

- Албатта-да, албатта, ўйланаман-да. Чунки ичимга кўркув соляпсизлар, - деди Ваҳший.

- Қандай қилиб?

- Чунки сизлар ҳам Муҳаммаднинг динини қабул қиляпсизлар.

- Сен ҳам қабул эт!

- Уларнинг олдида кечирилмас айбим борлигини билмагандай гапирасан-а. Ҳамзанинг қотилини унутиб юборишмагандир ахир.

- Мениям ўша унутмаганлар қаторида деб бил. Мен унутмабманми, мадиналиклар у хотирани бугундай эсларида тутишлари аниқ. Аммо Муҳаммад ҳузурига мусулмон бўлиб келган кимсани орқага қайтармайди. Икрима, Сафвон ҳам худди сен каби изланаётган одамлар эди, кечирди-ку.

- Менинг вазиятим уларники каби эмас. Мен бошим омон қоладиган элларга чиқиб кетмасам бўлмайди.

- Аксинча, мен бошқача ўйдаман. Муҳаммаднинг шафқати сенинг кабиҳлигингни қават-қават ёпадиган даражада кенгдир.

Ваҳший боши ҳам ҳолда пича ўйга толди. Ниҳоят:

- Гапинг тўғри, - деб шивирлади.

Расулуллоҳ (с.а.в.) қаршиларида шаходат калималарини келтираётган одамга боқдилар. Муборак чеҳраларини бирпасда ғамгинлик қоплади. Айни чокда атрофда:

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари, бу одам Ваҳшийдир, изн беринг, бўйнига қилич солай! - деган саслар чикди.

Ваҳшийнинг пешонасидан муздай терлар чиқиб кетди. Ўзи не бир кўркув ичида келган эди, устига яна кўркув тушиб, жони бўғзига келди. Энди ҳаёти Пайғамбарнинг (с.а.в.) лаблари орасидан чиқадиган биргина сўзга боғлиқ бўлиб қолди. Охири Жанобимиз:

- Бир одамнинг Исломни қабул қилиши мингта мушрикнинг ўлдирилишидан яхшироқдир, - дея марҳамат қилдилар.

Бу муборак сўз Ваҳший учун тириклик муждачиси бўлди. Шу билан масала ҳал. Жанобимиз ундан:

- Ваҳшиймисан? - деб сўрадилар.

- Ҳа, эй Оллоҳнинг пайғамбари, Ваҳшийман.

- Ўтир ва менга Ҳамзани қандай ўлдирганингни гапириб бер.

Ваҳший ўтирди. Бўлиб ўтган ишларни бошдан-охир тафсилоти билан гапириб берди. Расули мухтарам жанобимиз унинг ҳикоясини чуқур қайғу ичида эшитдилар. Эҳтимол, Ваҳшийнинг сўзлаб бераётганлари маъно оламида худди бўлганидек қилиб тасвир этилаётгандир ва пайғамбарлар сарвари бу ҳодисани қайтадан, гўё кўз олдиларида рўй

бераётгандек кўзёшлари ичра кўриб тургандирлар. Ваҳший гапини тугатгач, Жанобимиз бошларини кўтардилар.

- Афсуслар бўлсин сенга! - дедилар. - Лекин кўзимга кўринмай юр. Чунки сени кўрсам, Ҳамза амакимни эслайвераман... - дедилар.

Пайғамбаримиз ҳеч бир мўминга бунақа талаб қўймаган эдилар. Ҳаётлари бўйича ҳеч кимга бунақа сўзлар айтмаганлар.

Ваҳший ўрнидан туриб, ташқари чикди.

Бундан буён энди Ваҳший озгина бўлса-да пайғамбарлар саййидини кўриб юради, аммо доимо ўзини сақлаб, доимо яшириниб ва ўзини кўрсатмасдан... Пайғамбарлар султони уни энди ҳеч қачон кўрмайдилар, дуч келмайдилар...

Ваҳший жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) вафотларидан кейин бўлган Йамома жангида

катнашажак ҳамда ҳазрати Ҳамзани шаҳид этган ўша найзаси билан ўзини пайғамбар деб оламни фасодга тўлдирган ёлғончи Мусайламани ўлдиражак. Ҳамзанинг бадбахт котили Мусайламанинг бахтиёр қотили бўлиш билан озми-кўпми кўнгли тасалли топажак*...

ЯХШИ УЙЛАНГАН БИР ЁШ

Абдуллоҳ ибодатга берилган йигит эди. Уйланиш ёшига етиши билан отаси Амр ибн Ос уни уйлантириб қўйди.

Келин обрўли оиладан, чиройли қиз эди. Аммо унинг насл-насабли экани ҳам, чиройли экани ҳам Абдуллоҳнинг ҳаётида бирор-бир ўзгариш ясамади. Кечалари соатларча Қуръон ўқир, намоз ўқир, ҳар куни рўза тутар эди. Никоҳланганига бир ой ўтганига қарамай келин бу уйга худди меҳмондай яшар, эри билан бирга бўлолмас эди. Ўғлининг табиатини жуда яхши билган Амр бир куни келинидан ҳол сўради:

- Ўғлим билан ҳаётинг қандай ўтяпти, қизим. Турмушинг яхшими?

Келин ўзидан ҳол сўрашганидан хурсанд бўлди. Чуқур бир нафас олди.

- Абдуллоҳ жуда яхши йигит. Қурайш ёшлари орасида яхши бир хусусияти бор. Шу билан бирга, бу уйга тушганимдан бери ҳеч ётоғимга кирмади. Ҳеч ҳолимни сўрамади. Бирон эҳтиёжим бор ё йўқлигини суриштирмади, - деди.

Амр эсанкираб қолди. Ўғли ишни бу даражага бордираганини ҳеч кутмаган эди. Дарҳол уни топиб, бир чеккага олиб ўтди ва ҳаётнинг ҳақиқатларини тушунтиришга тушди.

Абдуллоҳ отасининг сўзларини чиройли эшитди. Эшитди-ю, аммо бу сўзлар бир қулоғидан кириб иккинчи қулоғидан чиқиб кетаверди. Бундан кейин ҳам ҳаётида заррача ўзгариш бўлмаслиги аниқ эди.

Абдуллоҳ эртанги ҳаёти учун сармоя ҳозирлаш лозимлигига ишонар, намоз, рўза, зикр ва Қуръон ўқиш каби, охираат ҳаётининг сармояси бўлган ибодатларга вақтини сарфлар эди. Бир вақтлар раҳматли Усмон ибн Мазъун қайсарлик билан юритган ҳаёт тарзини энди Абдуллоҳ давом эттиришга ҳаракат қиларди.

Орадан кунлар кечди. Амр ибн Ос келинидан такрор ҳол сўради. Жавоб ўша-ўша бўлди. Демак, Абдуллоҳ отасининг насиҳатини эшитган холос, қулоқ солмаган, маслаҳат яхши, аммо ўзимнинг ишимни ўзим яхши биламан, деган эди. Бунинг бошқача маъноси йўқ. Энди масалани юқорида савияда ҳал этмаса бўлмайди.

- Хўп, сабр қилиб тур, қизим, - деди-да, Расулulloҳни ахтариб масжид сари кетди.

- Эй Абдуллоҳ, мен сенинг тонггача ибодатлар қилиб чиқишингни, кундузлари рўза тутишингни эшитдим, шу ростми?

- Ҳа, эй Оллоҳнинг пайғамбари, мен шунақа қиламан.

- Бундай қилма! Кечалари ибодат учун тур, дам олиш учун ухла ҳам. Баъзи кунлари рўза тут, баъзисида тутма. Чунки сенинг баданингни сенда ҳаққи бор, меҳмонларингни сенда ҳақлари бор, хотинингни сенда ҳаққи бор.

Расулларнинг охиргиси (с.а.в.) буларни айтиб-айтиб, сўнгра:

- Рўзани қандай тутасан? - деб сўрадилар. -Ҳар кун.

- Қуръонни қандай ва қанча ўқийсан? -Ҳар кеча ўқиб тугатаман.

- У ҳолда ҳар ойнинг уч кунида рўза тут, ойда бир марта Қуръонни хатм қил.

Бу билан Расулulloҳ жанобимиз ўзлари орзу қилган ўртача мусулмон ҳаётининг меъёрларини ўргатдилар. Бир мусулмоннинг энг мақбул ҳаёт низомида Қуръон ва рўзанинг ўрнини билдирган бўлдилар. Абдуллоҳга ёшлиқда ҳам, кексалиқда ҳам оғир ботмасдан қилса бўладиган ибодат тарзи ва йўл-йўриқларини тавсия этдилар. Бундан илгарироқ: «Ибодатларнинг Оллоҳга энг севимлиси, оз бўлса-да, давомли бўлганидир», деганларини ҳамма эшитган.

Аслида, Абдуллоҳ билан бу хил ибодат орасида ўтиб бўлмас чўкки бор эди. Лекин у олган тавсияси зарарлими ё фойдалими - бир сония ўйлаб ўтирмади:

- Эй Оллоҳнинг расули, мен бундан ҳам кўпроғини адо этишга кучим етади, - деди.
- Ундаҳафтада уч кун рўза тут.
- Мен бундан ҳам кўпроқ қила оламан.
- Ундай бўлса, икки кун оғзинг очик бўлсин, бир кун рўза тут.
- Мен янаям кўпроқ қила оламан.

- Унда рўзаларнинг энг фазилатлисини тут. Бу рўза пайғамбар Довуднинг (а.с.) рўзасидир. Бунда бир кун рўза тутасан, бир кун оғзинг очик бўлади.

Рўза масаласи шу тариқа ҳал бўлди. Энди навбат Куръонни хатм қилиш масаласига келди.

- Ҳафтада бир марта Куръонни хатм қил, - дедилар.

Абдуллоҳнинг булардан ошириб қилган илтимослари фойда бермади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир ҳафтадан илгари қилинган хатмда яхшилик йўқлигини билдириш билан масалани узил-кесил ёпдилар.

Абдуллоҳ уйига қайтди. Энди оила ҳаётига озми-кўпми ранг кирадиган, ўзи ҳам ичида яшаётган ҳаёт билан боғланадиган бўлди. Аммо-лекин Расулуллоҳнинг (с.а.в.): «Эй Абдуллоҳ, бундан ҳам кўп ибодат қилишга ғайрат кўрсат», дейиш ўрнига, ойда уч кун рўза тутишни тавсия этишлари ажабланарли. Ҳа, Абдуллоҳ Пайғамбар ҳузурларидан чиқаркан, ҳалиям мен булардан кўпини қила оламан, деган фикрида қолганмиди?..

Орадан йиллар ўтажак, анчагина қариб қолган Абдуллоҳ ёшликдаги ғайрат билан устига юклаб олган оғир вазифа остида эзиларкан, «Қошки Расулуллоҳнинг илк тавсияларига риоя қилганимда эди», дейишга мажбур қолажак*.

БИР ФОСИҚ КЕЛТИРГАН ХАБАР

Бани Мустаълиқ қабиласи чин юракдан Ислом динини қабул қилган эди. Пайғамбар жанобимизнинг (с.а.в.) пок аёлларидан бири Жувайрийа шу қабиладан. Қабила раиси Хорис ибн Дирор Расулуллоҳга қайнота бўлиш бахтига эришган эди.

Одатда Расули акрам (с.а.в.) закот тўплаш учун қабилаларга одам юборар эдилар. Лекин бу йил закот тўпловчи одам ҳадеганда келавермади. Ҳорис қабила аҳлига бу

кечикиш яхшиликка олиб бормаслигини тушунтирди. Закотларини ўзлари тўплашга ва ўзлари олиб бориб беришга қарор қилишди. Ҳаракат бошланди.

Бу ёқда Пайғамбаримиз (с.а.в.) Валид ибн Уқбани закотчи қилиб тайинладилар. Бани Мустаълиқ қабиласига боришни буюрдилар. Валид энг ашаддий мушриклардан Уқба ибн Абу Муойтнинг ўғли эди. Дарҳол ҳозирлик кўриб, йўлга чиқди.

Қабилага яқинлашиб қолганида қаршисидан бир тўп одамлар келаётганини кўрди. Ичига кўрқув оралади. Бу одамлар уни осонгина ўлдириб кетишлари мумкин эди. Тез орқасига қайтди ва тўғри Расулуллоҳ ёнларига келди:

- Закотларини беришмади. Бунинг устига, жонимга қасд қилишди. Ўзимни зўрға кутқардим, - деди.

Бу хабар яхши эмасди. Мўминлар, айниқса, Жувайрийа онамиз бу хабардан ғамга ботишди. Қабиласи бунақа нохуш иш қилиб турса, у хурсанд бўлармиди ахир...

Расули акрам (с.а.в.) буюрдилар, «Оллоҳнинг қиличи» деб ном олган Холид ибн Валид кичик бир гуруҳ билан дарҳол йўлга чиқди. Боради, Бани Мустаълиқ қабиласига керакли дарсни беради, Пайғамбарнинг элчисига кўрсатган чиркин ишларининг ҳисобини сўрайди.

Қабилага яқинлашганларида азон овозини эшитиб, Холид ҳайрон бўлиб қолди. Агар булар закотни тўлашдан бош тортишган бўлса, нимага азон чақиришяпти, нимага намоз ўқишяпти? Бу ишда бир ишқал бордек туюлди. Шошилмасдан аҳволни ўрганишни, урушишса, шунга қараб

урушишни дилга тугиб қўйди. Юришда давом этиб, қабила халкига ўзини танитди. Валид олиб борган хабар ёлғон эканини билиш учун кўп вақт кетмади. Ҳатто ҳеч ким Валидни кўрмагани, у билан гаплашмагани маълум бўлди.

Бу ёқда Жувайрийанинг отаси Хорис, Холид ибн Валиднинг қабилага келаётганидан хабарсиз, Мадинага келган эди. Ҳаракатга ҳозирлик кўраётган иккинчи бир аскарӣй гуруҳга дуч келди.

- Қайси томонларга отландиларинг, ғазотларинг муборак бўлсин, - деди.

- Эй Хорис, бизнинг сафаримиз сенинг қабиланг томонларга, - деб жавоб қилишди.

- Нима сабабдан, билсак бўларканми?

- Сабаб кўп... қай бирини айтай? Закоат йиғувчини ўлдиришга уринишдан ҳам каттарок сабаб бўладими?

Шунда Хорис:

- Барибир ҳеч нарсани тушунмадим, - деди ва тўғри Расули акрамнинг ҳузурларига борди.

Масалани тушунтиргандек бўлди. Аммо кўп сўзга ҳожат қолмади. Чунки Расули мукаррам жанобимиз Улуғ Мавлодан ваҳӣй ола бошлаган эдилар. Беш дақиқалар кейин ўқилган оятлар мўминларнинг кўзларида Хорисга нисбатан янада самимий, янада қизгин боқишларнинг порлашига сабаб бўлди. Жанобимиз ваҳӣй котибларига ушбу оятларни ёздирдилар: «Эй мўминлар, агар сизларга бир фосиқ кимса бирон хабар келтирса, сизлар (ҳақиқӣй аҳволни) билмаган ҳолингизда бирон қавмга мусибат етказиб қўйиб, қилган ишларингизга афсус-надомат чекиб қолмасликларингиз учун (у фосиқ кимса олиб келган хабарни) аниқлаб-текшириб кўринглар!»*

Ниҳоят, масала кундек равшан бўлди. Валид очиқчасига фосиқлик қилган эди. Узоқдан одамларни кўрганда тушган васвасага яна ёлғон хабарни тиркади, мусулмонларни бир-бирига қарши гиж-гижлаб қўйди. Агар ваҳӣй йўли билан вазият ойдинлашмаганида бир фожиа юзага келиши эҳтимолли эди.

Бу орада Холид ибн Валид ҳам қайтиб келди, қабилада фақат Ислом дини аҳкоми ҳукмрон эканини, бунга терс ҳолат йўқлигини тушунтирди. Энди Пайғамбар жанобимиз Аббод ибн Баширни закот йиғувчи қилиб жўнатдилар. Одамларнинг молларининг энг яхшиларидан олишдан сақланишини айниқса қаттиқ тайинладилар.

Аббод у ерда бир муддат қоладиган, уларга Куръон ўргатиб, қайтишда закот молларини ҳам ола келадиган бўлди.

ОЙИША ОНАМИЗНИНГ (Р.АНҲО) МЕҲМОНИ

Икки жаҳоннинг азизи Жанобимиз бир куни Ойишанинг хужрасига кирдилар. Ёнида бир хотин ўтирарди. Набиййи муҳтарам (с.а.в.) кирганларини кўрган хотин туришга чоғланди.

- Бу хотин ким? - деб сўрадилар.

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари, бу хотин Хавла бинти Тувайт бўлади. Мадиналик хотинлар ичида бу хотинчалик ибодатга берилгани йўқ. Кечалари уйку нималигини билмайди...

Жаноби Пайғамбаримиз Ойишанинг сўзини кесдилар:

- Етар! Кучларинг етадиганини қилишга эътибор беринглар. Қасам ичаман, сизлар ибодатдан чарчашларинг мумкин, аммо Оллоҳ унинг мукофотини беришдан чарчамайди. Оллоҳ даргоҳида амалларнинг энг қадрлиси ва севимлиси, оз бўлса-да, давомли бўлганидир, - деб марҳамат қилдилар.

Хавла у ердан хайрлашиб чиқди. Бу динни энг яхши биладиган, ҳаётига энг яхши татбиқ этадиган буюк Пайғамбардан олиши мумкин бўлган энг гўзал дарсни олгандек бўлди.

Ойиша онамиз Расулуллоҳни энг яқиндан биладиган хотинлари эди. Жанобимиз ортиқча

ибодатга берилишни хушламасликларини, ўртача бир одам кийналмай давом эта оладиган даражада ибодат ҳаётини яшаганларини билар эди. Бу борада ҳеч ким ҳазрати Ойишачалик билимга эга эмасди. Шундай экан, нега унда ҳалиги хотиннинг бу хусусиятини билатуриб, ўзига тушунтирмади?

Бунинг жавоби Расулуллоҳ жанобимиз шахсан гувоҳ бўлган бир неча воқеадан чиқиши мумкин. Бир пайтлар айни дарднинг мубталоси бўлган Усмон ибн Мазъун неча марталаб Расулуллоҳдан танбех эшитган. Дунёда яшаётганини ҳам унутар даражада ибодатга берилиб кетган Абдуллоҳ ибн Амр кўп ибодат қилиш изини ундириш учун қанча талашиб-тортишди. Яна бир пайтлар уйларига келиб Расули акрамнинг ибодат тарзларини ўрганган уч киши Жанобимизнинг ибодатларини кам билиб, ўзларига оғир ибодат усулини татбиқ этажакларини айтишгани ҳам хотирда.

Шунинг учун агар Ойиша онамиз бу хотинга ўзи танбех берса, бир қулоғидан кириб иккинчи қулоғидан чиқиб кетиши мумкин эди. Бу ҳолатни мисоллари билан жуда яхши билгани боис ҳам ўзи бир нарса демаган, фурсат топиб Пайғамбар жанобимизнинг муборак оғизларидан унга бу ҳақиқатни етказиш имконини ҳозирлаган эди.

Юксак закоси ила Муҳаммад (с.а.в.) умматига ҳақиқатда «Мўминларнинг онаси» эканини исботлаган кадрли онамиздан - Жанобимизнинг бу қийматли қондани сўйлашларига сабабчи бўлган бу аёлдан Оллоҳ рози бўлсин.

УММУ РУМОН

Ҳижратнинг тўққизинчи йили ҳазрати Абу Бакрни (р.а.) чуқур қайғуга ботирди: неча йиллар бир ёстиққа бош қўйиб яшаган хотини Умму Румон Ҳақнинг раҳматига қовушди.

Умму Румон ҳазрати Ойишанинг онаси эди. Расулуллоҳга пайғамбарлик келган илк кунлариёқ имон келтириш бахтига эришган қийматли аёллардан бири. Исломга ва мусулмонларга қарши юритилган чиркин ҳаракатларнинг аччиғини елкаларида ташиган ҳазрати Абу Бакрга уйда дастак ва суянчиқ бўлиш вазифаси Умму Румонга тушган эди.

Пайғамбарлар имоми энг яхши кўрган, кадрлаган хотинларининг онаси бўлиш шунчаки бир ҳолат эмасди. Бунинг ортида метиндай мустаҳкам имон ва Пайғамбар жанобимизга нисбатан чексиз севги унинг руҳини чулғаб олган эди. Орада куёвлик-қайноналик каби муҳим бир боғ бор эди. Шунинг учун Умму Румон то ўлгунича Пайғамбар билан никоҳланиши тақиқланган хотинлардан бири эди. Шунинг учун Жанобимиз бор жойларга бемалол кириб-чиқаверар, суҳбатлашиш имконини ҳам топар эди.

Расули акрам (с.а.в) қимматли қайноналарининг вафоти муносабати билан то Бақий қабристонигача бордилар. Қабрга қўйилмасидан олдин ичига тушдилар ва бир муддат дуо қилиб турдилар. Умму Румон учун қабр энг камида ҳузур ва суқун уйи эди. Жанобимиз бу ҳаракатлари билан унга бўлган севги ва боғлиқликларини кўрсатдилар, дунёда ундан кўрган хизмат ва яхшиликлар муқофотини шу тариқа бошлаб берган бўлдилар. Жаноби Мавло карим зот, суюкли пайғамбарига йиллар давомида энг холис ниятлар билан хизмат қилган бу оиланинг Умму Румоннини албатта мамнун этажак, лойиқ бўлганидан ҳам ортиқ икромлар кўрсатажак.

Бир замонлар пайғамбарлар сарвари (с.а.в.) айни шундай эътиборни ҳазрати Алининг (р.а.) онаси Фотимаи Асадийага ҳам кўрсатган, ота-онадан ёш ажралганларида етимлик азобини чектирмаслик учун жонини фидо этгудек хизмат қилган бу аёлга охират азобини кўрсатмаслигини сўраб Оллоҳга дуолар қилган эдилар.

Ойиша онасиз қолган бўлса, ҳазрати Абу Бакр хотинсиз тул қолди. Энди Умму Румоннинг ўрнини Жаъфар ибн Абу Толибнинг тул қолган хотини Асмо бинти Умайс тўлдиражак.

ҚАБРИСТОН ЗИЁРАТИ

Бир куни Пайғамбаримиз (с.а.в.) саҳобалари билан бирга Бакиъ кабристонига кирдилар.

- Эй мўминларнинг юрти, эй бу юртда сокинлик топган зотлар, сизларга салом бўлсин... Иншаоллоҳ, биз ҳам сизларга ковушажакмиз, - дедилар.

Бу сўзларни Жанобимиздан асҳоби киром олдин ҳам эшитишган, зиёрат учун кабристонга боришса, шундай салом беришга одатланишган эди. Жанобимиз (с.а.в.) ҳамроҳларига ўғирдилар:

- Дўстларимни кўришни жуда орзу киламан, - дедилар.

Бу орзу ҳали кўрилмаган, лекин ғойибона соғинилган севгилиларга оид бўлиши керак.

- Биз сизнинг дўстларингиз эмасмизми, эй Оллоҳнинг расули?

Бу саволни бир киши сўради ё бир неча киши бирваракай сўради?.. Шубҳасиз бўлган жиҳат - кўплар шу саволни сўрашни истаган эди.

- Сизлар менинг биродарларим (асҳобим)сизлар, дўстларим эса, ҳали дунёга келишмаган.

Юз йиллар кейин дунёга келадиган ва Пайғамбари билан бир даврда яшамаганидан кўнгли чўкадиган ва у зотга хизмат қилмаганининг изтиробини юракларида ҳис этадиганларга энг буюк мужда (хушxabар) бор бу ерда! Демак, Оллоҳнинг суюклиси Жанобимиз фақат ўзлари билан бирга яшаган, ҳузурларида бўлган одамларгина файз ва барака оладиган, у даврга етишмаганлар бебаҳра қоладиган раҳматнинг тимсоли эмасдилар. Яна асрлар бўйи давом этадиган инсоният, агар орзу этса, бу йўлда бебаҳо насибалар олажак, У зотга дўст бўлиш саодатига етишганлар ҳам топилажак.

- Эй Оллоҳнинг расули, сиз умматингиздан ҳали дунёга келмаган одамни қандай танийсиз? - деб сўрашди.

Ўринли савол эди бу. Жанобимиз бу саволга бир ўхшатиш билан жавоб қилдилар:

- Бир одамнинг чиройли оти бўлса... пешонаси ола, оёқлари оқ... эгаси отини бўзранг, оддий отлар орасида кўрса, ўша захоти танимайдими?

- Ҳа, эй Оллоҳнинг пайғамбари, танийди.

- Улар ҳам қиёмат куни таҳорат олинган аъзолари ярқираган ҳолда келишади. Мен Ҳовузга уларнинг йўлбошловчиси сифатида бораман, - дедилар. Сўнгра сўзларини бундай давом эттирдилар: - Баъзи кишилар менинг ҳовузимдан қувлаб юборилган шошқалоқ туялар каби орқаларига қочишади. Мен уларга: «Келинглр!.. Бу ёққа келинглр!.. - деб овоз бераман. - Эй Эгам, булар менинг умматим...» деб илтижо қиламан. Жавобига бир фаришта: «Уларнинг нима ишлар қилишганини биласизми? Улар сиздан кейин ҳолларини ўзгартиришди ва ҳаммалари шу одатларида қолишди!» дейди. Шунда мен: «Узоқ бўлсинлар, узоқ бўлсинлар», дейман.

Ҳеч шубҳасиз Оллоҳнинг ваҳийига таянадиган бу хабар ўша ерда турганларни анча-мунча саросимага солиб қўйди. Бунақа ҳолга тушиш, Кавсар ҳовузи ёнидан қувилиш учун имон келтиришдими улар? Бунақада эртага нима бўлади? Пайғамбаримиздан кейинга қолганларни қанақа қора кунлар кутяпти?

Жанобимизнинг ҳовузга доир берган хабарлари зеҳнларда ғимирлаб қолди. Ҳовузнинг узунлиги ҳақида гап кетганида баъзан Каъба билан Байти Макдис орасича эканини айтган бўлсалар, баъзан Мадина билан Санъо орасича деб тушунтирдилар. Сутдан оқ, асалдан тотли, ичганлар ҳеч қачон сувсамасликларини, айни чокда, кўкдаги юлдузлар сонича ранго-ранг идишчалари борлигини сўзлаб бердилар.

Бир гал бундай марҳамат қилдилар:

- Қиёмат куни маҳшар майдонига бир пайғамбар келади, ёнида унга имон келтирган икки кишигина бўлади. Бошқа пайғамбар келади, ёнида уч киши бўлади. Бундан кўп, бундан оз уммати билан келганлар бўлади. У пайғамбардан: «Сен қавминга пайғамбарлигингни етказдингми?» деб сўралади. «Ҳа, етказдим», дейди. Сўнгра қавми чақирилади ва улардан: «Бу пайғамбар сизларга динни етказдимми?» деб сўралади. «Йўқ», дейишади. Пайғамбардан иккинчи

марта: «Сенга гувоҳлик берадиган одам борми?» дея сўралади. «Пайғамбар Муҳаммад ва унинг уммати гувоҳлик беради», деб жавоб қилади. Менинг умматим гувоҳликка чакирилади. «Бу пайғамбар умматига динини етказганми?» деб сўралишади. «Ҳа», деб жавоб қилишади. Сўровчи бу гал: «Сизлар буни каердан биласизлар? Ахир, унинг даврида яшамаган бўлсаларинг?» дейди. «Буни бизга Пайғамбаримиз билдирганлар, у кишини тасдиқлаган одамлармиз биз», дейишади.

Жаноби Расулulloҳ (с.а.в) сўзларини бундай яқунладилар:

- Бу нарса Оллоҳнинг: «Шунингдек (яъни, тўғри йўлга ҳидоят қилганимиз каби), сизларни бошқа одамлар устида гувоҳ бўлишингиз ва Пайғамбар сизларнинг устингизда гувоҳ бўлиши учун ўрта (адолатли) бир миллат қилдик» оятига таянади.*

Пайғамбар жанобимизнинг дўзахдан энг охирида чиккан одам ҳақидаги ҳикояларини ҳам эсламасдан сира илож йўк:

«Одам йикилиб-туриб юради. Баъзан дўзах оловлари унинг юзига урилади, ёндиради-ковуради. Ниҳоят, сал муддатга узоклашади. Кейин қайтиб дўзахга қарайди:

- Мени сендан кутқарган Оллоҳнинг шаъни жуда улуғдир. Оллоҳ менга дунёга келиб-кетган одамларнинг ҳеч бирига бермаган неъматни берганига асло шубҳа йўқ,- дейди. Бу орада унга бир дарахт кўрсатилади. Шунда одам Жаноби Мавлога илтижо қилади: - Эй Эгам, мени шу дарахтга яқинлаштир, тагида салқинланаман, сувидан ичаман.

- Эй Одам ўғли, айтганингни қилсам, мендан бошқа нарсалар ҳам сўрай бошлайсан.

- Йўқ, эй Эгам, истамайман.

- Сўз берасанми?

- Ҳа, сўз бераман, асло бошқа нарса истамайман.

Жаноби Мавло уни ўша дарахтзорга яқинлаштиради. Одам ўзини сояга уради, дарахтзордаги сувдан ичади. Шу билар роҳатга эришади. Бу орада унга бунисидан анча чиройли боғ кўрсатилади. Одам ўзини тута олмайди:

- Эй Оллоҳим, мени унга яқинлаштир, сувидан ичайин, соясидан фойдаланайин, энди бошқа нарса истамайман,- дейди.

Оллоҳтаоло:

- Эй Одам ўғли, ҳеч нарса истамайман, деб сўз бермадингми? Энди сени бу боғга яқинлаштирсам, яна бошқасини хоҳлаб қолишинг мумкин, - дейди.

- Йўқ, эй Эгам, сўз бераман, ортиқ бир истагим бўлмайди.

Жаноби Ҳақ уни маъзур кўради. Чунки бу неъматлар сабр қилинмас неъматлар эканини у билади. Одамни унга яқинлаштиради. Одам ниятига эришганлик ҳисси берган қувонч билан боғга қиради. Сувидан қониб-қониб ичади. Энди унга жаннат эшигига яқин ердаги бир боғ кўрсатилади. Буниси олдинги иккисидан ҳам жуда чиройли бўлади. Одам чидаб туролмайди:

- Оллоҳим, мени шу боғга олиб бор. Соясидан фойдаланай, сувидан ичай. Сендан яна бошқа ҳеч нарса талаб қилмайман, - дейди.

- Эй Одам ўғли, бундан олдин ҳам Менга, бошқа ҳеч бир нарса талаб қилмайман, деб сўз бермагандингми? - дейилади.

- Ҳа, эй Эгам, сўз бердим, аммо яна сўз бераман, бошқа бир нарса сўрамайман.

Жаноби Мавло уни яна маъзур кўради, ўша боғга олиб боради. Энди одам жаннатдагиларнинг овозларини, гап-сўзларини эшитади.

- Эй Эгам, мени жаннатингга кирит, - дейди.

- Эй Одам ўғли, сенинг хоҳишларингнинг ҳеч чеки йўқ-а! Қани, кир жаннатга...

Одам жаннатга қиради, лекин у ерни тўлиб тошган ҳолда кўради. Оёқ босгани жой йўқ. Қайтади ва:

- Оллоҳим, жаннат жуда тўла экан, - дейди.

- Бор, (яна) жаннатга кир.

Боради ва киради. Оёк кўйгани бўш жой йўк даражада тўла кўради. Яна қайтади.

- Оллоҳим, жаннат жуда тикин экан. Игна ташласанг, ерга тушадиган эмас.

- Қани, бор ва (яна) жаннатга кир. Дунёчалик ер ҳамда дунёнинг ўн мислича ер сенга, - дейилади.

Одам бу хабарни эшитиб ҳайрон қолади:

- Оллоҳим, сен Подшоҳсан, оламларнинг тарбияқунандасисан, мен билан ҳазиллашяпсанми? - дейишдан ўзини тия олмайди...»

Пайғамбар жанобимиз ҳикоянинг шу ерига келганда озик тишлари кўринар даражада кулдилар.

- Эй Оллоҳнинг расули, нимага куляпсиз? - деб сўрашди.

- Оллоҳ таолонинг бу одамга кулиши сабаби билан куляпман, - деб жавоб қилдилар. Сўнгра сўзларини бундай давом эттирдилар: - Жаннат аҳлининг энг паст даражадагиси мана шу одамдир*.

НАЖРОНЛИКЛАР

Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) бир хат ёздириб, Нажрон халкига юбордилар. Нажрон амири Ускуф у шарафли хатни очиб ўқиди:

«Иброҳим, Исҳоқ ва Йаъқуб Парвардигорининг оти ила. Оллоҳнинг расули Муҳаммаддан Нажрон амири Ускуфга:

Саломат бўлинглар. Мен бу хатни ёзишим баҳонасида Иброҳим, Исҳоқ ва Йаъқубнинг Парвардигорига ҳамд этаман.

Сизларни кулларнинг қуллигидан Оллоҳнинг қуллигига чакираман. Қулларнинг идорасидан Оллоҳнинг идорасига чакираман. Агар қабул этмасаларинг, жизъя беришларинг лозим. Бундан ҳам қочсаларинг, сизларга қарши жанг очганимни билинглар. Вассалом...»

Ускуфнинг ичига бир кўркув оралади. Вақт ўтказмасдан, ишонган маслаҳатчиси Шурахбилни чорлади. Хатни ўқиди, фикрини сўради. Шурахбил:

- Мен бу масалани ҳал эта олмайман, - дейиш билан кифояланди.

Энди маслаҳатга руҳонийлар чорланди. Масала кенг ва атрофлича муҳокама этилди. Натижада кўпчиликдан иборат бир ҳайъатни Мадинага юборишга қарор берилди. Олтмиш кишилик қарвон ҳозирланди. Ичларида уч кишининг - Ақиб, Саййид ва Абу Хориснинг овозлари ҳал қилувчи бўлиб, бутун ҳайъат уларнинг қарорига кўра бир иш қиларди.

Мадинага кириб борганларида аср намози яқинлашган эди. Йўл кийимларини ечиб, тозаларига алмаштиришди ва масжидга киришди. Шарқ тарафга ўгирилиб, ибодат қила бошлашди.

Расулуллоҳ афандимиз мўминларга қараб:

- Уларга эътибор қилманглар, - дедилар.

Мусофирлар ўз билганларича ибодатларини адо этишди.

Нажрон ҳайъати жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) билан узундан-узоқ мунозара ва баҳс қилди. Мавзу Оллоҳнинг бирлиги ва ҳазрати Исонинг илоҳ бўлгани ё бўлмагани устида эди. Мана, уларнинг далиллари:

- Ҳазрати Исо туғма кўрларнинг кўзини очарди...

- Лойга шакл бериб, қуш ясар, унга уфурса, қуш бўлиб учиб кетарди...

- Ўлиқларни тирилтирарди. Хасталар унинг кўлидан шифо топишарди... Булар бари унинг илоҳ эканига далолат қилмаса, нима иш қилади?..

- Ҳазрати Исо отасиз дунёга келган. Бу ҳол ҳам унинг отаси Улуғ Оллоҳ эканига далолат этади...

Нажронликлар даъволарини шу тарз ўртага қўйишди. Расулуллоҳ (с.а.в.) уларга берган

саволлар ичида мана бу муборак сўзлар ҳам бор эди:

- Парвардигоримиз Исога онаси қорнидалигида хоҳлаганидай сурат ва шакл берган, сизлар шуни биласизларми?

-Ҳа, биламиз.

- Парвардигоримиз овқатланмаслигини, ичмаслигини, ҳожат чиқармаслигини биласизларми?

-Ҳа, биламиз.

- Ҳар қандай аёл боласини қорнида қандай кўтариб юрса, Исони ҳам онаси шундай кўтариб юрганини, бир хотин боласини қандай туғса, шундай туққанини, болалар қандай эмиздирилса, шундай эмиздирилганини ва овқатлантирилганини, кейин Исонинг ҳам ўзи овқат егани, сув ичгани, ҳожат чиқарганини сизлар биласизларми?

-Ҳа, биламиз.

- Бу аҳволда Исо қандай қилиб илоҳ-раб бўлар экан?

Ўзаро савол-жавоблар узайиб кетди. Расулulloҳ жанобимизнинг қаноатлантирувчи тушунтиришлари олдида ҳайъат аъзолари бир нарса дея олишмас, лекин зеҳнларини чулғаган, юракларини тўлдирган инончдан ҳам осонгина воз кеча олишмас эди. Ҳар ёққа

осилиб кўришди, бўлмади. Ниҳоят далил келтиришдан ва тўғриси қабул қилишдан кўра кўпроқ қайсарликка ўтиб олишди: «Янглиш бўлса ҳам, бизнинг айтаётганларимиз тўғри!» дегандек туриб олишди. Шу пайт Пайғамбар жанобимиз ваҳий ҳолатига туша бошладилар. Атрофдаги мусулмонлар имо-ишора билан нажронликларни жим қилишди.

Бир оз ўтиб пайғамбарлар султони (с.а.в.) Оли Имрон сурасидан индирилган бир неча оятни уларга ўқиб бердилар.

«Оллоҳ, фаришталар ва илм эгалари ҳам ёлғиз Оллоҳдан ўзга ҳеч қандай тангри йўқ, фақат Оллоҳ ўзи борлигига гувоҳлик бердилар. У адолат билан тургувчи (ҳукм қилгувчи)дир. Ҳеч қандай тангри йўқ, фақат Оллоҳ бор. У қудратли ва ҳикматли зотдир. Албатта, Оллоҳ наздидаги (мақбул бўладиган) дин Ислом динидир. Аҳли китоблар (яхудий ва насронийлар) уларга (Ислом ҳақида, Муҳаммад тўғрисида) аниқ билим-ҳужжат келганидан кейин ўзаро ҳасад-адоват қилганлари сабаблигина талашиб-тортишишди. Ким Оллоҳнинг оятларига кофир бўлса, бас, Оллоҳ тез ҳисоб-китоб қилгувчи зотдир. (Эй Муҳаммад,) агар сиз билан (дин ҳақида) тортишишса: «Мен ва менга эргашганлар ўзимизни Оллоҳга топширдик (бўйин сундирдик)», деб айтинг! Сўнг аҳли китоблар ва (китоб берилмаган) саводсиз (мушрик)лардан: «Исломга кирдингизми?» деб сўранг. Агар Исломга киришса, демак, тўғри йўлни топишибди. Энди агар юз ўгиришса, у ҳолда сизнинг зиммангиздаги нарса фақатгина етказишдир. Оллоҳ бандаларни кўриб тургувчи зотдир»*.

Кейинги оятларда Имроннинг хотини билан ҳазрати Исонинг катта бувисининг Оллоҳга қилган дуолари, Марямнинг туғилиши ва вояга етиши баён қилинди. Марямга қорнидаги ҳазрати Исо ҳақида белги берилгани тушунтирилди. Ҳазрати Исонинг ҳаёти тўғрисида маълумот берилди. Унинг отасиз дунёга келиши мавзуида қийин аҳволга тушиб қолган насронийларга қарата бундай хитоб қилинди:

«Албатта, Исонинг (отасиз туғилишининг) мисоли Оллоҳ наздида худди Одамнинг (а.с.) мисоли кабирки, уни тупроқдан яратиб, сўнгра «Бўл!» деди. Бас, (у жонли одам) бўлди. (Эй Муҳаммад, бу) Парвардигорингиздан бўлган ҳақ «сўз»дир. Бас, шубҳа қилгувчилардан бўлманг! Энди сизга келган (мана шу ҳақ) маълумотдан кейин (насронийлардан) ким сиз билан талашиб-тортишмоқчи бўлса, (ундай кимсаларга) айтинг: «Келинлар, ўғилларимизни ва ўғилларингизни, аёлларимиз ва аёлларингизни, ўзларимизни ва ўзларингизни чорлаб-йиғайлик, сўнгра Оллоҳга тазарру билан илтижо қилайлик-да, ёлғончиларни Оллоҳ лаънатлашини сўрайлик». Албатта, бу ҳақ-рост қиссадир. (Яъни, Исо ҳеч қандай худо эмас, балки Оллоҳнинг бошқа ҳамма пайғамбарлари каби оддий одам зотидандир.) Ва ҳеч қандай тангри йўқ, фақат

Оллоҳ бор. Ва, албатта, Оллоҳнинг ўзигина қудрат ва ҳикмат эгасидир. Энди ҳам (ҳақиқатдан) юз ўғирсалар, бас, албатта, Оллоҳ бузғунчиларни (яхши) билгувчидир»*.

Нажронликлар жоҳил кишилар эмасди, сўзнинг тўғриси янглишидан айира оладиган қобилиятлари бор эди. Ёпишиб олган фикрлари ўтмаслиги очик-ойдин кўрсатилди, ўзлари ҳам буни англаб етишди. Онадан туғилган, ҳамма болалар каби катта қилинган, инсоннинг ҳамма хусусиятини ташиган бир вужуднинг илоҳ бўлмаслигини англайдиган даражада эдилар. Аммо бир қайсарликлари, ичларига ўрнашиб олган ботил инончлари бор эди, бу иккаласини ҳам ёмонлаб-иткитиб юбора олишолмас ва натижа ўларок қусурни Пайғамбар жанобимиздан ахтаришар эди.

Бир қарорга келишди: бу кеча мук тушиб ўйлашади, Пайғамбаримиз билан охирги марта кўришишади, юзма-юз ўтиришади ва ҳақиқатни кўра-билатуриб инкор этганнинг тепасидан лаънат ёғдиришини сўраб Оллоҳга дуо қилишади. Шу қарор билан бугунги баҳс тўхтатилди ва ҳайъат Пайғамбаримиз ҳузурларидан чиқди.

Нажронликлар яхшигина хавотирга тушиб қолишди. Чунки оқибатлари фалокат бўлишини ҳис қилишар, ўт билан ўйнашаётганларининг фарқига боришган эди. Билатуриб фалокатга отилишга рози бўладиган сиёқлари йўқ.

Аммо бошдан динларини ва даъволарини қаттиқ туриб ҳимоя қилишган, ўзларини худди ҳақнинг ва ҳақиқатнинг ҳимоячиси каби тутишган эди. Бу даража жиддият билан ёпишиб олган даъволаридан бирданига қайтиш ҳам осон эмас.

Ҳаммаси жим, ҳаммаларининг боши қотган. Аммо жим турган билан ҳам масала ҳал бўлиб қолмайди.

- Эртага нима қиламиз? - деб сўради ниҳоят бирови.

Ҳеч ким журъат қилиб: «Қаҳрамонларча ўртага тушамиз ва даъвомизни ҳимоя қиламиз! Оллоҳ биз биландир, зафар ҳам бизга насиб бўлажак!» дея олмади. Бўлиб ўтган мунозаралар уларни кўркувга солган, ҳеч қутилмаган саволлар қаршисида эзилиб қолишган эди.

Ҳолбуки, бу саволлар адаштирувчи саволлар эмасди. ўоят очик эди. Нажрон ҳайъати ҳам, бошқа одам ҳам ҳар ерда, ҳар вақт қабул этадиган ҳақиқатларга таянарди. Ниҳоят оғизлар очилди:

- Сен қандай хулосага келдинг, эй Абдулмасих? - деб сўрашди бировидан.

- Валлоҳи, мен айтадиган нарса унга келган хабарларнинг кескин ва ишонарли эканидир. Бир пайғамбар билан лаънатлашишга чиққанларга жуда ёмон бўлишини сизлар ҳам биласизлар. Агар томирларимизнинг қуритилишини хоҳласак, бундай бир можарога киришайлик. Бошимизга бало ёғилишини истамасак, у билан лаънатлашма йўлини қўяйлик. Мунозара йўлини тутишни тавсия қиламан - менинг қарашларим шундай.

Абдулмасихнинг бу сўзлари Нажрон ҳайъати орасида ижобий қаршиланди.

Ҳазрати Умар (р.а.) келди.

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари, эртага бўладиган лаънатлашмага кимларнинг қўлидан тутиб қатнашасиз? - деб сўради.

Жанобимиз жавобқилдилар:

- Алининг, Фотиманинг, Ҳасаннинг, Ҳусайннинг, Ойишанинг, Хафсанинг...

Жавоб ҳазрати Умарни мамнун қилди. Ислом тарихида иккинчи бир ўрнаги бўлмайдиган бу тарихий ҳодисада ўзининг оиласидан ҳам бир аъзонинг иштирок этаётгани ҳазилакам гап эмасди! Унинг устига, буларни Расулulloҳнинг (с.а.в.) ўзлари танлаганлар! Ҳазрати Умар ҳозирданок Нажрон ҳайъатининг бошига балолар ёғилганини кўриб тургандай эди.

Бомдод намозидан кейин тарихий лаънатлашмада ҳозир бўлиш учун Пайғамбар (с.а.в.) хонадонлари масжидга чиқди. Хотинларидан иккиталари бирга эди. Невараларини қўлларидан тутиб олганлар. Ортларида Фотима (р.анҳо) билан Ҳазрати Али (р.а.). Ҳамма қаттиқ ҳаяжон ичида. Бир оздан кейин Нажрон ҳайъати ҳам келажак ва Улуғ Мавло ўзи белгилаган шартлар

асосидаги буюк лаънатлашма ижро этилажак.

Расулulloх (с.а.в.) оила аъзолари билан ҳозир бўлишгани ҳақидаги хабар нажронликларга етказилди. Улар ҳам келишди. Аммо кечаги мағрурлик ва кескинликлардан нишона ҳам йўқ, боқишлари сўлгин. Кечаги кайсарлик ва билағонлик ҳолати кетган, тарвузи қўлтиғидан тушган одамларга ўхшашар эди. Ҳайъат номидан биттаси сўз бошлади:

- Эй Муҳаммад, биз лаънатлашишдан воз кечамиз. Динингга кирмаймиз, аммо сенга жизъя бериб туришга розимиз. Ишончли бир одамингни кўшиб бер, бирон масалани тушуна олмасак, бизга ёрдамчи бўлади.

Бу гаплар кўнгиллардаги тарангликни бир онда бўшатди. Ҳаяжондан гўё тўхтаган нафаслар яна олина бошлади.

- Сизлар билан бирга ҳақиқий маънода ишончли бир одамни жўнатаман, - дедилар Расулulloх (с.а.в.).

Бу жавоб масжиддаги ҳаяжонни бошқа ўзанга солиб юборди, ким экан бу толели инсон?..

Ҳар юракда бир арслон бор эди. «Бу вазифага қанийди мен танлансам!» демаган одам қолмади.

Ҳазрати Умар (р.а.) ўша куни то пешин намозигача юрагини чулғаган ҳаяжон тўлкинларида сузиб юрди.

Мусулмон бўлганидан бери икки мартагина шунақа танловда толеъ ўзига кулиб боқишини роса истаган эди. Бир мартаси Хайбарда - «Эртага байрокни шундай бир кишига бераман, у Аллоҳни ва Расулини севади, Оллоҳ ва Расули ҳам уни севади...» деб марҳамат қилинган пайтда, иккинчи марта эса, ҳозир...

Бундан кейин ҳазрати Умар (р.а.) ҳеч бир вазифага ўзи талабгор бўлиб чикмаяжак, вазифа топширилса, мукамал бажаражак, берилмаса, ортикча қайғурмаяжак.

Пешин намози ўқилди, нигоҳлар пайғамбарлар султониға кадалди. Муборак лаблари орасидан чиқажак исм саодат тожини қиядиган шахсни тайин этажак эди.

Ҳазрати Умар ўнг томонда турар, бир қарагандаёқ кўзга ташланадиган даражада узун бўйли эканиға қарамай, «Мен бу ердаман, эй Оллоҳнинг пайғамбари!» деяётган қаби олдга юлкинар эди.

Ниҳоят, у исм айтилди:

- Ўрнингдан тур, эй Абу Убайда! - дейилди.

Абу Убайда турди. Комил одоб билан амр қутди. Одам болалари ичида энг азизи бўлган Зот (с.а.в.) жонлар фидо этилса арзийдиган юксак мақом эгасини пайғамбарликка лойик бир ифода ила эълон этдилар:

- Мана, Муҳаммад умматининг ишончлиси будир. Ҳар бир умматнинг ишонса бўладиган одами бўлади, Ислом умматининг ишончлиси Абу Убайдадир, - дедилар.

Инсоният билган энг одил, энг қучли сайлов бу эди. Ҳеч қандай босқисиз, эвазига ҳеч қандай манфаат олинмаган ва кўзланмаган, факат Оллоҳ ҳузуридаги қийматига боқиб ва Оллоҳнинг тасдиқига уйғун бир сайлов... Ҳар ким кўз тиккан, аммо ҳеч ким эътироз қилмаган ва қилолмайдиган баҳо... Муҳаммад умматининг Муҳаммад Расулulloх танлаган ишончли кишиси... Ишончли Муҳаммад (с.а.в.) бу дафъа Муҳаммад умматининг ишончли кишисини тайин этган эдилар.

- Улар билан бирга бор, тушунмаган нарсалари бўлса, ўрталарида ҳақ билан, адолат билан ҳукм қил, - дедилар.

Абу Убайда руҳи жисмидан отилиб чиққудек хурсанд эди. Тушми, деса туш эмас. Чексиз ҳамд ва шукрларини кўзёшларига ўраб Мавлосига тақдим эта бошлади.

Қисқа муддат тайёргарликдан сўнг ҳар кимнинг орзуидаги мавке ва мақомға лойик қўрилган, аммо қибрланиш ва ғурурланишни билмайдиган, Оллоҳнинг қули бўлишдан бошқа шараф истамайдиган Абу Убайда (Оллоҳ ундан рози бўлсин) у ёқдан келган ҳайъат билан

биргаликда Нажрон сари йўл олди.

Сафар давом этарди. Карвондагилардан Абу Алкаманинг туяси кокиниб кетди:

- Хей, бошингга бало ёғилгур!.. - дея гўлдиради у.

Арабларда ўзлари ё уловлари кокиниб кетганида энг ёмон кўрган кишиларини қарғаш одати бор эди. Абу Алқама ҳам айна одатга кўра қарғанди, лекин чала қарғанди, яъни, кимни қарғаётганини айтмади. Шундай бўлса ҳам, у кимни назарда тутганини ҳамроҳлари сезишди. Яқинларидан бири унга танбеҳ берди:

- Валлоҳи, сен Оллоҳ юборган пайғамбарни қарғагандай бўлдинг, - деди.

Алқама довдиради:

- Нима дединг?! У чинданам пайғамбарми ҳали?

-Ҳа-да.

Алқама шартта туясининг бошини бурди. Энди сўраш навбати бунисига ўтди:

- Нима қияпсан, мақсадинг нима?

Алқама бир сония ичида берган қарорини тушунтирди:

- Бордию у пайғамбар экан, у ҳолда мени унинг динига киришдан нима тутиб турибди? Ортиқ унинг ёнига боргунимча ва унинг динига кирмагунимча ҳеч бир ерда тўхтамайман, дам олмайман! - деб жавоб килди Алқама.

Сўнгра ким нима дейишини кутмасдан, ҳеч ким билан хўшлашмасдан сурди туясини ва Оллоҳнинг пайғамбари ҳузурига тезроқ етиш орзуида жўнади Мадина томон. У ҳозир ақлли бир инсонга ярашадиган қарорга келганига ишонар эди.

Карвон ҳамон йўлда. Илгарироқ жаннат муждасига мушарраф бўлган, кейин Оллоҳнинг расулидан «Умматнинг ишончлиси» дея баҳо олган Абу Убайда то бўйнига юкланган вазифани адо этиш муддатича Оллоҳнинг расули билан биргалиги балки янада кучли бир тарзда давом этишига ишонч билан борарди.

Шу тахлит яна бир оз юрилажак, ҳайъатнинг кўзга кўринган намояндаларидан Ақиб билан Саййид ҳам бир қарорга келиб, Ислом дини келтирган бахтли ҳаётни танлаяжак ва Мадина йўлини тутажак.

ТАБУК САФАРИ

Макка фатҳ этилгач, Мадинада бир неча ой тин олинди. Ниҳоят, ҳижратнинг тўққизинчи йили Расулуллоҳ (с.а.в.) румларга қарши сафар қилиш учун лашкар тўплашга буюрдилар.

Иссиқлар анча хуруж қилган, соялар ҳар пайтдагидан кўра кўпроқ хуш кўриладиган, яқин орада хурмолар йиғиштириладиган кунлар эди. Буниси шу дамгача қилинган сафарларга қараганда энг узоқ давом этадиган сафар бўлажак.

Кўпинча, хоссатан Макка фатҳида, қайси тарафга ва кимга қарши кетилаётгани айтилмаган. Аммо бу гал йўналиш очиқча айтилди, ҳозирликлар шунга қараб кўрилиши лозимлиги билдирилди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) биттасига сўз қотдилар:

- Эй Жадд, румларга қарши сафарга... қалайсан?

Жадд пинак бузмади.

- Эй Оллоҳнинг расули, менга изн чиқарсанг-да, фитнага тушиб қолишимдан асрасанг, деган эдим... Бутун қавмим билади, мен хотинларга ўч кишиман. Рум хотинлари олдида ўзимни тута олмай, фитнага тушиб қоламанми деб кўрқяпман, - деди.

- Майли, сенга изн бераман, - дедилар Жанобимиз.

Жадд чуқур бир нафас олди.

Икки йилча илгари Ҳудайбийада Оллоҳнинг расули билан мўминлар орасида дарахт тагида аҳд қилинаётганида туясининг қорни остида паналаб кўзга кўринмасликка ҳаракат қилган,

Оллоҳнинг раҳматидан кочиби кутулиш учун бир тешик ахтариб қолган насабсиз мунофиқмана шу одам эди.

Кўп ўтмасдан ваҳий келиб, Расули кибриё жанобимизнинг нурли калбларига бир оят нақш этилди:

«Уларнинг орасида: «Менга (жангдан қолиш учун) изн бергин, мени фитнага (балоба) кўймагин!» - дейдиган кимсалар ҳам бор. Огоҳ бўлинг: улар (жангдан қолиш билан) фитнанинг ўзига тушдилар. Шак-шубҳасиз, жаҳаннам (бундай) кофирларни ўраб олгувчидир»*.

Мунофиқлар ғимирлаб қолишди. Дуч келган жойда ташвикот юргизиби, бу иссиқда сафарга чикманглар, сўзимизга киринглар, дея одамларни йўлдан оздирмокчи бўлишарди. Сувайлим исмли бир яҳудийнинг уйида улар олиб бораётган ишлардан Расулуллоҳ (с.а.в.) хабар топдилар. Талха ибн Убайдуллоҳга (р.а.) бир неча одам кўшиб, Сувайлимнинг уйини ёкиб юборишга буюрдилар. Талха амрни тез ўрнига келтирди.

Бу орада Пайғамбар жанобимиз ҳозирликларни янада тезлатдилар. Ўзига тўқлар мол билан ёрдам кўрсатишларини, ғазотга от ҳозирлаб, агар бора олмайдиган ҳолатда бўлишса, бир ғозийни улов ва силоҳ билан таъминлашларини тавсия этдилар.

Ҳар ким кучи етган нарсани келтирарди. Ҳазрати Усмон (р.а.) келтирган мол ҳақиқатан кўзни қувонтирарди. Жанг майдонларида куч, қувват ва жасорат билан кўша олмаган ҳиссасини ўзида бор мол билан кўшиш йўлини танлаган Усмон ҳақиқатан жуда ўринли иш қилган эди. Жаноби Пайғамбаримиз у келтирган молларни қориштирарканлар: «Бугундан эътиборан у ишлайдиган қусурлар Усмонга зарар бермайди», дердилар. «Оллоҳим, Усмондан рози бўл, чунки мен ундан розиман», деганлари ҳам ривоятларда келган...

Тўпланган моллар сафар иштирокчиларига тарқатилди. Улови йўқларга улов берилди. Бу орада Ирбод ибн Сарийа, Салим ибн Умайр каби бир гуруҳ фақирлар Пайғамбаримизнинг ҳузурларига келишди. Юракларни эзадиган бир ҳолатда эди улар.

- Эй Оллоҳнинг расули, бизга улов топиб беринг, - дейишди. Аксига олиб, ортиқча от-улов қолмаган эди.

- Валлоҳи, сизларни биронта уловга миндиrolмайман,- деб жавоб қилдилар. Кўзларда ёш билан тарқалишди. Бу кўзёшлар пайғамбарлар султони билан ғазотда

бирга бўла олмаслик алами юракка қилган хуружининг натижалари эди.

Яна бир гуруҳ инсонлар ичларидан битталарини вакил қилиб, Расулуллоҳга (с.а.в.) боришга қарор қилишди. Олдингиларга берилган жавобдан хабарлари йўқ эди буларнинг.

Абу Мусо Ашъарий ҳам қабиласи номидан худди шу масалада Жанобимиз билан учрашди ва у ҳам дўстларига олдингидай жавобни етказишга мажбур бўлади.

Ибн Йамин йиғлаб келаётган икки одамни учратди. Ҳайрон бўлди. Урушганга ўхшашмасди.

- Нимага йиғлаяпсизлар, тинчликми? - деб сўради.

Абу Лайло кўзларини артмаёқ ёнидаги Абдуллоҳ ибн Муғоффалга ишора қилди.

- Иккимиз бирга Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига бордик. Сафарда қатнашмокчи бўлиб, улов сўрадик. Афсус, ҳеч нарса қолмабди, бўш қўл билан қайтпимиз. Энди сафарга биз боролмаймиз.

Гапиряпти-ю, йиғиси тўхтамас эди.

Бир томонда одамларни бу сафарга қатнашишдан қайтариш учун бор куч-ғайратини сарфлаётганлар ҳамда нима қилиб бўлмасин урушга бормаслик учун турли узр-маъзурлар тўқиётганлар, иккинчи томонда сафарга боролмаётгани учун чин дилдан кўзёшлар тўқаётган кўнгил аҳли, фазилатпарвар инсонлар... Улари ҳам, булари ҳам аввалги ва охирилларнинг саййиди жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) турган, яшаётган, минг бир хотиралар билан беэаётган шу муборак шаҳарда яшашади, у зот нафас олаётган ҳаводан нафас олишсади. Худди бир боғ, бу боғда гул ҳам ўсади, тикан ҳам ўсади, битта қуёшдан, бир хил ҳаводан, бир жой тупроғидан озикланишсади, лекин ҳар бири ўзининг оламида, ўзининг табиати ва қобилияти йўналишида

яшайди...

- Қани, оркамдан юринглар-чи, - деди Ибн Йамин. Сўнгра уларни уйига олиб келди. - Ҳозир чиқаман, - деди-да, ичкари кириб кетди. Сал ўтмай бир туяни етаклаб чиқди. Юганини меҳмонларга узатди: - Мана сизларга битта соғин туя... Бу мендан сизларга ҳада бўлсин. Иккалангиз бирга-бирга минаверинглар.

Бу сўзлар кўзлардаги ёшни тиндирмади, лекин маъно-мазмунини ўзгартириб юборди. Шунча туйилган алам ва қадар бир онда севинч ва нашъага айланган, сал илгари ўтли бир манбадан отилиб чиқиб турган кўзёшлари энди кўкларга учгудек севинчли кўнгиллардан келар эди. Олдингиси сиқинти ва қийноқ босқини остидан сизиб оққан бўлса, кейингиси фараҳлик ва ҳузур берган кўнгил роҳатлигидан оқаётган эди.

- Оллоҳ сендан рози бўлсин, эй Ибн Йамин!.. - дея олишди зўрға.

Ҳеч қайси дуо бунчалик аниқ ва бунчалик тез мўлжалга етиб бормаса керак. Борут* пилиги ҳолига келган, яъни, сал нарсадан портлаб кетгудек ҳолга тушган юраклардан тафтланган бу дуоларнинг олдига девор қўядиган, йўлини ўзгартирадиган, мўлжалдан адаштирадиган ҳеч бир куч ва тўсиқ йўқ эди. Шунинг учун улуғ Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Мазлумнинг дуосидан сақланинглар», деб марҳамат қилганлар. Кофир бўлса ҳам, ёниб турган юракдан отилган ўқ тўппа-тўғри Олий Аршга етади, чунки ҳожат у ерга арз этилади.

Икки дўст қўлларига берилган бир миқдор озукани ҳам олиб, бу ердан кетишди.

Улба ибн Зайд ҳам Расулulloҳ жанобимиздан от-улов масаласида рад жавобини олганлардан эди. Лекин у: «Эҳ... мендан лозимини қилдим... Улов берилса, борардим...» деб қўяқолмади. Турган-битгани заҳмат ва машаққатдан иборат бўлган бу сафар ҳеч хаёлидан кетмас, нима қилса ҳам, ҳеч юраги тинчланмас эди. Дарди устига дард қўша-қўша вақт кечга етди. Хуфтон намозидан кейин ҳамма уйкуга чекинганида у ўрнидан турди. Намоз ўкиди. Сўнгра қўлларини кўтарди:

- Оллоҳим! Жиходга ўзинг буюргансан, мўл-мўл мукофотларни ҳам ўзинг ваъда қилгансан. Лекин менга бу сафарга катнашиш имконини бермадинг. Пайғамбарингнинг ҳам менга беришга оти йўқ... Оллоҳим, мен сенинг розилигингни қозониш учун нима қилай?.. Бугунгача молимга ва баданимга зарар берган, шахсимни ранжитган ҳамма мусулмонларга ҳаққим ҳалол бўлсин.

Шундай изҳор этди муножотини. Сўнгра уйкуга ётди.

Расулulloҳ (с.а.в.) бомдод намозини ўқиб берганларидан кейин саҳобаларига ўгирилдилар.

- Бу кеча садақа берган киши қани? - деб мурожаат қилдилар.

Савол жавобсиз қолди. Иккинчи марта сўрадилар. Шунда Улба оёққа қалқди

- Хизматингизга тайёрман, эй Оллоҳнинг расули, мен бу ерданман, - деди.

- Муждалар бўлсин сенга! Жонимни қўлида тутиб турган Оллоҳга қасам, сенинг бу ишинг макбул бир садақа сифатида баҳоланди, - деб марҳамат қилдилар.

Улбанингина эмас, шу тобда масжидда ўтирган ҳамманинг кўзлари яшариб кетгандай бўлди. Нигоҳлари Набиййи акрамга йўналган кўйи кўнгилларида бириккан шукр ва ҳамд туйғуларини Жаноби Мавлога йўллашар эди.

Лашкарнинг ҳозирлиги давом этарди. Бир куни хунук бир киши ниҳоятда кўркам туяни етаклаб келди, тўпланган садақалар орасига ташлаб кетди. Ўша ерда турган бир эзма ўзини тутолмади:

- Туяси ўзидан чиройли, - деб юборди.

Расули акрам (с.а.в.) бу ўхшовсиз гапни жавобсиз қолдирмадилар:

- У одам туядан ҳам, сендан ҳам яхшидир, - деб марҳамат қилдилар.

Бу орада Абу Акил исмли мадиналик бир камбағал бир ҳовуч хурмо кўтариб келиб қолди.

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари, эрталабгача сув ташиб, хизмат ҳақимга икки ҳовуч тўла хурмо олдим. Ярмини уйда қолдирдим, ярмини бу ерга келтирдим, лутфан қабул этинг, -

деди.

Бу ифодалар, бу иш топ-тоза юракдан келаётгани аниқ эди. Топмагани учунгина кўп бера олмаган, ўзи очликдан силласи куриб турса ҳам, яхшилик қилмаса роҳат топмайдиган бир юракдан... Жаноби Мавло бирга ўн қилиб беришини, бирга еттиюз қилиб беришини биладиган, садақанинг кўп ё озлигига кўра эмас, қалблардаги ниятга қараб қиймат берилишини биладиган бир юракдан...

Бир замонлар Ронуна водийида ўқилган илк жума намози Абу Акилнинг эсида. Ўша ерда Расули акрам (с.а.в.): «Яримта хурмо бериб бўлса ҳам, ўзларингизни оловдан қутқаришга ҳаракат қилинглар», деганлари ҳали кулоқларида чинлаб турибди. Бугун келтиргани бир ҳовуч хурмони топиш учун эрталабгача бировга хизмат қилиб сув ташиб чиққан, хурمولари оғирлигича тер тўккан эди. Баъзилар бу бир ҳовуч хурмони кўриб лабини бургандир, шивир-шивир қилгандир, аммо бу хурмоларнинг ўзига яраша қиймати бор. Битта бой одамнинг катта хирмонидан олинган бир ҳовуч хурмо билан бу тенг эмас. Улар ҳам дарахтда битган, лекин шу бир ҳовуч хурмони топиш учун Абу Акил бутун кечасини харжлаган, кучини-қувватини сафарбар қилган, пешонасидан оққан терларни артишга фурсат топмасдан ишлаган, ҳозир бу ерда лабини бураётганлар хуррак отиб ухлаб ётганида у уйқусизлик ва чарчоқ ила тонг оттирган эди. Мана шундай шароитда топилган хурмоларнинг, албатта, ўзгача бир қиймати бўлиши керак.

«Абу Акил ишнинг мазасини қочирди»; «Унинг иккитагина хурмосига Оллоҳ муҳтожмиди?» каби ўйларга борганларга қарама-қарши ўлароқ Набийи акмал жанобимиз ҳар галгидек энг тўғри ўлчовни ўртага қўйдилар:

- Оллоҳ уйингда қолдирганингга ҳам, бу ерга олиб келганингга ҳам барака берсин! - деб дуо қилдилар.

Сўз бу сўз эди. Бу сўзга тўғри келмайдиган ҳар қандай сўзнинг кадри йўқ, бу сўзнинг қийматини қабул қилмаган ҳар кимнинг бурни ерга ишқаланса арзийди. Абу Акил топ-тоза туйғулар-ла қилган ишга бундан гўзал баҳо берилмасди. Чунки бу ўлчовни коинотга низом берган Улуғ Мавло рози бўлган, тақдир қалами «энг буюк Расул» деб баҳо берган Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) ўртага қўйган эдилар.

Иш шу билан битмади. Олий даргоҳдан Жаброили амин воситачилигида индирилган илоҳий Сўз мана бундай ҳикматларни келтирди:

«Улар Оллоҳ уларнинг яширган сирларини ҳам, ўзаро шивир-шивирларини ҳам билишини ва Оллоҳ ғайбни (кўринмас нарсаларни) ҳам аниқ билгувчи эканини билмадиларми?! Мўминлар орасидан ўз хоҳиши билан садақа қилувчи кишиларни ва (инфоқ-эҳсон қилиш учун) кучлари етган нарсаларни топиб келган кишиларни айблаб-масхара қиладиган кимса (мунофиқ)лар борки, уларни Оллоҳ масхара қилур ва улар учун аламли азоб бордир. (Эй Муҳаммад,) сиз у(мунофиқ)лар учун хоҳ кечирим сўранг, хоҳ кечирим сўраманг - агар етмиш марталаб улар учун кечирим сўрасангиз ҳам, Оллоҳ уларни асло кечирмайди. Бунга сабаб уларнинг Оллоҳ ва расулига кофир бўлганларидир. Оллоҳ эса, (бундай) итоатсиз қавмни ҳидоят қилмас. (Жангдан сохта узрлар билан) қолган (қочган мунофиқ)лар Оллоҳнинг расулига хилоф қилиб қолганларидан хурсанд бўлдилар ва молларию жонлари билан Оллоҳ йўлида жиҳод қилишни ёмон кўрдилар ҳамда (бошқаларга ҳам): «Бу иссиқда чикманглар!» дедилар. (Эй Муҳаммад,) айтинг: «Агар улар англай олсалар, жаҳаннам олови янада иссиқроқдир». Бас, ўзларининг қилмишлари (яъни, куфрни танлаганлари) жазосига улар (бу дунёда) озгина кулсинлар ва (охиратда) кўп йиғласинлар!»*

Бу оятларда мунофиқларнинг ишлари қолмаслиги, битта-битта исботланиши ва ҳисоб куни албатта келиши баён қилинмоқда. Бу оятлар мўминларга қувват берди, юракларига севинч келтирди, аммо мунофиқларнинг қалбларига яхши маънода ҳеч бир таъсир этмади. Улар ҳамон билган созларини чалишар, билган ашулаларини куйлашар эди. Кириб қолган кўчалари боши

берк эканини, ўзлари ўтирган шохни кесишаётганини тушунишмас эди.

Расулulloҳ (с.а.в.) жанобимиз йўқлаётганларини эшитиб, дастлаб Абу Мусонинг юрагига кўркув оралади. Ўзи кийналиб турган бир пайтда бориб Расулulloҳни безовта қилиб қўйишдан андишаланди. Аммо бормасликнинг, хузурларида турмасликнинг сира иложи йўқ эди. Борди. Табассум билан кутиб олиндию юраги сув сепилгандай тинчланди. Жанобимиз (с.а.в.) ёнларида турган олтига туяга ишора қилиб:

- Ол буларни, шерикларингга олиб бор, Оллоҳ ва расули буларни сизларга уловликка бериб юборди, дегин,- дедилар.

Орадан ҳеч қанча ўтмай Абу Мусо шерикларининг олдида эди. Ҳаммалари хурсанд, бошлари осмонда. Лекин бирдан кўнгилларида бир хижиллик пайдо бўлдию ҳаммалари Жанобимизнингхузурларига келишди.

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари, сиз бизга улов бера олмаслигингизни айтиб қасам ичган эдингиз, ҳолбуки, энди беряпсиз. Биз сизнинг қасамни бузишингизга сабабчи бўлиб қолаётганимиздан ичимиз қоронғу, - дейишди.

Пайғамбарлар азизи (с.а.в.) ҳолни тушунтирдилар:

- Мен агар қасам ичсам, ундан яхшисини кўрган захотим у ишни қиламан ва қасамимнинг каффоратини ўтайман.

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари, рухсат берсанг, бу сафарда иштирок этмайман.

- Хоҳишинг.

- Мен ҳам рухсат сўрайман, эй Оллоҳнинг расули.

- Сенга ҳам рухсат.

ўзотда қатнашмасликка изн олган одамларнинг юзларидаги маъноли жилмайишлар, кўзларида пайдо бўлган хурсандлик жилвалари яхшиликдан далолат эмасди. Буларнинг кўпи ҳар томонда тесқари ташвиқот юритаётган ёхуд уларни зимдан қўллаётган мунофиқлар эди.

Бундай кимсалар Мадинада қолади, ҳар пайтдагидек фитна-фасодларни давом эттиради, замон чарҳи яна биз орзу қилган томонга айланиб қолар, деган хаёллар билан овунади... Тажриба эса, шамол ҳар истанилган пайтда ва истанилган томондан эсавермаслигини кўрсатади.

Ўттиз минг кишидан майдонга келган лашқар «Саниййатул Вадо» деб аталадиган жойда тўпланди. Ҳазрати Абу Бакр (р.а.) уларга имомлик қилиб турди. Қўшиндан ажралган ҳолда чекка бир жойга кичиккина бир қисм билан Ибн Салул қароргоҳ қурган эди.

Расули акрам (с.а.в.) шаъбон ойининг бир пайшанбасида аср вақтида юриш амрини бердилар. Қисмлар ортма-кейин йўлга чиқди. Ибн Салулнинг амри остидаги қисм эса бирдан орқага бурилиб, Мадина сари кета бошлади. Қалблари имонга тўлик, Оллоҳга ва расулига севги ва ҳурмат иплари билан боғлиқ юрак эрлари уларнинг бу ишларини хайрат ва нафрат туйғулари остида кузатиб қолишди.

Нимага қўшин турган ергача келишдию нимага юриш амри берилганидан кейин ортларига қайтишди?

Ибн Салулнинг пес феълини билган мўминларга бу ишнинг таъсири бўлмади. Чунки худди шундай ифлос ишни у Ухуд куни ҳам қилган, жанг энди бошланади деб турган онларда ўзининг одамларини олиб Мадинага қайтиб кетган эди. Бу гал ҳам ўша еган ахлатини еди. Қўшин орасида бир ғавғо бошланиб қолармикан, фитна чикаришнинг имкони бўлармикан, деган ниятда бундай ишни қилди. Қўшин то ҳаракат бошлагунча ҳам бекор турмади, баъзан бу иссиқда йўлга чиқишнинг хатарларини санаб юрди, баъзан румларнинг кучини ва мусулмонлар уларга қарши ҳеч нарса қила олмасликларини тушунтирмоқчи бўлди. «Муҳаммадни ва шерикларини иккитадан-иккитадан қилиб боғланганларини кўриб тургандекман», деди. Қисқаси, бу сафарда ғалабага мусулмонларнинг ҳеч бир имконлари йўқ, аксинча, бир талай таҳликага ўзни ташлашдан бошқа ҳеч қанақа иш қилинмайди, деб гап тарқатди...

Сафарга қатнашмасликлари борасида Жаноби Мавлодан хусусий изн чиққанлар ҳам бор эди: «Ожиз-нотавонларга, хасталарга ва (жиход учун) бергани ҳеч нарса топа олмаётган кишиларга - агар улар Оллоҳ ва расули учун ҳолис бўлсалар - бирон кийинчилик (мажбурлик) йўқ. Чиройли амал қилувчиларни айблашга ҳеч қандай йўл йўқ. Оллоҳ кечиримли ва раҳмлидир. Яна сизга (жангга миниб бориш учун) от-улов келган вақтларида, уларга: «Сизларни миндириб юборишга улов йўқ-ку», деганингизда, (жиход учун) бирон нарса топа олмаганларига ғамгин бўлишиб, кўзларидан ёш тўкишиб қайтиб кетган кишиларни ҳам айблашга ҳеч қандай йўл йўқ.

Фақат ўзлари бой-бадавлат бўлган ҳолларида сиздан изн сўрайдиган кимсаларнигина айблашга йўл бор. Улар хотин-халаж билан қолишга рози бўлдилар. Бас, энди (улар жиходга чиқишда бўладиган яхшиликни) билмайдилар»*.

Ортидан улкан чанг булутини қолдириб кўшин тобора илгарилар эди. Албатта, булар орасида ҳам мунофиқлардан бир гуруҳи бор эди, аммо улар денгиздан томчидай озчилик эди. Қалблари Улуғ Мавлога йўналган мўминлар йўлда боришаркан, бу сафар ҳақида индирилган ушбу оятларга юракларини ювиб олишар эди:

«Эй мўминлар! Оллоҳдан кўркингиз ва (имонларида) ростгўй бўлган зотлар билан бирга бўлингиз! Мадина аҳолиси ва уларнинг теварагидаги аъробийлар учун (жиходга чикмай) Оллоҳнинг расулидан қолишлари ва ундан юз ўгириб ўзлари билан овора бўлишлари жоиз эмас эди. Зеро, Оллоҳ йўлида уларга бирон ташналик, қийинчилик, очлик етса ва кофирларнинг жаҳлини чиқарадиган бирон қадам боссалар, душманга бирон зиён етказсалар, албатта, улар учун бу ишлари сабабли яхши амал ёзилур. Зотан, Оллоҳ яхшилик қилгувчиларнинг амалларини зое қилмас. Улар кичикми, каттами бирон инфоқ-эхсон қилсалар ва (ғазот йўлида) бирон водийдан ўтсалар, албатта, қилган энг чиройли амалларига яраша Оллоҳ мукофотлаши учун- (буларнинг ҳаммаси) улар фойдасига ёзилур»**.

Мусулмонлар орасида яна бир тоифа - мусулмонлигига ҳеч шубҳа йўқ-ку, аммо танбалликдан, ялқовликдан ҳеч қутула олмаган тўрт киши бор эди: Каъб ибн Молик, Мурора ибн Рабиъ, Ҳилол ибн Умаййа ҳамда Абу Хайсама... Каъб ҳаёти камбағалликда ўтган одам эди. Уйда бир пайтда икки туя ҳеч турмаган. Лекин кейинроқ ўлжалардан ҳиссасига тушганлар тўпланиб, икки туянинг ёнма-ён турганини ҳам кўрди. Аслида бу катта бойлик эмас, аммо Каъб учун буларнинг қиймати буюк эди.

Ўзийлар сафарга тўхтамай ҳозирлик кўришаётган кунлари Каъбнинг ялқовлиги тутиб, баҳоналар қидира бошлади: ҳаволар нафас олиб бўлмайдиган даражада иссиқ, бу ёқда хурмолар етилиб, ерга тўкилар ҳолга келиб қолган ва ҳоказо... Битта хурмо дарахти соясига чекилиб, соатларча қўли ишга бормай ўй суриб ётарди.

Ниҳоят бир куни Расулulloҳ (с.а.в.) жанобимиз бошлиқ ўттиз минг кишилик кўшин юришни бошлаганида, ортидан Каъб қалби узилгудек бўлиб қараб қолди. Аммо бундан ортиғига ғайрати етмади. Икки туясидан бирига тез минса, осонгина етиб оларди ҳам.

Ўша куни, эртаси, индини ҳам шу тарз кечди. Эрталаб уйдан чиқаётганида, энди бормасам бўлмайди, деган Каъбни оёқлари оқшомга яқин яна уйига сургилаб келарди. Ниҳоят бир куни Каъб: «Энди йўлга чиқсам ҳам, ета олмайман», дейишдан бошқа чора топмади.

Ҳолбуки, у ҳижратдан олдин Пайғамбар жанобимиз билан Ақобада аҳдлашган қадрли инсонлардан бири эди. Бадр жангини ҳисобга олмаганда, бошқа барча жангларда қатнашган, ҳамма сафарларга чиққан. Бадрга насибаси кўшилмагани эса, Мадинадан

чиқаётганида олдинда жанг бўлишидан хабарсизлиги эди. Шунинг учун у Мадинада қолди, натижани кутиб ўтирди.

Сафардан қолганлар ичида Али ибн Абу Толиб (р.а.) ҳам бор эди. Лекин уни Расулulloҳ (с.а.в.) Мадинада вакил қилиб қолдирган эдилар. Жанобимизнинг оила аъзоларидан кўз-қулоқ бўлиб туриш вазифаси ҳам юкланди унга.

Ислом лашкари кузатилар-кузатилмас, унинг Мадинада колганини кўрган мунофиқ ва яхудийларнинг тиллари чиқиб колди. У ер-бу ерда шивир-шивирлар бошланди:

- Энди Алини хотин киши деса ҳам бўлади...

- Болалар билан ўйнасин, вақтини хотинлар билан ўтказсин, унга шу етади. Али ортик одам каторига ўтмаганини билиб кўйсин. Бу ерга вакил колдирилса, бошқа одам йўқмиди?..

Ва ҳоказо. Бунақа гап-сўзлар Ҳазрати Алининг (р.а.) қулоғига ҳам етиб келди. Ҳолбуки, у жангни яхши кўрадиган одам эди. Мадинада кечган саккиз йиллик умри даврида Расулulloҳдан ҳеч ажралмаган, ҳамма ғазотга жон-жон деб борган. Кечмиш кунларини бир-бир хотиридан ўтказаркан, «Оллоҳнинг пайғамбари бош бўлган энг катта юришда қатнашолмадим», дейиш унга жуда оғир кела бошлади. Бир қарорга келиши учун кўп вақт керак бўлмади. Тез уловини ҳозирлади, силоҳини олди ва йўлга чиқди.

Пайғамбарлар саййиди (с.а.в.) Журф деган жойда кўнок эълон қилган эдилар. Шу ерда у зотга ҳазрати Алининг келганини хабар қилишди. Бир оздан кейин ўзи ҳам ҳузурларига етиб келди. Кўришди. Нега Мадинада турмагани сўралганида:

- Эй Оллоҳнинг расули, мени хотинларга, болаларга қолдирдингизми? - деди. Сўнгра Мадинада тарқалган гап-сўзларни айтиб берди. Пайғамбар жанобимиз ишни тез ҳал қилиб кўяқолдилар:

- Ёлғон айтишибди. Мен сени ортимда қолганларга вакил бўласан деб қолдирдим. Қайтиб бор ва менинг аҳлимга ҳамда ўзингнинг оиланга кўз-қулоқ бўл. Мусога Ҳорун қай даража яқин бўлса, менга ҳам шундай бўлишни хохламайсанми, эй Али?! Шу қадарки, мендан кейин пайғамбар келмайди, - дея марҳамат қилдилар.

Ҳазрати Алига шу гап етарли бўлди. Ҳаётида туяжаги энг тотли сўзлар булар эди. Мусо (а.с.) Тур тоғига кетаётганларида акалари Ҳорунни вакил этиб қолдирган эдилар, ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) Табукка бораётиб жиянлари Алини (р.а.) вакил қилдилар...

Ҳазрати Али, бир томондан, бу нозикликни хаёлга келтира олмагани ва нодонларнинг сўзларига учгани учун ўз нафсини койир, иккинчи томондан эса, Расулulloҳдан бундай бир илтифот кўрганини ҳисобга кўшиб, ўзини бахтиёр ҳис этар эди.

Ҳозиргача бўлган сафарларнинг энг узоқ давом этадигани Табук бўлса, ҳозиргача вакил этиб қолдирилганларнинг энг қадрлиси у эди. Бунчалик узоқ айрилиқ асносида кучли-қувватли, Мадинада йўқликларини қарийб билдирмайдиган, керак бўлса, тез яроғланиб, фитна чиқарганларнинг адабини бериб кўя оладиган қахрамонни вакил қилиб қолдирарканлар, севиқли Пайғамбаримиз мукамал бир тадбир ила Мадинани қафолатли қўлга топширганларини ҳам ҳисобдан четга чиқармаслик керак.

Абу Хайсама чинакам мусулмонлардандир. Сафардан тўсадиган ҳеч қандай узри ҳам йўқ. Лекин у ҳам елкаларидан босиб турган танбалликни енга олмади. Бугун, эртага дегунча кўшин жўнаб кетиб бўлди, орадан кунлар ўтиб кетди.

Бир куни Абу Хайсама дам олиш учун боғига келди. Ҳаво ниҳоятда иссиқ. Капасининг олдида тўхтади. Иккала хотини ҳам шу ерда эди. Атрофга сувлар сепиб, у ернинг

ҳавосини ҳарҳолда салқинлатиб қўйишибди. Чанқовбосдига муздай сув ҳам тайёр. Капа бунақа кунда дам олиш учун излаб топилмайдиган ҳолга келган.

- Марҳабо, бу ёққа келинг, эй Абу Хайсама, - дея ҳар иккала хотини ҳам уни очик чехра билан қапага чорлашди.

Лекин Абу Хайсама бир он тараддудланиб, қайтиб қолди.

-Қарасангиз-чи, бу ер салқин...

Ҳа, салқин, аммо бу иссиқда неча кунлардан бери йўл босаётган ўттиз минг кишилиқ кўшин ва бу кўшин бошида айни азиятни чека-чека бораётган пайғамбарлар султони (с.а.в.)... улар нима қилишяпти экан?

Виждони бирдан қаршисига чиқди, «Оллоҳнинг расули бу иссиқда қовурилиб турсалар-у,

сен бу салкин қапада-а ётсанг... йўқ, бундай килолмайсан, эй Абу Хайсама!..» деди гўё.

- Менга озик-овкат тайёрланглар, ҳамон кетаман! - деди.
- Ўтиринг, озгина дамингизни олинг, кейин кетарсиз,- дейишди хотинлари.
- Бўлмайди, кутишга вақтим йўқ!

Шу тариқа Абу Хайсама туясига миниб, йўлга чикди.

Йўлчилик давом этар, баъзилар кўшиндан орқада қолиб кетар эди. Аҳволни Пайғамбар жанобимизга билдиришганида у зот (с.а.в.): «Қўяверинглар, агар унда бирон яхшилик бўлса, Оллоҳнинг ўзи етказдириб келади, яхшилик бўлмаса, унинг ҳаққида ҳукмини билдиради», дердилар.

Абу Зарр ҳам қайсарлашган туясига сўзи ўтмай, дўстларидан ортда қолишга мажбур бўлди. Туяси негадир ҳеч юргиси йўқ. Уни йўлга соламан деб анча пайт уриниб кўрди, қўлламаган чораси қолмади, натижа ўша-ўша - туя қайсарлигини қўймади. Ноилож бирор ўтлоқ жойда қолиб, қорнини тўғазиб, туясига қувват киргач, кейин кўшин ортидан етиб олишга қарор қилди. Дарҳақиқат, ҳозиргина юришга қайсарлик қилиб турган туя боши ўтлоқларга бурилгач, яйраб-яйраб ўтлай бошлади. Туя тўйгани сари Абу Заррни қувонч қоплар эди. Чунки қорнини тўйдириб, озми-кўпми куч йиғиб олган туя билан йўлга чикса, қисқа замонда шерикларига етишиб олиши мумкин эди-да.

Мўлжалда мақсад ҳосил бўлди, энди юрса ҳам бўлади. Аммо туя бунақа ўтлоқ жойни ҳеч ташлаб кетгиси йўқ эди. Ҳар турли хунарга солиб кўрди, бўлмади. Охири туяни шу ерда қолдириб, юкини орқасига олиб, кўшин ортидан пиёда йўлга чиқишга мажбур бўлди. Чексиз кум денгизида оёғи ботиб-чикиб, кетаверди. Мадинадан ҳисобласа тўққиз юз чақиримча чиқадиган битмас-туганмас бу йўлчилик Абу Зарр учун энди шундай давом этажак.

Расули акрам (с.а.в.) бошчиликларига кўшин Қуро водийидан ўтиб борарди. Бир аёлнинг боғига дуч келишди. Хурмо дарахтларига боқишди. Пайғамбаримиз (с.а.в.):

- Қани, чамаланглар-чи, бу дарахтлар қанча юк қиларкин? - дедилар.

Ҳар ким чамалаганини айтди. Пайғамбар жанобимиз ҳам тахмин қилиб:

- Менимча, ўн юк чиқар, - дедилар ва боғ эгасига:- Хурмоларни йиғиштирганинда қанча чиққанини эслаб қол, - деб йўлларида давом этдилар.

Ҳижр водийига етиб келишди. Бу ер Солиҳ пайғамбарнинг (алайҳиссалом) юртлари эди. Самуд қавми шу ерларда яшаган, мана шу тупроқларда йўқ қилинган. Расули акрам (с.а.в.) бухудудга кирарканлар:

- Ўзларига зулм қилганларнинг юртларига уларга етган мусибат сизларга ҳам етиб қолиши мумкинлиги андишасида йиғлар холда қиринглар, - дедилар ва эғниларидаги ридони юзларига парда қилиб олдилар.

Водийни тез босиб ўтишди. Бу ерлардаги қудук сувларидан таҳорат олишни, ичишни ман қилдилар.

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари, биз бу ерларнинг сувига ҳамир қориб олдик-ку? – деб сўрашган эди:

- Туяларингизга едиринглар, - деб жавоб қилдилар.

Ниҳоят Солиҳ пайғамбарнинг (а.с.) мўъжизалари ўлароқ чиққан урғочи туя сув ичган қудуққа етиб келишди. Бу қудуқдан фойдаланишлари мумкинлигини айтдилар.

Йўлчилик яна давом этди. Сувсизлик охириги даражасига етди, одамлар бошларини кўтара олмайдиган бўлиб қолишди. Мунофиқлар яна ғимирсий бошлашди: «Мусо пайғамбар дуо қилганида кўкдан ёмғирлар ёққан экан. Бу ҳам пайғамбар бўлса, дуо қилиб ёмғир истарди», шаклида висир-висирлар билан кўшиндагиларни ҳузурсиз қила бошлашди.

Ҳазрати Абу Бакр (р.а.) одамларнинг дардига бир чора бўлармикан ҳам мунофиқларнинг тиллари тийилармикан, деган ниятда Расули акрамга (с.а.в.) мурожаат этди.

Жаноби Мавло яратган энг муборак қўллар кўтарилди, ҳожат арз этилди. Орадан ҳеч қанча

вакт кечмай одамларни севинч чулғади. Бир шамол кўзғалиб, «Ёмғир келяпти», дегандай тотли-ёкимли хабарларни келтирди. Ниҳоят, бошлари узра келган булут шатир-шутур тўкила бошлади...

Ҳазрати Умар (р.а.) ёмғир факат кўшин турган ерларга ёкканини, бошқа жойлар куп-курук қолганини айтган.

Кўшин қўнган яна бир жой мунофиқларга байрам жойига айланди. Расулulloҳнинг (с.а.в.) туялари Қасва йўқолиб қолди. Қанча излашди, топилмади. Шунда ўнгу сўлдан «Кўкдан хабар беряпман деб даъво қилаётган Пайғамбар туянинг қаердалигини билмайди...» каби сўзлар ёйила бошлади ва бу сўзлар мўминларни хийлагина қайғуга солиб қўйди. Пайғамбар ва расулларнинг саййидига (с.а.в.) аҳвол етказилганида у зот:

- Мен бир инсонман, ғайбни билмайман. Оллоҳ нимани билдирса, ўшани биламан. Ҳа, ҳозиргина Жаброил менга туянинг қаердалигини хабар берди. Боринглар, фалон водийда шундай-шундай бир дарахтга югани илинган ҳолда кутиб турибди, - деб марҳамат қилдилар ва қўллари билан айтаётган водий томонга ишора қилдилар.

Шу заҳоти кетишди, туяни таъриф этилган жойда ва айтилган ҳолатда топишди. Қасва ҳеч нарсадан хабарсиз, қорнини тўйғазиш ғамида эди.

Айниқса, Гулас исмли бир мунофиқнинг сўзлари ўтиб тушди. Навбатдаги тўхташ жойида тилига эрк бериб юборди:

- Агар Муҳаммад чиндан ҳам пайғамбар бўлса, эшакдан ҳам ёмон бўлишга розиман, - деяверди.

Унинг бу гапи мўминларга оғир ботди. Увай ўғли Умайр чидаб туролмади:

- Эй Гулас, мен сени жуда яхши кўрардим. Аммо бу сўзларинг асло тўғри эмас. Бу гапларингни Расулulloҳга бориб айтсам, паришон бўласан, айтмасам, мен паришон бўламан, - деди.

Сўнгра Гуласнинг гапини Жанобимизга айтиб у айтгандай қилиб етказди. Расули акрам (с.а.в.) воқеани ойдинлатиш учун Гуласнинг ўзидан сўрадилар. Гулас бўлса, ўламан саттор, мен бунақа демадим, менга тухмат қилишяпти, деди. Юзи қизармади, овози ҳам титрамади. Кимдир биттаси гапга аралашди. Ҳолатни юмшатмоқчи бўларди у.

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари, биз ҳазил-хузул қилишиб, лофни эрмак қилиб кетаётувдик, - деди.

Шу сирада Набийи акрамда (с.а.в.) ваҳий аломатлари кўринди. Овозлар кесилди. Сал ўтиб, Жанобимиз дона-дона қилиб ушбу маънодаги оятларни ўқий бошладилар:

«Қасамки, агар улардан (нега сизнинг устингиздан кулганлари ҳақида) сўрасангиз, албатта, улар: «Биз факат баҳслашиб, ҳазиллашиб келяпмиз, холос», дейдилар. Айтинг: «Оллоҳдан, унинг оятларидан, унинг расулидан куладиган бўлдингизми?!» Узр айтманглар! Сизлар имон келтирганингиздан кейин яна куфрга қайтдингиз. Агар сизлардан бир тоифани (чин ихлос билан тавба қилганлари учун) афв қилсак, бошқа бир тоифани жинойтчи бўлганлари сабабли азоблаймиз. Мунофиқ эркаклар билан мунофиқ аёллар бир-бирларидандирлар (яъни, куфрда бир-бирларига ўхшайдилар). Улар ёмонликка буюрадилар, яхшилиқдан қайтарадилар ва (Оллоҳ йўлида инфоқ-эҳсон қилишдан) қўлларини (яъни, ўзларини) тиядилар. Улар Оллоҳни унутишгач, Оллоҳ ҳам уларни унутди. Албатта, мунофиқлар, ҳақиқий фосиқ-итоатсиздирлар. Оллоҳ мунофиқ ва мунофиқаларга ҳамда кофирларга улар абадий қоладиган жаҳаннам оловини ваъда қилдики, ўша улар учун етарлидир. Оллоҳ уларни лаънатланади. Улар учун доимий азоб бордир»*.

«Аслида ундай эди, бундай эди...» каби тортишмаларга ортиқ ҳожат қолмади. Чаккаларини шишира-шишира Гулас ичган қасамлар пуч бўлиб чиқди, унинг ёнини олмоқчи бўлганларнинг қаллоблиги кўриниб қолди.

Умайр қилган ишидан хурсанд бўлди. Ахир, Оллоҳнинг расулига қилган хизматини Улуғ

Мавлонинг ўзи оят билан қўллаб турса!..

Гулас эса, бундан бу ёғига пешонасига ёпишган тамға билан нималар қилажак? Эшакдан ҳам ёмон эканини тан оладими? Бир ривоятга кўра, Гулас тавба қилган ва ке-йинги ҳаётини тузатиб олган. Бу ривоятнинг қай даражада ҳақиқий экани энди ҳузури илоҳийда Гуласга қилинажак муомаладан аниқ бўлади.

Табук сафари асносида эсда қоларли чиройли воқеалар ҳам мўл бўлди. Бир куни Пайғамбаримиз (с.а.в.) таҳорат олиш учун бир чеккага ўтдилар. Ҳадеганда келавермаганларидан кейин Абдурахмон ибн Авф (р.а.) имом бўлиб намозни бошлаб юбордилар. Жанобимиз иккинчи ракатга етиб келиб, унга эргашиб намоз ўқидилар, қолган бир ракатни имомнинг саломидан сўнг ўзлари ўқиб олдилар. Кейин жамоатга қараб:

- Яхши қилдиларинг! - деб мақтаб қўйдилар.

Бу воқеа зеҳнларга Табук сафарининг гўзал хотираларидан бири сифатида ўрнашди.

Мадинадан чиққандан бери ўн саккиз жойда дамга тўхталган бўлса, ҳаммасида дарров чегарасини тошлар билан ўраб, намозгоҳлар қилинар эди. Ниҳоят, ўн тўққизинчи мартасида Табукда қўнилди. Жанобимиз Мадина даврида қилган сафарларидан энг узоғи шу зайл охирига етди. Ҳаммаси бўлиб тўққиз юз чақиримча йўл босилди. Ҳар томондан қулайликлар замони бўлган бугун ҳам йўловчилар ўтишга қийналадиган қум дарёсини, ким билади, у замонда не заҳматлар билан ошиб ўтишган экан, қанча-қанча сабру бардошлар керак бўлган экан, тафсилоти бизгача етиб келмаган қанчадан-қанча гўзал хотиралар яшалган экан?! Ози-кўпи билан йигирма кун давом этган бу йўлчилик тарихларда битилган ва уч юз беш саҳифага сиғдирилган хотиралардан кўра кўпроқ воқеа-ҳодисаларга тўла бўлса керак. Зотан, бугун биз қилаётган ишлар Жанобимизнинг ҳаётларидан берилган уч-беш томчидан бошқа нимани ифода қила олади?..

Расулulloҳ (с.а.в.), Табукда сувларга тегилмасин, деб қаттиқ-қаттиқ танбех берган эдилар. Жанобимизнинг бу буйруқларини бузганлар бўлди: олдин етиб келган икки киши бир жойда сизиб чиққан сувдан ичиб олишди. Булар ким эди? Иши ҳар фурсатдан фойдаланиб қолиш бўлган мунофиқларми? Ёки: «Агар ҳозир бу сувни биз ичмасак, кейин келадиганлар ичиб кўяди», деган икки фаросатсиз мусулмонми? Нима бўлганда ҳам буйруққа итоатсизлик рўй берди. Ҳарҳолда Расули кибриё жанобимиз у сувни ўзларига ё яқин дўстларига олиб қолиш ғамида эмасдилар. Шунинг учун огоҳлантиришдан хабардор бўлатуриб қилинган бу иш у зотни хафа қилди ва ҳақли ўлароқ у икки одамни жазоладилар.

Сўнгра ердаги кўлмак ҳовучлаб бир мешга солинди. Жанобимиз унга юз-қўлларини ювдилар. Кейин сув яна жойига бўшатилади. Буюрдилар, учта найза келтириб, у ерга санчдилар. Ҳар бирининг тагидан сув пишқириб чиқа бошлади. Қўшин аҳлининг юзларини мамнуният қоплади. Энди бу ерда узоқ қолиб кетишса ҳам, сувсизлик азоби чекилмайдиган бўлди.

Табукдан кетмасликка қарор қилиниб, ўша ерга қўнилди.

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари, кимдир келяпти, - деб қолишди.

Жанобимиз Мадина йўлига боқдилар. Чанг-тўзон орасидан бир отлиқ элас-элас кўзга ташланди.

- Абу Хайсама бўлсайди, - деб марҳамат қилдилар.

Бу орзу юракларидаги Абу Хайсамага нисбатан севгининг, муҳаббатнинг бир ифодаси эди. Жанобимизнинг дўстларига боғлиқликларини кўрсатиб турарди.

Нигоҳлар диққат-ла келувчи томон қадалди. Отлиқ тобора яқинлашаверди. Ва ниҳоят:

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари, келаётган бу одам ҳақиқатан ҳам Абу Хайсама экан! - деб юборишди.

Расули акрамнинг (с.а.в.) муборак юзларида балқиган андиша тўла чизгилар ўрнини мамнуният ифодаларига бўшатиб берди. Севимли бир одамнинг катта бир таҳликадан қутулиши туфайли туйилган ҳузур ва саодат одам юзида мана шундай кўринар эди.

- Салом бўлсин сизга, эй Оллоҳнинг пайғамбари!
- Сенга ҳам салом бўлсин, эй Абу Хайсама!

Шундан кейин Набийи акмал унга келиб яхши қилганини, шу билан катта бир таҳликадан қутулиб қолганини тушунтирдилар. Абу Хайсама жуда ўринли иш қилганини яна бир бора тушуниб етди.

Йўлда туяси тайсаллаб ҳеч юрита олмаган Абу Зарр ҳам юкини ортмоқлаганча ниҳоят Табукка етиб келди. Узоқдан шарпаси кўринган заҳоти Жанобимиз (с.а.в.): «Абу Зарр бўлсайди», дея умид қилганлари ривоят этилади.

Кейинроқ ҳазрати Расулulloҳнинг (с.а.в.) бундай деганлари ҳам ривоят қилинади: «Оллоҳ Абу Заррга раҳм қилсин, ёлғиз бошига юради, кимсасиз бир жойда ўлади, алоҳида бир ҳисобга тортилажак шаклда тирилтирилади».

Табукка келинган, Пайғамбар (с.а.в.) ҳузурларига Холид ибн Валидни чақирдилар. Дума раиси Укайдирни топиб келтиришни буюрдилар. Уни кечаси ёввойи бир буқани

қувлаб юрганида учратасан, деб айтдилар. Холид ёнига бир неча кишини олиб, Укайдирни излаб кетди.

Чиндан, Думанинг амири Укайдир ўша кечаси ҳеч ухлай олмади. Бир ёввойи буқа келиб, саройининг ташқари эшигини шохлари билан сузиб безовта қилаверди. Охири уни тутиб, адабини бериб қўймоқчи бўлди. Бемаҳалда шу ишни қилманг, деб хотини қайтарганига қарамай, отини ҳозирлади, яроғини илди, ёнига укаси Ҳасанни ва бир-икки яқинини олиб, буқанинг орқасидан тушди.

Латиф бир ёз кечаси эди. Ой атрофни яхшигина ёритиб турарди. Овни кечаси, бундай ёруғда таъкиб этиш ҳам осон.

Бирдан қаршисида пайдо бўлган бир неча киши Укайдирнинг кайфиятини бузди.

- Ҳой, сизлар кимсизлар?! - деди дўқ уриб.
- Ёмонига олмасимиздан бизга таслим бўл! - деб жавоб қилишди қаршисидагилар.
- Тушунишимча, олдингизда ким турганини билмаяпсизлар. Мен Думанинг раиси Укайдирман.

- Биз ўзи сени ёқаламоқчи бўлиб келдик-да.

Укайдир шериклари билан бирга жангга ҳозирланди. Қиличлар қинидан чикди. Кеча қоронғулиги жаранг-журунг садолари билан безанди. Аммо тез фурсатда Укайдир бу одамларга бас кела олмаслигини тушуниб етди. Айниқса, ораларида биттаси бор экан, ёлғиз ўзи уч-беш кишини олдига солиб қувлаб қолиши ҳеч гап эмас.

Асирлик ўлимдан яхши, деган ўй билан яроқларини ташлашди. Укасигина таслимга кўнмади, яроғини ташламади, жангда давом этди ва... ўзи ўзининг бошига етди.

Қўллари боғланган асирлар орқама-кетин қилиб бир қаторга терилди. Майдонда Укайдирнинг укаси Ҳасаннинг ўлигини қолдирилди. Эғнидаги қимматбаҳо либоси ва қуроли ечиб олинди. Амр ибн Умаййа Укайдир қўлга олинганининг хабарини бериш учун эртароқжўнатилди.

Саҳобалар ўхшаши ҳеч кўрилмаган кийимни томоша қилишар эди. Баъзилар қўлларини текзиб кўрар, юмшоклигига ҳайратланиб боқишар эди. Шунда Пайғамбар жанобимиз:

- Сизлар бу кийимнинг чиройлигига лол қоляпсизларми? Валлоҳи, Саъд ибн Муознинг жаннатдаги рўмолчаси бундан ҳам чиройлидир, - деб марҳамат қилдилар. Укайдир «Мусулмон бўл», деган таклифни қабул қилмади. Йиллик жазъа бериб туришга рози бўлди. Бунинг эвазига мусулмонлар ҳам Дума халқини кўриб турадиган, четдан ҳужум қилинса, мудофаа этиб тинчлиги ва осойишталигини таъминлайдиган бўлишди. Бундан ташқари Табукда яна Макна, Эйла, Жабра ва Эзру қабилалари билан ҳам битимлар тузилди. Йилда ўташлари лозим бўлган маблағ ва бунинг эвазига уларни ташки душмандан ҳимоя этиш хусусида ахдномалар ёзилиб, ҳар бирига биттадан берилди.

Бир кеча Абдуллоҳ ибн Масъудга (р.а.) ҳадеганда уйку келавермади. Ўрнидан турди, бир оз айланиб келмокчи бўлди. Нарирокда бир шуъла кўриниб турарди. Ўша ёкка бориб, суҳбатлашиб ўтиргиси келди. Яқинлашган сари гангир-гунгур товушларни эшитди, куракнинг шовкини ҳам қулоғига кирди. Яхшиликка бўлсин, дея яқинлашаверди. Аланганинг енгил ойдинлигида Пайғамбар жанобимизнинг муборак юзларини кўрди. Ёнларида Абу Бакр (р.а.) билан Умар (р.а.) ҳам бор эдилар.

Яқинларига келгач, тахминда адашмаганини билди: гўр казишаётган эди. Ерда бир жасад ётибди.

- Ким бу, эй Абу Бакр? - деб сўради.
- Абдуллоҳ Зулбижадайн, - дея жавоб қилди Абу Бакр.
- Демак, ўлим бирибери келибди-да. Оллоҳ раҳматига олсин.

Абдуллоҳ бир неча кун олдин ўтли бир хасталикка чалинган эди. Бу хасталик унинг кучкуватини суғуриб олди, дармонини тамом қилди. Аммо шундай ҳолда ҳам кўзлари ичида бир шуъла порлаб турарди. Демак, Расулуллоҳ (с.а.в.) берган мужданинг илк хабарчиси келган эди. Жанобимизнинг: «Эй Абдуллоҳ! Бир ғазотга чикканигда ўтли хасталикка чалиниб ўласан-да, шаҳид бўласан... Ёки уловинг сени йикитиб бўйнинг синади ва ўласан-да, шаҳид бўласан...» деган кунларидан бери доим икки ҳолдан бирини кутиб юрди. Қачон эшиги тақиллайди, қачон: «Эй Абдуллоҳ!.. Ҳозир бўл!.. Шаҳидлик йўлига чиқиш пайти келди...» деган бу бахтли воқеа рўй беради, деб юрди.

Демак, Табук сафари Абдуллоҳ учун шаҳидлик сафари бўлажак эди. Абдуллоҳ йўлда кечган ва умрининг бир-икки саҳифасини ташкил этган кунларини хасталик ва хурсандчилик йўғрилган бир ҳол ичида кечирди. Бундан бу ёғи Мавлосига ковушишдан бошқа дунёдан кутгани қолмади. Мавлоси ҳам бунга ковушишни хоҳлаганига ишонар эди. Ва бир кун то шомгача чўлларни ёкиб-ковурган куёш ботаркан, унинг умрининг куёши ҳам ботди, тўғрироғи, бу куёш янада мукамал ҳаёт оламига чиқди. Шаҳидларни ўлик дейишдан қайтарган Улуғ Мавло унга Ҳабиби акрами воситаси-ла муждалаган шаҳидликни ато этди.

Шундай қилиб, Зулбижадайн дунёдан олабиладиган энг буюк насибани ҳам ўзи билан бирга олиб кетди. Мадинадан жуда олисга - Табукдай бир жойга кўмилади энди. Оллоҳнинг расулига (с.а.в.) яна бир марта бу жойларга келиш балки ҳеч насиб бўлмас, балки асҳоби киромдан ҳам ҳеч ким гўрини зиёрат қилолмас, устига тортилган қумлар шамолнинг олдига тушиб ўнгу сўлга сочилиб кетар ва балки мазорини биладиган битта ҳам одам қолмас бу дунёда. Аммо буларга ғам чекмасди. Дунёда унга: «Ёнимга яқинроқ кел, менга яқин жойда тур», дея марҳамат қилган Пайғамбарнинг юрагидан жой олган бу фазилатли инсон дунёда икки курак тупроқдан пайдо бўладиган гўрга зорми? Пайғамбарга севги ва ҳурмат иплари билан боғланган, замонлар ва маконлар берисидаги инсонларнинг юраклари унинг нурли-ёруғ қабри бўлажак, жуда олислардан, жуда узоқ замонлар берисидан ҳам: «Оллоҳим, Абдуллоҳ Зулбижадайнга раҳматинг-ла, марҳаматинг-ла, лутфинг-ла, караминг-ла муомала қил», дейдиган ва балки бу самимий тилаклари натижасида мағфиратга ноил бўлажак қанчадан-қанча инсонлар ҳам топилажак...

Жасад қабрга қўйилди, усти ёпилди. Расули муҳтарамнинг (с.а.в.) қўллари юқорига очилди:

- Оллоҳим, мен ундан рози ва хушнуд бўлган ҳолимда оқшомга етдим, Сен ҳам ундан рози бўл, - дуоси ила аҳадийат боргоҳига илтижоларини арз қилдилар.

Ғоят оддий дафн маросими бўлди бу. Жамоат бор-йўғи уч-тўрт кишидан иборат эди. Аммо бу жамоатнинг салмоғи оғир. Тарозининг нариги палласига дунё тўла инсонлар қўйилса ҳам, яна бу тараф оғир босарди.

Бу дуо оламларга раҳмат бўлиб келган буюк пайғамбардан келаётган эди. У зот бу дуони мажбурият остида эмас, Зулбижадайнга оид муборак кўнгилларида сақлаган севги туфайли қилдилар. Бу дуонинг охиратда кўрилажак фойдасини қўлга киритиш учун бир мўмин дунё тўла

молини берса ҳам, кўп нарса қилган ҳисобланмасди. Гўё у ерга бир тасодиф натижаси ўларок келган Абдуллоҳ ибн Масъуд: «Кошки шу қабрга қўйилган одам мен бўлсайдим», дейишдан ўзини тийиб туролмади. Эндигина, бир неча ой олдин мусулмон бўлган бу одам дунёдан энг гўзал улушини олган, қора тупроққа шундай улуш билан қирган эди.

Ирбод ибн Сарийа ғоят камбағал, жуда самимий мусулмон эди. Кўпинча Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига келар, бирор хизматлари бўлса, бажарар, илтифотларига сазовор бўлар эди. Кечалардан бирида хуфтондан кейин Оллоҳнинг пайғамбари қадрли хотинлари Умму Салама (р.а.) онамиз билан бирга энди чодирларига кириб кетишган эди, Ирбод келди. Бу кеча ҳеч нарса емаган экан.

Расули акрам (с.а.в.) Билолни (р.а.) чақирдилар. Билол қўлидаги чарм халтани ағдарган эди, бир нечта хурмо тўкилди. Энди хурмоларни тўплаб турганида Жуайл ибн Суруқа билан Абдуллоҳ ибн Муғаффал ҳам келиб қолишди. Улар ҳам очликдан силлалари қуриган ҳолда туришарди. Умрлари бутун фақри зарурат ичида кечган, аммо мустаҳкам имонлари бор, Оллоҳга ва расулига топ-тоза юраклари билан боғланишган эди. Ҳунайнда тўпланган ўлжалар бўлишилаётган пайтда Расули акрам (с.а.в.) шу Жуайл ҳақида айтган бир жумла гаплари уларга берилган ҳақиқий баҳо эди. Саъд ибн Абу Ваққос: «Сиз Жуайлга ўлжадаги ҳаққидан ортиқ ҳеч нарса бермадингиз. Ҳолбуки, менимча, у жуда яхши мўминдир», деявергач, ниҳоят Жанобимиз: «Қасамки, Уйайнага қараганда Жуайл ер юзи катталигича яхшидир», деганлар ва бу билан унинг Оллоҳга бўлган таслимиятини назарда тутганлар. Бу кечанинг меҳмонларидан бири ўша Жуайл эди. Қолганлар ҳам ундан паст қийматдаги одамлар эмасдилар.

Қоринлари сурнай чалган уч киши Пайғамбар дастурхонлари атрофига тез чўкишди. Тўпланган етти дона хурмо бир товоққа қўйилди. Жанобимиз муборак қўлларини товоқ узра бир оз тутиб тургач:

- Қани, Оллоҳнинг номини айтиб, енглар, - дея марҳамат қилдилар.

Уч оч одам бисмиллоҳни айтиб ейишга тушди. Қоринлари росмана тўйди ҳам, аммо товоқдаги хурмо камаймади. Ниҳоят, яхшигина тўйиб, дастурхондан қўлларини тортишганида товоқда ҳамон етти дона хурмо турарди. Бу хурмолар эрталаб ейишга олиб қўйилди ва яна ҳазрати Билолнинг (р.а.) халтасига солинди.

Бомдод намозидан кейин Расулуллоҳ (с.а.в.) Ирбодга мурожаат қилдилар:

- Егани нарсаларингиз борми?

Ирбод кўнглидан: «Қанақа ейдиган нарсани айтяпсиз, эй Оллоҳнинг пайғамбари?» деган савол ўтаётганини англатиб турган боқишлар билан боқди. Йўқ дея олмади, бор деб ёлғон ҳам сўзлай олмасди. Шунда Пайғамбар жанобимиз Билолга кеча ортган хурмоларни олиб келишга буюрдилар.

Хурмолар идишга бўшатилади. Жанобимизнинг муборак қўллари яна уларга тегди. Сўнгра ўша ерда турган ўн киши емакка таклиф этилди. Қўллар орқама-кейин идишга чўзилар, биттадан хурмо олиб қайтар, у оғизга солингач, иккинчи, учинчи хурмолар олинар, лекин идишдаги хурмолар ҳеч камаймас эди. Ниҳоят, ўн киши росмана нонушта қилиб, тарқалишди. Ортган хурмоларни Расули акрам жанобимиз ўша атрофда ўйнаб юрган бир болакайга берган эдилар, у шод-хуррам бўлиб, яна ўйинига қайтди.

Табукка келишганига йигирма кун бўлди, лекин ҳали-ҳамон душман кўринмасди. Энди қайтилса ҳам бўладиган бўлиб қолди. Мадинадан йўлга чиққанларидан бери ҳис этилган озиқ-овқат қийинчилиги охирги чегарасига етиб келган эди. Баъзиларни йиқитди, энди бутун қўшиннинг ҳолини танг қила бошлади. Ақлга келган ягона чора - улов ҳайвонларини сўйиб овқат ҳозирлаш эди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ўзлари ҳам вазиятни кўриб турибдилар. Шунинг учун бу охирги чорага изн бердилар. Туясини сўйган одам бошқа биродарининг уловидан фойдаланиб туриши эслатилди.

Қўшин оралаб айланиб юрган ҳазрати Умар (р.а.) уч-беш киши бир туяни сўйишаётганини кўриб қолди.

- Нима қилаётганларингни билияпсизларми? - деди.

Ахволни тушунтиришган эди:

- Бу ишга озгина шошмай турунлар, - дея тиззалари боғланган, сўйилаётганини ҳис этиб хўн-хўн йиғлаб турган туяни кутқариб қолди. Кейин тўғри жаноби Пайғамбаримизнинг хузурларига борди.

- Эй Оллоҳнинг расули, аскарлар от-уловларини сўя бошлашпти. Бунга сиз рухсат бердингизми? - деб сўради.

-Ҳа.

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари, бунинг ўрнига буюринг: ҳамма ўзида бор емагини олиб келсин, сиз унга барака тилаб Оллоҳга дуо қилинг. Мужоҳидларга ҳали бу ҳайвонлар керак бўлади, - деди.

Таклиф маъқул қўрилди. Ва шу ондан эътиборан қўшин сафларини оралаб, миниладиган ҳайвонларнинг сўйилмаслиги, қўлларига бор емаклар Пайғамбаримиз хузурларига келтирилиши ҳақида жар солиб чиқилди.

Бутун қўшиндан тўпланган озиқ-овқат ўртага ёйилган рўмолни ҳам тўлдирмади. Бир миқдор ун, ёғ, арпа ва хурмодан иборат эди бор нарса. Биттагина рўмол устида тўртта бошқа-бошқа тўп пайдо бўлган эди. Энди ишнинг бу ёғи Оллоҳда ва расулида қолди. Пайғамбарлар сарвари (с.а.в.) таҳорат олдилар, икки ракат намоз ўқидилар, қўлларини кўтардилар ва Мавлоларига ёлвордилар. Сўнгра қўшин аҳлига қараб, озиқ-овқатларни қопларига тўлдириб олишларини амр қилдилар.

Навбатма-навбат келиб ҳамма қопини тўлдириб кетаверди. Соатларча давом этди бу иш. Қўшин орасида емакка ниқ тўлдирилмаган битта ҳам қоп қолмади. Энди то Мадинага боргунча ҳам очлик сикинтиси чекилмайди. Аскарларнинг юзида мамнунлик излари балкиган, кўзларда севинч шуълалари жилоланар эди. Расулulloҳ жанобимиз асҳобларининг орқасидан оёққа турдилар.

- Мен Оллоҳдан бошқа ҳеч бир маъбуд йўқлиги ва ўзим Унинг пайғамбари эканимга гувоҳлик бераман. Яна, бу имонда турган одамни Оллоҳ дўзах оловидан асрашига ҳам гувоҳлик бераман, - дея марҳамат қилдилар.

Юракларни забт этган бир мўъжиза сўнгида жаноби Пайғамбаримизнинг бу сўзларни сўзлашлари мўъжизаларнинг асл эгаси Улуғ Мавло эканига ҳам бир ишорат ҳисобланиши лозим эди.

Қўшин гувоҳ бўлган мўъжизаларнинг илки эмасди бу. Йўл бўйича сувларнинг қайнаб кўпайиши, ёмғирнинг ёғиши, хурмога барака кириши каби қанчадан-қанча мисолларни ҳамма кўрди. Мўминларнинг қалблари бу ишлар туфайли яп-янги, топ-тоза имонга қовушаркан, мунофиқларда ҳеч бир яхши ҳол сезилмас, фақат нифоқ туйғулари ортар, фақат юракларидаги хасталиклар қайталаб қолар эди.

Қайтиш бошланди. Кечаси мунофиқлардан қораюракли ўн иккитаси бирлашди. Расулulloҳнинг жонларига қасд қилишга келишишди. Бир водий чеккасидан ўтаётиб, йўлнинг энг тор жойида у зотни уловларидан йикитиб, ўлдириш режасини тузишди.

Туяларига минишди. Кеча қоронғу-зимистон эди. Бунинг устига, юзларига ёпинчиқ-ниқоб тортиб олишди.

Жаброили амин тушди, уларнинг кирдикорларидан хабар берди. Буни эшитган Расули мухтарам (с.а.в.) қўшинга водий йўлини тутишни буюрдилар. Ўзлари тепарокдан, пистирма қўйилган йўлдан бордилар. Ёнларида Аммор билан Абу Ҳузайфадан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Бири туянинг юганидан ушлаб борар, иккинчиси орқадан келар эди.

Йўлнинг энг тор жойига келишган пайт пистирмадаги ўн икки киши олдиларидан тўсиб

чиқди. Расулulloҳ жанобимизни ўртага олишди. Сикиб келаверишди. Шу он Абу Ҳузайфа (р.а.) Пайғамбаримизнинг амрлари билан қўлидаги калтакни уларнинг уловлари юзларига солиб қолди. Туялар оркага тисланди. Шўрликлар қўлларини, юзларини кир қилган бу

ишни ярмида ташлаб, қўшин ичига аралашиб кетишни маъқул кўришди. Туяларининг бошини водийга буриб, тез жўнаб қолишди.

Аммор ҳам, Абу Ҳузайфа ҳам ҳеч бирини илғай олишмади. Пайғамбарлар сарвари (с.а.в.):

- Уларни илғадиларингми? - деб сўрадилар.

- Йўқ, эй Оллоҳнинг расули, илғаймадик. Аммо туяларидан баъзиларини танигандай бўлдик, - дейишди.

Салдан кейин Жанобимиз (с.а.в.) Абу Ҳузайфа билан ёлғиз қолиб, бу мунофиқларнинг исмларини унга биттама-битта айтиб бердилар ва:

- Асло бировга айтма! - деб огоҳлантирдилар.

Бундан буён Абу Ҳузайфа сир хуми ўларок яшайжак, пайғамбарлар султониға жуда яқин одамларға ҳам бу мавзуда ҳеч нарса айтмаяжак. Расулulloҳнинг кўзқорачўғи бўлган Умар ибн Хаттобдай инсон ундан мунофиқларнинг кимлигини билиб ололмагач, бундан буён ким ўлса, Абу Ҳузайфани ахтараяжак, агар у жаноза намозида катнашса, у ҳам ўқияжак, кимнинг жанозасидан ўзини тортса, «Ҳм-мм... энди билдим сенинг кимлигингни...» деб у ҳам ўқимаяжак.

Усайд ибн Худайр бир ишдан ажабланди: Расулulloҳ (с.а.в.) асҳобларини водийға йўллаб, нега ўзлари тор ва хавфли йўлни танладилар экан?.. Ҳеч кизикиши сўнмади. Охири келиб, ўзларидан сўраб, ҳолатни аниқлади.

- Уларни бизға билдиринг, бўйинларини узиб ташлайлик, эй Оллоҳнинг пайғамбари! - дедиғайратикўзиб.

Жанобимиз бу таклифни қабул этмадилар. Усайд қистайвергач:

- «Мушрикларни енгиб, қувватланиб олиб, энди ўзининг биродарларини ўлдира бошлади», дейишларини хоҳламайман, - дедилар.

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари, улар сизнинг биродарларингиз эмас!

Усайд ҳақиқатни айтаётган эди. Уларнинг ҳазрати Пайғамбарға душманликдан бошқа ҳеч бир ортикчаликлари йўқ эди. Аммо-лекин, тилларида бўлса ҳам, шаҳодат калималарини айтишгани уларға мусулмон муомаласи кўрсатилишини такозо этар, кўринишда ҳам бўлса, Пайғамбар асҳоби қаби бир хусусият берар эди.

Қуро водийға келишганида боғ эгаси хотинни чакириб келишди.

- Қанча хурмо ҳосил олдинг? - деб сўрашди.

- Ўн юк хурмо олдим, - деб жавоб қилди хотин.

Табукка кетишда хурмо ҳосили қанча чиқиши хусусида тахминлар қилинган, Жанобимиз ўн юк чиқишини чамалаган эдилар.

Сафар давом этди.

Бу сафарда қатнашган мунофиқлар фақат икки нарсаға эришишди: чарчоқ ва келажакда кўражаклари азоб устиға азоб... Улар бу сафарға фурсат топилди дегунча бузғунчилик чиқариш ва бордию бир уруш қилинса, ўлжа қўлга киритиш учун қўшилишган эди. Йўл бўйи қилган бир-икки уринишлари натижасиз қолди. Жанг қилинмагани учун ўлжа ҳам йўқ. Буларнинг ўрниға Оллоҳнинг лаънати ва ғазабинигина қўлга киритишди. Келажакда бу қилган ҳар бир ишлари учун битта-битталаб сўроққа тортилишаяжак, ҳисоб беришаяжак эди.

Муҳожир ва ансорлар учун эса, бу йўлчилик раҳмат ва мағфират йўлчилиги бўлди. Жуда кўп қийинчилик тортишди, катта сиқинтиларға кўкрак тутишди, аммо бу йўлчилик уларнинг ич оламларини пиширди, етилтирди. Бунинг устиға, улар эришган ажр ва савоб ҳам юксак даражаларда эди.

Йўлда Расули кибриё (с.а.в.) жанобимиз мўминларға ушбу муборак сўзлар билан хитоб қилдилар:

- Мадинада баъзи одамлар бор, сизлар ўтган ҳар водийни улар ҳам кечиб ўтдилар. Сизлар борган ҳамма жойда улар ҳам бирга бўлишди.

Нигоҳлар муттакийлар имомига (с.а.в.) каралди. Асҳоби киромнинг бу нигоҳларида: «Сал тушунтириб беринг бу сўзларни, эй Оллоҳнинг пайғамбари», деган маънолар бор эди. Севикли пайғамбаримиз тушунтирдилар:

- Уларни бу йўлчиликдан узр тўсди, холос, - дедилар.

Яъни, бу билан: уларнинг кўнгиллари доимо сизлар билан бирга эди, узрлари бўлмаганида албатта сизлар билан бирга йўлга чиққан бўлишарди, демокчи эдилар.

Бу тушунтириш билан жаноби Расулulloҳ (с.а.в.) қалбдаги ният, ихлос ва самимиятнинг қийматини мукамал бир тарзда англаган бўлдилар.

Аммо ҳеч бир узрсиз Мадинада қолганларга қанақа ҳукм чиқажак?

То шаҳарга келгунча бу каби саволларни ҳеч хаёллардан чиқариб ташлаб бўлмади.

Узоқдан Мадина кўрина бошлади. Пайғамбар жанобимизнинг юзларида қувонч аломатлари кўринди.

- Мана тоба (тоза ва хуш шаҳар - Мадина)! - дедилар. Кейин нигоҳларини юзга яқин шаҳид кўмилган томонга қаратиб:

- Мана Ухуд тоғи!.. У бизни севади, биз ҳам уни севамиз, - деб марҳамат қилдилар.

Мадинанинг шундоқ остонасида Зуавон деган жойга тушишди. Ўша ерлик бир гуруҳ кишилар Пайғамбар жанобимизни қаршилади:

- Эй Оллоҳнинг расули, Табукка кетаётганда, келиб масжидларингизни кўраман, ичида намоз ўқийман, деб ваъда қилган эдингиз, марҳамат этинг, - дейишди.

Аммо Пайғамбаримиз ўринларидан турмадилар. Чунки Жаброили амин келган эди. Ундан ваҳийни олиб, ўшанга кўра иш қилганга нима етсин. Ваҳий фариштаси севикли Пайғамбаримизнинг муборак юракларига ушбуларни нақшлай бошлади:

«Яна шундай кимсалар ҳам борки, улар (мўминларга) зиён етказиш, куфрни (кучайтириш) ва мўминлар ўртасига тафриқа солиш ҳамда илгари Оллоҳ ва расулига қарши урушган (бир) кимсага кўз тутиш учун (яъни, фитна юзасидан) масжид қуриб олдилар. Яна: «Биз фақат (бундан) яхшиликнигина истаган эдик», деб қасам ҳам ичадилар. Оллоҳ гувоҳлик берурки, улар, шак-шубҳасиз, ёлғончидирлар! (Эй Муҳаммад!) Ҳеч қачон у масжидда (намозга) турманг! Биринчи кундан такво асосига қурилган масжид борки, сиз ўшанда туришингиз лойиқроқ. Унда покликни яхши кўрадиган кишилар бордир. Оллоҳ эса ўзларини мудом пок тутувчи зотларни севар. Бас, (масжид) биноларини Оллоҳдан кўркиш ва унинг розилиги асосига қурган киши яхшироқми ёки биноларига емирилаётган жар ёқасини асос қилиб олиб, шу сабабли (ўзи ҳам) жаҳаннам ўтига қулаган кимсами? Оллоҳ бундай золим қавмни ҳидоят қилмас. Қурган биноларининг (бузиб ташланиши) уларнинг кўнгилларида шак-шубҳа бўлиб қолур. Магар юраклари ёрилиб (жонлари чиқиб) кетсагина (шак-шубҳа ҳам йўқ бўлур). Оллоҳ билим ва ҳикмат эгасидир»*.

У бино кўринишда ибодатхона бўлса-да, аслида фасод уяси. Бу одамлар ҳам кўринишда имонли, аммо юраклари куфр ва нифокқа тўла. Бу «масжид» ва бу одамлар нақадар бир-бирларига ўхшайди...

Буни «Дирор масжиди» дейишарди. Унинг пайдо бўлиши сабаби ва уни қурганларнинг қалбларини тўлдирган тушунчалар шундай очиб ташланди... Пайғамбар жанобимиз у ерда намоз ўқимаяжаклар, аксинча, у бинони ёқиб йиқитажаклар, у ерда тўпланиб олганларни тарқатиб юборажаклар, фитна ва фасод уруғини экишларига йўл қўймажаклар.

Дарҳол буюрдилар, бир неча киши бориб у бинога ўт қўйиб юборди. Шу тариқа номи масжид, аммо ўзи фасод уйи бўлган бу жой ўртадан кўтарилди, мунофиқларнинг дами кесилди.

Мадина Расулulloҳ (с.а.в.) бошлиқ кўшинни севинч ичида қарши олди. Жанобимиз тўғри бориб масжидга кирдилар, икки ракат намоз ўқидилар, шундан кейингина хужраларига ўтдилар.

Бу йўлчиликда Оллоҳнинг севиклисига йўлдош бўлган ва буюрган вазифаларини шаънларига лойик бир тарзда бажарган онамиз Умму Салама (р.анхо) ҳам дам олиш учун хужраларига кирдилар.

Ўртада сафарга катнашмаганлар масаласи турарди. Энди навбат шуни ҳал этишга келди. Баъзиларни сафардан касалликлари ё кўзлари кўрликлари тўсган, агар бу каби узрлари бўлмаганида юзда юз бу сафарга боришлари аниқ эди. Бундайлар хақида Жанобимиз ҳам йўлдаликларидаёқ етарли тушунтириш берганлар, худди борганлар билан биргадай мукофот олишларини айтганлар. Улар кимлар эканини Улуғ Мавло ўзи билади. Эртага ҳузурига келишганида «Ўзларинг боролмаган бўлсаларинг ҳам, кўнгилларингни борганлар билан бирга кўшиб юборганларинг учун Табук ғазотидан сизларга теккан улуш мана, олинглар!» дейди, кўпларнинг кўзини мошдай очтирадиган буюк мукофотни такдим этади. Ниятлари тузук бўлган бу одамлар ҳеч нарса йўқотишмаган, аксинча, қозонишган эди.

Узр-маъзурлар бошланди.

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари! Мен касал эдим, иситмам шундай бир кўтарилиб кетди, ўрнимдан кўзғалолмай қолдим. Бунақа бўлмаганимда, Оллоҳга қасам, сиздан айрилмасдим, бу ерда қолмасдим!..

Бу хил қасамлар билан оламлар Эгасининг севиклиси ҳузурларига келганлар сони хийлагина кўп эди.

- Сизни пайғамбар қилиб жўнатган Оллоҳга қасам ичаман, туя устида ўтира оладиган соғлиғим бўлганида тўхтамай кетардим. Мен учун Жаноби Мавлодан кечирим сўраб берсангиз...

Бу узрни тўқиб ҳузурларига келган одамга Пайғамбаримиз (с.а.в.):

- Оллоҳ сени кечирсин, қани, боравер! - деб қўйдилар.

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари, мен учун ҳам кечирим сўраб беринг. Боролмадим, аммо сиқилиб ич-этимни адо қилдим. Оллоҳга қасам, бу касалликдан энди турмасам керак деб ўйловдим.

- Оллоҳсенихам кечирсин.

Ўтимли узрларим бор, дея кетма-кет қасамлар ичганларнинг сони саксондан ошарди. Бу узрларини тинглаб, бирон-бир эътироз қилмаган Пайғамбарни улар ишонтирдик деб ўйлашар, мийиқларида кулимсираганча, ғалабаларини нишонлашар эди. Шунча қийинчилик чекилганига қарамай ўлжасиз, қуруқ бориб қуруқ қайтган, минг бир захматлар билан йўл босиб келганларга қараб, мана, биз ишни осонгина ҳал этдик, деяётгандек бўлишарди.

Аммо ҳаммани доимо кўз остида тутиб тургувчи Улуғ Мавло қалбларининг сирларидан ҳам хабардор. Улар Ҳабиби акрами ҳузурига келиб минг қасам ичишмасин, жазолари бекор бўлиб қолмайди.

Ниҳоят, Каъб ибн Молик келди. Жанобимиз (с.а.в.) ҳузурларида тиз чўкди.

- Сени нима ушлаб қолди? Ақобадаги келишувимизда менга ёрдам беришга доир сўз бермаганмидинг? - деб сўрадилар Оллоҳнинг расули.

Бошқалар-ку бир ҳаракат билан осонгина сувнинг у ёқасига ўтиб олишди. Улар ўтган кўприқдан бу ҳам ўтса бўларди. Зотан, Каъб ҳам бирмунча пайт Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларида ҳар хил баҳоналарни тўқиб ёқасини қутқариб олишни хаёл қилган эди. Аммо оламлар Эгасининг расули (с.а.в.) келиш вақтлари яқинлашгани сайин, бу йўлнинг боши берк, деган тушунча оғир боса бошлади. Қўшин шаҳарга кириб келиши билан бу тушунчалар ҳам хаёлини тарк этди.

- Ҳа, эй Оллоҳнинг пайғамбари! Бошқа одамнинг ҳузурларида бўлсайдим, уни хурсанд қиладиган гапларни айта олардим. Чунки мен мантиқли ва чиройли гапиришни қойиллатадиган бир одамман. Аммо мен шунга ишонаманки, бугун ёлғон гаплар билан сизни қониқтира олганим билан Оллоҳ таоло менинг ёлғонимни очиб ташлайди, сиз ҳам

мендан ғазабланасиз. Агар ўзимни ҳимоя қилмасдан тўғриси айтсам, балки сизнинг аччиғингиз келар, лекин Оллоҳнинг кечирлишига умид қолади, - деди.

Каъбнинг бу жўяли сўзлари ҳавони бирдан ўзгартириб юборди. Эшитиб турган одамларни ҳаяжонга солди. Сўзлар кулоқлардан ҳам олдин натижа истаб у зотга чеврилди. Бир пайтлар ҳидоятнинг энг буюк йўлбошчиси (с.а.в.) айтган: «Зарарингизга бўлса ҳам, доимо тўғриси сўзланг!» буйруқлари, мана, ҳозир энг чиройли бир шаклда бажарилган эди. Каъб гапида бундай давом этди:

- Оллоҳга касам, менинг ҳеч қанақа узрим йўқ. Олдинги ҳеч бир ғазотда ҳозиргичалик куч-қувватим бўлмаган, ҳозиргичалик моддий имконим ҳам йўқ эди.

Овозида самимият, пушаймонлик бор эди. Берилажак жазодан кўркув ҳисси бу овозни яхшигина чулғаб олган. Саҳобалар қизиқиш, ҳаяжон ва андиша билан пайғамбарлар ва расулларнинг имоми жанобимизнинг муборак оғизларидан чиқажак ҳукми кута бошлашди. Пайғамбаримиз уларга ўғирилдилар:

- Каъб тўғриси гапирди, - дедилар.

Юраклар секин ва кўркув қоричиқ туйғуларга тўлди. Тўғри гапиргани унинг фазилати, аммо қилиб қўйган иши жазога лойиқ эди. Ҳолбуки, юрагини қийнамаган уч-тўрттаси келиб, оғизларини кўпиртира-кўпиртира қасамларни сув қилиб ичди, ёқаларини қутқариб кетди.

Расулulloҳ (с.а.в.) Каъбга дедилар:

- Энди боравер, сенинг ҳақингда Оллоҳнинг ҳукмини кут.

Каъб ўрнидан туриб, масжиддан чиқди. Салима қабиласидан баъзилари унинг ортидан эргашишди.

- Яхши қилмадинг сен, эй Каъб, - дейишди. - Шу пайтгача тўғри ҳаёт яшадинг. Анавиларга ўхшаб сен ҳам бирон узр айтганингда, Пайғамбар (с.а.в.) ҳам сенинг кечирлишинг учун дуо қилганларида, олам гулистон эди. Бошинга ўзинг бало орттириб олдинг. Шунча одам ўзига узр топганида битта сенга топилмай қолдимми?..

Атрофидан унга бу каби маломатлар ёғилаверди. Ҳаммасининг ҳулосаси бир: Каъб хато иш тутди. Гап-сўз кўпайиб кетганидан Каъб ҳатто, орқага қайтайинмикан, масжидга бориб: «Эй Оллоҳнинг пайғамбари, бир оз олдинги гапларимга эътибор қилманг, менинг ҳам ундай-бундай узрларим бор эди...» деймикан, деган ҳаёлга ҳам борди. Сўнгра бирдан ҳушини йиғди.

- Менга ўхшаб очиқча, тўғриси айтганлар яна борми? - деб сўради.

- Ҳа, икки киши бор: Ҳилол ибн Умаййа билан Мурора ибн Рабиъ, - деб жавоб қилишди. - Улар ҳам сенга ўхшаб гапиришди. Расулulloҳ уларга ҳам сенга айтган гапларини айтдилар.

Каъб ҳозиргина ҳаёлига келган фикрдан қайтди. Энди ундаги иккиланишдан асар ҳам қолмади. Очиғини айтиб тўғри қилганига ишончи ортди. Унга қандай жазо тайин этилмасин, буниси унча муҳим эмас. Ёлғон гапириб кечирлишдан кўра, тўғриси айтиб жазо олиш унга сеvimли эди.

Жазонинг илк босқичини оламлар парвардигорининг севиклиси (с.а.в.) тайинладилар: ҳеч ким бу уч одам билан гаплашмайди.

Буйруқ айнан татбиқ этилди. Шу даражадаки, бу учаласи ўзларини ҳеч ким танимайдиган бегона шаҳарда яшаётгандек ҳис эта бошлашди.

Ниҳоят Расули ақрам (с.а.в.) янги тушган оятларни саҳобаларига ўқиб бердилар:

- «(Эй мўминлар,) сизлар уларнинг олдига қайтган вақтингизда, улар (ғазотга бора олмаганлари учун) сизлардан узр сўрайдилар. Айтинг: «Узр сўраманглар! Сизларга ҳаргиз ишонмаймиз. Оллоҳ бизни сизларнинг ҳоли-хабарларингиздан огоҳ қилди. Шубҳасиз, амалларингизни Оллоҳ ва расули кўриб турибди. Сўнгра ғайбу шаҳодатни (яъни, яширин ва ошқора ишларнинг ҳаммасини) билгувчи Зотга (Оллоҳга) қайтарилурсизлар. Бас, у сизларга қилиб ўтган ишларингизнинг хабарини берур». Уларнинг олдига қайтиб борган вақтларингизда улардан юз ўғирликларингиз учун (яъни, айбламасликларингиз учун) сизларга ўзларининг ростдан

ҳам узрли эканларига) Оллоҳ номи билан касам ичадилар. Бас, улардан юз ўғиринглар! Чунки улар нопокдирлар ва қилмишлари (яъни, мунофиқликлари) жазосига жойлари жаҳаннамдир. Улардан рози бўлишларинг учун сизларга касам ичадилар. Агар сизлар улардан рози бўлсаларинг ҳам, Оллоҳ бу итоатсиз қавмдан ҳеч рози бўлмайди»*.

Бу оятлар Каъбни ўртага олиб, нега сен ҳам бирон узр топиб қўяқолмадинг, дея айблаганларни ўзларига келтирди. Ўшанда гапимизга кирмай яхши қилган экан, дейишди.

Ҳилол билан Мурора кекса кишилар эди. Уйларига бикиниб олиб, қайғуга ботиб, натижани кутиб ётишди. Ора-сира кўзёшлари тўкишар, фақат ялқовликларидан келган гуноҳнинг кечирилиши учун Улуғ Мавлога дуолар қилишар эди.

Каъб уларга қараганда ёш эди. Уйида ётиб олмади, кўчаларда, бозорларда юрди, масжидга келиб намоз ўқиди. Кўчада ҳам, масжидда ҳам ҳеч ким унга гапирмас, салом бермас, бирон нарса сўраса, жавоб қилмас эди. Кунлар чўзилиб кетаётгандек туюла бошлади Каъбга.

Баъзан масжидга бориб салом берарди-да, кўз қири билан Расули акрам жанобимизни кузатар, лаблари қимирлаб-қимирламаганини пойлар эди.

Каъб намоз ўқиб турганида Пайғамбаримиз унга қараган пайтлари ҳам бўлди. Аммо кўпинча муборак юзларини бошқа томонга ўғирар, нигоҳлари дуч келиб қолишини хоҳламас эдилар.

Энди у Мадинада одамлар орасида ғирт бегонадек бўлиб қолди. Бирон киши билан гаплашишга, дардини англатишга имкон йўқ. Шундай эзилиб юрган кунларидан бирида яхши кўрган ўртоғи Абу Қатоданинг боғига келди. Деворга осилиб ичкари қаради.

- Эй Абу Қатода! - дея чақирди. - Оллоҳ учун айт: менинг Оллоҳни ва расулини севадиган одам эканимни сен билмайсанми?

Абу Қатода бу гапларни эшитмагандек тураверди. Жавоб қайтариш тугул, қаршисида одам турганидан ҳам хабарсиздай, жонсиз бир нарсага қарагандай қараб тураверди. Каъб сўзларини яна такрорлади. Аҳвол ўзгармади. Учинчи марта ҳаяжонли ва асабий бир ифода билан:

- Эй амакимнинг ўғли, менинг Оллоҳни ва расулини севадиган одам эканимни сен билмайсанми? - деган эди, Абу Қатода:

- Оллоҳ ва расули билади... - дейиш билан кифояланди.

Сўз шу ерда кесилди. Абу Қатода бу гапи билан: «Сенинг туйғу ва хаёлларингни ҳам, сенга қилиниши керак бўлган муомалани ҳам Оллоҳ ва расули билади», демоқчи эди. Каъб кўзларидан ёшлар оққанча, яна девордан тушди, кетди.

Ҳам амакисининг ўғли, ҳам энг яқин дўсти бундай қилиб турганидан кейин бошқасининг олдига бориши маъносиз эди. Эртаси у бозорда айланиб юрганида бир бегона одам атрофидагилардан нимадир сўраётганини кўрди. Улар у ёқ-бу ёққа қараб, Каъбга ишора қилишди: мана шу одам, дегандек бўлишди. Бегона унинг ёнига келди.

- Каъб ибн Молик сенмисан? - деб сўради.

Ў-ў, неча кунлардан бери унинг ҳам ёнига бир одам келди, у билан гаплашди!.. -Ҳа, менман. Нимагайди?

- Мен савдогарман. Буғдой олди-соттиси билан шуғулланаман. ўассон амири Ҳорисдан сенга бир хат олиб келдим, - деди у бегона ва хатни узатди. Вазифасини адо этиб бўлган сифатида яна йўлига кетаверди.

Каъб хатни очди. Унда: «Биродаринг сенга азият бераётганини эшитдим. Ҳолбуки, сен иззат-икромга лойиқ одамсан. Хўрланиш сенинг шаънингга ярашмайди. Ёнимизга келсанг, икром кўрасан», деб ёзилган эди.

Демак, хабар у ёқларгача етиб борибди-да. Каъб иккиланиб ўтирмади. Буниси ҳам яна битта бало ва имтиҳон, деди-да, тўғри уйига бориб, хатни шартта тандирга отди. Алангасини томоша қиларкан, бунақа эзгин бир ҳолатда юрагини мойил қилиб қўймагани учун яратган Эгасига мактовлар ёғдира бошлади.

Пайғамбар (с.а.в.) ҳузурларида айбини тан олганидан бери орадан роппа-роса қирқ кун ўтди.

Бир пайт эшиги тақиллади.

- Расулulloҳ хотинингдан айри бўлишга буюрдилар.
- Бу айри бўлиш ажрашиш маъносидами? - деб сўради Каъб.
- Йўқ. Иккинчи буйруқ келмагунича бирга ётмайсизлар.
- Оллоҳ пайғамбарининг буйруқлари бошим устига.

Хабар келтирган одам изига қайтиб кетди. Каъб ичкари кирди. Икки дакика ўтар-ўтмас шу эшикдан хотини чиқди. У вақтинчага отасининг уйига йўл олган эди.

Ҳилолнинг хотини келди. Рухсат олиб, ичкари кирди.

- Эй Оллоҳнинг расули, Ҳилолни мендан бошқа турсин дебсиз. У анча қариб қолган, ўзини ўзи эплай олмайди ҳам. Рухсат берсангиз, ёнида қолиб хизматини қилиб турсам, - деди.

- Жуда яхши, фақат, сенга яқинлашмасин.

- Ўзи зўрға юрибди-ю, қандай яқин бўла олади. Унинг устига, ўша кундан бери йиғлагани йиғлаган.

Шундай деб хотин уйигақайтди.

Ҳазрати Расулulloҳ (с.а.в.) Ҳилолнинг хотинига эри ёнида қолишга рухсат берганларини Каъбга етказиб, сен ҳам бориб рухсат сўрагин-чи, дейишганида Каъб бу таклифни қайтарди:

- Мен ёшман, Расулulloҳ рад этишлари мумкин. Мен сабр қилишга қарор берганман, - деб жавоб қилди. Кунларини ёлғизликда ўтказаверади.

Хотинлардан айри туриш буйруғи келганидан ўн кун ўтган, шу тариқа жами эллик кун бўлган эди. Каъб шу куни бомдодга масжидга чиқмади, намозни уйнинг томида ўқиди. Намозни тугатгач, хаёли қочиб, хазин бир кайфиятда ўтираверди. Нигоҳлари кўк юзида, уфқларда, руҳи қаттиқ бир босқи остида эди. Худди осмон тепасидан босиб тургандек, уфқлар коворғаларини қисаётгандек бўларди. Дунё торми-кенгми экани унга билинмай ҳам қолган. Кўзларидан ёшлар оқади, лаблари шивирлаб: «Оллоҳим, сен меҳрибонларнинг энг меҳрибонисан!» дерди.

Ниҳоят бир ёқлардан, Сел тепалиги томонлардан қандайдир овоз келаётганини эшитди:

- Суюнчи!.. Суюнчилар бўлсин, эй Каъб! - деб бақириб келарди кимдир.

Каъб сакраб туриб кетди, қулоғини динг қилди. Айни овоз айни сўзларни яна такрорлаганини эшитди. Сал ўтмай чанг-тўзон кўтариб келаётган бир отликни кўрди. Бу отлик ҳам шу гапларни айтиб келарди.

Каъб бу хушxabарни келтирганни хурсанд қилмоқчи бўлди. Суюнчисига эгнидаги икки парча либосни ечиб берди. Бошқа кийими ҳам йўқ эди. Қўшнилари қарзга бир кийим олиб, одам болалари ичида энг азизи бўлган зотнинг (с.а.в.) хузурларига шошилди.

Энди тиллар ечилган, мўминлар кўчаларга чиқиб, уни тавбаси қабул бўлгани билан табриклашар эди. Тўғри келиб масжидга кирди. Жанобимиз жамоат ичида ўтирган эканлар. Талха Каъбни кўрган заҳоти ўрнидан туриб, қўлларидан тутди:

- Тавбангнинг қабул этилгани муборак бўлсин! - деди.

Очиқ чехралар, севинч тўла кўзлар ҳаммаси Каъбга қаратилган, Пайғамбаримизнинг муборак юзлари ҳам порлар эди.

- Онадан туғилганингдан бери сен учун энг яхши куннинг хушxabарини қабул эт, - дея марҳамат қилдилар.

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари, бу хушxabар сизданми ёки Оллоҳданми? - деб сўради Каъб ҳовлиққанча.

- Оллоҳдан келган ваҳийга асосланган хушxabар бу!

Каъб Расули акрамнинг (с.а.в.) ёнларига чўқди. Бу орада Ҳилол билан Мурора ҳам келишди. Улар бу муждали хабарни Жанобимиздан олишган эди. Сўнгра Оллоҳнинг расули янги тушган оятларни дона-дона қилиб ўқий бошладилар:

«Ҳақиқатан, Оллоҳ пайғамбарининг, муҳожирлар ва ансорларнинг тавбаларини қабул қилди. Улардан бир гуруҳнинг диллари (ғазотдаги қийинчилик ва ташналик сабабли) тойилаёзганидан

кейин оғир соатда унга (яъни, пайғамбарга) эргашган эдилар. Сўнг уларнинг тавбаларини (Оллоҳ) қабул қилди. Албатта, у зот мўминларга марҳаматли ва меҳрибондир. Яна ўша уч кишининг (тавбаларини ҳам қабул қилдики), то уларга кенг ер торлик қилиб қолгунча ва юраклари сиқилиб, Оллоҳ (нинг ғазаби)дан фақат унинг ўзига тавба қилиш билангина қутулиш мумкин эканини билгунларича (тавбалари) қолдирилган эди (яъни, тавба қила олмаган эдилар). Сўнгра (Оллоҳ) тавба қилишлари учун уларга тавба йўлини очди. Албатта, Оллоҳ тавбаларни қабул қилгувчи ва раҳмли зотдир. Эй мўминлар, Оллоҳдан кўрқингиз ва (имонларида) содик кишилар билан бирга бўлингиз!»*

Нафаслар кенг олина бошлади. Эллик кундан бери кўксларда бириккан азоблар бир онда севинч ва нашъага айланди. Кўзлардан севинч ифодаси бўлган томчилар сизилиб чиқаверди.

- Эй Оллоҳнинг расули! Тавбамнинг қабули шукронасига бор молимни садақа қилиб юбормоқчиман.

Жанобимиз бундай қилишни тўғри деб топмадилар.

- Молингдан бир қисмини олиб қолганинг ўзингга яхши бўлади, - деб марҳамат қилдилар.

- У ҳолда Хайбардаги ҳиссам ўзимда қолсин, бошқалари Оллоҳ ризоси учун садақа бўлсин. Эй Оллоҳнинг расули, Улуғ Мавло мени тўғри гапирганим учун қутқарди. Сизнинг ҳузурингизда сўз бераман: умрим охиригача асло ёлғон сўзламайман!

Дунёда ёлғончилик билан қутулиб қолдик деб ўйлаганлар балога йўлиқишажак, минг пушаймонлар ейишажакдир.

ЭЪТИКОФ ПАЙТИ КЕЛГАН ЗИЁРАТЧИ

Расулуллоҳ (с.а.в.) агар сафарда бўлмасалар, рамазон ойининг охирги ўн кунини масжидда эътикофда ўтказар эдилар. Масжиднинг қиблага кўра чап томонида ўтирар, оғизларини шу ерда ёпиб, шу ерда очар, жуда зарурий эҳтиёжлари учунгина ташқари чиқар, таҳорат олиб яна жойларига қайтар эдилар.

Баъзан бошларини ёнларидаги деразадан уйлари томон чиқариб, хотинларидан қайси бири бўлса, ўшанга сочларини таратар эдилар. Ойиша онамизнинг бу борада тотли хотиралари бор.

Бир кеча Сафийя онамиз (розийаллоҳу анҳо) эътикофдаги Жанобимизни зиёрат этгани келди. Бир оз ўтирди, суҳбатлашишди. Сўнгра олиб келган емакларини ташлаб, ўрnidан кўзгалди.

Вақт кеч бўлиб қолган эди. Расулуллоҳ (с.а.в.) хотинларини ёлғиз жўнатгилари келмай, кузатиб чиқдилар. Сафийя онамиз Усома ибн Зайднинг уйида турар эди, ўша томон кета бошлашди.

Шу онда мусулмонлардан икки киши улар томонга келишарди. Пайғамбаримизни бир аёл билан бирга кўриб, одимларини тезлатишди. Тез бу ердан узоқлашиш пайида эди улар. Жанобимиз ҳолни англадилар ва дарҳол:

- Эй биродарлар, шошилманглар. Ёнимдаги аёл хотиним Сафийя бинти Хўйайдир, - деб овоз бердилар.

Ҳалиги икки киши тўхташди. Ҳаяжонли ифода билан:

- Субҳаналлоҳ!.. Эй Оллоҳнинг расули, бошқа одам ҳақида гумон қилсак ҳам, сиз ҳақингизда бунақа гумонга бормаймиз, - дейишди.

Расули акрам (с.а.в.) билдиришларининг сабабини бундай тушунтирдилар:

- Инсон вужудида қон қандай айланса, шайтон ҳам шундай айланиб юради. Сизларнинг кўнгилларингизга ҳам ёмонлик уруғини ташлаб қўймасин тагин деб андиша қилдим.

Бу билан одам тадбирли бўлиши лозимлигини, ёмон гумонга сабаб бўладиган ишлардан узоқ

юришнинг аҳамиятини кўрсатиб бердилар гўё. Сўнгра ҳар кайсилари ўз йўлларига кетишди. Сафийя онамизни кузатиб қўйиб, Жанобимиз тагин эътикофга қайтдилар*.

ИБН САЛУЛ

Тўққизинчи йилнинг Рамазон ойи мунофиқлар учун оғир келди. Машҳур мунофиқ Абдуллох ибн Убай (ибн Салул) тўшакка михланди. Касаллик бу гал уни жуда жиддий ёкалаган, олмагунича кетадиганга ўхшамас эди.

Муҳтарам Пайғамбаримиз (с.а.в.) ибн Салулнинг касал бўлганини эшитиб, уни кўргани бордилар. Ҳол-аҳвол сўрадилар, соғайиб кет, деб тилак билдирдилар. Тўққиз йилдан бери Пайғамбаримизга ва мусулмонларга нисбатан гоҳ яширикча, гоҳ очикча юритган хоинона хатти-ҳаракатларига қарши ҳар доимдагидай бу гал ҳам назокат билан муомала кўрсатдилар. Яна бир сафар кўргани келганларида Жанобимиз унга:

- Яхудийларга дўст бўлмасанг дейман, - дедилар.

Ибн Салул ҳали ҳам ўзининг ишлари тўғрилигига ишонган бир ифода билан:

- Асъад ибн Зурора уларнинг жаҳлини чиқарди, лекин фойдаси бўлдими? Нимага эришди бу билан? - деб жавоб қилди.

Кейин ибн Салул сўзларини бундай давом эттиргани ривоят қилинади:

- Ҳам, эй Оллоҳнинг расули, ҳозир гина-кудуратнинг пайти эмас... Сиздан истагим, жасадимни ювишаётганида ёнимда турсангиз ҳамда мана шу кўйлагингизни менга кафан қилиб берсангиз. Кафаним сизнинг кўйлагингиз бўлсин. Жаноза намозимни ҳам ўзингиз ўқиб беринг ва Оллоҳдан мени кечиришини сўранг...

Бу гаплар имонли одамга ярашадиган гаплар эди. Гуноҳкор бўлса ҳам, охиратдаги ҳисоб ва жазо кўркувига тушган юракдан чиқаётгандай эди.

Ибн Салул бу гапларни соғлом кунларида айтганида ҳазиллашяпти деб ўйланар, ҳар доимги пес одати-да, деб кечирилар эди. Ўлим аломатлари кўрина бошланган, бу ҳаётдан охират диёрига кўчиш ноғораси қоқилаётган бир кунда ибн Салул яна бир можаро чиқаряптими, яна битмас-туганмас нафратини сочяптими ва ё бу гаплари пушаймонлик аломатларими эди?..

Бошқа бир ривоятда бу истакларни Расулуллоҳга (с.а.в.) ибн Салул номидан унинг ўғли Абдуллох етказгани айтилади. Тўғрисиям шуниси бўлса керак. Чунки унинг охиратга куфр ва нифоқда кетгани кейин туширилган оятларда билдирилажак эди.

Ётиб қолганидан йигирма кун ўтиб ўлим фаришталари ибн Салулнинг ёқасига ёпишишди ва уни дунёдан айриш учун келишганини билдиришди. «Мен яна баъзи ифлос ишлар қилар эдим, бошлаб қўйган айрим фитналарим бор эди», дейишига ҳам қўйишмади. Ҳамма иш менинг кўнглимча бўлиши лозим, деб ўрганган, жаноби Расулуллоҳни шарафсиз ҳисоблайдиган даражада гўстоҳликка борган бу бадбахтни ана-мана демасдан олакетишди. Энди уни охират оламида фақат азоб ва жазо кутар эди. Ҳар томонидан қуршаган пушаймонлик унга фойда бермайди. Оллоҳ расулининг кўйлагига ўралиш тугул, кучокларида ўлиш ҳам энди унга асқотмас эди. Абадий фалокат уни қайтиб айрилмас бўлиб чулғаб олди.

Ибн Салул ўхшаши йўқ бир неъматни ўзидан қочирган, дунёсини ҳам, охиратини ҳам бузган бир бадбахт сифатида охирги нафасини берди. Имонни сотиб, эвазига куфрни олган эди у. Бу дунёда унинг савдоси фойда келтирмади, ҳидоят йўлини топа олмади.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳижрат қилиб Мадинага келишлари арафаларида қабиласи аҳли унга тож кийдириб ўзларига амир қилмоқчи бўлиб туришган, аммо Расулуллоҳнинг келишлари билан бу салтанатни қўлдан бой берган эди. Шунинг алами уни қаттиқ ғазаблантирди. Пайғамбарни ўзига душман билди ва бошқа ёқдан кийиши мумкин бўлган энг қийматли бахт тожини қўлдан чиқарди ва ўзини лаънат ҳалқасига дучор қилди...

Ўғли Абдуллох келди. Ниҳоятда хафа эди. Отасини севарди, аммо тўғри йўлда эмаслигидан

доим изтиробда юрарди. Шунинг учун ҳозир нимадир бирнима қилгиси, эндигина кўчган охират оламига орқасидан фойдали бир нарсалар юборгиси келарди. Балки бу йўлдан уни кутқариш, ҳеч бўлмаса, азобини енгиллатиш мумкин бўлар?

- Эй Оллоҳнинг расули, отам ўлди. Эгнингиздаги кўйлакни берсангиз, унга кафан қилмоқчийдим. Ювилаётганида ёнида турсангиз, жанозасини ўзингиз ўкиб берсангиз деган эдим... - деди.

Жанобимиз ғоят самимий бир мусулмон бўлган Абдуллоҳнинг истагини қайтармадилар, кўйлақларини ечиб бердилар. Абдуллоҳ ташаккур айтиб уйига қайтди. Расулуллоҳ (с.а.в.) ёнларидаги саҳобалари билан биргаликда ибн Салулнинг уйига йўл олдилар.

Жасади ювилаётганида ёнида турдилар. Навбат жанозасига келиб, Пайғамбар (с.а.в.) саф тортган одамлар олдига туриш учун энди бораётганларида кимдир ушлаб қолди. Ўгирилиб қарасалар, Умар ибн Хаттоб (р.а.) экан.

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари, ибн Салулнинг жаноза намозини сиз ўқийсизми? Оллоҳ бу ишдан сизни қайтармаганмиди? - деб сўради.

Жанобимиз хотиржам жавоб қилдилар:

- Эгам бу ишда ихтиёрни ўзимга қолдирди. «Улар учун мағфират тиланг ёхуд мағфират тиламанг, ҳар иккиси ҳам тенгдир. Улар ҳақида етмиш карра мағфират тилаб дуо қилсангиз ҳам, Оллоҳ уларни кечирмайди», деб марҳамат қилган. Етмиштадан ошириб истиғфор айтсам кечиришини билганимда, албатта шундай қилардим, - дедилар ва ўртага қараб юрмоқчи бўлдилар.

Лекин Умар ибн Хаттобнинг (р.а.) ҳали гапи тугамаган эди:

- Ибн Салул Ухуд кунини мусулмонларни ўз ҳолларига ташлаб қочди. Бани Мустаълик ғазотида эса: «Оллоҳга қасам, агар Мадинага қайтиб борсак, шарафли одам шарафсиз одамни суриб чиқаради», деган одам бу! Бугунгача доим мўминларга қарши иш қилиб келди, яҳудийларга ёрдамчи бўлди, мунофиқларнинг энг олдинги сафида турди. Бу одамнинг жанозасини ўқимаслигингиз керак, - деди.

Ҳазрати Умар (р.а.) ибн Салулнинг ҳамма кирдикорини санар, Жанобимизни ўз ҳолларига қўймас эди. Ниҳоят, Пайғамбаримиз (с.а.в.) уни кўксидан итариб, холи кўйишини эслатдиларда, имомлик жойига туриб намозни бошладилар.

Энди ўликни мазорга қўйиш қолди. Расулуллоҳ (с.а.в.) асҳоблари билан бирга қабристонгача бордилар. Ибн Салулнинг мурдор жасадини гўрга уни яхши кўрадиган бир-икки нафар мунофиқ қўйди. Устига тупроқ тортиларкан, мўминлар нифоқ ва фасод булоғи бўлган бир одамдан кутулишганини ҳис этишди.

Ҳазрати Умар андишага тушди. Расулуллоҳни ўз ҳолларига қўймади, қайта-қайта йўлларини тўсди, бу даража қайсарлик Жанобимизни роҳатсиз қилмасмиди? У зотни роҳатсиз қилган одамнинг бошига раҳмат ёғилармиди?...

Бу каби ўй-хаёллардан у тинчини йўқотди.

Бу орада ибн Салулнинг устига тупроқ тортилиб, кўмиш ишлари тугалланди. Шу пайт мўминлар Расулуллоҳни (с.а.в.) ваҳий ҳолатига тушаётганларини кўришди. Орадан бир муддат ўтгач, иссиғида ушбу оятларни ўқидилар:

-«Улардан биронтаси ўлса, зинҳор унинг (жаноза) намозини ўқиманг ва қабри устига ҳам бориб турманг! Чунки, улар Оллоҳ ва расулига кофир бўлдилар ва итоатсиз ҳолларида ўлдилар. Сизни уларнинг мол-дунёлари ва бола-чақалари қизиқтирмасин! Чунки Оллоҳ ўша нарсалар сабабли бу дунёда уларни азоб-укубатга солишни ва кофир ҳолларида жонлари чиқишини хоҳлайди, холос»*.

Бу оятлар айниқса ҳазрати Умарнинг кўнглидаги сиқинтини илдизидан кўпорди. Фақат диний бир ғайрат билан, фақат Расули амин жанобимизга нисбатан ҳурмати ва мунофиқларга душманлиги сабабидан қилган бу ишининг тўғрилигини Жаноби Мавло ўзи тасдиқлаб турибди,

ахир!

Расулulloҳ (с.а.в.) ёмонликка яхшилик коидасини охиригача юритдилар. Тилида шаҳодат калималарини айтган бу одамга мусулмон муомаласини килдилар, ишнинг ич-юзини Оллоҳга колдирдилар.

Ислон дини инсонларни соф, топ-тоза туйғулар билан устун бир динга ишонишга чакиради. Ибн Салул эса, шараф билан, обрў-эътибор билан яшаш йўлини танламади, ичида кофир, ташида мусулмон кўринишдек, мард инсонга ярашмайдиган мунофиклик йўлининг тимсолига айланди. Ҳозир бошлаган ҳаёти кўнгилочар бўлмайди. Жаҳаннамнинг энг чуқур жойларида азоб кўражагини Куръон оятлари хабар беряпти. Бўйнига осилган «Мунофикларнинг раиси» деган ёрлик унга абадий бир фалокатдан бошқа нарса келтирмайжак.

Макканинг Абу Жаҳли қандай бўлса, Мадинанинг Ибн Салули ҳам шундай эди. Бири куфр ва ширк тимсоли, иккинчиси нифоқ ва фасод булоғи бўлган бу икки одам Расулulloҳ

(с.а.в.) жанобимизга кин ва душманлик йўлида баробар юрган икки олчоқ эди. Аммо ҳозир тушган чуқурни у йиллар давомида ўз хоҳиши билан қазиди, ахир. Ўғли Абдуллоҳни деб Оллоҳнинг ҳукми ҳам ўзгариб қолмайди.

ҲАДЯ ХИРҚА

Бир куни Расули мухтарам (с.а.в.) ҳузурларига бир хотин келди.

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари, бу хирқани ўз кўлларим билан сиз учун тўқидим. Илтифот этиб, қабул қилинг, - деди.

Хотиннинг бу самимий иши Набиййи акрамни мамнун килди. Ўша кунлари Жанобимиз бир хирқага жуда-жуда муҳтож эдилар. Аёл хирқасини ҳадя этиб уйига қайтар экан, Оллоҳнинг розилигини ҳам қозонди. Зотан, хизматига у истаган ҳақ шу эди. Хизмат ҳақини тери қуримасидан беришга буюрган ва тавсия этган ҳам Оллоҳдир, Оллоҳнинг расулидир. Севикли пайғамбарига тамасиз, кўнгил розилиги билан холис қилинган хизматни Улуғ Мавло тақдирламай кўярмиди?!

Салдан кейин Жанобимиз у хирқани кийиб чиқдилар. Кўрганлар ҳам хурсанд. Аммо бу хурсандлик узоққа бормади. Бир одам келди, у хирқани силаб-сийпалай бошлади.

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари, бу хирқани менга беринг, - деб қолди бирдан.

Пайғамбаримиз: «хирқа менга ҳадя этилганига ҳали бир соат бўлгани йўқ, мен эсам,

бунга муҳтож эканимни ҳамма билади», дея олмасдилар, ахир. Нубувват ахлоқи бундан тўсарди. Бу одам ўзи бундай демаслиги лозим эди. Анча-мунча заҳмат билан хирқани тўқиган хотин ҳам уни Пайғамбар кийсинлар, ҳожатлари чиксин, деб тўқиб келтирган эди!

Расулulloҳ (с.а.в.) уйларига кириб кетдилар. Бир муддатдан сўнг қайтиб чиққанларида кўлларида тахлоғлик хирқа бор эди. Уни ҳалиги одамнинг олдига қўйдилар. Юзларида ҳеч бир ҳафалик аломати кўринмади.

Бир зумда янги хирқали бўлиб олган одам келган томонига қараб кетди. Ортидан борган бирлари:

- Яхши иш қилмадинг. Биласан, Пайғамбаримиз бунақа истакни жавобсиз қолдирмайдилар. Ҳолбуки, ўзлари ҳадя берадиган ҳолда эмасликларини ҳам билардинг,

- деб маломатқила бошлади. Одам пушаймон эмасди.

- Оллоҳга қасам, мен уни, ўлсам менга кафан бўлсин, деган ниятдагина сўраб олдим,

- деб жавобқайтарди*.

Қачон ўлишини билмайдиган бир одам кафан дардига тушиб, Расулulloҳни хирқасиз қолдириши тўғримида? Бунақа орзуи бор экан, шарт-шароитни ҳам ҳисобга олиши керак эмасмида?..

Эҳтимол ўша кунги мажлисдадир, Расули акрам (с.а.в.) қиёмат кунидан баҳс бошлаб:

- Умматимдан етмиш мингтачаси юзлари ой каби порлай-порлай жаннатга киражак, - деб марҳамат қилдилар.

Сухбатда ҳозирлардан Уккоша ибн Михсан оёкка калқди.

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари, Оллоҳга дуо қилинг, мени ўшалардан бири қилсин, - деди.

Жавоб таклифга яраша бўлди:

- Оллоҳим, уни ўшалардан бири қил.

Уккоша мўлжални аниқ урди. Истагини том вақтида айтиб қолди. Яна битталари ўрнидан турди.

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари, мени ҳам ўшалардан қилишини Оллоҳдан сўраб беринг,

- деди.

Аmmo энди темирнинг тоби кетиб қолган эди. Шунинг учун Жанобимиз бу иккинчи истакка жавобан:

- Уккоша сендан илғорлик қилди, - дейиш билан кифояландилар. Эҳтимол ўша онда илк мурожаатнинг қабул этилиши тақдир қилингандир.

БИР САФАРДАН ХОТИРА

Зиёд ибн Ҳорис тоза ниятлар билан келган эди. Мусулмон бўлганини Расулulloҳ (с.а.в.) ҳузурларида шаҳодат калималарини айтиб изҳор этди. Зиёднинг Судоъ қабиласидан эканини билган бир саҳоба:

- Салгина олдин сенинг қабилангга бир гуруҳни жўнатган эдик, - деб қолди.

Бу гапни эшитган заҳоти Зиёд жаноби Расулulloҳга мурожаат қилди:

- Эй Оллоҳнинг расули, қавмимнинг Исломни қабул этиши ва итоат қилишига мен кафилман. У гуруҳни орқага қайтарсангиз, яхши бўларди, - деди.

Бу янги мусулмоннинг гапидан Расулulloҳ хурсанд бўлдилар.

- У ҳолда бориб уларни қайтариб кел, - дедилар.

- Туям анча чарчабқолган...

Жанобимиз бошқа одамга буюрдилар, у кетиб, аскарый гуруҳни қайтариб олиб келди. Энди иш Зиёдда қолди. У ўтириб бир хат ёзди ва қабиласига жўнатди.

Кўп ўтмасдан Судоъ қабиласидан бир элчи гуруҳ келди, ҳазрати Пайғамбаримиз ҳузурларида ҳозир бўлди. Исломни қабул қилиш шарафини қозонишди. Шундай қилиб Зиёд сўзининг устидан чиқди. Пайғамбарлар султони ширин сўзлар билан уни тақдирладилар.

- Сен қавм ичида ҳурматга лойиқ кишисан, - деб марҳамат қилдилар.

- Тўғриси уларни Исломга ундаган Улуғ Мавлодир,- деб жавоб қилди Зиёд.

- Сени уларга амир этиб тайинлайми?

-Ҳа.

Расулulloҳ (с.а.в.) бир ёрлик ёздирдилар. Унда Судоъ қабиласи Зиёдни ўзига раис деб билишлари буюрилган эди.

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари, менга маош ҳам ажратасизми?

Бу масалада иккинчи бир ёрлик ёздирилди.

Шу пайт Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларига бир неча киши келиб қолди ва бошлиқларининг ноҳақ ишларидан шикоят қилишди.

- Демак, у шу ишларни қилдимиз? - деб сўрадилар бир бор.

- Ҳа, эй Оллоҳнинг пайғамбари, у шундай қилди. Шунда Жанобимиз атрофларида ўтирганларга қараб:

- Мўмин бир киши учун амирликда яхшилик йўқ, - деб марҳамат қилдилар.

Бу сўзлар Зиёднинг кўнглига бир оғриқ солди. Икки олам сарвари «яхшилик йўқ» деб

таърифлаган амирликка у хурсандлик билан рози бўлиб ўтирибди, камига тагин маош ҳам сўради-я...

Яна кимдир келди.

- Менга мол эҳсон қилинг, эй Оллоҳнинг расули, - деди.

Бу истакка жавобан Пайғамбаримиз (с.а.в.) бундай марҳамат қилдилар:

- Эҳтиёжи бўлгани ҳолда тиланган киши учун у олган мол бошоғриғи ва дарддир.

Тушунганларга бу гап кўп маънолар берарди. Лекин ҳалиги одам истагини яна такрорлади:

- Менга садака молларингиздан беринг, - деди.

Шунда Жанобимиз:

- Оллоҳ таоло садакалар хусусида на бир пайғамбарнинг ҳукмини қабул этган ва на бошқанинг. Бу борадаги ҳукми ёлғиз Ўзи берган, садака улашиладиган жойларни саккиз тоифа ҳолида баён этган. Агар сен шу тоифалардан бўлсанг, сенга ҳам берамиз, - дедилар.

Бу гапни ҳам Зиёд алоҳида ўйлаб, виждон тарозисида тортиб кўриши мақсадга мувофиқ бўларди.

Кеча қоронғиси. Йўлга тушишди. Зиёд Расулulloҳ (с.а.в.) билан ёнма-ён борарди. Тонгнинг эрта соатлари яқинлашганида:

- Эй Оллоҳнинг расули, азон айтишинми? - деб сўради.

Жанобимиз шарқ томонга боқдилар, йўқ, дедилар. Яна озгина юрилганидан сўнг Зиёд иккинчи марта сўради, тагин қайтардилар.

Ниҳоят тонг отди, шарқ томон энламасига оқаришиб кўринди. Сарвари коинот туяларидан тушдилар.

- Ёнингда сув борми, эй судоълик? - деб сўрадилар.

- Нимадир озгина бир нарса бор, аммо сизга етармикан...

- Уни бир идишга қуйиб, олиб кел!

Зиёд қуйиб келди. Пайғамбар (с.а.в.) муборак қўлларини сувга ботирдилар. Зиёд қоронғиликда идишдаги сув қайнай бошлаганини ҳайрат ичра кўрди. Бир-икки нафас олиб улгурмай фавворадай пишқирган сув идишни тўлдириб, тошди. Оламларга раҳмат қилиб юборилган буюк Пайғамбар Зиёдга:

- Парвардигоримдан уялмаганимда бунақа мўъжизалар билан доим сувни мўл қилиб кўярдим, ҳамма қонарди сувга. (Лекин осон эмас бу иш.) Қани, биродарларингни чақир, эҳтиёжи борлар келсин, сувини олсин, - дедилар.

Зиёд азон айтди. Кетидан баланд овозда:

- Ҳей-й суви қолмаганлар, Пайғамбаримизнинг ёнларига келинглар! - деб чақира бошлади.

Ҳар ким келиб мешини тўлдириб кетаверди. Бу иш битгач, Ҳазрати Билол (р.а.) иқомат такбирини тушириш учун ўрнидан турди. Расулulloҳ уни тўхтатдилар:

- Азонни судоълик биродаринг айтди, азонни ким чақирса, иқоматни ҳам ўша айтиши лозим, - дедилар.

Зиёд иқомат туширди, бомдод намози ўқилди. Намоздан кейин ўша куннинг азончиси бўлган Зиёд кўлида иккала васиқаси билан Расулulloҳга рўпара бўлди.

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари, мени бу иккаласидан қутқаринг, - деди.

- Нима бўлди сенга?

- Кеча «Мўмин киши учун амирликда яхшилик йўқ», деганингизни эшитдим. Мен эсам Оллоҳга ва расулига ишонган одамман. Яна сиз садака сўраб келган биттасига: «Эҳтиёж бўлмагани ҳолда тиланган киши учун у олган мол бошоғриғи ва дарддир», дедингиз, буни ҳам эшитдим. Мен сиздан маош сўрадим. Ҳолбуки, мен ўзимга тўқ одамман, - деди.

Унинг гаплари самимий эди.

- Ўзинг биласан: истасанг, қабул қил, истасанг, қайтар, - дедилар Расулulloҳ (с.а.в.).

Зиёд ҳеч иккиланмасдан қарорини айтди:

- Қайтараман!
- Унда бир одамни кўрсат, уни сизларга амир қилай.

Шундай қилиб, у тавсия этган киши амир этиб тайинланди. Сўнгра қабиласининг бир эҳтиёжини баён қилди.

- Эй Оллоҳнинг расули, бизнинг бир қудуғимиз бор, киш пайти суви бизга етади. Ёз келди дегунча суви камаяди. Биз ҳамма ёкка тарқаб, сув излаб юрамиз. Мана, Ислом динини қабул этдик, аммо атрофимизда кўп душманлар бизни қуршаб турибди. Дуо

қилинг, сувимиз бизга етсин, ўшанинг атрофида тўпланайлик, сув истаб ҳар ёқларда санқимайлик.

Пайғамбаримиз Зиёдга етти дона чақил тош топиб келишни буюрдилар. Ҳовучларига солдилар ва дуо қилиб, Зиёдга бердилар.

- Буларни обориб, Оллоҳнинг исми билан битта-биттадан қудукка ташла, - дедилар.

...Зиёд тошларни олиб қабиласига боражак, Расулulloҳ (с.а.в.) айтганларидек қилиб уларни ташлаяжак ва шундан кейин қудукда бирон марта сув озайганини ҳеч ким кўрмайжак*.

ЭСЛАТМА

Бир хатога йўл қўйилди. У хато тузатилганидан кейин Пайғамбар жанобимиз бундай марҳамат қилдилар:

- Мен билан сизларнинг ҳолатларингизни бир мисол билан тушунтирай. Бир киши кечқурун ўт ёқди. Аланга баландлаб теваракни ёритгач, атрофдаги парвоналар ва ҳар хил ҳашоратлар ўзларини алангага ура бошлади. Ҳалиги киши уларни қутқариш учун алангадан узоқлаштиришга уринади, лекин улар алангага кириш учун тиришишади ва кишидан устун келишади... Мену сизларнинг мисолингиз мана шудир. Мен сизларнинг камарларингизга ёпишиб алангадан узоқлаштириш учун: «Алангага кирманглар, бу ёкка келинглар!.. Алангага кирманглар, бу ёкка келинглар!..» дейман, сизлар бўлсаларинг, мендан устун келиб, қўлимдан чиқиб кетяпсизлар ва алангага шўнғияпсизлар**.

Яна бир куни Пайғамбаримиз (с.а.в.) Қуръон ҳақида гапираётиб, бундай дедилар:

- Оллоҳнинг қулларидан бир қисм одамлар бор, улар пайғамбар эмаслар, шаҳид ҳам эмаслар, лекин бошқалар Оллоҳ уларга кўрсатаётган икромга ҳавас билан қарашади...

- Ким улар, билсак бўладими?

- Улар Оллоҳ розилиги учун бир-бирини яхши кўрган одамлардир. Ораларида қариндошлик-яқинлик йўқ. Яхши кўришлари бир-бирларига олиб-беражаклари мол учун ҳам эмас. Оллоҳга қасам, уларнинг юзлари нурдир, ўзлари ҳам нур устидадирлар. Одамлар кўркувга тушадиган кунда улар кўркув ҳис қилишмайди. Одамлар хафа бўлган пайтлари улар хафа бўлмайдилар.

Сўнгра ўзлари тушунтираётган оятларини ўқидилар:

- «Сўнгра ўзларига зулм қилган бу кимсаларга айтилу: «Мангулик азобни тотингиз! Сизлар фақат ўзларингиз касб қилган гуноҳларингиз сабабли жазоланмоқдасиз». (Эй Мухаммад,) сиздан: «У (ваъда қилинган азоб) ҳақми?» деб сўрайдилар. Айтинг: «Ҳа, Парвардигоримга қасамки, албатта у ҳақдир. Сизлар қочиб (ундан) қутулгувчи эмассизлар». Улар азобни кўрган вақтларида агар ўзларига жабр қилган (яъни, дунё ҳаётдан кофир ҳолатида ўтган) ҳар бир жон учун ердаги бор нарса бўлса, у (ўша азобдан қутулиш учун), албатта, уни (бор нарсасини) фидо қилган ва (имон келтирмагани учун) афсус-надоматлар чеккан бўлура эди. (У кунда) уларга зулм этилмаган ҳолда ўрталарида адолат билан ҳукм қилинура»*.

Оллоҳга нисбатан туйилган теран бир ҳурмат ва севги... Туйғулар ва ҳаракатлар бу ҳурмат ва севгига кўра тўғрилаб борилади. Севилган киши Оллоҳ розилиги учун севилади, бу тушунча ва

хатти-ҳаракатни биронта бошка бир туйғу йўналтирмайди.

Бунақа одамларга албатта хавас қилинади-да. Оллоҳнинг дўсти бўлишдек, ўйлагандаёқ кўнгли аҳлини маст қиладиган мартаба эгасига хавас қилинмайдими ахир?!.

Дўст ўзининг ўй-хаёли, туйғулари ва ҳаракатларини дўстининг розилигига уйғун ҳолга келтиради. Дўсти рози бўлмайдиган ҳолга тушиш у учун битмас-туганмас қайғу булоғи бўлади.

Оллоҳнинг дўсти бўлиш бахтига эришган одамнинг руҳини ибодат ва убудийят ишқи чулғаб олади, кўнгли доимо Оллоҳнинг уйларига (масжидларига) боғлиқ бўлади. Ҳеч ким йўқ ерларда ҳам Мавлосини эслайди, кўзлари у туйган севги ва ҳурматнинг ифодаси бўлмиш ёшларга тўлади. Оллоҳнинг китоби кўрсатган амал, ахлоқ ва ихлосда бўлади, пайғамбарлар султони (с.а.в.) чизиб берган суннатлари йўлида доим бўлишни эришилмас шараф ва бахтга васила деб ҳисоблайди.

Дунёдаги ҳаётини бу шартлар остида ўтказган одам албатта ҳисоб ва жазо кунда нурдан ясалган минбарлар устида бўлади-да!..

БУЛУТ, ШАМОЛ ВА ПАЙҒАМБАРИМИЗ

Бир куни кўк юзида қора булутлар кўринди. Қаттик шамоллар эсди. Пайғамбарлар азизининг юзлари ўзгарди. Ичкари кирдилар, ташқари чикдилар. Хатти-ҳаракатларидан ҳаяжонланаётганлари билиниб турарди.

- Оллоҳим, бу шамол яхшилик келтиришини, яхшилик билан эстиришингни тилайман. Унинг ёмонлигидан, у билан юборганинг азобнинг ёмонлигидан сенга сиғинаман,- деб дуо қилдилар.

Ойиша онамиз (р.анҳо) Расулulloҳда (с.а.в.) бу ҳолни энди биринчи марта кўриши эмас. Жанобимиздан бу дуони неча марта эшитган. Агар бу шамол кетидан ёмғир келса, қувонардилар. Ойиша онамиз бу гал чидаб тура олмади:

- Эй Оллоҳнинг расули, одамлар осмонда булут кўрса, ёмғир ёғади деб суюнишади. Сиз бўлсангиз, роҳатсизланяпсиз, ҳузурсизланяпсиз? - деб сўради*.

- Эй Ойиша, бу шамол бир азобни келтирмаслигига ишончим йўқ, - деб жавоб қила бошладилар (с.а.в.). - Бир қавм шамол билан азобга учраган. Улар азоб юкланган булутни кўрган пайтларида: «Мана бу бизга ёмғир келтирадиган булутдир», дейишган эди.

Бу сўзлардан Ойиша онамиз Од қавмини эслади. Қуръони карим Од қавмини ҳақ йўлга қақариш учун ҳазрати Худ (а.с.) вазифали этиб юборилганини билдиради.

Ҳазрати Худ (а.с.) Йаман ўлкасидаги қумтепалар (аҳқоф)да яшайдиган қавмига узоқ йиллар Оллоҳнинг ҳукмларини етказди, тўғри йўллари кўрсатди, аммо ҳеч сўзларига кирита олмади. Охири уларни:

«Сизлар ёлғиз Оллоҳгагина ибодат қилингиз! Мен, ҳақиқатан, сизларнинг устингизда улуғ кун (киёмат)нинг азобидан кўркман», деб огоҳлантирган эди. Улар: «Сен бизларни худоларимиздан буриш (юз ўгиртириш) учун келдингми?! У ҳолда агар ростгўй кишилардан бўлсанг, бизларга ваъда қиладиган нарсангни (яъни, Оллоҳнинг азобини) келтиргин-чи?» дедилар. У айтди: «(Азоб келар вақтнинг) билими ёлғиз Оллоҳ ҳузуридадир. Мен сизларга ўзим элчи қилиб юборилган нарса (дин)ни етказурман. Лекин мен сизларни нодон қавм эканингизни кўрмоқдаман». Бас, қачон, улар ўша (азоб)ни ўз водийларига қараб келаётган бир (қора) булут ҳолида кўришгач: «Бу бизларга ёмғир келтиргувчи булутдир», дедилар. (Худ айтди:) «Йўқ, у ўзларингиз шоштирган нарса - бир бўрондирки, унда (сизларга аталган) аламли азоб бордир. У Парвардигорининг амри билан барча нарсани вайрон (ҳалок) қилур. Бас, (у бўрон келиб, Од қабиласидаги кофирларнинг ўзларини ҳам, молларини ҳам ҳалок қилди. Барчалари қирилиб битиб,) тонг отганида фақат уларнинг уй-жойларигина кўзга ташланар эди. Биз жинойтчи-осий қавми мана шундай жазолаймиз»*.

Кўп ўтмасдан шамол келиб уларни ёқалади. Етти кеча-саккиз кундуз тинмасдан эсди ва Од кавми илдизидан кўпорилган хурмо дарахтлари каби ерга чўзилди. Шамол тўхтаганида Од кавмидан ҳеч бир жонли нарса қолмаган, ўлик жасадлари уюм-уюм бўлиб ётар эди...

Расули акрам жанобимиз кўк юзини қоплаган булутларни кўрганларида бу аччиқ ходисаларни эсларига олар ва ўшанака азобдан химоя қилсин деб Улуғ Мавлога дуо қилар эдилар.

ҚОРА ХОТИН

Бу хотиннинг исми Суайрадир. Ора-сира йиқилиб, хушидан кетиб қоладиган дарди бор эди. Одобини сақлашга қайғурадиган хотин бўлгани учун дуч келган ерда йиқилиб қолишдан хавотирда юрарди. Айниқса, ёпилган бўлишини жуда хоҳлаган, дунё беришса ҳам очмайдиган уят жойларининг бунақа пайтлари очилиб қолиши виждонида чуқур яралар ҳосил қиларди. Вақт ўтгани сайин кўнгил кўзаси янада тўлиб борар, юк кўтара олмайдиган бир хол олар эди. Ҳар гал уни бу аҳволда кўриб қолганларнинг олдиларидан уяла-сиқила туриб кетиш осон эмасди, ахир.

Охири бир кун тўғри масжидга йўл олди. Оллоҳнинг расулини топиб, дардини тушунтирмоқчи бўлди. Масжидга кирди. Жанобимизнинг хузурларига борди ва:

- Эй Оллоҳнинг расули, менинг тутқаноғим бор. Ўзимдан кетиб ерга йиқиламан. Очилишини хоҳламаган жойларим очилиб қолади. Оллоҳга дуо қилинг, менга шифо берсин, - деди.

Йиллар давомида тўпланган алам ва энг олий мақомга боғланган умид туйғулари дардли бир овоз билан шу икки жумлага сиқиштирилди. Пайғамбарлар сарвари (с.а.в.) бу истакка дарров майли демадилар.

- Истасанг, дуо қиламан, Оллоҳ шифо берсин, истасанг, сабр қил ва жаннатга кир, - дедилар.

Шифо топиш ёқимли, албатта. Чеккан балоларга, туйган виждон азобларига кўра қараса, излаб-топилмас бир неъмат. Ҳозиргача ҳаётдан олинмаган бахтга эришилди... Аммо охиратга имони бор одам учун эришиладиган энг буюк бахт жаннат ҳаётидир. Бир пайтлар масжид курилайганида Пайғамбаримизнинг: «Оллоҳим, чин ҳаёт охират ҳаётидир...» деганларини эшитган эди бу аёл.

Танлаши учун кўп вақт керак бўлмади.

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари, мен сабр қиламан. Фақат, сиздан тилагим, йиқилган пайтимда устим очилиб қолишидан сақлаши учун Мавлоимизга дуо қилсангиз, - деди.

Раҳмат пайғамбари (с.а.в.) қўлларини кўтардилар, бу чорасиз, лекин сабрли хотин ҳақиқага дуо қилдилар. У ерда ҳозир турганлар ва, айниқса, бу дардга йўлиққан хотин «Омин» деб туришди.

Нихоят, дуо тугади. Қўллар юзларга сурилди. Хотиннинг кўзлари кулимсираб турарди. Севинчнинг бир ифодаси ўлароқ бу кўзларга инжу доналари тўпланган эди. Неча йиллардан бери эзилган кўнгилнинг ич-ичларидан энг самимий туйғулар ҳамроҳлигида думалаб чиққан бир неча томчи эди бу доналар. Хафалиқни эмас, бахтиёрликни ифодалар эди улар. Бу инжу доначалари ўзига ўхшаш тоза ва ярақлаган бошқа доначалар билан топишиши учун кўп дард чеккан ва бу бахтиёрликка эришган хотиннинг бўлиши ҳамда унинг кўзларида пайғамбарлар султониининг кўзларига боқа-боқа бирлашиши лозим эди.

- Ташаккурларимни қабул этинг, эй Оллоҳнинг пайғамбари! Оллоҳ сиздан рози бўлсин! - деди-да, Суайра орқага ўгирилиб, масжид эшиги сари йўналди. Ортидан «Мана жаннатни қозонган бир хотин!» дея қараб қолишди.

Орадан йиллар ўтажак ва бир куни саҳобаи киром ичида илми ва закоси билан ниҳоятда ҳақли шуҳрат топган Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) қийматли шогирди Ато ибн Абу Рабоҳга (р.а.):

«Жаннатий хотинни кўришни истайсанми? - деяжак, ха, жавобини олгач эса: - Мана шу кора хотин», деб ўша хотинни кўрсатажакдир*.

ИБРОҲИМНИНГ ВАФОТИ

Миср кироли совға қилиб жўнатган Мория исмли чўри (бир ривоятга кўра, у ҳам Пайғамбаримизнинг хотинлари қаторига кирган) ажойиб бир ўғил туғиб берган, Жанобимиз (с.а.в.) охирги кўрган бу фарзандларига катта боболари хазрати Иброҳимнинг (а.с.) исmlарини кўйган эдилар.

Иброҳим жуда чиройли эди. Эмизишга бир темирчининг Умму Сайф лақаби билан танилган хотинига берилган эди. Жанобимиз ора-сира келиб, севикли ўғилларини суйиб-эркалаб кетар эдилар.

Иброҳим ўн етти ойлик бўлганида тез-тез касалланаверди.

Бир куни Пайғамбаримиз (с.а.в.) Абдурахмон ибн Авф (р.а.) билан бирга касал фарзандларини кўргани бордилар. Бола зўрға нафас оларди. Ҳар ҳаво чиқарганида бўғзидан хирилдоқ билан чиқарди. Пайғамбаримиз уни кучокларига олдилар. Кўзларидан ёшлар оқа-оқа ўпиб, хидлай бошладилар. Бу ҳол Абдурахмонга ғариб кўринди.

- Ие, йиғлаяпсизми, эй Оллоҳнинг расули? - деб сўради.

- Эй Абдурахмон, бу бир марҳамат туйғусидир, - деб жавоб қилдилар Расулulloҳ (с.а.в.).

Кейин эса, ўлганни ўзида йўқ сифатлар билан сифатлаб, юзини тимдалаб, ёкаларини йиртиб йиғлашдан қайтаришларини айтдилар.

Иброҳим охирги нафасини чиқарганида ҳали икки ёшга тўлмаган эди. Ўн олти ёки йигирма икки ойлик бўлганига доир ривоятлар бор.

Иброҳимни хазрати Аббоснинг (р.а.) ўғли Фазл ювди. Жаноза намози ўқилди. Бакиъ қабристонига олиб борилди. Эшикдан кириб, сал чапни олиб, икки юз одимча юришгач, ёлғизоёқ йўлнинг ўнг томонидаги бир жойда қабрга кўйилди. Жанобимиз (с.а.в.) унга:

- Қалб маҳзун бўлар, кўз ёш тўкар, лекин биз Оллоҳ рози бўладиган сўздан бошқа сўз айтмаймиз. Эй Иброҳим, сенинг айрилигиндан бизлар маҳзунмиз, - дея хитоб этдилар.

Қабр ёпилгач, бир мешда сув истадилар, қабрга тўкдилар. Шундан кейин қабрга сув тўкиш суннати жорий бўлиб қолди.

Ўша куни қуёш тутилди. Одамлар, бу ҳодиса Иброҳимнинг вафоти сабабидан юзага келди, деб ўйлашди. Аслида, бу ўй тўғри эмасди. Олдинроқ Расули акрамнинг (с.а.в.) уч нафар қизлари кетма-кет тупроққа берилган. Улар учун тутилмаган қуёшнинг Иброҳим учун тутилиши тушунилмасди.

Бунақа тушунчалар асҳоби киромнинг уст қатламидагиларга алоқаси йўқлиги ҳам ҳақиқатдир.

Пайғамбаримиз бу миш-мишларни эшитган заҳотлари халқни тўпланишга буюрдилар. ўамларини бир четга отдилар.

- Эй инсонлар! Қуёш билан ой Оллоҳнинг қудратига далолат этадиган икки аломатдир. Ҳеч бир кимсанинг туғилиши ёхуд ўлиши сабабидан тутилмайди улар. Унинг тутилганини кўрганларингда дуо ва ниёз ила, намоз ила Оллоҳ таолога илтижо қилинглар! - дедилар.

Сўнгра одамларни сафланишга буюрдилар. Намоз ўқий бошладилар. Роса узундан-узок ўқидилар. Рукуни ҳам жуда узок қилдилар. Рукудан «Самиъаллоҳу лиман ҳамидах» деб турдилар. Яна узок Қуръон ўқидилар. Яна рукуга бордилар. Аммо бу иккинчи қироат билан руку биринчисидай узун бўлмади. Сажда қилдилар. Оёққа турдилар. Худди шу тарз яна бир ракат ўқидилар. Жами тўрт ракатни шу шаклда ўқиб, намозни тугатдилар.

Бу орада қуёш очилиб кетди. Қуёш билан ой ҳеч кимнинг ҳаёти ё ўлимига боғлиқ ҳолда тутилмаслигини яна бир қарра такорладилар.

Иброҳим вафот этгач, Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) ҳаётда биттагина қизлари Фотима (р.анҳо) қолди. Шарафли насаблари ҳам энди бу йўлдан таркалажак эди.

ДИМОМ ИБН САЪЛАБА

Саъд ибн Бакр қабиласи Расулуллоҳни (с.а.в.) яқин олтмиш йиллардан бери танирди. Чунки эмизикли пайтларида мана шу қабиллага сут эмизишга берилган эдилар.

Қабила аҳли ораларидан кучли, қувватли, эсли бир одамни танлашди. Ўша одам Расулуллоҳ билан кўришадиган, қабила номидан қарор берадиган - ё Ислому динини қабул ва ё рад этадиган бўлди.

Димом ибн Саълаба шунақа кенг ваколатлар билан йўлга чиқди. Туяда кунлар йўл босди. Иссиқ билан олишди, сувсизлик билан юзма-юз келди. Охири бир куни ўзини хурмо дарахтлари беаган, ҳавоси латиф бир шаҳарда кўрди. Масжидни излаб топди. Эшик олдида туясини чўктириб, тушди. Юганини илгакка илиб, ичкари кирди.

- Қайси бирларинг Муҳаммад? - деб сўради.

Ичкаридагилар унга сал нарида деворга суяниб ўтирган оқ юзли, оппоқ кийимли кишини кўрсатишди. Димом ўша ёққа юрди ва Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) қошларига келиб:

- Эй Абдулмутталибнинг ўғли! - деб хитоб қилди.

- Қулоғим сенда.

- Мен сендан баъзи нарсаларни сўрайман, аммо-лекин жиддий гап-сўз бўлади, менга жаҳл қилмайсан.

- Нимани истасанг, сўра. Сенга қарши ичимда заррача ғазаб бўлмайди.

- Бундай бўлса, яхши. Сендан олдин яшаганларнинг ва сендан кейин келадиганларнинг Парвардигори бўлган олий Борлиқ номига қасам ичиб сўрайман: сени бизга пайғамбар қилиб Оллоҳ вазифалантирдими?

- Оллоҳга қасам, ҳа.

- Яхши. Сендан олдин яшаганларнинг ва сендан кейин келадиганларнинг Парвардигори бўлган олий Борлиқ номига қасам ичиб сўрайман: ёлғиз Оллоҳга қуллик (ибодат) қилишимизни, унга ширк келтирмаслигимизни, оталаримиз топиниб келган бу бутларни синдириб ташлашимизни сенга Оллоҳ буюрдими?

- Оллоҳга қасам, ҳа.

Димом яна ўзига хос шаклда қасам ичганидан кейин сўради:

- Беш вақт намоз ўқишимизни сенга Оллоҳ буюрдими?

-Ҳа.

Сўнгра Димом Исломининг бошқа фарзлари ҳақида ҳам шу тарз қасамлар ичиб сўради. Закотни, рўзани, ҳажни ва Исломининг ҳукмларини сўради. Пайғамбар жанобимиз ҳар бири ҳақида керакли жавобларни бердилар. Ортиқ Димом сўрайдиган нарса қолмади.

- Мен гувоҳлик бераман... - дея шаҳодат калимасини айтди ва сўзида бундай давом этди: - Сени пайғамбар қилиб юборган Оллоҳга қасам, бутун фарзларни адо этаман, менга тақиқлаганларингдан қочинаман. Буларга ҳеч бир нарса кўшмайман, ҳеч бир нарсани камайтирмайман. Мен Димом ибн Саълабаман. Қабиламнинг элчиси ва вакили бўлиб келганман.

Димом ўрнидан турди ва туясига қараб кета бошлади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ёнларидагилар эшитадиган қилиб:

- Агар гапи тўғри бўлса, жаннатга кирди ҳисоб, - деб марҳамат этдилар.

Димом қабиласига етиб борганида одамлар дарров атрофига тўпланиб келишди. У гапнинг пўстқалласини айтди-қўйди:

- Лот ҳам, Уззо ҳам жирканч мухлуқлардир! - деди.

- Жим бўл, эй Димом, бошинга бало ёғилмасин тагин. Пес бўпқолишинг мумкин, мохов бўпқолишинг мумкин, тентак бўпқолишинг мумкин... - дейишди ҳар ёқдан.

- Яна нималар дейсиз! Уят! Валлоҳи, улар на зарар беради ва на фойда. Жуда яхши биласизлар, Оллоҳ бир пайғамбар юборган, унга бир Китоб туширган, сизларни ўзингиз тушиб қолган бу аҳволдан у пайғамбар воситасида қутқаришни истаган. Менга келсак, Оллоҳдан бошқа ҳеч бир илоҳ йўқлигига, у Оллоҳ шериксиз-ўртоқсиз эканига ишонаман. Муҳаммад Оллоҳнинг қули ва пайғамбари деб гувоҳлик бераман. Мен унинг ёнидан сизларга буюруқларини ва қайтариқларини келтирдим.

Ўша куни эрталаб қуёш чиққанида қабила бутга сиғинар эди, ботишга ҳозирланаётганида у қабилада мусулмон бўлмаган битта ҳам одам қолмади. Шундай қилиб, Димом ҳам ўзи қутулиб, ҳам қабила аҳлини қутқарган бахтли одамга айланиб оқшомга етишди.

Расулulloҳ (с.а.в.) Хайбар фатҳи чоғи Али ибн Абу Толибга (р.а.) айтган жуда қийматли бир гаплари бор эди: «Сен туфайли бир кишига Оллоҳ ҳидоят бериши сен учун дунёнинг энг қимматбаҳо неъматларидан ҳам яхшидир!»

Димомни мана шу ўлчовда баҳолаш лозим. Эрта бир кун у Жаноби Мавло хузурига ҳисоб-китоб бериш учун борганида ортида юзларча хотин-эркак туришажак, уларнинг ҳидоятига сабаб бўлган яхши бир инсон сифатида иззат-икром кўражак.

Ислом тарихида жуда катта олим бўлиб танилган Абдуллоҳ ибн Аббос у ҳақида бундай деган: «Димом ибн Саълабадан яхшироқ элчини биз эшитмадик»*.

ҚАБИЛА РАИСИНИ ИЛОН ЧАҚДИ

Ухуд жангидан олти йил ўтди. Ўшанда урушга чиқишига рухсат берилмаган, «Сен ҳали ёшсан», деб орқасига қайтариб юборилган Абу Саид Худрий (р.а.) жасур бир йигит бўлиб етишди, сафарларда қатнашди, урушларга кирди.

Бир куни Расули муҳтарам (с.а.в.) ўттиз кишилиқ бир бўлинма туздилар. Унга Абу Саид Худрийни бошлиқ этиб тайинладилар. Зиммасига бир вазифа юклаб йўлга чиқардилар.

Бўлинма узоқ юрди. Ҳатто озик-овқатлари тугай бошлади. Шунда бир қабиланинг яқинига қўнишди. Озик-овқат сўраб Абу Саид одам жўнатди. Аммо борган одам қўли бўш қайтди. Озгина дам олволиб, яна йўлда давом этишдан бошқа чоралари қолмади. Бориб, зўрлик билан қўлларидан емак-ичмак тортиб олиб бўлмаса...

У ёқда эса, қабила раиси ўзича мамнун: ўттиз кишининг қорнини тўйғазиш осон эмасди-да, ахир. Озик-овқат бермасдан тўғри қилдим, деган қаноатда эди. Шундай ўйда ўтирганида, бирдан сакраб туриб кетди. Қаттик бир оғрик ҳис этди. Қўрқинчли бир ҳайқириш билан ўзини ерга урди, типирчилай бошлади. Нима бўлдиёкан, деб чопиб келганлар, раиснинг ёнидан узоқлашиб бораётган бир илонни кўришди. Қўлга илинган нарса билан уриб, парча-парча қилиб ташлашди. Лекин илон парчаланиши раиснинг дардига малҳам бўлмади. Ҳар калладан турли-туман фикрлар чиқарди:

- Нима қиламиз энди, наҳот бир чораси бўлмаса?!
- Анави йўлчилар орасида бунинг иложини қиладиган бирортаси топилмасмикан?
- Сўраганларида емак бермадик, энди улардан ёрдам кутма...

Бу каби фойдасиз сўзлар билан ўтаётган вақт раиснинг зарарига ишлаётган эди. Нима бўлса бўлди, деб бир хотин жон ҳолатда мусулмонларнинг орқаларидан югуриб кетди. Етиб борганида:

- Раисимизни илон чақиб олди, ораларингда бунинг чорасини биладиганлар борми? - деб сўради ҳаллослаганича.

- Бор! - деб жавоб қилди Абу Саид. Хотин унга ўгирилди.
- Ундай бўлса, кетдик! Қани...

Шунда Абу Саид Худрий хотинга синовчан назар билан бокиб:

- Биз сизлардан ейишга у-бу нарса сўраган эдик, бермадиларинг. Биз ҳам энди сенинг бу истагингни бажармаймиз. Сизлар бизнинг дардимизга чора бўлмадиларинг, биз ҳам сизларнинг дардларинг билан ишимиз бўлмайди,- деди.

- Илтимос киламан... нима сўрасаларинг, берамиз!..
- Ўттизтақўй.
- Келишдик.

Абу Саид Худрий хотин билан бирга қабила сари кетди. Шериклари орқасидан уни ҳайрат билан кузатиб қолишди: нима қиларкин?..

Абу Саид чодирга кирди. Раис ҳамон ерда типирчилаб ётарди. Кутиб ўтирмади, «Алҳамду лиллаҳи Раббил ʼаламийн...» деб Фотиҳа сурасини ўқий бошлади. Тугатгач, раисга уфлади. Уфлаши билан бу ҳодисани кузатиб турган чодирдагиларнинг бокишлари ўзгарди. Чунки ерда ҳозиргина типирчилаб ётган раис бир онда тўғрираниб, ўрнидан туриб кетган эди. Маза қилиб ухлаб турган одамдай ҳолатда эди. Бир-икки сония олдин ўлим билан олишиб ётган шу одам эди дейилса, ҳеч ким ишонмасди.

Одамлар севинчдан эсларини йўқотишди. Ораларида йиғлаганлар ҳам бўлди. Қандай ташаккур этишни била олмайдиган ҳолда эдилар. Эндигина ўн саккизга кирган бу йигитча ўлар ҳолатдаги бир одамни бу қадар қисқа фурсатда тузатиб юборишини ҳеч ким кутмаган, ақллари ишонмас эди. Нигоҳларида ҳайрат, миннат ва тақдир туйғулари жам...

Раиснинг буйруғи билан тезда озик-овқат ҳозирланди. Бу ёкдаги ишлардан хабарсиз кутиб турган шерикларига одам юборилди. Улар ҳам келишди. Ҳаммалари тўйгунча овқатланишди. Шунча иззат-икром кўриб, ниҳоят йўлга чиқишганида, уларга ўттизта кўйдан иборат бир сурув ҳам кўшиб берилди.

Хайр-хўшлашиб, жўнашди. Йўлда боришаркан, Абу Саид:

- Биродарлар, бу кўйларни ўзаро бўлишамиз, - деди.
- Бўлмайди, - дейишди баъзилар унга.
- Нега?
- Чунки сен Қуръон ўқидинг ва буларни касални тузатганинг эвазига олдинг.

Бир қарорга келишолмади. Ниҳоят Абу Саид бошқа қарорини айтди:

- То Пайғамбар (с.а.в.) ҳузурларига боргунимизча уларга тегмаймиз. Ҳолатни у зотга тушунтирамиз, нима десалар, шуни қиламиз.

Бу қарор тўғри эди, ҳеч ким эътироз билдирмади. Айни чокда, бу қарор билан Қуръоннинг бир ҳукмига ҳам риоя этган бўлишарди:

«Эй мўминлар! Оллоҳга итоат қилингиз ва Пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (мусулмон) ҳокимларга бўйинсунингиз! Борди-ю, бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз - агар Оллоҳга ва охират кунига ишонсангиз - у нарсани Оллоҳга ва Пайғамбарига қайтарингиз. Мана шу яхшироқ ва чиройлироқ ечимдир»*.

Сафардан Мадинага қайтиб келишганида биринчи қилган ишлари бу масалани Пайғамбаримизга (с.а.в.) етказиш бўлди. Жанобимиз Абу Саидга (р.а.) бокдилар:

- Фотиҳа сураси шифо учун ўқиладиган оятлар эканини қаердан билдинг? - деб сўрадилар. Сўнгра: - Рози бўлсаларинг, бир пай менга ҳам ажратинглар, - деб кўшиб кўйдилар.

Ортиқ бу борада ҳеч кимда шубҳа, иккиланиш қолмади.

Абу Саиднинг дуоси билан тузалиб кетган раис ва унинг қабиласи мусулмонмиди? Йўқ бўлса, бу ҳодиса туфайли мусулмон бўлишдимиди? Улар ўзи қайси қабила эди?

Бу саволларнинг жавобини билмаймиз**.

ЁЛҒОНЧИ МУСАЙЛАМА

Бир куни тонгги намоздан кейин Расули акрам (с.а.в.) шу кеча кўрган тушларини гапириб бердилар:

- Кўлимда иккита олтин билакузук кўрдим. Бу ҳол мени ғамга солди. Уларга пуфла, деб ваҳий қилинди. Пуфладим. Учиб кетишди. Буларни мендан кейин пайғамбарлик даъвоси билан ўртага чиқадиغان икки ёлғончи кишига йўйдим. Бири Асвад ал Анси, иккинчиси Мусайлама, - дедилар.

Ҳақиқатан ҳам Ямомадан қабиласи аҳли билан келган Мусайлама: «Агар ўзидан кейин менинг пайғамбар бўлишимга кўнса, мен ҳам унинг йўлига қираман», дер эди. Расулуллоҳ (с.а.в.) билан кўришганида орзуни такрорлади:

- Агар истасанг, ҳозирча сенинг бу даъвоингга аралашмайман. Факат, сендан кейин мен пайғамбар бўлишим шарт! - деди.

Шунда Жанобимиз қўлларидаги чўпни кўрсатиб:

- Бу масалада мендан мана шу чўпни сўрасанг, шуни ҳам бермайман! - дедилар.

Бера олмасдилар ҳам. Чунки пайғамбарлик одамнинг истагига боғлиқ мақом эмас.

Одамлар бир-бирига улашадиган рутба ва мавқе ҳам эмас. Ҳеч ким шу пайтгача шахсий орзу ва ҳаракати билан пайғамбар бўлмаган. Қолаверса, Пайғамбар жанобимиз пайғамбарларнинг охиргиси бўлганлари учун бундан бу ёғига бошқа пайғамбарнинг келиши ақлга сиғмас ҳам эди.

Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) Мусайламага яна бундай деганлари ҳам ривоят этилади:

- Сен асло Оллоҳнинг тақдиридан у ёғига ўта олмайсан. Агар пайғамбарлик даъвосини илгари сурсанг, Оллоҳ сени паришон этади. Мен тушимда кўрган ёлғончи сен эканингга гумоним кучли. Мана, Собит, менинг номимдан сенга жавоб беради.

Шундай деб Расулуллоҳ (с.а.в.) у ердан кетдилар. Собит ибн Қайс унга Расули акрам номларидан жавоб берди.

Аммо Мусайлама даъвосидан воз кечмади. Қабиласига қайтиб боргач, ўзини пайғамбар деб эълон қилди. Унинг бу йўлни тутишига Пайғамбар жанобимизга кўрсатилаётган ҳурмат ва итоат кўнглига ёқмагани эди. Мукамал бир салтанат суриш ҳазилакам иш эмасди. Чексиз бир бойлик тўплаш имкони бор эди.

Мусайламада баъзан кароматга ўхшаб кетадиган ғаройиб воқеалар ҳам содир бўлиб турарди. Халқни бу каби намоёишлар билан қондириш имкони бор эди. Қурайшнинг пайғамбарига муқобил Ямомадаги Ханифа қабиласида ҳам бир пайғамбар бўлса, нима қилибди?

Бу иддао Ханифа қабиласи орасида яхши қаршиланди. Мадинага бориб ўтирмасдан Ямомадаги пайғамбарга эргашиш янада осон кўринди уларга.

Бу пайғамбар ҳамрни ичиш-ичмаслик тўғрисида индамаяпти. Зино ҳалол қилинди. Намоз ўқиш мажбурияти ҳам йўқ. Булар билан бирга, Мадинадаги пайғамбарни ҳам қабул этаётди. Мадинага бориб, зиммага бир қанча мажбурият ва масъулият юклаб олмай,

ишни қисқа йўлдан ва янада осон ҳал этиш кўп одамларга ёқиб тушди. Шу боис Мусайлама теварагидаги оломон борган сари ортаверди.

Раҳҳол ибн Унфува бир пайтлар Ислом динини қабул қилган, ҳатто Қуръондан баъзи сураларни ёдлаган ҳам эди. Бир куни Абу Ҳурайра (р.а.) билан бирга ўтирганида устларига Расулуллоҳ (с.а.в.) келиб қолдилар ва: «Икковингиздан бирингизнинг озиқ тиши жаҳаннамда Ухуд тоғидай катта бўлиб кетади», дедилар.

Бу муборак сўзлар остида ётган ва мусулмон одамнинг тукларини диккайтириб юборадиган ёмон кўргилик кимга тегишли экан?

Абу Ҳурайра (р.а.) бу таҳдид менга келса-я, деган кўркув ва хавотирда неча кечалар уйқусини йўқотди.

Бу орада бир куни Раҳҳолнинг йўқолиб қолиши ва қаерга кетгани ҳам маълум эмаслиги Абу Ҳурайранинг юзига ранг киритди. Кейинроқ Раҳҳол Ямомага кетгани ва Мусайламанинг пайғамбарлигини қабул қилгани тўғрисидаги хабар Мадинага етиб келди.

Раҳхол Мадинада ўрганган Қуръон оятларини Мусайламага ўкиб берар, у эса, мен ҳам ваҳий оляпман, деган даъвода Қуръонга ўхшатишга уриниб, ҳар хил тумтарок сўзларни калаштириб борар эди.

Бир куни Мадинага икки одам келди. Мусайламанинг элчилари экан. Келтирган хатларини ҳазрати Расулуллоҳга (с.а.в.) топширишди.

«Оллоҳнинг пайғамбари Мусайламадан Оллоҳнинг пайғамбари Муҳаммадга!.. Сенга салом бўлсин. Бундан кейин билиб қўй: мен пайғамбарлик ишида сенга ўртоқман. Ҳиссамиз яримга-яримдир. Ярми бизга, ярмиси Қурайшга... Аммо қурайшликлар пайғамбарлик ҳаққига тўла эга чиқиб, чегарадан ошишяпти», деб ёзилган эди хатда.

Жанобимиз хат келтирган иккала одамдан:

- Сизлар ҳам у айтаётган гапларни тўғри дейсизларми? - деб сўрадилар.
- Ҳа, - деб жавоб беришди элчилар.

Бошқа ривоятда жаноби Расулуллоҳ уларга: «Менинг пайғамбар эканимга ишонасизларми ва гувоҳлик берасизларми?» деб сўраганлар. Улар эса: «Биз Мусайламанинг пайғамбарлигига гувоҳлик берамиз», деб жавоб беришган.

Шунда Жанобимиз:

- Мен Оллоҳга ва пайғамбарларига ишонган одамман. Агар элчига ўлим йўқлиги тўғрисида умумий ҳукми бўлмаса эди, агар элчи ўлдирган бўлсайдим, албатта сизларни ўлдирар эдим! - дедилар.

Буюрдилар, бир хат ёзилди:

«Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан. Оллоҳнинг элчиси Муҳаммаддан ёлғончи Мусайламага!.. Салом ҳидоятга эргашганларгадир. Бундан кейин билиб қўй, ер юзи Оллоҳникидир, қулларидан истаганини бу ерга ворис қилади. Натижа эса, Оллоҳга ҳурмати бўлганларгадир».

Шарафли хат элчиларга тутқазилиб, кузатиб қолинди.

Бошқа томонда Сажоҳ исмли бир хотин ҳам пайғамбарлик даъвосини қилиб чикди, теварагига анча-мунча одам ҳам тўплади. Бу хотин келажакда Мусайлама билан гаплашади ва ўзи пайғамбарлик даъвосидан воз кечиб, Мусайламага эрга тегади. Набийи акрам вафотларидан кейин Ямомада Мусайлама ўлдирилгач, тавба қилиб, Ислом динини қабул қилади ва қолган умрини самимий бир муслима сифатида ўтказади.

БИР ЭЛЧИНИНГ ҲАҚИҚАТНИ ЎРГАНИШИ

Дуч келган одам кўнглига келган ҳар нарсани Расулуллоҳдан (с.а.в.) сўрайвериши тақиқланган эди. Маъносиз, мантиқсиз саволлар бошқалар каби у зотни ҳам роҳатсиз қиларди.

Айни чоқда, асҳоби киромнинг илғорлари жуда-жуда орзу қилишарди, қанийди савол сўраш тақиқланганини билмайдиган саҳройилардан эсли-хушли биттаси келсаю саволлар сўраса...

Бир куни масжидда ўтиришганида бир бадавий пайдо бўлди ва ҳазрати Расулуллоҳнинг ҳузур саодатларига келди.

- Эй Муҳаммад, бизга элчинг борди ва сенинг «Оллоҳ мени пайғамбар қилиб юборди», деганингни айтди, - деди.

- Тўғри айтибди.
- У ҳолда менга жавоб бер: осмонни ким яратди?
- Оллоҳ яратди.
- Ерни яратган ким?
- Оллоҳ.
- Ер юзига бу тоғларни тиккан ва ер юзиде истаган нарсасини қиладиган ким?
- Оллоҳ.

- У ҳолда осмонни яратган, ерни яратган, ер юзида тоғларни тикиб қўйган Зот ҳаққи, айт: сени пайғамбар қилиб Оллоҳ юбордимми?

-Ҳа.

- Сенинг элчинг бир кун ва бир кечада беш вақт намоз вазифаси борлигини айтди.

- Тўғри айтибди.

- Сени пайғамбар қилиб жўнатган Оллоҳ ҳаққи, сўйла: буни сенга Оллоҳ буюрдими? -Ҳа.

- Сенинг элчинг молларимиздан закот бериш вазифаси борлигини ҳам айтди.

- Тўғри айтибди.

- Сени пайғамбар қилиб жўнатган Зот ҳурмати, сўйла: буни сенга буюрган Оллоҳми? -Ҳа.

- Элчинг бизга ҳар йил рамазон ойида рўза тутиш вазифамиз борлигини ҳам айтди.

- Тўғри айтибди.

- Сени пайғамбар қилиб жўнатган Зот ҳаққи, сўйла: буни сенга Оллоҳ буюрдими? -Ҳа.

- Яна элчинг йўлга қодирларимизга Байтни ҳаж этиш вазифаси борлигини ҳам айтди.

- Тўғри айтибди.

Ҳалиги одам буларнинг ҳаммасини ижикилаб сўраб чиққач, ниҳоят:

- Сени пайғамбар қилиб юборган Оллоҳ учун айтаман: буларга ҳеч нарса қўшмайман ҳам, ҳеч нарсани камитмайман ҳам дедию турди-кетди.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) унинг ортидан:

- Қасам бўлсинки, агар шу сўзларида турса, албатта жаннатга киражақдир! – дея марҳамат қилдилар*.

Ўша кунлари яна бир воқеа, буниси ҳам Расули муҳтарам масжидда ўтирганларида, асҳоби киромнинг кўпи ҳам ёнларида эканларида рўй берди. Бир киши келиб ичкари кирди. Эгнида оппоқ кўйлак. Сочлари тимқора. Узоқдан келганини кўрсатувчи бирор белги йўқ: чарчамаган, усти чанг-тупроқ ҳам эмас. Бунинг устига, нотаниш. Қисқаси, агар

мадиналик бўлганида уни танийдиган топиларди, узоқдан келганида йўлнинг таъсири билиниб турарди.

Одам келиб Расулуллоҳнинг шундоқ қаршиларига ўтирди. Тиззасини тиззаларига тиради, кўллари тиззанинг устига кўйди.

- Эй Муҳаммад, менга айт-чи, Ислом нима? - деб сўради.

- Ислом «Оллоҳдан бошқа топинч йўқ, Муҳаммад Оллоҳнинг расулидир», деб гувоҳлик бериш; намоз ўқиш, закот бериш, рамазон рўзасини тутиш ва агар йўлга қодир бўлсанг, ҳаж қилиш, - деб жавоб қилдилар (с.а.в.).

- Тўғри сўйладинг.

Унинг бу гапи шу атрофда ўтирганларнинг кўзларида хайронлик пайдо қилди. Бу бегона худди билмайдиган бир одамдай савол сўради, кейин эса, худди биладиган одамдай жавобни тасдиқлади. Ажабо, ўрганмоқчими ё имтиҳон қияптими?

- Менга имон ҳақида хабар бер, имон нима?

- Имон Оллоҳга, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, охират кунига, қадар, яхшилик ва ёмонлик Оллоҳдан эканига ишонишдир.

- Тўғри айтдинг. Энди менга эҳсон нима эканини тушунтириб бер.

- Эҳсон Оллоҳни кўриб тургандек унга ибодат қилишингдир. Ҳарқанча сен уни кўрмаётган бўлсанг ҳам, у сени кўриб туради.

- Менга қиёматнинг вақти ҳақида белги бер.

- Бу борада сўралувчи сўровчидан кўра билимли эмас (сенга ўхшаб, мен ҳам билмайман).

- У ҳолда менга қиёматнинг нишонларидан сўйла.

- Чўри ўзининг бекасини туғади; ялангоёқ, болдири яланғоч одамларнинг бошига чиқади; камбағал подачилар иморат қуришда бир-бири билан мусобақалашади... Қиёмат Оллоҳдан бошқа биров билмайдиган беш нарса ичидадир,- дедилар Набийи акмал (с.а.в.) ва шу маънони

ифодаловчи оятни ўқидилар: - «Дарҳақиқат, ёлғиз Оллоҳнинг ҳузуридагина соат (киёмат қачон бўлиши тўғрисида) билими бордир. У (ўзи хоҳлаган вақтда, ўзи хоҳлаган жойга) ёмғир ёғдирур ва (оналарнинг) бачадонларидаги ҳомилаларини (ўғилми-қизми, расоми-нуқсонлими, бахтлими-бахтсизми) билур. Бирон жон эртага нима иш қилишини била олмас. Бирор жон қай ерда ўлишини ҳам била олмас. Фақат Оллоҳгина билувчи ва хабардор зотдир»*.

Савол-жавоб шу ерда битди. Келган одам ҳеч нарса демай ўрнидан турди, ўзига қадалган мароқли нигоҳлар остида масжидни тарк этди.

Орадан бир-икки сония ўтди. Ҳалиги одам юрган бўлса, энди икки-уч одим юргандир. Икки олам сарвари:

- У одамни менга чақиринглар, - деб қолдилар.

Бир неча киши баравар туриб ташқари отилишди. Лекин атрофда одам зоти кўринмасди. Ночор, қайтишди.

- Тополмадик, эй Оллоҳнинг расули. Уни кўрган-кетган одам ҳам йўқ ташқарида.

Жанобимиз муборак юзларини узун бўйли, елкалари кенг, ҳамманинг орасида гавдаси билан ажралиб турган одамга чевирдилар:

- У одамнинг кимлигини биласанми, эй Умар? - деб сўрадилар.

- Оллоҳ ва расули мендан яхшироқ билади, - деб жавоб қилди ҳазрати Умар (р.а.)

- У Жаброил эди ва сизларга динингизни ўргатиш учун келди.

Ўтирганларни бир ҳаяжон тўлқини қоплади. Ваҳий фариштасини одам шаклида кўриш, овозини эшитиш, Расули амин билан Жаброили амин тиззама-тизза ўтириб қилган суҳбатларини тинглашдек излаб топилмас дақиқаларни яшашган эди, ахир.

Қуръонда бунга ўхшаш воқеалар келган. Масалан, пайғамбар Иброҳим (а.с.) зиёратларига келган меҳмонларини то улар ўзларини танитмагунича танимаганлар. Айни

шу фаришталар ҳазрати Лут (а.с.) ҳузурларига келишганида Лут (а.с.) ҳам уларни танимаганлар. Ҳадис китобларига алоҳида ном остида «Жаброил ҳадиси» деб кирган бу суҳбат саҳобаи киром учун ғоят азиз бир хотира ўлароқ кўнгиллардан жой олди.

РАСУЛУЛЛОҲ СЕВГАН ОДАМ

Муоз ибн Жабал (розийаллоҳу анҳу) ёрдамсевар бир одам эди. Бировларнинг кўнглини олишни яхши кўрарди. Унинг бу хислати вақти келиб қўлида ҳеч нарса қолмаслигига сабаб бўлди. Тирикчилигини ўтказиш учун ҳатто баъзан қарз олишга мажбур бўлиб қолди. Қарзини ўташ вақти келиб, ҳақдорлар эшигини қоқиб келишганида Муознинг узр сўрашдан бошқа уларга берадиган ҳеч вақоси йўқ эди. Лекин узр сўраш дардга даво эмаслигини унинг ўзи ҳам биларди.

Келганларнинг қошлари чимирилиб, яна келармиз, деб ортларига кетишди, кетаётиб, бирор чорасини топгин-да энди, деб эслатиб қўйишни ҳам унутишмади.

Муоз уйига кираркан, қоронғи ўй-хаёллар қуршовида қолган эди. Нима қилса экан, бу қоронғиликдан чиқиш йўлини қандай топса экан? «Марҳамат, истаганларингни қилинглар!» деб бўлмасди. «Бошингизни билган тошингизга уринг, менинг сиздан қарзим йўқ!» дея олмасди. Уйига қамалиб олишдан ҳам фойда йўқ.

Нима қиларини билмай, бирмунча муддат толғин кўзларини хона деворларига тикиб турди. Сўнгра шарт ўрнидан турди-да, Пайғамбар масжидларига йўл олди.

Жанобимиз унинг дардини диққат билан тинглаб бўлгач, қарз берганларнинг уйига бир-бир бордилар. Ҳар бири билан гаплашдилар. Лекин бу гаплашишлардан на муддат ортга сурилди ва на бирор қулайлик туғилди. Аксига олиб, қўлда ғанимат ҳам йўқ, бўлганида Жанобимиз масалани осон ҳал этиб қўя қолар эдилар. Муозни жуда яхши кўрадиган Пайғамбаримизнинг бу ишга ғайратларига гувоҳ бўлган бир саҳобий кейинчалик: «Агар Пайғамбар (с.а.в.)

орачиликларида бирон карз муддати кечиктирилса эди, Муоз учун кечиктирилган бўлар эди», деган эди.

Энди нима қилади Муоз? Ҳаво ёкимли, кунлар қандай гўзал, деб ҳеч нарса бўлмагандай юраверсинми? Йўқ, бундай қилишга ундаги уят туйғуси йўл бермайди, обрў-эътибори, шарафи бор унинг. Бу аҳволга чек қўйиш лозим эди. Расулуллоҳ (с.а.в.) Муознинг мол-мулкини сотишга чиқардилар. Келган маблағни карз берганларга тарқатиб, масалани ҳал қилдилар. Муоз энди уйсиз-боғсиз, беш тангасиз қолди. Аммо бу чорани қўллаган Жанобимиз уни бу аҳволда ташлаб қўя олмасдилар ҳам.

Ўша кунлар эди. Расулуллоҳ (с.а.в.) Йаманга бориб, у ерда Исломи динини тушунтириш, шаръий ҳукмларни татбиқ этишга кўнгилли бир одам ахтардилар. Абу Бакр (р.а.) кўнгилли бўлиб чиққан эди, уни қайтардилар. Кейин ҳазрати Умар (р.а.) келди. Уни ҳам қайтардилар. Ниҳоят бу вазифага Муоз ибн Жабал талабгор бўлди. Дарҳол қабул этилди.

Энди Муоз бемалол нафас ола оларди. «...Ким Оллоҳдан кўркса, у Зот унинг учун (барча ғам-қулфатлардан) чиқар йўлни (пайдо) қилур. Ва уни ўзи ўйламаган томондан ризклантирур...»* оятининг сири очилди.

Расули акрам (с.а.в.) Муозни (р.а.) қаршиларига ўтирғиздилар. Вазифасини бажаришда нималарга эътибор қаратиши лозимлигини ушбу муборак сўзлар билан тушунтирдилар:

- Сен аҳли китоблардан бир қавмни Исломига чақириш учун боряпсан. Уларни энг олдин Оллоҳнинг расули эканимга ишонишга чақир. Улар бу чақириғингни қабул этишса, бир кун-бир кечага беш вақт намозни Оллоҳ фарз қилганини билдир. Агар улар сенга бу борада итоат этишса, бойларидан олиниб камбағалларига тарқатиш учун Оллоҳ закотни фарз қилганини айт. Агар улар буни ҳам қабул қилишса, закотни тўплашда одамларнинг молларидан энг яхшилари олиб жонларини ачиштиришдан ва натижа ўлароқ мазлумнинг баддуосига нишон бўлишдан саклан. Чунки бундай дуо билан Оллоҳ орасида ҳеч қандай тўсиқ йўқ.

Сўнгра уни саволга тутдилар:

- Эй Муоз, нима билан ҳукм қиласан?
- Оллоҳнинг Китоби билан ҳукм қиламан.
- Излаган ҳукмингни Қуръондан топмасанг-чи?
- Пайғамбарнинг суннати билан ҳукм қиламан.
- Ундан ҳам излаганингни топмасанг-чи?
- Уҳолда ижтиҳодқиламан.

Шунда Жанобимизнинг муборак юзларида тотли бир мамнунлик аломатлари кўринди. Ахтарганини топган, амалига қовушган бир кўнгил ҳузури ичида:

- Мақтовлар Оллоҳгадир, у расулининг элчисини расулининг орзуига уйғун ҳолга келтирди, - деб марҳамат қилдилар.

Муозга шерик қилиб Абу Мусо ал-Ашъарийни тайинладилар ва иккаловига бундай тавсия бердилар:

- Осон қилиб кўрсатинглар, қийинлик чиқарманглар. Кўнгилларни завқлантирадиган ифодалар билан сўзланглар, нафратлантирадиган сўз ва ишлардан узоқ туринглар.

Сўнгра уларни йўлга кузатиб чиқдилар. Муоз туяга минган, сарвари коинот (с.а.в.) ёнида яёв борардилар.

- Эй Муоз, - дедилар бир пайт, - бошқа мени кўрмасанг керак, менга етиша олмайсан, шекилли. Фақат, масжидимга ва қабримга келасан.

Бу гаплар Муознинг кулоқларини ёндирди, юрагини қовурди. Кўзлари бир онда ёшланиб, юрагининг туб-тубларидан қайнаб чиққан бу ёшларни тўхтатиб бўлмай қолди. Расули кибриёни бошқа кўрмас бўлиб айрилиб кетиш шунча осонмикан?.. Абадий саодатни унинг раҳбарлигида топган, жондан азиз бир севиқли ўлароқ қабул этган эди бу зотни. Ўринларига ўлишни жонига миннат биладиган даражада битмас-туганмас севгиси ва хурмати бор эди.

Ўзига колса, кетмасди, то вафот этгунларига қадар ёнларидан айрилмас эди. Аммо севикли Пайғамбари унга «Бор!» деб турибдилар. Кетмаса, бўлмасди. Севган одам севгисини буйрукка итоат этиш билан исбот қилиши лозим, ахир.

Демак, тақдир калами дунё ҳаётида Пайғамбарни (с.а.в.) бошқа кўриш йўлини унга беркитибди. Муоз у ёқда Оллоҳнинг расулидан вакил ўлароқ таблиғ вазифасини юритар экан, Оллоҳнинг севиклиси (с.а.в.) бу ёқда дунёдаги вазифаларини тамомлаган сифатида оламлар Парвардигорининг ҳузурига боражак эдилар. Қисқаси, энди кўришиш маҳшарга қолаётган эди.

- Эй Оллоҳнинг расули, менга васият қилинг, - деди.
- Қаерда бўлсанг, Оллоҳга хурматда бўл.
- Яна васиятқилинг.
- Ёмонлик қилиб қўйсанг, кетидан яхшилик қил, то бу яхшилигинг у ёмонлигингни ювсин.
- Яна айтинг, эй Оллоҳнинг пайғамбари.
- Одамларга чиройли хулқ билан муомала қил.

Ажралиш пайти ҳам келиб қолди. Муознинг қулоғига сирға қилиб яна битта тавсия қилинди:

- Неъматга кўмилиб неъматни берганни унутишдан сақлан. Чунки Оллоҳнинг севикли қуллари неъмат эгасини унутиб қўйишдан кўркканларидан неъматга кўп ҳам кўмилавермайдилар.

Бу тавсия айниқса Муозга жуда лозим эди. Бутун мол-мулки қўлидан чиққан бир одам сифатида бундан буён мол-давлат масаласида яна бошқа хаёлларга бориш эҳтимоли шу зайл ўнгланди.

Муознинг қулоқларида қолган охирги жумла Расули амин жанобимизнинг ушбу муборак сўзлари бўлди:

- Инсонлардан менга энг яқини Оллоҳни хурматлаганларидир, ким бўлса бўлсин, қаерда бўлса бўлсин...

Буларни айтиб бўлгач, Оллоҳнинг севиклиси, жазо кунининг шафоатчиси Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) жанобимиз Мадинага қайтиб кетдилар. Муоз энди бошқа кўрмаяжаги севгили пайғамбарининг ортларидан ҳасрат тўла ёшли кўзлари-ла қараб турди-да, сўнгра уҳам Йаман йўлини тутди.

Отилган ҳар бир одим уларни бир-биридан узоқлаштираётган эдими? Ёки икки севгили бирга-бирга битта йўлда кетаётирларми?..

Ҳақиқат оламида айрилиқ йўқ. Муоз (р.а.) Расулulloҳнинг (с.а.в.) ёнларида, Расули кибриё жанобимиз ҳам Муознинг ёнида...

Бир вақтлар суюкли Пайғамбаримизнинг: «Севувчи севгилиси билан бирга бўлади», деганларини Муоз эшитган эди. Яна битта хотирасини эса, қабрга кирса ҳам унутмаса керак. Бир куни Жанобимиз унинг қўлидан тутиб: «Эй Муоз, Оллоҳга қасам, мен сени яхши кўраман. Ҳар намозинг ортидан «Аллоҳумма, аьинна Ъала зикрика ва шукрика ва ҳусни Ъибадатик» (Оллоҳим, сени эслаш, сенга шукр қилиш ва чиройли ибодат этишда менга ёрдамчи бўл) дуосини қолдирма, бепарво бўлма», деб марҳамат қилган эдилар.

Ҳазрати Расулulloҳ (с.а.в.) қасам ичиб «сени яхши кўраман» дея мақтаганлари Муоз ибн Жабални (р.а.) умрларининг охирларида узоқларга жўнатишларининг, албатта, бир ҳикмати бор эди. Жисман айрилиқ бўлса ҳам, маънавий биргалик давом этади, бирга бўлган пайтлари олганидан ҳам ортиғини Муоз айрилиқ оғида олади. Хайр-хўшлашилаётганда Жанобимиз айтган гапларда узоқ-яқинлик асло муаммо эмаслиги ҳам тушунтирилгандай бўлди. Қанча узоқдагилар жуда яқин, қанча яқиндагилар эса, жуда узоқбўлишлари мумкин эди.

Йаман сари бораётган Муоз ҳозиргача ҳеч тарк этмаган дуосини яна ҳар намозидан кейин такрор этаркан, бу билан Жанобининг хос тавсияларини жойига қўяётганини ҳам хотирлаяжак, қўлини Расули кибриёнинг қўлларида тургандек ҳис этажак эди.

Ҳеч унутмайдиган хотираларидан яна биттаси имом бўлиб намоз ўқиётганда намозни чўзиб

юбормаслик тўғрисидаги тавсия эди. Бир пайтлар узундан-узок намоз ўқиб бера бошлаганида Пайғамбаримиз унга танбех берганларини ҳалигача унутмаган эди*.

ВИДО ҲАЖИ

Худайбийада битим тузилаётган чоқда ўрнидан туриб кетган ва: «Нукул Қурайш элчисининг гапи бўладими?» дея портлаганлар ўшанда росмана энди имон даъвосини бой бердик, деб ўйлашган эди.

Мадинага қайтишда тушган Фатҳ сураси бу битимни мўминлар учун «очик-равшан фатҳ» деб баҳолаган, кўнгилларда тўпланган кайғуни суғуриб ташлаган эди. Бундан буён Ислом дини кундан-кунга қувват топди, ширк ва куфр ҳаёти одим-одим чекинишга мажбур қолди. Ана ўша битимдан кейиноқ мўминлар катта ва давомли хавф туғдириб келаётган Ҳайбар калъасини фатҳ этишди. Теварақдаги катта-кичик амирликларга хатлар ёзилди, Макка фатҳ этилди, то Табуккача сафарлар уюштирилди, ҳазрати Абу Бакрнинг амирлиги остида қилинган ҳаж пайтида бундан буён ҳеч бир мушрик Каъбани тавоф этолмаслиги

эълон қилинди. Бу эълонга қарши бош кўтариб, «Йўқ! Эски тартиб давом этади!» дейдиган бир одам чикмади.

Ундан кейин узок-яқиндаги кўп араб қабилалари ўз ихтиёрлари билан Мадинага келиб, Исломни қабул қилганларини билдиришди.

Мана шу ораларда Наср сураси инди: «(Эй Муҳаммад,) қачон Оллоҳнинг ёрдами ва ғалаба келса ва одамлар тўп-тўп бўлишиб Оллоҳнинг дини (Ислом)га қираётганларини кўрсангиз, дарҳол Парвардигорингизга ҳамд айтиш билан (У Зотни ҳар қандай «шерик»лардан) покланг ва у зотдан мағфират сўранг! Зеро, у тавбаларни қабул қилгувчи зотдир».

Бу шарафли сура келганидан кейин Жанобимиз олдингига қарагандаям кўп тавба ва истиғфор айтадиган бўлдилар.

Айниқса, ҳазрати Абу Бакр бу сурани «Энди тайёргарлик кўриш вақти яқинлашди, эй севиклигим!..» маъносида тушунди, кўзлари ёшланди. Чунки бу сурада вазифа охирига етаётганини ҳис эттирадиган аломатлар бор эди.

Инсониятнинг энг буюк йўлбошчиси (с.а.в.) энди умматлари билан видолашажақлар, пайғамбарлик ҳаётлари бўйича одамларга англатишга ҳаракат қилганлари абадий саодат юртига йўл олажақлар.

Бу каби ўйлар оғушида, ҳижратнинг ўнинчи йили зулқаъда ойида ҳаж қилиш учун Маккага боришга қарор қилганларини теварақдаги қабилаларга билдирдилар. Бу хабарни эшитган мусулмонлар тўп-тўп бўлиб Мадинага оқиб кела бошлашди.

Ҳаж амри келганидан кейин суюкли Пайғамбаримиз қилган илк ва сўнгги ҳаж эди бу. Мадинага ҳижратдан олдин, ҳали фарз бўлмасидан олдин ҳаж қилганлари маълум.

Ҳаётларида сафарга охирги чиқишлари, бундан бошқа ҳаж қилиш имконлари йўқ эди. Шу боис хотинлари орасида бу гал қуръа ташланмади. Ойиша, Умму Салама, Савда, Зайнаб, Жувайрийа, Сафийа, Умму Ҳабиба ва Маймуна (ҳаммаларидан Оллоҳ рози бўлсин) оналаримиз бу сафарга борадиган бўлишди. Чўри ҳукмидаги Райҳона билан Морийа ҳам бор эдиларми, йўқми - билмаймиз.

Тирик қолган биттагина қизлари Фотима ҳам севикли ота билан бирга. Яқинда Йаманга юборилган ҳазрати Али ўша ёқдан йўлга чиқажак ва Маккада топишишажак эди. Умму Румоннинг вафотидан кейин ҳазрати Абу Бакрга турмушга чиққан Асмо бинти Умайс тўққиз ойлик ҳомиласи билан у ҳам сафарни мўлжаллаб турибди.

Зулқаъда ойининг йигирма бешинчи - шанба куни пешин намози ўқиб бўлингач, Жанобимиз ҳаракат амрини бердилар. Макка йўлига чиққанларнинг сони юз минг эди. Бу юз минг инсоннинг ҳар бири Оллоҳнинг расули (с.а.в.) билан бирга ҳаж қилишдек улуғ неъматни

ганимат билишар, кадр-кийматини тўла ҳис этишар эди.

Икки соатларча юрилиб, Зулхулайфага етиб келишди. Дам берилди. Саййиди коинот жанобимизнинг имомликларида аср намози икки ракат ўқилди. Шом, хуфтон, бомдод намозлари ҳам шу ерда ўқиладиган бўлди.

Шом вақти кирай деганида Пайғамбаримизга бир чақалоқ узатилди. Ҳозиргина туғилгани, эндигина илк нафасларини олаётгани шундоқ билиниб турарди. Ёнида кўзлари севинчдан порлаб турган Абу Бакрни кўриб, Расулulloҳ аҳволни англадилар. Демак, Асмо туғибди ва бу ерга барака дуосини истаб олиб келишган. Ҳазрати Абу Бакр ҳаётининг охирги меваси бўлган бу болага Пайғамбаримизнинг муборак исмларини кўйди. Абу Бакр ўғли Муҳаммад дунёга келибоқ Оллоҳ расулунинг кучокларига кирди, дуоларини олди. Бу мурғак гўдак келажакда онаси Асмонинг ҳазрати Алига тегажагини ва шу муносабат билан ҳазрати Алига ўғай ўғил бўлажагини ҳозир билмас эди. Ва яна у ҳазрати Али халифалик

даврида Мисрга волий этиб тайинланишини ҳамда кетаётганида йўлда ёқаланиб ўлдирилишини ҳам билмасди.

Асмо Пайғамбаримизнинг тавсиялари билан ювиниб олди, эҳромга кирди ва ҳаж сафарида давом этиш учун тайёр бўлди.

Ўша кеча Оллоҳнинг расули хотинларини битта-битта зиёрат қилиб чиқдилар, ювиндилар, хушбўйлар сепдилар ва эҳромга кирдилар. Бундан кейин хушбўйлар сепиш, соч ва тирнокларни олиш, тикилган кийим кийиш мумкин эмасди. Хотинлари билан ҳам муносабатлари худди бегоналар олдида тургандаги ҳолатдан ошиб кетмаслиги керак.

Эҳромга киргач, «Лаббайк, Оллоҳумма лаббайк...» деб Оллоҳнинг чақириғига ҳозирликларини билдирдилар. Эҳромга кирган юз минг одамнинг бир оғиздан «Лаббайк!..» деб ҳайқиришлари уфқларни титратиб юборди, юракларга кўркув солди.

Жанобимиз Оллоҳга ҳамд айтдилар, «Оллоҳим, ҳажимиз кўз-кўзлашдан, шуҳрат туйғусидан узок, мақбул ҳаж бўлишини насиб эт», деб дуо қилдилар.

Туяларининг устига ёпилган кигиз сотилса, баҳоси тўрт дирхамга етмасди. Умр бўйи шуҳратдан, кўз-кўзлашдан йироқ яшадилар, зотан Жанобимизга бу йўл берк эди. Жаноби Мавло у кишини бу туйғулардан кўрир эди. Юз минг кишини эргаштириб ҳажга бориш раҳмат пайғамбарига шуҳрат туйғуси эмас, ҳамд ва шукр туйғуси берар эди. Бу ерда эътибор бериш лозим бўлган нозиклик ҳажга боришни мақтаниш воситаси қиладиган ва ўзига «ҳожиде» деб мурожаат этилишига катта аҳамият берадиган кимсаларга олдиндан муҳим эслатмакилик бўлиши эди...

Пайғамбаримиз қадрдон туялари Қасвага миндилар-да, юриш буйруғини бердилар. Қасвадан сал илгарироқ бораётган Жобир ибн Абдуллоҳ бошини кўтариб тевааракка боқди: кўз илғамас даражада ёйилган одамлар сели оқиб борарди. Умрида бунчалик кўп оломонни кўрмаган эди. Пайғамбаримизга жўр бўлиб «Лаббайк!..» деяётган одамларнинг товушлари тоғларга урилар, у ердан қайтиб кулоқларда жаранглар эди...

Йўлакай ҳаж гуруҳига янги-янги одамлар келиб қўшилаверди. Туя устига қурилган бир кажава пардаси қия очилиб, аёл киши:

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари, буям ҳаж қилган бўладими? - деб сўради қўлидаги чақалоғига ишора этиб.

- Ҳа, - дедилар Жанобимиз, - сенга ҳам бу туфайли ажр ва савоб бўлади...

Абво кишлоғига кириб келишди. Бу ер эллик етти йил илгари қимматли ва лекин толеъсиз оналари қора тупроққа қўйилган жой эди. Оллоҳнинг севаклиси дўстларидан ажралиб, оналарининг қабри тепасига бордилар. Бир муддат ўша ерда турдилар. Сўнг кўзларидан нур томчилари тўкила-тўкила сафардошларининг ёнига қайтдилар. Ҳеч ким: «Нима нарса сизни йиғлатди, эй Оллоҳнинг пайғамбари?» деб сўрамади. Одам онасининг мазори бошидан хурсанд ҳолда қайтмайди-ку... Шундай бўлса ҳам, Жанобимиз ўзлари керакли тушунтиришни бердилар:

- Онамга мағфират истаб дуо қилишга Эгамдан изн сўрадим, менга бу изн берилмади. Хеч бўлмаса, қабрини зиёрат этишга изн сўраган эдим, бунга ижозат берилди. Сизлар ҳам қабрларни зиёрат қилинглар, чунки ўлимни ва охиратни эслатади, - деб марҳамат қилдилар*.

Шу сўзларни айтarkanлар, Жанобимизнинг (с.а.в.) муборак кўзлари нур кўлига айланди. Юзлари энг очик маънодаги қадар ва маҳзунлик лавҳаси эди.

Боласи оламларга раҳмат бўлган бир она бўлиш, аммо боласидан мағфират дуосини олмаслик... бундан катта толеъсизлик бўладими? Оминани охиратда қандай натижа кутяпти? Энг буюк шафоат эгаси, пайғамбарларнинг энг буюги ўзининг онасига фойда бера олмайдимми? «Сен пайғамбарни туғдинг, вазифанг битди, аммо имонинг бўлмагани

учун кир жаҳаннамга!» дейишадими ёки қулоғига Пайғамбар чақириғи кирмаган бошқалар қатори унга ҳам Оллоҳнинг чексиз раҳмати бирон имкон берадими?

Мўминларни узоқ-узоқ ўйга толдирган ва дарднок этган бу мавзу жуда оғирдир. Бунда ҳам ижобий, ҳам салбий қарашлар бор. Бир муносабат ила шуларни жиддий ўрганиб, охири: «Ҳаммининг оқибати каби эмас, Жаноби Мавло тайин этади», деган хулосага келдик.

Видо ҳажи чоғида Пайғамбаримиз бир мўъжиза сифатида оталарини ва оналарини тирилтирганлари, улар эса имон сўзларини айтишгани заиф бир ривоятда келтирилган.

Ҳазрати Абу Бакр бир туяни озиқ-овқат юклашга ажратган, унга Пайғамбаримиз билан иккаловларининг емақларини юклаб, Уқба исмли бир қулга топширган эди. Кечалардан бирида Уқба уйқудан уйғониб ёнида туяни кўрмади. Туя ўрнида еллар эсарди. Ўрнидан сапчиб туриб кетди, йўл бўйлаб ахтариб чикди, кўрган-топган одам йўқ эди.

Навбатдаги кўноқ ерида Жанобимиз Абу Бакр билан бирга дам олиб ўтирардилар. Асмо билан Ойиша онамиз ҳам ҳозир эдилар. Бу орада қул келди, халигача туяни топмагани англашилди. Абу Бакрнинг жаҳли чикди.

- Қанака одамсан ўзи, биттагина туяни эплай олмасанг? - дея бирдан уни бўға бошлади.

Пайғамбар жанобимиз кулимсирадилар:

- Эҳромли одам қилаётган ишга қаранглар, - дедилар.

Бу гап билан эҳромдаги киши бунақа ишлар қилмаслиги лозимлигини билдирган бўлдилар. Ҳазрати Абу Бакр ўзига келиб олиши учун шу енгил танбеҳ ҳам етарли эди.

Уқба калтақдан кутулиб қолган пайт бу ёқда озиқ-овқат юкланган туя ҳам пайдо бўлди. Ҳазрати Абу Бакр туяни тутиб келтирган одамга миннат туйғулари-ла боқди. Ойиша онамиз дарров у кишини таниди. Чунки бир замонлар ўрталарида эрдан чикмайдиган бир ҳодиса юз берган эди. Бани Мустаълиқ сафаридан қайтишда адашиб йўлда қолиб кетганида уни топиб келтирган ва, афсуски, ҳар хил миш-мишлар чиқишига сабаб бўлган Сафвон ибн Муаттал эди бу одам. Жаноби Мавло энг буюк гувоҳ сифатида ўша адашув ҳодисасида уларнинг ниятлари тоза бўлганини ҳамда ҳар иккаловларининг номусига доғ туширишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлигини махсус оят тушириб билдирган эди.

Сафвон ўшанда ҳазрати Абу Бакрнинг йўлда қолган қизини, ҳозир эса озиқ-овқат юкланган туясини топиб келтириб берди.

Туя яна Уқбага топширилди. Орадан бир оз фурсат кечди. Пайғамбар ҳузурларига иккинчи битта туя келтиришди. Ота-бола аслзодалар етаклаб келишган эди уни. Қадимдан сахийлиги билан танилган бир оиланинг сахий икки аъзоси - Саъд ибн Убода ва унинг ўғли Қайс...

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари! Озиқ-овқат юкланган туянгиз йўқолди, топилмади, деб эшитдик. Мана, сизга унинг ўрнига устида озиқ-овқат билан бир туя, қабул қилиб олинг,- дейишди.

Жанобимиз туя ҳозиргина топилганини айтдилар. Сўнгра:

- Туяларингни ўзларингга қолдиринглар, Оллоҳ сизларга уни муборак қилсин. Мадинага

келганимдан бери юбориб турган неъматларинг, берган зиёфатларинг етмайдами? - дедилар.

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари, аслида биз Исломга ҳидоят қилгани учун Оллоҳдан ва расулидан миннат ва шукрга қарздор одамлармиз. Оллоҳга қасам, сиз бизнинг молларимиздан олганингиз бизга қолдирганингиздан кўра севимлидир.

Бу сўзларни ҳурмат ва самимият туйғулари безаб-зийнатлаб турарди. Зотан, шонли Пайғамбар жанобимиз унинг гапларини:

- Тўғри айтдинг, эй Абу Собит, сизларга нажот хушхабари бўлсин! - дейиш билан тасдиқлаб қўйдилар.

Саъд бу туяни келтиришга мажбур эмасди. Туя йўқолганини эшитганида ҳар ким каби юраверганида бўларди, биров унга: «Нимага битта туяни олиб келмадинг?» демасди. Аммо бу фазилат тўла иши билан сел олдидан яхшигина бир ғўлани тутиб қолган, яхшигина ўлжани қўлга киритган эди. Келажакда ҳам бу ишининг янада чиройли мукофотларини олишига ҳеч шубҳа йўқ...

Йўлчилик мана шундай тотли хотиралар билан давом этди. Сарифда ҳам бир қўнок берилди. Бу ер Маймуна онамизга (р.анҳо) ифодасига тил ожиз бўлган туйғулар инъом этган эди. Чунки икки йил бурун худди шу ерда Расулуллоҳга (с.а.в.) хотин бўлди, «мўминларнинг онаси» бўлиш шарафи ва бахтига шу жойда эришди. Жанобимиз энг охири уйланган хотин ҳам у эди. Аммо тақдир калами бир саодатхона сифатида битган бу ерни ўткинчи дунё билан видолашадиган жойи сифатида ҳам битиб қўйганини у ҳали билмасди. У келгусида Пайғамбарнинг энг охири ўлган хотинлари сифатида худди шу ерга дафн этилажак...

Жанобимиз (с.а.в.) Ойиша онамизнинг (р.анҳо) ёнларига келдилар.

- Нимага йиғлаб ўтирибсан? - деб сўрадилар. Онамиз ёшли кўзлари билан жанобимизга боқди.

- Валлоҳи, бу йил ҳажга чикмасам бўлар экан, - деди.

- Ой кўрибқолдингми?

-Ҳа, эй Оллоҳнинг пайғамбари.

- Бу нарса Оллоҳ Одам қизларига тақдир қилган бир ишдир, - дея унга тасалли бердилар ва ҳаж вазифаларининг ҳаммасини бажаверишини, фақат Каъбани тавоф қилмай туришини тайинладилар.

Маккага зулҳижжанинг тўртинчи куни якшанбада кириб келишди. Тўғри Каъбага бордилар. Оллоҳнинг уйини кўрган заҳотлари:

- Оллоҳим бу уйнинг шарафини, азаматини, яхшилик ва баракотини кўпайтир, - деб дуо қилдилар.

Туяларидан тушиб, эгниларига ташланган эҳром матоларининг бир учини ўнг қўлтиқларидан ўтказиб елкаларига ташладилар. Ўнг қўллари елкалари билан очиқ қолди. Қора тошни «Бисмиллаҳи Оллоҳу акбар», дея саломладилар*. Сўнгра:

- Оллоҳим, сенга имон келтирган, Китобингни тасдиқлаган ҳолда тавоф қиламан», дедилар. Каъбани чап томонга олиб, «Хотим» деб аталадиган деворчанинг ташқарисидан айланиб тавоф қила бошладилар. Имкон қадар тез юрдилар. Илк уч айланишдан кейин бир маромда юриш билан тавофни тамом қилдилар. Бу сирада мўминлар онаси Умму Салама тоби қочгани учун туя устида сал узоқроқдан айлантирилиб, тавофини бажармоқда эди.

Тавоф қилиб бўлгач, Расулуллоҳ (с.а.в.) Иброҳим мақомининг орқасига ўтдилар. Каъбага қараб икки ракат намоз ўқидилар. Сўнгра тик турган ва Каъбага юз тутган ҳолда тўйиб-тўйиб замзам ичдилар. Сафо билан Марва тепаликлари орасида етти марта лўкиллаб бориб келдилар. Шундай қилиб умра тугади.

Ўзлари билан қурбонлик олиб келмаганларни сочларини олдириб эҳромдан чиқишга буюрдилар.

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари, сиз эҳромдан чиқмадингиз-ку? - деб сўрашган эди.

- Кейиндан ўйлаганларимни олдин ўйлаганимда эди, қурбонлик келтирмасдим, эҳромдан чиқардим, - деб жавоб қилдилар.

Ҳазрати Фотима суюкли оталарининг бу буйруқларига қараб рангли кийимлар кийди, кўзларини сурмалади. Мана шу ораларда ҳазрати Али ҳам Йамандан Маккага етиб келди. Хотинини бу аҳволда кўрди-ю тушунмади, «дадамнинг сўзлари билан эҳромдан чиқдим», деган изоҳини ҳам етарли топмади. Унинг билгани: шу онда хотини эҳромда бўлиши лозим, эҳромдалиқ ҳолда эса, кўзларга сурма тортилмас эди.

Бориб Жанобимизга йўликди, аҳволни тушунтирди. Пайғамбаримиз:

- Тўғри айтибди, - дедилар.

Ҳазрати Алининг бу ишидан ажабланмаслик керак. Чунки асҳоби киромнинг кўплари Арафотга кетишаркан, ҳозиргача бунақа ҳолатга дуч келишмагани хусусида ўзаро гап-сўзлар қилишажак, бу гап-сўзлар ҳадис китобларидан ҳам жой олажак. Чунки илгаридан бери ўрнашиб қолган одатга кўра, эҳром то ҳаж ибодати биттунича давом этарди.

- Сен ҳажга нима деб ният қилдинг?

- Оллоҳим, сенинг пайғамбаринг қандай ният қилган бўлса, мен ҳам ўшанақа ният қилган бўлай, дедим...

Ўзи билан қурбонлигини ҳам олакелган ҳазрати Али эса, Пайғамбар жинобимиз каби, ҳажнинг охиригача эҳромли қоладиган бўлди.

Арафадан бир кун илгари - саккизинчи зулҳижжа пайшанба куни Пайғамбар жанобимиз қора тош билан Иброҳим (а.с.) излари орасида тик турган ҳолда ҳаж ибодатлари ҳақида бир суҳбат қилдилар. Сўнг Минога ҳаракат амрини бердилар. Ўзлари ҳам ўша куни Минога бордилар. Бу ерда бомдод намозигача қолиб, намоздан кейин яна йўлга тушдилар ва зулҳижжанинг тўккизинчисига тўғри келган жума куни Арафотга бордилар. Пешингача кутдилар. Қуёш тепадан ошиб то ғарбга оға бошлаганида:

- Одамлар жим бўлишсин! - деб буюрдилар. Бир суҳбат қилмоқчи эканлари маълум бўлди.

Набиййи акмал (с.а.в.) жанобимиз пайғамбарлик ҳаётларининг энг муҳим хутбасини қилиш учун Қасвага миндилар. Юзмингдан ортиқ бу имон жамоатига қараб ушбу муборак сўзларни айтдилар:

- Эй инсонлар! Гапимга қулоқ солинг. Билмайман, балки бу йилимдан кейин бу ерларда сизлар билан бирга бўламанми-йўкми...

Эй инсонлар! Қонларингиз, молларингиз, номусларингиз Парвардигорларингиз хузурига боргунларингизгача бир-бирларингизга, худди бу кунларингиз, бу ойингиз каби, ҳаромдир. Парвардигорларингиз хузурига боришларингизга эса, ҳеч шубҳа йўқ. У қилмишларингиздан ҳисоб сўрайди. Сизларга етказдимми?

Кимнинг қўлида бир омонат бўлса, уни омонат қолдирган эгасига топширсин. Жоҳилия одатларидан бўлган ҳамма нарса оёқлар остидадир - бекор қилингандир. Фоизнинг ҳамма турлари бекор қилинди. Сизларнинг фақат сармоянгиз бор. На сизлар зулм қилишга ҳақлисизлар ва на сизларга зулм этилади. Оллоҳ сизларга фоиз йўқдир деган ҳукмни қўйди. Аббос ибн Абдулмутталиб фоизи тамоман бекор қилинди. Мен воз кечган илк қон даъвоси Робиа ибн Ҳорис ибн Абдулмутталибнинг ўғлига оиддир, уни Лайс ўғиллари қабиласида эмиздирилаётганида Ҳузай қабиласи ўлдириб қўйган эди. Бу воқеа жоҳилия даврига тегишли бўлиб, бу қон даъвосидан воз кечдим.

Эй инсонлар! Билиб қўйинглар, шайтон бу юртларингизда ўзига ибодат қилдириш умидини тамоман узган бир ҳолатдадир. Лекин ибодат ташида қолган ва сизлар аҳамият бермаган амаллар билан унга итоат қилинса, шунга ҳам рози бўлади. Динингизга зарар бериб қўйишдан кўркиб, ундан сақланинглар.

Эй инсонлар! Ҳаром ойларнинг ўрнини ва тартибини ўзгартириш одати қуфрда киритилган қўшимчалардир ва бу билан кофирлар тўла ақлдан оздирилади, эсларини йўқотиб қўяди. Ҳаром

ойни бир йил ҳалол ҳисоблайди, бир йил ҳаром ҳисоблайди. Бу билан эса, Оллоҳ ҳаром қилганини ҳалол, ҳалол қилганини ҳаром қилмокчи бўладилар. Дарҳақиқат, замон Оллоҳ кўкларни ва ерни яратган кундаги шаклига ва ҳолатига қайтмоқда. Оллоҳ ҳузурда ойларнинг сони ўн иккитадир. Тўрттаси ҳаром қилинган -учтаси кетма-кет, биттаси эса жумодуссони билан шаъбон орасидаги ва Мудор қабиласи риоя этадиган ражаб ойдир.

Эй инсонлар! Сизларнинг хотинларингизда ҳақларингиз бор, уларнинг ҳам сизларда ҳақлари бор. Сизларнинг улардаги ҳақларингиз уйларингизга сизлар ёқтирмайдиган одамларни қўймасликлари, айниқса, очик бир одобсизлик қилмасликларидир. Агар шундай қилишса, Оллоҳ сизларга жойингизни бошқа қилиб ётишингизга ҳамда жароҳат етказмасдан уришингизга изн беради. Агар қилмишларини тўхтатишса, уларни одатдагидек емак ва киймаклар билан таъминлашингиз уларнинг ҳаққидир. Диққат қилинглр: уларнинг сизлардаги ҳаққи уларга яхши муомала қилишингиз, кийдиришингиз, озиқ-овқатлар билан таъминлашингиздир.

Хотинлар ҳақида бир-бирларингизга яхши ишларни тавсия қилинглр. Улар сизларга омонат топширилган инсонлардир. Ўзлари учун бирор нарсага эга эмаслар. Сизлар уларни Оллоҳнинг омонати ўлароқ олдиларинг, улар Оллоҳнинг сўзлари билан сизларга ҳалол қилинди.

Эй инсонлар! Сўзларимни эсларингда тутинглр. Мен сизларга етказайтирман. Сизларга икки нарсани қолдирияман, уларни маҳкам ушласаларинг, мушкул аҳволга тушиб қолганларингда асло ўзларингни йўқотиб қўймайсизлар. Булар очик бир амр ҳолида Оллоҳнинг Китоби ҳамда пайғамбарининг суннатидир.

Эй инсонлар! Сўзларимни тингланглр ва эсларингда сакланглр. Яхши билинглрки, ҳар мусулмон бошқа мусулмоннинг дин биродаридир. Ҳамма мусулмонлар бир-бирларининг биродарларидир. Шундай экан, бир киши бошқа бир мўминга тегишли нарсани, агар у кўнгил розилиги билан ўзи бермагунича олиши ҳалол бўлмайди. Шундай қилиб ўзларингга зулм қилманглр...

Расули акрам (с.а.в.) шу ерга етганда юзларини осмонга чевирдилар-да:

- Оллоҳим, етказдимми? - дедилар. Минглрча одам бу саволга жавоб ўлароқ:

- Оллоҳ учун, ҳа, етказдингиз! - дея ҳайқиришди.

- Оллоҳим, гувоҳ бўл, - дедилар ва давом этдилар:- Эй инсонлар! Албатта, Оллоҳ ҳар ҳақ эгасига ҳаққини берган. Шундай экан, меросхўрга ҳаққидан бошқача васият қилиш йўқ. Бола кимнинг ётоғида туғилган бўлса, униқидир, зино қилганга эса маҳрумият бор. Ким отасини рад этиб, отасидан бошқага ўзини нисбат берса ёхуд қули бўлмаган одамни қул қилишга уринса, Оллоҳнинг, фаришталарнинг ва бутун инсониятнинг лаънати унга бўлсин. Оллоҳ ундан азобни қайтарадиган шафоатни ва фидяни қабул қилмайди. Хотин эрининг уйдан эрининг руҳсатисиз нарса олиб садақа бера олмайди.

- Емак бўлса ҳамми, эй Оллоҳнинг пайғамбари?

- У бизнинг молимизнинг энг қийматлисидир... Омонат олинган нарса эгасига берилади. Соғиш учун қолдирилган ҳайвонлар қайтиб берилади. Қарзлар ўталади, кафил қарздор ҳисобланади... Сизлардан мен ҳақимда сўралади, нима дейсизлар?..

- Гувоҳлик берамиз, сиз етказдингиз, вазифангизни бажардингиз, самимият билан бурчни ўтадингиз.

Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.) муборак бармоқларини кўкка нуқдилар-да:

- Оллоҳим, гувоҳ бўл! Оллоҳим гувоҳ бўл! Оллоҳим гувоҳ бўл! - дедилар.

Бу хутба чоғида Жанобимиз туя узангисида тик турган ҳолда, мушаклари бўртиб-бўртиб, баланд овозда гапирар, ора-орадаги одамлар ҳам худди шундай баланд овозда:

«Пайғамбаримиз бундай-бундай деяптилар!..» дея орқадагиларга айни гапларни етказишар эди. Ўшалардан бири Робиа ибн Умайя эди.

Хутба тугади. Пайғамбарлар сарварининг (с.а.в.) муборак юзларини кўриб турганлар бу юзлардан бурчини ўтаганлик ҳузурини осонгина уқиб оларди.

Билол (р.а.) пешин намозига азон айтди. Сўнгра икомат такбири туширилди. Жума куни бўлишига қарамай, сафарда бўлганлари учун, пешин икки ракат ўқилди. Кетидан бир такбир билан аср намози ҳам ўқилди.

Шундан кейин Расулуллоҳ (с.а.в.) Жабали Роҳма оти берилган қояликларга бордилар. Қояликлар остида, Қасвадан тушмасдан, қиблага юзландилар. Олдин «Лаббайк...» деб талбия айтдилар, сўнгра бошқа пайтларда ҳам тез-тез ўкиб-такрорлаб юрадиганлари ушбу муборак сўзларни айта бошладилар:

- «Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳ. Лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ʼала кулли шайъин қодир».

Бу муборак сўзлар илгариги пайғамбарлар ҳам кўп-кўп такрорлаб юрган зикр эканини Жанобимиз олдин айтган эдилар. Арафотда эса, ўзлари бу зикр билан жуда кўп марта Жаноби Мавлога илтижо этдилар. Тинмасдан дуолар қилдилар.

Оқшом яқинлашиб келар эди. Куёш уфқлар ортига ўтиб кетай деб турган бир пайтда бирдан Жанобимизнинг туслари ўзгарди. Худди теваракларидагиларни кўрмаётгандай эдилар. Яқиндан биладиганлар ваҳий кела бошлаганини англашди. Аммо бу гал Пайғамбаримиз олдингилардан кучлироқ босим остида қолганларини бир қараган одам дарров фахмлар эди. Ҳатто Қасвадай кучли-қувватли туя ҳам бу залворга дош беролмади, чўка бошлади.

Асҳоби киром орасида ваҳий ҳолатига юзларча марта гувоҳ бўлганлар бор эди. Ҳар сафар Пайғамбаримиз оғир сиқинти чекар, киш кунларида бўлсин, терлаб кетар эдилар. Бир галгисида Зайд ибн Собит (р.а.) Жанобимизнинг тиззалари тагида қолган тиззасини синиб кетади деб ўйлаган. Аммо бугунгача кўрганлари холва экан, ҳозиргисидақа оғирлик ва шиддат ҳеч қачон бўлмаган эди.

Нихоят, ваҳий ҳолати ўтди. Муборак юзларидан дув-дув оққан терлар артилди. Оғир босимдан қутулган Қасва чуқур бир нафас олиш билан роҳатга қовушганини билдирди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) туяни ўрнидан турғаздилар, Улуғ Мавлодан тушган оятларни дона-дона ўқидилар:

«Бугун мен сизлар учун динингизни комил қилдим, мен сизларга неъматимни тўқис қилиб бердим ва сизлар учун Исломни дин қилиб танладим...»*.

Бу оят Ислом динининг ҳукмлари тўлалигича етказилганини билдиради. Бундан кейин ҳалол-ҳаромга доир янги ваҳий келмаяжак, олдин қўйилган бирон ҳукм ўзгартирилмаяжак. Йигирма уч йил илгари Ҳиро тоғининг ёлчин қояликлари орасидаги ғордан бошланган улуғ Ислом дини энди Арафот саҳросида тугал ҳолга келтирилди. Бир Қадр кечасида бошланиб, бир арафа куни охирига етказилди. У пайт кунчиқар палла эди, куёшнинг илк нурлари энди порлайман деб турган эди, ҳозир эса, куёш тепаликлар ортига чекинишга ҳозирлик кўраётибди.

Бундан буён севиқли Пайғамбаримизнинг умр куёшлари ҳам ўткинчи дунёдан айрилиб, боқий оламга ўтажак, ўзларини оламларга раҳмат қилган Роббул Оламинга қовушажаклар. Бу бахтли қовушув юз беришига бор-йўғи саксон бир кундай қисқа бир муддат қолган эди.

Ҳозир эса... Юзларни чуқур бир мамнуният қоплади. Зотан, Ислом дини ҳукмларининг тугалланиши, Расули амин жанобимиз ўз шахсларига ярашадиган даражада мукамаллик билан бу динни одамларга етказганлари мамнуниятдан бошқа бирон туйғу бериши мумкинмиди, ахир?!

Аммо Ислом динида энг уст мартабага етишган икки буюк одамнинг кўзларида ёшлар ғилтиллаб қолди; бу ёшлар севинч туйғусидан оқмаётир эди. Бу икки шахсият севиқли Пайғамбаримизга неча йиллардан бери энг самимий дўст, энг жонажон биродар бўлиш шарафини қозонган одамлар эди. Улар ҳар ҳол ва ҳар вазиятда Жанобимиз билан бирга бўлишди, Расулуллоҳ саодатли қабрларида ҳам улардан айрилишга рози бўлмаяжаклар эди.

- Нима бу кўзёшлари, эй Абу Бакр?.. Нимага йиғляпсан? - деб сўрадилар.

- Йиғляпман, чунки камол заволни тақозо этади.

Модам дин камолига етибди, модам вазифа тамом бўлибди, демак, энди кўчиш ҳозирлигини кўриш қолибди. Ҳар бир ўтадиган сингари сарвари коинот (с.а.в.) ҳам кўчиш тайёргарлигини бошляжаклар. Ҳазрати Абу Бакр билан ҳазрати Умарни (Оллоҳ иккаларидан ҳам рози бўлсин) йиғлатган нарса мана шунақа туйғулар эди.

Куёш ботиши биланок жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) Муздалифа сари юриш амрини бердилар. Холироқ жойда Қасвани кичаб, тикилинчда секинлатиб боравердилар. Одамларни туртиб-суртиб олдинга интилганларни хотиржамликка чакирар, бошқаларни роҳатсиз қилмасликни тавсия этар эдилар. Орқаларига ўзлари жуда яхши кўрадиган Усомани мингаштириб олган эдилар.

Ниҳоят, Муздалифага етилди. Энди бир азон ва икки икомат билан кетма-кет шом ва хуфтон намозларини ўқиб бердилар. Кейин дам олиш учун ётдилар.

Бошда Савда онамиз (р.анҳо) ўлароқ хотинларидан рухсат сўраганларга вақтлроқ йўлга чиқишга рухсат бердилар. Абдуллоҳ ибн Аббос ҳали балоғат ёшига етмаган бола сифатида аёллар билан бирга жўнади. Асосий омма йўлга чиққунича улар балки Минога етиб олишар. Фақат, кун чиқмасидан шайтонга тош отишни бошламай туришлари огоҳлантириб қўйилди.

Суюкли Пайғамбаримиз бомдод намозини эрта вақтида ўқиб бердилар. Куёш чиқмасидан туяга миндилар ва Мино сари йўл бошладилар. Бу гал орқаларига ниҳоятда келишган бир йигитча - амакилари Аббоснинг ўғли Фазл мингашиб олди.

Жанобимизнинг ҳар гал хоссатан биронта ёш-ялангни орқаларига олишлари ёшларга берган баҳоларини кўрсатарди. Қолаверса, ёнларида бирорта одамнинг бўлиши юз берадиган катта-кичик ҳодисаларнинг тасбитига имкон берарди.

Хасъам қабиласидан ёш бир хотин келди.

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари! Оллоҳ ҳажга буюряпти, менинг отам эса, улов устида ўтира олмайдиган даражада қаридир. Мен ўринларига ҳаж қилсам бўладими? – деб сўради.

- Ҳа, ўрнига ҳаж қилсанг бўлади, - деб жавоб қилдилар.

Бу пайтда Фазл хотинга, хотин Фазлга қараб туришган эди. Пайғамбаримиз сўзларини тугатгач, орқаларига бурилиб, бир қўллари билан Фазлнинг юзини, иккинчи қўллари билан бўйнини ушладилар ва чевирдилар. Чевираркан:

- Эй амакимнинг ўғли, бугун одам қулоғини, кўзини, тилини тийиб, гуноҳлари кечириладиган кундир, - деб танбех бердилар.

Аббос (р.а.) Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) бу ишларини кўриб қолган эди. Келиб, сабабини сўради.

- Ёш бир эркак билан ёш бир хотинни кўрдим. Ораларига шайтон кириб қолмасин деб кўрдим, - деб жавоб қилдилар.

Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) шу кунгача жуда кўпларни орқаларига мингаштирганлар, аммо ҳеч бирида бунақа иш чиқмаган эди. Ҳеч бўлмаганда Усомани олсак, Арафотдан Миногача у ҳам мингашиб келди, лекин у бундай ишни қилиб кўрмади*.

Расули акрам (с.а.в.) Минога етиб келдилар. ҳазрати Иброҳим билан ҳазрати Исмоилнинг (уларга тинчлик бўлсин) суннатлари ўлароқ давом этиб келаётган шайтонга

тош отиш ибодати қилинадиган жойларга томон юрдилар. Муздалифада тўпланган тариқдан катта, нўхатдан кичик тошчаларни кўрсаткич бармоқлари билан бош бармоқлари орасига қистириб ота бошладилар. Ҳар отишда: «Бисмиллаҳи Оллоҳу акбар», дер эдилар. Шу тариқа учта жойда ҳар бирига еттитадан тош отиб чиқдилар.

Жанобимиз бу ишларни қилаётганларида тевааракдан отилаётган тошлар зарар бериб қолмасин деган ниятда Фазл у кишини қалқондай паналаб турди. Пайғамбаримиз тош отиладиган жойлар орасида тўхтадилар ва жуда машҳур бўлган иккинчи хутбаларини бошладилар. Олдин Оллоҳга ҳамд ва сано айтдилар. Сўнгра:

- Дарҳақиқат, замон Оллоҳ кўкларни ва ерни яратган кундаги шаклига қайтди. Бир йил ўн

икки ойдир. Булардан тўрттаси ҳаром бўлганлардир. Ҳаром ойларнинг учтаси кетма-кет келади: зул-каъда, зулҳижжа ва муҳаррам. Биттаси эса жумадуссоний билан шаъбон орасида қолган ражаб ойдир. - Расулulloҳ (с.а.в.) бир муддат тин олиб, тўпланганларга бокдилар. - Бу қайси ой, биласизларми? - деб сўрадилар.

- Оллоҳ ва расули яхшироқ билади, - деб жавоб қилишди.

Расулulloҳ жим қолдилар. Шу даражадаки, у кишига кулок солиб турганлар бу ойга янги бир исм берадилармикан, деб ўйлаб қолишди.

- Зулҳижжа эмасми? -Ҳа.

- Бу қайси шаҳар?

- Оллоҳ ва расули яхшироқ билади.

Пайғамбаримиз яна жим қолдилар. Жимликлари яна олдингидай узоқ вақт давом этди. Ажабо, янги бир исм берармиканлар, деган хаёл яна келди.

- Оллоҳ ҳаром қилган шаҳар эмасми? -Ҳа.

- Бу қайси кун?

- Оллоҳ ва расули яхшироқ билади.

Яна Жанобимиз бир муддат жим турдилар. Сўнгра:

- Қурбонлик сўядиган кун эмасми? - деб сўрадилар.

-Ҳа, - деб жавобқилишди.

- У ҳолда билинларки, қонларингиз, молларингиз, номусларингиз бу кунингизда, бу шаҳрингизда, бу ойингизда ҳаром бўлгани каби бир-бирларингизга ҳаромдир. Сизлар Парвардигорингизга қовушасизлар. У эса сизлардан қилган ишларингиздан ҳисоб олади. Эҳтиёт бўлинглар, мenden кейин бир-бирларингизни ўлдирадиган бўлманглар ва бу йўлларингиздан озмангларки, адашган кофирларга ўхшаб қоласизлар. Дикқат қилинлар, бу ерда ҳозир бўлганлар ҳозир бўлмаганларга сўзларимни етказсин. Умид қиламан, бу сўзлар етказилганлардан бир қисми мenden эшитганлардан кўра яхшироқ англаб етишар... Сизларга бурни тиртиқ қоратанли бир кул-да бўлсин, агар амир қилиб тайинланса, Оллоҳнинг Китоби билан сизларни бошқарса, унга кулок солинлар, бўйинсунинлар. Мана бу тўрт муҳим бўйруққа риоя қилинлар: Оллоҳга ҳеч бир нарсани шерик тутманлар; Оллоҳ ҳақсиз ўлдиришни ҳаром қилган жонни ўлдирманлар; зино қилманлар; ўғрилиқ қилманлар.

Бу хутбани Жаноби Ҳақ ўзи ҳар томонга етказдирди. Одамлар турган жойларида бемалол ҳамма гапни эшитишди.

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари! Менинг бу ўғлим тентак бўлиб қолган. Дуо қилинг, яхши бўлсин.

Пайғамбаримиз сув келтиришни буюрдилар. Сув келгач, юзларини ювдилар, оғизларига олиб, қайта ташладилар. Сўнгра хотинга:

- Бу сув билан ўғлингизни ювинтир ва Оллоҳдан шифо тила, - деб марҳамат қилдилар (с.а.в.).

Орадан пича муддат ўтиб, одамлар у хотинни кўришади, ўғлингиз холини суриштиришади ва унинг шифо топганини билишади.

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари, онам ҳаж қилишни назр этди. Лекин назрини адо этмасдан ўлиб қолди. Унинг ўрнига ҳаж қилсам бўладими?

- Ҳа, унинг ўрнига ҳаж қил. Нима дейсан, агар онангнинг қарзи бўлса, уни ўтамасмидинг?

- Ўтардим, эй Оллоҳнинг расули.

- Биласанми, Оллоҳнинг ҳаққи ўталишга лойиқроқдир.

Оллоҳнинг расули бир кексани кўрдилар, у икки киши етовида судрагудай бўлиб борарди.

- Нима қилган бу одамга? - деб сўрадилар.

- Ўзи юриб ҳаж қилишни назр қилган, - деб жавоб қилишди.

- Оллоҳ бу одамнинг нафсига зулм қилишига муҳтож эмас (яъни, фойда топмайди). Айтинлар, уловини миниб олсин, - деб марҳамат қилдилар.

Буйрук дархол у одамга етказилди.

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари, билмасдан қурбонлигимни сўймай туриб сочимни олдириб қўйибман, энди нима бўлади? - деб сўраганларга:

- Қурбонлигини сўй, зарари йўқ, - деб жавоб килдилар (с.а.в.).

Бошқа бир одам келди.

- Билмай қолдим, шайтонга тош отишдан олдин қурбонлигимни сўйибман, - деди афсусланиб.

Уни ҳам хотиржам қилдилар:

- Тошингни от, зарари йўқ.

Ўша куни Пайғамбар жанобимиздан ҳаж арконларининг ўрнини адаштириб, гоҳ олдин, гоҳ кейин бажариб қўйганини айтганлар «Бажар, зарари йўқ» деган жавоблар олгани ривоятларда келади.

Ҳайитнинг биринчи куни шанбага тўғри келган эди. Муҳтарам пайғамбаримиз учта жойнинг ҳар бирига еттидан тош отиб бўлгач, қурбонликка олиб келган туяларининг ёнига келдилар. «Бисмиллаҳи Оллоҳу акбар», дея олтмиш учтасини ўз қўллари билан бўғизладилар. Эҳтимол, умрларининг ҳар йили учун бир қурбонлик қилгандирлар. Кейин пичокни ҳазрати Алига бердилар, қолган ўттиз етти туяни у бўғизлади.

Буюрдилар, юз туядан бир парчадан гўшт олиб, битта қозонга солинди. Овқат ҳозир бўлгач, гўштидан едилар, сувидан ичдилар.

Маъмар ибн Абдуллоҳни чақирдилар. Сочларини олиб қўйишини сўрадилар. Олдин ўнг, кейин чап томон сочларини олдирилди. Соч толаларини Абу Талхага бериб, биродарлари ўртасида бўлишиб беришини тайинладилар.

Пешона томонларидан олдирилган сочларни Холид ибн Валид сўради. «Оллоҳнинг қиличи» номини олган бу улуғ саҳобийнинг истаги қондирилди. Жанобимиз хотинлар эҳромдан чиқиши учун сочларининг учидан пича кестиришса кифоя бўлишини билдирдилар.

Сўнгра Қасвага миниб, Маккага бордилар. Каъбани тавоф қилдилар. Ҳажнинг охири фарз аркони бўлган бу тавоф ҳайитнинг биринчи куни қилинди. Кейин замзамга келдилар. Пақирда узатилган муборак сувдан тўйгунча ичдилар, бошларидан куйдилар.

Саъд ибн Абу Ваққос (р.а.) Маккада қаттиқ касалланиб қолди. Ҳидоят имоми (с.а.в.) уни кўргани келдилар. Саъд бу касаллик уни олиб кетмасдан қўймаслигига ишониб қолган эди.

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари, бу касаллик менга ёмон ёпишди, ҳолбуки мен ҳижрат қилиб ташлаб кетганим бу тупроқда қолишни хоҳламаган эдим, - деди. Оллоҳдан шифо сўраб дуо қилишларини илтижо қилди.

Жанобимиз бу касалликдан ўлмаяжанини, узоқ бир умр кечиражанини, баъзи одамлар ундан фойда кўришажанини, бошқа баъзилар эса, зарар кўришажанини аниқладилар. Сўнгра қўллари қадрили биродарларининг пешонасига, кўксига, қорнига қўйиб:

- Оллоҳим, Саъдга шифо бер, унинг ҳижратини тамомига етказ, - деб дуо қилдилар.

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари, мен бой одамман. Битта қизимдан бошқа кимсам йўқ. Молимнинг ҳаммасини садақа сифатида васият қилишни ўйлаб турибман, нима дейсиз?

- Бўлмайди.

- Учдан иккисини садақа қилиб тарқатайин бўлмаса?

- Йўқ.

- Учдан бирини-чи?

- Учдан бири бўлади. Уям кўп. Мерос олувчингни одамларга қўл очадиган ҳолда қолдиргандан кўра бой ҳолда қолдиришинг, албатта, яхшидир, - деб марҳамат қилдилар (с.а.в.).

Яхшиям Саъд бу ўйини Жанобимизга очди ва масалани ҳал қилиб олди. Қизини ҳеч ҳисобга қўшмасдан молимнинг ҳаммасини садақа ўлароқ тарқатиш фикри унинг қалласига қанақа

тушунчадан ўрнашиб қолган экан? Бу кизчасига кимлар қарарди, ҳаёти қандай кечарди? Бу саволларнинг жавобини топиш энди мушкулдир.

Пайғамбаримизнинг тавсиялари билан Мадинанинг асва навли хурмосини сутга пишириб, сариёғ аралаштириб Саъдга едиришди. Бошқа ривоятда, унга табиблик қилиб юрувчи бир кишини тавсия этганлар ҳамда номи айтилган емакларни ейишни ҳам тайинлаганлар.

Шундан кейин Саъд ибн Абу Ваккос шифо топиб кетди ва тарих саҳифаларига унинг ҳазрати Умар (р.а.) даврида Ислом лашкарида Бош қароргоҳ бошлиғи вазифасини юритгани битилди. Мусулмонларга Эрон эшикларини очган Қодисийа ғалабасининг донг таратган қўмондони, жаннати экани муждаланганлар (ашараи мубашшара)дан бири шу Саъд ибн Абу Ваккос эди (Оллоҳ ундан рози бўлсин!)

Ўшанда, биттагина кизим бор, деган Саъд кейин туғилган фарзандларидан бирига, эҳтимол буюк Умарга (р.а.) ҳурматининг ифодаси ўлароқ, «Умар» исмини қўяжак, аммо бу Умар орадан йилларча кейин Карбалода ҳазрати Хусайнга (р.а.) қарши чиккан ва у кишини фожиали тарзда шаҳид қилган малъун гуруҳнинг бошлиғи сифатида лаънат занжирини бўйнига илажак, мусулмонлар юрагида қиёматга қадар қонаб турадиган бир яра очилишида энг катта гуноҳни содир этганлардан бири бўлажак...

Видо ҳажига оид хотиралардан ўрин олган яна бир воқеа: Пайғамбаримиз эҳромдан чиққач, Сафиййа онамизни (р.анҳо) ётоқларига чорладилар. Лекин кундошларининг ой кўргангани Ойиша онамиз (р.анҳо) хабар қилган эдилар, Жанобимиз:

- Хўп, у бизни бу ерда ушлаб қолиб, йўлдан қўядими? - деб сўрадилар.
- Йўқ, эй Оллоҳнинг расули, ҳайитнинг биринчи куни Каъбани тавоф қилган эди.

Пайғамбар афандимиз бу нарсани сўраганлари боиси хайз ҳолатида Сафиййа онамиз Каъбани тавоф қила олмаслиги, тавоф қилинмагунича эса, ҳаж тугал бўлмаслигидан эди. Бундай ҳолда поклангунича кутиш лозим бўларди. Ойиша онамизнинг хабари билан масала ҳал бўлди, хоҳлаган пайтлари йўлга чиқа олишлари мумкинлиги билинди...

Маккадан чиқиб, Сариф деган жойга етишганида Жанобимиз (с.а.в.) Ойиша онамизнинг йиғлаётганини пайқаб қолдилар.

- Сен энди нимага йиғлаяпсан? - деб сўрадилар.
- Мендан бошқа ҳамма бир ҳаж ва бир умра қилиб қайтпти, битта мен фақат ҳажнигина қила олдим.

Абу Бакрнинг ўғли Абдурахмонни чақирдилар.

- Синглингни орқанга миндир, Танъимда эҳромга кирсин, умра қилдириб кел, биз шу ерда кутиб турамыз,— дедилар.

Буйруқ камчиликсиз бажарилди.

Каъбанинг бу зиёрати Пайғамбаримиз учун охиргиси эди. Энди яна кўриш имкони қолмади.

Йўлчилик давом этаверди. Гадири Хумм деган кичкинагина қўл қирғоғида Набиййи ақрам (с.а.в.) одамларга хитоб қилдилар. Бу хитоб кўзларни ёшлатди, юракларни титратди:

- Эй инсонлар! Шунини билиб қўйинглар, мен ҳам инсонман. Эгамнинг элчиси келишига ва мен унинг чақирғига жавоб беришимга кўп вақт қолмади. Мен сизларга икки қийматли омонат қолдирыпман. Бири Оллоҳнинг Китоби- унда ҳидоят ва нур бор. Уни маҳкам ушланглар ва каттиқ ёпишинглар. Иккинчиси менинг оила аъзоларим (аҳли байтим)дир...

Раҳмат пайғамбари (с.а.в.) эҳтимол келажақда оила аъзоларига нисбатан қилинадиган фожиали муомалаларни ваҳий ва илҳом йўли билан хабар олгандирлар ва юз кизартирувчи бу воқеаларнинг масъулияти бўйнига тушадиганлар қаттиқ савол-жавоб қилинажакларини англаиш, ҳеч бўлмаса Оллоҳга ва пайғамбарига ҳурмати бўлганлар бу жинойтларга аралашиб қолишининг олдини олиш учун бундай бир васиятни лозим кўргандирлар. Ўн мингларча одам гувоҳ бўлган бу хутба чоғида Жанобимиз уч марта: «Оила аъзоларим ҳақида сизларга Оллоҳни эслатаман!.. Оила аъзоларим ҳақида сизларга Оллоҳни эслатаман!.. Оила аъзоларим ҳақида

сизларга Оллоҳни эслатаман!..» дейиш эҳтиёжини туйгандирлар. Бу эслатма, афсус, эртага юз берадиган ишларга ҳеч бир фойда бермайди, умавийлар даврида ҳам, аббосийлар даврида ҳам Расулуллоҳ (с.а.в.) авлодларига хотиржам яшашларига йўл қўйилмайди. Аммо шунча кўп одам гувоҳлигида қолдирган омонатларига хиёнат қилганларнинг ёқаси Расули ақрам жанобимизнинг қўлларидан осонликча кутулиб кетмайди. Бу шундай бир даъвоки, даъво қилувчи Расули ақрамдирлар, ҳукми ўқувчи эса Улуғ Оллоҳдир...

Кейин сарвари анбиё (с.а.в.) ҳазрати Алининг (р.а.) кўлидан тутдилар:

- Мен кимнинг дўсти бўлсам, Али ҳам унинг дўстидир. Оллоҳим, унга дўст бўлганга дўст бўл, душман бўлганга душман бўл, унга ёрдам қилганга ёрдам қил! - деб дуо қилдилар.

Гадири Хуммдаги бу хутба жуда кўп одамларнинг унутилмас хотиралари орасидан ўрин олди. Юриш амри берилди...

Узоқдан Мадина кўринди. Ҳар гал қайтишда бўлганидек, Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Қайтпмиз, тавба қиламиз», деб Парвардигорларига муножот қила бошладилар.

Шаҳарга киргач, одатдагидек, тўғри масжидга боражаклар, икки ракат намоз ўқияжаклар, шундан кейингина дам олишга чекилажаклар.

ПАЙҒАМБАРИМИЗ (С.А.В.) ВАФОТЛАРИ

Видо ҳажидан қайтиб келгач, Жанобимиз энди охира тэйёргарлигини кўра бошладилар.

Кечалардан бирида Пайғамбаримиз Ойиша онамизнинг ухлаб қолганига қаноат ҳосил қилгач, секин ўриндан сидрилиб турдилар, хужрадан чиқиб, қаёққадир кета бошладилар. Бу орада Ойиша онамиз ҳам уйғониб қолди, бошини рўмол билан ўраб, у ҳам ташқари чикди. Кетиб бораётган Жанобимизни қора тортиб, йўлга тушди.

Расули ақрам тўғри Бақиъ қабристонига бордилар.

- Эй мўминлар диёри! Сизларга салом бўлсин. Сизлар олдинроқ келдиларинг, Оллоҳ хоҳласа, биз ҳам ортларингиздан келамиз. Эй Эгам, бизни уларнинг ажридан маҳрум этма. Уларнинг ортидан бизларни фитнага туширма.

Бу гапларни Ойиша онамиз ҳам эшитди. Сўнгра Жанобимизнинг қўллари дуога кўтарилганини кўрди.

Ниҳоят, дуони тугатиб, Пайғамбаримиз орқаларига қайтдилар. Ойиша онамиз ҳам тез-тез одимлар билан уйга қайта бошлади. Етиб келиб, ўрнига кириб олди. Аммо Пайғамбаримиз (с.а.в.) уни пайқаб бўлган эдилар. Хужрага келгач, ҳайрон бўлиб:

- Эй Ойиша, нима гап? Нима сени шубҳалантирди?- деб сўрадилар.

-Ҳеч гап йўқ...

Ойиша (р.анҳо) бундан бошқача жавоб бера олмасди ҳам. Жанобимиз унга Жаноби Ҳақ амри билан Бақиъга бориб уларга мағфират тилаб келганларини айтдилар.

Ойиша онамиз яна бир неча марта шунақа ҳолнинг гувоҳи бўлди. Бир галгисида яна Бақиъгача орқаларидан борган эди, уйга қайтгач, Жанобимиз:

- Эй Ойиша, Оллоҳ ва расули сенга хиёнат қилади деб ўйлаяпсанми? - деган эдилар. Ўлимлари яқинлашиб қолган кунлар эди. Ойиша онамиз яна Пайғамбаримизни йўқотиб қўйди - ўринларида йўқ эдилар. Излаб, ташқари чикди. У ёқ-бу ёқни ахтарди, топмади. Қайтиб, уйга кирди, яна йўқ эдилар. Масжидга ўтди. Ичкари қоронғи, ҳеч нарса кўринмасди. Пайпаслашга тўғри келди. Ниҳоят, қўли Жанобимизнинг оёқларига тегди. У зоти шариф саждада эканлари билиниб турарди. Диққат билан кулоқ солди.

- Оллоҳим, ғазабингдан розилигинга, жазоингдан кечиримингга сиғинаман. Фақат ўзингга илтижо қиламан. Сенга мақтовларим ва саноларимни ҳисоблай олмайман. Сен ўзингни қандай мақтаган бўлсанг, шундайсан...- дер эдилар Жанобимиз*.

Охири кунлари «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи, астағфируллоҳа ва атубу илайх» шаклида

тасбеҳ ва ҳамдларини кўпайтирдилар, мағфират тилаklarини ҳам олдингилардан бир неча маротаба кўпайтирдилар. Бу муборак сўзлар маъноси «Оллоҳ ҳар хил камчиликлардан узоқ ва хилма-хил мактовларга лойиқ эканини эътироф этаман. Оллоҳдан мағфират тилайман ва Унга тавба қиламан» демак эди.

Бир куни ҳазрати Ойиша чидай олмади:

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари! Менга нима бўляпти, кейинги пайтларда сизнинг мўл-мўл «субҳаналлоҳи...» деяётганингизни кўряпман? - деб сўради.

Жанобимиз бундай тушунтирдилар:

- Парвардигорим менга умматимда бир аломат кўражагимни билдирди ва уни кўрганимда мўл-мўл «субҳаналлоҳи...» дейишга буюрди. Мен у аломатни кўргандекман,- дедилар ва ушбу Наср сурасини ўқидилар: - «(Эй Мухаммад!) Қачон Оллоҳнинг ёрдами ва ғалаба келса ва одамлар тўп-тўп бўлишиб Оллоҳнинг динига (Исломига) кираётганларини кўрсангиз, дарҳол Парвардигорингизга ҳамд айтиш билан (у зотни ҳар қандай «шерик»лардан) покланг ва У Зотдан мағфират сўранг! Зеро, У тавбаларни қабул қилгувчи Зотдир»**.

Сафар ойининг ўрталарига келиб Пайғамбаримиз (с.а.в.) Мутада шаҳид этилганларнинг ўчини олиш учун лашкар тўплашни буюрдилар. Ойнинг ўн еттинчи куни Усомани лашкарга кўмондон этиб тайинладилар.

Бу пайтда Усома ҳали ўн саккиз ёшлардаги бир йигитча эди. Ҳолбуки, лашкарда Абу Бакр ва Умар каби ёшли-бошли кўп инсонлар ҳам бор эди. Бундай қарордан кейин айниқса мунофиқларнинг тиллари ешилиб кетди. «Шундай катта кўшин ҳали она сути оғзидан кетмаган ёш болага топшириб қўйиладими ҳеч жаҳонда?...» дегандек гап-сўзу хаёлларга хатто бир қанча мўминлар ҳам бориб қолишди.

Ўша кеча Пайғамбаримиз (с.а.в.) хизматларини килиб турган Абу Мувайҳибага:

- Уловимни эгарла! - деб буюрдилар.

Сўнг бирга-бирга Бақиъ қабристонига боришди. Ўша ерда тўхташди. Жанобимиз туядан тушдилар, жиловни Абу Мувайҳибага тутқазиб, ўзлари қабрларнинг бошига бордилар.

- Одамлар орасидаги бу ҳолга қараганда сизларнинг ҳолингизга ҳавас қилса арзийди. Шу ҳолларингиз сизларга муборак бўлсин. Қоронғу кечалар каби, бир-бири орқасидан турли фитналар бостириб келяпти. Ҳар кейинги келадигани олдиниғисидан кўра ёмон... - дедилар гўр аҳлига хитобан. Сўнгра орқаларида турган хизматчиларига ўғирилдилар: -Эй Абу Мувайҳиба, менга дунёнинг ҳазиналари берилди. Дунёда боқий қолиш ҳаққи берилди. Охирида жаннат ваъда қилинди. Ё буларни ва ё Парвардигоримга қовушишни танлашим истанилди.

- Ота-онам сизга фидо бўлсин, эй Оллоҳнинг расули, дунё ҳазиналарининг калитини олинг, дунёда боқий қолинг, ундан кейин жаннатга кириш, - деди Абу Мувайҳиба шоша-шоша.

Расули акрам (с.а.в.) эътироз билдирдилар:

- Йўқ, эй Абу Мувайҳиба, валлоҳи, бўлмади. Мен уларни эмас, Эгамга қовушишни танладим, - дедилар.

Сўнгра гўристонда ётганлар ҳақида мағфират дуоларини килиб, уйларига қайтдилар.

Ўша кунлари худди шу мақсад билан Ухуд шаҳидларини ҳам зиёрат қилдилар. Бу ишлар мундай қараганда у ерда ётган дўстлари билан бу дунёда ўзига хос видолашиш эди.

Усома (р.а.) кўмондон этиб тайинланганининг эртаси эди. Бошларида бир оғриқ турди. Ҳазрати Ойишанинг (р.а.) хонасига кирдилар. У ҳам бошидаги оғриқдан шикоят қилар, «бошим... бошим...» дер эди. Севикли пайғамбаримиз унга:

- Эй Ойиша, аслида мен бошим деяпман. Менинг бошим қаттиқроқ оғрияпти. Мендан олдин ўлсанг-да, қафанласам, жанозангни ўқисам ва сени ўзим кўмсам бўлмасмиди? - дедилар.

Ойиша онамиз бу сўзлардан хафа бўлди.

- Оллоҳга қасамки, билиб турибман, канийди мени тезроқ кўмсангизу хотинларингиздан биттаси билан келин-куёвлик қилсангиз, шундайми?

Жанобимиз кулимсираб қўйдилар, индамадилар. Сўнгра ётиб, бир миқдор ухладилар. Шу куни бошқа хотинларидан ҳам ҳол-аҳвол сўраб чиқиб, охири, кечалик навбати келган Маймуна онамизнинг (р.анҳо) ҳузурига бордилар. Хасталиклари ҳам шу ерда бошланган эди. Бир ривоятга кўра, Пайғамбар жанобимиз ўша кундан эътиборан Маймуна онамизнинг уйида олти кун дам олдилар. Бошқа ривоятда эса, ҳар кеча навбати келган хотинларининг ёнида қолганлари айтилади.

Ўша кунларнинг бирида Умму Салама билан Умму Ҳабиба оналаримиз Ҳабашистон ҳақида гаплашиб қолишди. У ердаги ибодатхоналарда ҳар хил расмлар борлигини эслашди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) бу муносабат билан:

- Яхши бир инсон ўлса, уларнинг одати - гўри устига ибодатхоналар қуришади, расмини ҳам ичкарига осиб қўйишади. Улар қиёмат куни одамларнинг энг ёмонлари бўлишади, - деб тушунтириш бердилар.

Эҳтимол яна ўша кунлардир, Жаброил (а.с.) Қуръоннинг энг охирги оятини олиб тушди:

«Ва (барчангиз) Оллоҳга қайтариладиган кундан (қиёматдан) кўркингиз! Сўнгра ҳар бир жонга қилган амали учун тўлиқ жазо берилади ва ҳеч кимга зулм қилинмайди»*.

Бу оят, бир ривоятга кўра, Пайғамбаримиз ўлимларидан тўққиз кунгина олдин туширилган. Бошқа ривоятда эса ўттиз бир кун олдинлиги айтилади. Ҳар икки ривоятда ҳам жанобимизнинг хасталиклари тўғрисида ҳеч бир маълумот йўқ**.

...Эртасига Ойиша онамизнинг навбати эди. Пайғамбаримиз одатлари бўйича, эртага кимникига боришларини сўрадилар. Бу саволнинг асл маъносини Пайғамбар (с.а.в.) хотинлариданҳар бири англади.

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари, биз бир-биримизга опа-сингилдаймиз. Сизнинг кўнглингиз кимни тусаса, ўшанинг хужрасига бораверинг. Ойишанинг олдида истироҳат қилганингиз муносибдир, - дейишди.

Жанобимиз бу таклифдан мамнун бўлдилар. Ҳақларини ҳалол қилишларини ва бундан бу ёғига зиёрат қилмоқчи бўлишса, Ойишанинг уйига боришларини айтдилар. Сўнгра амакилари Аббос билан жиянлари Алининг (Оллоҳ улардан рози бўлсин) қўлларига таяниб, Ойиша онамизнинг уйига бориб олдилар. Бундан кейин то ўлим топгунларича саккиз кун муддат энг севикли хотинларининг хужрасида қолажақлар.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) энди намоз вақтларида масжидга дўст-ёрларининг ёрдами билангина чиқа олар, турган жойларида намоз ўқиб берар эдилар.

Озгина танам яйрармикан деган умидда еттита кудукдан биттадан идишда сув олиб, тез оғзини ёпиб келтиришларини истадилар. Ҳафса онамизга тегишли катта бир тоғорага ўтирғиздирилдилар. Олиб келинган сувлар саййидул анбиё жанобимиз устларидан қуйилди. Қўллари билан ишорат этиб, етар, дедилар. Ҳарҳолда бирмунча енгиллашдилар. Кийиниб олганларидан сўнг бир қўлтиқларига ҳазрати Али, иккинчи қўлтиқларига Фазл кириб, масжидга кирдилар, тўғри бориб минбарга ўтирдилар. Оллоҳга ҳамд ва сано айтиб, ўтирганларга мурожаат қилдилар:

- Эй инсонлар, кимнинг орқасига урган бўлсам, мана орқам, келсин, урсин. Кимдан қарз бўлсам, мана молим, келсин, олсин, - дедилар.

Ҳеч кимда даъво бўлмади. Пешин намозини ўқиб бердилар. Яна минбарга чиқдилар, яна ҳалиги сўзларни такрорладилар. Бу гал бир одам уч дирҳам ҳақи борлигини даъво қилди. Жанобимиз (с.а.в.):

- Мен сенинг бу даъвоингни қайтармайман, қасам ҳам ичмайман, аммо қанақа қилиб мен сендан қарз бўлганман?- деб сўрадилар.

Ҳалиги одам:

- Эй Оллоҳнинг элчиси! Фалон куни биттаси олдимга келди, сизнинг топшириғингиз билан унга уч дирҳам бердим, - деб жавоб қилди.

Унга шу заҳоти уч дирҳами кайтарилди. Шундан кейин севикли Пайғамбаримиз хужраларига дам олиш учун кириб кетдилар.

Пайшанба куни бир гуруҳ саҳобалар Оллоҳнинг элчисини (с.а.в.) зиёрат этгани келишди. Ораларида ҳазрати Умар (р.а.) ҳам бор эди. Пайғамбарларнинг энг буюги Жанобимиз ўзларидан кетгандай эдилар.

- Менга коғоз-калам келтиринглар. Бундан кейин залолатга тушмасликларингиз учун сизларга бир васият ёздираман, - дедилар.

Ҳазрати Умар жавоб берди:

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари, кўлимизда Оллоҳнинг китоби бор, у бизга етади.

Ҳазрати Умарнинг сўзи неча марталаб Жанобимиздан эшитган муборак сўзлардан чиқиб келиб айтилган эди. Энг охирги марта видо ҳажи хутбасида ҳам Пайғамбар (с.а.в.) шу мавзунини тилга олган, Қуръонга ва суннатларига ёпишишса, асло залолатга тушмаяжакларини очик-равшан англатган эдилар. Бу ҳолатларида Пайғамбаримизни безовта қилиш тўғри эмас, деган ўйда эди ҳазрати Умар.

У ерда ҳозир бўлганлардан баъзилари бундай бир васият ёзилишини исташди. У хил-бу хил фикрлар айтилди. Охирги ва ҳал қилувчи гапни Жанобимиз ўзлари айтдилар:

- Мени ўз ҳолимга қўйинглар. Менинг бу ҳолим сизлар мени банд қилиб турган ҳолдан яхшироқ, - деб марҳамат қилдилар.

Бу гап билан меҳмонлар ўринларидан кўзғалишди.

Яна ўша куни эди. Севикли пайғамбаримиз (с.а.в.) баъзан юзларини бир рўмол билан ўраб олар, ҳаво етишмай қолганида очиқ ташлар эдилар.

- Аҳли китобларга Оллоҳнинг лаънати бўлсин, Пайғамбарларининг қабрларини ибодатхона қилиб олишди, - дедилар. Бу гап билан Жанобимиз мусулмонлар бунақа ишдан узоктуришларини истаётганларини билдирган эдилар.

Муҳтарам Пайғамбар жанобимиз (с.а.в.) ўша пайшанба куни шом намозини ўқиб берганлари ва намозда «Вал мурсалати...» сурасини ўқиганлари ривоят қилинади. Имом бўлиб охирги ўқиб берган намозлари шу бўлди. Хуфтон намозига чиқишга мадорлари етмади.

Сал енгил бўлармикан деган умидда ювиндилар. Сўнг турмоқчи бўлган эдилар, кучлари етмади ва хушларидан кетдилар. Бир оз шу ҳолда ётдилар. Ўзларига келгач:

- Намозни ўқиб бўлишдими? - деб сўрадилар.

- Йўқ, улар сизни кутишяпти, эй Оллоҳнинг расули, - деб жавоб қилди Ойиша онамиз (р.анҳо).

Бу жавобни эшитиб иккинчи марта тоғора ичига тушдилар ва ювиндилар. Лекин яна оёққа тура олмай, хушдан кетдилар.

Учинчи марта ювиниб ва яна хушсиз ҳолатни бошларидан кечиргач, ортиқ дармонлари қолмагани аён бўлди. Ўзларига келгач:

- Абу Бакрга айтинглар, одамларга намоз ўқиб берсин, - дедилар.

Ойиша онамиз:

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари, Абу Бакр жуда кўнгилчан одам, намозни ўқиб беришни Умарга буюрсангиз бўлармиди, - деди.

Аммо Пайғамбаримиз биринчи амрни такрорладилар.

Ойиша (р.анҳо) бир марта айтиб кўрди, бўлмади. Шунинг учун Ҳафса онамизга (р.анҳо), сен ҳам айт, дегандай ишора қилди. Ҳафса ҳам, ҳазрати Умар меҳробга ўтсин, деб бир марта айтиб кўрди. Ҳозир бунақа тортишувларни кўтаришга Жанобимизнинг ҳоллари йўқ эди.

- Намозни Абу Бакр ўқиб берсин. Сизлар Юсуфнинг дўстларига ўхшайсизлар-а: улар ҳам тўғри қарорни ўзгартиришга уринишган эди.

Буни эшитиб Ҳафса онамиз ўзидан хафа бўлиб кетди. Ойиша онамизга қаради:

- Сенинг менга яхшилигингми бу? - деб юборди.

Озгина умрлари колаётган шу оғир паллада Жанобимизга озор етказишса, албатта, у зот хушланмайдилар-да.

Илтимос бошқа қайтарилмади. Қайтарилмасди ҳам.

Расулulloҳнинг (с.а.в.) буйруклари ҳазрати Абу Бакрга етказилди. Абу Бакр (р.а.) меҳробга энди ўтганида хаёлига, Оллоҳнинг расули масжидга ҳам чика олмайдиган ҳолга тушдиларми, деган ўй келиб, йиғлай бошлади. Бу аҳволда имомлик қила олмаслигини англаб, орқага чекинди. Ҳазрати Билол (р.а.) вазиятни хабар бериб, янги топшириқ олиш учун Пайғамбаримиз ҳузурларига кирди, аммо бу пайтда Жанобимиз яна хушдан кетган эдилар. Хотинларидан бирлари: «Унда Умар ўқиб берсин», деди.

Ҳазрати Умар (р.а.) меҳробга ўтди. «Оллоҳу акбар», деб намозни бошлади. Унинг баланд овозидан Пайғамбаримиз хушларига келдилар.

- Бу овоз Умарники эмасми? - деб сўрадилар.

-Ҳа, - деб жавобқилишди.

Шунда Расулulloҳ (с.а.в.) хужраларининг масжид томонга қараган туйнуғи пардасини кўтариб:

- Абу Бакрга айтинглар, намозни ўқиб берсин, - дедилар.

Асҳоби киром (Оллоҳ барчаларидан рози бўлсин) аҳволни дарров ҳазрати Умарга етказишди. Буюк Умар (р.а.) ўша заҳоти салом бериб намоздан чиқди. Ҳазрати Абу Бакр меҳробга ўтиб, намозни бошлади.

Бу ҳодиса Пайғамбар жанобимиз иродаларига тўла ҳоким бўлганларини кўрсатади. Бизнингча, ўзларидан кейинги халифани гарчи исмини очик айтмаган бўлсалар-да, бошқа бировнинг сайланишига рози бўлмасликларини ҳис эттирар шаклда белгилаб бергандай эдилар. Диннинг энг катта ибодати бўлган намозга уни имом қилиб танлаганлари мусулмонларнинг энг муҳим масаласи бўлган халифаликка ҳам уни лойиқ кўрганларини билдиради. Жанобимиз ҳижрат пайти йўлдошликка уни танлашлари, ҳаж амири вазифасини унга юклашлари, масжидга очилган эшиклардан фақат унга тегишлисига рухсат беришлари ва, агар дўст танлашимга тўғри келса, Абу Бакрни танлаган бўлардим, дейишлари каби кўп хусуслар илк халифалик ҳам унга берилиши лозимлигини эслатадиган ишораларга тўладир.

Бундан сал олдинроқ баёни кечган васият ёздириш ҳодисасига бу ҳодиса билан бирга қаралса, янда тушунарли бўлади. Расулulloҳ (с.а.в.) бундай мақсаднинг рўёбга чиқишини хоҳлаганларида эди, ҳазрати Умарнинг «Кўлимизда Оллоҳнинг китоби бор, у бизга етади», шаклидаги эслатмаси билан у хоҳишларидан воз кечиб кўяқолармидилар?.. Ақлга энг яқин келадиган йўрумлардан бири будир: эҳтимол Жанобимиз у орзуларини ҳазрати Умарнинг гапини эшитиб роҳатланиш учун айтгандирлар. Акс ҳолда, бундай бир васият агар қаттиқ лозим бўлганида севиқли пайғамбаримиз уни соғ юрган кунларида албатта ёздирган бўлар эдилар. Бунга ҳеч қанақа тўсиқ йўқ эди ва бўлмасди ҳам. Агар, ҳазрати Умарнинг ўйлаганидан бошқа ва албатта ёздирилиши лозим бўлган гаплар бор эди-ю, лекин ёзилмай қолди, дейилса, унда Оллоҳ сақласин, пайғамбаримиз қилиниши керак бўлган ишни қилмасдан, қилолмасдан дунёдан ўтдилар, деган каби мўмин одамга ярашмайдиган тушунча майдонга чиқар эди. Ҳолбуки, пайғамбарлик вазифаси керагича бажарилди.

Эртаси кун ҳазрати Абу Бакр (р.а.) меҳробга ўтиб, намозга турди.

Бу пайтда Расули акрам (с.а.в.) бир енгиллик ҳис этиб, ҳазрати Али билан Аббос (Оллоҳ улардан рози бўлсин) ёрдамларида масжидга чиққан эдилар.

Ҳазрати Абу Бакр пайғамбаримизнинг кирганларини сезган заҳоти тисарила бошлади. Жанобимиз унга «жойингда тур» деб ишора қилдилар. Сўнгра унинг ёнига бориб, қаторига турдилар. Энди ҳазрати Абу Бакр (р.а.) Пайғамбар жанобимизга (с.а.в.), жамоат эса, ҳазрати Абу Бакрга эргашиб намоз ўқий бошлашди.

Намоздан кейин севиқли пайғамбаримизни минбарга олиб боришди. Биринчи поғонасига

ўтирдилар. Эгниларида кенг аҳо (чакмон), бошларида бўзранг бир салла бор эди. Баланд овоз билан гапиришга ҳоллари етмасди, шунинг учун дўст-ёрларини яқинроқ сурилишга, жипс ўтиришга буюрдилар. Сўнгра Оллоҳга ҳамд этиб, сўз бошладилар:

- Оллоҳ таоло бир қулига дунё ҳаёти ва неъматини ёки ўзининг ҳузуридаги охират ҳаёти ва саодатини - иккисидан бирини танлаш ихтиёрини берди, у Оллоҳнинг ҳузуридагини танлади...

Ўтирганлар орасидан пиқ-пиқ йиғи товуши чиқди.

- Йиғлама, эй Абу Бакр! - дедилар Оллоҳнинг расули. Сўнгра яна хитобларини давом эттирдилар: - Биродарлиги билан ҳам, молини аямагани эътиборидан ҳам менга энг кўп вафоли одам Абу Бакрдир. Умматимдан биттасини ўзимга дўст қилсайдим, шубҳасиз, у Абу Бакр бўларди. Лекин дин биродарлиги шахсий биродарликдан яхшироқдир. Масжидда Абу Бакрниқидан бошқа эшиклар ёпилсин. Бу эшикларнинг ҳаммасини мен айтгандай қилиб ёпиб ташланглар.

Эй инсонлар!.. Усома ибн Зайднинг қўмондонлигига эътироз қилганларингни эшитдим. Бундан олдин отаси Зайднинг қўмондонлигига ҳам норози бўлган эдиларинг. Оллоҳга қасам ичаман, Зайд қўмондонликка қандай лойиқ ва менга қандай севиқли кишилардан бўлса, ўғли Усома ҳам отасидан кейин менга энг севиқли одамлардандир.

Эй инсонлар!.. Сизларга ансорга* яхши муносабатда бўлишни васият қиламан. Улар менинг хос жамоатим ва махрамий сирларимдирлар.

Эй инсонлар!.. Бугун халқ Мадинада кундан-кунга кўпайяпти, ҳолбуки, ансор овқатга солинган туздай бўлиб қолди - озайиб кетди ва яна озайяпти. Сизлардан бирортангиз иш бошига келиб, яхшилик ва ё ёмонлик қила оладиган даражада обрўга эришса, ансорнинг яхшиларининг яхшиликларини қабул этсин, қусурлиларининг қусурларини кечирсин.

Асҳобим!.. Илк муҳожирларга ҳам ҳурмат кўрсатишларингизни васият қиламан. Ҳамма муҳожирлар ҳам бир-бирларига нисбатан яхши бўлишсин! Ҳамма иш Оллоҳнинг изни билан, иродаси билан бўлади. Оллоҳнинг изидан ва иродасидан устун бўлишга ҳаракат қилганлар энг охирида енгиладилар. Оллоҳни алдамоқчи бўлганлар ҳам албатта ўзлари алданадилар.

Эй инсонлар!.. пайғамбарингизнинг дунёдан ўтишини ўйлаб ҳам ташвишга тушиб қолганларингизни эшитдим. Қайси Пайғамбар уммати орасида абадий қолибдики, мен сизларнинг ораларингизда абадий қолайин?! Билиб қўйинглар: мен Парвардигорим ҳузурига бораман. Яна билиб қўйинглар: сизлар ҳам менга қовушажаксизлар. Топишадиган жойимиз Кавсар ҳовузининг бўйидир. Ўша ерда мен билан топишишни истаганлар, қўлларини, тилларини гуноҳдан тийсинлар...

Бу хутба Пайғамбар жанобимизнинг (с.а.в.) масжидда ва минбарда қилган энг охириги хутбалари эди. Бундан кейин энди ҳеч ким бу минбарда у зотни кўрмайяжак, муборак овозларини бу ерда эшитмайяжак.

Яна икки киши ёрдамида Жанобимиз хужраларига кириб кетдилар. Маҳзун кўзлар орқаларидан мўлтираб қолди.

* * *

Мута томонга бориш учун тўпланган қўшин ҳали ҳам шаҳарда турарди. Пайғамбаримизнинг касалликлари оғирлашган, соғаймасларидан йўлга чиқишга ҳеч кимда истак йўқ эди. Бош қўмондон ҳазрати Усома (р.а.) келиб Пайғамбаримиз билан кўришди ва яна кечикмасдан йўлга чиқиш буйруғини олди.

Сафар ойининг охириги куни - якшанба эди. Асмо бинти Умайс Пайғамбаримизга зотилжам касалига чалинганлар ичадиган бир дорини ичириб кўришни таклиф этди. Уй аҳли бу таклифни қабул этди. Дорини тайёрлаб келтиришди. Гоҳ хуш, гоҳ беҳуш бўлиб ётган Жанобимиз бу дорини ичирмасликларини ишора қилдилар. Қулоқ солишмади ва оғизларига томизишди.

Сал ўтиб хушларига келгач, Жанобимиз дорини ким тавсия этганини сўрадилар. Жазо сифатида Асмога ҳам, дорини ичираётганда ўша ерда ҳозир бўлганларга ҳам ичиришни буюрдилар. Ўша куни рўза тутган Маймуна онамиз ҳам бу жазодан кутула олмади.

Рабиулаввал ойининг бир душанбаси эди. Тонг отган. Одамлар намозни энди бошламокчи бўлиб сафга тизилишган. Расули акрам жанобимиз яна икки кишига таяниб ўринларидан турдилар. Хона пардасини очдилар. Саҳобаларини охирги марта томоша қила бошладилар. Кўрган манзараларидан чексиз даража мамнуният туйдилар. Муборак юзларида табассум балқиди. Йиллар бўйи инсонларни Оллоҳга яхши бир кул этиб тарбиялашга жуда чиройли ҳаракат қилдилар. Мана энди Муҳаммад умматининг энг хайрли гуруҳини ташкил этувчи бу одамлар ихлос ва самимиятнинг энг олий даражаларидан келаётган туйғулар оғушида Мавлои Зулжалолга кулликларини изҳор қилиб туришибди.

Асҳоби киромни севинч қоплади: пайғамбарлар сарвари яна ораларига келмоқчилар. Ҳазрати Абу Бакр меҳробдан чекина бошлади. Аммо Расули акрам (с.а.в.) кўллари билан «намозни давом эттиринглар» деган маънода бир ишора қилдилар ва пардани тушириб қўйдилар. Қадрли дўстлари Пайғамбаримизни охирги кўришлари шу бўлди. Муборак юзлари қоғоз каби оппоқ бўлиб қолгани нигоҳларга муҳрланиб қолди.

Жанобимизни ўринларига ётқизишди.

Фотима (р.анҳо) зиёратга келганида отасини янада мажолсиз, янада ҳолсиз бир аҳволда кўрди. Жанобимиз кўлларини сувли сопол косага ботирар, юзларига сураар ва: «Ла илаҳа иллаллоҳ... Ўлим касаллигининг қийинчилиги бор...» деб қўяр эдилар.

Фотимани (р.анҳо) бир йиғи босиб келди.

- Қизим, отанг бугундан эътиборан ҳеч оғрик чекмайди, - дедилар.

Балки ўша кундир, Оллоҳнинг расули (с.а.в.) кизларига яширинча ушбу сўзларни айтдилар:

- Қизим, Жаброил менга ҳар йил рамазонда Куръонни бир марта тўла ўқиб берарди. Бу йил икки марта ўқиб берди. Бундан ажалим келганини англадим. Оилам ичида менга энг тез қовушадигани сенсан, қизим...

Фотима росмана йиғлаб юборди. Шунда Жанобимиз унга:

- Сен жаннат аёлларининг маликаси бўлишни орзу қилмайсанми? - дедилар.

Фотима кулди.

Бошқа бир ривоятга кўра, Жанобимиз ўлимлари яқинлашганини айтганларида Фотима йиғлаган, оила аъзолари ичида энг олдин у келиб қовушажагини хабар берганларида эса, кулимсираган.

Бу манзарани Ойиша онамиз (р.анҳо) кузатиб турган эди. Фотимани бир четга тортди.

- Кулгининг йиғига бу даража яқин эканини ҳеч кўрмаган эдим. Отанг нима деди, кулдинг, нима деди, йиғладинг? - деб сўради.

- Отам уни менга яширинча айтдилар, - деб жавоб қилди Фотима (р.а.).

Ҳазрати Фотимага ярашадиган жавоб эди бу. Сизнинг билишингизга эҳтиёж бўлганида, сиз ҳам эшитадиган даражада гапирган бўлардилар, отам билдирмаган нарсани мен билдира олмайман, демоқчи бўлди.

Ойиша онамиз (р.анҳо) буни Жанобимизнинг (с.а.в.) вафотларидан кейин яна сўрайди ва билиб олади.

Ўша куни Пайғамбар жанобимиз охирги марта бир енгиллик ҳис қилдилар. Шу хол устига ҳазрати Абу Бакр (р.а.) кириб келди ва Оллоҳ расулини бу вазиятда кўриб, суюниб кетди.

- Эй Оллоҳнинг пайғамбари, Оллоҳга шукр, бугун яхшисиз. Рухсат берсангиз, Аволи томонларга Хорижанинг кизини кўриб келишга борсам. Бугун унинг куни, - деди. Рухсат олиб, чиқиб кетди.

Жанобимиз (с.а.в.) Ойиша онамизни чорладилар:

- Уйда пича пул бор эди, уни нима қилдинг? - деб сўрадилар.

Ойиша онамиз ўрнидан туриб, олти ёки етти дирхам кумуш танга келтирди. Касалингизга қайғуриб унутибман, деган маънода узр тилади. Пайғамбаримиз уларни дарҳол тарқатиб юборишга буюрдилар. Оз бир фурсатда буйруклари бажарилганини айтишганида Жанобимизнинг муборак юзларини ҳузур аломати коплади.

- Мана энди тинчландим, - дея марҳамат қилдилар.

Бу орада Ойиша онамиз Пайғамбаримизнинг орқаларига ўтиб ўтирди. Бошларини кўксига босди ва касалликлари бошланганидан бери неча маротаба қилгани каби «Қул аъзу...» сураларини ўқиб, севиқли пайғамбаримизнинг муборак қўлларига уфурди ва бу қўлларни муборак вужудларига сурди. Яна, Пайғамбар жанобимиздан олдинроқ эшитган ушбу дуони ўқиди:

- Эй инсонларнинг Эгаси, касалликни кетказ, шифо бер. Шифо берувчи фақат ўзингсан. Сен берадиган шифодан ташқарида шифо йўқ. Ҳеч қандай хасталик қолдирмайдиган шифо беришингни истаيمان.

Ойиша онамиз касаллик бошланганидан бери бу дуони ҳам неча марталаб ўқиди. У ҳар дуо қилганида Жанобимиз муборак қўлларини сувга ботирар, юзларига сурар ва:

- Оллоҳим, ўлим берадиган изтиробларга қарши менга ёрдамчи бўл, - дер эдилар.

Ора-орада: «Намозни қолдирманглар... Қўл остларингиздаги қулларнинг ҳуқуқларига риоя қилинглр... хотинларга яхши муомалада бўлинглар...» деб насиҳат қилардилар.

Шу пайт Абу Бакрнинг ўғли Абдурахмон хонага кирди. Коинот саййидининг (саллаллоху алайҳи ва саллам) муборак кўзлари унинг кўлидаги мисвокка қадалди.

Ойиша онамиз буни сезиб:

- Мисвок ишлатмоқчимисиз, эй Оллоҳнинг Пайғамбари? - деб сўради. Ҳа, деган ишорани сезгач, мисвокни олиб, Жанобимизга тутказди. Лекин мисвок курук эди.

- Хўллаб берайми? - деб сўради.

-Ҳа.

Мўминлар онаси мисвокни олиб, оғзида хўллаб, яна қайтариб берди. Пайғамбарлар султони (с.а.в.) уни оғзиларига солиб, роса ишқаладилар. Сўнг кучлари қолмади шекилли, мисвок қўлларидан тушди.

Бир оз хушсиз ётдилар. Ўзларига келгандай бўлганларида, «Сен неъматлангирган зотлар билан бирга бўлишни тилайман: пайғамбарлар, сиддик (рост сўзловчи)лар, шаҳидлар, солиҳлар билан бирга...» деяётганлари эшитилди. Ойиша онамиз шунда Расулulloҳнинг ўлим устида турганларини англади. «Демак, энди бизни эмас, охират юртини танлаяптилар», деди. «Бир пайғамбар дунё ва охират орасида ихтиёрли қолдирилиб, у то охиратни танламагунича ўлмайди», ҳадисини эслади.

Жанобимизнинг муборак нигоҳлари теранлашди:

- Оллоҳумма ар Рафиқал аъло, - дедилар*.

Сўнгра:

- Оллоҳим, энг олий дўстни орзу қиламан... Оллоҳим, энг олий дўстни орзу қиламан... Оллоҳим, энг олий дўстни орзу қиламан... - дедилар.

Шуларни айтдилару қўллари тушди. Кўксиларидан бўшалган охирги нафас қайтиб ичга кирмади. Муборак руҳлари ўзларини оламларга раҳмат қилиб юборган Оламлар Парвардигори сари юксалди. Муборак кўзлари пайғамбарлар ҳавас қилгудек мақомларни томоша қилаётгандай осмонга тўғри боқиб турарди гўё. Бу боқишлар Мавлолари ваъда қилган «Маҳмуд мақоми» (мақталганлар ўрни)гача узанган эди.

Шундай қилиб, «Бахтли қовушиш» содир бўлди. Бошлари кўксига қўйилган энг севиқли фонийдан (дунёдан) узилиб, кўнгиллари доимо боғли бўлган энг Севиқли Боқийга етишганларида тарих ўн биринчи ҳижрат йилининг рабиул аввал ойи биринчиси-душанба куни эди*. Қуёш тикдан ошган, оға бошлаган, пешин намозининг азони айтилса бўладиган палла эди.

Баъзи ривоятларга кўра, хасталик сафар ойининг охири куни бошланган ва рабиул аввал ойининг ўн иккисига тўғри келган душанба куни Мавлоларига ковушганлар. Ўн уч кун касал бўлиб ётганлари устида ҳамманинг фикри бир.

Пайғамбар жанобимизнинг азиз рухлари муборак хоналарини тарк этганида тепаларида турганларнинг бўғизларига тикилиб келган йиғи тугунлари ечилиб кетди. Кўзлардан ёшлар тиркиради. Йиғи овози масжидга ҳам эшитилди. Намозни пойлаб ўтирганлар тақдир қалами белгилаган вақт келганини англашди. Мотам йиғиси аввал масжидга кирган бўлса, энди масжиддан ташқарига тошиб чиқди. Бу вазиятда тўйиб-тўйиб йиғлашдан ўзга чора йўқ эди зотан.

Абу Бакрга хабар юборилди. Умар ўзини кўярга жой тополмасди. Пайғамбаримизнинг ўлимларини ҳеч миясига сингдирилмаётган эди. Қиличини қинидан суғуриб:

- Муҳаммад ўлди, деганнинг калласини оламан! - деб ваҳшат сола бошлади. У зотга жон қайтарилади ва неча мунофиқларнинг қўллари ва оёқларини кесадилар, деб ўйлар эди. Бундай ўйга олиб борган нарса мунофиқлар ўртага ташлаган «Агар чиндан пайғамбар бўлса, ўлмайди», каби маъносиз бир даъво эди.

Бу орада Абу Бакр келди. Ҳеч кимга ҳеч нарса демасдан тўғри Жанобимизнинг ҳузурларига кирди. Энди у зот Ойиша онамизнинг кучоғида эмасдилар. Ётибдилар. Устлари мато билан ёпиб қўйилган. Ёпинчикни кўтарди. Муборак юзларидан ўпди.

- Ота-онам сизга фидо бўлсин, эй Оллоҳнинг пайғамбари! Тириклигингизда чиройли эдингиз, ўлганингизда ҳам чиройлисиз. Жоним кўлида бўлган Оллоҳга қасамки, Улуғ Мавло сизга иккинчи ўлимни тоттирмайди, - деди.

Хотинлар сел каби кўзёшлар тўкишар эди.

Ташқари чиқди. Ҳазрати Умар ҳали ҳам қўлда қилич билан турар, «Валлоҳи, Муҳаммад ўлди, деганнинг бошини кесаман!» дерди. Абу Бакр унга борди.

- Эй қасам ичаётган одам, озгина ўзингни қўлга ол,- деди.

Чиндан, ҳозир матонат кўрсатиш пайти. Умарнинг бу сўзлари билан ҳеч қандай натижага эришилмайди - кетган қайтиб келмайди.

Сўнгра Абу Бакр хаяжон ичра ўзига боқиб турган одамларга ўгирилди. Оллоҳга ҳамд айтди, Пайғамбарга салоту салом йўллади ва кейин бундай деди:

- Дикқат қилинглр, ичларингда Муҳаммадга қуллик қилганлар бўлса, билиб қўйсин, Муҳаммад ўлди. Ким Оллоҳга қуллик қилаётган бўлса, Оллоҳ таоло тирикдир ва асло ўлмас! У Оллоҳ бундай марҳамат қилган: «(Эй Муҳаммад!) Ҳеч шак-шубҳасиз, сиз ҳам ўлгувчидирсиз, улар ҳам ўлгувчидирлар»*. Ва яна бундай деган: «Муҳаммад фақат бир пайғамбардир, холос. Ундан илгари ҳам пайғамбарлар ўтган. Бас, агар у ўлса ёки ўлдирилса, кетингизга (куфрга) қайтиб кетасизларми?! Кимда-ким кетига қайтиб кетса, Оллоҳга бирор зиён етказа олмас. Оллоҳ эса (йўлларидан қайтмай) шукр қилгувчи бандаларини муносиб мукофотлайди»**.

Ҳазрати Абу Бакр сўзларини шу ерда битирди. Йиғи кучайди. Ҳазрати Умарнинг хаяжони ҳам ўтиб кетди.

Кейинлар ўша кунни ҳар ҳикоя қилганида: «Абу Бакр гапираётганида худди у оятларни биринчи марта эшитаётгандай эдим», дерди.

...Мадина ташқарисида қароргоҳ қурган қўшинга хабар борганида ҳамма шаҳарга қайтди. Бурайда қўлидаги байроқни Расули ақрам жанобимизнинг уйлари рўпарасига тикди. Унинг бу иши мўминларга бошқача бир кайғу берди, ораларига оғир махзунлик чўқди.

Пайғамбаримизнинг ўлимлари мусулмонлар учраши мумкин бўлган энг катта мусибат эди. Бу ҳақиқатни шахсан ўзлари ҳам бир гал айтганлар. У зот қолдирган бўшлиқни айна қийматда ҳеч тўлдириб бўлмаслиги аниқ. Аммо мўминлар бир амирнинг теварагида бирикишлари лозим, ишлар битта қўлдан ва битта жойдан бошқарилиши керак, то бошбошдокликка майдон берилмасин.

Мадиналик ансорлар шундай ўй билан Бани Соида оиласининг боғига тўпланишди ва Саъд ибн Убодани (р.а.) Пайғамбаримизга (с.а.в.) халифа (ўринбосар) қилишга қарор беришди. Тез бориб уйда касал ётган Саъдни турғазиб бокқа келтиришди.

Расулulloҳни (с.а.в.) кўмишга тайёргарликлар кўрила бошлади. Ўлган бир инсон учун нима керак бўлса, ўшалар, яъни, ювиш, кафанлаш каби зарур ишлар борарди.

Шундай дардли, аламли бир паллада ҳазрати Умарга бир хабар келди. «Ансор ўз ораларида тўпланиб Пайғамбар жанобимизга халифа сайлашяпти, тез бормасанг бўлмайди, эй Умар», деб келди биттаси. Умар тевааракка олазarak қарай бошлади, ҳазрати Абу Бакрни излади. Уни кўргач, ёнига бориб кўлига ёпишди. Бир-икки сўз билан вазиятни тушунтирди. Тез икковлари йўлга чиқишди. Кетаётиб Абу Убайдани учратиб қолишди. Кўнгилдагидай иш бўлди ўзиям. Шундай қилиб Муҳаммад умматининг энг таниқли қисмидан уч киши бу муҳим ишга аралашиб учун шошилишч йўлда давом этишди.

Бу пайтда мадиналиклар масалани энига-бўйига обдан музокара қилишган ва қарорларини бериб бўлишган эди. Саъд ибн Убодага байъат қилишлари қолган эди, холос. Аммо йиғинга уч буюк зот келиб қолгач, масалани бошқатдан гаплашиб олиш мажбурияти ҳосил бўлди.

Абу Бакр узоқ гапирди, эътирозларнинг ҳаммасига қондирувчи жавоблар берди. Халифалик Пайғамбар (с.а.в.) қавмларида қолишига, ансор яна ёрдамчиликни давом эттиришига уларни кўндирди. Ансорнинг: «Биздан бир амир, сиздан ҳам бир амир» деган фикри ўрнига: «Биз амир бўламиз, сизлар вазирсизлар», деб жавоб қилди.

Сўнг Умар гапирди. Динда энг буюк асос намоз эканини, намозни ўқиб беришга эса Жанобимиз Абу Бакрдан бошқага рози бўлмаганларини эслатди.

Абу Убайдахам сўзлади.

- Эй ансор жамоати! Сизлар ёрдам қилганларнинг, Исломга кучок очганларнинг олдиндилари эдиларинг. Эҳтиёт бўлинглар, бу ишни ўзгартирганларнинг ҳам олдингиси бўлиб қолманглар, - деди.

Сўнгра Абу Бакр тўпланганларга бундай мурожаат қилди:

- Мана, сизларга иккита номзод, қайси бирини танласаларинг, унга байъат қилинглар, - дея Умар билан Абу Убайдани кўрсатди. Ҳар иккиси ҳақида Пайғамбар жанобимизнинг тақдирловчи сўзларини эслатди.

Лекин ҳазрати Умар (р.а.) ҳазрати Абу Бакрнинг кўлидан тутиб, унга байъат этишга чоғлана бошлади. Бу орада мадиналик мусулмонлардан Башир ибн Саъд (р.а.) Абу Бакрга байъат қилди. Кетидан Умар билан Абу Убайда кўл беришди. Шу тариқа масала ҳал бўлди-қолди. Ўша ерда ҳозир бўлганлар битта-битта келиб ҳазрати Абу Бакрнинг кўлини тутишди ва уни Расулulloҳнинг (с.а.в.) халифалари сифатида тан олишларини ва итоат этишларини билдиришди. Байъат қилмаган битта Саъд ибн Убода қолди.

Теваракларда эшитиб қолганлар ҳам келиб, гуруҳ-гуруҳ байъат қила бошлашди. Бу ишлардан фақат ҳазрати Али, ҳазрати Аббос (Оллоҳ улардан рози бўлсин) каби Пайғамбар оилаларидан бўлганлар хабарсиз қолишди.

Эртасига ҳазрати Умар масжидда бир хутба қилди, бўлиб ўтган ишларни тушунтирди. Кеча хабарсиз қолганларни Абу Бакрга байъат этишга чақирди. Чақириқ умуман қабул қилиниб, битта-биттадан келиб кўл беришди. Ҳазрати Абу Бакрнинг халифалигини қабул этишди.

Абу Бакр минбарнинг икки поғонасига чиқди. Оллоҳга ҳамд, расулига салоту салом айтиб, сўз бошлади:

- Ичларингда энг яхшиларинг бўлмаганим ҳолда устларингга мени бошлиқ қилиб сайладиларинг. Агар мен вазифамни чиройли бажарсам, бўйинсунинглар, вазифамни яхши бажаролмасам, мени тўғриланглар ва ёрдамчи бўлинглар. Тўғрилиқ омонат, ёлғончилик хиёнатдир. Ораларингдаги заиф киши то ҳаққини золимдан олгунича менинг ёнимда қувватли, эътиборли одам каби муомала кўради. Сизларга кўра қувватли бўлган киши эса, то ундан

заифнинг ҳаққи олингунича заиф ва ожиз одам ўларок баҳоланади. Бир қавм Оллоҳ йўлида ҳақиқатни тарк этса, мутлақо уларни зиллат ёқалайди. Бир миллатда ёмон ишлар ёйилса, Оллоҳ улар устига умумий бир бало юборади. Мен Оллоҳ ва расулига бўйинсунсам, сизлар ҳам менга бўйинсунинглар. Оллоҳга ва расулига тескари ишларни қилсам, сизлар менга бўйинсунманглар. Қани, энди намозга марҳамат қилинглари. Оллоҳ бизга раҳмати ва марҳамати билан муомала қилсин.

Минбардан тушиб, меҳробга келди ва намозни бошлади.

Ҳазрати Али (р.а.) ҳеч қутилмаганда бу ишларни хазм қила олмади. Энг камида ундан ҳам фикр сўрашлари лозим эканини айтиш билан қифояланди. Ҳошим ўғилларини тамсил этувчи гуруҳ сифатида ҳазрати Али, ҳазрати Аббос ва ўғиллари байъат этмаганлардан эдилар.

Ҳазрати Алига, халифалик даъвоси билан ўртага чиқ, агар чиқсанг, Қурайшдан қўли қилич тутадиган кўп ёрдамчи топа оласан, деган таклиф билан чиққан биттасига у рўйхуш бермади, «Сен бу таклифинг билан фақат фитна чиқармоқчисан, Исломга ва мусулмонларга душманлигингни кўрсатяпсан. Бизга сенинг насиҳатинг керак эмас...» деган жавоб берди. Чунки ҳазрати Али энг чин маънода самимий мусулмон эди. Болалигидан бери пайғамбарлар султонининг уйларида ва у зотнинг тарбияларида етишди. Халифа бўламан деб бунақа тубанликка ҳеч қачон бормайди. Ҳатто, келажакда диндан қайтганлар билан урушишга отланган ҳазрати Абу Бакрнинг олдидан тўсиб чиқиб, отининг юганидан ушлаб: «Қиличингизни кинига солинг ва ўзингизни таҳликага солиб бизни алам ичида қолдирманг. Валлоҳи, бошингизга бир фалокат келса, сиздан кейин мусулмонлар қайтиб тузалмайди», дея олган.

Мана, фазилатли одам бунақа бўлади! Пайғамбар асҳоби деб буларни айтилади! Оллоҳ рози бўлган, Пайғамбар ҳам чин кўнгилдан севган, «Мен кимнинг дўсти бўлсам, Али ҳам унинг дўстидир», деб таъриф олган одамни мана шунақа фазилатлар беэаб турарди. Ҳазрати Али ва у кабиларнинг бахти халифалик мақомига ўтиришда эмас, Исломни ва мусулмонларни бирлик ва баробарликда кўришда, ҳузур ва суқун ичида бўлишдадир.

Ҳазрати Алими, ҳазрати Умарми ё булар каби буюкларми - ҳеч қачон бу топ-тоза мақсадлардан бошқа фикрлари бўлмаган.

Қолаверса, ҳазрати Али (р.а.) Пайғамбар жанобимизнинг (с.а.в.): «Агар иккита халифага байъат қилинса, кейин байъат қилинганини ўлдиришлар», деганларини ҳам биларди*.

Расулulloҳнинг (с.а.в.) муборак жасадларини ҳазрати Али ювди. Кийимларини ечишмади. Фазл билан Усома сув қуйиб туришди. Бу ишлар устида ҳазрати Аббос, унинг бошқа ўғли Қусам ва пайғамбаримизнинг озод қилган қуллари Шухронлар ҳам бор эди.

Ювиб бўлингач, жанобимизнинг муборак вужудларини бир муддат ёлғиз қолдиришди. Сўнгра бошда ҳазрати Али ўларок Ҳошим ўғиллари, хотинлари ва болалари жамоат бўлмасдан жаноза намозини ўқишди. Улардан кейин айни шаклда бошқа мўминлар ва мўминалар, болалар ва қулар ўқишди.

Гўр қаерда қазилажак масаласи маслаҳатлашилди. Ҳазрати Абу Бакр «Пайғамбар қаерга кўмилиши лозим бўлса, Оллоҳ таоло жонини ўша ерда олади», маъносидаги бир ҳадисни айтиб, масалани ҳал этди. Пайғамбаримиз охириги нафасларини берган жойларидан Абу Талха гўр қазиди. Бу жой Маккадан илк келишганида туялари чўккан жой эди. Эски бир бахмал гўр ичига тўшалди. Ҳазрати Али, Аббос, Фазл, Қусам ва Шухрон тушишди, жанобимизнинг муборак таналарини камоли ҳурмат-ла у ерга қўйишди.

Қабри саодатнинг усти ёпилганида чоршанба кечасининг ярми ўтган эди.

Кўмиш ишлари битгач, ҳазрати Фотимага (р.анҳо) келиб таъзия билдиришди.

- Оллоҳнинг расулини кўмдиларингми? - деб сўради у ҳолсиз.

- Ҳа, эй Оллоҳ расулининг қизи, - деб жавоб қилишди унга.

- Устларига тупроқ тортишга қандай кўнгилларинг бўлди?.. У зот раҳмат пайғамбари

эмасмидилар?..

- Эй пайғамбаримизнинг кўзнурлари! Биз ҳам ғоят оғир ғамдамиз, аммо начора, Оллоҳнинг ҳукмига қарши бориб бўлмайди.

Ҳазрати Фотима жанобимизнинг шарафли қабрларига келди. Кечагина у нозанин вужуд ётган жойда, бугун ердан бир қарич баланд қилиб уюлган тупрок бор эди. Эгилиб, бир ҳовуч тупрок олди. «Аҳмаднинг тупроғини ҳидлаган кимса ортик ҳеч бунақа гўзал ҳидни ҳидламаса, нима қилиш керак?.. Бошимга шундай мусибатлар ёғилди, агар улар кундузларга ёғилса, қоронғу кечаларга айланарди...» маъноларида байтлар ўқиди.

Ушбу марсия ҳам ҳазрати Фотимага оиддир:

«Рухим ғам-қайғулар ичра банди бўлди. Не бўларди, йиғилар билан чиқиб кетсайди. Сиздан кейин ҳаётда қолишимдан бир яхшилик йўқ. Мен фақат ҳаётнинг узайиб кетишидан кўрқиб йиғлаяпман...»

ўамга ботган фақат Фотима эмасди. Пок оналаримиз тул қолишган, мўминлар ўзларини чуқур бўшлиқда ҳис этишар эди. Чекилаётган қайғуни тил билан ифодалашнинг имкони йўқ.

Айни чоқда, мунофиқлар ҳам чуқур бир нафас олиб қўйишганини айтиш мумкин.

Расулulloҳ (с.а.в.) орқаларидан мол-давлат қолдирмаган эдилар. Ўлимларидан бир неча соат олдин уйдаги олти-етти дирҳамни ҳам садақа қилиб тарқаттириб, мана энди тинчландим, деган эдилар. На бир динор, на бир дирҳам, на бир қул ва ё чўри... Фақат, ўзлари минган битта оқ хачир, таққан силоҳлари ва йўлчилар фойдаланиши учун садақа

қилган бир ерлари бор эди. Ўлимларига яқин қолганида ўттиз соъ арпа олиш учун совутларини бир яҳудийга гаров қилиб берган эдилар*.

Хотинларига нафақа қилиб ажратиладиган миқдордан ортикча мол пайдо бўлса, фақирларга тарқатилар эди. Чунки Пайғамбар (с.а.в.) бир гал: «Биз пайғамбарлар жамоаси... меросчимиз бўлмайди. Қолдирган ҳамма нарсамиз садақадир», деганлар ва бу ҳадисни ҳазрати Абу Бакр ривоят қилган.

Жанобимизнинг ҳижратдан бери давомли равишда минган қадрли туялари Қасва энди бўш қўйиб юборилди. Бақиъ қабристонидида ўтлаб юрган Қасва кейин ҳам кўрганларга доимо Расули акрамни эслатиб юрди ва Абу Бакр даврида шу ерда ўлди.

Расулulloҳнинг (с.а.в.) биринчи ва қиёматли халифалари Абу Бакр (р.а.) бундан буён мусулмонларнинг ишлари билан шуғулланиши лозим эди. Энг олдин Усоманинг кўшинини йўлга чиқариши керак. Жанобимиз ўзлари тўплаган кўшинни орқага қайтариб бўлмаслиги турган гап.

Кўшин дарҳол тўпланди. Аммо ҳалиям кўнгилларда ўн саккиз ёшли бир йигитчанинг бош кўмондон бўлиши билан боғлиқ хавотирлар бор эди. Бу кўшин ичидаги қанчадан-қанча буюк инсонлар оддий аскардай бориб келадими энди?

Ниҳоят, ҳазрати Умар кўпчиликнинг фикрини ифодалаб, ҳазрати Абу Бакрга масалани тушунтирди. Абу Бакр дўстига маъноли боқди.

- Эй Умар, Усомани бу кўшинга кўмондон этиб тайинлаган менмидимки, мен олиб ташласам? - деди.

Мусулмонлар бошига келар-келмасимдан Пайғамбаримиз ўрнатиб кетган ишни бузишимни хоҳлайсанми, демокчи бўларди бу гапи билан.

Бу гап ҳазрати Умарни терлатди, бутун вужудини сувга ботирди. Умрида бу даражада уялганини билмайди. Нима бўлдию бу нозикликка ўзининг ақли етмади!..

Кўшин ҳаракатни бошлади. Ҳазрати Абу Бакр бир муддат Усоманинг ёнида юриб борди. Айриладиган онларида:

- Эй Усома, лозим кўрсанг, Умарнинг ёнимда қолишига рухсат бер! - деди.

Рухсат тегиб, ҳазрати Умар кўшиндан ажралди. Бош маслаҳатчи сифатида халифанинг ёнида қолди.

Борган жойидан зафар козониб кайтажак қўшин эса, оғир-оғир илгарилар эди.

Билол (р.а.) ортик муаззинлик қила олмаслигини, хатто Мадинада туришга ҳам бардоши етмаслигини англади. Шом тарафларга кетишни, у ердаги ғазотларга қатнашишни ва насиб қилса, шаҳидлик мартабасига эришиб, севикли пайғамбарига ковушишни орзу қилиб қолди.

Набилар сарварининг қийматли хотинлари энди то ҳаётларининг охиригача тул қолажаклар эди. Жанобимиз уларни олий жаннатда такрор ўзларига хотин қилиб олажаклар, дунёда бошланган биргаликдаги ҳаётлари янада мукамал ҳолатда у ерда давом этажак. Жаноби Мавло уларни «мўминларнинг оналари» деб аташ билан Пайғамбаримиздан сўнг бошқаларнинг уларга уйланишларини кескин ҳаром қилган эди.

Расулulloҳ (с.а.в.) ўлимларидан роппа-роса олти ой кейин ҳазрати Фотима (р.анхо) ҳам бу ўтқинчи дунёдан айрилди.

Хотинларига келсак, Пайғамбаримиздан сўнг биринчи бўлиб Зайнаб онамиз ўлим топди. Ҳижратнинг йигирманчи йили Жанобимизга ковушди. Унинг ортидан қирқ бешинчи

йили Хафса онамиз, эллагинчи йили Сафийя онамиз, эллик тўртинчи йили Савда онамиз, эллик олтинчи йили Жувайрийя онамиз, эллик саккизинчи йили Ойиша онамиз, олтмиш биринчи йили Умму Салама онамиз ва яна шу йили Маймуна онамиз (Оллоҳ ҳаммаларидан рози бўлсин) Жаноби Ҳақнинг раҳматига ковушишди. (Бошқа бир ривоятда Маймуна онамизнинг эллик биринчи йили вафот этгани айтилади.)

Маймуна онамиздан бошқа ҳаммалари Бақиъ кабристонига кириладиган дарвозанинг шундоқ рўпарасида ёнма-ён ётишибди. Ҳазрати Фотима эса кираверишнинг сал ўнг томонига қўйилган.

Жаноби Мавло уларни яхши кўрганларни шафоатига ноил қилсин, севгиларини юракларимизда доим қилсин. Омин би ҳурмати саййидил анбийаи вал мурсалин.

ХОТИМА ЎРНИДА

Пайғамбарлик ва элчилик вазифаси келмасидан олдин ҳам топ-тоза бир ҳаёт кечирган, ҳар сўзи тўғри, ҳар иши ҳикматли, ҳар хатти-ҳаракати мард ва асил бўлган буюклар буюги, такводорлар имоми, ҳидоятнинг энг катта йўлбошчиси Муҳаммад Мустафо (Оллоҳнинг салоти ва саломлари бўлсин) ҳақларида ҳозирлашга ҳаракат қилганимиз китобга шу ерда нукта қўямиз.

Китобни бошлаётганда Пайғамбаримизни шаънларига лойиқ шаклда танита олиш бир инсоннинг қўлидан келмаслигини билдирган эдик. Масалан, ҳазрати Абу Бакрнинг (Оллоҳ ундан рози бўлсин) севгиси, ҳурмати ва туйғуларини, Абу Жаҳлнинг кин ва нафратини сўз билан ифодалай билиш имконсиз эканини айтган эдик. Ҳозир ҳам айни шу қаноатдамиз. Ушбу қилган ишимиз денгиздан бир ҳовуч сув олишдай гап. Олтмиш уч йиллик ҳаётни олти жилдда* фақат шунчалик баён эта оламиз.

Китоб ҳозирланаётганида энг ишончли манбаларга суянганимизни айтиб қўйишим керак. Тез-тез ва жуда кўп манба кўрсатиш имкони бор эди, лекин бу йўл ўқувчини зериктириб қўяди деган тушунча бизни бу йўлдан қайтарди.

Бу китобни ёзишга киришаётганимизда одамлар билмаган, фарқига бормаган ҳақиқатларни кўзлар ўнгига тизиб қўйиш даъвоси бўлмади бизда. Мақсадимиз эртага шафоатига эришиш саодатини кутганимиз Жанобимизни бошқача услуб билан ўқувчига танитиш, яна ҳам кўпроқ севдириш, имонли кўнгиллардаги муҳаббатни яна ҳам бироз орттира олиш эди. Бу борада эртага илоҳий ҳузурда гувоҳ бўладиган ва «Оллоҳим, мен бу китобни ўқидим, ҳабиби адабингни яна ҳам каттиқ севадиган бўлдим», дейдиган мўминларга Жаноби Мавло дунё ва охира саодатини берсин. Бизни яхшилик билан эслайдиган дин қардошларимизга хилма-хил яхшилик ва саодат эшикларини очишини, кўринар-кўринмас қазолардан, куч етмас балолардан сақлашини Улуғ Мавлодан тилайман.

Оллоҳумма солли ала саййидина ва набиййина Муҳаммадин ва саллим.

*Таржима Оллоҳнинг марҳамати билан 2005 йил нўябрнинг 24-куни шанба тонгида
итмомига етди.*